

**ШУКУР ХОЛМИРЗАЕВ**

**САЙЛАНМА**  
**II-ЖИЛД**

Ҳикоялар

**Ҳикоялар рўйхати**

Табассум  
Омон овчининг ўлими  
Қумрилар  
Битикли тош  
Қиш ҳангомаси  
Яшил «Нива»  
Устоз  
Хумор  
Ҳайкал  
Йиғи  
Хоразм, жонгинам  
Ўзбек характери  
Ҳукумат  
Қадимда бўлган экан  
Хорун ар-Рашид  
Кўк денгиз  
Чиллак ўйин  
Оқтош  
Қуёш-қу фалақда кезиб юрибди  
Аросат  
«Уҳ»  
Озодлик  
Ёзувчи  
Булут тўсган ой

## ТАБАССУМ

Жалил ака дераза тагида ётарди. Тўшакда. Болиши баланд. Унга суяниб, бошини кўтарса, боғни кўради. Ўзи обод қилган боғ у. Энг қари ёнғоқ «олтмиш»га кирди. У билан бир вақтда экилган тут кесилиб кетди. Каллаклаванириб куриди. Кейин йиқитиб, ғўла қилиб олишди.

Жалил аканинг ўзи ҳам кетиш олдида. Ўсма билан оғриган. Билади. Докторлар кўп вақт яшириб юришди. Лекин Жалил ака овқатдан қолаётгани, озиб кетаётганидан кўрқиб юрарди. Бир куни севимли невараси — ёлғиз ўғлининг ягона қизи Садафдан сўради: «Болам, дардни касал одам билса, ўзиям тузалишига кўшиш кўрсатар экан. Эшитганим бор. Сен бегона докторлардан сўра, болам. Дардим нима экан? Фақат ростини айтасан, хўпми?» «Хўп, бобожон», деди Садаф. Орадан бир кун ўтмай Садаф кути ўчиб келди. Бобоси ёнига чўккалаб хўп йиғлади. Кейин: «Бобожон, айтишга тилим бормаиди-да», — деди. «Неварам, мен сени ўзим катта қилдим... кўтариб. Мени... бобонгни яхши кўрсанг, хурматласанг, борини айт». «Бобожон, ўзингиз ҳам унга қарши... иш қиласиз-а?» «Албатта-да! Нима деб эдим сенга?». «Бобожон, касалингиз — рак экан». Садаф яна изиллаб йиғлай бошлади.

Жалил ака, одамлар айтишича, Жалил ота қарахт тортиб қолди: қаёқдан пайдо бўлди бу дард? Кўп-а, ҳозир... Қария анча сукутга толиб ётгач, хўрсинди. Бу дард — бедаво эканини эшигтан ва чамаси ўзининг «касалиги» ҳам шунга яқинроқмикан деган хаёлларга ҳам борган эди.

«Қисмат экан-да, — деди. — Во дариғ. Йўғ-е... Ўксиш бекор. Бирники ўтдан, бирники сувдан... Меники шундан экан. Ўзи бир ҳисобда ёшимниям яшаб бўлдим. Мен тенги курдошларимдан кимлар қолди? Ҳа-а, Мўмин... бор. У мендан икки-уч ёш катта-я. Юраги бутун экан-да! Ҳа, унинг юраги бутун. — Жалил ота ғашланиб ўйлай бошлади. — У бошқача... Ёмонга, номардга... ўлим йўқ дейдилар-ку! Ҳа-е, майли... Уям яшасин. Бари бир дунёга устун бўлмайди. Бировга ўлим тилагандан...»

У ўзининг рак экани, яъни ўсма касалига мубтало бўлганини эслаб аянч жилмайди. Кунлар ўтди, ой ўтди.

Қария баъзан тонгга етиши гумондек сезарди ўзини, баъзан шу ётишда минг йил яшайдигандек эди. Лекин кейин-кейин ўғлининг ҳам, келинининг ҳам ўзига тикилиб-тикилиб қарашидан англадики, касали нималиги уларга ҳам маълум. Бироқ миқ этмади. Улар... улар отанинг ҳадемай туриб кетишини башорат қилишарди.

Бир куни ҳовлида югур-югур кўп бўлди. Кимлардир келишди. Жалил ота кечаси ухлолмагани, ўйланиб чиққани учун кундузи уйку босиб ётган эди.

«Ҳа, биронтаси келгандир-да», деб қўйди.

Бироқ, кечга томон ҳовлида тагин югур-югур бўлиб қолди-да, кейин ҳаммаёқ тинчиди. Кейин қош қорайганда, ўғли Шокир новча қоматини эгиб, эшикдан кирди.

— Салом алайкум, ота.

— Ке, ўғлим, ўтир.

— Э, бир-икки одам келди. Сизни безовта қилмасин, деб бу ерга киритмадим.

— Ким экан улар?

— Совчилар-да! Неварангизга.

— А-а, Садафнинг ҳам бўйи етиб қолди. Шунинг тўйини... тинчиганини кўрсам, армоним йўқ эди.

— Э, ҳали чевараям кўрасиз, ота.

— Йў-ўқ, болам... ўлим — ҳақ. Бир ерда гурунг бўлиб эди. Ҳе, ёш эдим ўшанда. Лекин эсимда қолган. Бир командиримиз бўлгич эди.

Шокир кулимсиради.

— Командир...

— Ҳа, энди, муллаям билганини ўқийди-да, болам... Бизнинг ёшлик ўз йўлига ўтди. Жанг-жадал...

Жалил отанинг умри чиндан ҳам «жанг-жадаллар»да ўтган. Инқилоб ғалаба қилганда ўн беш ёшларда эди. Иигирманчи йилларда кўнгилли бўлиб қизил аскарлар сафига кўшилди: улар хизматини қилиб, отларига ем ташиб, тагини кураб юрди. Етимча қиёфасида босмачилар қароргоҳларига неча марта бориб келди. Аммо-лекин бир гал... Ўшанда...

Кейин «Қизил калтакчилар» сафига кўшилди. Кейин кулоқларни тугатиш... Ватан уруши...

Шуниси қизиқки, Жалил... Жалил ака ўша қилган хизматлари ҳақида штифоко битта ҳам нишон тақмади. Нишон қайда, бир парча ёрлик ҳам олмади.

Лекин бу нарсаларни орзу қилмаган ҳам эди: у қилиши лозим деган ишни қилар, аксини қилмас, йўқ: ўзлигига қарши бормас, бунга кучи етмас эди. Шунинг учун баъзи ўринларда «тирсакланди» ҳам.

Зеро, оддий иш... хушомад қилиш, катталарга таъзимда бўлиш, кези келганда, бир гапдан қолиш ҳам... қўлидан келмади. Аксинча, шундай қилиб, обрў топган, мартабага минган кишилардан нафратланади ҳамон...

Унинг бори — шу экан.

— Ҳа, яхши гапмиди ўша гап?

— У-у, доно гап. — Жалил ота шифтга тикилди. — Раҳматли командиримиз ўзи хўжалардан чиққан эди. Лекин янги ҳукуматга... советга содиқ эди. Номардлик ёмон...

— Уни айтгансиз, — деди Шокир. — Хўжасан деб қамашган.

— Ҳа, ўз жўраси қамади.

— Ҳалиги гап...

«Шошиляпти» деб ўйлади Жалил ота ва гапни қисқа қилди:

— Шу киши раҳматли айтгич эди-да: «Ўлимдан қочиш керак! Лекин ўлимниям бўйинга олиб юриш керак!»

— Қўйинг, ота, ўлимдан гапирманг.

— Э, болам, мен кўрдим...

— Яна...

— Сен ишингдан қолма... Менинг дори-дармоним бор. Иштаҳам яхши... Фақат сизларга жуда қараб қолганимдан хижолатман, ўғлим. Йў-йўқ, сен гапирма... Шокир жим қолди.

— Шундай. Энди, на чора!

— Омонатини олгунча кутаман-да.

Шокир илиққина кулди.

— Ёшингиз ўтиб, жудаям тақводор бўлиб қолдингиз.

Жалил ота ҳам кулди.

— Ўзимам ҳайронман.

— Ота дейман... Ҳалиги...

— Лаббай, гапиравер.

— Садафингиз бу йил ўнни битиради. Кейин ўқишга бормоқчи.

— А-а.

— Майли. Менинг қаршилигим йўқ. Лекин унга ёрдам ҳам беролмайман.

— Ҳа-а.

— Лекин қаерга кетсаям боши боғлиқ бўлиб кетса дегандим. Кейин ўқишини сиртқиға ўтказиш мумкин. Қисқаси, қиз боланинг бир шаҳарга кетиши...

Жалил ота яна кулимсиради.

— Сен ҳам мендан қолишмайсан.

— Нимада?

— Э...

Шокир ўрnidан турди.

— Майли.

Бир ҳафтадан кейин яна ховлида югур-югур бўлиб қолди. Жалил ота хушёр эди. Бирок, бу гал ҳам меҳмонларни бу хонага киритишмади. Бу гал ҳам улар кетиб бўлишгач, Шокир келин билан кирди. Отага қўш салом бериб, четга ўтиришди. Кейин Шокир гап бошлади:

— Ота, сиз жанг-жадал, уруш, командир... деб бежиз гапирмайсиз, — деди. — Ўша йилларни сиз жуда яхши биласиз. Ёшлиқдан кўп нарса бошингиздан ўтган...

Чол тетикланиб ётган жойида бош қимирлатди.

— Ҳақиқат, рост.

— Ўша даврдаги тенгдош жўраларингиз ҳам саноқли қолган-а?

— Ҳа, болам.

— Шу, Мўмин ота билан қалайсиз?

Чол ўғлига тикилиб қолди. Кейин, ижирғаниб, кўзини пастга олди.

— Нимага сўраяпсан?

— Энди... сизларнинг мундай нон-қатиқ бўлиб ўтирганларингни ҳеч кўрмадик-да.

— Ҳа, кўрмайсан ҳам. Шокир совуқ тикилди.

— Нима учун?

Чол яна бирпас сукутга толиб қолди-да:

— Сўрама, — деди. Кейин юзи тиришиб кетди. — Сўрама... Онт ичганман.

— А?

— Қасам ичганман.

— Тавба!

— Кўй уни.

— Энди...

— Болам, овора бўлма.

— Қизиқ одатларингиз бор-да.

— Шу-шу.

— Ҳа. Оқшом яна кираман.

— Хўп.

Шу билан ота-боланинг ораси совий бошлади. Шо-кир келиб, Мўмин ака ҳақида гап бошлайди. Жалил ота кўзини юмиб олади. Ўртада бошқа гап қолмагандек. Шокир чиқиб кетади, чол хаёл суриб, ижирғаниб ётади.

Кейин-кейин тусмоллай бошлади. Мўминда ҳам икки-учта неvara бор. Энг кичиги Садаф билан тенгдош, ё ундан бир-икки ёш катта.

Ўша одам қўяптими Садафга?

Чол титраб кетди.

У Мўмин ака билан бир умрга ажралишган. Тўғри, жойи келганда у билан сўрашган бўлади. Бир даврада ўтиради ҳам. Бироқ, бегоналардек.

Бироқ унинг орқасидан... бир оғиз сўз демаган, демас ҳам.

Уни эсласа борми, дарров кўз олдига Боботоғ йўллари, Ёлғизкапа ўрқачидаги овчиларнинг пистирмаси, қилич, милтик, ўқ-дори, совуқ тунлар, юлдузли осмонлар гавдаланиб кетади. Ўқсиб жимиб қолади.

Ўшанда, тоғдан қайтиб тушаётганда, Мўминга берган ваъдасини эслайди.

Кейин: «Ҳа-е, шундайи ҳам бўлар экан-да», деб қўяди. Шу, холос.

...Гап шундаки, Жалил ака Жалилбек бўлиб, Орзихўжа командирнинг отрядида юрганда, бир тун уни ўчоқ бошига чақириб, Орзихўжа шундай деди:

— Куюн кўрбошини биласан-а?

— Ҳа, — деди Жалил.

— Унинг ишларини?

— Эшитганман.

— Бизга топшириқ келди. Уни тириклай қўлга олиш керак.

— Бу қийин.

— Қулоқ сол. Қийинлигини мен ҳам биламан. Лекин унинг тўпида Мўмин деган йигитимиз бор...

— Танимайман.

— Кўрсанг, танирсан.

— Бораманми?

— Ҳа. Куюннинг йигитлари озайиб қолган. Шу кунларда Боботоғнинг Ёлғизкапа деган довонида эмиш. Бир чўпон кўрипти. Хабар берди.

— Уни тутиш керакми?

— Ҳа..

Эртаси куни Жалил жанда кийиб, қўлига таёқ олиб, ҳеч қандай қуролсиз ҳолда йўлга чикди. Йўлакай чўпонларнинг овулида тунаб, ўз кунини кўриб, Боботоққа етди.

Ниҳоят, Ёлғизкапага рўпара бўлди.

Шунда олдидан бир кийик чиқиб қолди. Кейин бир овчи кўринди. Кийик Жалилдан ҳуркиб, овчига бурилди. У отиб олди. Жалил чопиб бориб, кийикнинг оёғини босиб турди. Овчи сўйиб ҳалоллади.

Кейин Жалил:

—Оға, биздан хуркиб сизга йўлиқди, танимизни бермайсизми? — деди.

— Кимсан ўзинг?

— Бу дунёда отаси ўлмаган ким бор, онаси ўлмаган ким бор?

— Кимсан? Кимлардан бўласан? Нима қилиб юрибсан?

— Таги етимман, оға... Лекин отамиз бели бақувват одам ўтган. Ундан беш-ўнта ушоқ мол бир чўпоннинг кўлида қолган деб эшитар эдим... Мана, фурсати етди деб шуни қидириб чиқдим. Топсам, инсоф қилса...

— Босмачилар еб кетган бўлса-чи?

— Тешиб чиқсин.

— Қизиллар еган бўлса-чи?

— Оға, етимнинг ҳақиға ким кўз олайтирса, топади...

— Оти нима экан у чўпоннинг?

— Шуни билмайман-да... Бир чўпон дейишди. Отам ўлим олдида тилдан қолган эди.

— Шуни излаб юрибсан?

— Ҳа, қаерда овул кўрсам, бораман. Бир кеча ётаман. Чўпонларни гапга соламан...

— Бу ёқда овул йўқ.

— Ҳе, тепаликда бир дидбон кўринади.

— А, уми? Қани, юр-чи.

— У ерда одам яшайдими?

— Билмадим.

— Эса, қайтсам...

— Ҳа, юр-чи.

Овчи кийикнинг оёқларини куликлаб, даст кўтарди. У баланд бўйли, сариқ чакмон кийган, барваста йигит. Лекин кўзлари ҳорғин, зериккандек эди.

Жалил унинг кимлигини билолмай, бироқ босмачиларга алоқаси борлигига ишонган ҳолда эргашиди. Салдан кейин, кийикни мен кўтарай, деди. Йигит қарамади.

Пистирма қора сувоқ қилинган, тошқалама деворли уйча эди. Атрофда хас-чўп, суяклар ётибди. Нарироқда бир кўлмак сув. Лекин ранги қора ҳамда ундан сассиқ ҳид келар эди. Пистирманинг ичи шинамгина. Бироқ уч томонда тўрт-беш қават қилиб кўрпачалар солинган, улар эскириб кетган ва мой тўкилган. Тўр деворига учта пилта милтиқ ва иккита қийшиқ қилич осиб турарди. Ўртада ўчоқ.

Қуюн кўрбоши шу овчининг ўзи экан.

— Ука, балки сен қизилларнинг одамидирсан, — деди у кийикнинг бир сонини қовуриб, ўртага қўйгач. — Майли... мен Қуюн кўрбоши бўламан. Эшитган бўлсанг...

Жалил кўрқиб кетиб, ёқасини ушлади.

— Агар...

— Қасам ичма. Мен дунёда қасамдан кўрқаман, ука... Бир вақтлар қасам ичиб эдим... «Шунча қизилни ўлдирипман. Шунча мусулмонни қийратдим. Шунча уйга ўт қўйдим. Шунча сурув молни афғонга ўтказиб, қуролга алмашдим...»

— У-ў! — деди Жалил.

— Юрт озод бўлмаса, ука... биз енгилсак, ўзим пастга эниб бораман деб қасам ичиб эдим... Қайтар дунё дейдилар. Одам мард бўлиб ўлиши керак, ука...

— Ҳим...

— Шуйтиб ўтирибмиз.

— Бир ўзингиз?

— Йўқ.

Мўмин ҳам овга кетган экан. Иккита куённи елкасига ташлаб келди. У ўрта бўй, кўзлари кичкина ва чағир, сергак ва жонсарак йигит эди.

— Бу ким? Сенга нима бор? — деб дўқ қилди Жалилга.

Қуюн кўрбоши орага тушди.

— Кўй, тегма... Буям сенга ўхшаган бир дарвеш-да, Мўмин. Сен ҳам қаландар бўлиб келиб эдинг-ку! Тегма бунга... ўтир.

Мўмин Жалилга ўқрая-ўқрая ўтирди.

— Менинг жўрам, — деди Қуюн қўрбоши Мўминни кўрсатиб. — Отган ўқи тегмайди-ю, ўзи менга содиқ... Ука, ковордоқдан ол. Бу ҳалол гўшт... — У ғамгин кулди. — Ўзинг кўрдинг-ку, ўғирликдан келган эмас...

— Ҳа, оға.

Қовурдоқни еб бўлиб, чой ичишди. Кейин ташқарида гулхан ёқиб ўтиришди. Анави қора кўлмакда ер-мойи бор экан. Бир арча шохини ботириб олиб, ўтга қўйилса, талай вақт ёниб туради.

Бир маҳал тоғдан совуқ шамол эсди.

— Турайлик, — деди Мўмин. — Лекин шу ерда гулхан ёқишимиз ҳам чакки иш, бегим.

Қуюн ҳеч нарса демай уйга кирди. Ечинмасдан тўрға ўтиб ётди.

— Сен бу ёқда ёт, — деб оёқ томонидаги тўшакни кўрсатди Жалилга. Кейин Мўминга деди: — Эшикни ёпма, жўра. Ҳаво кириб турсин.

Кечаси алламаҳал. Жалил безовта. Қўрқади. Қуюндан қўрқади. У ҳўкиздедек кучли. Энг ёмони — ўзининг кимлигини сезгандек: жуда майин гапирди.

Гулхан ҳам ёқтирди...

Бир пайт Мўмин уйқусираб туриб кетди-да, сўқиниб бир муддат ўтирди. Кейин инқиллаб ташқарига чиқди. Эшик оғзида бир оз серрайгач, ён томонга ўтди.

Жалил турмоқчи. Лекин Қуюндан қўрқади. Охири Мўмин билан гаплашиш учун бундан қулай пайт бўлмаслигига ишониб, секин қўзғалди.

Тоғдан изғирин эсарди.

— Ҳа, қаёққа? — деб бақирди Мўмин ва лапанглаб юриб, Жалилга яқинлашди.

— Орзихўжа ака юборди мени... — шивирлади Жалил. — Тириклай тутиб борар эканмиз.

— Жим.

Улар уйга қайтиб киришди. Мўмин ўз жойига, Жалил ўз жойига ётди.

Жалил энди Мўминдан қўрқа бошлади... Бироқ, сал вақт ўтмай унинг ўз одами эканига ишонди. Лекин у нима қилмоқчи? Билолмасди. Қуюн қўрбошини эса, ўлдирмасдан қўлга олишга иккисининг ҳам кучи етмаслиги аниқ.

Балки келишиб, бирдан устига ташланишса...

Йўқ...

Эшиқдан осмон этагидаги юлдузлар кўринар, улар ҳам бу изғиринда совқотиб, шунинг учун зўрға милтиллаётганга ўхшар эди. Қуюн қўрбоши бир текис нафас олиб ухляпти. Қоронғида Мўминнинг кимираб қўйгани кўринади.

Бир пайт Жалил уйқу аралаш тепасида бир сояни кўрди. Кўзларини очди. Йўқ: тепасида эмас. Нарироқда. Мўмин!.. Кўлида қилич. У хиёл тисланиб, Қуюн қўрбошига тикилди. Энгашди. Қилични кўтарди-ю:

— Во-о! — деб юборди. Жалил туриб ўтирди. Қуюн қўрбоши ёнбошлаб:

— Ҳе, Мўминбой-е, — деди.

Жалилни совуқ тер босиб, қалт-қалт титрай бошлади.

— Бегим, мени афв этинг! — Мўмин тиз чўкканча бошини ерга уриб олди.

Қуюн элан-қаран қўзғалиб, чордана қурди.

— Айт, айт, — деди. — Тўки энди бир нарса.

— Йўқ, мен...

— Нима?

— Манави бола... — Мўмин бурила солиб, Жалилга ўқталди. — Чопиб ташлайман. Бу айғоқчи, бегим... Мени йўлдан урди...

Қуюн қўрбоши кулиб, ёнидан милтиқни олди. Қўндоғи билан шифтга қадалиб-солланиб турган қилични туртди. Қилич ерга тушди.

— Э, Мўминбой-ей! — деди. — Ташқарида нари борса, икки оғиз гаплашдиларинг, шунда алдаб олдими?

— Бегим, бегим!

— Ҳа, майли. Ётинглар... Ё яна ўт ёқамизми? Тонг ҳам бўзариб қолди.

Жалил энг орқада чиқди. Ҳар нарсага тайёр: жумладан, қочишга ҳам. Бироқ қочиб қутила оладими? Қуюн қўрбоши пастроққа тушиб керишди. Кейин ермойли кўлмак бошидан қумғонни олиб, пастга

энди.  
Мўмин бурила солиб, Жалилга шивирлади.  
— Милтиқни опчиқ!  
— Тириклай тутиш керак.  
— Тур-е!  
Мўмин ўзи чопиб, уйчага кирди. Милтиқни олиб чиқди. Лекин пилта милтиқни отиш осон эмас. Пахтани тутатиш учун чакмоқни тошга урар экан, Қуюн аста-секин қайтиб чиқди.  
— Нима қилипсан?  
— Шу... тонгда ов...  
— Ха-ха-ха!  
— Э-э!  
— Шошилма.  
У милтиқни олиб, ўқ-дорини тўкди, деворга суяб қўйди.  
— Ўт ёқамиз.  
Кийикнинг яна бир сонини кабоб қилишди. Оғиз-бурунлари, қўллари қоракуя ва мой бўлиб, чой ичишаркан, қуёш ҳам чиқди.  
— Йигитлар, энди гап мундай, — деди. — Мени Денов бозорига олиб борасизлар.  
— Бегим?  
— Бек йўқ... — кулимсиради Қуюн кўрбоши. — Қаршингда бир саёқ беватан турипти.  
— Бегим...  
Қуюн кўрбоши уйга қаради. Шимолга — тоғларга, чўкқиларга қаради. Суяклар сочилиб ётган ерга қаради. Чакмонини кийиб, ўрнидан турди.  
— Боғланглар.  
У қўлини орқасига қилди.  
Мўмин Жалилга қаради, Жалил... Қуюн кўрбошига қаради ва негадир йиғлагиси келди. Мўмин ҳам Қуюн кўрбошига тикилди-да, аста тисланди.  
— Э, йигитлар-е, — деди Қуюн кўрбоши. — Жойларингда мен бўлмадим-да!..  
— Энди...  
— Рост, — деди у ўйчанлик билан. — Ватан қўлдан кетганига олдинроқ ишонганимда, олдинроқ ўзим тушиб борар эдим. Шаҳид кетишга нима етсин.  
Мўмин бир қадам четга босди.  
— Кўрқма, — деди Қуюн кўрбоши. — Боғла, ука. Лекин тагин бир нарсага ишонишни истайман.  
— Айтинг, бегим!  
— Мени суд қилишсин.  
— А?  
— Бозорда.  
Бирпасдан кейин Қуюн кўрбоши — олдинда, қўллари ортида боғлиқ ҳолдд, хотиржам кетиб борар, унинг орқасида — Мўмин, қўлида бир милтиқ, елкасида бир милтиқ, шахдам одим отар, Жалил — энг орқада, кийикнинг қолган гўшти ва бир бўхча шол рўмол кўтариб олган эди.  
Боботоғдан энаверишда Мўмин анча ўзгарди. Ово-зи ҳам баландлаб, Қуюн кўрбошига:  
— Буёқдан, уёқдан юринг! — дейдиган бўлди. Кейин уни сенлашга ўтди.  
Йлк қишлоққа яқинлашганда, Жалилга қараб:  
— Кўрдингми, босмачини ушлаш қандай бўлади? — деди.  
Жалил гарангсиб:  
— Сиз ушлаганингиз йўқ, — деди. Мўмин такқа тўхтади.  
— Эса сенми?  
— Боғлашга боғладингиз. Шунда Қуюн кўрбоши ўғирилди.  
— Бола экансан-ку, Жалил, — деди. — Буни мен биламан... Бу сениям отиб қўйиши мумкин.  
— Бас!  
— Шунинг учун, ука, бунга хўп де... Сендан нима кетди? Ё сен ҳам Қуюн кўрбошини тутдим деб...  
— Нега?  
— Ундай бўлса, майли, де.

— Ўт олдинга! — бақириб юборди Мўмин.

Жалил кўрқа-писа ўтаркан, Қуюн Мўминга ўгирилиб:

— Болага тегма, — деди.

— Ишинг бўлмасин!

— Сен бола, қасам ич, — деди у Жалилга. — Мени бу қўлга тушириб боғлади.

— Нимага?

Мўмин аста милтикни унга тўғрилади.

— Ана, — деди Қуюн кўрбоши. — Кўрдингми? Сенга бари бир-ку. Тўғримми?

— Ҳа..

— Бўлди-да.

— Нима қилай?

— Мўмин ака Қуюн кўрбошини қўлга туширди де.

— Ахир...

— Дейсан!

Жалил кўзлари дўлайиб:

— Хўп, — деди.

— У ёқдаги гап-сўзни унут.

— Хўп.

... Уни тўғри қизилкалтакчиларнинг қуролланган отрядлари қароргоҳига олиб бордилар. Орзихўжа Қуюн билан бемалол гаплашди. Кейин уни Деновга олиб жўнади. Суд бўладиган кун жар чақиртирилди. Оломон атрофда девор бўлиб турар экан, ревком, ЧК ва қишлоқ шўролари номидан Орзихўжа Қуюн кўрбошига иккита савол берди.

— Нима учун курашдинг?

— Дин учун... — деди Қуюн босмачи. Орзихўжа вакиллар ёнида саф тортиб турган домла, сўфи ва масжид имомларига қаради.

— Қуюн кўрбоши нима жазога лойиқ?

— Ўлим! Улим! — дейишди улар кўрқа-писа. Орзихўжа яна Қуюндан сўради:

— Тағин нима учун курашдинг? Қуюн кўрбоши:

— Озодлик... учун, — деди.

— Халқ! — хитоб қилди Орзихўжа, — Қуюн кўрбоши нима жазога лойиқ?

— Ўлим, ўлим...

Қуюн кўрбоши шу ерда отилди.

Жалил ота Мўмин ака ҳақида ўйлаганда, мана шулар кўз ўнгидан... Шокир кирди.

— Ота, — деди бир тиззасида чўккалаб. — Биз шошишимиз керак...

Чол ёнбошлаб унга тикилди.

— Мўминнинг неварасигами? — Ҳа..

— Йўқ.

— Ота... -Йўқ.

Шокир бир нафас лунжлари тиришиб турди-да:

— Ахир, уни ёмон кўрсангиз — ўзингизга, — деди. — Лекин бизга маъқул.

— Нимаси?

— Мўмин бобо... граждон урушининг қахрамони... Ордон-медаллари бор. Республика аҳамиятига эга... пенсионер. Гапи ҳар ерда ўтади...

— Ҳа. Менгаям ёрдами тегади де?

— Одам сал... орқали бўлиши керак-ку!

— Ў, бечора болам.

— Қўйинг кулманг... Сиз ўшандай бўлмаган бўлсангиз, биз айбдор эмас.

— Аттанг.

— Тўғри-да... Ҳозир қайси қария билан гаплашманг, ўзидан сал обрўли тенгқурини ғийбат қилади...

— Мен ҳеч нарса демадим-ку!

— Бари бир-да!

Чол тўшақда чалқанча бўлиб ётди. Унинг хўрлиги келар, лекин аллақандай жирканчли нарса



атрофида бор-у... хўрландим деса, у мараз ёпишадигандек эди.

Кунлар ўтди.

Бир куни яна ҳовлида югур-югур бўлиб қолди-ю, Садаф чолнинг хужрасига кирди. Бнида тиз чўкиб, чойнакни ушлаб кўрди. Иссиқкина. Қопқоғини очиб кўрди.

— Бобожон, ичмабсиз-ку!

— Иштаҳам йўқ.

— Бобо!

— Гапир.

— Мени...

— Айт.

— Мўмин бобонинг кичик неварасига... Чол кўзини очди.

— Ўзингни кўнглинг борми?

— Вой, мен уни танитайман ҳам. Чол бирдан яйраб, табассум қилди.

— Эса...

— Хўш?

Чол кўзини юмди.

— Бобожон...

— Мендан домангир бўлманглар... Ўзларинг биласизлар.

Шу оқшом уйда, ҳовлида жанжал бўлди. Шокир бақириб хотинини сўқди. Хотини итни теша билан уриб вангиллатди. Садаф ўзича йиғлади.

Тағин бир ойча вақт ўтди.

Жалил чол фавкулудда сезиб қолдики, ўғли билан келини беҳад шошиляпти.

Садаф овқат олиб кирганда Жалил ота:

— Бир оз ўтир, — деди. — Сен менга ёлгон гапирмагансан...

— Ҳа, бобожон.

— Ота-онанг нимага шошяпти?

— Айтолмайман...

— Йўқ, айтасан... Мен хафа бўлмайман-ку! Бошга тушганини кўз кўради...

— Сизни...

— Нима?

— Термизга юборишмоқчи.

— Ҳа-а! — чол ҳиқиллаб кулиб юборди. — Кўздан панада турсин деб-а?

— Йўқ.

— Ҳа?

— У ёқда катта докторларга кўрсатишади.

— Ҳе, она қизим-е, бари бир-да! Садаф йиғлаб юборди.

— Бари бир эмас. Чол бошини кўтарди.

— Нима?

— Сизни... ўлиб қолса... Жалил ота тушунди.

— Тўй орқага сурилади? — Ҳа..

— У йигитни кўрмадингми?

— Йўқ.

Садаф зира солинган шовлани чолга суриб қўйди. Қария овқат ҳидидан иштаҳаси очилиб бурилди-ю, шовладан кўз узмай қолди.

Кейин яна чалқанча бўлди.

...Эрталаб докторлар келишди. Чолни Термизга жўнатишларини айтишди. Жалил ота:

— Мен тузалиб қолдим, — деди.

Докторлар чолни текшириб бир-бирига карашди.

— Ростдан ҳам! — деди бири остонада турган Шокирга.

— Ўзгариш бор...

— А, ундай бўлса... — У икки қадам босиб, отаси қошига етди.

Чол майин жилмайди.

— Нимага кеча овқат емадингиз?

— Қорним тўқ эди.

— Бекор гап!

Докторлар чиқишди.

Чол бугунги кун ҳам овқат емади. Кейинги кун ҳам. Ундан кейин...

Ўрмалаб бориб, обрезга тўкади. Қўлини ювган бўлиб, устидан сув қуяди.

У... ҳолдан тойиб, ўрnidан қимирлолмай қолди. Шунда ҳам туз тотмади. Энди, келган овқатни тўшаги ёнида нос тупуриш учун қазиб қўйилган чуқурчага ағдаради.

У карахт бўлиб қолди.

Кейин ўғли, келини ва Садаф тепасида кўзёши қилиб турганда, кетди.

Ҳаммани даҳшатга солган нарса — унинг юзида қотиб қолган табассум бўлди.

Тўй қолди.

1984

## ОМОН ОВЧИНИНГ ҰЛИМИ

У ўзи ҳам ўлиши мумкинлигини ўйламасди. У ўлдиришни... хайвонларни, паррандаларни, хуллас, Олатоғда ов қилишга арзирли ўлжа борки, у қўлига милтиқни олиши билан ўзи англамаган ҳолдд, улардан ниманидир отиш — ўлдиришни ўйларди. Баъзан, масалан, кийик овига кетаётган бўлса, йўлида дуч келган каклик, чилларни ҳам аямасди. Зағизғону чўпон алдағич куши учраса ҳам тирик қўймасди.

Мабодо овдан қўли қуруқ қайтса — бундай воқеа жуда кам бўларди — у бамисоли отаси ўлгандек аза тутар, қовоғи очилмас, шунда хотини ҳам кўзига ёмон кўриниб, бечора бирон-бир етишмовчиликдан зорланса, у: «Жонга тегдинг-ку сен ҳам!» дея милтиқни қўлга оларди...

У одам отмаган, бироқ ундан кўплар кўрқишарди, уни ёлғиз учратганда хушомад қилишар, гавжум жойларда унга ялтоқданиб ови барор олиб турганми эканини сўрашарди. Омон совуққонлик билан қисқа жавоблар берарди.

Унинг отаси Раҳмон полвон қирқ ёшида ҳам курашда йиқилмаган, кейин бир ўрта яшар ўртача полвон бир қоқмада йиқитиб қўйганида — дарди шунчаликки, омборга бўйра тўшаб, устидан сув сепиб, унга бағрини бериб ёта-ёта олдин йўтални орттириб, кейин қон қуса-қуса ўлиб кетганди.

У киши Омонга ўн уч яшарлигида, «индамас» милтиқ — мелкокалибр милтиғи олиб берган, Омон биротар ов милтиғида эмас, шунда қуш отишни ўрганган, шу тариқа ўткир мерган бўлиб етишган эди: у болалиқдан ёввойи қушу ёввойи хайвонлар отиш ва ейиш учун яратилган деб ўйлар, ҳар қандай овчида ҳам маълум бир ёшда пайдо бўладиган раҳмдиллик унда ҳамон уйғонмас, чамаси, унинг юраги ҳам бакуват кўкрагидек қаттиқ эдики, бунинг сабабини эҳтимол унинг отасига хос жиҳатлардан излаш мумкин.

Улар Олатоғ бағридаги уйлари бир-бирига мингашгандек кичкина қишлоқда яшарди. Атрофда ундан бўлак қишлоқ йўқ, район маркази саккиз чақирим этакда эди.

Мактабда бегоналар орасига тушиб қолгандек ҳар куни марказга тушишда саккиз чақирим, қайтишда саккиз чақиримни босиб ўқиган Омон ўша пайтларда расм бўлган ҳарбий дарсга қатнашиш учун мактабга борадиганга ўхшар, чиндан ҳам унинг бошқа фанларга қизиқиши йўқ, ҳарбий дарсда — отишдан ўқитувчини ҳам йўлда қолдирарди.

У ҳарбий хизматга борганида ҳам шу жиҳати билан дарҳол машҳур бўлиб кетган, уларнинг қисмлари ўрмонга яқинмасмиди, офицерлардан овга ишқибозлари Омонни эргаштириб олар, Омон рус ўрмонида лос, айиқ отишни ҳам шу асно ўрганган, русак қуёнларини отиш — унинг учун эрмак эди.

У ҳарбийдан қайтган йили отаси қазо қилиб, Омон унинг ишини олди: қишлоқчага туташ саккиз гектар ўрикзор бўлиб, отаси Раҳмон полвон унга қоровул, айна чоғда унга боғбон ҳам эди.

Икки йилдан кейин онаси уни уйлантирди. Онани ҳам тупроққа топширган йили ўғил кўрди.

Ўғли тўққизга қадам босганда...

... Омон бир куни овдан қуруқ қайтди: Зовбошида бир қобон, бир мегажин ва ўнтача чурпани камарга қамаб чиқишини кутиб ётган эди, тепада геологларнинг вертолёти пайдо бўлди-да, нақ камар устига пасайиб шундай шовқин кўтарди, шамоли жони қаттиқ арчаларни ҳам титратдики, қамалдаги чўчқалар сел босгандай ваҳимада чиқиб, худди Омон писиб турган арча тагига ўзларини урди. Омон каловланиб, арча орқасига ўта олди, холос. Чўчқалар одамнинг белига урадиган миязорга оралаб, илонизи йўл қолдириб кетипди. Омон биринчи марта ўзини ўқ бўшатишдан тийди: бундай пайтда ўқ қобонга тегадими, боласига тегадими — бўлди, қобон бурила солиб, овчига ҳужум қилади.

Омоннинг таъби хира бўлиб, қишлоққа қайтгандиди.

Хотини сигир соғдирмаётганидан койиниб эди, Омон ўзи хурмани олиб, сигир тагида чўнкайди. Энди елинни ушлаганини билади, сигир бир қимтинди: оёғи кўзани уриб, чил-чил қилди. Омон ўрнидан туриб четга чикди. Сўнг хотиржам кавшанаётган хайвонга бирпас қараб турди-да, пичанга санчиб қўйилган паншахани олиб, сигирнинг белига икки туширди. Жонивор оғир мўраб юбориб, ётиб қолди: дир-дир титрайди.

— Вой, инакни ўлдирдингиз-е, бешафқат! — деб йиғлаб юборди хотини.

Омон миқ этмай районга тушиб кетди. Ёлғиз жўраси Ҳамдамни ошхонада учратиб, у билан кўк чой ичаётган эди, Омоннинг қисқа бўлса-да, бировлар учун қизиқ суҳбатига ишқибоз уч-тўрт йигит булар столига ўтишди.

Кейин даврага район газетасидан бир мухбир йи-гит ҳам қўпшлиб:

— Омон ака, хайвонларга раҳмингиз келмайдими? Отар эмишсиз? — деди.

— Шу гапни айтган бекор айтипти, — деди Омон.

— Бўлмасам нималарни отасиз?

— Нимани отишимни истар эдингиз?

— Билмадим энди, масалан, кутирган хайвонларни, молга ўрганган бўрини, ишқилиб, одамларга шикаст етказадиган жондор борки, у ўлимга маҳкум...

Омон мерган сомсахонани тўсган тахта деворга бир нафас қараб турди-да, секин ҳикоя қилди:

— Бир куни Кунтегмасдан чиқсам, бир эшакли шудгорда чирқиллаб келяпти. «Ҳа?» дедим. Халачўп билан орқани кўрсатади: нима деганини тушунмайман. У ёққа қарасам, йўғонлиги болдирдай бир илон ўрмалаб келяпти. Отдим. Илонни кўзламай отсанг ҳам ўқ тегади, дейдилр. Бекор гап... Кўзлаб отдим. Илон жойида қолди... — Омон ниҳоят кулимсиради. — Уни отишим мумкин эди-я?

Муштумини иягига тираб тинглаётган мухбир ишшайиб:

— Йўғонлиги қандай дедингиз? — деб сўради.

— Болдирдай.

Мухбир у ёқ-бу ёққа қараб қиқиллаб кулди-да:

— Ие бу сиз аждаҳоларни ештан миллий қаҳрамонларимиз традициясини давом эттираётган киши экансиз-ку, ака! Сизни мақташ керак экан! — деди.

Нариги столдагилар кулишди. Омон унга ўқрайиб турди-да, пиёласидаги чойни унинг юзига сепиб юборди. Мухбир бошини эгиб қолди.

— Кетдик, — деди Омон Ҳамдамга.

Омон уйга қайтиб келганида, хотини тағин сигирни эслаб:

— Жониворнинг бир эмчаги шишиб қизариб кетган экан, менам билмаган эканман, — деди.

— Ўзи қалай?

— Овқат емаяпти.

— Сўямиз.

Омон эртаси куни сигирни сўйди. Бели синиб кетган экан. Ярим гўштни қўшниларга улашиб беришди, ярим гўштни қовуриб, хумга солишди.

Шундан кейин қишлоқда Омон сира кутмаган воқеа содир бўла бошлади: қўшнилар бирин-кетин жанубга — Бандихон чўлига кўчиб кета беришди: чўлкувар бўлиб... Омон уларни гангиб кузатар, бу қишлоқни, шимолдаги Олатоғни ва унда бор арчазорлару хайвон-паррандаларни ташлаб чўлга — пашша қайнаган қизирик чўлга тушиб кетаётганларини ақлига сиғдиролмасди...

Қовунни кўриб қовун ранг олгани шуми — ҳадемай қишлоқ бўшаб қолди.

Бу энди қишлоқ эмас, сатти чордевор эди: томлари бузилган, ёғоч тўсинлари ҳам олиб кетилган. Тез орада у ерда каламуш ва сичқонлар кўпайди. Кейин эса уларнинг кушандалари бойқушлар кўпайди: баъзиси кундуз кунлари ҳам девор кемтикларида ҳурпайиб ўтирар эди.

Омон негадир буларни сира отмас, аксинча, уларни узоқ-узоқ томоша қилишни яхши кўрар, баъзан кечалари ташқарига чиқиб бойқуш сайрашини эшитганда — юрак сесканиши қайда! — паришонхотир бўлиб тек қоларди.

Шунда у бу тун кушларининг мунгли ҳамда нимаси биландир тунга ўхшаб кетадиган унларига аллақандай сингишар, гўё ўзи ҳам шу тунга, шу мунгли унга, бойқушга айланиб қоларди.

Уйда хотиннинг ғишинг-ғишинги кўпайган эди.

— Ёввойи одамларга ўхшаймиз... Сиз кетганда, кундуз куниям кўрқаман бу ерда... Ёш бола бир ўзи марказга қатнайди. Ҳадемай қиш киради...

— Мен ҳеч қаёққа бормаيمان... Мен ҳам шунинг ёшида қатнар эдим марказга... — деб қўярди Омон.

Бир кеча боёқиш жуда зорланди:

— Шамоллапти ўғлингиз. Ичирай десам, сут йўқ, томоғига малҳам бўларди. Тоғдаги жуваналарингиз инак бўлгунча косамиз оқармас экан...

— Хотин, чидасанг — шу, чидамасанг жўна! — деди Омон.

Хотин бир муддат бошини ҳам қилиб турди-да:

— Майли. Талоқ қилсангиз... — деди.

— Бор. Талоқсан, уч талоқ! — Сўнг айвонга чиқиб бирпас турди-да, қайтиб кириб, ўғлига: — Сен қол... Анавидай милтиқ олиб бераман, — деди.

— Менга милтиқ керак эмас, — деди бола.

— Бўлмасам, сенгаям катта йўл!

Эртаси Омон тажанг ҳолда овга кетди. Ёз эди. Пишиқчилик. Ҳар қандай шафқатсиз овчи ҳам бундай пайтда тоққа чиқиб, энди жўжасини учирма қилаётган какликка ёки болалари муштдек бўлган қуёнга ўқ узмайди: уларнинг ҳам тирик жон, зурриёт қолдиришга ҳуқуқли эканини ҳис этишми бунга сабаб, балки не бир сирли туйғу уларнинг ҳам инсон қавмига яқин эканини сездирадими...

Омон овчи шу кетишда катта бир бургутни ҳам отиб, сўнг уни хўп томоша қилиб, кейин унинг худди беш яшар боланинг панжаларидек оқ-сарик, биққи бармоқли оёқларини кесиб олиб, уйга қайтиб келганда бари жиҳоз ўз ўрнида, фақат хотин билан бола йўқ эди.

«Энам ҳам отамдан чиқиб кетган эди бир-икки марта. Кейин қайтиб келиб эди. Булар ҳам келади ҳали...» деб ўйлади у ва ғашланиб эслади: ўшанда у ҳар гал отаси ёнида қолар эди.

Кийик овларга чиққанда тўрт-беш кунлаб кимсасиз камарларда ётиб, пистирмаларда тунаб, ёлғизликка мутлақо ўрганиб кетган Омон мерган хотинсиз уйига ҳам кўникди. Боладан унинг кўнгли хотиржам эди...

Саккиз гектар чиқадиған ўрикзорга қараш, қишда қовус суви бериш, баҳор аёзларида чалма тутатиш, ёз бошида қуриған шохларини кесиш (бир миқдор ўтин тўплаш плани ҳам бор) ва ҳосилини йиғиб, қоқи қилиб бериш ҳам Омоннинг бўйнида эди.

Ана шу — ўрикни қоқиб, туршак қилиш пайтида унинг иши кўпаяр, кунора район марказига қатнашга мажбур бўларди. Чунки, совхоз одам бермайди. Одамни, яъни, ўрикни қоқиб терадиган ва бўйраларга ёядиган «ишчи кучи»ни у чойхоналарда валақлашиб ўтирадиган, кўча муюлишларида тўп-тўп бўлиб, текканга тегиб, тегмаганга кесак отадиган бекорчилар орасидан йиғиши керак. Яхшиям Омон овчининг ов саргузаштлари кўпларни қизиқтирарди: кўплари ҳикоя эшитиш учун келарди. Лекин ҳар кун эмас-да!..

Унинг бошига бир оғир кун тушди.

Шундан уч ой олдин у қоп-қоп туршакни машинага ортиб жўнатгач, ўзига тегишлисини ҳам бир машинага юклаб марказга тушди. Тайёрлов идорасига топшириб, пулини олди. Тентираб Ҳамдамнинг уйига борди.

У телевизор қўраётган экан.

— Ке, ке. «Ҳайвонот оламида» бўляпти, — деди.

Омон дўстининг хотини билан сўрашиб, кўрпачага чўқди. Рангли экранда Кавказ тизмаларидан бири бағридаги қўриқхона кўрсатилмоқда эди. Оч жигарранг ёнбағирда бир талай ёввойи эчкилар тизилиб турарди. Бошларини мағрур буриб, пастга қарашади. Пастликда тошқин дарёча оқяпти. Тепадан тош кўчди. Кийиклар дик-дик сакраб, ёнбағирни айланиб ўтиб кетишди. Кейин, уларни бошлаб юрган шохи гажак архар чўққида пайдо бўлди. Омон бу манзарага бир қадар ҳорғин кўз билан тикилиб тураркан, хаёлан архарни нишонга олди: «Бўйнидан отсам... Йўқ, ўқ ё куракка тегади, ё қулоғидан пастроққа... Оббо, бу ёққа бурилди-ку! Ўқ сирпаниб кетади...»

— Яхши-я! — деди Ҳамдам. — Ўзимизнинг кийиклардан фарқи борми?

— Йўқ, — деди Омон. — Лекин бизда кам қолди. Операторлар суратга олиб бўпти!.. Кейин, булар қўриқхонада экан, одамга ўрганган, кўркмайди. Эчкига ўхшайди... Бизникилар жуда шар. Одамнинг исини бир кунлик ердан билади.

Ҳамдам дўстига чой қуйиб берди.

— Бу йил ҳам кийик овига чиқасанми?

— Чикаман.

— Бир кийик учун беш юз сўм штарап тўлармиш... отган киши. Милтиғиниям олармиш... — Ҳамдам Омонга юзланиб ўтирди. — Сен бепарво бўлма у мухбирга. Орқангдан тушган, жўра.

— Ўлгиси келгандир. Отмаганим — одам эди... — Кейин Омон ҳам унга юзланди. — Милисанинг начайлиги нима деб эди сенга?

Ҳамдам унинг тиззасига урди.

— Яхшиям эслатдинг... «Сатти кийик гўштини Омон полвоннинг бир ўзи ейдими ё сизларни меҳмонгаям чақирадими?» деб эди. Уни меҳмонга чақирмаслик керак. Лекин Омон ке, таваккал-да, бир оқшом унинг уйига беш-тўрт кило кийик гўшти обориб ташла. Ҳозир эмас, кейин, отганинда-да. Ҳе, қишдами...

— Беш-тўрт кило гўшт нима бўлади. Бутунини обориб ташлайман.

— Майли-ю, Ҳамдам Омоннинг жўраси деб, қўйнимга қўл солиб кўрган бўлишим мумкин...

— Оёғи синиб ётган экан, ҳаром ўлмасин деб, сўйиб олдим дейман...

— Ҳа, бу гапингам маъқул. У ер-бу ерини атай синдириб қўйсанг, а?

— Ўқ еган билан дарров ўлмайди. Шунда бирон жойига урсанг, қон уюшиб қолади. Сўйганингдаям билиниб туради... Кейин уриб синдиришдан фойда йўқ.

— Ў, сен биласан.

Ўриклар барги қонталаш бўлиб тўкила бошлаган, ёмғир савалаб турган кунларнинг бирида Омонни совхоз идорасига чақириб, Бондихонга — пахта теришга боришини маълум қилишди. Омон «Бондихон» номини эшитиб, оёқ тираб туриб олди: «У ёққа бормаيمان. Бошқа нима иш буюрсангизлар, қиламан... Майли, бошқа районга бор денглар, бораман», деди.

Ўрмон хўжалигига қараши лозим бўлган кўп жойлар, арчазорлар ҳамда ёввойи ҳайвонлару ов қушлари мўл бўладиган қир-адирлар вақти замонида совхоз чегараси ичида қолган, совхоз унга қоровул қўймас, бундай штат ҳам унда йўқ, шу хусусда область газетасида бир танқид — мақола босилган экан.

Совхоз директори шуни тилга олиб:

— Мана, ҳадемай қиш тушади, ука. Бу йил қиш каттиқ келади деган гап бор... Совхоз ўз чорваси билан паррандасини бир амаллаб қишдан чиқаради. Анави ёввойилар қирилиб кетса, яна бошимиз балога қолади, — деди. — Шунинг учун, Омонбой, тоғда, хусусан бизнинг ерларимизда — қаерларда ҳалигидай ёввойи ҳайвонлар кўп бўлади, қаерда каклик, чил кўп бўлади, булар сизга маълум...

Хуллас, Омоннинг ёнига тагин бир кишини қўшиб берадиган бўлишди. Қиладиган ишлари: кийиклар бор жойларда битта-яримта охур ясаб қўйиш, какликлар сув ичадиган, демак, ўрганиб қолган булоқлари атрофини симтўр билан ўраш... токи уларга сочиб қўйиладиган донни ўткинчилар ташиб кетмасин.

Омон мерганга бу вазифа жуда маъқул тушди. Кейин ўйланиб сўради:

— Мен тўғримда ҳар хил гап юради, директор бобо... Шу жиҳатдан мени синаш эмасми бу?

— Инсофингиз бор-ку, ука, — деди директор. — Агар қўйни бўрига топшириб қўйди деб ўз билганингизни қилсангизам Худо бор-ку... Охири яхши бўлмаса керак.

«Нима бўларди! — деб ўйлади Омон. — Изимдан тушган одам мени қўлга туширмаса, ҳеч нима бўлмайди. Э-э, тушириб бўпти!..»

Омон мерган тунда: ўрмонда, тоғда ҳеч нарсдан кўркмагани каби жин-ажина деган нарсаларга ҳам ишонмас, шу маънода «қон тутади», «гуноҳ», «кўз тегади» деган гапларнинг ҳам унинг учун маъноси йўқ эди.

Масалан, қадимдан қолган гап бор: овчи кийикдан битта отиши керак... Акс холда, бир фалокат юз бериши мумкин эмиш. Омон бу гапга ҳам панжа орасидан қарарди. Чунки бу гап — қадим-қадимдан кийикларни асраб қолиш, уларни қириб юбормаслик учун диний тус бериб айтилган, деб ўйларди.

Тагин, халқда: «Ҳар ким ўз касб-коридан топади», деган ҳикмат бор. Бунинг яхши маъноси ўз йўлига, ёмон маъноси — шу касб-кор йўриғида оламдан ўтади, дегани бўлса керак. Масалан, ўтакетган зўр қассоблар умрининг маълум бир палласида шу даражага етармишки, ёстиқдоши эҳтиёт чораси деб унинг пичоғини ётганда яшириб қўярмиш...

Шундайки, «овчим овдан топади» дейишади. Бунга ҳам ҳаётда мисоллар кўп...

Омон мерган бу хил ҳангомаларга ҳам панжа орасидан қарарди ва эшитган ҳар бир ҳикмати таъбирини ўзга бир мантиқ билан изоҳлаб бера оларди.

Омон совхоз идорасидан қўшилган йигит билан бир ҳафта Олатоғ атрофидаги совхоз ерларида кезиб, топширилган вазифани адо этиб қайтди-да, бу ишга беихтиёр қизиққани учун уйдан икки дўнг наридаги Куриқсой ёқасида ҳам какликларга бир кичик қўриқхона яшашга киришди: Ҳамдамнинг ёрдамида юз газ симтўр топиб келиб, сой жиягидаги Ёлғизбулоқнинг атрофида тутди.

Сой бежиз Куриқсой дейилмас, у кўкламда тўлиб оққани билан ёз ўртасига етмай, суви қуриб қолар, теварак-атрофдаги бир неча гала «ўтроқ какликлар» шу — Ёлғизбулоқнинг сал нарига оқиб бориб, ерга сингиб кетадиган сувидан ичарди.

Омон овчи бу какликларни ўз хўжалигидек билар, тоққа чиқишга хуши бўлмаганда, улардан уч-тўрттасини отиб олиб, хуморини босарди.

Шу орада — шу қиш ичи унинг бошига оғир кун тушди.

Қор тинган, ҳаво илмилик эди. Омон «индамас»ни занглатмаслик учун ўрикзорга оралади. Битта зағизгон отди. Сўнг уни олволиш, тоғда тулки кўрган ерларига қўйиб пойлашни ўйлади-ю, буни ўзига эп кўрмади. Отилган зағизтон отварилди...

У кийик овига жўнади. Уй орқасига ўтганда бўри изини кўрди. Из наридаги чолдеворлар томон кетган, қорда баайни битта бўри юргандек эди. Бироқ, Омон битта эмас, камида иккита бўри юрганини изнинг катталигидан билди: одатда, бўрилар овга чиққанда, бир-бирининг изини босиб юришади.

Омон жилмайиб қўйди. Эрталаб овчига бўри учраса, ови барор олади, дейдилар. Шуни эслаган эди. Кейин, бу удумнинг аксини қилишни истаб, қишлоқни четлаб ўтиб кетди.

Қор қалин ва юмшоқ эди. Омон мерган маҳси устидан чориқ кийиб олган, оёғи енгил, қорга ботмасди.

У Олатоғнинг илк чўққиларидан бирига етгунча ҳаво очилиб, кун чиқди: айна каклик овлайдиган пайт бу. Кун совуқ эмаски, какликлар камарлардан чиқмаса. Туман ҳам йўқки, уни кўриш қийин бўлса.

Омон мерган Олатоғнинг ўзи тошини санаган сўқмоқларидан бирига тушганида, юқоридаги чўққилардан қор кўчди. Гувиллаган товуш тингач, жарликдан оқ тўзон кўтарилди. Шунда қаршисида бир кийик ўйноқлаб чиқди-ку!

Омон унинг қоқ манглайини нишонга олиб отди. Жонивор тепага бир сакраб, пастга қулаб кетди. Шунда... унинг ўрнида яна бир кийик пайдо бўлди. Омон милтикни ўқлай солиб, уни ҳам отди. У ҳам тепага бир талпиниб, қуйига учди. Кейин эса, шохи гажак бир архар кўринди. Омон милтикка ўқ жойлар экан, алланечук шошар эди. Архарнинг ҳам ажали етгандек қочмасдан қуйига қараб туриб қолди. Омон уни ҳам отди...

Кейин, анча кутиб ётди. Бошқа жонзот кўринмади. Ўз-ўзидан маълум: бу кийиклар кўчкидан ваҳимага тушиб қочган, орқасидан бўри-мўрининг қувган бўлиши ҳам эҳтимол. Акс ҳолда ўзини ўққа тутиб бермасди булар.

Омон отишга... шунчалик берилгандики, кийикларнинг қаерга йиқилиб тушаётгани ҳақида ҳам ўйламасди: яна отгиси, жониворнинг сакраб тушиб кетишини томоша қилгиси келарди.

Ниҳоят, у из тушмаган сўқмоқдан қоплондек енгил юриб бораркан, улар йиқилган жой сув уриб кетган арна экани, кийиклар у ерда бўлмаса, этакка учиб кетганларини тусмоллади. Бориб қарасаки, учови ҳам шу ерда, остин-устун бўлиб, қонга беланиб, ҳамон типирчилаб ётишибди.

Омон улар ётган жойга бир қур кўз югуртириб, бирини ҳам ола билмаслигига ишонди: улар беш-олти газ пастда — токчада, икки томон эса тик девор.

Омон мерган улар кўп типирчиласа, пастга тушиб кетишлари учун ҳар бирига яна биттадан ўқ бўшатишни маъкул кўрди. Масофа арзимлис даражада. Чўнқайиб, бирининг қулоғидан, бирининг юрагидан отди.

Кайфи чоғ ҳолда кечки пайт қишлоққа қайтиб келди.

... У кийик отишга берилиб, уларнинг қаерга тушаётганини ўйламагани сингари, бунинг шавқи орқасида тагин бир нарсани хаёлдан фаромуш қилганини эртаси куни дўсти Ҳамдам билан бир эшакка аркон ва қоп ташлаб шу жойга келганида билди.

Учала ўлжа ҳам дабдала бўлган, беш-олтита баҳайбат, бўйни туксиз ғажирлар уларни «ҳашар» қилмоқда эди. Омон милтигини ўнглагунча, улар ўзларини жарликка «ташлаб» учиб кетишди. Шундай эса-да, Омон улар орқасидан ўқ бўшатиб қолди.

Унинг таъби хира бўлган, икки кийигу бир архардан ажралган эди. Бу ерда ортиқ турмай, орқага қайтишди.

— Увол бўпти-е, увол, — деди Ҳамдам. — Ёмон экан-ку, булар, а? Архарнинг кўзини ўйиб еяётган экан биттаси.

Тоғдан эна бошлаганда Омон мерган, ниҳоят, тилга кирди:

— Отам айтгич эди, уруш йиллари тоғда ёлғиз қолган одамларни ҳам еб кетишган бу қушлар. Рост айтдинг... Бўрига ташлансаям кўзини ўяди олдин. — Кейин у синиқ кулимсиради. — Бирон жойда шикастланиб ётиб қолсанг, ҳеч чалқанча ётма...

Қишлоққа етишган эди.

Йўлни кесиб сув урган арна ўтади. Унинг тубидаги сув аллақачон музлаб қолган, эни икки газдан ошиқ эса-да, Омон ундан бемалол сакраб ўтиб кетиб юрарди.

Эшак қурғур ариқнинг тор жойидан ҳам ўтмай тайсаллайверди. Ҳамдам нариги бетга ҳатлаб,

нўхтадан тортди. Омон унинг куймучидан зўр бериб итарганди, ҳайвон липиллаб ўтиб кетди-ю, Омоннинг оёғи остидаги қор кўчиб, тўп этиб музга тушди. Арнанинг бу тор ери анча чуқур эди. Ундан ҳам чуқурроққа Омон сакраб тушса, ҳеч нарса бўлмасди. Чунки, табиий ҳол, у тиззаларини букиброк сакрар эди. Ҳозир эса, музга тикка тушди.

Оёқлари сал оғриди, холос. Бироқ ўрнидан турган эди, тўпикларида оғриқ шундай зўрайдики, у энгашиб қолди. Шу кўйи қирғоққа тирмашди. Ҳамдамнинг қўлидан ушлаб, арнадан чиқиб олди. Бироқ яна ўрнидан турса оғришини тусмоллаб қорда ўтирганча, маҳсисини ечиб қаради. Икки оёғининг тўпиғи ҳам шишиб кетган, ён-верида жигарранг доғлар пайдо бўлган эди. Омон маҳсисини кийиб:

— Жўра, ҳеч мундай бўлмаганман. Эшакни қайтар, — деди.

Ҳамдам эшакни қайтариб келиб, унга ўнг қилди. Омон бир қўлини дўстининг елкасига тираб, эшакка миниб олди.

— Оёғим чикқан бўлса, чаток... Эски синикчи усталардан қолганми?

— Э, устани нима қиласан! — деди Ҳамдам. — Балнисага борамиз. Энг зўр усталар ўша ерда. Ренгин қилишади. Билишади...

— Бўлмасам кўчадан юрмайлик.

— Майли, Ичаксойдан борамиз.

Ичаксойдан бориб, касалхонанинг этагидан чиқишди. Омон милтиқни қопга солиб, қорга кўмдирди-да, ниҳоят, тўқимда бошини эгиб ўтирганча касалхона дарвозасидан кирди. У гараж олдида Ҳамдамни бир оз кутиб қолди. Ҳамдам бориб, хирург ва ренгенчилар билан гаплашиб келди.

Омон эшакдан тушиб юролмай қолди. Уялганидан тер чиқиб кетиб, дўстига суяна-суяна тегишли хонага етди. Уни таниш ҳамшира тепасига қандайдир аппаратлар энгашиб турган муздек каравотга ётқизди.

Оёқлари шишиб кетган эди. Маҳсилар қўнжини ёриб чиқаришди. Кейин оёғи учини дам шифтга қаратиб қўйиб, дам ёнбошлатиб, ренгенга туширишди.

Бир оздан кейин ҳўл, ялтироқ-сарғиш қоғозни келтириб, Омонга кўрсатйшди.

— Ана. Катта болдир суягингиз синган. Большой берцовый кост синган... Тўпикнинг устидан. Икки оёғингиз ҳам... Ёмон бўпти, Омон ака. Очиғини айтаман, бунинг тузалиши кийин бўлади. Оёғингиз гипсдан чикқандан кейин ҳам беш-олти ой қўлтиктаёқда юрасиз. Гавданинг оғирлиги тўпикка тушади-да...

Омон мерганнинг оёқларини оқ цемент аралашмаси шимдирилган қалин докалар билан тиззасигача ўраб гипслашди. Гипс тезда қотар экан.

Кейин Ҳамдам эшакни дераза пастига олиб келди. Омонни ўтқазиб жўнади.

— Келган йўлимиз билан кетамиз, жўра. Қоп билан милтиқни олиб бериб, ўзинг қолсанг ҳам, майли.

— Гапирма. Менинг бошимга шундай кун тушса, нима қилардинг сен?

Омон ғамгин кулимсиради.

— Билмадим.

— Э, тошни эса бўлмасмиди гўшт ўрнига ўша начальник! Қани, эндиам изингдан тушиб кўрсин!

— Бўлмасам, мен билан уйгача бор... Сандикда мўмиё бор... Олиб берсанг, бўлди. Кейин, ҳе-е, Қизилқишлоқда Мазифа аммам туради...

— Биламан, биламан. Сенга биров қарамаса бўладими!

Шундай қилиб, Омон мерган арзимаган бир эҳтиётсизлик орқасида икки оёқни ногирон қилиб, ётиб қолди.

Амма келиб йиғлади.

— Сенга кўз тегди, — деди. — Кейин — ҳадеб жонлини жонсиз қилишингням хосияти йўқ. Қушам худонинг махлуқи... Уям бир вақтлар одам бўлган эмиш...

Омон оёқларининг синган жойларини солаётганда ҳам инқилламаган эди. Энди ихраб юборди.

— Милтиқни оберинг! Ёнимда турсин...

Амма кўрқа-писа «индамас»ни, кейин у айтган ердан бир чангал ўқни олиб берди.

... Кун дегани шундайки, бошинга оғир савдо тушганда ҳам, ўйнаб-ўйноқлаб юрганинда ҳам — ўтаве-ради.

Омон мерган биринчи кунлар, киши билмас, жуда сиқилди. Кейин бу сиқилишни ўзидан ҳам яширишга бўлган беихтиёр интилиш туфайли аҳволига кўника... бошлади.



Ҳамдам икки-уч кунда бир келиб кетарди. Мазифа опа эса кунора айвондаги ўчоқда бир иссиқ пиёва қилиб, Омоннинг олдида бир коса тортади-да, қолганини сандал кўрига кўяди.

Омон мерган сандал ёнида, ичкарида ўтирган одамга ташқари бемалол кўринсин учун паст қилиб қурилган дераза тагида ётарди.

Иигирма кунлар ўтиб, Омон тўпиқлари усти қичишаётганини сеза бошлади: бу — тузалиш аломати эди. Лекин бошқа нарса унинг ғашига тегарди: оёқнинг шиши қайтиб, «кичрайгани» сари гипсга ёпишган туқлар тортилар...

Омоннинг ўзи тиззасида чўккалаб юриб, хожатга чиқиб келарди.

...Ўлимидан бир кун олдин кечаси билан қор ёғиб чиқди. Кейин қаттиқ шамол эсди: қор учқунлари дераза ойнасига пштирлаб уриларди. Ўрикзорда икки-уч марта бўри увлагани эпштилди. Эрталаб ҳаво тунд, осмонни паст тушган булутлар қоплаб олган, айвонда чумчуқлар чиркиллашар эди.

Омон иттифоқо каклик сайрашини эпштиб қолди!

«Ҳа, қор қалин. Емиш учун қишлоққа энган», деб ўйлади ва шундай пайтларда чолдеворлар ичида кезиб, ҳам какликларни учириб отгани, қанотлари музлаб қорга кириб қолганини таёқ билан уриб олганини... эслаб, шундай бетоқатланди! Дарҳол туриб ўтириб, милтиққа ўқ жойлади. Кейин деразадан боққа узоқ тикилди. Аммаси билан Ҳамдам босиб келадиган сўқмоқ ҳам кўринмас эди.

«Как-киба, ка-киба, как-как-как!..»

Каклик уйи орқасидан, чамаси, ўша Қуриқсой томонда сайрарди. Омон ақлини йўкотгандек каловланиб, тик кители киссасига ҳам уч-тўртта ўқ солди-да, чопонининг енглариани ҳам кийиб, ўрмалай кетди. Айвонга чиқди.

Каклик ҳақиқатан ҳам Қуриқсой томонда сайрарди. Шунда у Қамдамнинг яқинда совхоздан иккита одамни йўлда учратгани, улар икки эшакка буғдой тўла хуржун ортиб, тоққа кетаётганларини айтганини эслаб мийғида жилмайди. «Сой бўйидаги кўриққаям дон сепишган...»

Бошқа пайт бўлганда Омон бу тарика овдан ор қиларди.

Ҳозир...

У шахд билан супа лабига эмаклаб борди-да, қорга тушса, гипси нам тортишини ўйлади. Кейин: «Сандал-да қуришиб оламан-да!» — дея бир кўлини қорга ботирди — қор тирсақдан келди. Кейин иккинчи кўлини ботирди. Кейин, судралиб тушиб, оёқларини тиззадан кўтариб олди.

Шу тобда узоқдан қараган киши уни кўрмас эди.

У кетаркан, ҳарбийда шундай қилиб — «по пластунски» юрган чоғларини ҳам эслади...

Омон биринчи тепалик устига чиққанида, оёғини тиззадан букишни унутгани, бемалол судралиб келаётганини кўрди. Гарангсиз уни сийпаб кўраётганди, каклик нариги дўнг ортида сайраб юборди яна.

Омон мерган бурила солиб яна ўрмалай кетди. Бу ёқ эншп эди. Тез тушди. Сўнг охирги кучини тўплаб олмоқчидек бирпас ҳансираб, бўйнига осифлиқ милтиқни пастдан кўтариб турди-да, яна шахд билан тепаликка тирмаша кетди. У баъзи жойлардан сирғалиб тушар, яна эмақлар, бунга сари кўзига қон тўлиб бо-рар эди.

«Уларни отмасам, қайтмайман!»

Омон ўрқачда!..

Симтўр билан ўралган «кўриқхона» ичида, қордан чиқиб турган япалоқ харсанг устида учта чиройли оқиш каклик чуғур-чуғур, ғут-ғут қилиб донлашар эди.

Омон ғайритабийй олайиб, биттасини нишонга олди. Шошилмасдан отди. Каклик нарига сурилиб кетиб тек қолди. Омон милтиқни ўқлай солиб, иккинчи какликни ҳам отди. У типирчилаб қолди. Шундан кейин учинчи каклик учмоқчи бўлиб, четга борди-да, шерикларига, кейин тевааракка бир оз қараб туриб, тагин тез-тез донлайверди.

Унинг ниҳоятда оч экани кўриниб турарди.

У ҳам чўзилиб қолгач, Омон мерган тезроқ тушиб бормаса, учови ҳам тирилиб учиб кетадигандек шитоб билан пастга эна бошлади.

Энди...

Япалоқ тош. У ёнбошлаб ётган кўйи какликларни битта-битта териб олди. Ниҳоят, уларга жилмайиб қараб, патларини титди: ўқ теккан жойларини кўрди.

Сўнг ўзидан қаноатланиб, ҳали... тузалиб, оёққа туриб кетса, яна овларга чиқиши, майли, ҳозир какликлар камайиб, кийиклар юксак чўққиларга чиқиб кетган бўлса ҳам, ўзининг ўша ерларга ҳам

чикиб боришини хаёл қилиб, бир муддат роҳатланиб ўтирди.

Кейин туйкус хаёлига бир гап келди: «Олатоғда жонвор зоти куриса, нима қиламан? — Унинг кўзига Ҳамдамнинг уйида телевизорда кўргани Кавказтоғ манзараси, кийиклар кўринди. — Бораман. У ерларгаям бораман...»

У мана шундай хаёл билан банд экан, қор яна учқунлаётганини кўрди. Шунда яна... оёғи эсига тушди: чамаси, бу шундай икки оёқли махлуқ эдики, ярим танаси узилиб қолган чоғда ҳам, руҳи овда... ўлдиришда... бўлар, чамаси, шунинг ўзи унга бас, шу ҳаёт эди.

...Омон мерган шу ўйларида кейин беш минут ҳам ўтар-ўтмас нобуд бўлди.

У милтиқни тағин бўйнига осиб, какликларнинг биттадан оёғини бир қилиб тишида тишлаб, келган изи билан ўрмалаб кетар экан, симтўрни тагидан кўтариб ўтган ерига етганда, бир сирпанди-ю, оғзидан какликларнинг оёқлари чикиб кетди. Омон уларга қўл чўзганда ёнбағирга кўндаланг бўлиб қолди. Сўнг аста-секин думалай бошлади.

У думалагани сари бир ўрам оқ кигизга ўхшаб кўринар, бироқ, кигиз тобора йўғонлашар эди. Оқибат, ажабтовур пахта тойидек бўлиб бориб, юлғунлар ичига кириб тўхтади.

... Омон бу пайтда ҳам тирик эди. «Нима бўляпти? Нимага?» деб ўйларди. Ниҳоят, нафаси бўғилди. Кўтарилмоқчи бўлган кўксини қор босиб, дами ичига тушиб кетди. Миясида эса ўша савол жавобсиз қолди.

Қор ёққандан ёғиб, кечаси бўрон турди. Қорни тўзитиб, текис ерларда куртуқлар пайдо қилди, қори қалин бетларни ялаб-супуриб кетди.

Эрта кўкламда ўрикзорга қоровул этиб тайинланган Ултон пиён деган киши қишлоқда бузилмай қолган якка-ягона уй — Омон овчининг уйини кўргани келиб, уни хосиятсиз деб топди: эгаси ғойиб бўлган ахир. Кейин, ёнида олиб келгани яримта ароқни майдалаш учун Қуриқсой бўйидаги тепаликка кўтарилди. Анча ўтирди. Кун бота бошлаб, пгаша ҳам яримлаганда кўзғалди. Сой ичи билан кетишни маъқул билиб пастга энаётган эди, ҳали барг чиқаришга улгурмаган юлғунлар орасида дўмпайиб ётган ғалати қор куртуғига эътибор қилди. Унга яқинлашиб ўтаркан, ундан чикиб турган бир жуфт оппоқ...

Бурила солиб сой ичи билан қочди. Уйига яқинлашганда, ўпкасини босиб олиш учун шишада қолган ароқни ҳам симирди-ю, уйга етиб учиб қолди.

...Эртаси Ултон пиённинг ваҳимасига «эргашиб» райондан чикиб келган бир тўда одам Қуриқсой ёқасига энавериб, кўнгил айнитувчи манзарани кўрди.

Бир гала масликхўр ғажирлар юлғунзор ичида, гўё қор супасида ётган бир кимсани чўкиб-чўкиб ер эди.

## ҚУМРИЛАР

Қамоқдан келган пайтларим эди. Ишлаб юрган мактабимга йўлатишмади. Иккинчи класс шофёрлик правам ҳам бор эди, ҳарбийда олгандим. Пўлат пучуққа учрашгандим, — гаражда диспетчер эди, — «Жўражон, беш юз сўм бермасанг, мошин ололмайсан» деди. Менда сариқ чақаям йўқ. Пучуқ кўп гапираверган эди, «Асли мени эмас, сени қамашлари керак эди» дедим. Тўғри-да, мен бир аҳмоқлик билан кўлга тушдим-тушдим. Лекин номардлик билан эмас, бировнинг ҳақиға хиёнат қилиш билан эмас. Шунчаки ўғли дарсга хоҳлаган пайтида келадиган милисага қаттиқ гапирганим учун. Ўзи — участковой, ҳаммани сен-сенлар эди. Сал гапирсангиз, «Обориб тикиб кўяман» дер эди. Мениям оғзимдан ёмон гап чиқиб кетганда: «Ўғлинг сендан ибрат олаяпти?» У-бу... Э, бу — одамнинг ёмони-ёмон бўларкан. Иккитаси бир бўлиб акт битишса, ман-ман деганингиз ҳам бас келолмас экан.

Ўшанда шундай эди-да. Ҳозир-ку, хайрият, улар ҳам ўйлаб иш қиладиган бўлиб қолган.

Хуллас, Термизда Олим жўрам бор экан! Шунинг олдиға бордим. «Жўра, кун ўтмай қолди. Бир иш топиб бермасанг, чатоқ», дедим. Ана у — одам. Инсон. Ё менга синфдошлик қилдим, С. районида бир ошнаси бор экан. РАПО деган ташкилотнинг бошлиғи экан. Шунга қўнғироқ қилди. Уям бунинг гапини икки қилмас экан, мени чақирди. С.га бордим.

Биласиз, у — тоғлик жой, шағал карьерлари кўп. Бирига юборар деб ўйлаган эдим, йўқ, домотдихга юборди. Районнинг одамларига мўлжаллаб қурилган экан. Тоғнинг этагида. Кўп хушҳаво жой. Директори бизни фаррош қилиб олди. Шунгаям шуқр дедим. Қамоқда бунақа ишларни қилавериб ўрганиб кетган эдим... Лекин қаёқдан келганим қулоғига етган экан: «Тек юрасан, тек ишлайсан. Безорилик қилмайсан. Қилсанг — ўша куни думингни тугаман», — деди. «Хўп», — дедим. Бошқа нима дейман?

Фамилияси — Қорёғдиев эди. Лекин ўзи қоп-қора, кўзлари ўйнаб чиққан, тагин қулоғи оғир одам эди. Қачон қараманг, идора олдиға чиқиб, сигарет чекиб турарди.

Хуллас, иш бошладик. Саҳар туриб ер супураман, полизда ишлаш, кейин сув тараш, гулларнинг остини чопиш. Э, директорнинг машинасини ҳам ювиш менинг бўйнимда эди. Лекин барибир хурсандман. Тўқсон сўм маош белгиланган.

Фаррошлик қилаётганимнинг учинчи ойи эди, шекилли, сизга айтмоқчи бўлганим жуфтни кўрдим. Дарвозадан кириб келишди. Бир-бирига ярашган. Қизнинг исми — Кўйсиной, йигитнинг исми — Эшвой экан.

Буни кейин билдим.

Бир куни бассейннинг сувини чиқариб, тозалаётган эдим, шу йигит — Эшвой ҳовуз лабига келиб:

— Ҳорманг, — деди.

— Бор бўлинг, меҳмон, — дедим.

— Юваяпсизми?

— Ҳа, лойқа босиб кетипти. Кечкурун тоза сув кўямиз. Эрталаб бемалол чўмилишингиз мумкин.

— Эрталабгача тўлиб қоладими?

Энсам қотиб, унга қарадим. Зериккан. Бир эрмакка муҳтож. Бунинг устиға, қандайдир сиқилгандек кўринди. «Ажаб, — дедим. — Ёнида шундай жонони туриб, бу зерикса!» Ўзиям чарчаган эдим, нарвондан чиқиб, зинаға ўтирдим. Кўлим лой эди, Эшвойга костюмимни кўрсатиб:

— Киссада сигарет бор. Битта олинг, ошна, — дедим. У ҳозиржавоблик билан айтганимни қилди. Афтиға зехн солдим. Бинойда йигит. Уст-бошиям дуруст. Бошида сомон шляпа, эгнида мундай — йўл-йўл оқ кўйлак. Галстуги бор. Туфлисиям ялтираб турибди. Э, жуда башанг. Зиёли-да!

Бечора гугуртниям чақиб тутди. Сигаретани тута-тиб ўтириб, гапга солдим.

— Уқитувчиман. Ҳинд тилидан дарс бераман, — деди.

Тавба! «Бродяга» фильми туфайли... хинд тили факультетига қираман деб Тошкешта бориб, тарих-адабиёт факультетига кирган эдим. «Низомий»га-да! (Университетнинг шарқ тиллар факультетига хужжат қабул қилиш тугаган экан).

— Э, чалакаллега! — дедим. — Бахтли экансиз... Маош қанча?

— Яқинда ўқитувчиларнинг маоши кўпаяди деган гап бор. Лекин ҳозиргисиям етади, — деди.

Яхши йигит экан, мен сизга айтсам. Қаноат яхши-да! Мана, ҳозир ўқитувчиларнинг ҳам ойлиги кўпайиб кетди. Қишлоқ хўжалигига бораман — аграном бўламан деганлар ҳам ўзини муаллимликка

уряпти. Кейин у:

— Сизам ҳинд тилини биласизми? — деди. Мен кулдим.

— Билишим мумкин эди...

— Узр, энди, — деб чайналди.

Кўриб турибсиз, содда йигит экан. Менга ёқиб қолди. Ҳозир ҳам шу фикрдаман: унақанги содда, покиза йигитлар кам учрайди. Биз ҳам энди ўзимизча яшаб, уни-буни кўрдик, ҳар хил одам билан танишдик-да!

— Янга нима иш қиладилар? — дедим.

Ишонинг-ишонманг, оғзимга тикилиб қолди. Кейин кўрқибгина, мўлтирабгина:

— Қанақа янга, ака? — деди.

— Янга-да! — дедим. — Бирга келган йўлдошингиз!

— Э-э. — Унинг биқинида санчиқ тургандек нафаси ичига тушиб кетди. Кейин денг, қизариб-бўзариб илжайди. Бунақанги чучмал илжайишни кўрмаганман. Сўнг худди ёш боладек тирноғини қимирчилаб, бошини сарак-сарак қилди. — Йўқ-йўқ, — деди-да, атрофга ҳадиксираб қараб олди. Кейин дадилланиб, яна: — Йўқ, — деди. Ундан кейин бўлса менга шундай интиқ-интизорлик билан боқдики, келганидан буён менга «ишқи тушиб» доғимда куйиб юргандай.

— Нима бўлди? — дедим. — Аптингиз тез ўзгарар экан. Артис бўлсангиз, гапиришингизга ҳожат қолмасди.

— Йўғ-э, нега артист бўлар эканман. Унинг учун талант керак. Менда эса, йўқ...

Менинг яна ансам қота бошлади. Бу йигитни жуда устамон, гап чалғитишга устаси фаранг, ёхуд содда-муғомбир деб ўйлаш мумкин эди. Лекин қиёфасида шундай самимият, тагин аллақандай бир мискинлик борки, унинг кифтини силагинг, «Нима дардинг бор, ука?» дегинг келади.

Унинг ёши мендан катта бўлса — катта, кичик эмасди.

— Бўлмаса яқинроқ танишайлик, жўра, — дедим. Бу ёғига исмимни айтмоқчи эдим, унинг кўзлари ал-лақандай чақнаб-очириб кетиб:

Менам шунинг учун келиб эдим, ака, — деди. Деди-да, бу ёғига гап бермади: — Сиз ўтган куни анави трамплиндан сувга ташладингиз. Калла билан. Кейин анча вақт йўқолиб кетиб, анави ердан чиқдингиз... Биз Кўйсиний билан мана бу ўрикнинг остида турган эдик. Ҳамма хайрон бўлди сизга. Кейин дирек-торнинг машинасини кавлаштириб, кўп тариллатдингиз. Кейин ҳе адоқларга ҳайдаб бориб келдингиз. Жуда тез ҳайдар экансиз. Ундан кейин интелегентча кийиниб, анави ерда руслар билан бемалол кулишиб...

Қарасам, у мени роса кузатган. Менинг бўлса парвойимга келмаган.

Энди камтарликни кўйиб, гапнинг бўларини айтсам, бир йигитдан кам жойимиз йўқ-да! Биз ҳам уч йил бурун олий маълумотли муаллим эдик...

Бу Эшвой жўрамиз менинг кутубхонага кириб, китоб варақлашимни кузатган экан. Қайси куни иккита дам олувчи ичиб, шовқин кўтарди. У қилдим — бўлмади, бу қилдим — бўлмади. Қоровулнинг хотини туғиб, уйига кетган эди. Охири пиёнларни бошлаб каравотга боғлаб ташладим.

Мулла Эшвой шунимга кўрган экан. Хуллас, биз унинг «кузатув объекти»га айланиб қолган эканмиз.

— Намунча қизиқиб қолмасангиз? — дедим.

— Қизиқаман, ака, — деди у. Сиз бошқача одамсиз... Бизни хонага бир кирмайсизми, кўлингиз бўшаса... Сал гурунқ қилардик. Мени сиздан сўрайдиган маслаҳатим бор! — деб юзимга тикилди.

Унинг ҳақиқатан ҳам сўрайдиган гапи борлигига ишондим.

— Бўпти. Мана шу лойқани тўплай. Анави ерларни ювай. Машина келсин. Кейин, — дедим. Ахлат ташигич машина лойқа аралаш сувни тортиб олиши керак эди.

Йигит хурсанд бўлиб кетди.

Ишни бир ёқди қилиб, ювинаётган эдим, яна пайдо бўлди. Ҳарқалай, бировнинг уйига тузукроқ бўлиб кирган маъкул. Бугунги энг муҳим ишим битган эди. Бильярдхонага кириб кийиндим. Илгари қоровулхонада ётардим. Қорёғдиевга чаққонлигам ёқиб қолганми, «Бу ер тор экан. Бильярдхонада ётиб юр», деган эди. Кўпдан бери бильярднинг столням, кийлари ҳам дабдала бўлган, синиқ-мийриқ стол-стуллар қалашиб ётган шу хонада турардим. «Интелегентча» кийиниб чиқсам, жаноблари кутиб турибди.

Мен сизга айтсам, бу йигитнинг дидиям яхши экан. Ҳалигидай гапларига ўхшаш — сал чучмалроғ-у, майли-да. Ўртача хоналардан бири эди — унинг номери. Каравотни иккита қилиб, икки киши ётсам

бўладиган хужра. Деразага сариқ парда тутилган. Стол, стул, тумбочка, икки кресло. Одатдаги — бошқа хоналарда бор анжом бу ердаям бор эди. Лекин нима десам экан, антиқа эди-да!

Киришим билан димоғимга чучмўманинг ҳиди урилди. Май ойи эди, чучмўмалар хазон бўлган пайт, «Қаердан топипти?» деб қарасам, дераза токчасида, шарбат қуйиладиган графинда бир даста бўтакўз турибди денг. Худди чучмўмага ўхшайди. Жуда ғалати гул-да! Ўзи кечроқ гуллайди, боғнинг адокдарида бор эди. Графиннинг тагида денг қариқизнинг каттакон япроғи ям-яшил бўлиб ётибди. Тумбочканинг устида кичкина япон магнитофони.

Диван олдидаги уч оёқди столчада талай қоқмевалар: чақилган ёнғоқ, бир ховуч туршак, бир ховуч қора кишмиш. Яна тўртта бодринг билан тўртта помидор — булар ўзимизнинг теплицадан чиққан.

— Ў, маишат қилар эканмиз-да! — дедим. Эшвой титрабгина сўради:

— Ичасизми? Бирон нарса топайми?

— Раҳмат. Ичмайман, — дедим.

— Менам ичмайман, — деди у.

Креслоларга ўтирдик. Менга бир нима етишмаётгандек туюла бошлади. «Ҳа, бу ёлғиз тураркан-да...» деган мулоҳаза экан. Буни англаб... у билан келган жонон «янга» эмаслигига ишондим.

Ана шунда ёстик устида — каравот қошига суяб қўйилган суратни кўриб қолдим. Ўша жонон эди. Лекин пальтода. Ёқаси оппоқ — сувсар тери бўлса керак. Бошида денг оққина жун рўмол. Рўмол билан кулча юзини шундай ўраб олганки, тушмагурнинг юзи шу рўмол ичидан ноз билан чиқиб, гўё «Ёмон қарасанг, яшириниб оламан» дегандай. Каравот қошига суяниб худди биз томонга қараб турибди.

— У, — дедим. — Энди билдим. Севгилингиз экан-да у хоним?

Эшвой шошиб қолиб, қимирлаб олиб:

— Ҳа, йўқ. Э, шундай... — деди-да, бирдан бошини эгиб, ҳам бўлиб олди.

Тушундим: дарди бор, севги дарди... Табиб — табиб эмас, бошидан ўтказган — табиб, дейдилар. Биз ҳам энди бу дарднинг табиби бўлиб кўрганмиз-да. Ҳа, мактабдалиқ чоғлардаёқ ошиқи беқарор бўлиб, бир гўзалнинг исмини қорларга ёзиб юрганмиз. Унинг кўзига ташланай деб, қор кураб турган курагимизни отиб юбориб, томлардан сакраганмиз. Аксига олиб, кўрқиб кетиб, қарғаб берганлар.

Мен ўзим болалиқдан сал қитмироқ бўлиб ўсдимми, билмайман, баъзан шафқатсиз бўлиб кетган вақтларим бор. Тўғри, текканга тегиб, тегмаганга кесак отадиганлардан эмасдим. Бироқ шу — ноҳақликни кўрсам, чидолмасдим-да. Шунинг учун мактабдан (яна мактаб!) ҳайдалишимгаям оз қолган. Бир дарсга кечикиб келганим учун домла қаторасига учта «икки»ни босган эди! Ҳа, кечикиб кепсан, деб хулқимни муҳокама қил, «химия»дан икки қўйиб ўтирибди. Э, тутуним чиқиб кетган. Аёл ўқитувчи эди, эрининг пиёнисталигиниям юзига солганман.

Қизлар масаласига келсак, кейинчалик уларга сал тепадан қарайдиган бўлган эдим. Бу — хато, албатта. Лекин нима қилай? Бирига пойи-патак бўлиб нима топдим? Ўзи, сирасини айтсам, қиз халқи, хотин халқи сал мағруроқ йигитларни маъқул кўришар экан. Пушкин ҳам айтган-ку, «Аёлдан қанча узоқлашсанг, у сенга шунча яқинлашади», деб. Албатта, гап бундаям эмас-у, феъл-да... Тағин бу томонини ҳам яширмайман. Институтдаям бир-иккитаси билан таниш-билиш бўлган эдик. Сухбат қурган эдик. Гапнинг хулосасини айтсам, бу йўриқда қамоқ менга хийла таълим берган эди. Дийдам қотиб кетдим, нима бало, озодликка чиққанамда, кўплар, хотин-қизларам кўзимга қилча кўринмасди. Лекин яна такрорлайман: буям — хато... Чунки сал вақт ўтмай, ҳаммасидан ўзим паст ва нодон эканимга иқдор бўлганман.

Ҳа, чекиниш бас, энди.

— Дўстим, сиз ошиқу беқарорсиз! Шу тўғрида маслаҳат сўрамоқчимисиз? — дедим.

У менга ҳайрат билан қараб қолди. Худдики «Қандай донишманд одамсизки, қалбимни дарҳол билдингиз?» дегандай. Албатта, бундай нигоҳлардан керилмай бўлмайди.

— Айтаверинг, дўстим, — деб қора кишмишдан олдим. Худди «уч қора»дек. Қаёқдан топган бу бола? — Қулоғим сизда, биродар.

— Шу, мен, мен шу кишини... яхши кўраман, — деб суратга қаради-да, бип-бинойи йигит йиғлаб юборди. Ҳа, йиғлаб, бошини эгиб қолди. Худди онасидан ноҳақ калтак егандай елкалари силкиниб-силкиниб кетади.

Мен ишондим! Эшвой қизни чиндан ҳам яхши кўрар экан. Сизга тағин бир гапни айтай: бунақа севадиганлар ҳозир ҳар қадамда учрайвермайди. Эҳ-хе, қизнинг афтидан кўра, муҳаббатдан кўра, унинг

ота-онасини танлайдиган йигитлар ҳам сероб бўлиб қолган. Билмадим, қизлар, йигитлар ҳисоб-китобли бўлаяптими, ишқилиб, бунақаси кам-кам!

Тағин, бу — ўқитувчи!

— Эшвой! Бошингизни кўтаринг, дўстим! — дедим. — Қиз учун йиғлаш — эркак кишига ярашмайди!

— Э, йўқ-йўқ-э, — деб тўлғанди у. — Ҳеч бўлмайди... — У кўзёшлари орасидан менга бокди. — Шунини деб келдим... Имтиҳонни олдим-у, бу ёққа жўнадим... Кетаётганини эшитиб эдим...

— Бирга келдиларинг-ку?

— Ҳа-да! Унга ҳамроҳ бўлдим-да. Бир укаси бизда ўқир эди. Домкультурага бориб ўтираман энди, деб қолди. Нимага десам, бу киши — Қўйсиний бу ёққа дам олгани чиқаётган эканлар. Ўзлари... маданият уйининг директори-да.

— У кишиям институтни битирганми?

— Ҳа Маданият институтини битирганлар. Яхши битирган. Қизил диплом билан.

— Тошкентда танишганмисизлар? Э, бир жойданга ўхшайсизлар, чоғимда!

— Ҳа, шу ерданмиз. Қўшни мактабда ўқиганлар. Тошкентгаям бирга борган эдик... Ман Ҳиндистонга кетишим керак эди... Шу кишини деб қолдим. Ҳеч бўлмади...

— А-а, у кишининг муносабатлари қалай энди? — деб сўрадим. Кишмиш жуда мазали экан.

— У киши... — Эшвой тек қолди. Бирпас қўллари қовуштирилган хайкалга ўхшаб турди-да, бикинида яна ҳалиги санчиқ тургандай қаттиқ қимирлади.

— Хўш?

Эшвой пешонасига бир шапати урди-да, эшикка егудек бўлиб қараб:

— Мен ўзим бўлмасам керак, — деди.

— Нимага? Тушунмадим гапингизни?

У хўрсиниб жимиди. Кейин чўнтагидан тоза, оппоқ рўмолча олиб, кўзларини артди. Қандайдир жиддийлашиб, ниманингдир хаёли билан тез-тез бош ирғади. Кейин хўрсиниб олиб, яна жим қолди.

— Э, гапирингда-е, — дедим.

— Бўшсиз дейди! — Юзимга тик қаради. — Тушундингизми? Бу дегани... йигит эмассиз дегани... деб тушуниш ҳам мумкин. — У лабларини қаттиқ қимтиб олди. Юзи яна титраб кетди. — Нима қилай? Шундай тарбия топган бўлсам... Бировга қўл кўтармаганман. Қайтамга ҳамма вақт елкамни қисиб юрганман...

— Ҳа-а, — дедим мен масаланинг мағзига етгандай. — Ундай бўлса, ўйлаб кўриш керак экан. — Лекин нимани ўйлашни билмасдим. — Кўзингизни артинг, дўстим. Э, эркак киши... — Ўзим ҳам хўрсиниб юбордим. — Кишининг бошига мундан катта савдоларам тушиши мумкин!

У бошини қимирлатди.

— Хўш?

— Мен у киши учун ҳар қандай ишга... қийинчиликка тайёр эдим. Ҳозирам шундай... Бир қўпол, ғалати йигитлар бор... Қўйсиний баъзан ўшалардан ўрناق олмайсизми, деб қолади... — Унинг кўзи тағин ёшланди. — Қаранг-а!

— Нима учун?

— Айтдим-ку, уларда... ҳалигидай йигитликми, йигитга хос фазилатларми, кўп эмиш...

— А-а. — Мен унинг дардини энди тушунган эдим. Лекин энди дармон масаласи бор.

Мен уни қайдан топаман?

Ўша куни Эшвойнинг олдидан чиққандан кейин узок ўйладим. Шу йигитга ёрдам бергим келарди-да. Нима қилай? Ўйлай-ўйлай, унга ғашим ҳам келиб кетди. Хокисорлиги, «қизи» айтганидек, «бўш-баёв»лиги жинимни кўзғади. Бироқ тан олиш керак, унга қандайдир хавас билан ҳам қарардим. Ахир ўзим ундай эмасман-да.

Гапнинг қисқаси, мен у йигитга ёрдам беришни... қизга қандайдир таъсир этиш, бу хокисор, олийжаноб ошиқнинг фазилатлари нақадар ноёб эканини кўрсатиш, балки исботлаш, бунинг учун... бунинг учун яна бир нималар қилиш керак, деган хулосага келдим. Кўриб турибсиз, хулосам ҳали пишмаган, шунга қарамай Эшвойни эртаси тутиб, қизи билан мени таништиришини сўрамоқчи бўлдим. Лекин буям ноқулай эди: боланинг кўнглига, ким билади, қандай гаплар келади. Шунинг учун қизни бир оз вақт кузатиш ва иложи бўлса бир-икки оғиз гаплашишга қасд қилдим.

Ана шунда денг, окшом маҳали Эшвой қоровулхонага ҳовлиқиб келиб қолди.

— Ака?

— Ҳа, ука, — деб чикдим.

У бошини эгиб, қандайдир ҳазинлик, яна кинояга ўхшаш бир ҳолатлар бутун қиёфасида акс этганча турди-да, бурнида кулиб:

— Тавба, — деди.

— Қулоғим сизда!

— Ҳе, кизик... Бугун ҳали... денг, сизни мактаб қолдилар, — деди энди чехраси ғалати бир тарзда очилиб. У бу ишдан хурсандми, ғашми — билиб бўлмас эди. Лекин қаттиқ ҳаяжонда! — Ҳа, ака, мактаб қолдилар, — энди йиғлайман деб туриб кулган кишининг тўлғокди оҳангида давом этди: — Ўша мен сизга айтган нарсаларни айтдилар. Сувга сакраганингиз борми, анави икки пиёнистани ётқизиб қўйганингиз борми... «Сиз шундай қилоласизми? Ҳечам қилолмайсиз-да», — дейдилар. Мен ҳайронман. — У қандайдир жиддийлашди. — Ҳар кимнинг ўз вазифаси бўлади, масалан, сизнинг ҳам, тўғрими, ака? Спортчининг ҳам...

— Албатта, албатта, — дедим. — Мен, масалан, ҳинд тилидан дарс беролмас эдим.

— Балли. Раҳмат. Шундайки, мен ҳам...

— Фаррошлик қилолмайсиз. У қийналиб кулимсиради.

— Детдомда қилганмиз. Етимхонада... ер супурар эдик. Девор урар эдик...

Мен унга ачиниб кетдим: демак, бу йигит етим ўсган... «Нега бунга азоб беради, а, у? Бошида тожи борми! Уни деб чет элга боришдан қолипти. Энди бориб ялинсаям юборишмас... Уни... Сени деб ўқитувчилик қилиб юрипти! Фалон сўмга қаноат қилиб... Шошма, қандоқ одамсан ўзи? Болалиқдан севар экан сени! Мундай йигитни... дорига топиб бўлмайди. Нимангга ишонасан? — Э, тоза қизишиб кетган эдим. Гўё у жонон билан олишардим. — Ўзингизам сал демаса, қари қиз бўлиб қопсиз, хоним! Эрта-индин бозорингиз касод бўлиб, хотин қўйган ўрта яшар кишигаям тегишга жон дейдиган бўп қоласиз... Ё шунчалик мағрурмисиз? Шошманг...»

Назаримда, қизнинг бошқа йигити бор-у, Эшвойни лақиллатиб юргандай туюлди.

Кейин бу гапга чиппа-чин ишониб қолдим: «Бошқача бўлиши мумкин эмас!»

— Эшвой жўра, — дедим. — Мен сиздан катта эмасман. Келинг, жўралашамиз.

— Э, йўғ-э...

— Э, тузук турунг-е! Минғирламанг... Кечирасиз, бу яхши одат эмас. Нимадан ҳайиқасиз?... Мард бўлинг-э! Одам бир марта дунёга келади. Кўкракни кериб юрмайсизми!

Мен шунақа қилиб сайрар эдим. У менга сезиларли хурмат билан, айна чокда «Бу гапингизни биладан, тушунаман, ака» дегандай бир камтарона хайрихоҳлик билан эшитарди.

Нима демоқчи эканимни унутиб қўйдимда:

— Келинг, бир ўтиришайлик. Биздан нима кетди! — дедим. — Хоҳласангиз, мен ташкил қиламан. Лекин пулим йўк.

— О, о, о! — худди бир ерига қайноқ сув қуйилиб кетди-ю, мендан кўра у кўпроқ азоб чеккандек тус олди. — Менда бор... Узим... Нега шундай дейсиз? Пул...

— Бўпти. Эртага кечки пайт.

— Э, эртага суриб нима қиласиз? — деди у. — Шу окшом... Мана, бирон соатдан кейин. Мен у кишини таклиф қилсам, хонамга келадилар...

— Олам гулистон! — Лекин ичимда: «Тавба, — дедим. — Хонасига келибам лақиллатиб ўтирса керак».

— Соат, соат...

— Еттидан кейин, — деди. — Меҳмонам келмайди. Келсаям қабул қилмаймиз. Сестра хозийкалар кетиб бўлади.

— Бўлмасам, ярим соат қопти.

У илиққина илжайиб, тез қайтиб кетди.

Мен унинг нима қилишини ўзимча тасаввур этардим: шошилади, нималарнидир тушириб юборади. Анави суратни нима қилар экан? Ўша ерда тургани маъкул... Қиз халқига таъсир этади. «Мени севар экан», дейди. «Расмимга қаноат қилиб юрган экан, бечора», — дейди.

Алқисса...

Хонага кирсам, хоним тўрдаги креслода ўтирган экан. Ёнбошдаги креслодан Эшвой ирғиб турди. Албатта, ўзаро келишганимизни билдирмай:

— Э, келинг-келинг, меҳмон ака, — деди. Сўнг шошиб, мени таништирди: — Шу ерда ишлайдилар... — Қизга тикилиб қолди-да:

— Кўргансиз-ку, — деб кўшимча қилди. — Исмлари Холиёр.

Мен ҳам энди рол ўйнашим керак эди.

— Бемавруд кириб қолмадимми? — дедим. — Кечирасизлар... Одам зерикади. Сизлар бу ерда — энг зиёли одамлар. Бошқаларнинг кўпи — колхозформа...

Шу нарсани алоҳида қайд этишим керакки, Қўйсиной бугун мен ҳақимда Эшвойга гап очгани, тахминан мақтагани ҳолда, туйқус кириб келишим, шубҳасиз, унда ғалати бир фикр уйғотганини тусмолладим. Яъни, назаримда, киз: «Мен буни мақтаганим учун чақирди», деб ўйларди.

Демак, бизнинг ўзаро битишувимиз ҳам унга маълум бўлса керак.

Энди, яна бир муҳим гап: Қўйсин немис қизлари киядиган шахматнусха оқ-қора кўйлақда, калта энги қаппайиб турар...

Қойил! Оналар бор-да, шунақасиниям туғиб қўйишади... Юзи — кулчагина, сочини елкасига тегар даражада кестирган экан, ёйиб қўйибди. Қандайдир Италия қизларига ўхшаб кетадимми-е. Лекин оғзидаги олдинги учта тиши тилла экан.

— Келинг, — деди.

Шундай дейиши билан овози анча ўктам, дадил эканини сездим. Ҳарқалай, йигитлар ҳақида, йўғ-е, «ҳақиқий йигит» ҳақида ҳалигидай дейишлари бежизга ўхшамайди.

Лекин мен ўзимни ундан ҳам дадил, ўктам, ҳатто бир оз чапанироқ тутишим керак эди. Нима учундир бу қиз билан гаплашишга ўзимни тайёрлар эканман, шундай тутишни маъқул кўрган эдим. Қолаверса, Эшвойдек йигитга азоб бериб юрган бу такаббур — ғалати, бечора йигитни камситиб юрган шаддод хонимга нисбатан кўнглимда аллақандай бир адоват ҳам уйғонган эдики, ҳеч нарсани ўйламай хонага кириб келганимдаям ўзимни ҳали айтганимдек тутиб кетган бўлардим.

Кечирасиз, тагин битта нозик масала: мен энди уни Эшвойга оғдириш ёки дўстимнинг қимматли фазилатларини бирон-бир тариқада кўрсатишним унутаёзгандим.

Ундан қандайдир ўч олиш, иложи бўлса, унинг ўзини камситиш истаги туғилган эди.

Бу истак эса менинг ҳалиги... аёл зотига баланддан қарашдек ёмон одатимга мос тушарди.

— Хўш, ўтирибсизларми? — дедим-да, шартта диванга чўка қолдим. Лекин қурғурнинг пружинаси ишдан чиққан экан, чинданам чўкиб кетдим. Узингиз яхши биласиз, рақибингиз баландроқ ерда ўтирган бўлса, у билан мунозара қилиш анча оғирлашади. Зеро, ўша баландлик ҳам уни кўтариб, гапларига салмоқ бағишлаб туради. Шунинг учун айрим амалдорлар атай стол бошига яланг стул қўйиб ўтиришадик, қаршисида креслоларга чўкиб ўтирганларга тепадан қарай олади. Қолаверса, курук стулда ўтириш билан ўзларининг «камтар»лигини намоёйиш ҳам қиладилар. Ҳа-а, буям бир гап-да... — Эҳ, — деб ўрнимдан турдим. — Эшвой дўстим, айтмайсизми диваним чатоқ деб? Янгисидан келтириб кўярдик!

Қўйсин Эшвойга таънаомуз бир қаради-ю, дарҳол кўзини олди. Чамаси, у бу ерда... менга кизикарди.

— Балки бу ёққа ўтирарсиз? — деб креслоси су-янчиқларидан ушлади.

— Йўк-йўк, — деб аланглагандим, тумбочка қошида турган яланг стулга кўзим тушди. — Дўстим, ўшани олворинг, — дедим.

Каловланиб қолган Эшвой:

— Э-э, сиз, мана... — деб қандайдир сурилиб, креслосини мен томонга итарди. Кейин кўтариб қўйди. Кейин стулни олиб, таппа ўтирди-да, қатъий илтижо қилди: — Марҳамат, ака...

Мен ортиқча мулозамат қилишни лозим топмай, креслога чўқдим. Хайрият, ҳалигидай чўкиб кетмадим.

Қўйсин мени Эшвойга мақтаган бўлса, демак, мени ундан устун кўяди. Демакки, шундай одам — мен кириб келган эканман, ундан ўзимга нисбатан анчагина дилдорликлар, ҳатто хушомад, қандайдир фахрланишни англатадиган муомала-муносабатлар кутишга ҳақлиманми?

Бирок, у... йўк, ундан бу нарсаларнинг зиғирчаси сезилмасди. Ҳарқалай ҳозиргача сезилмади. Кириб келдим, ўрнимдан кўзғалмади ҳисоб...

Жойим нокулай эди, дарҳол жойини бўшатиб бермади.



Тағин чехрасида кинояомуз ифода бор.

Бу нимадан деб ўйлайсиз?

Эшвой билан ўзаро битишганимизни англаб қолганиданми?

У ҳолда, аксинча... Эшвойга мени яна-да кўз-кўз қилиш, ўзининг «асл йигитлар»га қўядиган талабини янада намойиш этиш учун ҳам менга боягидек илиқ-иссиқ, жозибали мезбоннавозлик кўрсатиши керакмасми?

Хуллас... тағин, хуллас деяман, ана шундай қарама-қарши фикрлар калламдан кечди.

Бироқ ҳали айтганимдек хатти-ҳаракат, гап-сўз бобида «қайтиш» йўқ энди.

— Қани, дастурхонга қаранглар! — дедим. О, бу киштишни! Ана шу «учқора» бўлса, космонавтлар ейдиган киштишни!

— Олсинлар.

Кўйсин айтди бу гапни. Ялт этиб қарадим. Яна... энди очиқ киноя қиларди.

— Оламиз, раҳмат, — дедим. — Лекин таом эгаси билан ширин! Қани, Эшвой?.. Ё, кечирасизлар, чинданам бемавруд кириб қолдимми? — Ниҳоят, шундай дейишга мажбур бўлдим.

Ахир гап-гапга ковушиши керак-да.

— Биз еб ўтирибмиз, — деди Кўйсин.

— Кечирасиз, сиз ўзи нима касб қиласиз? — дедим Кўйсинга дангал.

Кўйсин Эшвойга беозоргина қаради.

— Айтмадингизми? Эшвойнинг калласи қаёқда!

— Нимани? — деди.

— Э, бу кишидан сўраманг! — деб гапнинг очиғига ўтдим. — Бу киши сизнинг ишқингизда девона бўлиб, ҳозир еган овқатиниям унутиб қўядиган бўп қопти. — Ғашим келиб кетди. Бемалол сигарета олиб тутатдим. — Кечирасиз, чекмасам ўтиролмайман.

— Яхши одат.

— Хўш, — дедим. — Бу, домкультурада ишлар оғирми дейман? Дам олишга чиқибсиз?

— Ишлар сиз ўйлаганчалик енгил эмас, — деди у. — Иккинчидан, отпусага чиқдим. — Сўнг табассум қилди. — Курорт, санаторий, Қрим, Кавказ бўйларига боришга бизнинг қурбимиз етмайди. Ана шунинг учун узокдаги қуйруқдан яқиндаги ўпка яхши деб, шу ерга чиқа қолдик. Энди тушундиларми?

Мен сал гангиб қолдим. Унинг гапларида оғир жойлар ҳам бор эди. Лекин у жуда бемалол айтди. Иккинчидан, мен ўзим унга нисбатан адоват билан келганим ҳолда, унинг менга қандайдир адовати бордек туюла бошлади.

Бу — нимадан?

Ўйласанг, бош айланиб кетади.

Яхшиси, ўйламай суҳбатнинг оқимига қараб кетаверишни маъқул топдим.

— Тушунарли, — дедим. — Чунки домкультуралар сердаромад жой эмас. Штатингиз ҳам унчалик кўп бўлмаса керакки, битта-иккита ўлик жоннинг маошини олиш мумкин бўлса!

Унинг кўзларида дув этиб ўт чиққандек бўлди.

— Қанақа «ўлик жон»? — деди.

— Ҳарқалай, Гоголнинг «ўлик жонлари»ни кўзда тутмаяпман, — дедим.

— Тушундим, — деди у. — Ўзингиз нима касб қиласиз?

Мен кулдим.

— Бу масала аён-ку?

— Йўқ, сиз... уборшицага ўхшамайсиз? — деди.

Бир сесканиб кетдим.

— Эй, хоним, менга қаранг, — дедим. — Кўриб турибсиз, бу ерга бежиз кирмадим.

— Албатта, — деди у.

— Балки, мақсадимниям биларсиз?

— Сал-пал.

— Бўлмасам, мен бутунасица айтай.

— Хўш-хўш?

— Нега бу йигитга азоб берасиз?

Ана шундай қилиб, мақсадни айтиб юбордим. Ўзи мақсадим шумиди? Йўқ-йўқ! Бу — индаллоси.  
— Сизнинг нима ишингиз бор? — деди у. Тавба, хотиржамгина айтди. Сал аччиқланса бўларди-ку?  
Дамим ичимга тушиб, ҳароратни кўтармоқчи бўлдим.

— Нега ишим бўлмасин? Бундай йигитни яна қаердан топасиз? — «Бор-э!» дёб давом этдим. — Бу инсон-ку! Бунақаси топилмайди, мен сизга айтсам... Масалан, мен кўполлик қилишим мумкин. Бировга азоб беришим мумкин... Лекин бу одам мусичагаям озор етказмайди!

Кўйсин унга қаради-да:

— Шундайми? — деди. Қизик, башарасида жилла илиқлик пайдо бўлди. Маъносини тушунолмадим: киноямиди?

Гангиб-гарангсиб, дам унга, дам менга қараб ўтирган Эшвой:

— Э, йўқ, мен... Бу киши мени мақтаб юбордилар... — деди. Кейин кип-қизариб кетиб, менга қаради.  
— Ака, нима кераги бор шу гапларнинг? Мен... менда камчиликлар тўлиб ётипти. Уни... мана, Кўйсинийнинг ўзлариям яхши билдилар. Тўғри, у камчиликлар менга боғлиқ эмас. Лекин шундай...

— Э, кўп миждовланманг-э! — бу гапни айтиб юборгандан кейин сал пушаймон едим. Ахир, уни сўкиш-да бу... — Кечирасиз, — деб гапимни тузатдим. — Камтарлик ҳам эви билан, дўстим. — Кейин яна Кўйсинга мурожаат қилдим: — Хўш, хоним афанди? — Шунда унинг кўзларидан яна ўт чакнади-ю, мен шодланиб кетдим. Энди бутунасига хужумга ўтдим: — Мен сезиб юрибман, — дедим. — Сиз бу содда йигитни оёқ ости қияпсиз!

Тавба, унда ҳеч қутилмаган ҳолат юз берди. Чуқур ҳайрат билан Эшвойга қаради.

Эшвой қурмағур эса, яна менга қарши келди:

— Қачон, қачон мени оёқости қилиптилар? Нега шундай дейсиз, Холиёр ака? — деди.

— Мен буни сездим. — Кўзимни юмиб кўполикка, балки муттаҳамликка ўтдим. — Сездим... — Яна нимадир дейишим керак. Қуриб кетгур, тилимга гап келмади.

— Бас, бас, — деди шунда Эшвой. — Бу гапларни қўяйлик... Менда ҳиндча музика бор...

— Эшитмайман, — дедим. — Мен — шу масаланинг тагига етишим керак. Чунки буни... бурчим деб биламан! Ҳа, Кўйсиний, бўлари гап шу!

Кўйсин бирдан чуқургина хўрсинди. Сўнг кўзимга тик қараб:

— Сиз бунинг сабабини нимада деб ўйлайсиз? — деди.

— Ниманинг?

— Бу кишига... дейлик, сиз айтгандақа, муомаламни. Ахир, бу киши сизга айтган-ку?

— А-а, уними? — Ҳа..

— Сизга очиғини айтайми?

У тек қолди. Айтмади. Назаримда, бутун вужуди қулоққа айланди. Энди асл гапни айтиш вақти келган эди. Секин Эшвойга қарадим: бу гапни у қандай қабул қилар экан?

У боёқиш жим.

— Менимча... — дедим.

— Хўш?

— Сизнинг бошқа йигитингиз бор.

О, назаримда зилзила бўлди. Уй силкиниб кетди. Эшвой ғалати қимирлаб, тўлғаниб, аланглаб қолди. Кўйсин... унга нима бўлди? У ҳам Эшвойга ялт этиб қаради, кейин бошини эгди, лабини қимтиди. Сўнг чуқур нафас олди.

Биласизми, одамлар ғала-ғовур қилганда, шовқиндан гангиб қоласиз-ку баъзан? Баъзан эса, мана шундай сўзсиз талваса, кўзларнинг ола-кула бўлишлари, юракларнинг гупиллаб уриши, хуллас, мана шунақа ҳолатдан ҳам киши гангиб қолиши мумкинлигини шунда сездим.

Биотокларда гап бор деганлари рост.

— Чиқиб кетинг.

Ниҳоят, Кўйсиннинг гапини эшитдим. Юрагим шувиллаб кетди.

— Нима-нима?

— Чиқиб кетинг деяпман!

Кўйсин, ишонасизми, ўрнидан ярим туриб кетган эди. Нима қилишим керак? Индамай чиқиб кетсам... Йўқ, мен бунақа ҳолда ютқазган бўламан.

Қолаверса, мен унга асл гапни... энг асосли гапни айтдим. Эшвойга қарасам, бошини эгиб қолган.

— Чикмайман, — дедим.  
— Чикасиз.  
— Ўтиринг, кўп ховлиқманг... Э, тўғри гапни айтсанг ҳам ёқмайсан.  
— Бўлмасам мен чиқиб кетаман! — дея Қўйсин ўрнидан буткул турди.  
Эшвой... э, бечора! Шошиб, ховлиқиб қолди-ку! Яхпш кўриш ҳам бир машаққат экан-да!  
— Йўк-йўк, сиз ўтиринг, Қўйсиной, — деди у ва менга... менга қаради. — Ака, чиқинг...  
Гангиб қолдим.  
— Нима?  
— Чиқинг. Ҳайронман.  
— Эсингиз жойидами? — дедим.  
— Эсим жойида! — деб бақириб юборса бўладими. — Чиқинг дегандан кейин чиқинг-да, ахир!..  
Нима? Нимага, бу кишига дўқ қиласиз? — Тавбангдан кетай. Хуруж қилиб, кўзлари ёшовраб менга юзланиб олди. Назаримда, мени кўрмас эди. — Нега бу кишини ҳақорат қиласиз? Нега?  
— Қачон? Қачон? — дедим.  
— Сизнинг йигитингиз бор... У-бу... Бу ҳақорат эмасми, ахир! Чиқинг, ака!  
— Э, бечора! — шундай деб юборганимни қулоғим эшитди-ю, тасаввур қиласизми, башарамга би-ир шапалоқ келиб тушди: бу ёғи планимда йўқ эди. Эшвойга қараб анграйиб қолдим. — Ҳе, жўра?  
— Мен жўрангиз эмасман!  
— Э, бор-э!  
Воҳ! Яна тушди ўша шапалоқ. Ўлгурнинг қўли қаттиқ эканми, ё буни кутмаганимданми, кўзим олди қорайиб кетди. Энди мени ҳеч нарса тутиб қололмасди.  
Бироқ шунда... бирдан калла ишлаб қолди-да, азизим! Ҳа, калла ишлади.  
Нима қилдинг дейсизми?  
Ҳеч нарса.  
Мен қилишим керак бўлган ишни, умуман, қилиб бўлган, яъни, Эшвойга катта яхшилиқ қилган эдим!  
Тушуняпсизми?  
Ахир, у мени урди! Ҳозир қўйиб берсам яна уради!.. Бу билан у Қўйсинга нимани кўрсатади? Йўк, исбот қилади? Ахир, қизнинг ундан талаби нима эди?  
Энди тушундингизми?  
Ана шунинг учун:  
— Э, безори экан-ку бу? Бунинг қўлидан одам ўлдиришам келади! — дедим. — Юмшоқ супурги деб юрсам...  
— Ўлдирама-ан! — Эшвой чинданам менга ташланди. Чамамда, кимлардандир, балки Қўйсиндан ҳам олиш керак бўлган аламини мендан олмоқчи... шунини олмоқда эди.  
Вақтни бой бермай, қочиб чиқдим.  
Эртаси чошгоҳдарда уларни боғ адоғидаги йўлкада кўрдим. Қумрилардек бўлиб — ку-кулашиб юришарди. Шундай кизгин гурунг билан банддарки, теплицанинг биқинида турибман-у, мени кўришмади.  
Шу билан ҳикоям тамом бўлдими? Йўк. Давоми бор.  
У шундан иборатки, Эшвойжон билан Қўйсиной эрталаб Қорёғдиевнинг кабинетига кириб, мен ҳақда нима дейишган бўлса, дейишган экан. Тушдан кейин ўртоқ директор бизни чақирдилар. Тикка турғизиб қўйиб, шундай «тахтага олдилар»ки, қани, бир гапдан тўхтатиб бўлса. Гапирган биланам фойдаси йўқ эди.  
Қар эшитганини қўймайди, деганлар-ку. Ўзиникини маъқуллаб, бизни «безори»га чиқарди.  
«Бировнинг хонасига бостириб кирган» — биз, «ҳақорат қилган» — биз.  
Охири: «Мен нима деган эдим сенга? Орамиз очик бўлди, ука. Буғгалтерияга кир...» деди.  
Ишонасизми, учаласи бирлашиб, устимдан акт тузишганда, нима бўларди?  
Ўшанда яна қамалиб кетишим ҳеч гапмас эди.  
Қолаверса, кейин... Қорёғдиевга масаланинг моҳиятини айтиб бергач, у менга ажойиб характеристика ёзиб берди.  
Лекин мен хафа эмасман.

Аксинча, уларнинг бир-бирини синашига сабабчи бўлганимдан хурсандман.

Дарвоқе, ҳозир Қўйсиной область санъат бошқармасида ишляпти. Эшвой — «Афғонистон билан Алоқа қилиш Дўстлик жамияти»да. Ўша юртга бир-икки марта бориб ҳам кепти. Ҳинд тилига яқин лаҳжада гаплашадиган қабила бор экан.

Камина яна Омон-Инсон ёрдамида эски мактабимдан...

1986.

## БИТИКЛИ ТОШ

Бойкувар эшикни аста очиб, бошини сукди. У ёқ-бу ёққа қараб, тўрда оқиш шарпани кўрди.

— Ассалом алайкум! — У отилиб кириб, йўрта кетди. Шу боришда узун стол қиррасига урилди ва илжайганча тисланиб, тўрга тикилганди, оқиш шарпа ёришиб, оқ кофта кийган, тўлагина юзига доғ тошган Дилнура... йўқ, Дилнура Қосимова... район партия комитетининг идеология секретари кўринди.

Шу асно хона ҳам ёришиб ва кенгайиб кетди. Деворда плакатлар, ўнгда китоб жавони, девор ёқалатиб қўйилган стуллар ва яхлит деразалар ҳам ўзини кўрсатди.

Унинг кўзи равшан тортиб кетган эди.

— Нимага тентирайсиз? Мастмисиз? Кўзларингиз ғалати? — деди Дилнура Қосимова ва ўрнидан адил туриб, унга дадил қўл узатди. Кейин, қўли бировнинг панжаларини ушладими-йўқми, асло сезмай, стол ёнидан жой кўрсатди. — Ўтиринг!

— Хўш, хўш... — Бойкувар стулга аста ўрнашди-да, олдидаги газетага тикилиб, уни ағдариб кўрди.

— Нима қиб юрибсиз?

— Нима? — Бойкувар оғзини катта очиб, секретарга қаради. Унинг таниш... болалиқдан таниш қиёфасини яққол кўриб жилмайди. — Ҳеч нима, ўзим... — Кейин шошиб қолди. — Чақирган экансиз! Ўртоқ Келдиев айтдилар. Шу билан чопавердим. — Кейин нафасини ростлаб, хўрсинди. — Ўзингиз ишлаб, чарчамай юрибсизми, Дилнура? Ҳе, биз жуда фахрланамиз, синфдошимиз райком секретари бўлди деб...

— Кўйинг, хушомадниям эпложмайсиз, — деди Дилнура Қосимова. — Нимага отангизнинг қабрига мар-мартош қўйдингиз?

— Қандай... А-а! — Бойкувар кулиб юборди. Кейин Дилнура ҳеч нарсани тушунмайдиган ёшгина қизалоқ-у, ўзи мураббийдек: — У мрамртош эмас, гранит, — деди. — Гранит! — Сўнг енгилгина хўрсинди. — Мрамр тополмадим. Шаҳрисабзгаям бордим, — куюниб давом этди. — Йўқ дейишди. Бошқаларга берса керак-у, мендан шубҳаланишдими, билмайман.

— Нимага тош ўрнатдингиз деб сўраяпман?

— Нимага... — Бойкувар бирпас гангиб қолди. — Нимага... нимага қўймаслигим керак экан? — Дилнурага қараганди, у яна шарпага айлана бошлади.

— Динга қарши кураш ҳақида янги кампания бошланди. Газета, ўқийсизми ўзи?

— Қўлимга тушгандаям... ўқий олмайман.

— Ҳаётдан орқада қопсиз... Хўш, жавоб беринг!

Йигит бор кучини йиғиб унга тикилганди, тагин у жамол кўрсатди. Хаёлини йиғиб:

— Менинг отам у, — деди. — Урушга кетиб, олти жойидан ярадор бўлиб келган! Шу аскольканинг жабрида кетдилар...

— У киши мулла ўтган экан-да?

Бойкувар анграйиб қолди-да, яна қаршисида ёшгина қизалоқ ўтиргандек хайрихоҳона жилмайди.

— Йўқ, Дилнураҳон... — Кейин тетикланиб кетди. — Ахир, ўзингиз кўриб юрардингиз-ку? У киши қачон муллалик қипти?

— Нега у кишини сўпи дейишар эди?

Бойкувар яйраб кулиб юборди.

— Ашула айтгани учун. Овозлари баланд эди-да! Шу ерда туриб бақирсалар, ўзимизнинг Курисойга эшитиларди! Э, ўзларингни сигирларинг йўқолганда, эсингизда борми, гужумга чиқиб жар солганлари? Ҳе, эсдан чиқарибсиз-да, Дилнура.

— Кечирасиз, кўп Дилнура-Дилнура деманг. Биз расмий идорада ўтирибмиз.

Бойкувар қизиб, хатто терлаб кетди.

— Кечирасиз, — деди овози зўрға чиқиб. Кейин ўйланиб қолди. — А, нима? Сўпи деганлари ёмонми?

— Сиз кўп талмовсираманг, ўртоқ Бойбўриев! — Столга ручкасини уриб қўйди секретар. — Саволга жавоб беринг. Нима учун отангизнинг қабрига... гранит тош қўйдингиз? Унга «Мулла Бойбўри ўғли Бойкувватовга», деб ёздирдингиз? Тагин «Ўғлингиз Бойкувардан», деб ҳам ёздирибсиз... Чектирибсиз! Ким у ишни қилиб берди?

— Шаҳрисабзда қилиб беришди, — деди Бойкувар. — Битта арманига ёздирдим. Тошдан уй қураб

экан, тошйўнар экан... Улар бундай ишга жуда уста бўладилар.

— Нимага ёздириб... қўйдингиз?

Бойқувар унга қараб-анграйиб тураркан, тагин секретар бир зумга узоклашиб кетди ва тагин яқинлашди.

— Э, ўртоқ Қосимова, сиз қизиқ саволлар берасиз-а! — деди у жиддий тортиб. — А, нима бўпти тош қўйдирсам? Ҳа-а... — Яна кулимсираб, кулиб юборди. — Бизда расм эмас-а? — Кейин уни кўздан йироқлатмаслик учун тикилганча сўради: — Сиз Тошкентда бўлгансиз-а? Чигатой кабристонида-чи? — Кейин ўз хатосини тузатди: — Албатта, бўлгансиз-да. Секретарлар ҳар ҳафта Тошкентга бориб келади...

— Менга қаранг, нимага «Мулла Бойбўри ўғлига...» деб ёздириб...

— А, нима деб ёздиришим керак эди? Шунчаки...

— Сиз мени калака қиляпсиз.

— Вой, вой! Ўлай агар, Дилнурахон... Ахир мен... биз сиз билан фахрланиб...

— Бас!

— Хўп, хўп.

— Чикинг! Каридорда кутиб тулинг. Ўзимиз чақирамиз!

— Хўп бўлади.

Бойқувар тисланиб таъзим қилди. Бурилганди, тагин кўз олди шафақланиб қолди. Туртиниб кетмаслик учун таваккал қилиб тўғрига юрди. Эшикни пайпаслаб очиб чиқди. Машинистка қиз ёнидан ўтаётганда, кўз ўнги хиёл ёришди-ю, нимқоронғи йўлакка чикқач, девор ёқалатиб қўйилган стулларни зўрға топди.

Дилнура Бойқуварнинг чиқиб кетишини беихтиёр кузатиб турарди. «Бечоранинг кўзи хиралашгани рост, — деб кўнглидан кечирди. — Қуриб кетсин бутифос дегани... Э, ўздан кўрсин! Ким унга самолёт дори сепаетганда культивация қил, депти?»

Хаёлидан шу ўйлар кечгач, шошиб телефонда номер тера бошлади.

— Ўртоқ Келдиев? Салом... Бир келинг! Ҳозир! Бошланғич партия ташкилоти секретариниям ола келинг! А? Ҳа-да! Шу ерда... Э, гапини тушуниб бўлмайди! Барибир... Бир иш қилайликки, қарорга жавоб бўлсин. Ҳа... Ҳим, шундайми? Бўлмасам, ўзим ҳам бораман. Э, бемалол.

Дилнура Қосимова жавон ёнидаги шкафдан область Советининг депутатлик нишони қадалган костюмини олиб кийди. Чиқиб, машинистка қизга, ўзининг интернат-мактабга шошилинич иш билан бораётгани, агар Биринчи йўқлаб қолса, дарҳол Келдиевнинг кабинетини билан улашни уқтирди.

Бойқувар стулда бошини ҳам қилиб, кўзини юмиб ўтирар, отасининг қабри устидаги баҳайбат ям-яшил гужумлар нақ қаршисида шилдираб турар, улар шохидаги кушларнинг шаддод чуғурлашларини ҳам эшитар, устига малла тупроқ уюлган қабр ва унинг бош томонига тупроққа санчиб, таги сомон қоришмасида сувалган қоратош худди ярақлар эди.

«Ҳа-а, жуда чиройли бўлди-да! Лекин буларга унинг нима оғирлиги тушди? — деб ўйлар эди. — Мармар эмас... Мармар қиммат-а! Мен ўттиз сўмга олдим, холос! Агар мармар бўлганда, қиммат турарди, чоғи. Ана унда бунинг пулини қайдан топдинг, деса, ҳаққи бор эди...

Тўғри-да, интернат қоровулида катта пул қайдан бўлади? Мармар қўйганимда, интернатдан бир нимани ўғирлаб сотибсан деса бўлар эди... Тавба, ўғирлаб сотадиганлар ҳам бор-а? Болачаларнинг ҳақиға жабр қилиб... Э, дунё!»

— Бойқувар!

— Лаббай! — Ўрнидан туриб кетди йигит ва қаршисида ғира-ширада Дилнура Қосимовани таниди. — Ҳа? Ўзингиз чиқибсиз?

— Юринг! — Секретар йўлак бўйлаб кетди.

— Қаёққа? А-а...

Бойқувар унга эргашиб кетаверди. Зиналардан тушди. Каттакон ойнабанд эшик.

Эшикдан чиқиши билан гўё уйқуси очилиб кетгандек, теварак-атрофни яққол кўрди.

Қуёш порлаб турибди. Бетон лавҳалар ётқизилган майдон адоғида, яшил қарағайлар остида тумшуғини бу ёққа қаратиб турган турли машиналар.

Дилнура йўлакда келаётганда Бойқуварни ўзи билан бирга олиб кетишни ўйлаган эди. Энди, ташқарига чикқач, ҳали жуда катта хатога йўл қўйишига оз қолгандек, шарт бурилиб:

— Интернатга ўтинг! Ҳозир... Ўша ерда гаплашамиз! — деди.

— Интернатга? Хўп, хўп. Ҳозир етиб бораман. А, сиз...

Қосимова унинг гапини эшитмай жилди. Машинасига яқинлашаркан, қарағай ортидаги бетон ховузча бўйида чўнкайиб ўтирган шофёри туриб келиб, кабинага кирди.

— Школа-интернатга! — деди Дилнура ҳам кабинага киргач. Кейин Бойқуварга шунча қарамай десаям машина бурилаётганда кўзи тушди.

У каловланиб, ховузча ёнидан тўғрига тушган зи-налардан энмоқда эди. Яна унга ачиниб кетди.

Интернат. Директор Хусан Келдиевнинг кабинети. Жамоат жам экан. Бошланғич партия ташкилотининг секретари Шойим Шайдулов билан унинг бюро аъзолари ҳам ирғиб-ирғиб туришди.

Дилнура Қосимова улар билан илиқ жилмайиб кўришди. Ҳар биридан бўғиқ, ясама шўхчан овозда аҳвол сўради. Сўнг Шойим Шайдуловга ҳазиллашди:

— Ўзингизам намоз ўқисангиз керак-а?

Паст бўйли, елкалари кенг, юзи чоркунж, бошида тук йўқ Шайдулов жуда зўр аския эшитгандек бошини эгиб, пих-пихлаб кулди.

— Қарор чиқмасаям шундай дермидингиз? — Кейин сийрак қошларини кериб гапиришга, демак, ўзининг намоз ўқишдан неча-неча чақирим наридаги одам эканини сўзлашга шайланган эди, унинг сергаплигини биладиган Дилнура:

— Хўш, нима қарорга келдинглар? — деди.

Барваста, сарғишдан келган, кўкраги баланд Хусан Келдиев:

— Нима бўларди, ўчирамыз-да, — деди. — Уёғини сўрасангиз, Дилнураҳон, у коммунист бўлиб гўр бўлармиди. Вақтида чўлқувар деб ўтказиб кўйишган-да.

— Шу, шу. Кампаниячилик жуда авж олган эди-да! — деб гапга қўшилди Шойим Шайдулов. — Мен, масалан, ўттизинчи йилларда...

— Ўзингиз бориб кўрдингизми қабрни? — сўради Дилнура директор Келдиевдан.

— Ҳе, ўтган куни лагерни кўргали ўтаётиб, машинани тўхтатдим. Борсам, бир парча қора доска турипти. Ёзувиям бор.

— Қора доска эмас, гранит, — деди Қосимова. — Шахрисабздан опкепти. Шундан шунча жойга бориб кепти. Унга қолса, мрамар олмоқчи экан.

— Ў, азамат! — деди Шайдулов. — Мрамар-а! Аммо-лекин, ўртоқ Қосимова, ҳаммамиз ҳам гафлатда қолиб юрганга ўхшаймиз.

Бойқувар очик дарвозадан кириб, ғунчалаб қолган гулзор ёқасидан туртинмай-қоқилмай (ўрганиб кетган) ўтиб, тўғри директор хонасига етди. Ердаги тўшанчани қарамаёқ топиб, кирза этигини артди-да, эшикни дангал очди.

— Мумкинми?

Крупскаянинг портрети ёнида уймалашиб турган катталар бурилиб тўзиб қолишди.

— Кир, кир! Ҳе, уйинг буғдойга тўлгур, — деди Хусан Келдиев. — Бўлди... Ўша ерга ўтир!

— Хўп, бобо.

— Ҳим, қани ўртоқлар... Ўртоқ Қосимова, бу ёққа ўтинг. Шундайми? Майли. Хўш, ҳамма бор. Мажлисимиз очик. Демак... Э! Шойим ака, ўзингиз туринг!

— Ҳа, бюрони партия ташкилоти секретари обориши керак, — деди Қосимова.

— Марҳамат, — деди Хусан Келдиев. — Лекин қисқароқ бўлсин, Шойим ака.

— Хўп, хўп. — Шойим Шайдулов сал тўрга ўтиб, солланиб, костюмининг енги жуда узун-у, осилиб кетаётгандек ҳар иккала қўлини ҳам тепага кўтариб, енгини тирсак томон туширган бўлди. — Гапнинг қисқаси, масала битга, — деди. — У ҳам бўлса, коммунист, бизнинг сторож Бойқувар Бойбўриевнинг коммунистлик шаънига асло тўғри келмайдиган... коммунист деган номга доғ туширадиган, кечирасизлар, доғ туширган, шунинг билан бирга бизнинг Крупская номли интернат мактабимиз бошланғич партия ташкилотининг обрўсини тўккан... район партия комитети олдида юзимизни шувит қилган, хўш...

— ...ишини муҳокама қилиш, — деди Келдиев.

— Ҳа, муҳокама қилиш! — такрорлади Шойим Шайдулов. — Ўртоқлар, бизлар атеистлармиз. Кечаги қарор эса бизни янада хушёрликка...

Дилнура унга ижирғаниб қаради.

— Бирон кишига сўз беринг!

— Да. Жуда тўғри!

— Мен гапираман, — деб ўрнидан турди Хусан Келдиев. — Ўртоқ Қосимова, бюромизга келганингиз учун раҳмат. Биз ўзимиз бу болани муҳокама қилиб, кўзини жойига тушириб қўймоқчи эдик... — Кейин Бойқуварга тепадан тикилди. — Ҳе, ўл-э, сендай отали! Ким билади, шу отадан бўлгансанми, бошқаданми?

Дилнура унга оғринган кўз билан қаради.

— Ўртоқ Келдиев...

— Э, энди, одамни қуюшқондан чиқариб юборади-да! Мана, шуни деб ишдан қолиб ўтирибмиз. Буям майли... райком олдида, Шойим ака айтганларидек, юзимиз шувит бўлди! — Яна Бойқуварга дўқ килди. — Эрта мени райкомга чақириб сўраса, бу нима деган гап? Бир одамингиз мулла отасининг қабрига тош қўйипти, деса... нима дейман, аҳмоқ?! —

— Сўкманг!

Бойқувар шундай дегач, гарангсиз, стол теваарагида ўтирганларга қаради. Сўнг бор кучини кўзига тўплаб, бир-бир тикилиб чиқди-да, Шойим Шайдуловнинг ҳали айтган гапларини эслади. Кейин ҳайрон қолиб ва нафаси бўғилиб, Келдиевга кўз тикди. Сўнгра Дилнурага қаради-да: — Э, — деди. — Сизлар мени муҳокама қиляпсизларми?

— Тавба! — деб жилмайди Шойим Шайдулов. — Артистликдан ҳам анча-мунча бор экан. Биз кўрганмиз...

— Нима бало, меров-перов бўлиб қолганмисиз? — деди Дилнура Бойқуварга.

— Нима... мен.. Йўқ! Йўқ! Мен тушунмаяпман, холос, — деб Бойқувар ўрнидан турди. — Қарор... қарор чиқаверади-да!

— Ўтир-э! — деди Келдиев. Сўнг Дилнурага мурожаат қилди: — Ўртоқ Қосимова, бу йигит... динни прапаганда қилгани учун, бизнинг худди шу кунларда юритаётган... жуда ғайрат билан киришиб йўлга қўяётган атеистлик прапагандамик қарши боргани, атай қарши боргани учун уни... буни дарҳол партиядан ўчиришни таклиф этаман. Бу билан майда-чуйда гап қилиб ўтиришга ҳожат йўқ! Кимлар қарши? Кимлар...

— Ўртоқ Келдиев... — деди яна Дилнура зорланган овозда. — Сиз ахир раис...

— Э, кечирасиз, Шойим ака!

— Ўртоқлар! — деб яна солланди Шайдулов ва дам Дилнурага, дам директорга манглай остидан қараб: — Бўлмасам мен... овозга қўяман, — деди.

— Шошманг, — дея унга ҳам ўрнини кўрсатди Дилнура. — Хўш, Бойқувар, айбингизга иқрормисиз?

— Нима... га? — Анграйиб, яна ўрнидан турди-да, бақириб юборди. — Қанақа айбим бор? Э, одамни... Ахир, одамсизлар-ку? Коммунистсизлар-ку?

— Мулла отангизнинг қабрига...

— Тош қўйдим!

— Нега?

— А, нима... — У кўзларини катта очди. — Мени динчи... динни тарғиб қилди деб айбляпсизларми?

— Тавба, ҳамма нарсани тушуниб турипти-ю... — Шайдулов бошини чайқаб илжайди. — Лекин...

— Э! Сизлар қизиқ экансизлар-ку? Нимага... Тошкентда... Чигатой қабристонига борганмисизлар? Йўқ...

Демак, бормагансизлар! Ў, у ерда... — Кейин минғирлаб қолди. — Бизда эса, қабристонда эшак юради... Шойим Шайдулов Дилнурага олайиб қаради-да:

— Эса овозга қўяман. Мен «за!» — деди.

— Мен ҳам, — дея Хусан Келдиев ҳам кўлини кўтарди.

— Эсиз, йигит... — дея Дилнура ҳам бармоғини кўтарди.

Шу билан бошқа уч киши ҳам улар қилган ишни қилишди. Сўнг Шойим Шайдулов:

— Демак, сиз партиядан ўчдингиз, — деди Бойқуварга. — Қани, билетти опкелиб қўйинг бу ерга!

Бойқувар худди қопқонга тушган ҳайвондек уларга мўлтирар эди. Бирдан хушёр тортиб:

— Йўқ. Бермайман! — дея чап кўкрагига кафтини босди.

— Опкелиб қўйинг!

— Йўқ!

— Э! Сенга милиса чақириб керакми? — деди Хусан Келдиев. — Керак бўлса, милисанинг



ишиниям ўзимиз қиб қўямиз. Чиқар! Келтир! Аҳмоқ бўлма.

— Мен, мен... — Бойкувар кўкрагига қўлини босганча, чамаси, қочиб кетиш учун аланг-жаланг бўлиб ўрнидан тураётганди, Дилнура жуда эзилиб кетиб:

— Бойкувар, менга ишонасизми? — деди.

— Энди йўқ.

— Унда ўзингиз биласиз. Мен айтмоқчи эдимки, — ён-веридагиларга зимдан кўз ташлаб, давом этди: — маълум бир вақт ўтсин... Сиз, умуман, ёмон хизматчи эмассиз. «Пахтакор»да кўзни чатоқ қилиб келганингизниям биламиз. Бу ердаям, умуман, хизматингиз ёмонмас экан. Мана, ўртоқ Келдиев анча ижобий фикр-да... Ҳим, кулоқ соляпсизми?

— Ҳа, ҳа!

Дилнура чайналиб:

— Хуллас, бизда айб... абадий қолмайди, — деди. — Ҳатто халқ душманлари ҳам амнистия қилинган вақтлар бор...

— Тушундингми? Буёғи ўзингга боғлиқ! — деб Дилнурани танг ҳолатдан қутқарди Келдиев. — Тўғрими, ўртоқ Қосимова?

— Ҳа. Мен ҳам шундай демокчи эдим.

— А-а, унинг учун нима қилишим керак?

— Биринчи навбатда... — Шойим Шайдулов тагин енги тушиб кетаётгандек қўлини тепага кўтариб қўйди. — Сен ҳозир бориб... хўш, — жамоага маслаҳатомуз қараб олди, — ҳозир бориб, қабртошни олиб ташлайсан! Йўқотасан! Токи ҳеч ким уни эсламайдиган бўлсин. Биров қизиқмасин.

— Ана! Эшитдингми? — деди Ҳусан Келдиев партком секретарининг таклифидан фавқулудд мамнун бўлиб.

— Эшитдим, — деди Бойкувар. — Лекин...

— «Лекин-пекин»и йўқ!

— Унда... — Бойкувар чап кўкрагидан қўлини олди. Кейин бирдан бақириб юборди: — Кейин алдамайсизларми?

— Э, ёш боламисан?!

— Ҳмм, майли. — Бойкувар қўйнига қўл солиб, чиройли қизил жилдга солинган билетини чиқарди-да, кафтида бироз авайлаб ушлаб тургач, кўзғалди. Стол ёнига келгунча икки бор тўхтаб ўйланди. Кейин уни шартта столга қўйди. — Мана!

— Энди бизга жавоб, — деди Дилнура. — Бойкувар, сиз билан — энди директорингиз гаплашади...

Дилнура Қосимовани кузатиб партком котиби ҳам чиққач, Ҳусан Келдиев стол қошида бир қўлини белига тираганча иккинчи қўлини чўзиб:

— Ана, қоғоз, ручка... Ёз, ёз! — деди стулда бургутдан кўрққан товукдек писиб ўтирган Бойкуварга. — Расми шу, ука. Ариза. Тушундинг? Ёз! Ўзим сени уч-тўрт ойдан кейин...

— Ишга оласизми?

— Оламан! — деди Келдиев деразага қараб. — Райком секретарининг гапини эшитдинг-ку?

— Ҳа..

— Ана шу-да!

— Ундай бўлса... — Бойкувар шарикли ручканинг учини лабига тегизиб олиб, қоғозга энгашиди. Бир зумлик зўриқишдан кейин нигоҳи равшан тортиб ва бундан алланечук шошилиб ёза бошлади: «Крупская номли интернат директори... шул ҳақдаким, мени ўз ихтиёрим билан сторожликдан озод...»

Келдиев аризани тортиб олиб:

— Сенга жавоб. Озодсан, — дея тўрга ўтди.

— Мен энди...

— Шойим акага учра! Гап бор.

— Хўп.

Бойкувар ташқарига чиққанида гардиши тепага қайириб қўйилган шляпасини бошига кийган Шойим Шайдулов битта бюро аъзосининг «Москвич» машинаси ёнида эди.

— Кел, кел-э, ука! Анави кетмонниям ола кел! Ол! — деди.

Бойкувар гулзор ёқасидан кетмонни олиб келди. Шойим Шайдулов шофёрнинг ёнига кириб ўтирди.

Бойкувар туртина-туртина орқа ўриндиққа жойлашиб, кетмонни бутлари орасига қийшайтириб

қўйди.

Машина ҳадемай районни четлаб ўтиб, Қурисойга энди. Ундан ўрлаб, катта трактга қўшиладиган асфальт йўл ёқасида — юз кадамлар ичкарида яшил «булут»лардек хурпайиб турган гужумзор томон бу-рилди.

Шохлардаги қушлар чуғурлашиб учдилар. Атрофни бир маромдаги шитир-шитир овозлари тутиб кетди. Бу ер жуда салқин, шу билан бирга тоғ томондан шабада эсарди.

Қабрнинг биқинидан қизғалдоқ унган экан. Нозик баргаклари титрар эди.

— Ҳа, қаранглар-а! — деди Шойим Шайдулов қўллари орақасига қилиб, салқи қорнини олдинга чиқарганча қаршида кирди-чикди, тўлқинсимон бўлиб ёйилиб ётган қабристонга қараб. — Ана, биров от боғлапти!

— Шу, шу, — деди Бойқувар кетмонга суяниб, қабрда бир нарса бор-у, уни кўрадигандек тикилиб тураркан.

— Ҳа. Буз, буз, — деди Шайдулов. Кейин тупроққа хийла ботган қора япалоқ тош устига бориб энгашди. Илжайганча дона-дона қилиб ўқиди: — «Мулла Бойбўри... Бойқувардан». Та-ак! Йўқот! — Бир нарсадан хазар қилгандек чекинди. — Ҳе, нодон бола! Олиб ташла! Синдириб ташла!

Бойқувар кетмоннинг сопини қўйвориб, энгашганча тош олдига борди. Кейин оёқларини кериб, тошнинг икки четидан ушлаганча тилини тишлаб, тортди.

Ниҳоят, тош тагига ёпишган қоришма билан бирга кўчди. Бойқувар уни бир он тутиб турди-да, қўйворганди, тош ағанаб, пастга думалади. Булоқдан чиқиб кўлмаклаб турган сувга тушди. Бир қисми ботиб қийшайиб қолди.

«Кетди, — деб ўйлади Бойқувар тошдан кўз узмай.

Наздида, отасининг мурдаси ҳам қаёққадир кетгандек эди. Кейин чўнқайиб ўтирди-да, бултурги янтоқдан синдириб олиб, беихтиёр тишини кавлади. Кейин тупуриб ташлаб, ўрнидан турди. Тошга тикилиб: — Э, бунини синдириш керак эди-ку?» деди.

Бироқ кетмон билан синдиришнинг имкони йўқ.

Бойқувар уни уриш, парчалаш учун бошқа тош излаб қаранди. Бу ерда йилт этган тош йўқ. Бари гўрлар ям-яшил. Ўт-ўлан. Айниқса, бахмал гуллар кўп.

— Бойқува-ар!

Йигит чўчиб тушиб:

— Ҳа! — деганича уларнинг қошига ҳаллослаб борди.

— Бўлдимми?

— Бўлди.

— Лекин қайта қўйсанг...

— Э, нега...

— Шундай бўлсин, ўғлим. Замон нозик... Кетмонни ол. Машинага сол. — Гўрга қия қаради. — Тураверсин. Эрта-индин ўт-ўлан босиб, билинмай кетади.

Бойқувар яна қабрга тикилиб қолган, тош кўчирилган жойда энди чумолилар ғимирлашар, улар жуда кўп, баъзисининг оғзида оқ-оқина тухуми бор эди.

«Москвич» бирдан гуриллаб, Шайдулов:

— Хайр эса! — деди.

Бойқувар кетмонни машинага солишни унутган, зеро, шофёрнинг ўзи олган эди.

— Хайр, — деб пичирлади йигит. Машина силкина-силкина кетди. Тошлоқ йўлга тушди, бурилди. Кейин асфальтга ўтиб, районга қайрилди.

Бойқувар маъносиз назар билан қараб тураркан, беихтиёр чўнқайди-да, яна ниманидир тимирскилаб олди. Қўйнинг қумалоғи экан. Эзиб ташлади.

Кейин ўрнидан туриб, яна қабрга боқди. Сўнг бузилган жойини апил-тапил тузата бошлади-ю, худди биров уни пойлаётгандек бирдан чекинди. Шунда қўлини чумоли чакди. У қашиниб, тўнғиллаб, энг катта гужум остига борди. Унинг танасини сийпалаб, бўртма қобиғини кўчириб, бироз турди-да, бирдан чопиб, тошлоқ йўлга ўтди. Тўхтаганди, кўз олди қоп-қоронғи бўлиб қолди.

Бироз вақтдан кейин назари тиниклашгач, худди яна дунёсини қоронғилик босадигандек шошилиб, шу йўл билан шимолга жўнади. Бора-бора ўрикзор боққа кирди.

Бир неча ой ўтди.

Бойқувар уч марта райкомга бориб, «ўртоқ Қосимовага» иши борлигини машинистка қизга билдирди. Қиз чиқиб, бир гал: «У кишининг вақти йўқ», деди, кейинги икки гал: «Кутар экансиз. Ўзлари чакиради», деди. Бойқувар интернат мактабга ҳам уч марта борди. Ҳусан Келдиев уч гал ҳам: «Опанинг гапини эшитдинг-ку? Сабр қиласанда энди!» деб жавоб берди.

У кўчаларда тентираб юрар, уйига бормас... борса ҳам на камгап хотини билан, на-да олти яшар қизалоғи билан гаплашар, баъзан ҳовлисида кун бўйи кетмон чопар ва тол остида ухлаб қоладди. Кейин яна чиқиб кетар эди.

Бора-бора одамлардан четда юргани билан бошига тушган «савдо»ни ҳамда унинг сабабини улар аллақачон билиб кетганларига ишонди-да, чойхоналарга кирадиган бўлди.

Аста-секин минғирлаб, дуч келган ҳамсуҳбатга ўз дардини айтадиган одат чиқарди:

— ...Мен тушунмайман. Мен ўзим атеистман! Қандай қилиб, динни тарғиб этарканман?

Яна:

— ...Кимга борай? Ким тушунади?

Оқибат, ҳеч ким билан чаплашмай, одамови бўлиб қолди.

Бир куни довдираб, Курисойга тушиб ювинди-да (кун иссиқ эди), аста гужумзорга чиқиб борди. Бирам салқин! Ўша қушлар овози! Ўша шабада!

Бойқувар бирдан ҳансираб отаси қабрига етди. Гўр устидаги ўт-ўланлар қовжираб битган, гўрнинг оддий дўнгчадан фарқи қолмаган эди. Шунда қабртошни эслаб, булоқ бўйига чопди. Тош йўқ. Кимдир олиб кетибди.

Йигит бўшашиб, яна қабр бошига қайтди. Кейин қўлларини қовуштириб, бир қадам берига ўтирди-да:

— Э, ота, ота, — деди. — Қаёқдан ҳам сенга тош қўйиш хаёлимга келган экан? Аттанг... — Кейин Тошкентга боргани (чўлдан келгач), Чиғатой бозорчасида юрганида бир тобутни кўтаришиш асноси кириб қолгани қабристонни эслади. Яшил дарахтлар, қарағайлар. Ҳайкаллар ўрнатилган, катта-катта мрамартошлар қўйилган қабрлар хаёлида кўринди. Бир зумга маза қилиб, ҳатто илжайиб ўтирди (У хаёл сураётганда кўзини юмар эди). Сўнг кўзини очди-ю, қаршисида бефайз, ғариб, тош қотган тупроқ уюмини кўриб, инграб юборди.

— Бу, нима аҳвол ўзи? Чиғатой қабристонигаюм шу кунлар тушадими? Йў-ўқ. У ёқда эсли одамлар кўп. Раҳбарлар бошқача бўлиши керак! Йўғасам... ҳамма ёқ эшшак ўтлайдиган даштга айланар-ов... — Кейин беихтиёр булутли осмонга қараб қолди-да, ўша булутлар ортида сирли бир олам-у сирли ва қудратли зот бордек туюлди. Ва шу захоти унга тавалло қила кетди: — Эй, Тангрим, агар бор бўлсанг, бу аҳвблани... менинг аҳволимниям кўриб турибсан! Сенга топингучи мусулмонларга мурувват қилур эмишсан... Мана, мен ҳам сенга ёлвораётибман. Чунки сендан бошқа зот қолмади...

Бойқувар беихтиёр қўлларини олдинга чўзиб шу тариқа тавалло қилар экан, уни тошлоқ йўлдан кузатиб турган бир кимса (қабрга тош қўйганини райкомга ёзиб берган қари ветеран) мийиғида жилмайиб қўйди-да, физиллаб йўлга тушди.

Шундан кейин Бойқувар гоҳо кунора, гоҳо уч кун-тўрт кунда бир марта нимадир тортаётгандек бўлиб бу манзилга келипши одат қила бошлади: илло, бу ерда у энди хордиқ чиқарар, ҳаловат топар, гоҳо тили ўз-ўзидан кўзга кўринмас Зотга ибодатми-тиловатми қилиб қолар ва наздида, ҳаётида ўзгариш бўлаётгандек туюларди. Ва, дарҳақиқат, уйига-боғига қайтиб боргач, ғайрати кўзиб, кетмонни қўлга олар, қандайдир — кимгадир берган ваъдасининг устидан чиқадигандек бир шахд ила гоҳ жўяк тортиб кўчат ўтқазар, гоҳо дарахтларнинг тагини юмшатар, гоҳ гўнг ташир ва сочар эдики, бундан камгап хотинида хурсанд бўлиб, унга чой тутар, қизалоғи эса қувнай-қувнай изидан эргашиб юрарди...

Алқисса, илгари ишлаган жойи — мактаб-интернат ҳам, унинг раҳбарлари ҳам, ҳатто собиқ мактабдоши — райком секретари Дилнура ҳам унга узоқ ўтмишдек туюладиган бўла бошлади.

Ҳа, у қандайдир табиий ва ибтидоий ҳаёт тарзига тушган, буни бутун борлиғи билан ҳис этар ва бошқа эътиқоду ботиний ишончлар унга мадад берар эди.

Табиийки, Бойқуварнинг мазорчага қатнаши ва отаси қабри бошида ўтириб, юзига фотиҳа тортиши туман аҳлига овоза бўлиб кетган — бу ҳолдан баъзилар хурсанд эса, баъзилар кинояли жилмайишар эди.

## ҚИШ ҲАНГОМАСИ

Козим Пухтаев дам олиш уйининг зинасида бўйнини қисиб, қўлларини пальтоси чўнтагига тикиб турар, қаршисида — кумуш ранг «хода»га қалпоқ қилиб кийгизилган неон чироқ ёғдусида пилдираб-ўйнаб ёгаётган қор зарраларини илжайиб томоша қилар эди.

У пастга тушиши керак. Лекин тушса, туфлиси қорга ботади. Шунинг учун кимдир чикса, унинг изини босиб юриб, боғни айланиш, тоза ҳаводан истаганча симиришни мўлжаллар эди.

Эшик сассиз очилиб, бўйи Козим Пухтаевнинг бўйидан ҳам паст ва униқидан ҳам қалин пальто кийиб, кулоқчинни бостирган Қўлдош Ботир чикди.

— Э, Козимжон...

— Қорни қаранг, — деди Козим Пухтаев. — Болалиқда сандалда ётиб қор ёғишини кузатганим ёдимга тушди. Осмонда каттакон қор тоғи бор-у, ундан ушалиб тўкилаётганга ўхшарди.

— Болалиқда бизам кўп қор кечганмиз, — деди Қўлдош Ботир. — Ялангоёқ юрсак ҳам ҳеч бало бўлмасди. Ҳозир туфлини ечиб, каравотга ўтгунча шамоллаб қоласан.

— Қани, бир айланиб келамизми?

— Албатта!

Козим Пухтаев эликдан ошган, майин-ипакдек киши. У — ёзувчи. Асосан, тарихий мавзуда киссалар ёзар, Қўлдош Ботир эса журналист, битта машҳур пахтакор совхози директорини баайни «монополия» қилиб олган, ўзи олтмишдан ошган қария эса-да, ҳамон дадил эди.

Улар зина пастига қарашди. Қор кўпчиб турар, битта ҳам пиллапоя кўринмас эди.

— Қани, Қўлдош ака, тортинг, — деди Козим Пухтаев.

— Э, ўзингиздан...

Шунда эпшк шарақдаб очилди. Яланг бошида сочлари хурпайиб кетган, бўйнига оқкина шарфни ўраб олган Усар Усмон чикди. У ёш шоир, энди йигирма олтига кирган, дангал ва бетгачопар йигит эди.

— Ў-ў! Қор зўр-ку!

— Зўр-зўр, — деди Козим Пухтаев. — Лекин, Қўлдош ака дейман, ҳозирги ёшларимиз қизиқ-а, сўзни истаган маънода ишлатаверади.

— Ўзбек тили бузилиб кетди, мен сизга айтсам, — деди Қўлдош Ботир. — Тилшунослар нимага қарайди, ҳайронман!.. Қани, Козимжон, жилдик.

— Марҳамат, ака.

— Ҳм, хўп. — Қўлдош Ботир бир оз иккиланди-да, бирдан оёғини кўтариб, пастга босди. Тойиб кетиб, йиқилишига сал қолди. Кулиб, нарироққа борди. — Қорни таги музлапти.

Козим Пухтаев эҳтиёткорлик билан пастга оёқ узатди, қўйди. Кейин Қўлдош Ботирнинг олдига борди.

— Қани, шоир, келинг сиз ҳам. Айланамиз, — деди Қўлдош Ботир.

— Йўқ, мен сигарет чекишга чикдим... — деди Ўсар Усмон неон чироғига қараб.

— Чекинг, фойдаси бор.

Булар учовлон фавқулудда ушбу дам олиш уйига тушиб қолган, ёзувчи Козим Пухтаев билан журналист Қўлдош Ботир ўқтин-ўқтин тунлари сайрга чиқишар, шоир Ўсар Усмон ёлғиз юришни яхши кўрарди. Табиий, улар йўлақларда учрашиб қолишар, шунда бир оғиз-икки оғиз гап қотиб ўтиб кетишар, гаплари тўмтоқ, ҳар қайсисининг гапида ўзи истаган маъно бўларди.

Ўсар Усмон гурс этиб пастга тушиб, сигарета тутатди. Улар икковлон — олдинма-кетин қорда из қолдириб, энг узун хиёбон томон кетишар эди. Ўсар бирпас тутун бурикситди-да, тўғрига қараб йўналганди, қор остида қўлмак бор экан — туфлиси тушиб кетди. Қор бетига сув сачради. Ўсар сўкиниб тисланди ва анавиларнинг кетидан қараб хаёлчан кулимсиради-да, аста-секин улар изини босиб кета бошлади.

Қор ёғар, атроф тинч, ғирч-ғирч овозлар ҳам ёқимли ва бу тинчликни таъкидлар эди.

— Да-а, — деди Қўлдош Ботир ялангликка чиқ-қанлари сари туфлиси қорга тобора чуқурроқ ботиб бораркан. — Шу пайт бизнинг қахрамон ҳам қор кечиб юрипти! Шубҳам йўқ.

— Йўғ-э, — деб кулди Козим Пухтаев. — Хотинининг қўйнида ётган бўлишим мумкин.

— Сиз ишонмайсиз-да! — Қўлдош Ботир тўхтаб унга қаради. — Хотинини бир ойлаб кўрмаган пайтларини биламан. У меҳнат учун туғилган, Козимжон. Меҳнат учун!

- Қийин экан.
- Сиз куласиз-да.
- Нега... Бўлиши мумкин, Қўлдош ака. Мен у одамни яхши билмайман. У киши ҳақидаги бор тасаввурим — сизнинг очеркларингиз билан чекланган.
- Мен у ҳақда яна бир китоб ёзаман!
- Ёзинг, ака.
- Шунда Қўлдош Ботир орқаларидан келаётган кишини кўрди.
- Ўсарми? — деди.
- Козим Пухтаев ҳам елкаси оша қараб олди.
- Шу... Шуни кўрсам, асабим бузилади, ака.
- Мени айтмайсизми! — Қўлдош Ботир кескин бурилди. Икки қадам босганди, туфлиси ичига кирган қор баданига ўтди. Финшиниб тўхтади. — Ҳе, бундайлар катталарга хурматни йўқотиб қўйишган... Ука, буларнинг жилови жуда-а бўш қўйилди-да!
- Лекин ҳадеб рамкага солишам тўғримас... шу, ўзлариям ўйлаши керак-да.
- А, балли! — Қўлдош Ботир Ўсарнинг яқинлашиб қолганини кўриб, тагин шошиб жилганди, шимининг почаси кўтарилиб қолдими — болдирлари музлаб кетди. — Козимжон, ёнма-ён юринг.
- Гапираверинг, эшитяпман.
- Қайси куни лифтни босиб, кутиб турган эдим. Тушиб келди. Шу пайт анави найнов пайдо бўлди. Ёнимда тугун бор эди, кўтаргунимча, у лифтга кириб олса бўладими!
- Ана, одоб!
- Тагин ўзини окдайди. «Нимага олдин кириб олдингиз? Отангиз тенгли одамман-а!» десам, «Ана шунинг учун кириб олдим-да!» дейди. Кириб олмаса, лифт кетиб қолар экан!
- Ҳе-хе-хе. Аммо бу гапида жон бор.
- Бе, шундай деманг-да, Козимжон! Менга деса, лифт бир умр кетиб қолмайдими! Хурмат керак.
- Лекин сизнинг гапингиздаям жон бор.
- Гап шунда-да! — Қўлдош Ботир хўрсиниб юборди ва беихтиёр оёғига қаради. Қор... ҳадемаса, тиззасига чиқадиган. — Вей, шунинг шеърлари ҳақида қандай фикрдасиз?
- Жуда қалтис!
- А-а... Тагин босишяпти!
- Босмаганигаям қўймайди-да.
- А?
- Босмаганига...
- Сиз олдинга ўтинг, ука! Ёмон эшитяпман. Қулоқчин ўлгур ҳам...
- Қўлдош Ботир бирдан четланиб, қорга баттар ботди. Козим Пухтаев томоқ қирганча унинг изларини босиб ўтди-да, кўпчиб-кўпириб ётган оппоқ сўкмоққа қаради.
- Қўлдош ака, балки орқага қайтармиз?
- Йў-ўқ, йўқ! Охиригача борамиз! Кунлик нормаemiz шу-ку! Қор ёғди деб...
- Қалин тушди-да.
- Қалин-қалин. Аммо-лекин, даланинг жони... Бизнинг қахрамон худога шукур деётган бўлса керак ҳозир!
- У киши художўйми?
- Ғирт атеист! Гап-да бу...
- Ўсар Усмон яқинлашиб қолди.
- Э, Ўсар? Сизам келяпсизми? — деди Козим Пухтаев.
- Ўсар икки туфли босилгани учун кенгайиб қолган излардан бемалол юриб келаркан:
- Ҳа! — деди.
- Зўр қор бўлди-я!
- Жуда!
- Қани, шошилаётган кўринасиз, олдинга ўтинг. Ўсар унга, кейин Қўлдош Ботирга қаради. Сўнг олдинга — асфальтга ёйилган пахтадек бўлиб ётган қорга кўз ташлади-да:
- Шошиб қаёққа борардим, — деди. — Ўзларингдан... Сизлар катта. Бизлар орқаларингдан юришимиз керак.

Қўлдош Ботирники тутиб кетди:

— Э, қачондан буён орқамиздан юрадиган бўлиб қолдингиз? — деди. — Ўтинг.

— Барибир... Айб бўлар-ов.

— Хе-хе-хе. — Козим Пухтаев энгашиб кулди.

Қўлдош Ботир бирдан олдинга ўтиб, қор кечиб кетди. Козим Пухтаев Ўсарга «марҳамат» деган бўлиб, Ботирга эргашиди. Лекин энди унинг изига қадам босганда ҳам туфлиси ичига қор кира бошлади.

— Қўлдош ака, тулки қорда юрганда думи билан изини сийпаб йўқотиб кетаверар экан-а?

— Ҳа! — деди Қўлдош Ботир. — Лекин ҳозир бўри юрадиган пайт!

— Мен бўрини бир марта кўрганман.

— Мен — минг марта.

— Сиз аломат!.. Тавба, қачон шунча қор тушди-я? Ҳайронман!

— Оқшом бошлаган эди, кўрмаган экансиз-да.

— Э, менинг хаёлим ўн саккизинчи асрда эди!.. Ўсар! — Пухтаев бирдан бурилиб сўради: — Нималар ёзаяпсиз?

— Менми? — деди энди росмона издан юриб келаётган Ўсар Усмон. — Сизлар ёзмаган нарсани ёзаяпман.

— О! Нима экан у?

Қўлдош Ботир ҳам тўхтаб қаради.

— Хаёт, — деди Ўсар. — Бугунги кунни ёзаяпман. Ниҳояти шу.

— Ниҳояти шу... — Ишшайди Қўлдош Ботир. — Бизлар нимани ёзиб юрган эканмиз?

— Сиз анави... порахўр, кўзбўямачи бор-у, оти нима эди? Шунини ёзаяпсиз-да.

Ботирнинг жиғи-бийрони чиқиб кетди.

— Бу... Козимжон, бунинг гапини эшитаяпсизми?

— Эшитолмадим... Ўсарбой, биз-чи, нимани ёзаётган эканмиз?

— Сиз ўн саккизинчи асрни. Хонларнинг бузуқ-лиги, бекларнинг порахўрлиги, халқнинг қийналгани...

— Хайрият-е!..

— Шошма, ҳей бола! — деди Қўлдош Ботир. — Мен ҳақимда нималар дединг?

— Эшитдингиз-ку? — деди Ўсар. — Нима, унинг порахўрлиги, амалпарастлиги ёлғонми? Ҳамма билади. Ўзингизам... Фақат кўриб кўрмасликка оласиз.

— Бу қанақа гап, а, Козимжон?

— Орқага қайтсакми дейман? Сиз ҳам қор кечиб...

— Мени қўйинг...

— Бўлмаса, жилдик.

— Ҳа!.. — Қўлдош Ботир тағин икки одим отди-ю, нима учун одим отганини унутиб, тағин бурилди.

— Сен Ўсар, гапингни қайтиб ол! У одам... герой-а! Депутат! Шу гапинг қулоғига етса...

— Ана шу-да...

— Уни казо-казолар қўллаб турганда... Э, уятсиз! Адабсиз! Козим, тўхта! Бу бола билан юрмаймиз!

— Менам юрмас эдим-у, йўл битта-да, — деди Ўсар.

— Йўл битта... Бўлмаса, олдинга ўт!

— Йўқ. Биз катталарни ҳурмат қиламиз.

— Э, ҳурматингни...

— Ахир, ўзингиз ҳурмат қилиш керак дейсиз. Лифтга ҳам улардан олдин кирма дейсиз... Бир гапда туриш керак-да!

— Ҳай, ўртоқлар, арзимаган гап учун... — Козим Пухтаев тарафларни мурасага келтирмоқчи бўлди.

— Қўйинглар. Қўлдош ака, сиз каттасиз...

— Хе, катта бўлмай кетай! Бу менинг бутун ижодимни бир пулга чиқарди-ку!

Ўсар унга тикилди.

— Хафа бўлманг. Шунга арзиса керак-да.

— Мен арз қиламан!

— Бемалол.

— Кўркмайсан, а?

— Ҳақ гапни айтишгами?

— Бунинг маккорлигини кўринг, Козим!

— Кўлдош ака, Усаржон ёш... Ёшлиқ қияпти энди. Ўсар, сиз ҳам бир гапдан қолинг, ука... Нима фойдаси бор. Қаранглар, ҳаво қандай яхши!

— Анави қарасин! — деди Кўлдош Ботир. — Буларни биламан... Мана шу ҳаводанам айб топишади. Сенларними...

— Кўлдош ака, етар, — деди Ўсар. — У даврлар ўтиб кетди. Мен ишонаман, ҳозирги даврлар ҳам ўтади.

— Бу нима деганинг?

— Сиз мактаб юрган қаҳрамонларнинг давриям ўтади, деяпман.

— Вой-вой. Козимжон?

Козим Пухтаев хўрсинди.

— Энди ҳаётда ҳар нарса бўлиши мумкин, Ўсарнинг гапидаям жон бўлиши мумкин.

— Нега мумкин дейсиз? — Ўсар Пухтаевга тик қаради.

— Э, энди менга ёпишасизми? — деди Козим Пухтаев. — Ғалати экансиз. Сизларни муроасага чақирмоқчи бўлсам...

— Керак эмас.

— Керак бўлмаса... ана, катта йўл!

— Эсиз, Козим ака. Яхши талантингиз бор. Лекин кўрқоксиз. Бугунги кун ҳақида ёзишдан кўрқасиз, кейин бир гап бўлиб қолмасмикан деб...

— Э! — Козим Пухтаев турган ерида гир айланиб кетди. — Кўлдош ака, бу йигит бўлганича бўлган экан-ку!

— Мен нима деяпман, ука!

— Сиз ўзи адабиёт нималигини биласизми? Билмас экансиз. Биров тарихий мавзуда ёзади...

— Сизам илгари замонавий мавзуда машқ қилгансиз.

— Сиз ўзи нимани қотириб қўйдингиз-а? Нимага мунча қариллайсиз? Сизга ким ҳуқуқ берди?

— Ҳуқуқни... касбим берди. Бир нарсани қотириб қўйган бўлмасам, бунга биринчидан сизлар айбдор... Сизларнинг изингиздан юриб ёзолмаганмиз.

— Ана холос!

— Лекин келажакда ёзаман.

— Олдин ёзиб кўрсатинг. Кейин гапирасиз.

— Ничево... Энди ёзаман.

— Ёзиб бў-ўпти! — деди Кўлдош Ботир. — Ҳозирги ёшларнинг ҳаммаси шундай.

— Кўрамыз-да.

— Бўлмасам... бизгаям кўрсат! Йўл кўрсат!

Улар иттифоқо сергак тортишди. Совуқ Козим Пухтаевнинг ҳам жонидан ўтди. Кўлдош Ботир эса, тизза бўйи қор ичида турарди.

— Нега тўхтаб қолдик? — деди Ўсар Усмон.

— Сени ўтишингни кутиб!

— Йўқ. Юролма қолдингиз.

— Бўлмаса, сен юр!

— Дарвоқе, сиз ёшсиз-ку? Бир йўл очиб беринг-чи. Қор қалин экан, — деди Козим Пухтаев. — Шу ергача бизнинг изимиздан келдингиз. Сира қийналмай...

Ўсар Усмон бир сония сукут қилди-да, шахд билан қайтиб кетди. Иморат ертўласидан куракни олиб келиб, булардан олдинга ўтди ва йўлқанинг қорини курай бошлади.

Қор қалин. Куралган қор олдинда куртук бўлиб қолар, Ўсар уни гоҳ ўнгга, гоҳ сўлга отар ва тагин олдинга сулар эди. Ниҳоят, сўқмоқ охирига етди. У терга ботган, бўйин-бошидан буғ кўтарилар эди.

Куракни елкага қўйиб қайтди.

Козим Пухтаев билан Кўлдош Ботир қори илк бор сурилган ерда депсиниб туришарди.

— Марҳамат! — деди Усар. — Йўл очик! — Икки қадам ўтгач, бурилди. — Йўл очиш мана бундай бўлади... Нима деманглар, бари-бир, катта йўлни ёшлар очар экан.

У кетди.

— Да, — деди Козим Пухтаев. — Қўлдош ака, нима қилдик, ёшлик очган йўлдан юриб кўрамизми?

— Юрмайман! — деди Қўлдрш Ботир. — Керак эмас... Қор кечсам кечаманки, бундан... йўқ!

— Қўлдош ака, қайсарсиз.

— Ҳе, энди... бошқача бўлиб нима топардик!.. Тавба! Мен порахўр, амалпарастни ёзиб...

Козим Пухтаев майингина кулди.

— Энди, ака, унинг гапидаям жон бор... Лекин сизнинг фикрингизга тўла қўшиламан!

— Сизниям тушуниш қийин-да, Козимжон... Жуда-а баъзан оғиб кетасиз...

— Қаёққа?

— Ҳм... Ўтмишга-да, масалан... Сиз ҳам бир вақтлар замонавий мавзуда ёзардингиз. Кейин бирдан...

— Буёғини бизга қўйинг, ака.

— Эса бизнинг ёзиш билан ҳам...

Улар беихтиёр адокқа қараб кетишаркан, тўхтаб қолишди. Бир-бирига қараб жилмайишди ва орқага қайтишди.

Улар барибир ёшлик... очган йўлдан келишарди.

1987



## ЯШИЛ «НИВА»

Аввало, шуни айтишим керакки, биз томоннинг одамлари анча серандиша келади. Бунинг тарихий илдизлари бор: биз катталарга — хусусан, ёши улуғлар-у лавозимли шахсларга таъзим қилиб ўрганганмиз.

Йўғасам замонга қарамайсанми денг. Социализмдан путур кетгани аниқ: Прибалтикада Мустақиллик учун намоишлар бўляпти. Тошкент ҳам тинчини йўқотган...

Бизда эса Бағдоддагидек осойишталик.

Тўғри, биздаям «диктатор арбоб»ларга қарши чиқишлар бўп турарди: шундаям азоб-у камситишлар жонидан ўтиб суягига етганлар...

Курбақани боссанг ҳам, «вақ» дейди-ку?

Бироқ, онт ичиб айтаманки, гап бунда ҳам эмас.

Нимагаки, шахсан менга ўхшайдиган зиёли ҳамма ерда бор. Ва мен тилга олмоқчи бўлган (садқаи тилга олиш кетсин!) «диктатор амалдор» ҳам бошқа областларимиздан топилади. Пироварди, яшил «Нива»нинг ҳам уруғи сероб. Қолаверса, ўша баланд — Оқдовонга ўхшаш доvonлар ҳам республикамизда кўп.

Хуллас, ...га бораётиб эдик — юртга, шахримизга. Мана шу қизил «Жигули»дамиз: хотиним, ўғлим, кизим.

Ўзим рулдаман.

Йўлимиз Оқдовондан ўтиши керак.

Довон эса, ҳалигидай бир «диктатор»нинг совхозига қарайди.

Илгарилари бу ёққа йўлим тушса ҳам, қайтишда ҳам доvonни четлаб, чўл орқали кетардим: у ёқ тинч, йўли текис, энг муҳими — «диктатор» йўқ.

Бу гал жуда шошиб тургандик: соат 12 да инсти-тутда бўлишим керак: дарсим бор. Сўнгра не бир хаёл билан: «Баҳор-ку? Болалар ҳам бир яйрасин, томоша қилсин», деб уларниям олволгандим.

Ҳа-ҳа, доvonнинг йўли яқин-да!

Хуллас, шаҳардан чиқдик.

Тоғ этагида кабоб пиширадиган битта кафе бор. Ўша ерда тўхтаб, икки сихдан кабоб едик. Бир пиёладан чой ичдик. Кейин яна йўлга тушдик.

Йўл денг, тоғ бағирлаб кетади.

Ҳамма ёқ яшнаган. Дўланалар оппоқ гуллаган. Наъматаклар ҳам роса очилган. Бутун дунёнинг булбули шу ерларга йиғилиб келгандай: ҳар шохда чағ-чағлайди.

Этакда сой бор, нари бетларда — қор.

Шундай қилиб, атрофни томошалаб, жуда хушнуд кайфиятда кетаётиб эдик. Машинанинг тезлиги ўрта-ча — соатига эллик-олтмиш километр.

Кетаяпмиз-у, кўнглимнинг остида бир тахлика пайдо бўлди. «Диктатор» учраб қолмасин-да».

Тўғри, у бизни еб қўймасди. Аммо унинг қилмишлари — даҳшат! Анчайин салом бермай ўтган ўсмирни оёғидан остирган...

Хуллас, бурилишдан ўтаётиб эдик, шундай қийғос гуллаган олмалар ичидан битта яшил «Нива» лоп этиб чиқди-ю, олдимизга тушиб, секин кета бошлади. Не кўз билан кўрайки, худди ўшанинг машинаси! Машҳур машина!.. «Диктатор директор» деяпман-у, илтимос, уни жиндак эслашиб олайлик. Хўш, у кимса — ўша райком секретарларини алмаштириб юрганлардан бири... Ўз билганингизни тасаввур қилаверинг. Уларнинг бари бир-бирига ўхшайди. Пул билан мансабга чиқиб олган. Кейин давлат планларини халқни қулдай ишлатиб, тагин припис-мрипис билан ошириб бажариб, герой бўлган. Кейин Марказқўмдан ҳимоячи — «ака» топган. Балки ўша «ака» туфайли «герой» бўлган. Хуллас, аканинг «очил дастурхон»ига айланган, бу ёқда ўзларига хон — ўзларига бек бўлган киши...

Бизга ўхшаган одам — институтнинг оддий ўқитувчилари ҳам у кишим учун бир чигиртка: чертса, учиб кетамиз.

Дарвоқе, бу одамнинг зулми институтни ҳам забт этган, ректоримиз, — бечора бир яхши одам, — унинг номини эшитса зириллар эди: унинг қишлоғидан ёки қариндошларидан биронта бола ўқиётган бўлса, аввало ўшанинг кўнглини олиш пайида, ўргулиб-ўртаниб юрарди.

Лекин унинг устидан ёза-ёз ҳам кўпайган, қаерлардадир ғалаёнлар бўлгани ҳақидаям эшитардик.

Шундай қилиб, яшил «Нива» йўлга тушиб олди-да, жуда секинлаб кета бошлади. Албатта ўшанинг машинаси бу. Ён-веридан антенналар чиқарилган, демак, ичида рацияси ҳам бор. Машинанинг ўзи денг, яп-янги. Лекин ён-бағирдан чиқиб келди-ку, орқа ойнаси лой эди, шунинг учун ичкарида неча киши ўтиргани кўринмасди.

Жуда имиллаб кетяпти.

Мен ҳам тезликни камайтирдим. Нима қилай? Ўтиб кетайми? Бе, ўша куни институтдан думимни тугдиради: бунақа воқеалар бўлганда, айримлар эҳтиётсизлик қилиб ўтиб кетиб балога йўлиққанлар.

Ўзи, мен сизга айтсам, бундақа ўзига хон — ўзига бек арзандалар илгари ҳамма жамиятларда бўлган ва, қизиғи шундаки, улар бари бир-бирига ўхшаган. Бироқ бизнинг жамиятимизда уларнинг пайдо бўлиши... истисно ҳолдирки, бу кишини жуда ўйлатади...

Биз ҳам «Нива»нинг оёғига қараб кетяпмиз.

Бир маҳал ўғлим инжиқлик қила бошлади: «Ада, ўтайлик. Ўтиб кетайлик!» Нариги текис йўлда юришимга ўрганган-да. Бу ердаги баҳор манзаралари уни яна кўтарди. «Хўп, — дейман. — Ҳозир ўтамыз», дейман. Кейин хотинимиз ҳам хархаша қила бошлади: «Нима бўлди сизга? Мундай имиллаб қолдингиз? Йўл кенг-ку, абгон қила қолинг, адаси».

Менинг ҳам дардим ичимда: институтга тезроқ етиб олишим керак. Бу юришда, ким билади...

Хуллас, кетяпмиз. Тавба, дейман. Гоҳо «Нива» тўхтаб-тўхтаб қолади. Гўё «ўт, ўтавер», дегандай. Ўтиб бўпман: мен ҳам «Жигули»ни тўхтатиб қоламан.

Кетавердик, кетавердик.

Табиатдан завқ олишнинг ҳам расвоси чиқди. Ўғил тагин хархаша қилади, хотин минғирлайди. Қизалоқ ҳам онасининг гапини такрорлай бошлади.

Ана томоша!

Ҳе, гапнинг қисқасини айтсам, бир ярим ёки икки соатлар унинг орқасидан эргашиб юрдим: сал тезласа-тезлайман, секинласа-секинлатаман, тўхтаса-тўхтаб қоламан.

Баримиз бўлганимизча бўлдик: ўғил йиғлай бошлади, хотин биз билан гаплашмай қўйди, қизалоқ хўмрайган. Ўзим-чи? Менга зарил кептими шу юриш?

Институтдаги дарс ҳам барбод бўлди: довондан ошгандан кейин ҳам камида икки соат юришим керак.

Соат ўн иккига яқинлашганда, қўлларим қалтираб, машинаям қизиб кетиб, довонга чиқишимизга бир чақиримлар қолган эди, «Нива» бирдан бурилиб, чап тарафга ўтди-да, шундай тик қирга зинғиллаб чиқиб кетди. Хаёл қилдим: самолётнинг мотори ўрнатилган. Қирдан ошиб гойиб бўлди.

Шукр қилиб, ёқаларга «туф-туф»лаб тезликни оширдим. Довонга чиқдик.

Шундай четда ДАН пости бор. Қарасам, таниш инспектор йўлга чиқиб келяпти. Ола таёғини шундай чўзди. Тўхтадим. Хурсанд бўлган чоғда яна юрак уришини кўринг. «Йўлда бирон ножўя ҳаракат қилдимми?» деб ўйлайман. Инспектор ҳам — «диктатор»га қарашли одам-да! Рация орқали бир нима деган бўлса, праванинг ўн жойидан тешади. Бу йўлни бир умр орзу қилмайдиган бўламан.

Ҳужжатларни олиб чиқдим.

— Ассалом алайкум.

Сержант чест берди-да:

— Буларни жойига соп қўйинг, домла. Хўжайин «жуда одобли бола экан» дедилар, — деди кулимсираб.

Карахт бўлиб қолдим.

Биз болакай «одоб юзасидан» у кишини йўлда қолдириб ўтиб кетмаган эканмиз!

Вой, муттаҳам-е...

Ҳа, ундан қутулганимизга минг бор шукр қилиб, йўлда давом этдик. Ҳадемай хотиннинг ҳам чехраси очилди, ўғилчамиз ҳам отасини танигандай бўлди, қизалоқ ҳам йиғидан тўхтади. Лекин бизнинг ишимиз расво бўлган эди: дарс ўтилмай қолди...

Орадан икки кун ўтган эди денг, бу ёқдан телефон бўлиб қолди. Ҳа? «Тезда етиб келинг, Вильнюсга жўнайсиз, ўзбек санъати тарихидан маъруза ўқиб келасиз».

Бизнинг институт билан уларнинг институти орасида шундай — ўқитувчиларни айрибош қилиш, бир-бирининг санъати ҳақида маъруза ўқиш анъанаси бор эди.

Яна йўлга тушдик. Энди довондан тушадиган бўлдик. Биринчидан, вақтли етиб боришим керак.

Иккинчидан, биз хўжайинга хийла ёқиб қолган «одобли бола»миз. Бу гал ўтган галгидек қийналмасмиз. Кейин, «хўжайин» ҳар куни шу йўлдан қатнайвермас...

Кўнгилга таскин бериб довонга етиб келдим. Қарасам, ДДН пости берк. Инспектор йўк. Ҳа, «чақириб олгандир-да», деб ўйладим. Ахир, мелисалар, ҳам у кишининг югирдаги эди-да!

Нишаб йўл. Анчагина тезлик билан тушиб кетяпман. Лекин бутун вужудим кўз-қулоқ: тагин бир бурилишда чиқиб қолса, биласиз-ку, ундай одам еб турган таомига ҳам тупуради...

Тушиб кетяпман, кетяпман. Тинчлик. Баҳор авжида. Яна булбуллар сайраб ётишибди.

Йўлда иморатлари тошдан ясалган кичкина бир қишлоқ бор эди, ундан ўтгач, қабоб пишириладиган кафе келади. Шу қишлоққа етдим деганда, ўша инспекторни кўриб қолдим. У мени анча нарида эканимда кўрган шекилли, таёғини чўзиб турибди.

Машинани тўхтатдим. Ҳар эҳтимолга ҳужжатларни олиб чиқдим. Инспектор ўрнидан жилмади.

— Ассалом алайкум, — деб олдиға бордим.

— Нега тез келяпсиз? — деди у. Чест бериш қаёқда! Мени танимагандай.

— Йўк-э, ана спидометрни кўринг, — дедим.

— Кўриб турибман. Уч сўм, — деди.

— Хўп-хўп. Пулни тўлаб:

— Хўжайин яхши юриптиларми? — дедим. У афтимга энсаси қотгандек қараб турди-да:

— Хўжайин ке-етди, — деди.

— Қаёққа?

— Кетадиган жойига... Тушундингизми? Кеча партиядан ўчирилди. Бугун ишдан олинди.

— Сабаб?

— Халқ... Ҳамма сизга ўхшаган «одобли бола»ми?

Шу гап менга таъсир этиб кетди денг: худди ўша кунги одобли эканимни таъна қилган эди.

— Ўзлариям одоб масаласида каминадан қолишмас эканлар, — дедим. Ва яна сўрадим: — Наҳотки?

— «Ака»лари кетган одам кетади-да, — деди у. — Бошқа «ака»ларга ёқмай қоптилар. Бу ёқда халқ турибди, тишини қайраб... Гўё халқнинг ёнини олишди улар... Энди йўлдан қолманг, домла. Йўғасам, одобда сиздан қолишмаслигимни...

У бир нима деб пўнғиллади.

Мен машинани миниб жўнадим. Ҳам хурсандман, ҳам куламан ҳам: «Ўл, — дейман ўзимга. — Куни битган экан-ку? Нега ўша куни мунча кўрқдинг? Хотининг, болаларинг олдида шарманда бўлдинг? Қанча асабинг кетди? Ванғиллатиб ўтиб кетмайсанми, номард!» дейман.

Ул одамнинг партиядан ўчгани, ишдан олиб, қамалганини эшитгандирсиз? Эшитмаган бўлсангиз, ўзингиз билган шундай «диктатор»ни эсланг: уларнинг ҳам бошига шундай кун тушади? Балли... Ўзи бу ҳол — жамиятимиз учун истисно ҳол эди-да. Аммо бундан кейин ҳам ўйлатадиган ҳол...

Энди бу ёғини эшитинг: ўзимни сўқиб, номарддан номардга солиб, табиий равишда энди ўзимни мард чоғлаб кетаётсам, ишонасизми, кафедан ўтган жойдаги бурилишдан шундай қайрилган эдим, шундай чап тарафдан — сув сизиб оқаётган қир оралиғидан битта... яшил «Нива» ғув этиб тушди-да, йўлнинг чети билан секин кета бошлади.

Шундай тормоз берибманки, бошим ойнага урилди.

«Худо урди, инспектор мени алдаган бўлса-чи?», деб ўйладим. Яна «Жигули»ми секин ҳайдаб, у билан изма-из кета бошладим. Бояги мардлигим қаёққа кетди денг?

Тезроқ юрса — тезлашаман, секинлашса-секин. Қадамига қараб, ичимни мушук таталаб, «Яна кечикадиган бўлдим-да!» деб бораётиб эдим, «Нива» бирдан тўхтади-да, эшиги очилиб, битта рус боласи бошини чиқарди.

— Ҳа? — дедим. Машинамни сал илгари ҳайдаб, бу томоннинг ойнасини туширдим.

— Чё тн преследуеш? — дейди.

Қотиб қолдим.

— Извените, извените, — деб машинасига зехн солсам, анча эски машина.

Ўтиб кетдим. Яна куламан: «Ўл сен ваҳимачи! — дейман. — Қўрққанга қўшалоқ кўринади, дегани шу экан-да... Дадил бўл-э! Одамсан-ку, анави «диктатор»лар пайдо бўлишидан олдин ҳам бор эдинг-ку? Халқдан ибрат олмайсанми? Халқ уйғонаётир-ку...»

Ана шундай қилиб, йўлда давом этдим. Шаҳарга кириб келдим.

Лекин бир нарсани яширмай айтаман: ҳали-ҳамон шаҳар кўчаларидами, овлоқ жойлардами — яшил «Нива»ни кўрсам, юрагим орқамга тортиб кетади.

Нега бундай? Ақлим етмайди. Балки буям ўйлаб кўриладиган ҳолдир.

1987

## УСТОЗ

Мени биласан, бировдан тил қисик жойим йўқ, ҳамма нарсам бор: машина, дача; китобларим чиқиб турибди. Ҳамма унвонларни олиб бўлдим. Нимадан кўркаман?.. Фақат эҳтиёт бўлиш керак: одам оғзига эҳтиёт бўлиши керак. Тил ўлгур ёмон: бежиз тилни «суяксиз» демайдилар. Ҳар хил гапни ҳар кимнинг олдида гапиравермаслик керак. Тўғри энди, ҳозир ростгўйлик — модада. Аммо мода — ўткинчи. Сиёсатнинг буқаламундан фарқи йўқлигини кўрганмиз-да...

Мени бир шогирдим бўларди. Сен уни билмайсан: асарлари чиқмади. Эҳ, аттанг. Узига ўзи қилди. Кейин...

Жуда дангалчи эди-да. Энг «нозик» гапларни ҳам бемалол гапираверарди. Каттани — катта, кичикни — кичик демасди. Кўнглиям очиқ эди-да, ул бечоранинг. Эҳ... Унинг таланти! Йўқ, мана, салкам етмишга бориб, адабиётимизда ундай талантни кўрган эмасман! Йўқ! Ёзганда, шундоқ кўз олдинга келтириб кўярди. Тили! Бирам образли де. Шундай деталлар топардики, оғзим очилиб қоларди. Қаҳҳордаям, Чеховдаям тополмайсан у топган деталларни. Кўзи ўткир эди!

Боёқиш ўзиям анча қийналиб ўсган. Қилмаган хунари қолмаган. Ҳаётни яхши биларди. Лекин ҳаётни билган, аччиқ-чучукни татиган кишилар одатда камсуқум, вазмин бўлишади. У бўлса... мағрур эди. Одамга тик қараса, мен ҳам кўрқиб кетардим.

Бир кун Ёзувчилар уюшмасига кирсам, китоб дўкони олдида бир бола турибди. Мени кўриб:

— Ассалом алайкум, устоз, — деди.

Мен ҳайрон бўлмадим, уни қаердадир бир кўрганимни эсладим. Одатим шу-да, болам, қайси областга бормайин, ёшларнинг бошини силайман.

— Келинг, шогирд, — дедим.

— Сизни сўроқлаб келган эдим, — деди у. — Ўша учрашувдан кейин кўп вақтлар ўтиб кетди... Тўхтовсиз ёзавер, машқ қилавер. Ўзингга ишон, деган эдингиз... Мана, энди ишониб, бир-иккита машқларни олиб келган эдим. Иложи бўлса, шунга бир кўз югуртирсангиз. Агар ёқмаса, мана шу ахлат пакирга йиртиб ташлайман.

Эшитяпсанми унинг гапини?

Ҳар қалай, уни «жиннибой» дейиш ҳам мумкин эди. Дарвиш десанг ҳам бўлади. Бир ҳисобда ёзувчилар ўзи — дарвиш халқ. Мана, мен ҳам бир дарвиш бўлмасам, сени машинанга тушиб, шу ёққа йўл оламанми? Материал етмаяптими менга? Ёзувчи учун ҳар қандай нарсагаям бир қараш — кифоя. Қолганини ўзи фантазияси билан тўлдириб олаверади...

Болага қизиққанымдан унинг қўлёзмасини уйимга олиб кетдим. Шу кеча: «Қани, нимани ёзипти экан?» деб варақлай бошладим-у, узилолмай қолдим.

У бир бало экан: тасвирлайдиган нарсасини шу қадар яхши биладик! Лупа билан қараганми дейсан. Қаҳрамонларнинг диалоги. Кўтарилган проблемаларини айтмайсанми!.. Ҳа, ҳеч кимга ўхшамайдиган бир талант эди.

Кечаси билан ухлолмадим. Ўйлатади-да... Лекин сенга айтишим керак: қалтис жойлариям кўп. Масалан, бир жойда райком секретарини танқид қилади... Билама-ан, Марказқўмнинг кўзига чўп солиб юрган арбоблар ҳам бор! Аммо уларни адабиётга олиб кириб уриш? Йўқ... Оддий хўжалик одамани ол: ана уни хоҳдаганча танқид қилавер. Шунинг учун мен кўпроқ пейзажга зўр бераман, лирикага зўр бераман: булар беэён мавзулар. Қолаверса, умрбоқий мавзулар. Тўғрими? Ана шундай...

Эртаси вақтли туриб, уюшмага келсам, зинапояда кийшайиб турибди.

Салом йўқ-алик йўқ:

— Сизга ёқмасаям йиртиб ташламайман, устоз, — деди у. — Ўйлаб кўрсам, улардан ҳам тузук нарсалар ёзолар эканман.

Мен ўша ҳикоялар таъсирида эдим. Дўкони аёл ҳам, қоровул ҳам шу ерда. Болани шартта қучиб ўпдим.

— Табриклайман, ўғлим. Сен аллақачон ёзувчи бўлибсан, — дедим.

У бир минутлар дириллаб қолди. Кейин:

— Раҳмат, — деди.

— Сени тушунибманми?

— Ҳа..

Болани подвалдаги ошхонага олиб тушдим. Рангидан сезган эдим: маишатининг мазаси йўқ. Овқат олиб бердим... Биласан, мен пулга сиғинган одам эмасман: зикналарни ўлгудек ёмон кўраман.

Бечора бола! Одобли-да, овқатни охиригача емади. Чамамда, менинг мақтовим билан тўйиб қолган эди...

Кейин:

— Жур, редакцияга борамиз, — дедим.

Лўмбиллаб ёнимга тушди. Сен устознинг бундай пайтдаги ҳолатини билмайсан-да: ёнида шогирди бўлса, тагин талантили бўлса, о, ундан қувончли байрам йўқ унинг учун!

Шундай қилиб, журналга бордик... Ҳа, ўша журналга. Ҳикояни кам беради-ю, лекин беради. Редактори йўқ экан, бўлимга опкириб, мудир билан таништирдим. Ҳикояларини мақтадим. Лозим бўлса, «Оқ йўл» ёзиб бераман, дедим.

Бола хурсанд бўлиб кетди... Хурсандлиги шунчаликки, ҳозироқ «мардикор бозори»га боришини айтди...

Орадан уч-тўрт кун вақт ўтди. Болага телефонимни берган эдим. Кўнғироқ қилмади. Бир кун яна уюшмага келсам, худди ўша китоб дўкони олдида турибди.

— Салом, устоз! — деди.

— Нега телефон қилмайсан?

— Халақит бергим келмади. Ишлаётган бўлсангиз... Кўрдингми унинг одобини? Боя айтганимдай дангал, ўлгудек мағрур бола, таган бунақа андишали эди.

— Ҳа, нима янгилик бор? — дедим.

— Босилармиш! — деди у кўзлари чакнаб. — Сизни сўрашаётган эди.

— А, кетдик!

Тагин уни машинага ўтқазиб, редакцияга бордим. Бўлимга кирсак, ҳикояларни аллақачон таҳрирдан чиқариб, машинисткага беришган. Болани табрикладим.

Кейин ўзим редактор кабинетига кирдим... Уни би-ласанми? Ўлгудек кўрқоқ одам-да. Журналда битта орфографик хато ўтиб кетса, сочини юлади.

У ҳам боланинг ҳикояларини ўқиган экан.

— Табриклайман! Зўр талант топибсан-ку? — деди.

— Топамиз-да, — дедим. — Талантлар сени редакциянгга эмас, редакциям бўлмасаям менга келади.

Кейин у боланинг қаердан экани, нима иш қилиши, хуллас, роса суриштирди. Айтиб бердим.

Етимлар уйда ўсган, университетнинг филология факультетига киролмаган. Сиртдан жамиятшунослик бўлимида ўқиркан.

Хуллас, у ўша кун редакциядан чиққандан кейин нималарни гапириб берган бўлса, айтиб бердим.

Кейин, редактор мендан унга «Оқ йўл» ёзиб беришни сўради.

— Жоним билан ёзиб бераман! — дедим.

Лекин, ука, мен ўзимни виждонли одам деб ҳисоблайман. Тўғрими? Унга қарши боролмайман. Йўқ-йўқ... Хуллас, редакторга масалани ётиги билан тушунтирдим:

— Сен бемалол босавер, — дедим. — Танқидчилар бор, улар ўз ҳукмини чиқаришади. Кўрқадиган жойи йўқ... Лекин, баъзи қалтис моментлар бор, — дедим. — Масалан, айрим жойларда раҳбар шахсларга тегиб кетган. Райком секретариятам... Демак, сиёсатга!

Ҳе, ярамас! Ранги ўчиб кетса бўладими? Айтдим-ку, ўлгудек кўрқоқ деб!

Лекин ўша пайтда бошқа гап гапирмади.

— Яхши, ўйлаб кўрамиз, — деди.

Шу гапидан сал гумонсираган эдим. Ўйлаганимдай бўлиб чиқди.

Ҳикояларни қолдирипти!

Ҳа.

Тагин бир кун болани ўша китоб дўкони олдида кўрдим. Ғамгинлик билан кулди-да:

— Мени тушунишмади, — деди. — Ниятимни...

Редакторни, — оғайним бўлсаям, — роса сўқдим: унга ўхшаган кишилар талантга йўл беришмайди, ука. Баъзан ҳайрон бўласан: шундай кишиларга матбуотнинг рулини бериб қўйишади.

— Хафа бўлма, бошқа бир иш қиламиз! — дедим. — Жур, машинага кир.

Машинада нашриётга бораётганимизда, боёқиш аста сўради:

—Раҳбар ҳам одам-ку, а? Унда ҳам инсоний ожизликлар бўлади-ку?

Нима, мен унга «ожизликлар» — камчиликлардир, уларни тузат, юмшат, замонага боқ, дейишим керакмиди? Йўқ, бу гапни менсиз ҳам айтишган бўлса керак редакцияда. Балки чиқиб қолса, кейин танқидчилар айтишарди.

— Бўлганда қандоқ! — дедим.

Ёш талантнинг дарров йўлини кесиб, кўрқитиб қўйишим мумкин. Талантни ўз ҳолига қўйиш керак: ана шунда у бемалол ўсади. Ўзлигини топади: менинг унга айтадиган ҳар бир гапим — гўё менинг йўлимга туш деганим бўлади.

Энди ўйлаб қарасам, ука, унга ўша пайтда очик гапирсам бўлар экан...

Лекин, унинг қабул қилмаслигини ҳам билардим-да! Асарларидан кўриниб турарди!

Ҳикояларни у чин эътиқоддан ёзган.

Биринчи кундаги бир гапни айтдим, шекилли:

«Ҳикояларим сизга ёқмасаям, йиртиб ташламайман!»

Тушунарли-да.

Менинг вазифам — уни қандай бўлса, шу ҳолида чиқариш эди.

Буни адабиётдаги демократизм дейдилар, болам. Ҳеч ким бировга ўз фикрини ўтказмаслиги керак.

Нашриётга бордик. Директори — эски оғайним. Болани тўғри унинг олдига олиб кирдим. Роса мактадим.

— Китоби чикса, нашриётнингга обрў келтиради, — дедим. — Бунинг устига, битта талантни очган бўласан!

Директор менинг гапимни икки қиладимми?

— Бош устига. Битта рецензияга берамиз. Тамом. Планга киритамиз. Қарабсизки, икки йилдан кейин китоби чиқиб турипти, — деди.

— Бир йилдан кейин, — дедим.

— Ҳа, бир «окно» очилса, тушириб юборамиз, — деди.

— Лозим бўлса, «Сўзбоши» ёзиб бераман.

— Олам гулистон!

Кейин, болани чиқариб юбордимда, директорга ётиғи билан тушунтирдим.

Нима, мен рост гапни... Ўз эътиқодимни айтмаслигим керакми?

Қолаверса, ука, унинг масъулияти — менинг бўйнимда эди: асари чикқандан кейин бирон жойда гап кўзгалса, мен жавоб беришим керак. Устознинг бурчи бу...

Шунинг учун бу томонини ҳам пухта қилишим ке-рак.

Тўғримми?

— Мана шундай гаплар... Сал қалтис демасанг, бунақа ҳикоялар яратилмаган...

Э, одамлар, одамлар!

Қўлёмани олиб кетиб, директорнинг ўзи ўқиб чи-қипти-да, кейин рецензияга берибди.

Рецензиячилар ҳам ҳар хил бўлади, болам. Баъзиси раҳбарнинг қовоғига қараб туради. Агар ўша асар ҳақида директорнингми, бўлим мудиринингми сал гумони бўлса, бас, «ярамайди» деб рецензия ёзиб келади.

Ана шундай бир аблаҳнинг қўлига тушган экан: йўққа чиқариб келибди.

Бола ҳикояларини олиб кетганини эшитдим. Энди ўзини суриштираман де!

Ҳеч йўқки — топилса!

Сенга ўхшаган шогирдлар кўп-да, ўғлим. Мени ўзи ёшлар яхши кўради.

Биригаям қаттиқ гапирмайман.

Нима учун энди гапиришим керак?

Унинг йўлини ўзгартиришим керак?

Йўқ!

Лекин, у бола...

Хуллас, дарағи ўчиб кетди.

Бир куни де, уюшмага келсам, хат бор. Олсам, ўшандан. Фалон касалхонада ётибман, сиз билан бир ҳасратлашгим келди, устоз, деб ёзибди. Тағин минг бир андиша... Сездим: у бежиз мени йўқламаяпти. Уйимга телефон қилишдан чўчиган бола касалхонага чақириб турса!

Кун совук эди. Декабрь ойи эди-да. Автони суриб хайдаб, бозорга бордим. Олма, нок харид килдим. Иккита иссиқ нон. Бир қоғоз халтага солиб, касалхонага бордим.

Мен у касалхонада ҳеч бўлмаган эдим. Шаҳарнинг чеккаси. Айтгилиги йўқ.

Палатасиям сассиқ, тор, олти киши ётибди.

Осма укол олаётган экан.

Рангида ранг йўқ.

Кўнглим бузилиб кетди:

— Нима бўлди? — дедим.

— Жигарим шамоллапти.

— Кўзинг сариқ эмас-ку?

— Сариги сиртга тепмапти.

Вой-вой, чўп бўлиб қолган экан. Бир оз гаплашиб ўтирдим: шунда унинг болалари ташлаб кетган бир рус кампирнинг балконида — ижарага туришини билдим. Роса уришдим.

Ахир, менга очигини айтса, мен унга жой топиб беролмасмидим? Ана шунақа эди-да...

— Хўш, мenden нима ёрдам керак? — дедим. — Бу ер жуда ифлос-ку?

— Ифлослигиям майли, — деди у. — Лекин дорилар узилиб қолган. Бу йилги дори адо бўпти. Январдан беришар экан. Шунга сал-пал... Бу ерда одамларнинг қариндошлари топиб келишяпти. Менинг ҳеч кимим йўқ...

Дод деб юбораёздим.

— Сени яхшироқ касалхоналардан бирига ўтказаман, — дедим.

Ташқарига чиққач, врачлар билан сал айтишдим ҳам: бунақа касалхона-ю, ундаги дори проблемасини фантазия қилиб ҳам тополмайсан, ахир. Жуда ғалатида...

Кейин югур-югур бошланди: билмадим, унинг ўз отаси бўлгандаям менчалик чопмасди.

Чопган билан ҳеч нарсага қўли етмасди.

Райздравга кирдим. Кейин облздравга кирдим. Горздравга кирдим. Қор, муз. Машинамнинг балонлариям дабдала бўлди ҳисоб. Ижодим қолиб кетди.

Ишқилиб, шунга ёрдамим тегсин, дейман-да.

... Охири йўли топилди.

Ҳукуматга яқин шифохона бор эди. Кириб, ўзимни таништирдим.

Жуда яхши қабул қилишди.

— Шундай-шундай... Бир шогирдимиз бор, ахволи чаток... — деб тушунтирдим.

Бош врач яхшигина одам кўринди.

— Хўп бўлади. Бир оғиз сўзингиз... Телефон қилдирмасдан тўғри опкелаверсангиз бўлар экан, — деди. — Бизда запас дорилар бор, яхши қарашамиз...

— Раҳмат. Саломат бўлинг!

У мени коридорга кузатиб чиқди.

Хайрлашаётиб... нима деб ўйлайсан?... Индамай кетишим керакмиди?

Йўқ. Виждоним йўл қўймасди, ука. Қурғур виждон азоби қаттиқ бўлади-да!

Бунинг устига, у менга шогирд бўлгандан кейин, уни бу ерга ўзим келтириб ётқизганимдан кейин... ҳалиги масъулияти ҳам бўйнимда бўлади...

— Кечирасиз, — дедим. — Жуда яхши, ўта талантли бола-ю, баъзан жиндак, нима десам экан, бетга чопарлик одати бор... Ёш-да. Сизларда ҳукумат одамлари келиб даволанади... Шу, нима десам экан, уқтириб қўясизми...

— Тушундим, тушундим, — деганди бу... ярамас ҳам! Кейин кўчага ҳам кузатиб чиққанини кўриб, жуда кўнглим тинчиганди. Лекин: «— Болани ўзимиз олиб келамиз. Ё бугун, ё эрта... Ишқилиб, жой бўшаши билан», — деганига парво қилмапман.

Жуда чарчаган эканман, уйга кетдим. Шу кеча тоза ҳаводан нафас олай деб ҳовлига чиққан эдим, бошим шамоллаган экан, ҳароратим кўтарилиб, тўрт кун ётдим.

Бешинчи куни зўрға ўрнимдан турдим.

Хаёлим болада!

Сен ҳозир тушунмайсан: катта бўл, ёзувчи бўл...

Кейин бировни шогирд тут. Ана ундан кейин менинг ҳолатимни тушуниб оласан: бамисоли боланг-



жигарингга айланиб қолади шогирдларинг!.. Аммо у битта эди!

Машинани бир амаллаб гараждан чиқардим. Хотиним ҳай-ҳайлаб турибди. Қарамадим.

Эски касалхона олдидан ўтаётиб, тўхтадим. Таваккал қилиб ичкарига кирдим. «Приёмни покой»нинг олдидан ўтаётгандим, ўша куни айтишиб қолган врачим чиқиб қолди.

— Ассалому алайкум, домла!

— Ва аллайкум, — дедим. — хаёлим жойидамас-да. Ўтиб кетишимга...

— Марҳамат, киринг.

— Бизнинг болани опкетишдими? Қачон опкетишди?

— Йўқ. Ҳеч ким сўраб келмади, — деди врач. Қарасам, ранги бир хил...

Э, нима дейсанки, уни ўтган куни опчиқишган экан. Шу тобда моргда ётган экан...

Ҳе, шундай куйдим, шундай куйдим...

Уни ким ўлдирди? Энди ўйлаб кўр, ўғлим: одамлар мана шунақа. Қўрқоқ, ваҳимачи, виждонсиз!.. Бу гапларни сенга айтяпман.

\* \* \*

Мен машинани тўхтатдим.

— Тушинг, домла!

— Э, нимага?

— Мен ўлишни истамайман.

1987

## ХУМОР

Ассалому алайкум!.. Раҳмат. Йўлда тушаман. Термизга етмасдан. Стационарга боряпман. Рангимни кўриб, хайрон бўлдингизми? Касалим юкумли эмас. Ишонаверинг... Раҳмат-э. Автобусга етиб боргунимча жўнаб қолди... Куз тушиб қолди-я. Ах, қандай яхши фасл. Шоирларнинг севган фасли. Абдулла Ориповни яхши кўрасизми? Менга жуда ёқади. Эслайсизми, куз туркуми бор:

*«Очиқ айвон остин маскан этган дам*

*Хазон даврасида кутаман сени...»*

Яхши-и.

Пахта тергансиз-а? Э, нима деяпман. Пахта термаган ўзбек боласи бор эканми!

Аммо-лекин бошқаларни билмайман-ку, мен... пахта терими деса, жоним қолмасди: қанот боғлаб учгим келарди. Ўзим яхши-да, а?

Шундай очилиб, чарв мойдай оқиб ётган бўлса! Этакни эмас, копни судраб кетаверсанг-у, оғзини очиб, терган пахтагни ичига отаверсанг. Мен шунақа қилиб терардим. Яхши теримчи эдим о, илтор эдик. Техникумдаям алоҳида бригадада терардим... Сизга халақит бермаяпманми? Йўқ, чалғитмаяпманми демоқчиман?.. Раҳмат. Жуда зерикдим... Бир киши билан гаплашгим келди. Қарасам, яп-янги машина ялтираб келяпти. Кел-э, деб таваккал қилиб кўл кўтаргандим. Тўхтадингиз. Барака топинг. Ўзи бу ернинг одамига ўхшамайсиз? А-а, ўзимам сездим-ов! Томоша яхши-да, биродар! Айниқса, кузда!..

Мен «куз-куз» деяпман, хайрон бўлманг. Мана шу дардим ҳам куз билан боғлиқ, ака. Шундай... Э-э, куз! Ҳа-ха-ха! Сиз шеър ёзганмисиз? Мен ёзганман. «Куз» деб... «Ку-уз!» деб, йўғон ундовни кўйганман-у, тамом! Нимани ёзишни билмайман. Бир кеча ой ҳақида ёзмоқчи бўлдим. Ундаям шу аҳвол: «Ой!» деб сарлавҳа кўйдим-у, қолдим. Дераза олдида ўтиргандим. Ойга тикиламан денг. У ҳам шаҳар осмонида хира бўлиб кўринади.

Техникумда ўқиб юрганми... Хадрадаги «Горький техникум»ни биласизми? Иморатнинг номи шу. Биз қурилиш техникумида ўқирдик, ётоғимиз ҳам ўша ерда эди.

Мен тўртинчи қаватда турардим. Пастда — фонтан. Қизларнинг кокилларидек...

Яхши вақтлар эди.

Баъзан техникумга шоирларни чақирардик. Ўзим тўғарак бошлиғи эдим. Ҳалиги ашула, рақс тўғаргимиз бор эди. Рубобиям ўшанда дуруст чертардик.

Ажойиб вақтлар эди.

Лекин бизни бирон қиз ҳам яхши кўрмас эди-да!.. Мана, афтимга қаранг... Кечирасиз, қарамасангиз ҳам майли. Жуда бадбашара ман-да. Тагин, гармон безлари тараққий этганми, қаранг, мирзатерақдай бўлиб кетганман. Мана, каллада соч ҳам йўқ... Соч-ку кейин тўкилди... Лекин битта марғилонлик қиз сал майл билдирган эди. Ёлғончи бўлмай. Ўзлариям жуда новча, хипча қиз эдилар. Ёнимизда филфакда ўқирдилар. Яхши ашула айтардилар. Биз рубобда жўр бўлардик... Гоҳо филфак билан келишиб, концерт кўярдик-да. Шунда репетицияда учрашардик. Бир марта... хонамга келганлар. Э, айтишга уяламан: хонани озода қилиб ўтирсанг, ўласанми денг! Ўзинг шоиртабиат-у, аҳволинг бу... Хонага киришингиз билан ачиган нону ювилмаган пайпоқнинг ҳиди анқирди.

О, у киши ўшанда менинг бир майкамни ювиб берган эдилар. Бегона қиз-а! Вой, қандай олижаноб эди!.. Мен бўлсам, уятдан ўлиб қўя қолай дердим. Ростини айтсам, кейинини ўйламасам, тўртинчи қаватдан ўзимни ташлардим...

У кишими?

Битта домласига тегиб кетди.

Улар Бўка районида пахта теришарди-да. Биз Оқолтинда. Бориб турардим. Қовун-тарвуз олиб... Бир ажойиб йигит бор эди. Тарихдан жуда зўр эди. Уларнинг бригадасига етгандан кейин, ўша йигитни топардим. У Насиббахонни чақириб чиқарди.

Ҳе, баъзан кечаси етиб борардим. Биз ҳам пахта терамиз-да! Кейин у ёққа жўнардим... Кейин у киши шийпонга кетарди. Мен Оқолтинга қайтардим. Йўли анчагина бор. Баъзан хўрозлар икки қичқирганда етиб келардим... Лекин сира хафа эмасман. Хафалик қайда! Чопиб-чопқиллаб ўша йўлни босиб ўтардим.

Э, у тунлар!

Кечирасиз, бу жуда лакки бола экан деманг... Рахмат. Энди одам хижолат бўлади-да.

Биз борганда, яъни, мен борганда, Насибахон чиққандан кейин хирмонжойга ўтардик-да, яшириниб, пахтанинг ичига кириб олардик. Ёш болакайлардек-а! Кейин ёнма-ён чўзилиб ётиб, гурунг қилардик. Ҳалиги пахтанинг чигитини кирс-кирс чакиб... Ғалати таъми бўлади, биларсиз?

Нима тўғрисида гаплашганимиз эсимда йўқ. Романтик эканмиз-да! У кишиям ғирт романтик экан!

Ана шунда учинчи йили пахтага чиққанда, Насибахон айтдилар. «Мен эрга тегаман», дедилар. Лекин, «Сиз хафа бўлманг, ҳамиша юрагимда қоласиз», дедилар.

Ана!

Сентименталликми? Ҳа. Лекин бўлган гап — шу. Мен индамадим. Кейин, ишонасизми, йиғлабман: «Сиз ҳам менинг юрагимда қоласиз», дебман.

Энди ўша гапларни эсласам, уяламан.

Лекин, ўшанда... кизик-да, шундай дейиш, ҳатто йиғлаш ҳам менга ёққан эди.

Шундай ҳолатга тушганмисиз? Э, кечирасиз...

Ғалати эканмиз-да...

Кейин биз ўқишни битириб ватанга қайтдик. Насибахонни бурноғи йили телевизорда кўрдим. Водийнинг қайсидир бир райони ҳаваскорларими, фольклор ансамблими — чиқиш қилди. Шунда хорда кўрдим. Ким билади, балки, ўхшатгандирман.

Нима?.. Уйландим, уйландим. Хотинимдан розиман. Жуда хурсандман.

Районга келгандан кейин қурилишда ишлай бошладик. Инженер ёрдамчиси. Пул бор... Лекин бу ердаям битта қиз қарамаса бўладими! Тавба қилдим: мендан хунуклар уйланиб кетяпти. Мен — сўққабош. Битта кампир онамиз бор. Кимнинг уйига борса, рад жавоби олиб келади.

Сабабини кейин эшитаман: сочим каммиш, юзим бужирмиш... Юзга донача чиққандан кейин бузилади-да...

Бор-э, ўзбек топилмаса, бошқасига уйланаман, дедим. Қўл остимда қизлар кўп эди: бири — бетончи, бири ғишт теради. Бечоралар қора меҳнатдан қочмайди-да. Бизда, масалан, рус қизлари пахта теришни билмайди, оғир меҳнатдан қочади, дейишади. Ҳе, бекор гап. Қайси ўзбек қизингиз қурилишга бориб, ғишт териб юрипти? Қайси бири бўёқчилик қиляпти? Комбинизонни кийиб олиб... Тўғри, бошқа жойларда бунақа ишларда ўзбечкалар ҳам бордир, албатта. Лекин бизда йўқ эди. Бу — факт.

Шундай қилиб, биттасига уйланиб олдим. Мени тушунади. Шундан ортиқ бахт борми?

Мен саволни дангал қўйганман: «Хунукман. Калман... Мана, арвоҳга ўхшайман», деганман. Аниса: «Сени шу хунуклигингни, арвоҳга ўхшашлигингни яхши кўраман», деган.

Э, севишиб қолганмиз!

Олдин ҳалигидай узоқ-узоқдан қараш, кейин салом-алик... Кейин кўлим бўш бўлдими, унга қўшилиб ғишт тера бошлардим: нима уяти бор?

Шундай қилиб... Йўқ, бола йўқ, ака. Икки марта етти ойлик, саккиз ойлик бўлиб тушди. Ҳайронман, Лекин энди-энди бунинг сабабини тушунапман...

Ака, сиз пахтага сепиладиган дорини ҳидлаганмисиз? О, унда гапимиз қовушмайди...

Э, қизикмисиз! Ҳидлаш ҳам гапми!.. Мен сизга қандай тушунтирсам экан?

Ўйлаб кўринг: олтинчи синф боласисиз. Энди ўн икки-ўн учга киргансиз. Лекин, бизнинг райондасиз... Бизда пахта экилмайди-да. Тоғлик. Аммо пахта теришга орзуманд бўлиб юрибсиз. Йўқ нарса — ҳамиша қизик бўлади. Бунинг устига, пахта — ўзбек халқининг бойлиги, ғурури деб турсалар!

Китобларда — унинг расми! Пионер журналлари, газеталарида ёш теримчиларни тўхтовсиз макташади денг.

Эсланг: пахта нақ очилганда, далага кирганингизда, дастлаб димоғингизга ниманинг ҳиди урилган?

Дорининг,

Балли!

Энди, ака, ҳар ким — ҳар хил бўлади. Мен ўзи гўдакликдан таъсирчан, ҳар нарсага берилувчи бўлсам керак-да. Ишонинг-ишонманг: илк бор пахтазорга кирдим-у, димоғимга ўшанинг қўланса ҳиди урилди. Сал бошим айланиб кетди.

Кейин ўзимга келдим. Кейин, яна ишонмасангиз ўзингиз биласиз, пахтанинг ҳиди деганда — мен ўша дорининг ҳидини тасаввур қиладиган бўлиб қолдим.

Ўзиям шундай-да.

Айниқса, ўша йилларда...

Йўқ-йўқ, сиз унинг ҳидини ҳидлаб, очиғини айтаман, мендай роҳатланиб кўрмагансиз.

Нега куласиз?

Тасаввур қилинг: кенг пахтазор! Орзу қилган пахтазорингиз! Оппоқ очилиб ётибди. Ғурурингиз, фахрингиз... Хўш, унинг ҳиди сал қўланса экан, нима бўпти?

Бунинг устига, ўшанда уни ҳеч ким «химикат-ёмон» демасди. Бемалолчилик... Шийпонимиз анави ерда-ю, бу ёкдаги иккинчи теримдан чиққан далага самолётдан дори сепишарди. Сал сасирди-ю, барибир-да: у сепилиши керак, ғўзанинг барги тўкилиши керак. Акс ҳолда машина киролмайди. Терим кечикади.

Кейин шармандалик!

Мен унинг ҳидини ёмон деган киши билан ўшанда ҳам... бўғишардим-ов.

Ишонинг, у менинг... ўша ҳид менинг энг азиз таассуротларим билан боғлиқ!

Бундан ташқари, мен сизга очиғини айтишим керак, киши ўша ҳидга ўрганар экан! Мана, сигарета чекасиз, яхши. Бировлар нос отади, наша чекадиганларам йўқ эмас... Хуллас, дастлаб чекишганда, бошлари сал айланади, кўнгил безовта бўлади, ҳатто қусади. Лекин кейин-чи?

Мен бу дорига ана шундай хумори бўлиб қолган эдим десам, ҳайрон бўлманг.

Э, ака!

Бу дунёда яхшилаб, ўйнаб-кулиб, завқданиб яшаш керак... Энди ўзингиз ўйланг, менинг бутун завқим-яшаш тарзим ўша ҳид билан боғлиқ-да! Ҳали мен «дардим куз билан боғлиқ» дедим шекилли. Қаранг, тўғриси айтиб қўя қолган эканман.

Болалик ҳам, ҳе, техникум, Насибахон билан хир-монда гурунг... Ўша хирмондан ҳам мен роҳатланардим-да: нима, чигитни қирс-қирс синдириб — тишингизда синдириб ётганингизда, ўша ҳидни сезмайсиз-ми?

Сиз сезмагансиз-да, холос.

Бироқ, ўшанинг нашъаси сизнинг томирларингиздаям бор!

Э, нималар деяпсиз?

Кечирасиз...

Нима? Пахтадами?

Э, ўн йилча ишладик-да!

Қурилишда ишлаб юрибман денг. Кейин... Туриб-туриб юрагим сиқиларди. Бир нарсаларнинг хумори тутади. Насибами дейман. Айланаман, изғийман... Игтифоқо куз келиб қолди-ю, биздан ҳам беш-ўн кишини қўшни районга пахта теримига олиб чиқишди.

Бордим. Хирмонжойдан ўтдим. Даланинг ёқасида турибман. Ишонасизми, ака, худди бегона жойга келиб қолган мусофирдекман. Пахтаям пахта эмасдай.

Билсам, бу далага анча кунлар олдин бир марта дори сепилган экан-у, ҳавога учиб кетган экан.

Таъбим хира бўлиб, орқага қайтдим: далага киргим келмайди. Тентираб юриб, бир гаражга бориб қолдим. Кўп тунука банка, темир бочкалар қалашиб ётган экан.

Шунда димоғимга гўёки атирнинг ҳиди келиб қолди-ку! Чопиб бордим. Худди овчаркага ўхшаб искаланиб кетдим. Булар бутифосдан бўшаган идишлар экан.

Шу ҳидлайман-е!

Кўпдан бери ҳидламаганим учун бўлса керак, бир маҳал бошим айланди, кўзим тинди, ўхчиб чиқиб кетдим. Ариқ бўйига бориб ўтирдим. Бирон соатдан кейин ўзимга келдим.

Кейин... шундай роҳа-ат!

Биламан, сиз менга қарши гапирасиз ҳозир: бу фикрларимга мутлақо қўшилмаслигингиз мумкин. Майли. Мен сизга «Нега чекяпсиз? Сигарета зиён?» демайман аммо.

Менсиз ҳам, ана, кутисига ёзиб қўйипти.

Энди-энди пахта дориси ҳам зарарли деган гаплар чиқа бошлади.

Инкор этмайман: бўлиши керак!

Аммо... пахта-чи? У давлатга керакми, йўқми, ака? Ахир, пахта давлатимизнинг тиргакларидан, устунларидан-ку! Бойлигимиз, фахр...

Биз уни етказишимиз керак экан, сал зиён кўрсақ, нима қипти?

У ёғини сўрасангиз, зарарсиз нарсанинг ўзи йўқ!

Шу нафас олаётган ҳавоингиздаям зарарли микроблар бор. Машинанинг орқасидан чиқаётган тутун ҳам — кони зиён... Э, ҳамма нарсани ўйлаб, ҳар нарсадан ҳадиксираб яшасанг, яшашнинг қизиғи қолмайди...

Ҳозирми?

Ярим кило селитрам бор. Устига сув пуркаб тура-ман. Шунни искаб-искаб қўяман. Намиққан тузнинг ҳиди келади-ю, ҳарна-да...

Ҳа-да, чиқдим-да кейин ҳам...

Бултур Жиндибулоққа бориб, саккиз кун механизаторларга қарашдик. У ерда иккита далага самолётдан бутифос сепишаётган экан. Кейин мен атай уларнинг хизматига ўтдим.

Яхши тўлашаркан. Шунга қарамай, у ерда ишловчилар, талабгорлар кам экан.

Қиладиган ишим — бетон ҳовуздан дорини пакирлаб олиш, обориб, самолётнинг бакига қуйиш. Баъзан ҳовуздаги дорига сув озроқ қўшилган бўлса, одамни жуда тентиратиб қўяди. Шунда ҳеч ким ишламай қўяди.

Мен ишлардим...

Ахир, кимдир ишлаши керак-ку?

Кейин, анча-мунча пул билан, маза қилиб қайтиб келдим.

Нега менга мундай тикиласиз?

Рангим...

Айтдим-ку, агар касаллигим бўлсаям, юқумли эмас. Юқумли бўлганда, аллақачон Анисага юқиб қолган бўларди. У хотиним, ахир...

А? Йўқ, билмайди. Айтмайман: нима қиламан айтиб?

Биламан: у қаршилиқ қилади. Яхши биламан: у менинг ароқ ичмаганимдан хурсанд. Сигарета чекмаганимдан хурсанд. Рус аёлига нима керак?

Кечирасиз, мен энди... ўзимизнинг аёлларга қиёслаб гапиряпман.

Лаббай? Ҳа, баъзан қон қусаман. «Туберкулўз бўлдимми?» деб дўхтирларга учровдим... стационарга жўнатишди. Бир текширувдан ўтишинг керак дейишди...

Бугун районга қайтсам керак.

Ҳа-ҳа, соч ҳам кейин, айниқса, бултур тўкилиб кетди. Оғизга қаранг, ўзимнинг тишим эмас. Ярми садаф, ярми пласмасса...

Ҳа, қувватим йўқ... жуда оз, ака... Ҳали айтдим-ку, автобусга етолмадим.

Ўзимизнинг докторлар «малакров» дейишди. Жигар ҳам сал оғриган бўлиши керак.

Э, иссиқ жон-да! Одамлар самолётга тушишдан кўрқади. Машинага минишдан кўрқадиганлари ҳам бор. Аммо ўшалар тўғри йўлда бир қокилиб тушишса, оламдан ўтиб кетиши мумкин.

Аммо эрталаб жуда мазам қочди. Таъбим анча хира бўлди...

Нима дедингиз?

Ёт деса — ётамиз-да...

Куз келиб қолди-я, ака!

Қаранг, чуғурчиклар ҳам келибди! Хе-е! Ку-уз!.. Шоирларга яхши-да!

Бизлар... бизлар завқ олишни биламиз, холос.

А? Узокроқ ётиб қолсам, ўрмалаб бўлсаям чиқаман. Куз келибди-ю, далани кўрмасам бўладими?

Мақсад? Ҳам хуморни қондириш, ҳам ҳисса қўшиш.

Лаббай?.. Сиз бир нарсани тушунмаяпсиз: у дори — менинг... Кайфим, махбубам, Насибам... Қолаверса, таржимаи ҳолимга сингиб кетган, ахир! Тушунапсизми? Менинг бутун... ҳаётимнинг маъноси, Ватан олдидаги бурч, илк муҳаббатим... ўшалар қаторида туради.

Ундан воз кечиш...

... Ҳа-ҳа-ҳа! Сиз сигаретани ташлаб кўринг-чи! Қайда! Ўпкаси чириб кетаётганини аппаратда кўрганларнинг ҳам чекишни ташламаганини биламиз.

Шунақа бўлар экан-да ҳаёт!

Америкада таъқиқланган?

Илтимос, тўхтатинг... Анавинга қаранг! Йўл ёқасига! Ажриқзорга сепишипти-ку? Сап-сарик бўлиб ётипти!

Нима?

Йўқ-йўқ, бир кайф қилиб олай... Бошқа машинага осиларман кейин. Бу ёғи яқин қолди.

1987

## ҲАЙКАЛ

Бокқа кирсам, Сталиннинг хайкалини бузишяпти... Шундай бир куз куни эди. Олтмиш олтинчи йилми-еттинчимиди — аниқ айтолмайман. Хуллас, эгнимда мана шу каломинка кител, мана бу «За отвагу» ҳам — кўкракда; чой ичгани киргандим-да бокқа. Эслайсизми, қандай соя-салқин жой эди! Ўриклари пишиб, тўкилиб ётарди. Ҳа, аптека куриб, расвосини чиқаришди. Ҳозир парк шаҳардан четда: биров бормайди... Сталиннинг хайкалини эсланг! Баланд супада оппоқ бўлиб турарди. Шинель ҳам, мўйлов ҳам бир ярашган. Кителини ҳам ҳеч маҳал эгнидан ташламаган экан.

Бокқа кирдим. Чойхонадаги одамлар ҳар ёққа сочилиб-жавдираб туришипти. Ҳайкалнинг пойида ижроқўм раиси Бўтаев билан музейнинг директори Холиқбердиев! Доҳийнинг пойида карлик бўлиб туришипти. Шунда хайкалнинг орқасидан Қулмуҳаммад жўрам, фронтовик ошнам, чиқиб келди-да:

— Ортига ағанайди. Кўчатни синдирмайди, — деди.

Эшитяпсизми, Сталиннинг хайкали ҳақида гапиряпти? Доҳийни эмас, кўчатни ўйлаяпти...

— Ҳей, нима қиялпсизлар ўзи? — деб уларнинг олдига бордим.

Бўтаев пучук бурнини тортиб:

— Келинг, Кимсан ака. Шуни йиқитиш керак, йўқотиш керак бўп қолди, — деди.

— Кимни? Кимни йўқотиш керак? Йиқитиш керак?

У ҳиринглаб кулди.

— Биламиз, сиз ветеранларнинг бу одамга ихлосинглар баланд. Лекин бу — энг катта халқ душмани экан, ака... Хрущёв бобонинг докладини ўқимадингизми?

— Ўқидим, — дедим. — Балки сиздан олдин ўқиган-дирман, ўртоқ раис! Лекин у кишиям доҳийнинг хайкалини бузинглар демаган...

— Кимсан ака, нервингиз бурнингизнинг учида туради-я! Қизишмасдан ўйлаш керак-да... Ўлиги мавзолейдан олингандан кейин хайкали бу ерда турадими? Минг одам киради бу бокқа. Ёшлар киради... Ахир, сиёсатгаям қараш керак-да!

Мен жимиб қолдим: сиёсатни тилга олгандан ке-йин лаб-даханинг боғланиб қолади-да. Шунда кисталок:

— Бузинг, Қулмуҳаммад ака! Ҳамма кўрсин! — деб буюрди.

Ҳалиги бетон супанинг пастида каттакон гурзидай болға турган экан. Қулмуҳаммад олди-ю, айлангириб солди денг! Доҳийнинг иягига урган экан, боши учиб кетди.

Кўз олдим қоп-қоронғи бўлиб қолди. Ҳайкалнинг орқасига қандай қилиб ўтганимни билмайман. Каллага энгашган эдим, болға яна гурсиллади. Шартта изимга қайтдим. Қулмуҳаммад доҳийнинг мана шу ерига — кўкрагига урипти.

— Э, баққа бер-э, энангди... — деб болғани тортиб олдим. Қулмуҳаммаднинг башарасига шапалоқлаб солиб юбордим. Кейин болғани Бўтаевга тутдим. — Олинг! Мени уринг!.. Мен розиман! — Йиғлаб юборибман. — Шу одамни деб қон тўкканман, кантужин бўлганман. Ҳалиям биқинда асколка бор!

Одамлар келиб мени ушлашди. Унга сари жаҳлим чиқиб кетди.

— Бу одам юртни ўйлаганда сен қайда эдинг?! Э, жўжахўроз, политик! ? — Оғзимдан у кирди, бу чиқди. Эсим ҳам жойида эмас, шекилли. — Ахир, ахир... Бу одам доҳий-ку? — деб бақирдим. — Кеча «Яшасин!» деб юрган эдинг... Ҳа, ҳароми! — Қулмуҳаммадниям сўкиб кетдим. — Урушга «За Сталин!» деб кирган ким эди? Курский дуга эсингдами, ипсос? Сен салкам пошист экансан-ку!

Ғала-ғовур бўлиб кетди. Қаёққа қарайман! Сўкяпман!.. Энди, оға, бу жон — фойдага қолган жон. Буёғига нимадан кўрқаман? Шунда бир-иккита мусулмонлар ҳам бор экан, менинг тарафимни олишди.

— Ҳе, шуни олиш керак бўлса, бузиш шартми? Ул-бул... — деган гаплар қилишди.

Чамаси, Бўтаев ҳам шундай бир ҳимояга маҳтал эканми:

— Йўғасам бунга ағанатайлик. Майли, ўзларинг бирон жойга обориб кўминглар, — деб қолди.

— Мана, биз оламиз-да! — дедим. — Кўмаманми, кўммайманми — уёғи билан ишларинг бўлмасин!

— Майли, биз сизларнинг олдингиздан ўтдик. Биз халққаям кулоқ соламиз, — деди-да, Холиқбердиевни эргаштириб кетди.

Энди Қулмуҳаммаднинг йиғлаганини айтинг:

— Менга қадри йўқмиди доҳийнинг? Чақириб айтишди-да: «Сиз сиёсатга қаршимисиз?» деб...

Уларнинг гапини қайтариб бўладими, жўра?

— Мен сенинг жўранг эмасман! Бугундан бошлаб! — дедим. Кейин болгани отвориб, уф, дохийнинг калласини кўтардим. Жуда оғир экан. Лекин бутун. Мўйлабиям... Ияги учган. Қаттиқ цементдан яшашган эканми, хайрият, унча шикаст емапти...

Боғдан чиқиб, бозорга чопдим. Эшак бозорда Пар-да қийшиқ аравасини энди миниб турган экан.

— Жон ака, гап шундай-шундай, — дедим. — Мана, сизга ўн сўм! Пенсиямни олсам, яна бераман...

— Э, пулни қўйинг, — деди у бечораям. — Ишқилиб, бизга гап тегмаса бўлди.

— Тегмайди!

Қаранг, ёли оқариб кетган шу аравакаш ҳам кўрқади-я, политикадан. Бир замонлар «қўш хўкизинг бор», деб отаси кулоқ қилинган-да. Кейин «враг народ» бўлиб отилиб кетган.

Эшак аравани тўғри боққа ҳайдатиб кирдим. Ҳайкални кўчириш, авайлаб аравага ётқизиш ҳам кўп қийин бўлди. Одамларга раҳмат, қарашиди. Ахир уларниям мана бу ерида бор-да Сталин!..

Кейин уйга жўнадик!

Кўчанинг ўртасидан ҳайдатиб кетдим аравани. Одамлар у бетдаям, бу бетдаям ғуж бўлиб, ажойиботга қарагандай қарайди. Парвойим палак. Нима бўлса, кўрдим бу оламда: кўрқадиган жойим йўқ. Болаларим уйли-жойли бўлиб кетган.

Сўққабошим билан бир ҳовлида ётардим! Мана, энди... икки киши бўламиз.

Ҳа-ха, тўппа-тўғри сойдан ўтказиб, уйимга обордим. Дарвозани ланг очиб киритдим. Ҳе, у ердаям томоша! Ким эргашиб келган, ким мени алқаяпти, ким кўрқитаяпти...

Аммо-лекин, ука, шу кўрқитиш... деган гапимда жон бор: мен ҳар қанча ботирлик қилган бўлсам ҳам, кўнглимнинг ости дир-дир этиб турганини тан оламан.

Ҳа. Энди бизам унча-бунча кўрганмиз-да, оға! Лениндан кейин, Сталин бободан кейин ўтган арбобларниям кўрдик... Тўғри айтасиз, ҳақиқатни кейинроқ тушундиг-у... Ҳа-ха, ўртоқ Сталин ҳаётлигидаям роса ғалати ишлар бўлганди, рост.

Минг-минглаб одамлар «халқ душмани» бўлиб кетган. Анчайин гапнинг устидан...

Энди денг, биз кимсан — Хрушчёвнинг замонида сталинчи бўлиб турган бўлсак...

Мени обориб тикиб қўйишлари ҳеч гап эмас эди. Сталинни оклаш — Хрушчёв бобони қоралашга ўтарди...

Қўйинг-чи, ҳайкални ҳовлининг ўртасига ётқизиб қўйдик...

Мен нодонлик қилиб, паркдаги тагсупаниям кўчириб келтирмаган эканман. Қайтиб борсам, боғнинг қоровули деворга ишлатаман деб бузиб-ташиб кетибди, нокас.

Кейин у ёққа чопдим-бу ёққа чопдим: уч-тўрт қоп цемент топдим. Сойдан шағал ташиб келиб, супани ўзим ясадим. Қўни-қўшнини чақириб, ҳайкални тикка қилдик. Энди ҳайкалнинг бошини ўрнатиш қолган эди.

Хайрият, қўшни совхозда арманлар тошдан иморат кураётган экан, чўткачи Рама жўрам: «Шуларга бор. Ҳар бало қўлидан келади арманининг», деди.

Борсам, ҳақиқатан ҳам биладигани бор экан. Бир тийин олмай, каллани жойига ўрнатиб берди.

Ўлай агар-а, худди ўзидай қилиб берди. Лекин бечоранинг бир кун вақти кетди: иякни яматгач, ичидан сувади.

Ишонасизми, бир тийин олмай кетди. Тўғри, кейин учта товук обориб, димлама қилиб бердим жўраларига. «Пенсионер бўлмасам, қўй сўярдим», дедим.

Ана энди денг, ҳайкал ҳовлида турипти. Бала-анд! Оппоқ! Мўйлаблари бирам хушрўй. Ўзига ярашиб... Тоққа қараб турипти. Томдан ҳам баланд-да!

— Эй, дохий, — деб кўяман онда-сонда. — Қалайсиз, Иосиф Виссаранович?

Ўлай агар, лаблари кимирлагандай бўлади.

— Яхши. Раҳмат сенга, Кимсанбой. Сени билар эдим. Менга садоқатли эдинг! — дегандай бўлади.

Бир кеча ҳақиқатан ҳам гапирди-ёв!

Ой чиқиб турган эди. Уйимдан сал нарида жар бор, қуриб кетгур ахлатхона бўлган. Райондаги бари синган бутилкани келтириб тўкишади. Яна алламбало чиқиндилар. Ёввойи мушук дейсизми, ит дейсизми — макон қилиб юборганди. Кундузиям одам боришга кўрқарди. Ўша оқшом нимаям бўлиб, бир гала ит жуда увлади. Ҳе, увлади. Уйқум қочиб кетди.

Ташқарига чиқсам, ой сутдек ёруғ... Кўрқдимми дейман, эшик тепасидаги лампочкани ёқдим.



Ҳаммаёқ равшан бўлиб, кўнглим сал жойига тушди.

Доҳий бўлса, туриптилар!

Худди менга кўриқчидай!

Гангиб, пойларига ўтирдим. Чекипши ташлаган эдим, битта тутатдим. Жуда ғуссага ботдим. Энди одам ўйлайди-да, оға: «Бу инсон оламга келиб, нима орттирди? Битта шинель, бир жуфт этик, каломинка кител, фуражка билан ўтди...»

Ў, ўзингиздан қолар гап йўқ: Ҳозирги думбул раҳбар ҳам «бир нарсага бўлай» дейди. Халқдан юлай, дейди. Кейинги вақтда партия сафига кираман деб ариза берганларнинг тўқсон фоизи раҳбар бўлсам, кўлим узун бўлади деб ўйлайди...

Ахир, раҳбар одам — партия аъзоси бўлиши керак-ку бизда?

Сизга ёлғон, худога чин, «Икки минг сўм бер, партияга ўтказаман», деган парткомларни эшитганмиз...

Ҳе, ҳаммаёқ бузилиб кетди!

Лекин бу одам... Иосиф Виссарионович худди Ленинга ўхшаб яшадилар-да!

Тўғри, тўғри, тушуниб турибман: Ленин бобоям Сталин ҳақида бироз...

Аммо-лекин умрини халққа берди-ку буям!

Ҳа! Мен шундай деб ўйлайман! Ҳе, Хрушчёв тахтга ўтиришидан олдин халқ ҳам шундай деб ўйлар эди.

Сталин ўлганда минглаб одамнинг кўнгли озиб қолгани бежиз эмас-да! Менинг касалхонага тушганимга ишонмайсиз-да?

Ана шунақа, оғажон.

Би-ир маҳал шивирлаб қолдим:

— Ўртоқ Сталин, бу ишлар... қандоқ бўлди? — Кейин секин ўрик соясига ўтдим.

— Парво қилма, Кимсанбой, — деди у киши. — Бу кунлар ҳам ўтади. Ҳали менинг кадримга етадиган кишилар келади тахтга... Хрушчёв ҳам ўтади. У аслида мени хуш кўрмас эди. Мен уни писанд қилмас эдим. «Никита» дер эдим.

Балки, балки бу гаплар хаёлимда кечгандир? Балки мен кўшиб айтаётгандирман. Аммо гаплашдик!

— Курский дуга эсингиздами? Танкада ёниб кетаёзган эдим?

— Эсимда... Кремлда ўтирган бўлсам ҳам, кўриб туриб эдим! — деди доҳий. Ҳа-да, у кўриб турарди. Бе, ишонмас экансиз-да одамга...

Бир вақт қарасам, йиғлаяпман. Кейин аста уйга кираман деган эдим, халиги итлар яна увлаб юборди. Туриб қолдим: «Доҳийни кўриқдаяптими улар ҳам?»

А? Ҳа-да, ҳайкални кўргани ҳар хил одамлар келиб туришарди: бири яширинча, бири ошкор. Бири қизиқиб, бири мenden аҳвол сўраш учун. Ишқилиб, бизнинг ҳовли Холиқбердиевнинг музейига ўхшаб қола бошлади.

Ҳе-хе-хе! Билет сотсангиз бўлар эмиш! Ёшсиз-да! Ундан кўра ўлдириб кўярман ўзимни...

Э! Сизлар — бошқа авлод!

Худони биласизми? Билмайсиз. Пайғамбарни-чи? Йўқ. Тўғриси, мен ҳам билмайман. Кўрганим йўқ, ўзи кечирсин... Лекин аҳли мусулмон худога ишонади, тўғрими?

Хўп, кўрқади дейлик.

Сталиндан ҳам ана шундай... Йўқ, у кишига ишонар эдик.

Ишонинг шу гапимга: Сталин — биз учун ҳам худо, ҳам пайғамбар эди!

Уларга қарши бориб бўладими? Уларга сиғиниш мумкин, тавоф қилиш мумкин, холос.

Ана шундан кейин...

Э, э, тилингизга шаккар, келишди-да грузинлар! Иккитаси. Мана шундай ерга ўтиришди. Қайдан билишган бу савдони? Худо билади. Кейин тусмолладимки, тоштараш арманилар бориб айтишган бўлса керак? Капказга борганда...

«Пакаяний?» Дарвоқе, яқинда қулоғимга чалинди: грузинлар шундай кино қилишипти. Сталинга ўхшаган — расмига халқ сиғинадиган кишини кўрсатишти дейишди.

Ҳа, рост: кинода халқ кўрққанидан сиғинар эмиш... Аммо ҳаётда ўз-ўзидан сиғинар эди, оғажон!

Ҳе, фалак, ундай одамлар битта ўтади! Худо ҳаққи, Сталин тириклигида Ленин бобониям эсдан чиқариб кўйгандик. Энди, асосий ишлар, қийинчиликлар Сталин даврига тўғри келганди-да... Ҳа-ҳа,

лекин Сталин инқилобниям тепасида турганлардан, ахир.

Грузинлар кетишди.

Бир ҳафта ётишди. Қўй сўйдик. Ўзлари опкелди. Ҳе, яшиқ-яшиқ вино...

Қўшниларниям оғзи тегди.

Улар кетгандан кейин бизни райкомга чақирди. Бордик. Биринчи билан Бўтаев ўтирган экан. Бўтаев айтди:

— Сиз нима қияпсиз ўзи?

— Нима қиппан? Сталин сизларга керак бўлмаса, менга керак, — дедим. — Хўп, ана, битта-яримта қизикқан ўртоқлар боришади. Кўрса нима? Мен уларга ташвиқот қилмасам. Сталин яхпти эди демасам... Миқ этмайман. Томоша қилиб-қилиб кетишади. — Кейин Бўтаев жиғимга теккан эди, жаҳлим чиқиб кетди. — Э, ўртоқ раис! — дедим. — Оғзингизга қараб гапиринг: мен ҳам шу юртнинг бир патриотиман. «Чет элларда» эмиш! «Шу одам инсониятни оёқости қилмоқчи бўлган!» деб кўрсатишар эмиш!.. Ўртоқ Сталиннинг номини эшитса, зир титрашар эди. Улар хурсанд... Менга ўхшаган...

— Йўқотинг, — деди Бўтаев. — Мендан ҳам айб ўтган экан, ўртоқ секретарь...

Биринчи бўлса, кулди.

— Менинг қаршилигим йўғ-у, Кимсан ака, — деди. — Лекин шу ҳайкал сизниям бошингизга бир ташвиш солмаса деб кўрқаман. Мени тушунинг, ака... — Кейин Сталин даврида қилиб, «халқ душмани», деб қораланиб, отилиб кетган одамлар, жуда катта-катта раҳбарлар, ўзимизнинг ўзбеклардан ҳам уч-тўрттасини тилга олди. Кейин: — Сизгаям касофати тегмаса деб кўрқаман, — деди.

Касофати тегмайди! — дедим. — Мен фронтовик! Мен Сталин деб жангга қирганман. Балки шу гап менга қувват бўлиб, ўлмаё қолганман! — дедим. — Чунки Сталин: «Биз ғалаба қиламиз!» дер эди. Мана, ғалаба қилдик.

Кейин иккиси минғирлаб, менга бир гапларни, бир гапларни айтишдики, асти сўраманг...

Айтаверайми ?

— Сиз сиёсатнинг ўзгариб туришини билмайсиз, ака, — деди биринчи. — Ҳа. Худо кўрсатмасин, «халқ душмани» деган гап тилимиздан йўқолган эмас...

— Э? — дедим. Аммо сиздан яширмайман: бўғинларим бўшашиб кетди. — Ҳалиям борми?

— Ахир сиз расмий сиёсат билан ўйнашяпсиз-ку?

— Қачон?

— Мана шу қилиғингиз нимадан далолат беради?

— Эй, ўртоқ котиб! — дедим. — Мен принципли одамман, оғажон! Мен агар бу ишни ошқора қилаётган бўлсам, бошқалар ичида... яхши кўради Сталинни. Хўп, ёш болаларни кўйинг...

— Сиз хавфли одам экансиз, — деди Бўтаев.

— Гап тамом. Уни ўз қўлингиз билан бирёкли қилинг, — деди секретарь. — Ҳеч бўлмаса, кўздан пана қилинг!

Бир ёқли... қиламанми мен? Охири ўйлай-ўйлай, устига чодир ёпиб қўйдим. Ўрабгина. Шундай турибди... Ҳа, онда-сонда очаман. Кечалари...

Очиб қўйиб гурунглашаман. Ишонмайсиз-да? Биласизми нима, ўзи ишонмайдиган одамлар... нима де-сам экан, ўзингиз синаб кўринг бир нарсага қаттиқ ишонсангиз, у нарса тош бўлсаям тилга қиради! Худогаям одамлар ишонгани учун уни «бор» деб юришади. Ҳа, энди ҳаммамиз атеист бўп кетганмиз-у, барибир-да...

Йўқ, ҳозир ҳеч ким безовта қилмаяпти. Одамлар ҳам оёғини тортиб қолган.

Икки йилдан бери грузинлар ҳам келмай қўйди.

Сталин бобо даврида ҳалигидай бўлганлар ҳақида бўлса, газеталар ҳар кун ёзишяпти...

Ҳа, энди таъсир этади менгаям, бир гапни ҳадеб қайтараверсангиз, таъсир қилади-да...

Лекин мен... тушунмайман, ниманидир кутгандай, кутиб юргандайман.

Бир оқшом шу тўғрида Сталиндан сўрадим ҳам.

— Бекор гап. Сенга ўзим зиён етказмасам, ҳеч ким зиён етказмайди, — дедилар.

— Бу нима деганингиз, ўртоқ Сталин?

— Қара, кечаги довулда қимирлаб қолдим. Босиб тушсам, ўласан.

Начора?.. Бу ёғиниям айтайин. Бир оқшом Рама жўрам билан тағин бир-икки ошналарни обкелиб,

доҳийни ётқиздик. Устига чодирни ёпганимиздан кейин, ишонинг-ишонманг, девнинг мурдасига ўхшаб қолди. Кейинги куни ўзим у кишинг устига тупроқ уюб қўйдим.

Назаримда, доҳийнинг охирги васиятини адо этгандай эдим.

1988

## ЙИҒИ

*Оғзингга қон келсаям, душман олдида тупурма.*

*Ҳикмат.*

*Ўғлим ЖАМШИДга*

Мен раҳмсиз эмасман. Афғондаги босмачиларга муносабатим аниқ эди. Аммо, ўша ерда хизмат қилаётганимда бир воқеа содир бўлдики, ҳали-ҳамон унинг мағзини чақолмас эдим.

Биз крепостда турардик. Тошдан ясалган кўрғонда. Деворидан одамнинг боши кўринади. Девор ортидаги майдонга вертолётлар келиб кўнарди, биз кечаси уларни кўриқлардик. Кундузи ҳар хил топшириқларни бажарардик. Гоҳо кечаси ҳам босмачилар яқин келгани ёки бирон қишлоқни босганини эшитсак, бораверардик. Эгнимизда ўқ ўтмайдиган жилет, кўлимизда автомат. Командир буюрса, бас...

Ёнимизда битта ўзбек қишлоғи бор эди. Жуда хароб яшайди у ернинг халқи. Одамларини кўрсангиз, ачиниб кетасиз. Кир-чир, кўллари қадоқ... Қишлоқнинг ўртасида дўконлар бор. Ўлимни ўйламасак ҳам, барибир бўйинга олиб қўйгандик. Биласизми, жуда кўркмас одам ҳам, жуда кўрқоқ одам ҳам тез ўлар экан: битта наманганлик ўртоғим бор эди. Келганида майингина йигит эди. Бўйи мендан икки қаричлар баланд. Олти ой ўтмасдан бронезилет киймасдан жангга кирадиган бўлди. Ўлимни сира ўйламас эди. Босмачиларнинг снайперлари уни қасдлашган экан. Буни кейин билдик... Бир куни иккаламиз крепостнинг ёнида — мен чўзилиб ётгандим, у тошда ўтирганди. Рўпарамизда баланд тоғ-тошлар, ғадир-будир. Дарахт йўқ. Ўртоғимга ўқ текканини билдим... Эшитдим. Ўқнинг овозини эшитганим йўқ; мана шу еридан — қоқ пешонасидан теккан экан: чинкириб юборди. Жойидан сапчиб кетди. Орқага йиқилди. Мен ҳам ўрмалаб, тош панасига ўтдим. У типирчилаяпти. Тоққа қараб турсам, бир тошнинг орқасидан саллала киши чиқди. Бўйинини чўзиб бу ёққа қарай бошлади. Ўликни кўрмоқчи-да. Калласини ё қулоқ-бурнини кесиб кетади. Ё автоматини олиб кетади. Отдим саллалани. Сурилиб тушиб келди. Устига бориб, яна отдим. Йўқ... тушгунча ўлиб бўлган экан.

Милтигини олиб келдим. «Бур» деган милтиқ экан. Инглизларники. Бизнинг снайпер милтиғимиз билан тенг туради. Ҳе, кейин кўп болалар ўша милтиқ билан расмга тушишди.

Хуллас, жуда кўркмас одам ҳам тез ўлар экан.

Мен сизга бошқа нарсани ҳикоя қилмоқчи эдим. Яхшиям ўртоғимнинг ўлимини айтдим.

Ана ўшанда мен биринчи марта йиғладим. Йиғладим-у, шундан кейин бошқа бировнинг йиғлаганини кўрсам, тоқат қилолмайдиган бўлиб қолдим.

Битта йигит тўртинчи даражали бош ошпаз экан. Взводга келиши билан: «Мен ошпаз бўламан», деб туриб олди. Ўзимизда ошпаз бор. Командир: «Йўқ», дейди. У бўлса... йиғлайди. Шунда бир-иккита руслар ҳам ундан кулишди.

У бир ҳафтадан кейин биринчи жангда ўлди.

Сизга айтмоқчи бўлган ҳикоям ёнимиздаги қишлоқлик бир ўзбек бола ҳақида.

Ўн беш ёшда эди. Лекин... йириккина эди. Гилам дўппи кийиб юрарди. Онаси, тўртта укаси бор экан.

Ўша бола менга битта кучуквачча олиб келиб берганди. Қозоқи итга ўхшайди. Расмиям бор. Мана, оёқларига қаранг, қандай йўғон... Э, биз қишлоқилар билан яқин бўлиб қолгандик!

Бир куни босмачилар яқин келганини эшитдик. Жўнадик. Олдинда сапёрлар. Орқада биз. Дух ҳам эргашди (мен унга Дух деб от қўйган эдим). Ҳа-ҳа, босмачиларниям кўпинча Дух деб аташарди уёқда. Улар — тоғ одамлари. Қўлга тушириш қийин. Ўлдирдим деб устига борсангиз, сизни отиб қўяди...

Ҳа-ҳа, Дух ҳам бизга эргашди. Ит — ит-да. Минани босиб қўйиши мумкин. Йўлда бир қисмдан ўтаётгандик, уни қолдирдим. Бир кладовкага қамашди.

Биз кетгандан кейин шу қисмни текширишга комиссия кепти. Битта капитан ҳалиги омонат уйчаниям очирипти. Дух унга ташланган экан, у тўппончадан отипти. Оёғига тегипти. Орқамиздан оқсаб етиб борди. Кейин... уни Ҳаким олиб кетди.

Ўша бола-да... Баъзан мен билан гаплашиб ўтирарди. Нима? Қишлоққа оралаган босмачилар ҳақида хабар берарди. Йўл кўрсатарди баъзан.

— Сизлар Ўзбекистондан келиб қолган ўзбекларми? — деб сўрасам, дабдурустдан жаҳли чиқарди.

— Мумкин сизлар биздан бориб қолган ўзбеклар! — дерди.

Мен ичимдан қувонардим. Биласизми, ўзбек эканингни бу ерда — Ватанда қадрига етмайсан, эсламайсан ҳам. Аммо четда... билинар экан. Биринчидан, тезда топишасан. Қайси юртдан эканини сўрайсан. Сухбатлашасан. Тилинг бир, урф-одатинг бир... У ерда жудаям тез яқинлашиб, жигар бўлиб кетасан экан. Сўнгра мен бир нарсани кўрдим, аниқроғи, ишондим: бизнинг ўзбек болалари яхши уришар экан! Мана мундай кичкинасиам тезда юрагини босиб олади. Қарабсизки, автоматни кўтариб кетяпти. Тўғри, биздан геройлар кам чиқди. Лекин геройлик бериш бизнинг қўлимизда эмас эди...

Нима? У ердаги талай босмачилар ҳам — менимча, ўзбеклар эди.

Хуллас, ҳалиги афғонлик ўзбек болаям бизга бир укадек бўлиб қолди.

Сухбатимиз энди... У кўпинча Союз ҳақида сўрарди. «Сизлар неча жон оилада?» деб сўрарди. Тагин, бизни яхши кўрарди-ю, лекин қандайдир, нима десам экан, ҳадиксираб қарарди. У бизга арақ олгани борганидаям қандайдир кўрқиб, ҳам жирканиб борарди. Йўқ, уларда сухой закон!

Бир оқшом қишлоқ яқинида босмачилар пайдо бўлганини эшитдик. Телевизор кўриб ўтирган эдик. Командир буюрди. Кетдик... Ўша жойга яқинлашгач, ракета отдик. Ҳалигидай осмонда тўхтаб турадиган ракетадан. Мушакни кичкина парашут тутиб туради. Уч-тўрт минут атроф кундуз кунгидек ёришиб туради. Шунда отамиз!

Улар кўпчилик экан. Отиб боряпмиз, отяпмиз. Охири биттаси яраланган экан, уни ташлаб қочишди. Олдин борганлар уни тутиб келишди. Қарасам, ҳалиги Ҳаким...

Бирдан бурилиб кетдим.

Кўрғонга қайтдик. Бу ер ёп-ёруғ. Прожекторлар кўп-да. Командир ҳам штабдан чиқиб келди. Унинг яқин дўстлариям. Бола ўртада зўрға қийшайиб турибди: ўнг оёғидан қон сизиб тушяпти. Мени кўрди-ю, бирдан йиғламоққа тушди-ку!

— Ака, мени ўлдирасизлар. Ўлдирманглар. Улар мени олиб кетишаётган эди...

— Ўлмайсан, ўлмайсан, — дедим.

— Йўқ. Ўлдирасизлар!

— Ҳаким?

— Сизлар асир тушганни ўлдирасизлар!

— Йўқ, дедим-ку! Сени мана булар ҳам танийди...

— Йўқ, танисаям ўлдиради.

Хўп, гапи-ку, майли... Йиғлаганини айтмайсизми? Чинқириб йиғляпти денг!

Ўлай агар, тоқатим қолмади. Қарасам, баъзи ўрислар кулишяпти ундан. Шунда, ишонасизми, кишида миллий туйғу дейсизми, қандайдир ор-номус дейсизми, ғалати бир туйғулар уйғониб кетар экан: ўша боладан эмас, ўзимдан кулишаётгандек бўлди. Худо ҳаққи! Ёнимдаги ўзбек болалар ҳам унга ялина кетишди:

— Йиғлама. Ўлдирмаймиз...

— Ўлдирасизлар... Менинг айбим йўқ!

Қизик гап-а? Унинг айби бор-йўқлигини биз, хориждан келган аскарлар ажрим қилар эканмиз.

— Қандай қилиб уларнинг қўлига тушипти? — деб сўради шунда командир.

Мен ундан сўрадим:

— Қандай қилиб уларнинг қўлига тушдинг? Ана шунда бола пақир йиғидан тўхтади:

— Мен сизларни ёмон кўраман, — деди.

— Секин, аҳмоқ.

— Сизлар — босқинчи... Нега бизнинг юртга келдинглар? Тинчгина яшаётиб эдик...

— У ёғини ҳукуматингдан сўра, — дедим. — Тушундингми гапимни?

— Ҳукуматим сотқин, — деди.

Тавба.

Кимдир шунда бу гапни командирга таржима қилди. Бундай пайтда ҳукм қатъий бўлади...

— Ҳаким энди ўласан, — дедим.

— Билардим-да, хунхўрлар! — деб яна уввос солиб йиғлай бошлади.

— Йиғлама, — дейман. — Мард бўлсанг, охиригача мард бўл, укажон. Йиғлаб нима қиласан?

Болалар яна кўшилишди:

— Фойдаси йўқ. Ёшлиқ қилма... Ўлим ҳамманинг бошида бор... ука... Кўрқма.

Шунда у баттарроқ йиғласа бўладими! Қарасам, қишлоқ томонда ҳам йиғи бўляпти. Чамаси, болани

овозидан танишган. Лекин бизга яқин келишолмайди.

— Ука, йиғламасанг, сени олиб қоламан, — дебман шунда. — Майли, отилиб кетсам ҳам... Хўп дегин. Сени қамаб қўяман. Кечаси чиқариб юбораман.

— Ялғон! Ялғон! Сизлар қонхўр! Сизлар — ўзбек эмас! — деб тагин бакиришга тушди.

Ҳа. Ўзим автоматни бўшатдим.

Шунда... яна тавба дейман, Дух ўлгур аллақаёқдан келиб, менга ташланиб қолди-ку! Мана шу томоғимга интилади денг. Униям отдим.

Қабристониям шундай яқинимизда эди... Хотин, қиз, кампир дегани шу куни кечгача мазорда ўтириб йиғлашди. Мен шундай ҳолатга тушдимки, ўзимни ўзим отиб қўйишимга оз қолди. Кечқурун улар чарчаб уйларига кетишди.

Биз ҳам ётдик. Қизиқ, кўзимни юмсам, қайтага Ҳакимнинг қийшайганча дод солиб йиғлаётгани ҳам, Духнинг бўйнимга сапчигани ҳам кўз олдимга келади. Уруғларининг бўзлаб йиғлаганлари эшитилади.

Охири туриб ўтирдим. Йигитлар уйғоқ, наша чекишаётган экан.

— Менгаям ўраб беринглар, — дедим.

— Чекмас эдингиз-ку?

— Шояд ухласам... Эй, болалар, «бизлар — босқинчи»ми, а?

Болалар миқ этмади.

— Наҳотки Ҳаким ҳақ бўлса?

Яна жимжитлик.

... Ўн йиллардан кейин уларнинг «дух»лари — босмачи эмас, биз — Совет аскарлари — ҳақиқий босмачи эканимизни тушундим.

Биз ғафлатда қолган авлод эканмиз.

Ана бунинг учун йиғласа арзийди.

## ХОРАЗМ, ЖОНГИНАМ

Шоир укам Қадамбойга

Мен бир саёк одамман, ака. Бугун бу ерда бўлсам, эрта Фарғонадаман. Индин сизнинг юртингизгайм кетавераман. Мижозлар кўп! Мана, дафтарчамда, ҳей, ўнлаб тўйлар бор. Барининг куни аниқ. Рубоб омон бўлса, овозни олмаса, энг муҳими — ўзбек халқи бор бўлса ошиғим олчи. Умуман, бизнинг ашулани тожиклар ҳам, туркманлар ҳам яхши кўради... Чет элга борган ансамблларимиз ҳам жуда обрў олиб келишади.

Лекин мен ўзимни катта санъаткор деб билмайман. Мендақалар Хоразмда сон мингта!

Энди, мен сал олғиррокман-да... Ўйинчи қизларниям жуда ҳалигидай кетворганларидан олиб юраман. Ҳақиниям бас дегунча бераман. Шунинг учун «Ўйинчи қизлар» ансамблида ҳам, филармонияда ҳам мен билан юришга ишқибоз қизлар кўп. Яъни, тўйга юришга-да... Йўқ-йўқ, мен уларга синглимдай қарайман. Ҳа, энди, баъзан биронтаси билан, шундаям...

Хуллас, ака, аввало Ўзбекистон ҳақида гапирадиган бўлсак, мен учун бу заҳматкаш ўлканинг ҳар бир қишлоғи азиз: ахир, қаерига бориб тўртта ашула айтсам — чапак, олқиш!

Ўзингники-да... Ҳали битта ёзувчи ёзганидай, илгари бўлинган эдик: ҳе, хонликлар замонида. Мана, ҳозир биттамыз. Мен инқилобнинг мана шу томонидан розиман аммо. Ўзбек халқининг бошини бириктирди. Ўзаро жанжалларга чек қўйди. Ҳозир ҳам баъзилар: «Биз бир миллат бўлиб шаклланмадик», дейишади. Балки шу боисми, Ўзбекистоннинг ҳар бир гўшаси ҳам — бизнинг ватан деган гапга бироз панжа орасидан қарайдиган бўлганман.

Сабабки, ҳар биримизнинг ҳам туғилган маконимиз, киндик қони томган тупроғимиз бор-да ахир. Уни отга ўхшаб айланиб-айланиб топар экан киши. От айланиб, қозигини топади, деганларидек.

Хўш, бир бошдан айтаман.

Хоразмга туз ёғила бошлади. Ҳар квадрат метрига фалон кило. Деворлар зах тепгандек шишиб, уваланиб тўкилишга бошлади. Мадрасалар, қалъалар ҳам шу аҳволда. Ҳавонинг ҳам мазаси қочди. Буларнинг бош сабаби, албатта, Оролда... Ҳа-ха, буни ҳамма билади. Қорақалпоқда аҳвол бизникидан ҳам ёмон. Туркманистоннинг кўп жойларидаям. Бухорода ҳам...

Пахтадан ҳам путур кетди. Ер, экиладиган ер касал, дабдаласи чиққан, банги. Химикатни шимийвериби, наркаман бўлиб қолган... Энг ёмони — Оролнинг ҳалокати...

Бу тўғрида мendan ҳам яхши билсангиз керак: газеталар ҳар куни ёзишади.

Хуллас, ака, Хоразмда яшаш қийин бўлиб қолди.

Мен-ку онда-сонда бораман. Шунда ҳам меҳмон бўлиб... Лекин Хиванинг ўзида, Ичан қалъанинг шундай ёнида ҳовлимиз бор. Катта ҳовли. Отам турарди унда...

Отам эскитдан рубобсоз эди. Шунақанги торлар ҳам ясардики, санъаткорлар уйимизга келиб, заказ бериб кетишарди. Усталар ҳам ғалати бўлар экан-да: отам кўнглига ёққан санъаткорга соз ясаб берарди. Кейин: «Хоразм мақомларини кўпроқ ўрган. Ўлиб кетмасин, кўшилиб қоришиб кетмасин», дер эди... Хоразмни яхши кўрадиган у кишидек одамни ҳали учратмадим. Аммо менинг фожиам шундаки, отамнинг туғилган юртга бунчалик ёпишиб олишини «эскича фикр, қарашлар оқибати», деб ҳисоблардим. У кишини «кўнгли тор»ликда айблардим, ўзимча...

Ҳозир ҳам кўз олдимда турибди: мен у кишини кўргани борган вақтларимда гоҳо тонг сахарда уйдан тополмай қоламан. Кўчага чиқсам, пўстин эғнида, бошида чўғирма, кимсасиз, баланд қошоналар орасида гангиб, бир куйга кулоқ солган каби юрган бўлади. Ғалати манзарада: ҳеч ким йўқ кўча. Карвич деворлар баланд. Улар оша қадим гумбазлар кўриниб туради. Ўтмиш, ўтмишнинг ўзи... Шулар орасида биров айланиб юрса! Тағин у одам гангиб-гарангсиб юрса! Томоша қилиб эмас, йўқ. Нима десам экан, отам бундай кўчаларда қандайдир... мана шу манзара билан уйғунлашиб кетарди: унинг узвий бир бўлагига айланарди.

Энди мени — соч қўйган, галстук таккан, костюм-шимдаги йигитни ўша кўчада тасаввур қилинг: туристдан фарқим йўқ.

Шунинг учун гоҳо менга шундай туюлардики, мен ва менга ўхшашлар бу ерда муваққатмиз: сайёҳлар каби келиб, тезда ғойиб бўламыз. Бу — минг йиллардан қолиб келаётган қошоналар, деворлар, гумбазлар, тор кўчалар эса қолаверарди.

Эртақлардагидек, фақат шу кўринишда қолаверади ва истиқболда ўзига мос келадиган, ўзи билан уйғунлашиб кетадиган, яъни, отамга ўхшаган одамларга тўлади: улар бир бутун ҳолда яшашни давом эттирадилар.

Аммо... бу хаёлим ҳам эртаққа ўхшаш нарса эди. Аслида эса...

Отамга ўхшаганлар тобора камайиб, менга ўхшаганлар тобора кўпайиб боради.

Ва бу қадим маскан — инсониятнинг қадим маданий бешиқларидан бири истиқболга экзотикага ўхшаш нарса бўлиб, тўғрироғи, музей каби бўлиб қололсаям ҳўб гап.

Мен ўз туйғуларим ҳақида гапира кетдим... Бундан бир йил бурун бу туйғулар қаёқда эди!

Мен қаттиқ ташвишда эдим: «Ҳовлимиз нима бўлади?» Ана шунинг ташвиши тушган эди менга: Ахир, бу иморатнинг қурилганига юз йиллардан ошган. Унга бобом раҳматликнинг ҳам қўллари теккан. Бу иморатга ҳам Хиванинг кичик бир нусхаси деб қараш мумкин эди: бузилган, вайрона бўлган эски қасрларнинг ташландиқ ғиштларидан тикланган ва...

Эски қасрнинг ўрнига тушган экан.

Эшиқларимиз ҳам ўймақор, икки қават ўймали эшиқлар эди: улар ҳам — ўша қасрнинг қолдиқлари ҳисобланади. Айвонимиз ҳам дим хоразмча эди: усти ёпиқ, қўшни хужраларга тор йўлақлар кетган. Йўлқалардан доимо елвизак эсиб турарди, салқин бўларди! Ёзнинг жазирамасида ҳам!

Ана шуни пуллаш пайига тушгандим... Мени ҳозир ичингизда сўқдингизми-а?

Лекин мен иморатнинг биқинлари уваланиб тўкила бошлаганини кўрдим. Деворларга мушт урсанг, пўкилларди. Йўлақларда изгиган елвизак ҳам захарли эка-нига шубҳам йўқ эди: ҳавода туз бор. Туз эса, энг, энг қаттиқ пўлатларни ҳам емиради. Одам деганимиз унинг олдида нима!

Хуллас, шунинг тақдири бошимга тушган эди.

Аммо отамнинг бу жойга меҳри қанчалик эканини айтишим ортиқча бўлса керак.

Шунинг учун не-не андишалар билан бир куни гап очдим:

— Ака, мен Тошкентдаман-у, кўнглим бу ерда бўлиб қолди, — дедим. Бизда «ота»ни «ака»ям дейди. — Шунинг учун яна келдим. Сизни, ҳовлини ўйлайман...

— Насини ўйлисан? Қисмат экан, — деди отам. Чол менинг нима демокчи бўлганимни ўзича тушунган эди.

— Қисмат экан деб ўтираверсак, ҳовлидан ажралиб қоламиз-ку, — дедим.

— Хў, кўпчилик на булса, биз ҳам шу, — деди отам.

Мен бу гапга ҳайрон бўлмадим.

— Лекин кўплар ҳам... кунини кўряпти, — дедим. — Мисол учун, ҳовлисини сотиб кетишипти.

— Қаёққа?

— Қаёққа бўларди! Ўзбекистон кенг! Катта мамлакат, ота! Буёғи Фаргона, уёғи Сурхондарё! Бухоронинг ўзи бир мамлакатча жой! Қаерга борсак ҳам жой топилади...

Отам менга мунғайиб қараб қолди. Кейин... Мен кутмаган гапни қилди:

— Сен бузилиб бўлибсан, ўғлим.

— Йўқ, ота, балки мен... тузалиб, ақлим тўлишиб... қолгандирман. Мен юрт деган нарсага кенгрок қарайман... — Албатта, бу гапларни хоразмча қилиб айтдим. Аммо мазмуни шу.

Отам миқ этмай қолди. Мен: «Ҳозир уради!» деб ўйладим, ҳеч қачон урмаган бўлсаям. Лекин гапдан қайта олмас эдим.

— Мана, Тошкент — пойтахтимиз! — дедим. — У ерда юз хил миллат яшайди. Биз — ўзбек-ку?!

— Хўш? — деди чол бош кўтармай.

— А, бизни кучоқ очиб кутиб олади! — деб хитоб қилдим. Шундай дейишим керак-да: бўлмасам Тошкентдан жой олиш осонми? — Мен ҳатто биттаси билан гаплашб келдим, — дедим. — Қрим-татарларнинг юртига қайтишга рухсат берилган. Ўшалар ҳовли-жойларини арзонга сотиб кетишяпти. Жуда чиройли ҳовлилар! Биз бу ҳовлини сотсак... Отам менга қаради.

— Ҳа, сотсак... ҳозир сотсак, — дедим. — Пулига учта ҳовли олиш мумкин!

Отам яна индамай қолди-да, пиёлани чойнакка урди, чойнақни пиёлага. Эшиқниям шарақлатиб очиб, чиқиб кетди. Ҳай-ҳайлаб эргашдим, қарамади.

Жуда таъбим хира бўлди. Мен ҳам кўчага чиқиб кетдим... Ким кўп, жўралар кўп...

Уларни топдим. Амуга жўнадик. Қайиқ бор. Тушиб, кечгача айландик. Амуниям суви камайиб қолган, униям келажаги... Оқшом Одамбой деган бир доктор жўрамнинг уйига бордим. Суд-



экспертизада бош врач бўлиб ишлайди. Жуда бели бакуват йигит. Ўзиям одамижон! Китобнинг ишқивози...

Кўшиқ айтишиб, шеър ўқишиб, ичишиб, қолиб кетибман уйида. Шу оқшом икковимиз йиғладик ҳам. Энди, Хоразмнинг тақдири кимни йиғлатмайди: шундай қадимий, улуғ ўлканинг бошида ажал шарпаси айланиб турган бўлса! Барибир фарзандлари куяр экан-да...

Тўғри айтасиз, мен ўшанда унчалик куймаган бўлишим мумкин. Ичкиликнинг таъсириданми, Одамбойнинг гаплари таъсир қилдими, отамнинг ахволими...

Сахар туриб келсам, отам уйда йўқ.

Кўчадан топдим.

Менга қарамади.

Уйга келгандан кейин:

— Кетавер, — деди. — Онанг ўлгандан бери ёлғиз эдим. Кўникканман...

Чолга бироз раҳмим келди. Кейин: «Бари бир айтар гапимни айтдим», деб... Тошкентга жўнавордим.

Яна тўйма-тўй юриш, маишат... Пулим бор эди: саккиз мингча бор эди. Ўзи, ака, менда пул турмайди. Тушдими — кетади. Ким билади, енгил йўл билан топилгани учунми... Ўзим ҳам аямайман. Шунинг учун пулга ружу қўйган отарчиларни ёмон кўраман... Хуллас, бор ақчам — ўша экан. Тошкентда эса бир ҳовли... фалон юз минг сўм! Бу пулимга кооператив квартираям ололмайман... Қисқаси, яна тўйма-тўй юра бошладим.

Ҳадемай анча-мунча йиғилиб қолди. Мен... шу гал ҳам бирон эски жой олиб, кейин янгилашим мумкин эди. Лекин Хивадаги уй-жойга ачинардим: кун сайин нархи тушяпти-да.

Ҳе, Луначарскийда беш-ўнта хоразмлик танишларнинг зўр-зўр ҳовлилари бор. Илгари кўчиб келишган. Ўзлари — уста одамлар. Ўша ердан...

Умуман, масалага реал қарагандаям шу-да: уйнинг кўз олдингда тўкила бошласа, нархи тушаверса — нима қилиш керак? Унинг бир сўмга қиммат бўлишини кутиб, демак, бошпанасиз қолишни кутиб ўтириш керакми?

Тағин Хивага бордим. Отамнинг ахволи анча чатоқ эди: шишганми-е, сарғайгандек ҳам эди. Кўчага кам чиққанми... Бармоқларида қандайдир оқ доғлар пайдо бўлган, кўзлари ўқрайган...

— Келдингми яна? — деди.

— Э, шу ҳовлюшнг тагига ўт қўйиб юбораман! — дедим. — Шусиз куним ўтмайдами? Сизга... сизга ачинаман-да, ота! Афти-ангорингизга қаранг! Ойнага қаранг бир! Шуям туздан дейман... Тавба! Долоннинг ҳавосиям бузилиб кетипти! — Кейин бирдан ялиндим: — Жон ота, кетайлик! Мен шу бугун Тошкентга қайтиб, зўр бир участка топаман! Уни топдик деб ҳисоблайверинг... Шу оқшом, хоҳдасангиз, ҳовлига харидорниям топиб келаман!

Ҳовлига харидор топиларди, албатта! Ҳе, Хоразмдаям бир савдогарлар бор, бир афиристлар бор! Кўқонлик афирист унинг олдида ип эшолмайди. Деновлик афиристлар ҳам унинг олдида бир пул.

Бугун шу ҳовлини, масалан, йигирма мингга олиб, эртага ўттиз мингга пуллайдиганлар бор!

Отам яна миқ этмасдан ўтирди-да, кейин эшикларни очиб қўйиб, уйларни супура бошлади. Қараб турибман... Шу-шу, ёмон иш бу...

— Чиқ, мен уйни супураман, — деди.

Бу — мени ҳайдагани эди.

«Э, киззингни...» деб чиқиб кетдим. Яна ўша жўраларни топдим. Ўзим бир рестораннынг залини олдим. Жуда маза қилдик. Кейин ҳалигидай қизлар ҳам топила қолди. Яна кетдик Амуга. Қайиққа тушиб суздик. Яна ашула, ўйин...

Роса айтдим ўзим ҳам. Жуда тўлиб-тўлиқиб айтган эканман, шекилли, жўралар мени Комилжон акага етказиб қўйишди. Бизда энди, ашулачиларнинг эталони— Комилжон Отаниёзов-да! Худойшукуров билан Ортиқлар кейин юради...

Дарё милтиллади денг. Оққани билинмайди-да. Биз кетяпмиз. Худаи бир ёққа бош олиб кетаётгандек! Ака, менинг жўраларимни ўзига ўхшаган отарчи, саёқ деб ўйламанг, зўр-зўр йигитлар улар! Ҳа, энди битта-яримта афиристиям бор... Лекин Хоразмнинг чин фарзандлари улар!

Бир ақли йигитлар борки!.. Э, уларнинг гапларини эшитиб турсангиз, бу дунёнинг бошидан кириб, адоғидан чиқасиз. Адоғидан кириб, бугунги кунидан чиқасиз!

Шоҳлар, уруш-жанжаллар... Жалолиддин Мангуберди! Шу ҳақдаги пиесани чиқариб яхши иш

қилишди-я? Лекин унчалик зўр эмас экан. Атай ўқидим.

Жалолиддин хақида битта ҳикоями, қиссами ёзилган экан. Униям ўқидим, қизиқ... Унинг ўлими олдидаги ҳаёти тасвирланган. Гангиб қолган одам. Майли, энди, шоҳлар ҳам охир-оқибат шундай ғариб ҳолга тушар...

Лекин бу фикрни баён қилиш учун Ватан озодлиги учун курашган инсоннинг... шоҳнинг сўнгги соатларини шу тарзда тасвирлаш шартми? Қайтамга бир қонхўр иблис шоҳнинг шундай дамлари тасвирланса, яхши чиқарди, менимча...

Жалолиддин. У — эртақ! У — бизнинг каъбамиз, жонимиз! Биз унга, унинг руҳига ҳамма вақт хурмат билан боқишимиз керак. Тўғрими? Ахир, биз ҳам халқмиз-ку!

Ҳар бир одамнинг тарихда тутган ўрни бўлар экан: унинг ўрни бошқача!..

Э-э, ўша кеча Амуда кўп гурунг бўлди! Биз худди оқиб, бир томонларга кетаётгандек эдик!

Икки кундан кейин чарчаб-ҳориб уйга қайтиб келсам, отам оламдан ўтган... ишонасизми, энди бедапояда жаноза ўқишаётган экан. Уйимизнинг шундай орқасида...

О! Бўзлаб кирдим. Домланинг олдига бордим.

— Қайта ўқинг, қайта ўқинг, ёшулли! — дедим.

Домла удумга кўра менга бир-икки савол берди:

отангни маъракаларини ўтказасанми? У-бу...

— Э, минг карра қилиб ўтказаман! — дедим.

Шу билан тобутни кўтар-кўтар қилиб жўнадик. О, жуда дахшатли бўлади бу пайт: тобутни (сизлардаям шундайми?) шиддат билан олиб кетишадик, чопиб зўрға етиб оласан: бу оламдан тезроқ чиқаришга шошилишаётгандек туюлади!

Кўмдик! Сизлардақа қилиб эмас. Шундоқ ерга қўйиб, устига сағана кўтардик. Ерга кўмиш, ҳалигидай лаҳм қазишнинг иложи йўқ-да, сув чиқиб кетади. Шунинг учун Хоразмда зиндонлар ҳам ер остида бўлмаган.

Мозордан қайтдик. Уч-тўрт кун қандай ўтди — билмайман. Соқолларим ўсиб кетган. Озиб қолибман. Чолнинг етгисидан кейин йигирмасига тараддуд қилиб қўйдим-да, яна жўраларни топдим... яна ичипти, майшат қилипти, деб мени сўқарсиз? Майли... Отам айтганидек, балки бузилиб кетганим ростдир.

Лекин одамнинг дардини дўстлари кўтарар экан. Юрагингни бўшатасан... Кейин биласанки, сен ҳам шу оламда омонатсан: борадиган жойинг — ўша жой.

Ана шу хаёллар бошингни қамраганда, оламнинг барча ташвиш-тахликалари бир пул бўлиб қоларкан. Эътиқодлар ҳам... Худо ҳаққи, ҳеч нарсанинг қиммати қолмагандай бўларкан. Бироқ мени тағин отам... унинг руҳи қандайдир тутиб қолди: у нимага садоқат билан ўтди оламдан?

Хоразмга. Ҳа. Ўша юртга... Бир парчагина бўлиб қолган, буёғиям номаълум юртга...

Бу нарсани мен кўпроқ билардим, албатта. Бошқалар учун отам — оддий уста, қария эди.

Мен бошқа нарсаниям билардим: чол тушмагур гапимга кўнганда, Тошкентга келсак, мен ишонаман, ҳали анча яшарди. Аммо шуни истамади у!

Балки менинг ўша таклифимоқ чолнинг умрини қисқартирди, жон ака!

Тағин бу фалокат: туз ёмғири, Орол фожиаси... Чол уларни билмасмиди?!

Во, ҳамма нарсага ақли етарди. Лекин улар — бошқача одамлар экан. Ичидаги ичида, ҳадеб сиртига чиқаравермасди... Э, бечора отам!

Чолнинг йигирмасини бергач, Тошкентга қараб учдим. Хоразмда яшолмадим.

Бирон ойлар ўтгач, кечикиб бўлсаям, қирқини бергани бордим-да, бир йўла ҳовли-жойни йигирма уч мингта сотдим.

«Бор-е!» дедим.

Шу жой учун шунча гап-сўз бўлди!

Кейин яна Тошкентга қараб учдим... Лекин энди кўнглим ғалати эди: бир нарса нуқул Хоразмга тортар, худди оёқларимга тушов солингану арқоннинг бир учи у ёқда қолгандай эди. Мен эса... кайсар ўлгур, у ишш резинкадай чўзиб қочардим.

Юрдим: яна санғиб кетдим.

Аммо энди тўйлар ҳам менга татимай қўйди: охирида йиғлашни одат қилибман экан.

Кейин маданият институтидаги ҳужжатларни тўғрилашга киришдим. Учинчи курсда бир домла

билан уришиб, ўқишни ташлаб кетган эдим-да...

Лекин энди ёш болалар билан бир аудиторияда ҳам ўтиролмадим: нима қилиш керак?

Пул бўлса, кўп. Жуда кўп!

«Э, нима бўлса бўлар!» деб, бир куни Қорақамишга чиқдим. Бозорга. Эскироқ бир «Волга»ни йигирма учга олдим. Худди ҳовлининг пулига...

Нима? Йўқ, ҳовли-жой олишни негадир ўйламасдим: билмайман, нимага шундай бўлди?

Ҳовли-жойнинг бебаҳолигиданми?

Ҳарҳолда, ака, мен, мана, яна Хоразмга кетиб бораётирман. Ҳа, тўғри ўша ёққа!

Уёқда нима қиламан? Билмайман.

Сигмадим-да! Йўқ, тушунмаяпсиз: шундай катта Ўзбекистонга сигмадим!

Хива, ўша минорлар, эски карвич деворлар, торкўчалар, сағаназор мозорлар мени тортди.

Майли, бари тўкилиб, чириб кетмайдими!..

Мен ўша ерга бораман.

Балки... балки бу бир ҳолатдир?

Лекин мен туғилган юртимни қайтадан кашф этдим: у тап-тақир чўл, сахро бўлиб қолгандаям — менинг тупроғим экан. Ўлиблар кетмайманми ўша ерда!

Хоразм, жонгинам.

Бу манглайи қора ўғлинг тағин бағрингта бораётир... Бу саёк фарзандинг дунёнинг кўп ўйинларини тушунмайди: ўйлади, ўйлади. Кучи шунга етди, холос.

1988

## ЎЗБЕК ХАРАКТЕРИ

Мен бир воқеани айтиб берай.

Иккинчи курсда пахтага бордик. Ўша Бўка районида. Четдаги бир колхозига. Мана шу ўзимизнинг Сурхон воҳасига ўхшаб кетадиган жойлар экан: ҳар қадамда қиёқлар ўсган. Боғ-боғ ёш қамишнинг таги билан ўтқазиб қўйгандай. Ери жикка ажриқзор. Мол ўтлайдиган, болалар чиллак ўйнайдиган ер-да!

Қадрдон, мен унинг ўзимга, мана шу кўнгил қурғурга ёққан жойини айтдим: бунақа жойлар ёқади-да!

Хуллас, ана шу ажриқзордан сал ўтгандан кейин қишлоқча бошланади. Йигирма-ўттиз хонадон турса керак. Томлари бари — лойсувоқ, деворлари гувала. Биз борганда жами томларга пичан уюлган, ёмғир ёғиб ўтган пайт эди, пичанлар сап-сарик. Баъзисининг устида ёш болакайлар ўтирарди.

Бизни кўриб қийқириб юборишди. Бечоралар... Тошлоқ кўчада машинамиз тўхтади. Ўқитувчилар ўзаро келишдилар. Бизни шу ердан буриб, пастликка эндириб кетишди.

Битта бригадирнинг битмай қолган пешайвонли иморатига жойлашадиган бўлдик. Буям шунчаки сомон сувоқ қилинган. Дераза-ромлари йўқ. Ер зах. Одатдаги... бараклардан фарқсиз эди. Фарғоналик, тошкентлик болалар орасида мендан ёши улуғлари кўп эди: бирлари армияни битириб келган, бирлари техникумни... Биз энди, ўзингиз қатори ўнни битириб, университетга кира қолган эдик. Шуни айтиш керакки, савод масаласида ҳам улардан кам эмас, баъзан баландлик ҳам қилиб қоларди: ҳарқалай ўнни битириб, тўғри университетга кирган боламиз. Билимлар ҳали свежий... Бундан ташқари, ўзингизга маълум, камина кутубхонанинг, айниқса, фундаментал кутубхонанинг фаол ўқувчиларидан.

Лекин уятчанлигимиз ҳам бор. Барибир уларга — водийлик, тошкентлик болаларга нисбатан қишлоқимиз-да, тўғриси. Балки «уддалик» бобида ҳам анча жўн эдик.

Йўқ? Э! Сизни ўша уйга жойлаб қўйса, нима қилардингиз? Колхоз идорасидаги буғалтирнинг хонасидан печни қўпориб келармидингиз? Келолармидингиз? Йўқ. Дераза ўрнига нима тутар эдингиз? Тўл... Уни қаердан топардингиз? Ана шундай... Мен энди «удда» деяпман, гап шундаки, ўша пайтда улар менга ҳатто олғир бўлиб кўринганди... Ҳа-да, уй исиб қолгандан кейин албатта ёқади!

Ўрмон деган бир курскомимиз бор эди. Новча, ориқ йигит. Уч йил университетга киролмаган. Сибирга помидор, пиёз обориб сотган. Поездаги саргузаштларини эшитсангиз, хее... Пишиқ. болалар-да! Комсоргимиз ҳам Азимжон деган йигит эди. Нуқул Ремарк билан Хемингуэйни ўқиб: «Бизнинг ёзувчиларимиз ёлғончи», деб юрарди. Мен? Албатта унга қарши турардим!..

Шундай қилиб, жойлашиб олдик. Ерга похол тўшадик, устига чодир ёйдик. Кейин, кўрпа-тўшакни ёздик. Чойнак, челақ ҳам топиб келишди.

Кеч бўлиб қолган эди. Биласиз, дастлабки кеча ухлаш қийин. Латифа айтишарди болалар: «Сиз кўрган ўша афанди, сиз билган ўша афанди...»

Болалар дархол тўрни, ён томонларни эгаллаб олишгани учун менга эшик оғзидаги жой теккан эди, билмадим, кечаси эшик очилиб кетганми, сахар турсам, бурун битиб қолган.

Ҳавода зилдек оғир, қорамтир булутлар айланар, лекин этакдаги пахтазор яққол кўзга ташланар эди. Иккинчи теримдан чиққан. Кўп ғўзалар барг тўкиб, сарғайиб қолган.

Айвон устунига суяниб, томоша қила бошладим: пахтазор четида тутлар. Ўша тутлар... У ер-бу ерда чуғурчуқлар галаси учади. Тутзорнинг нариги томонида бўзранг бир узун иморат кўринади. Унинг олдида бакни қайнатишяпти шекилли, бак карнайидан қизил аланга чиқиб қоларди.

Кейин, шундоқ пастликдаги — пахтазорни биздан ажратиб турган ариқ бўйидаги ёлғиз кулбага кўзим тушди. Унинг ҳам томига пичан босилган. Пичан устида чумчуқлар ғужғон: чирик-чирик... Ариқ бўйида эса бир қорақалпоқ курсдошим, ҳа, ўша — Сапарбой майкачан бўлиб чопиб юрибди.

Бет-қўлни ювгани пастга эндим.

— Ечин. Югур. Физкультура қил! — деди Сапар.

— Э, пискультурам чиқиб турибди, — дедим. Шунда қарасам, ҳалиги кулба... одам яшайдиган уйча экан. Мен, билмадим, уни бостирма деб ўйлабмидим, хайрон қолдим. Кичкина деразаси бор.

Уйчанинг олдида эса, биласизми нима, ўрмак... ўрмак тикилган. Бир аёл катта тароқ билан гурсиллатиб уриб, калавани қатимлар орасидан у ёқ-бу ёққа отиб, шолча тўқияпти. Секин унга яқин бордим: бу манзара ҳам бизнинг кўнгилга яқин-да, қадрдон!

Аёл шарпамни сезиб, бошидаги гарди рўмолини пешонасига туширди.

— Салом алайкум, ҳорманг, опа? — дедим.

— Келинг, ука, — деди у. — Хуш кепсизлар... Яхши жойлашиб олдингларми?

— Ҳа, раҳмат. Жуда-а яхши жойлашдик... Шу уйда яшайсизларми ?

— Ҳа, — деди у. — Хўжайин молга кетган. «Молга кетган!»

— Мол ҳам боқасизларми? — дедим.

— Ҳа, колхоз бир отар бериб қўйган.

«Бир отар!» О, Тошкентда бу сўзларни эшитмайсиз-да, меҳрибоним. Ана шундай қилиб, буларга бирдан кўнглим илиди.

— Эчкими, қўйми? — дедим.

— Аралаш.

Қарасам, уйчанинг нари томонида узун қўра бор. Тевараги шох-шабба билан ўралган. Секин ўтдим. Қий хиди... Ҳа-ҳа-ҳа! Қўранинг энгарагидан қарадим: етмиш-саксон майда мол сиғаркан... Мен нимагадир, бу ерларда ҳам одамлар фақат пахтани билади деб ўйлардим. Энди денг, мол туфайли пахтаям кўзимга юз чандон яхши кўриниб кетди.

Бунинг устига, ҳаво юмшоқ. Ғўзалар ювилган, намхуш. Барглари, поялари сариқ. Ариқчада тиник зилол сув оқяпти... О! Ўша пайтлар Бўкадаям сувлар тоза бўлгич эди. Химикатлар ҳам кам сепиларди, назаримда. Лекин мен бу томонларига эътибор қилмаганман... Чунки ўзимиз тарафдаям химикат, сув нотоза, ул-бул деган гаплар кам бўларди.

Хуллас, мен Сурхоннинг бир бурчагига келиб қолган эдим.

Шу пайт уйдан — ётоғимиздан болалар ҳам бирин-кетин кўзларини уқалаб, ҳар ёққа қараб тушиб кела бошлади. Баъзиси Сапарга қўшилиб чопишга тушди. Баъзилари пахтазорга оралаб кетишди. Ўрмон ака ўрмак тўқиётган аёлнинг қошига келди.

— Қалайсиз, опа? Ҳорманг!

— Бор бўлинг, ука... Келиб зап иш қилдиларинг-да...

— Ҳа, энди, сизларга ёрдам бермасак бўладими? Кўк чой борми? Қуруғидан.

— Бор, бор. — Аёл этагини апил-тапил тушириб, тарокни ташлаб, кулбага кириб кетди. Оёғида эски кирза этик, узун сочлари учида сочбоғ. Ранги ўнгиб кетган қўйлаги ғижим. Сал ўтмай бир банка билан бир парча газета кўтариб чикди. Газетани Ўрмонга бериб, устига банкани энгаштирди. Бир ховучлар чой тўкилди. Ўрмон:

— Бўлар, раҳмат, — деди.

— Керак бўлса...

— Керак бўлса, яна сўраймиз...

— Бемалол, оғажон. Ҳе, пахта, пахта... Мана, сизлар ҳам ўқишларни қолдириб, ота-оналарингни ташлаб келдинглар. Барака топинглар. Раҳмат...

— Энди, териш керак-да! — деди Ўрмон ака... — Ҳа, пахтанинг килограми неча тийиндан?

— Шу, ўн тийинми, беш тийинми, мен кўпам фарқига бормайман.

— Э! Ундай бўлмаса керак! — деди Ўрмон ака. Кейин кулди. — Язнамиз (почча) билсалар керак?

— Ҳа. У киши биладилар.

— Яхши... Сизлар ҳам бирон ёқдан келганмисизлар дейман?

— Йў-ўқ, биз шу ернинг одами.

— Бундан бошқа участкаларинг ҳам бордир-да?

— Йўқ, оғажон. Бори шу... Буям яхши. Ўзимиз уч жон. Жиянингиз отаси билан кетган... Чўпон бўламан дейди. Ҳализамон кеп қолади. Чойни қаерда ичасизлар?

— Чойни? Ҳм, бугунча энди ётоқда. Кейин яна ўйлаб кўраимиз.

Мен Ўрмон акани ҳозир китмир, суқатой қилиб таърифлаётганга ўхшайман. Йўқ, бир ҳисобда у ўзича ҳақ эди: бизниям ўйларди, ҳарқалай.

Шундан кейин теримга жўнадик.

Кун чиқиб, уям сарғайиб нур сочяпти. Биз этакларни бўйинга илиб, худди ошҳалолга бораётган подачидай кетяпмиз. Э, дўстим, менга мана шундай кун зарда бериб чиқаётганда намхуш сўқмоқлардан юриш ҳам ёқади-да!

Тепангда чуғурчиқлар ўйнайди. Оёғингга хўл япроқлар ўралашади. Унда-бунда хирмон жойлардан буғ кўтарилади. Кўрганмисиз? Ғўзанинг қавачоғи ёнишга маҳтал бўлади. Узоқ вақт уюлиб ётса, тутун

хам чиқиб кетади.

Ўша куни тердик. Уят ўлимдан қаттиқ... Эл қатори тердим. Лекин бурун очилмади.

Қайтаётганимизда ҳалиги кулба биқинида қозон қайнаётган экан. Энди Азимжон ака қозонга яқин бориб, хидлаб кўрди-да:

— Ош, — деди бизга қараб.

— Ху, — деди Ўрмон ака, — қозони кичик экан-да.

— Юринг, юринг.

— Шошманг. Ҳо, хўжайин!

Уйчадан каловланиб, қотма, қора чопонининг тирсаклари йиртилиб пахтаси оққан, соқоли ўсиқ, чувак юзли йигит чиқди. Худди ўнгирини босиб оладигандек сурилиб-шошилиб келиб, биз билан бир-бир кўришди.

— Хуш кепсизлар, хуш кўрдик! Қани, уйга марҳамат!

— Олдин ювиниб олайлик-чи, — деди Ўрмон ака. — Айтмоқчи, бир укамизнинг томоғи шамоллаб қопти. Бурнинг ҳам битган-а? — деб сўради мендан. — Шу, шу... Дори-пори топиладими? Медпунктларинг марказда экан, бу ер — Камчатка.

— Э, топилади-да. Дори топилади! — Йигит этигини қўлантаёқ кийиб чиққан экан, оёғидан тушиб қоладигандек талпанглаб уйга кирди.

Кейин бир боғ итузум олиб чиқди.

— Шу бўлади, томоққа боғласалар, — деди.

— Бўлади, бўлади! — дедим. — Озгинаси бўлади.

— Э, озгинани нима қиласан? — деди Ўрмон ака. — Ҳали яна керак бўлади.

Итузумни олиб ётоққа келдим. Унга тикиламан: таниш-да бу ўсимлик ҳам! Қадрдон, биздаям бир момо бўлгич эди. Бобомиз босмачиларнинг отларига хашак бергани учун «халқ душмани» деб отилиб кетган, ундан қолган ўн бир курсоқни боқаман деб умрини тоқ ўтказган кампир эди. Уларниям бирин-кетин яратганига топшириб, бизнинг маймоқ ота билан қолган...

Ўша кампир даволарди шунақа итузумлар билан... томоқларимизни. Тилдан терсак чикса, оқ гулбутани қуритиб-эзиб, кукунини сепарди. Ҳеч нарса кўрмагандек бўлиб кетардик.

Омборимизда мана шундай итузум боғларидан ёғоч қозикларга осиб кўярдилар.

Биз ҳам девордаги бир михга осиб кўйдик. Кейин мевасидан бир ҳовуч олиб, бўз этакнинг четидан бир парчани йиртиб, мевани эзиб-эзиб томоққа кўтардик.

Эртаси кўзимиз чарақлаб очилиб, теримга чиқиб кетдик.

Бизга чой қайнатиладиган бак ортидаги кулбаларнинг орқасида худудсиз далалар бор, биз ўшаёқда пахта терардик. Ҳар жой-ҳар жойда митти-митти шийпончалар кўнқайиб турарди. Ери зах, деворлари қабашиб кетган, атрофида тупроқ ўйнаб ётар, унда сичқон-каламушларнинг излари кўп эди.

Биз гоҳо ўшандай кулбачаларга кириб дам олардик.

Мен, мен ўзим ўшанақа жойларда изғишни яхши кўрардим. Шундай шийпончаларнинг яқинидан албатта бирон ариқ ўтган бўлар, унинг қирғоқларидан қамишлар ғовлаб кўтарилган, қамишлар ичида турфа тиканлар қизил, сариқ бўлиб гуллаган, ўшаларнинг ҳам ёлғиз томошачиси биз эдик.

Баъзан эгатлар ичида тарвуз, қовун палаклари чиқиб қоларди. Албатта, битта-иккита буришган, тиришган туйнак бўларди. Аммо уни ёриб есангиз, мазаси... тилни ёради. Э, азизим, менга — бир фақир студентга шундай туюлган-да! Бўлмаса ичи тушган, айний бошлаган тарракнинг нимаси ширин? Балли, одам деган мундай инжиқ бўлмайди: борига қаноат қилиш керак...

Теримда эса, ҳамма вақт қорнингиз тўйган кўзининг қорнидай бўлмаслиги ўзингизга маълум... Бир туюр гўшту макарон солиниб қайнатилган шўлан-шўрва мана шундай... жонингизга тегиб кетади: раҳмат.

Ҳозир пахтани ёмонлаш, унинг меҳнатини оламдаги энг оғир меҳнат деб аташ модада. Бир ҳисобда, ҳақиқатдан ҳам, шундай. Бироқ, терим пайтидаги романтика!

Тонгларни эсланг! Тупроғи нам тортган сўқмоқларни. Йироқда арава йўлдан кўтарилган чангни уфқдан энди бош кўтараётган куёш ёғдуларига йўғрилиб, заррин бир тўзонга айланиб туришларини эсланг! Бунинг устига, ўша пайтда: «Энг улуғ ишни мен қиляпман! Ўзбекнинг миллий ифтихори учун курашяпман!» деб ўйлаб турсангиз. Битта ўртоғингиз ўйинқароқлик қилиб, камроқ пахта терса, кўзингизга ёв бўлиб кўринса...

Битта гўзал, нозик қиз ипакдек бармоқлари чаноқларга тилиниб, қони чиқиб, дока билан боғлаб олиб, энди зўрға тераётганини кўрсангиз: «Э, шаҳарлик ойимқиз! Сояпар-да, сояпар!» деб ичдан ҳақорат қилар эдингиз!

Ҳа-да, аввало, ўзим ҳақимда гапиряпман! Ё ҳикоямни тугатиб қўя қолайми? Майли...

Расво бўлиб, шалаббо бўлиб ётоққа етиб келдим. Эртаси саҳарлаб туриш керак, теримга чиқиш керак. Ёмғир, қор — пахтанинг олдида капейка!

Кийим-бошни ювиб, печга тутиб сал-пал қуритдим. Кейин бир доно ўртоқнинг маслаҳати билан: «Тўшакда қуриб қолади», деб кийиб ётдик. Эртаси расвогарчилик.

— Жуда нозик экансиз-да, шоир, — деди Ўрмон ака.

Нозик, хаёлпараст одамларни «шоир» деб аташ ўшанда расм бўла бошлаган эди. Қандайдир редакция ходимидан чиққан дейишади бу гапни... Бизнинг тарих-археология группамиздаги студентлар орасидаям редакциялар билан яқин йигитлар бор эди. Камина ҳам редакциялар билан боғлиқ гапларга қизиқардим.

Мен кеча «анави қизлар» ётоғидан келаётганимда лойга беланганимни айта бошлагандим, Азимжон ака дакки берди:

— Айрилганни айиқ ер, бўлинганни — бўри! Сиз кетворибсиз! Биз роса изладик.

— Э, у жой ўзи...

Сапарбой — ҳалиги қорақалпоқ йигит менга яқин эди. Ким билади, Сурхондаги айрим элатларни ўзларига яқин олишадими, деб ўйлардим. Энди албатта бу нарсани яхши биламиз... Ўшанда шунчаки дўст, ҳамфикр эдик. Шу йигит:

— Қол, сен учун икки фартук пахта териб бераман, — деди.

Икки фартук пахта — бу оламжаҳон меҳнат! Бу — камида икки-уч минг марта эгилиб-кўтарилиш дегани. Яна қанча машаққати бор... Кўнглим бузилиб, унга нима миннатдорчилик билдиришни билмай қолдим. Бошим айланар, ичим ўз-ўзидан ёниб кетаётгандек эди. Азимжон ака ҳам пешонамга қўл қўйиб:

— Қолинг. Мумкин эмас. Жон ҳам керак, — деди.

Қаранг, одамлар қандай реалист.

Қолдим. Болалар кетишди. Уйда ётиб қолган бемор учун ҳам шарт шу эди: у ёқ-бу ёқни супуриб-сидириб қўйиши керак. Биратўла қутулай деб уйни супурдим. Айвонларниям тозаладим. Ахлатни иморат орқасига ўтказиб тўкиб қайтаётган эдим, бир манзарани кўриб қолдим.

Жўхориюя четида, ёввойи супурги панасида битта ўн-ўн бир ёшлардаги болакай қўлчаларини тиззасига тираб нари томонга қараяпти. У ёқда бўлса, пахса деворга тақаб тўкилган сомон остида бир сариқ ит ётибди.

Мен ҳам қизиқиб, боланинг ёнига бордим. Шунда ит ғингшиб, сапчиб турди-да, девордан ошиб ўтди. Салдан сўнг муштдек кучукваччани тишлаб, буёкка сакраб ўтди. Ерга қўйиб ялади. Яна ётди.

— Қизик-а? — дедим.

Болакай чўчиб тушди. Афт-башараси кир, телпагининг қулоғи пешонасига тушган эди.

— Ҳа, — деди у ташвиш билан. — Бу ер кўча, опкетишади болалар... Мен боласини ховлига ўтказиб қўяман, бу уясига олиб ўтади. У ёқ яхши-ку?

Мен хўрсиндим.

— Минг қилсаям ўзининг уйи-да... Сен кимнинг ўғлисан?

Одамзод қизик-да, а? Унинг кимга ўғил бўлишини менга нима аҳамияти бор денг?

— Ботир чўпонни, — деди.

— Ҳа-а, ордени борми?

— Йўқ. — У ғамгин тортиб қолди. — Эшимбойнинг ордени бор. Лекин қўйи кам...

Ана, ёш болалар ҳам ўша махинацияларни биларди.

— Ҳечқиси йўқ, — дедим. — Сени отанг ҳам олади. Ботирбой зўр чўпон! А, уйлариш шу девор орқасидагими?

— Е-э! — деди у устимдан кулгандай. — Ана-ку! Сизга отам итузум берганда, мен деразадан қараб туриб эдим... Яна керакми? Кўзингиз ёшланиб кетяпти!

— Йўқ. Итузум бор, — дедим. — Ака-укаларинг ҳам борми?

— Укам ўлди. Доя кампир чала туғилган, деди. Ўлди. Кўмиб келдик. Кичкина эди.

— Аттанг, — дедим.

Шу ерга келиб жойлашгандан бери халиги аёл билан эрининг яшаш шароити, ётиш-туришини ҳам кўриб турардим: аёл тонг отмасдан уйғонарди: сигир соғади, эрини кузатади, кейин ўрмак тўқийди... Кун кўтарилаверганда, ариқнинг у бетига пахтазорга тушади: кечгача бир копни тикка қилиб кўяди. Кечаси ҳам алламаҳалгача уларнинг кулбасидаги ёлғиз деразадан ариқ бўйига нур тушиб турарди.

Ўрмон ака билан Азимжон ака, тагин уч-тўрт болалар уларнинг чойини ичиб чиққан, бир-икки марта овқатларигаям шерик бўлганди.

Шу нарсаларни ўйлаб: «Иши оғир, бола ташлагандир-да», деб ўйладим.

Биласизми, эй кадрдон, кўзимиз очиқ бўлгани билан ожиз эканмиз-да: сиз ҳам шундай ғариб кулбаларда яшаётган деҳқонни, пахтакорни кўргансиз. Албатта... Лекин буни тан олмас эдик-а? Қандай аблаҳ эканмиз!

Тавба, буни тан олишдан уялар эдик. Бировлардан ҳам яширар эдик.

Шошманг-шошманг, бу ерда гап бор: бу нарса — фақат кўрқувдан деб ўйлайсизми?

Гумоним бор. Бечора ўзбекни биласиз-ку: ўзи емасдан меҳмонга тутади...

Камбағаллигини яширади. Қизиқ-а? Ҳолбуки камбағал одам ўз ҳолатига кўниккан бўлади. Яширмайди. Бизникилар негадир... Худди жуда бой эди-ю, бирдан камбағал бўлиб қолгандай: шунинг учун ўкинч билан буни яширишга интилаётгандай туюлади менга... Балки бошқа — бизнинг ақлимиз етмайдиган сабаблар бордир?

Боланинг исми Абдуқодир экан.

Бирга-бирга айвонга келдик.

— Итга тегма, — дедим. — Сенга ўзининг уйинг яхши, унга ўзиники яхши.

— Бу ердан ёмон болалар ўғирлаб кетади. Сотади, — деди Абдуқодир.

— Кимга сотади?

— Сотади-да... Битта гектарчи қарис олтита кучукни сотиб олиб кетганди.

— Ўқийсанми?

— Бешинчида... Тушдан кейин мактабга борамиз. Ҳей кейинроқ кўрак чувиймиз.

— Ўқиш нима бўлади?

— Тўхтайти! — деб кулди у. — Келаси йилдан пахтага чиқамиз!.. Мен ҳозир ҳам пахта тераман. Опамга теришаман... Китоб? Ўқийман. «Робинзон Крузо» бор. Битта фельшер ташлаб кетган. Ўтган йили... Укамни кўргани келганди... Мен йиғладим. Кейин шу китобни берди. Яхши китоб!

Азизим, мен ҳам худди шу болакайнинг ёшида ўқиган эдим ўша китобни. Сиз ҳам...

Биографиямиз қанчалар яқин-а?

Ҳикоямни чўзиб юборяпманми? Шошиб қаерга борасиз, кадрдон? Гоҳо мириқиб гаплашиб, ўйлашиб олиш ҳам керак-ку? Ўша дамларни қайтадан яшаб, а?

У хотиралар одамнинг юрагини тозалайди. Шундоқ ҳам фиску-фужурга, кераксиз кони зиён ўйларга тўлиб кетган бу кўкрак... Сигаретдан чекинг.

Шундай қилиб, Абдуқодир билан жўра бўлиб қолдик.

Тутзор ортидаги баракда қизларимиз ҳам турарди. Улардан ҳам иккитаси касал бўлган экан, доктор келди. Мениям кўриб, аналгин-паналгин деганларидан бериб кетди.

Уч кун қаттиқ ётдим.

Тўртинчи кун эди, шекилли, айвонга чиқаётсам, Ботир чўпон битта тарвузни қўлтиқлаб пастга тушиб кетди. Шу куни тушдан кейин, ҳаво очилиб, кун яна қизиди.

Кечга томон яна уйни супуриб бўлиб, айвонда устун тагида чўнқайиб ўтиргандим. Абдуқодир ярим палла тарвузни кўтариб, пишнаб чиқиб кела бошлади.

Ўзи битта тарвуз олиб тушишган эди...

— Сизга. Енг, — деди. — Отам бердилар. Опам, есин дедилар... Кейин кечқурун уйга кирар экансиз.

— Емайман. Раҳмат. Қорним тўк, — дедим.

— Йўқ. Ейсиз! — деди у мен билан уришадигандай. — Сиз касал. Бу тарвуз яхпш экан.

— Емайман.

Абдуқодир турди-турди-да, тарвузни шартта ерга қўйиб, чопиб тушиб кетди.

Болалар теримдан қайтгач, ҳақиқатдан ҳам Ботир чўпон чиқиб келиб, бизларни уйига айтди:

— Келинлар, укалар. Бир ошам ош қилган эдик. Сизларга раҳмат. Бу ерда ота-оналаринг йўқ...



— Э, уйингизга сиғмаймиз-ку? — деди Ўрмон ака.

— Кўнгил кенг бўлса, бемалол сиғишамиз, — деди чўпон. — Тушинглар.

— Биз ахир йигирма киши!

— Бўлмасам, йигитлар, ўнтамиз бугун меҳмон бўламиз. Ўнтамиз кейин! — деди Ўрмон ака.

Мени қўймай олиб бордилар.

Тўрт киши зўрға сиғадиган хона эди. Бурчакда ғиштин печ. Оқланган. Лекин чойнинг доғи, ёғ тўкилган. Ерга икки қават палос солинган. Тўрда бир тахмон юк. Энсиз-энсиз кўрпачалар солинган. Тиқилишиб ўрнашдик.

Ботир чўпон илжайиб, қувониб дастурхон ёзди. Қўш-қўш ёпган нон қўйди. Бир тақсимча оқ қандни сочиб ташлади. Кейин икки ҳовуч жийда билан майиз ҳам сочди. Кейин каттакон хум чойнакка кўк чой дамлади.

Икки товоқ палов ҳаш-паш дегунча йўқ бўлди. Кейин босиб-босиб чой ича бошлашди.

Мен... қандай ўтирганимни билмас эдим. Касалликдан тузалмаганим, инжиқлик ҳам сабабдир... Лекин бир бурда нон ейишга истиҳола қилардим.

Бу оила — камбағал оила эди.

— Ҳа, пахталар ҳам оёқлаб қолди... Қани, бу яшаш қалай энди? — деди Ўрмон ака. — Йиғаяпсизлар дейман-а? Ҳа-ҳа-ҳа! Ўзбекнинг одати шу-да: боламга бўлсин, дейди...

— Ҳа, энди бизнинг оталар ҳам қилган-да, — деди Ботир чўпон. — Опангизга уйлантириб қўйишди. Элни олдидан ўтдик. Тўй дегандай, харажати бор-да...

— Лекин бизни алдашяпти, чўпон ака! Кунлик меҳ-натимиз овқатимизни қопламайди. Бир килога ўн тийин тўлайди. Ҳозир ўн кило териш ўлимдан қийин.

— Ҳа, энди чидаймиз-да, оғажон. Ўзимизни пахта, ўзимизни ҳукумат.

— Ҳей, тушунмай қоламан-да, бу ишларни!

Аёл мени кузатиб турган экан.

— Шу укамиз ҳеч нарса татимади-да, — деб қолди. — Ё бизни писанд қилмаяптиларми?

— Э, нимага... — Оловим чиқиб кетди. — Ўзим шу...

— Ҳе, иштаҳаси йўқдир-да, — деди Ўрмонжон ака. — Бўлмаса овқатдан ҳам тортинадими одам!

— Ҳа, иштаҳам йўқроқ... — дедим.

Тезроқ чиқиб кетгим келарди. Ўрмон аканинг гаплари, сўроқлари жонимга теккан эди... Нима? Э, кадрдон, мени наҳот тушунмайди деб ўйлайсиз? Ҳа-ҳа! Ўрмонжон акаям ўзича ҳақ эди... Масаланинг бошқа томони ҳам бор: биз ўзимиз ҳам қорнимиз тўйиб яшамасдик. Биттаси ярим кило қанд обкелган бўлса, бошқа биттаси ўғирларди, бировнинг косасидаги гўштни биров... Айтишга тил бормайди. Тутаб кетасан, киши.

Нима қилишим керак бўлмаса? Ҳадеб қўл узатавераими? Қўйинг бу гапларни.

Оға! Ўша шароитда сиз ҳам мендан ўзгача тутмасдингиз ўзингизни!

Шу-шу, буларнинг уйига қайта кирмадим. Чўпон гапиради, хотини айтади, ўғли чақиради. «Хўп» дейман. Пайсалга соламан.

Уларнинг кулбасига кун ора кириб чиқадиган, дастурхонини қуритадиган болалар кўзимга ёмон кўришиб қолди. Аста-секин улар билан ҳам ҳамдардликни уза бошладим.

Шунда, сиз тасаввур ҳам қилолмайдиган бир воқеа содир бўлди.

Сурункасига ёмғир қуя бошлади. Икки кун овқатсиз қолдик. Шундоқ ҳам кўп болалар қарздор бўлишган эди.

Аста-секин элчиларимиз қишлоқ кўчаларида изғийдиган одат чиқаришди: кечаси бир маҳалда ўнталаб, ўн бешталаб қовун-тарвуз кўтариб келишади.

Эртаси штабда жанжал: кимдир ҳовлисига ўғри тушганини айтиб шикоят қилиб келган...

Ана, ўғрилиққаям ўргана бошладик.

Аммо энг катта ўғирлик... Кечаси довул бўлди. Бир пайт эшик қаттиқ очилиб, шалаббо бўлган Ботир чўпон кўринди.

— Моллар чиқиб қочди! Ёрдам беринглар!

Қўй-эчкиларни нима ҳуркитган — билмай қолдим.

Бошқалар қатори чиқиб, излаб кетдик. Қишлоқ кўчаларда денг, ит кўп. Балки бўри оралагандир? Ёмғир бўлса челақлаб қуаяпти... Э, кўп изладик. Дабдаламиз чиқиб, қўй-эчкиларнинг бир бўлагини

пахтазордан, беш-олтитасини кўчадан, айрим хонадонлардан топиб келдик.

Чўпон эшик оғзида фонар ёкиб, кўзлари жавдираб турибди. Нукул раҳмат дейди. Аёл алқайди. Ўғилчаси хурсанд... Лекин битта кўзи топилмаган эди.

— Уни ўзим топаман. Сизлар дам олинглар энди... Топсам, ўзимнинг икки қўйимдан биттасини сўйиб, қовуриб бераман сизларга, — деди Ботир чўпон.

— Шундай қилинг-е, бир гўштга тўйлик, ака! — деди Ўрмон ака.

Биз ётоққа қайтдик. Энди... яна бурним битди десам, сизниям ғашингиз келади.

Майли, бундай дейин: шу кеча беш-олтита йигит ҳам қаттиқ шамоллаган экан.

Соат иккимиди-учмиди, нафасим қайтиб, уйғониб кетдим. Эшик қия очик, ғувиллаб шамол кираётган экан. Тагидан тортдим, яна очилди. Тоб ташлаганми, нима бало. Ирғиб туриб тутқичдан ушлаганимни биламан, биров эшикни нарёққа тортди. Мен буёққа. Кўрқдим. Кейин ланг очиб юборгандим, Азимжон ака турган экан.

— Э-э! Баққа ке. Устинга бир нарса ил, — деди у киши.

Чопонни елкага ташлаб чиқсам, устун ёнида Ўрмон ака, Мирзағолиб деган полвон йигит ҳам туришибди.

Мирзағолибнинг ҳам ёши мендан улуғ, «Раис» деган лақаби бор, ўзи эҳтиёткор, «киркоёқ киради» деб, кечаси қулоғига пахта тикиб ётади.

Азимжон ака эшикни зичлади-да:

— Юр. Гап бор. Бўлган иш бўлди... Сен шўрлик ҳам бир маза қил, — деди.

— Лекин гулдургуп, — деди Ўрмонжон ака.

Уларга эргашиб, йўлга чиқдим. Ўрмонжон ака олдинга тушди. Ёмғир тинган, аммо совук кунлардан дарак берадиган шамол эсар, у уст кийимларимиз ўнгирларини очар, бағримизга ўзини урар эди. Энди итларнинг товуши ҳам ўчган.

Биз йўл ёқасидан орқага — кишлоққа бизни олиб келган «томон»га кетардик.

Анча йўл юриб қўйдик. Димоғим ҳам очилди анча. Бир-икки марта:

— Қаёққа боряпмиз ўзи? — деб сўрадим.

Улар айтишмади. Кейин бўлса... Хурсанд бўлиб кетдим... ҳа, зимзиё тунда қандайдир сирли иш билан қаёққадир илдамлаб кетишнинг ҳам завқи бор-да!

Ҳе, кишлоқ орқада қолиб кетди... Бошда айтганим — қиёқлар боғ-боғ қилиб ерга ўтқазиб қўйилгандай ажриқзорга етиб келдик. Бу томонда бир-иккита ит учради, қочиб кетишди.

Биз Ўрмонжон аканинг орқасидан боряпмиз. Айрим жойлардаги қамишлар ёндирилган экан: намиққан кулнинг ҳиди анқийди. Намчил ер ғиж-ғиж этади.

Алқисса, қамишлар одам бўйи ўсган, жангалга ўхшаш ерга бориб қолдик. Шунда бир кўзичоқнинг ожиз маъраганини эшитдим. Аммо ҳали гап нимадалигини, бу сафардан мурод нелигини билмасдим. Оқибат, қамишларга ораладик ва Ўрмонжон ака қўл фонарини ёқди. Зумдан кейин биз тўртовлон оёқлари куликлаб боғлаб, ётқизиб қўйилган қорагина, жикқа хўл бўлган, кўзлари йилтираб зўрға овоз чиқараётган кўзичоқ тепасида турардик.

— Хайрият, — деди Ўрмонжон ака. — Мен дайди итлардан кўрққан эдим... Эргашвой, чорвани биласан, ит ҳам кўзичоқларни ейиши мумкин-а?

— Шундай воқеалар бўлади, — дедим. — Лекин, бу кимнинг кўзиси?

— Бизники... Бизники энди. Мирзағолиб, бошланг энди! Мана, менинг пичоғим ўткир. Лекин суякка урманг.

Жуда жўн эканман дейман-да!

— Вей, шуни сўясизларми? — депман.

— Бор. Ҳей у ердан йўлга қараб тур!

— Йўк, ахир бу кимники? Балки колхозники, балки... Э? Ботир аканинг йўқолган кўзиси эмасми?

— Оббо, сенга нима деяпман! — дея Ўрмонжон ака елкадан ушлаб орқага бурди. — Бор-да энди! Колхознинг ёнини оладиганни кўрдик! Колхоз... Падарига лаънат! Бизни очдан ўлдиради! Ботир ҳам бир кўзидан айрилса, очдан ўладиган кимса эмас!

— Ахир, инсофларинг...

Шу гап билан бу йигитлар тарбияланиб қолармиди? Йўк! Мен ўшанда фақат нафратланар, ночорликдан фиғон чекар эдим.

Тўғри, қишлоқ томонга бир-икки қадам босдим. Лекин чамаси, курсдошлар орасида ёлғизланиб қолиш, минг бир таъналарни эшитишдан ҳам кўркдим, шекилли.

Бундан ташқари, англаб олмаган эсам-да, бу йигитлар тўқликка шўхлик қилмаётганларини ҳам тушуниб турардимки, гарчи бу ҳол уларни оқлашга тирноқча асос бўлмаса ҳам, кўнглимга тасалли, ўз-ўзини алдаш дейсизми — шуларнинг бири эди.

Хуллас, мен ўша кўзининг гўштидан бир бўлак емаган эсам-да, барибир ўғирликка шерик бўлган эдим.

Ўрмонжон акаям, Азимжон акаям бир ҳафталаргача мендан хавфсираб ола қараб юришди.

Мен улар билан гаплашмай кўйгандим, холос.

Нима дедингиз?

Ҳа, ўша ерда сўйишди, Мирзағолиб сўйди. Ҳаш-паш дегунча терисини пшлиб, калла-почасини отворишди. Кейин бир тўп камишни ёндириб, кўрига жигарини пишириб ейишди.

Емадим дедим-ку. Ўзимни иштаҳаси йўққа урдим-да... Жуда бўлмагандан кейин: «Ҳаммаларингдан жирканаман!» деб четга чиқдим. Кейин кутдим.

Бе-е, чўпонга бориб сиз ҳам айтмасдингиз. Кейин кетдим. Ётоққа кириб ётдим...

Нуқул йиғлагим келади, укағар. Ботир акага, аёлига ачинардим. Кейин, йигитларимизгаям ачиндим... Ҳа! Улар қачон кириб ётишганини билмайман. Бироқ уч-тўрт кун гўшт қовуриб ейишди. Йўқ... Қизлар ётоғида ейишди. Энди, улар ҳам жаннатда эмас эдилар-да, қадрдон.

Сиз ёзувчилар, инжиқ одамсизлар. Яхши одам деганда, албатта сутдек оқ, мусичадек беозор одамни тушунасизлар. Ҳолбуки, унақалар ҳаётда йўқ: ундайлар, менимча, ғоя... холос. Ҳа-ҳа-ҳа. Сизнинг гапингиз ҳам «Коммунистик жамият одамнинг ахлоқ кодекси»га ўхшаб кетади.

Кодекс чиқдим, демак, бас, одамлар унга амал қилади: рисоладагидек бўлади, деб ҳисоблашади баъзилар. Булар — чипуха гаплар.

Кунлар ўтди.

Қор учқунлай бошлади... Бизнинг, ўзингиз билган тоғларда бундай пайтлар изғишларимиз, сайру саёхатлар — энди эртақ эди. Биз совукда торс-торс ёрилган кўсақларнинг пахтасини сувга ивитиб олгандек суғуриб олардик.

Ҳа, икки киши арқон билан ғўзаларнинг бир четдан суриб, қорини туширарди. Кейин диқиллаб эгатга кирардик. «Оқ олтин»ни терардик. Бу қурмағур «оқ олтин» этакка тушгач, тугилиб, муштдек бўлиб қоларди. Жикка хўл-да.

А? Қандай қилиб қуриб топширишларини билмайман. Лекин бир-икки хонада уюлиб, сасиб ётганини кўрганман.

Кейин кўсак териш бошланди.

Энди, бизнинг қадрдонлар — Ўрмонжон ака, Азимжон ака, Мирзағолиб, тагин уларнинг сафдошлари — бари сал совук ўтди дегунча, ё вақтида бак қайнамаса, Ботир чўпоннинг кулбасига кириб тикилиб олишарди.

Чўпон билан хотини эса... хурсанд!

Биз энди яккамоҳов бўлиб қолгандик. Йўқ, сира кирмадим. Қандай қилиб кирман!

Бу ёғига қулоқ солинг.

Қайтадиган бўлдик. Ўзингиз биласиз, бундай кунни ҳеч бир ўқитувчи, бригадир айтмайди... Негалигини ҳамон тушунмайман. Балки теримдан совуб қолади, деб ўйлашадими.

Лекин, кулгили жойи шундаки, болалар барибир билишади. Ботир чўпон ҳам билган экан. Эрта жўнайдиган кунимиз ўзлари хотинлари билан келиб қолдилар. Ётоққа... Мен қандайдир хавотирга тушган бўлсам керак, ҳар ҳолда.

— Ассалом алайкум, келинлар, меҳмонлар! — деб юборди Ўрмон ака.

Азимжон акаям болаларга тўшакча солишни буюрди. Ботир чўпон куллуқ қилиб, худди кириб ўтирмаса — биз у дунё-бу дунё юз кўрмас бўладигандек, таъзимлар билан яна уйига айтди:

— Шу, лабз экан, укалар... Тилга олиб кўйиб эдик. Битта қон чиқарамиз деб... Шунга қадам ранжида қилсангизлар. Мана, опаларинг ҳам илтимос қияпти, — деди.

Мен тамом бўлдим.

— Э, қандоқ бўларкан... — деди Ўрмонжон ака. — Кўзингиз топилса, бошқа гап эди...

— Ҳа, ўша кеча биз ҳам яхши изламаган кўринамиз, — деди Азимжон ака ҳам. — Андақ

хижолатдамиз.

— Э, оғаларим-ей, — деб кулди чўпон. — Биз хижолатда эдик. Ишонасизларми, биз?.. Энди, гапни кўп чувалтирмайлик, укалар. Кўзи топилди ҳисоб. А, хотин? Ҳе, Шодитўқайдан топдик. Ул-булни... Ўзимиз тусмоллаган эдик дайди итларга ем бўлган-ов, деб... Энди бизни хурсанд қиламиз десанглар, кетар жафосига бир меҳмонимиз бўласизлар...

Кейин, ўзлари ҳам энди теримга чикмасликларини, фақат ғўзапоя юлишлари ва уйда ўтириб, кўсак чувишларини айтди.

— Қишлоғимизда иккита грек бор, — деди хотини кейин. — Бир челақ ҳалигидай сувдан ҳам олдик. Ҳайронмисиз, кадрдон? Мен ҳам ҳайронман! Албатта.

Шу кечаси бир маҳалгача кулбада ўйин-кулги қилиб ўтиришдилар. Ташқарида ҳам давом этди. Мен ўзимни ухлаганга солиб ётар эдим. Йигитлар келиб, чирокни ёқишгач, мен тўғримда тўнғиллай-тўнғиллай, ўтиришди.

Кўпчилигининг кайфи бор эди. Кайфдаги одамнинг гапига ишониш қийин-у, лекин... ха-ха, ўша, худди ўйлаган гапингиз бўлди: пушаймонлик... Э, бири кўйиб, бири олади, бири кўйиб, бири...

Чамаси, ҳаммасининг оғзи теккан экан ўша гўштга.

Азимжон аканинг бир нидоси ёдимда қолди:

— Биз аблаҳмиз! — деди инграб. — Кўра-била туриб аблаҳлик қиламиз. Биз қанақасига ўзбекмиз-а? Ана уларни ўзбек деса бўлади. Нима дединг, Ўрмонжон?

— Биз анча бузилганмиз, — деб пўнғиллади Ўрмон ака. — Лекин ҳаётнинг ўзиям мажбур қилади-да, кишини.

— Уларни мажбур қилмаяпти-ку?

— Нимага?

— Шу, энди... Балки пул йиғиб берармиз-а?

— Бўлса!

Кейин яна мен ҳақимда гапиришди. Биттаси, овозидан билолмадим, тик турганча:

— Шу Эргашвойнинг ичига тепсанг-да — деди. — Кўзимга итдан баттар кўриняпти... Энди, бир умр кулиб юради биздан, ярамас. Ёввойи...

— Парво қилма, — деди Ўрмонжон ака. — Бунақалар ҳаётда бўлади...

Мен бу ҳикояни ўзимни мақташ учун айтмаяпман. У ёғини сўрасангиз, ҳозир улардан ҳам бешбаттар бўлганман: ҳаққимни едирмайман. Ҳар қанақа авторитетни одам демайман... Шу-шу. Ҳозир ҳаммамизнинг кўзимиз очилиб қолган...

Ҳа, эртаси... лайлак қор ёғиб турарди. Худди тоғларда ёғадигандек!

Кўчада автобуслар тизилиб кетган. Йигитларнинг боши осмонда. Ниҳоят, университет аудиторияларига қайтишади!

Айвонда тургандим. Халтам ёнимда. Шу Ботир чўпон билан хотинига бир яхши гап, миннатдорчилик билдиргим келарди. Мен уларни жуда яхши кўриб қолгандим-да!

Ҳа, келиб қолишди.

— Хуш кўрдик! Сизларга минг-минг раҳмат, Ўрмонжон! — деди Ботир чўпон. — Азимжон, сизгаям...

Ҳаммаларингизга. Қаранглар, бир майизни қирқ бўлиб егандай яшадинглар... Сизларнинг кадрингизга етолмадик биз.

У киши ҳамма билан қўл бериб хайрлашди-да, менга қолганда, бурилиб кетди. Шунда аёли ҳам хўшлаша бошлади. Қадок кўлларининг учини бериб хўшлаша-хўшлаша менга етганда, уям бурилиб кетди.

Мен титраб-қақшаб уларнинг олдига бордим.

— Ботир ака, опа... мен сизларни жуда яхши кўраман, — дедим. — Хафа бўлмангизлар.

— Йўқ, сиз бизни яхши кўрмайсиз, — деди хотини. — Бошдан ёмон кўриб эдингиз.

— Рост, ука. Писанд қилмадингиз бизни, — деди шунда чўпон ҳам. — Анави йигитлар бошқача...

— Ахир мен сизларни жуда-жуда ҳурмат қиламан.

— Бекор гап, — деди аёл.

— Ҳа, — деди эри.

Абдуқодир менга ётсираб қараб турарди.

— Шунақа.

Хўш, бу ерда нимани кўрдинг, нима хулосага келдинг, деб сўрарсиз?

Мен бу ерда... оддий-жайдари, содда ўзбекнинг кенглиги, тўпорилигини кўрдим.

Ишонасизми, автобусга ўтирганимдан кейин совуқ ойнадан лайлакқорга қараб йиғлар эдим: ана шу ўзбекларнинг бағри кенглиги учун, не-не қийинчиликларга, фақирликка қарамай, феъли тор бўлмаган, ажиб-афсонавий меҳмондўстлиги инстинкт каби мавжуд қолгани учун... ичимда, ич-ичимдан қувониб йиғлардим.

Узр, суҳбатимиз «ўзбек характери» ҳақида эди. Сизлар айтган зўр-зўр ҳикоялардаям ҳақиқат бор. Аммо менинг бу жўнгина, оддийгина ҳикоям — кўнглимдан ўтган нарса эди, азизим. Шунинг учун бунинг менга таъсири мутлақо бўлакча.

1988

## ҲУКУМАТ

Уруш йиллари Кенгдалада раислик қилганимда бир қозоқ кампир бўларди. Бечора ёлғиз эди, бизнинг уй ишларини қиларди. Ўшанда ўтовда турардик. Сигир бор, иккита-учта совлуқ бор, шуларни соғарди. Кир-чирни юварди. Ана шу боёқиш «раис» деган сўзни билмасди-да, нукул: «Ҳукумат опой...» йўқ, «Ўкумат опай», деб чақирарди мени. Язнангизниям «Ўкумат оғай» дер эди. У киши — колхознинг раиси, мен Шўронинг раиси эдим.

Нима бало бўлди, мен ҳам қаригандан кейин катталарни «Ҳукумат» дейдиган бўлдим.

Қодиржонниям «Ҳукумат болам» дер эдим. Ёш кадр, оталари партия, совет ташкилотларида кўп йил ишлаган, бообрў одам эди. Урушдан қайтмади. От ўрнини той босади дегандек, Қодиржон ҳам раҳбар бўлиб етишди.

Аграномликни битирганми-ёв, аниқ билмайман. Лекин, болам, ҳозир ҳам районда уни жуда ҳурмат қилишади. Энди... бизга ўхшаган қарияларниям иззатлайди-да. Кўпнинг дуоси — кўл, ҳурмат қилсанг — ҳурмат кўрасан.

Шу киши денг, бизга унча-мунча қарашиб туради-да. Совхоз директори, ҳамма нарса унинг қўлида: қозоннинг бошида... Биз ҳам ахир шу жамиятни деб хизмат қилдик. Вақти келганда, оч қолдик, қийналдик. Лекин жамиятни деб яшадик... Ҳе, болам, бошимиздан кўп савдолар ўтган: саводсизликни тугатишда ўзимизнинг ўлиб кетишимизга оз қолган, қўш хотинликларга қарши курашишда ҳам битта Жаъфаров деган кишининг мени отишига оз қолган. «Энағар, хотинларим рози бўлса, яна нима дейсан?» деган. Бир ҳисобда ўша одам ҳам ҳақ экан... Лекин замоннинг талаби шу эди: уни жавобгарликка торттирдик. Кейин хотинлариям мени уч йил қарғаб юрди. Қулоқ қилиш, тилла қидириш вақтларидаям кўп иш қилдик...

Ҳа, энди мана, қариб, пенсияга чиқдик. Мен тенги дугоналаримдан ҳам учта қолдик. Лекин мен содда эканман: пул йиғмапман. Дунёнинг кетидан бўлмапман. Мана, энди пенсияга қараб ўтирибман. Язнангизнинг ҳам аҳволи шу. У бечора шунча йил колхоз раиси бўлиб, фақат отни миниб: «Машоқни терма! Ғаллани ўрма!» деб умрини ўтказган экан. Аммо-лекин у кишиям жуда ҳалол ишлаганлар. Биламанда. Урушдан кейинги қимматчилик йилларида айримлар каламуш, сичқонларнинг уясини кавлаб, ғалла-дон топишарди. Ана шуларгача тортиб олиб, ҳукуматга топширганлар...

Ўғилчамиз шўх чиқди. Боши омон бўлсин, қолгани — шу... «Кенжа болам, кенжа болам, топганимни сен же болам», деб юргич эдим. Мана, ёшимиз ўтган-да, бу одам бўлди. Бир нимани ёлчитиб едирмадик ҳам. Қайтамга унинг қўлига қараммиз.

Шопирнинг топгани нима бўлади? Бе, сиз айтадиган шопирлар бошқача. Бунинг машинаси бир кун ишласа, икки кун ўзи ишлайди: машинанинг тагидан чиқмайди. «Эна, янги мошин оберинг. Ота, далолат қилинг», дейди.

Бизнинг гапимиз ўтмайди... Қодиржон «янги машина келса, бераман» деган. Ана шундан кейин Кенжамиз ўзини ўнглаб олар. Ўғилчаси мактабга борадиган бўп қолди: ҳали қўлини ҳалоллагани йўқ...

Шу, яқинда денг, афғон шамоли бўлди-ю, анави оғилнинг устини очиб кетди. Кенжабой иримиға девор кўтариб, устини тахта-картон билан ёпган эди: товукхона қилган эди. Шунинг томини кўтариб ташлади. Э, қиёмат бўлди ўша кун. Кўп зиён етказди у шамол.

Шунда жиянингиз айтиб қолди-да: «Эна, қани, ўкуматингизга боринг энди. Тўртта шипр берсин», деди.

Шу гапи менга негадир ўтиб кетди.

— Бораман! — дедим. — Сен менинг ҳукуматимга пичинг қилма! Ҳали ёш боласан! Биз уни қурганмиз! О, қандай қийинчилик билан қурганмиз!..

Рост-да, уғлим, шу колхоз тузилиш йилларида мен ўн уч-ўн тўрт ёшларда эдим. Энам бечора отамдан қолган қўш хўкиз билан қўзили совлиғимизгача колхозга берган эди. «Бўлсин, ишқилиб, шу жамият бўлсин. Ҳукумат оёққа турсин!» дер эдик...

Эндиликда шаккоқлар кўпайган, болам. О, баъзан бир гапларни эшитасан, бир гапларни! Одамларнинг оғзи мана мундай бўлиб кетган. Бизнинг замонларда у оғизларни аллақачон йиртиб қўйишарди. Ҳозир тартиб-интизомдан путур кетган. Органлар ҳам яхши ишламайди, мен сизга айтсам...

— Э, боринг! Шу Қодир ҳукуматингизга бир учранг! — деди Кенжабой.

— Учрайман! — дедим. Анави туфлимни кийдим. Лениннинг юз йиллигида, Октябрнинг олтмиш

йиллигида берилган медалларни такдим. Чолга қарасам, боши хам. Жўнадим.

Мана шу тор кўчадан ўтиб, мош экилган далага чиқдим. Бирам ҳаво яхши. Мош пишган. Қирс-қирс ёрилади. Ариқларда сув. Қурбақалар қуриллайди.

Жуда кўнглим очилиб, ҳе, ўтган-кетган кунларни эслаб, катта йўлга чиқдим. Кўпқаватли иморатлар тушаётган экан, шуларнинг орасидан ўтиб, совхоз идорасига бордим.

Бу — эскидан қолган иморат эди. Пешайвони бор. Ери тахта-пол қилинмаган. Лекин менгаям қандайдир яқин иморат эди. Қодиржон шу ерда ишларди.

Кириб бордим.

— Ассалому алайкум, холажон, — деди. Ўрнидан туриб, келиб кўришди. Мундай жойдаги диванга ўтказиб, бир пиёла чой берди. — Дамлигинамисиз, холажон? Бобой яхшими? Жиян қалай?.. Яқинда янги машина келади, албатта берамиз...

— Ҳе, мишта киринг, оғажон, — дедим. — Отангиз ўзи улуғ одам эдилар-да!

— Хизмат, холажон?

— Э, ўғлим, — дедим. — Кечаги шамолни билдингизми?

— О, аста айтасизми! Бизнинг қирқта шшшримизни учириб кетди. Парча-парча қилиб ташлади. Қанча цемент, албастр кўкка учди. Ўзиям ярим соат орасида ҳаммаёкни тўс-тўполон қилиб юборди-да!

Шипрни тилга олганида, дамим сал ичимга тушган эди. Барибир айтдим:

— Шундай-шундай... Катакнинг усти очилиб қолди. Товуқлар сочилиб кетди. Кенжабойингиз жинни бўлиб юрипти. Бизда кўй йўқ, сигир йўқ. Шу тўртта товук...

Қодиржон индамай қолди. Индамай чой ичди. Худо урсин, уни ҳеч мундай аҳволда кўрмаган эдим: ҳамма вақт «йўқ» демасди... Ахир, биласиз, бир замонлар бу ҳукуватимиз бизга қарам эди. Энди биз унга қарам бўлиб қолдик: қарашиб турса ёмонмас-да! Тўғри, одам хижолат бўлади. Аммо ноилож.

Йўқ-йўқ, мен йилида келсам, бир марта келардим. Илтимос билан. Шундаям давлат нархида пулини тўлаб олардим. Энди, бир қоп-ярим қоп камикормами, буғдойми, арпами, ишқилиб... «йўқ» демасди-да.

Ўзи, мен сизга айтсам, болам, бу тиланчилик эмас. Худо асрасин: энди, одам... ҳаддинг сиғиб келасан-да. Ўзингнинг ҳукуватинг, ахир.

Тўғри энди, бу ҳукуватимиз ҳам анча пишиқ бўлиб кетди: бир вақтлар, байрамлар бўлса, Октябрь, ҳайитлар куни бозоржойда қозон-қозон ош дамланарди, чой, нон — бари бепул. Ўйин-кулги. Байрам, тўй тўйдек ўтарди. Кейин... бунақа супралар ҳам очилмайдиган бўп кетди. Қайтамга баъзи одамлар каттароқ тўй қилса: «Бой бўп кетдингми?» дейдиганлар кўпайди...

Мен ўғри, каззобларни кўзда тутмайман, болам... Улар ҳалиям бор. Охири ўз ҳақини олади: худодан топади. Худодан топмаса, ҳукуватнинг ўзи кўрсатиб қўяди.

Қаригандан кейин эзма бўлар экансан киши.

— Ҳа, Ўкуватжон? Мундай ўйланиб қолдингиз? — дедим.

— Э, холажон, ҳозир замон ўзгариб кетди, — деди Қодиржон. — Мен сиздан ҳеч нарсани аямайман, би-либ қўйинг! Ҳукуват ўз ветеранларидан аямайди...

— Раҳмат! Ҳукуват пақат халқ фаровонлигини кўзлайди.

— Гап шундаки, холажон, биринчидан, бизда ҳамма нарса қаттиқ ҳисоб-китобли бўлиб қолди. Қурилиш материалларининг ҳам нархи ошди... Шунга қарамасдан сизга ёрдам қилиш керак... Аммо, холажон, ўзингиздан қолар гап йўқ, этакдаги чўл ўзлаштирилгандан кейин совхоз бўлинди.

— Бўлинди?

— Ҳа. Иккита совхоз бўлди-да... У совхозга кўп жойларимиз тушиб кетди.

— Қаерда у?

— Ана шу катта йўлдан бора берсангиз, астановка келади... Ҳали эшитмаб эдингизми?

— Қайдан?

— Шу ердан қизил автобус ўтади. Учта астановкадан кейин чапга бурилиб тўхтайти. Қарағай экилган боғ келади. Ана шу ерда янги совхознинг идораси...

— Хўп, идораси бўлса бўлар, — дедим. — Мен сиздан ёрдам сўраб келдим-ку?

— Мен ҳам айтяпман-ку, сизнинг ерингиз ўша совхознинг территориясига тушиб кетган.

— Хўш?

— Шунинг учун... шунинг учун ёрдамни ўша совхоз қилади энди. Директори ёш йигит, ақлли... Холажон, тушунмаяпсизми?

— Йўқ, тушундим, тушундим, — дедим. — Лекин сизнинг идорангизга пиёда келдим, уникага автобус билан борсам, у бизга йироқ экан. Қодиржон, меникиям бир гап-да: сизнинг совхозингизда тураберсак-чи, қола берсак-чи?

— Ҳе, холам-э, холагинам-э, холагинам-э! — деб кулди у. — Мумкин эмас!

Мен билар эдим: мумкин эмас. Лекин йўлига айтган эдим-да.

— Хўп, ўша совхозда бўла қолайлик. Лекин сиз... ўнтагина шипрга қоғоз берсангиз, мен пулгинасини тўлаб...

— Холажон, мен нима деяпман? Кечирасиз, тушунтиролмадим шекилли... Хўш, энг муҳим гап шундаки, бизда ҳам ҳалигидай хўжалик ҳисоби, самофинансирование деган гаплар амалга ошяпти... Бундан ҳам муҳими, хўш, ҳамма нарса шу қадар ҳисоб-китобли бўлиб кетаяптики, мен сизга битта шипр берсам ҳам, бу ерда гап қилишади. Совхоз мулкини бегоналарга талон-тарож қилдирди деб...

Ана, биз бегона бўлиб қолган эканмиз. Вой, мен тушунаман, ғалча эмасман: ҳукуматнинг гапи гап. Қарорлари — қарор! Уларнинг, мисол учун, план бажаришда кўп амал қилмасаям, мана мундай йўриқларда жуда амалда!

Лекин мен энди бешта шипр деб юрсам... Кенжабойдан ҳам уяламан: «Ҳукуматингиз нима қилди деса, нима дейман? Ҳукуматим ўзгарипти, дейманми?»

Қодиржон яна бош эгди. Билдим: боланинг иложи йўқ. Бўлмаса, у бундай қилмас эди.

— Ҳа, болам, яхшилигингни кўр, — дедим. — Сен ўксима, Қодиржон... Унга бўлса, унга бораман-да...

Қодиржон хўрсиниб туриб кетди.

— Биз бир қаттиқ бўлсак, тошдан ўтиб кетамиз! — деди. — Бир сахий бўлсак...

Мен кулдим.

— Сахий бўлганимизни ҳалигача кўрганим йўқ. — Кейин унинг кўнглини кўтардим. — Биз, болам, ҳукумат... ҳукуматимиз катталариям йўқсилдан чиққан. Ўзимиз ҳам. Бойларниям йўқсил қилганмиз. Бундай мамлакат, ҳукумат... кўрпасига қараб оёқ узатиши керак. Тушунаман, оғажон. Меникиям бир гап-да.

— Ақлли холажонимдан айланай, — деди.

Шундай деди.

Мен уни дуо қилиб чиқдим. Айтганидек йўлга тушиб, бекатга бордим. Автобусиям айтганидай экан, келди. Ўша қарағайзорга бурилганда, тушиб қолдим.

Қаранг-а, уйда ўтириб қолганингдан кейин жамиятдан чиқиб ҳам қолар экансан. Газета кўп, кўп оламиз. Журналлардан ҳам... Дунёнинг у чеккасидаги гапни билиб турар экансан-у, ёнингдаги ўзгаришлардан беҳабар қолар экансан.

Бу тарафлар, ҳе, тоза ўзгариб кетган экан... Эсимда бор. Кечагидай: қирқинчи йилмиди, ўшанда Шўро мажлисини ўтказиш учун шу томондаги бир овулга бориб, кеч қайтгандим. Бир чўпон бечора: «Қизим, отингиз яхши экан. Лекин бемаҳалда юрманг, жондор учрайди», деб эди. Мен... ёш эканман: оловлик. Отимга ишониб ҳайдай бердим. Қурисой деган жойга етганда, бир бўри эргашди. Тавба, кўркмапманми денг. Бошимда катта шол рўмолим бор эди. Шунинг бир учидан ушлаб, бир учини осилтириб келавардим. Бўри ўлгур рўмол билан ўйнайди денг. Эшитганман-да, бўри отнинг думидан олади деб. Хавотирим шундан эди. Бир маҳал рўмолни тишлаб бир тортди, кўлимдан чиқиб кетди. Ана энди, ўлдим, деб ўйладим. Отни ҳайдадим. Қор, муз, совуқ. Бўри эргашди. Буёқда қоронғи тушяпти. Сойдан чиқиб, энди қирга ўрлагандим, бўри етди... Отим бир сапчиб кетди-ю, йиқилди. Шундай ёнбошлаб қолди. Қарасам, бўри-мўри йўқ. От соғ. Пишқиряпти. Шундай бўйнига осилиб олиб: «Чух, жонивор!» дедим. Гапим далда бўлдими, от жонивор сапчиб туриб кетди. Ҳей ундай жойга борганда эгарга миниб олдим. Қарасам, бўри... от йиқилганда тагида қолган экан. Оқсоқланиб четга чиқяпти. Бирдан увлаб юборди. Мен отни суриб ҳайдадим яна. Жийдали деган жойга етганда, бир аравани учратдим... Шундай қилиб, омон қолган эдим...

Нима деяркан эдим?

Ҳа, бу даштлар ҳам ўзгариб кетган экан.

Идорани топиб кирдим. Ҳе, башанг. Зиналари мармардан. Райкомнинг биносига ўхшайди. Бир чолгина диванда ўтирган экан, директорнинг хонасини кўрсатиб қўйди.

— Ассалом алайкум, ҳукумат болам, — деб кирганимни биламан, у талаб ташлади.



Йўқ, сира танимадим. Ёшгина. Кўзлари ўйноқлабгина турган йигит. Ўттизларнинг нари-берисида. Қодиржонга ўхшаб жайдари кийинмаган ҳам. Бўйнида галстук, оппоқ кўйлак.

— Нима дедингиз ўзи? Ким ҳукумат? — деб бошлади.

— Ҳай-ҳай, тил ўлгур ўрганиб қолган-да, — дедим. — Ҳовлиқманг, болам. Биз ҳам, хей, сондан чиққан уй хотини эмасмиз... Вақтида райкомлардаям ишлаганмиз. Киссамизда партия билетимиз бор!

— Ҳеч ўхшамайди-да, ўхшамайди, — деди. — Ҳа. Хўш, мақсад нима? Тезроқ бўлинг, вақтим зик!

Бу гапдан кейин унга бир нимани дангал айтиб бўладими?

— Директор болам, — дедим. — Билсангиз, эшитган бўлсангиз, мени фалончи опа дейдилар. Кекса...

— Опа, ветерандан кўпи йўқ! — деди гапимни кесиб. — Ҳалиям битта ветеран чол келиб кетди. Қиладиган иши — магазиндан давлатнинг гўштини сотиб олиб, ташқарида икки марта қимматга пуллаш экан! Ветеранлар учун ҳамма нарса безочирид-да! Шундан фойдаланар экан, ноинсоф.

— Ҳа, энди ночорликдан...

— Опа, муддао нима?

Жуда хўрлигим келди: ахир, мени районда билишарди. Ҳар йили Октябрь байрамларида бизни чакириб сийлашарди. Дугоналаримниям. Кўрганлар салом берарди.

«Бу йигит бошқа райондан келган экан-да», деб ўйладим-да, муддаога ўтдим:

— Олдин Қодиржоннинг совхозига қарардик...

— Қайси Қодиржон?.. Ҳа-ха, Қодир Собиржонович! Хўш?

— Энди сизнинг совхозингизга ўтипти бизнинг ерлар.

— Жуда яхши бўпти! Бу совхознинг келажаги катта! Ҳим, болаларингиз ишлайдими?

— Ҳа, бир ўғилчамиз... Кенжабой шопир. Лекин... Лекин... Лекин билмадим, у сизнинг сапхозингиздами, ё ҳалиям Қодиржоннинг сапхозидами?

— Хўш, мақсад? — Кейин ҳеч иккиланмай: — Тайин бирон илтимос билан келган бўлсангиз керак? — деди.

— Ҳа, — дедим.

— Ўзим ҳам пайқаган эдим...

— Шу биргина бостирмамиз... товукхонамиз бор эди. Кечаги довул томини бузиб, картонларини учуриб кетипти, ўғлим. Шунга бир қарашасизми деб...

— Шипр йўқ.

— А?

— Бизда қурилиш бригадаси бор. Самофинансированияга ўтган! Бу гапни тушунасизми?

Кооперативни-чи? Хозрасчётни? Ҳим... Гап шундаки, сиз ўшаларга учрашасиз. Улар бориб, ками-кўстингизни битириб беришади.

— Ўзлари-я?

— Ўзлари! Лекин текинга эмас!

— Ҳа, албатта... Давлат нархида бўлса...

— Давлат нархида эмас! Илгари биз баъзи қари-қартангларга қарашганмиз... қарашганлар. Совхоз баҳосида ул-бул ишлар қилиб берилган. Энди у нарса бекор қилинди. Ҳали бора-бора қурувчиларимиз ҳам мустақил бўлиб кетишади.

— Тушунмаяпман. Улар... қиммат оладими?

— Уҳ! Ҳозир, опа, қурилиш материаллари икки карра қимматлаб кетган. Биласизми шуни?

— Йўқ.

— Хуллас, биз ёрдам беролмаймиз... Бошқа саволлар борми? Ўша Кенжабойингизга айтинг... Сизни ветеран деб чоптириб қўямасин, хўпми? Ҳозир бари ёшлар нуқул ветеранларни чоптиришади... Билиб олдик! Энди бунга барҳам берилади...

— Энди биз...

— Менинг сизга ёрдамим — мана шу!

— Нима?

— Тушунтирдим-ку?

— Сал-пал тушундим... Лекин сизни ҳукумат деб... Ахир, ҳукуматдан бошқа кимимиз бор, ўғлим? Сизлар ёш эдинглар, балки туғилмаган эдинглар...

— Мен бу гапни ҳалигина эшитдим.

— Э, амалинг бошингда қолсин! Садқаи ҳукумат кет! — Шундай дедим-да, чиқиб кетдим.

Энди денг, йиғлагим келади. Қаёққа боришни билмайман... «Хор бўлдим-да оқибат!» деб қарағай тагига бордим. Ўтириб хўп йиғладим. Буёғи қандай бўлди энди?

Э, болам, биз ўйлар эдик-да: «Ўлимлик ҳам йиғмаганмиз. Ҳукуматнинг ўзи кўмади», деб...

Қаранг, одамлар қандай шафқатсиз бўлиб кетаяпти. Ёшгина боланинг гапини...

Сувга тушиб, куруқ чиққандай бўлдим, уйга жўнадим. Лекин ўпкални босолмайман: ўлай агар унинг гапларидан бир нарсани тушунган бўлсам...

Шундай қилиб, автобусга чиқдим. Бир ёшгина йигитнинг ёнига ўтириб қолдим. У Афғонистондан келган экан. Бир оёғи йўқ экан. Мен йигитчанинг туриб жой бермаганидан ҳам сал ўксиган эдим. Кейин тушундим-у, гурунглашиб қолдик. Ҳе, у шўрлик ҳам ветеран экан... Менга айтмади-ю, қандайдир иши бит-маганини пайқадим. Кейин автобусдан тушиб, уйга пиёда жўнадим.

Ўзимча ўйлайман денг: «Ҳа, нималардир ўзгарипти. Хозрашётми, самофинасми бўпти... Яхшиликка бўлсин! Лекин биз шу ҳукуматни деб умрни ўтказдик. Энди у бизга...»

Йўқ, болам, уйга боролмадим. Бошим қотиб қолди. Мошзорга етганда тагин қайтибман денг.

Орқага-да.

Бир вақт қарасам, эски сапхознинг идорасидаман. Қодиржоннинг олдида турибман.

— Ҳа, холажон? — деди.

— Э, болам, менинг ҳукуматим... сен экансан. Шу сапхоз экан, — дедим.

Ҳа, шундай дедим.

Бекорчиликдан «Минг бир кеча»ни ўқиган эдим. Бир пошшо бир ғарибнинг ҳикоясини эшитиб, унга қўшилиб йиғлайди. Шунга кулиб эдим. Қарасам, Қо-диржоннинг ҳам кўзи ғилқ ёшга тўлган.

— Холажон, уйингизга боринг. Боринг, холажон. Мен ўзим юбораман шипрни, — деди. — Нечта керак?

Ана шунда ўзимга келдим. Кейин... уялдим. Энди шипр кераксиз бўлиб қолган эди.

— Иложингиз етар экан-да? — дебман.

— Буёғини суриштирманг, — деди.

Кетдим.

Шу оқшом Қодиржондан икки давангидай йигит ўнта катта шипрни бир машинага ортиб келиб, бостирманинг устини ёпиб, тагин бирини запасга қўйиб кетишди.

Ўзимча ҳайрон бўлиб, Қодиржонни ҳам алқаб, ҳам ичим зик бўлиб ўтиргандим. Кенжабой келиб қолди. Бостирмани кўриб хурсанддир деб ўйласам, қовоғи солиқ.

— Ҳа? — дедим. — Ўкуматим қилиб берган ишни кўрдингми?

— Кўрдим, — деди у. — Қодир ака уйидаги шиприни юборган экан. У кишиям бир оғил-поғилга ишлатаман деб опқўйган экан.

— Вой, шўрим...

Мана, сизга айтмоқчи бўлган гапим шу, ўғлим. Сиз тагин бу опамиз таъмагир экан... Хўш, ҳукуматдан норози бўлипти, деманг, болам. Сираям ундай эмас: ҳукумат ўзимизники. Ахир, биз уни деб яшадик. Умр поёнига етди.

Албатта, албатта. «Враг народ»ларгина ҳукуматни ёмон дейди. Биз ундайларни куришиб келганмиз.

1988

## ҚАДИМДА БЎЛГАН ЭКАН...

Ўсар кўприкчадан шипиллаб ўтиб айвон четидан чойдишни олди, ариқ лабига чўнқайиб, қоп-қора чармдек бўлиб кетган кафтига — ховучига сув қуяётганди, ариқнинг у томонида — супада урчук йигириб ўтирган рангпар хотини:

— Момонгизга салом бермадингиз-а? — деди.

Ўсар ялт этиб унга қаради.

— Момом энангди... — деб сўкиб юборди. Ва шоша-пиша қўлини юва бошлади — Илойи, шу кампирнинг ёшига етма... Ўзинг ҳам-ку бўлганингча бўлгансан... — Кейин улфати Нуркул нашавандан эшитган гапини унга уқтирди: — Ҳой, бировга ўлим тилагандан кўра, ўзига умр тилаши керак киши!

Ҳожар урчукниям, калаваниям кўрпачага ташлаб, муштларини тиззаларига тиради; эрига ўхшатиб бир нималар дейишга шайланди-ю, беҳол тортиб тескари қаради.

— Э, худо, нима гунойим бор эди? Мунча мени эзади бу эркак... Тентак! Суюлиб кетган мияси... Хувв, шўрим курсин. Теракка чиқиб имлаганларига учиппан... Севади, суяди деб ўйлаппан. Бу жаллод экан!

— Хе, энағар, — деб илжайиб турди Ўсар. — Жаллод экан... Ким шу гапга ишонади? Жаллод амир замонида бўлган, саводсиз!

— Сиз саводли бўлдингизми? — хотин унга ўнгланди. — Сиз-а? Алифни калтак дейсиз-у! Қизингиз хатонгизни топиб ўтиради-ю! Газета ўқиёлмайсиз-у!

— Бўлди. Газетангни осиб қўйдим! — Ўсар айвон олдини тўсиб турган шолча томонга жиларкан, Ҳожарга яна уқтирди: — Газетанг бир пул ҳозир! Ҳеч ким ўқимайди... Фақат Нуркул бобо най қилиб, наша чекади! — У кулиб, алланечук қувониб, устунга етди. Шолчанинг четини қайтариб, ичкарига қаради.

Момоси Мақсад бева дераза тагида, шишиб кетган ўнг оёғини уқалаб ўтирар, оппоқ сочлари қўкиб кетган — ажинадан фарқи йўқ эди.

— Моможон, — деди Ўсар айвон лабига аста ўтириб. — Саломалайкум... Азонда чиқиб кетиб эдим. Ухлаётган экансиз. Ҳозир келдим. Мошина олдим, момо. Эски-ю, эпласа бўлади. Завгар уч юз сўмимни шилиб қолди, энасини...

Кампир нурсиз кўзларини ғилтиллаб ва хиёл илжайиб, қизиқ бир нарсани томоша қилаётгандек қараб турарди.

— Э, Асалжон? — деди бирдан. Ва бирдан юзи тиришиб, кўзига ёш келди. — Танимаппан... Хаёлим жойида эмас. Анову ерда бир хотин минғирлагани минғирлаган. Ким у ўзи?

Ўсарнинг ҳам кўзига ёш келди.

— Моможон, ахир у — келинингиз-ку! — деди. — Сизди онасидай кўради...

— Увв, мен ўлай, — деди кампир ва қикирлаб кула бошлади. Кўрпача четида ётган кир қийикни олиб бошига ёпди, сочларини бостирган бўлди. Оёғига кўзи тушиб: — Бод, — деб шивирлади. — Бод бу... Мени опкетеди...

«Опкетса, тезроқ опкетсин-е!» деган ўй кечди Ўсарнинг кўнглидан. Аммо тагин шу ўй дилидан ўтгани учун ўз-ўзидан азобланиб кетди.

— Йўқ, моможон, — деди. — Ўлимни ўйламаслик керак. Киши ўзига умр тилаши керак.

— Ҳў, умрди сизларга берсин, — деди момо. — Бизди ишимиз пишган... Тушимга бобонг киради. «Ҳалиям журибсанми?» дейди. — Момо кулибгина қўйди. — «Ҳа, журиппан, дейман. Омонатини олмаса, нима қилай?» — Сўнгра у Ўсарга ўйчан тикилиб қолди. — Кенжабой қаерда?

Нос отиб олган Ўсар:

— Шаҳайда, — деди. Ва бир зум бошини буриб, хўмрайиб қолди. Кейин хўрсиниб юборди. — Униям иси кўп-да, момо. Жўжалайи бой. Этажда туйади...

Кампир гап маъносини яхши уқмаган бўлса-да, бош ирғади.

— Омон бўлсин, қаерда бўлсаям... Меники эмас, давлаттики. Ҳа, ўзгинанг яхши журибсамми? Болаларинг... — Кампир яна ўйланиб қолди. — Болам, мен хаёллати бўп қолдим... Келинимгаям кўп азоб бераман. Кеча кечаси дарвозадан чиқиб кетиппан. Бечора кўтариб олиб келди. «Уйга қама мени! Мен ўлай!» дедим. Кейин у йиғлади, мен йиғладим. Қарилик шу экан... — Шунда бирдан илиққина жилмайиб, неварасига боқди.— Бирон-бирон жойга обориб адаштириб келмайсанми?

- Нима-а? — деди Ўсар ва носини йўлгага туфлаб ташлади. — Эсингиз жойидами?  
— Энди, — кампир илжайганча давом этди: — бўлган экан-да қадимда...  
— Қадимни қўйинг! Бир нарса едингизми?  
— Жедим. Экки бўлак қанд билан нон берди келиним. Илойи, барака топсин... Хой, — деди сўнгра мўлтираб. — Уруш-пуруш бўладими яна, болам?  
— Нимага? Уруш йўқ энди, — деди Ўсар ўрнидан турмоқчи бўлиб. — Давлатлар ярашганига минг йил бўлди.  
— А, нимага қимматчилик бўлармиш?  
— Ким айтди? — Ўсар шолча четини тутганча кўзгалди. — Тавба... Хожар айтдими, энасини... Кампир кулди.  
— Ҳазил... Сўк, сўк. Тус бобонгга ўхшайсан... Умринг ўхшамасин, илойи. Вой, мен сонимди очиб ўтириппан-ку, ўлай мен... Бод бу... Бобонг ўлгандан кейин қор кечиб, чўпчак йиғиб, тандир қизитаман деб... Хувв...  
Ўсар шолча четини ташлавориб, керишди.  
— Хожар, ниманг бор? — дея кўприкчадан ўтиб, ярим газ баланд супага сакраб чикди.  
Хожар урчуғи билан эшилмаган калавасини четга қўйиб, ихраб ўрнидан турди.  
— Нима деди момонгиз? Яна ким ёмон — мен ёмон... Кечаси уйқу йўқ, кундузи — тиним. Уф, шу кизингиз ҳам одам бўлсин, жойини топиб кетсин, мен ҳам кетаман...  
— Ҳа, кетасан... Ўлигинг чиқади бу ватандан, — деди Ўсар. У кўрпачага чордона куриб ўтирди. Кейин, бугун бир неча марта томири тортган оёқларини ёнига узатиб юбориб, лўла болишни кўлтиғига олди. — Худога шукур, ўзига шукур, — деди мамнун тортиб. — Кампир! Буёғига яхши бўп кетади!..  
Мақсад момо эридан қолган уйчада яшар, уйча пешайвони ҳалиги шолча билан тўсилган эди: кампир ҳадеганда чиқиб кетавермасин ҳамда... биров-ярим келганда унга кўзи тушмасин учун. Момо шишган, юзида окиш доғлар пайдо бўлган, бунинг устига, чиндан ҳам хаёли кирди-чикди эдики, уни бировларга кўрсатишдан ор қиларди келин, зеро келиннинг бу тадбири Ўсарбойга охири маъкул тушганди. Бироқ кампир барибир кечаси бир неча марта пастга тушади...  
Кундузи ухлайди-да, кечаси уйғоқ: гоҳо ўзидан-ўзи (балки кўрққанидан) хассаси билан эшик-деразани уриб, кимларнидир сўқади ва гўё аллакимлар билан гаплашади...  
Ўсар Хожарга уйлангач (уйланганига йигирма йилдан ошди), ана шу эски уйчага тақаб бир дахлиз ва бир меҳмонхона-ётоқдан иборат бошпани куриб олган эди: ҳамон шу бошпана — буларнинг кўрғони.  
Хожар ана шу «кўрғон» айвончасига чиқаркан:  
— Яхши бўп кетади? Нима яхши бўп кетади? — деб бурилди. — Яна нашани уриб авария қиласиз...  
— Бўлди-и! — бўкириб юборди Ўсар. — Ҳе, энангди... Мен нима ғамда-ю, бу нима дейди! Оғзингдан чиқиб ёқангга ёпишсин, силкасал! Ҳа?  
— Сиз мени сил килдингиз.  
— Вей, энанг нима касал билан ўлиб кетди?.. Бўл, бўл! Қорин оч...  
Хожар ух тортиб, чайқалиб дахлизга кириб кетди. Ўсар яна керишиб: «Ах, қўл чиқиб кетган экан-да, — деб ўйлади: у машина педалларини босишдан «оёғи чиқиб кетгани»ни кўзда тутарди. — Майли. Ана энди бир машина тош — ўн сўм... Йўқ, ҳадемай йигирма-ўттиз сўм бўлади, — дея ўйини давом эттирди. — Хўш, кечаси ташийман... Завгарга яна бериш керак. Иўғасам, мошинани чиқартирмайди гараждан. Ҳе, энағар...»  
Унинг барибир кайфи жойида эди.  
Хожар инқиллаб-синқиллаб бир коса димлама олиб келди. Четда четлари қатлаб қўйилган дастурхонга ишора қилиб, яна изига қайтди. Ўсар дастурхонни узалиб тортиб, очди. Қора-қора гўшгларидан сарғиш-сарғиш картошка ва бўккан нон бурдалари кўп димламани қўли билан олиб тушираркан, чодир-шолча қимирлаётганига эътибор қилди-ю: «Момомга омак бердингми? — дея сўрамоқчи бўлди. Хотини яна айвонга етган эди, тилини тийди: кампир эшитади. — Лекин барибир ҳидини сезди», деди ичида ва таъби хира бўлиб, баттар жаҳди чиқа бошлади.  
— Хой!  
— Чой қўйдим, — деди хотини.  
— Чойинг... — «Бўлмайди. Бу ишни бирёқли қилмасам бўлмайди! — деб ўйлади-да, қўлидаги картошкани косага ташлаб, бунга сари фиғони чиқиб (егиси келяпти!), ирғиб турди. Шунда чарчоқ ҳам

ўзини билдириб ва бир алами ўн бўлиб, супадан сакраб тушди.

Ялангоёк югуриб бориб дахлизга кирганди, икки оташхонали газ-плита ёнида турган Ҳожар таппа ўтириб олди.

— Урманг-урманг, отаси.

Бу гапни эшитиб, Ўсарнинг ургиси келиб кетди. Ҳатто қўлиниям кўтарди-ю, сўнгра ўзиям шилк этиб, кигизга ўтира қолди.

— Ҳой, менга қара, — деди хириллаб. — урмайман. Урсам, қўлим синсин.

— Нима?

— Кампир, менга айт, — деди Ўсар бошини эгиб. — Шу момом ортиқчалик қиялпими, а? — Бу гапни илк бор тилидан чиқаргани ва, демак, қулоғиям эшитгани учунми бутун вужуди титраб кетди. — Айт, хотин, — деди йиғламсираб. — Айт... Энасини урай бу дунёни, бирим икки бўлмади. Эртадан кечгача ишлайсан, қизинга бир тупли оберолмайсан. Бу нима... — Кейин ўнг қўлини чойнақдай мушт қилиб, ўзининг чаккасига бир туширди. — Бу каллаям вақтида ишламаган. Кенжа ўқисин, шу одам бўлсин деб рабобчилик қилиб кетдим. Мана, уям ўз кунини кўриб кетди...

— Бачадан нолиманг, — деди шунда Ҳожар. — Чорбоғди ташлаб кетди-ку?

— Гапти бўлма! — Ўсар энди кигизни муштлади. Кигиздан кўтарилган чанг димоғига уриб, негадир наша чеккиси келди. Бироқ бир тутун олсаям тўпиғига сув чиқмай қолишини яхши билгани учун, йўқ, момоси йўриғидаги «иш»ни, ниҳоят, «бир ёкли» қилиш аҳдида туришни ва «бир ёкли қилиш»ни шарт деб билиб: — Айт! — дея яна хириллади. — Айтмасанг, ё сени, ё ўзимни бир бало қиламан.

Хотин деворга тикилди.

— Менинг у кишига ёмонлигим борми?

— Ёмонлигинг йўқ... Биламан. Кампир ҳам сендан рози... Лекин сени ўйлаганинг бор... — Усар хотинига кўзлари қонсираб тикилди. — Мен сезиб юриппан... Ҳа, мени аҳмоқ дема! Ҳе, сен ушлаган товукнинг думпатини узиб қўйганман!

— Ахир...

— Гапир. Ичимди еб кетяпти... Очман. Сениям еб қўяман, энағар.

— Энамди сўкманг.

— Бўпти, сўкмайман.

— У раҳматли мен бахтсизни тукқанки, сизди уйингизда чўрилик қип журиппан...

— Ух! — Ўсарнинг юраги эзилиб кетди: Ҳожарни яхши кўради, Ҳожарни яхши кўриб олган... — Мени кечир, — деб юборди бирдан. — Сени чертишга қўлим бормайди, шундай яхши кўраман! Лекин... тилинг ёмон...

— Мен ҳам сизга... азоб берай деб гапираманми... — Ҳожар пиқ-пиқ йиғлаб юборди.

Уни кўриб Ўсарнинг ҳам кўнгли бузилди.

— Гапир, — деди ҳиқиллаб. — Муддаони айт... Бўлди, йиғлама. Йиғлама деяппан! — дея бақириб юборди. — Яна пиқ этсанг, айлантириб соламан, энанг... Астағфурилло! Одамни копир қилиб юборасан-а!

— Мен, мен сизга... — Чайналиб гапира бошлади Ҳожар. — Сизга момонгизни у қилинг-бу қилинг деганим йўқ. У киши — мениям момом... — Унинг кўзидан яна ёш қуйила бошлади. — Қизингиз техникумига кетади. Ўзим касал...

— Энди сени дўхтирга кўрсатаман. Бошингни кўрсатаман! Тошкентга обораман! — деб юборди Ўсар ва аёлининг синиқ жилмайганини кўриб, энди чап мушти билан ўзининг бу чаккасига солди. — Ўлай агар, қасам ичаман!

— Майли, раҳмат. Ўзингизни урманг, — деди Ҳожар. — Ўзи сиз каллага уришни одат қипсиз.

— Бас! Хумори тутаётган бўлса...

— Вой, худо.

— Айт!

— Уф, энди бир марта оғзимдан чиқиб кетиб эди-да.

— Ҳа, балли!

— Ахир, тузук-тузук кишилар ҳам...

— Ҳа-ҳа.

— Анави... — Аёл тагин инграб йиғлашга тушди. — Ўлай агар, мен ўйлаб топган бўлсам...

— Ўйлагансан. Ўйламаган бўлсанг, ўша гапти айтмас эдинг! Хўш, нима эди у?

— Ахир, биласиз-ку? — Баттар хўнграб юборди аёл. — Бошда... ўзингиз топиб келган эдингиз ўша гапти!

— А-аа, ўзимми?

— Ҳа!

— Маладес. Кейин сиз нима деб эдингиз? А? — Тагин хайқириб қолди Ўсар.

— Астароқ гапиринг, э, — ёлворди келин. — Кулоғим очиқ ахир. Менга қаранг, чолжон... Овқатингизни женг. Қорнингиз оч, жаҳлингиз чиқяпти.

— Йўқ, Ҳожар, — деди Ўсар. — Пичоқ бориб суякка қадалган. Энди бу ишни орқага суриб бўлмайди... Бугун ҳал қиламиз, бугун! Эшитяпсанми? Ҳозир...

— А яна нима дейин?

— Ҳали айтдингми гапингни?

— Ух... — Аёл бирдан эрига бақрайиб қолди-да: — Ҳа, — деди сўнгра овозиям ўзгариб. — Шу момонгизди... шу қариялар детдомига оборсангиз... нима бўлади деб эдим. Сиз нашани уриб олган эдингиз, хўп кулдингиз. Эртаси урҳо-ур... Мана, чаккамди ёрдингиз.

— Ҳа-а, хўб иш қилган эканман-да. Қани, қайси чаккангди ёрибман экан? Энди соғини кўрсат... — Шундай деди-да, икки қўллаб кигизни муштлади. Яна гуп этиб кўтарилган чанг афтига урилди. — Ҳе, энасини... бу ҳаётти...

У сапчиб туриб эшикдан ташқарига қаради, беихтиёр кўзи катта ёнғокнинг барги тўкилиб сўппайиб қолган шохларига тушди. Бир шохга кўниб турган чуғурчуқлар дув кўтарилди. Ўсар маҳзун тортиб: «Ҳе-е кетди... Момоям кетади. Шу, шу ёнғокниям экиб ўстирган-а! — деди. — Ҳа-ҳа, анави ўрикларниям, беҳи, қизил олма, лойхонадаги олчалар... Бу дарахтлар ҳам кампирнинг болалари. Ўзи шундай дер эди... Ажаб, дарахтлар одамзотдан эрта қарир экан-а? Йўқ, булар тенг қартайибди, чамамда. Бироқ барибир момом ўлгандан кейин ҳам бу дарахтлар ҳосил бераверади: бизга...»

— Чол, — деди Ҳожар.

— Нима? Кўр бўлгир! — деди Ўсар. — Қара, биз учун ўстирган бу боғни! Се-енинг болаларинг учун, ғалча! Мевасига невараларимнинг оғзи тегаети деб... Э-э, фалак! — Ўсар титраб-қақшаб, бир нималарни остин-устин қилиб юборадигандек шишиниб кетди. Сўнгра минғирлаётган хотинига қараб: — Ҳой, нокас, обориб... обориб ташлаб келолмайманми? — деб юборди бирдан. Бу гапидан ўзи хайрон қолиб ҳамда ниҳоят, тополмаётган нимарсасини топгандек бўлиб авж қилди: — Йўқ, мен ҳазиллашаётганим йўқ.

— Вой, бас, — деди келин. — Яхшиси, мени обориб ташланг ўша ғарибхонага.

— Сени? Сени бўқиртириб ишлатади-ку у ерда! — Ҳайқириб қолди йигит. — Нодон! Бунинг топган гапини қаранг!

— Бў-ўлди, бошқа гапирсам, ўлай.

— Сен ўлмайсан, минг гапирсанг ҳам ўлмайсан. — Ғудирлаган кўйи боз оташин бўла бошлади Ўсар. — Шу кеча... Йўқ, эртагаёқ минғир-минғирни бошлайсан яна.

Шунда Ҳожар яна эрига боқиб қолди-да, секин туриб эшикка йўл олди.

— Ҳа? — деди Ўсар узади.

— Тортинг кўлингизни...

— Яна нима бўлди? — Шунда йигитнинг юраги қаттиқ сикилиб кетди: нимага бунча гапиряпти? Майда-чуйда гаплар... Ахир, муддао аниқ-ку.

«Шошма, бирон ҳаптага обориб қўйсам-чи, ўша етимхонага?» — деган ўй келди хаёлига. Ва бу «режа» унга шунчалик маъқул тушиб кетдики, бу ўйнинг илгарироқ келмаганидан ҳатто хайрон қолди: ахир, бир ҳафтада кампирнинг қадри ўтади, пушаймон ейди бу... Бунинг устига, кўни-кўшнларнинг таънасига чидолмайди... Ёки, уларга билдирмайдими? «Укалари Кенжаникига обориб қўйдилар. Соғинган эканлар», дейди. Лекин Кенжа бу «иш»ни билса, роса йиғлайди... Балки кампирни ўз уйига олиб кетади...»

Бу орада хотини Ҳожарнинг ғоят изтиробга тушиши — ўзини минг бор лаънатлаши ва, демак, Ўсар «тантана» қилиши — хотини устидан мардона кулишини ўйлаб:

— Бўлди! — деди. — Момоннинг уйига кир. Ул-булини йиғиштир... — Хотини унга бақрайиб қолди. — Сенга айтяпман, кўзинг ўйилгир! — ўдағайлади Ўсар. — Бўлди, муддаонга етдинг...

Эннасини... бу дунёни! —

Кейин ўзининг гаплари ўзига кор қилиб, кўзларига ёш тўлди. — Бу ҳукумат номард экан, энағар... Кампирни ишлатиб-ишлатиб, охири пенсия ҳам бермади... Хайрият, отам урушда ўлгани учун ўттиз сўм беради...

— Бўлди қилинг, шахдингиздан тушинг, — эрининг елкасигами-ёқасигами кўл узатган эди, Ўсар тисланиб кетди.

— Йўқол! Бор, айтганимни қил!

Ҳожар изига қайтди-да, газни шартта ўчириб, бояги жойига ўтириб олди.

Ўсар уни тепадигандек хезланди.

— Турмайсанми?

— Йўқ,

Ўсар бир зумда уни сулайтириб ташлашни ўйлади, аммо ўзи касалванд, ўлиб қолса...

«Йўқ» деяпти-ку? Пушаймон ея бошлади ҳозирдан. Тўхта, бир иш қиламанки, ўзи югуриб қолади»...

Ана шунда Ўсар шодон қаҳқаҳа отади.

У илдам юриб айвонга чиқди-да, айвончани бу ёқдан ҳам тўсиб турган шолчани шарт тортиб юборганди, шолчанинг супага қараган томониям шалоп этиб ерга тушди. Айвонга куёш нури ёпирилди.

Мақсад момо тагин очилиб қолган бошига қийғини ёпмоқчидек пайпасланиб, охири кафтлари билан тепасини пана қилган бўлди.

— Момо! — деди неvara овози хириллаб ва туйқус йиғламоқдан бери бўлиб бақирди: — Кенжангиз чақиряпти экан сизни! Кенжабой!.. Биттаси айтиб кетди...

— Ким? — деб пичирлади кампир ва юзи ёришиб, кўзлари ёлқинланиб кетди. — Кенжа?

— Ҳа! Сизни меҳмонга айтипти! — деди Ўсар бир табақали, занжири тепага илинадиган эшик томон юриб. — Мундай одамга ўхшаб боришингиз керак. Бошқа кийим-бош бордир... — Кейин нариги уйга қараб бақириб юборди: — Ҳожар! Баққа ке!

Ҳожар эшик оғзига келиб турган экан, дарров қаради.

— Нима?

Ўсар кўзларини ола-кула қилиб, кампирга ишора қилди.

— Кийинтир момомди! Ахир, ахир... айтдим-ку.

Кенжа уйига чақирипти деб! — Сўнг жилмайди. — Ёки...

Эр-хотин узоқ муддат бирга яшаса, бир-бирининг важоҳатидан нима демоқчи бўлаётганиниям сўзсиз билиб кетишади. Шундайки Ҳожар англади: эри «Ёки... ҳазар қиласанми?» демоқчи.

Ҳожар каловланиб буёққа йўналди.

— Қани, тез бўл! Ҳим, яна ул-були бўлса, униям ол... Бўғча қил!

Ўсар шундай деб айвондан тушди. Кўприкчага етганда супадаги дастурхонга қаради-да, жадал бориб унинг четидан тортиди. Димламани апил-тапил еб олиб, бармоқларини ялай-ялай дарвозага қараб кетди.

Унинг кўнгли хийла тинчиб қолган эди. Момони Кенжанинг уйига обормаслиги аниқ. Лекин етимхонагаям обормайди-ю...

Бирон ўн дақиқадан кейин Ўсар бодомгулли чит кўйлак кийиб, бошига дока рўмолини ўраган кампирни кўтариб юк машинасининг кабинасига ўтқазмоқда эди.

Кампир ўрнашиб олгач, кўлларини кўксига тутиб, кўзида ҳалқа-ҳалқа ёш билан оёққўйгич қошига келган Ҳожарга:

— Мен сал кунда қайтаман, келинжон. Бу боғдан, сизлардан ажралиб яшолмайман, — деди. — Ке, бир ўпай... Ох!

— Моможон, тез келмасангиз, ўзим бориб опкеламан, — деди Ҳожар.

— Бе, мана мошина... Асалжонимдан айланай! Ғир этиб боради-ю, обкелади-да момосини. Сельсоветдан телефон қилиб тур. Овозингни эшитиб турай... Келинжон, невараларимга эна сути бермаган бўлсам ҳам, эна бўлиб боққанман... Хув, у кунларни худо кўрсатмасин!

Ўсар хотинини тирсаги билан туртиб юбориб, эшикни ёпди.

— Қолганини менга айтасиз!

Момо кийкиллаб кулиб, машина дерзасидан кўлини чиқармоқчи бўлди: бармоқлари ойнага тегиб қайтди. Ва келинига: «Бунинг гапига парво қилма. Ҳазилкаш-да» дегандай жилмайиб, ҳар иккала кўзиниям қисиб қўйди.

Кампир беҳад шод эди. Шодлиги шунчаликки, эси-ям буткул ўзига келгандай...

Ҳожар рўмолнинг учи билан кўзини артди, сўнг уни оғзига босиб тисланди.

Ўсар машинани тартарлатиб ва бирдан силкитиб ҳайдаб кетаркан, негадир чўзиб-чўзиб бубуплатди.

— Момо!

— Лаббай, жоним.

— Анави ердан ушланг. Ушланг деяпман... Ҳе, энағарди момоси! — Ўзи ўнг кўли билан кампирнинг даст-панжасини олиб, ғаладоннинг тутқичига кўйди.

— Ҳа, мундайчикисиям бор экан-да... Айланай меҳрибонимдан... Сизларни ҳалол едирдим, ҳалол кийдирдим. Худога шукур. Эшитгансан, бобонгди «вираг нарог» деб отишганда, биздан етти чақирим тгарига қочиб эди қариндошлар ҳам. Ҳа, «халқ душмани»нинг беваси эдим-да.

— Халқ душмани эмиш...

— А? Ҳа, унинг нимаси душман эди? Иккита қўш хўкизи бор эди бор-йўғи. Отанг билан лалмикорда ер ҳайдар эди...

— Бобом ҳукуматга бермаганми ўша хўкизларни?

— Саман отини бериб эди. Нукра жуганлари билан... Хув, оптўймас, ебтўймас экан бу ҳукумат. Охири хўкизларгаям кўз...

— Давлат деб гапиринг!

— Ҳа-е... Лекин давлат барибир адолатли экан. Бобонгди оқлади-ку оқибат.

— Ҳа. Ўлдириб бўлиб кейин оқлади.

— Ҳаммаси худодан... Шукур қил, болам, шукур қил. Урушдан кейинги очарчиликда бешталаб боласи ўлганлар бўлди. Бир кечада. Худоё, тавба қилдим...

— Тавба қилинг, тавба қилаверинг... — Ўсар машинани суриб тор кўчадан чиқараркан, чамбаракка шап-шап уриб: — Дод! — деб кўйди. — Урдим нашани, сурдим пашани деган экан бир Нуркул деган авлиё!

Машина катта кўчага тушгач, тўғрига йўл олди. Ўсар тезликни ошириб ва ҳар қадамда сигнал бериб, гўёки ўзининг қандайдир «Борса қайтмас»га бораётганидан ўткинчиларни огоҳ этаётган каби кўзи илғаган таниш-билишларга беихтиёр бош ирғаб, қишлоқдан чиқа бошлади. Ниҳоят, қишлоқ сойи қиртоғига — қизғиш товатошлардан иборат қир бағрига илонизи бўлиб ўрлаган йўлга тирмаштириб, ҳадемай ўрқачга чиқарди машинани ва у ёғи — адирга туширди.

Бепоён текис дашт. Асфальт бузилмаган, бироқ ёзда эригани бўйи қат-қат бўлиб қолган. Йўлнинг ўнг томонида — йирокда Қоратоғ тизмалари туман ичида мудраб ётарди. Чўккиларда булут карвонлари судралади.

— Момо!

— Ҳа. Жон... Вой, кўллариңдан! Бир ҳайдаяпсан, беланчакда ётгандай маза қияпман... Ҳи-ҳи-ҳи. Қариликка йўрғалик... — Кейин Ўсарга анграйиб қаради. — Сен Асалжон-а?

— Ҳе, энағар... Бошладингизми яна?

— Нимани?

— Талмовсираманг.

— Вой... — Кампир жимиб қолди. — Кенжанинг уйига оборяпсан-а мени? Нечта боласи бор унинг? Уф, эсар бўп қолдим, болам.

— Борганда, санаб биласиз, — деди Ўсар, — Санайсиз... — Шунда жигарбағри бўғзига сапчигандек бўлиб энтикиб кетди: «Кенжаникига оборсам мабодо... Нима деб топшираман буни? Ўзи тўртта боласи билан домда сиқилиб... Гап шу! Момомни бирон жойда бир-икки соатга қолдириб, қайтаман! Шунинг ўзи Ҳожарга етади...»

Сўнгра кампирни шу атрофда... бирон ерда қолдиришга жой излаб, олдинга ва ён-атрофларга кўз сола бошлади: анави юлғунзордаги оқ туғ кўтариб ётган қабр — Хотин шаҳид... Иўлтўсарлар ўлдириб кетишган бечорани. Ҳим, хавфли жой...

Буёқдаги сойликда пана жой йўқ: тошлоқда ўтирган кампирга ўткинчиларнинг кўзи тушади, қизиқишади.

Шунда олисда — йўлнинг икки четида иккита пакана ғужумдек бўп кўринаётган дарахтларга — қўш тутга кўзи тушди-ю, туйқус шодланиб кетди.

Қўш тутни шофёрлар «дарвоза» дейишар, у қандайдир даражада бекат ҳам эди. Ўсар эсини



танигандан бери биладики, шу тутлар бор: бундан ўн-йигирма йиллар бурун ҳам улар — қари, томирлари ер бағирлаб-букчайиб ўсган, кучокқа сиғмас танасида пўстлоқлари кам қолган, доимо чакалак-каллакланган шохлари орасида митти жиблажибонлар чув-чувлаб юришар эди; ҳамма вақт отли-эшакли йўловчилар туман марказига келишаётгандаям, чиқиб кетишаётгандаям шу тутлар тагига кўниб, бироз хордиқ олишар, уловларини суғориш учун йўлдан сал нарида қоқ бор эдики, ёзининг жазирамасида ҳам унда сув бўларди.

Ўсарнинг «ГАЗ-157» машинаси ана шу «дарвоза»га етган чоғда бирдан тормоз берди-да, сапчиб кетган кампирни бир қўлида қучганича уловни йўлдан чиқариб тўхтатди.

— Вой, нима бўлди, болам?

— Ҳеч нима, ҳеч нима... — деди Ўсар ва худди ўғрилиққа тушаётган сингари алланечук кўркув-ҳадик ила: — Тушайлик, момо, тушайлик, — дея эшикларни ланг очди. — Мен радиаторга сув қуйиб олай.

Буёқдан айланиб келиб, қўлини чўзди ва бирдан кампирни кўтариб олиб, тут остига элтди. Оёққа кўйиб: — Суянинг! Ўтирманг, — деганча изига қайтди.

Кампирнинг бўғчасиниям келтиргач:

— Бунинг устига ўтиринг!.. — деб қандайдир дағдаға қилди-да, тисланиб, йўлнинг уёғи ва буёғига бокди: ҳеч қора кўринмасди.

Мақсад кампир тугунига ўтириб-ўрнашиб, тутнинг танасини сийпалади.

— Вой, қабиғини мол ғажиган, а? — деди. Кейин Ўсарга қараб кулди. — Нашага чўғ бўлади деб олишган.. Сен наша чекмайсан-а, Асалжон?

— Чекаман! Биласиз-ку — деди Ўсар. — Хўш... — У ўзи англамаган ҳолда кўзларида бояги кўркув, тагин ҳаяжон-хижолат ва ўта сергаклик билан кампирнинг қошига келди. Унга қаттиқ тикилди-да: — Қимирламай ўтиринг, эшиттингизми? — деди.

— Ўтириппан-ку, Асалжон.

— Ана, қокти суви қуриган экан. Ана... Орқага қайтмасам бўлмайди. Ўн минутда келаман.

— А, қаерга борасан?

— Айтдим-ку, сувга!

— Майли-майли. Бор, болам. Мен ўтираман... Мошинанг кўп лўхшиди. Дамимди оламан... Айланай сендан. Муни қара, дунё кенг-а, тавба...

— Дунё — торга тор, кенгта-кенг экан, момо! — Ўсар ихтиёрсиз бир ҳолда Нурқул нашаванднинг ҳикматларидан яна бирини айтиб юборди ва бу гап иттифоқо ўзига таъсир этиб: «Биз — тор, мен — тор... — деб ўйлади. — Кенжаям билади мени. Бекорга «инжиқсиз» демайди. Бу ҳаёт нервиний қилиб кўйган бўлса, нима қилай? Ахир, Ҳожарниям яхши гап билан овутсам бўларди. Нуқул унга аччиқма-аччиқ гапираман. Қўлим ҳам...

— Беш минут! — деб бармоғини ўқталди кампирга. — Хўп, ярим соат... Тушундингизми? Биров гап сўраса, жавоб берманг!

Кампир шунда қиқиллаб кула бошлади.

— Нимага куляпсиз? — деб бирданига дўқ қилди Ўсар. Ва яна кўнгли бузилиб кетди. — Моможон...

— Ҳе, ўзим... Қадимда бўлар экан-да, — деди момо кўрсаткич бармоғини букиб, кўзларини артиб. — Шу-шу... қариган чол-кампирларди обориб-адаштириб...

— Алжиманг!

— Хаёлимга келди-да.

— Бўлмаса сиз ана шундай хаёл сури-иб, ўзингизни алдаб ўтиринг, мен тезда қайтиб келаман.

— Хўп-хўп, отажон, — деди кампир ва гангиб қўлини фотиҳага очди. — Илойим, эсон-омон бориб кел. Йўлинг оқ...

— Ҳей-ҳей! Нималар деяпсиз? Ҳозир келаман деяпман-ку, энағар!

— Яна хаёл...

— Хаёлди жойига кўйиб... а? — Ўсар яна таҳдид қилган бўлиб тисланди-четланди ва яна бир дақиқа бу ерда турса, кампирни олиб уйга жўнайдиган каби отилиб машина ёнига борди. Ўтолдиргич калитини изламокчи бўлди-ю, мотор тир-тирлаб турганидан вақти хуш бўлиб, кабинага кириб ўтирди.

Кейин шалоқ машинани гуриллатиб, «дарвоза»дан тўғрига ўтказиб кетди: кампирга қарагиси келди — ўзини тийди. Бирон юз қадамлар олислагач, яна қарашни истади: аммо қараса, тагин бир кор-хол

бўладиган сингари тезликни оширди-ю, сойликка энавериб, такка тўхтатди: қаёққа боряпти?

Ўзиям хаёллати бўлиб қопди.

Ахир орқага буриб, тагин кампирнинг олдидан ўтказиши керак-ку машинани?

Тезроқ уйга етиши керак!

Шунда унинг яна йиғлагиси келиб кетди: «Бутун ҳаётини бизларга бағишлади шу кампир. Бобомдан қолганида ёш бўлган-ку! Лекин эр қилмаган... Энағар энам бўлса, отамдан келган извишенини ўкибоқ феъли айниган. Укам билан мени ташлаб, бир дизиртирга эргашиб кетган...

Момом чапак чалиб қолаверган.

Куйган банда бу... «Энди мен ҳам мазах қиялман!»

Ўсар шу алфозда яна машинани тўғрига ҳайдаб кетганини билмай қолди. Машина тошлоқда чиндан ҳам уф-уфлаб тўхтаб қолганидан кейин ўзига келди.

Ҳа, радиатор иш кўрсатмоқда эди...

У йиғлаб юборди-да, копотни очиб қўйиб, қайноқ буғнинг кўтарилишини бир оз томоша қилгач, пачоқ челақни олиб булоқ излаб кетди.

Алқисса, аллақанча вақтдан кейин шалоқ машинани қайтариб қишлоқ йўлига туширди. Тутлар орасидан шитоб билан ўтди. Ва қишлоққа яқинлашганда...

...Қай кўз билан кўрсинки, қаршисидан келаётган таниш юк машинаси устида...

Ҳожар тик турганча кабина томига қўлларини тираб келмоқда, рўмоли учларини тишлаб олган эди.

Ўсар машинани йўл ўртасига буриб тўхтатди.

Кабинадан бошини чиқарган таниш қариянинг саломига ҳам алик олмай, ойнадан қўлиниям чиқариб бақирди:

— Ҳей! Баққа туш, энағар!

Ҳожар эрини таниб, титроқли илжайди-да, кузов ортига қараб кетди. Ўсар унинг ерга тушиши мушкул экани учун ўзи кабинадан чиқди, айланиб бориб, хотинини кўтариб олди. Ёшли кўзларига тикилиб:

— Ҳа? — деди ва... унинг нега йўлга чиққанини тусмоллагани ҳолда: — Гапир! Қаерга бораяпсан, энағар... а? — деб бақира бошлади.

— Секин, секин, — деди хотин бошини эгиб ва чап қўлини кўксига босиб.

Шунда нариги машина қимирлади. Йўл ёқасига чиқди. Ўсар беихтиёр хотинининг биллагидан ушлаб, ўз машинаси томон йўналди. Анави «ЗИС» ўтиб кетгач, иккисиям чангга беланиб ва қўлларини пашша ҳайдагандай қилиб кабина қошига етишди.

— Хўш? — деди Ўсар. — Уйга қайтамиз-а? Момо қо-олди... Юрагинг совудими, ҳароми? Энди яйлов кенг бўлади сенга! Боғда жавлон урасан, силкасал! Хотин унинг қўлларини ўпа бошлади.

— Ундай деманг... Ёлтон гапиряпсиз... Борсангиз, ўзингиз боринг ўша бокқа... уф, ўламан. — Кейин Ҳожар чинқириб юборди. — Қайтаринг мошинани! Ҳе, невара бўлмай ўлинг! Машинани қайтаринг!

Ўсар қаноатланиб — томоқ кириб, кабинага кирди. Мотори тагин ўчирувсиз қолган уловини юргизиб, айлантириб келди. Ҳожар йўлнинг бу томонига ўтиб, ичкарига аранг кириб ўтирди-да, туткичдан маҳкам ушлаб, бошини эгди.

— Ҳа? Пушаймон қиялсизми? — деди Ўсар машинани ҳайдаб. Хотин миқ этмади. — Баттар бўл! — кейин яна мамнун бўлиб кетди...

Сўнг... момосини қўш тутда сарғайтириб... қолдириб келганидан...

Йигитнинг чунонам алами келиб кетдики:

— Ух, — деб ихради. — Нимага туғилдим мен? Шу азобларни чекиш учунми?.. Бировлар туғилганидан шод, димоғи чоғ! Уйида тинч, қулоғи тинч... — Кейин, носқовокни тишларига тик-тик уриб нос отди. — Гапий!

Хотин яна чурқ этмай олдинга боқди. У қандайдир шишинқираган, ковоқлари осилиб кетган, фақат кўзлари ғилтилар эди. Ўсарнинг аёлига яна раҳми келди-да, туйқус унинг эгидан ўнг қўли билан кучиб қўйди.

— Билардим.

Ҳожар кўзини йўлдан узмай сўради:

— Қаерга обориб ташладингиз у кишини?

— Қаерга, қаерга... Детдомга-да! Билдингми? Хурсанддирсан?

Хотин минғирлади:

— Йўқ. Детдомга эмас.

— Кенжанинг уйига! Бўлдимми?

— Бекор гап. Уйдан чиққанингизга бир соат ҳам бўлмади.

Ўсар ўнг кўли билан хотинининг башарасига уриб юборди.

— Анави шопир билар экан, — деди Ҳожар.

— Нимани? Нимани?

— Сизни, феълингизни!

— Ҳали унга айтиб бердингми, энағар?

— Ҳа..

— Вой, до-од!

Ўсар газни босди-я! Босди. Бояги «ЗИС» қайтиб келаётган экан, тўкнашиб кетишига оз қолди. Ниҳоят, жуфт тутлар кўринди. Аста-секин катталаша бошлади. Кейин Ўсар оғзини очиб, лабларини ялай бошлади: гоҳ ютинади, гоҳ хотинига ялт этиб қараб кўяди.

Ўсар машинани секинлатаркан, кампир суяниб ўтирган тутнинг тоққа қараган ёғигаям боқди: ҳеч нарса йўқ. Сўнг машинани сал нарига ўтказиб тўхтатди-да, сакраб ерга тушди. Чопиб дарахт тагигаборди, нега-дир тутнинг шохларига қаради. Кейин эса танани гир айланди ва кампир ўтирган ерга тикилди: чумолимиди—ерга кириб кетса?..

Ҳожар кабина эшигини очиб, эрига қараб турарди.

— Нима қияпсиз? — деб сўради.

— Э!.. Э, ху-до, энағар... — Ўсар оғзини каппа-каппа очиб нафас олганча, қоқ тарафга кўз отди-ю, кўлнинг у соҳилида уюлиб ётган тошлар, бодомча ва янтоқларга тикилиб қолиб, чуқур хўрсинди. — Туш энди... Этиб келдик! — деди. — Ҳе, пўкка... Сенга ким кўйиб эди йўлга чиқишни!

Ҳожар ўрдак юриш килиб келди.

— Н-нима гап ўзи?

— Нима, нима... — Ўсар тагин тош уюмлари ёққа боқди. Ва яна хўрсиниб юборди. — Худо урган бадбахтлармиз... Ў, у кампирнинг биз учун қилган ишлари! Ҳисоби йўқ... — Шунда кўнглига боз хавотир туша бошлади. — Эй, бўғчасиям йўқ-ку!

— Нима? Шу ерда қолдириб эдингизми?

— Момо-а! — деб чинқириб юборди Ўсар. Сўнг югургилаб қоқнинг бери томонидаги тош уюмлари устига чиқди. — Момо-оо! Хў, энағар, момо-о! — Шунда пайқаб қолдики, нариёқдаги қалама тошлар орти баралла кўриниб турибди: ҳеч зоғ йўқ. — Э, энангди... Ерга кирдими, осмонга чиқдими? — Оёғи остига ва кўкка қараб олиб, ҳовлиқиб пастга тушди.

Тут тагига келиб, йўлнинг у бошига кўз тикди, кейин бу бошига. Сўнг кампирни ўтказган ерига.

— Э, худо! Бу нима кўргулик? Мана шу ерга...

Букри томирга энди Ҳожар ўтириб қолди. Ўсар йўлнинг у бетига ўтди. Кейин тўғридаги сойлик томонга чопиб кетди. Етди. Булоқ суви тошчалар оралаб оқар, қандайдир ўтроқ қушчалар чий-чийлашар эди.

Ўсар додлаб, яна орқага қараб чопди. Тут остидан ўтиб, яна тошлар устига чиқди.

— Момо-о... — деди энди овози бўғилиб. — Ахир... — Шунда камшфнинг боя (Ўсар кетаётганда) кулгани, «Қадимда бўлган экан-да...» деганини эслаб: «Тагин биров-яримга алжиган бўлса...» деб ўйлади. Ва ўзини — Усарниям танимай қолиши ёдига тушиб, ҳолсиз шивирлади:

— Обкетишибди.

Йигит хотинининг ёнига келди.

— Балки анави шопир обкетгандир, — деди хотини.

— Ҳа, энағар-а, шарманда килдинг-ку! Йуқолган кампир «топилди». Аммо, у ёғини ёзиб ўтириш шартми?

## ХОРУН АР-РАШИД

Ғўлабир-миқти Мелибой Бўриев — вилоят фирқа кўмитасининг мафкура котиби бугун, ниҳоят, собиқ секретарнинг ҳовлисига жойлашиб олди, уйлар яқинда таъмирдан чиққани ҳам унга қўл келди: ётоғи — ётоқ, емакхонаси — емакхона, кутубхонаси — кутубхона бўлди.

Мана, оқибат, у болаларини ётқизиб, чокқина ҳовлини ҳам кезиб келиб, кутубхонасида, тўғрироғи, иш хужрасида, стол ёнида ўтирибди.

Ён томонидаги ҳарир пардали дераза қия очиқ, ундан тоза ҳаво киряпти. Ўқтин-ўқтин курвақаларнинг оғзига сув олиб ғарғара қилгандай сайрашлари эшитилади: баҳор-да.

Котиб концлагер маҳбуслари кийимини эслатадиган йўл-йўл оқ-пушти, юмшоқ кийимда.

У «ВТ»дан тутатиб, ўзича роҳатланиб хаёл суради: ипши бошлашга бошлади — институт, редакция, соғлиқни сақдаш бошқармаси бошлиқлари билан алоҳида-алоҳида гаплашди, — наздида, уларнинг дардини билди; собиқ котибдан нолишларини эшитиб жилмайди. Ўзининг ходимлари ҳам анча маъкул, яъники, хушомадгўй кўринди: хали уларни ҳам битта-битта билиб олади.

Умуман, иш яхши бошланди. Бироқ... бироқ ҳозирги талаб, хусусан, мафкура бобидаги «минг»лаб газеталарда ёзилаётган эътирозлар, бу йўриғда бошқача — ҳалигидай — умуминсоний кадриятлар дастуриламал бўлмоғи кераклиги, илло, партиявий мафкура кўп жиҳатдан ўзини оқламагани ва ҳоказоларни ҳам ҳисобга олиш лозимки, бу борада бош котирмай деса, Биринчи котибнинг қатъий талаби шу: партиянинг обрўсини кўтариш керак, дёмак, одатдаги партиявий мафқурани янгича-самарадор қилиш жоиз, бунинг илк шарти — халққа яқин бўлиш, демак, унинг қалбига кириш, хўш, унинг барча эҳтиёжларини билиб — ишни шунга мослаш...

Ана шу «халқ ичига кириш» масаласи Мелибой Бўриевни кўпроқ ўйлатар, бу гап ҳамма вақт бўлган, депутатлик жўнидан сайловчилар билан учрашиш ҳам, пахта терими маҳалларида «Волга»ни йўл бўйида тўхтатиб, уват бошида теримчилар ила тўрт оғиз гаплашиш ҳам — «халқ ичига кириш» ҳисобланардики, энди ўша тадбирлар Мелибойнинг ўзигаям кулгили туюларди: демак, қандайдир бошқача йўл тутиш лозим.

У қандай йўлки, ох, партиянинг обрўсини бир кўтариб берса! Унга одамларнинг ихлосини бирдан ошириб, дейлик, Биринчининг олдида юзи ёруғ бўлса!

Лекин начора...

Мелибой ана шундай жиддий ва мураккаб ўйлар оғушида эса-да, унинг кайфи чоғ, «ВТ»ни роҳатланиб тутатар ва юмшоқ креслодан тургиси йўқ эди.

Бир маҳал керишиб, сигарет қолдиғини биллур кулдонда эзиб, кўзғалди. Ва беихтиёр дераза томонга йўналар экан, қаршисидаги қизил жавон ичида — токчаларда ярқираб турган китобларга кўзи тушди. Чамаси, уларни томоша қилиш — қандай жойлашгани, дейлик, «Дунё адабиёти дурдоналари» кўзга дафъатан яққолроқ ташланадими ёки «Лениннинг жилдлари», ана шу ҳолниям бир қур кўздан кечиргани жавон олдига борди-ю, энг юқори токчада кўримсиз бўлиб, хатто бу гўзал «манзара»га ёпишмайроқ турган бир саф асарларга тикилиб қолди.

— «Минг бир кеча», — деб пичирлади. Кайфияти янаям кўтарилиб, шўхлиги тутиб, улардан бирини бармоғида тортди. Олди. Бу асарларнинг аксарини ёшлигида хатм қилгани, улардаги севги саргузаштлари кўп замонлар ёдидан чиқмай юргани хотирасида уйғониб, яна стол ёнига қайтди. Китобни тахта ойна устига қўйиб, таваккал очди-да, кўзойнагини олиб тақди.

Ҳарфлари йириклашиб кетган саҳифанинг илк қатори:

«Бағдод халифаси Хорун ар-Рашиднинг вақт-вақти билан тунлари дарвиш либосини эгнига илиб, қаландархоналар, такяхоналарда юриш одати бор эди. Шу асно у фуқаронинг аҳвол-руҳиятидан хабардор бўлар эди...».

Мелибой ўқишдан тўхтади-да, апил-тапил «ВТ»дан бирини олди. Кўзойнақни ечиб қўйиб, сигаретни япон ёндиргичида тутатди ва бирдан изига қайрилиб кетди.

Ахир, буни билади-ку? «Чор дарвиш»ниям ўқиган-ку? Шоҳлар, шахзодалар ҳам қаландар жомасида...

Мелибой ҳаяжонланар, гўё излаган-истаган нарсасини топгандай ҳовлиқиб нафас олар, ҳа-ҳа, у чиндан ҳам муҳим бир кашфиёт яратгандай эди.

— Да, вот та-ак.

Тағин стол қошига қайтди-да, энди бу китобнинг кераги йўқдек шартта ёпиб, қўйғали жой излади. Жавонга оборса хаёлини тортаверадигандек туюлиб, столнинг қуйи тортмасига тикиб юборди. Эшигини ёпиб, серрайиб қолди.

Ярим соатдан кейин у дарвоза сиртида — ёмғир савалаб ўтган хиёбонда баайни пахта теримига чиққан азамат либосида безовталаниб турар, тепадан — ўриси дарахт япроқларидан томаётган томчиларни гўё сезмас эди.

Эгнида ўн саккиз яшар ўғлининг айни терим маҳаллари киядиган қалин пахталиги, кирза этиги ва телпаги. Албатта, бу кийимлар ифлос, кир, тер ҳиди ўрнаб қолган... аммо на чора, кийишга мажбур эди.

Мелибой, бу уст-бошга сира ярашмайдиган бир жиддий нигоҳ билан ариқнинг у бетидан ўтган — неон чирокларида йилтираб турган асфальт кўчанинг у боши-бу бошига қарар, хаёл қилиш мумкин эдики, хизмат «Волга»си негадир кечикиб қолаётир: котиб бундан дарғазаб!

Бир маҳал ўнг томондан — дарахтлар панасидан аста жилиб келаётган енгил машина кўринди. Мелибой унга қаттиқ тикилди ва кўрдик, у — «Волга», олдойнаси четида яшил чироғи ёниб турибди.

У ариқдан ҳатлаб ўтиб, қўл... кўтармади: қўлини сал олдинга чўзиб ерни кўрсатди: шу ерда тўхта!

Машина ҳам унинг қошида тўхтади. Ойнаси тушириб қўйилган деразадан шўртумшук, кўзи йилтирок, қорача бош чиқди.

— Ҳа? — унинг оғзидан «Прима»нинг аччиқ ҳиди келди.

— Нима «ҳа?» Йўл бўлсин?

— Ўзинг қаерга борасан?

Котибнинг бадани жимирлаб кетди: минг йилдан буён биров сенламаган эди.

— Ўзинг-чи, ўзинг? — Чамаси, бу саволни унида қаттиқроқ сенлаш учун берди.

— Э, бор-е!

— Тўхта-тўхта! — Мелибой шошиб, эшик тутқичидан ушлади. — Шу ёкка! Тўғрига! — деди.

— Шундай демайсанми!

Мелибой «Волга»нинг ортидан айланиб ўтиб, беихтиёр орқа эшикни очди. Бояги аччиқ ҳид ўрнаб қолган кабинага кириб, кирган жойида ўтира қолди ва шошилинича ён ойнаси туширди.

Шофёр машинани яна жилдиргач:

— Ойнаси кўтар, — деди. — Шамоллаб қоласан.

— Бўлмаса, сен тушир ойнагни. Ҳайдовчи унга бошини буриб қаради.

— Кимсан ўзинг?

— Менми? Мен... механизатор, — жавоб берди Мелибой ва деразага қаради.

— Что-то не похоже, — тўнғиллади ҳайдовчи. — Қаерга борамиз?

— Ҳайдайвер!

Мелибой Бўриев қўшни вилоят фирқўм котиблигидан келган, бу юртда илгари икки-уч марта бўлган, ушбу йўл эса бора-бора бир гал меҳмон бўлгани — тоғ бағридаги Қайнарбулоқ деган қишлоқдан ўтишини биларди.

У ана шуни бирдан эслаб:

— Қайнарга! Ҳе, булоққа! — деди беписандлик билан. — Биласанми уни?

— Бе.

— Билсанг, ўша ерга!.. Ресторан ишляптими?

— Ҳа, Пасажир оламизми?

— Қанақа пасажир?

— Автостанцияга бурилсак, оламиз-да. Ё бир ўзинг тўлайсанми?

— Бир ўзинг эмиш... Мен сенга буюрдим. Ҳайдайвермайсанми! Ҳим, ҳа, ўзим тўлайман. Ҳим, жуда ғалати бўп кетгансизлар-а?

— Тушунмадим.

— Энди... Шу сигаретни ташла. Мана, мундан чек! — Мелибой «ВТ» қутисини узатгандан кейин хато қилганини... умуман, хато қилаётганини англади. — Обкомнинг дўконига кириб қолган эдим, шунда бор экан... — деб тўнғиллади. Яна хатога кетаётганини фаҳмлаб изоҳ берган бўлди: — Хўжайинлар билан келган эдик... Улар обкомнинг дачасига келишди.

— Сен ўзинг қаерликсан? — сўради шофёр. — Бунингдан чекмайман. Слабий.

— Мен ҳам чекмас эдим-у... — Кейин кулиб юборди. — Чекиб ўрганмаганларга бу яхши... Нимани

сўрадинг? Ҳа-а, «қаерликсан»... Э, жўра! Шу ерликмиз-да! — деди Мелибой Бўриев ва чапанчасига ястаниб олди. — Да-а... Ўзинг-чи?

— Биз ҳам, — деди у истамай, — шу ерлик. Кейин Мелибойга илжайиб қаради. — Мабодо КГБга алоқанг йўқми?

Мелибойнинг капалаги учиб кетди. Айни чоғда ўтган куни вилоят ва шаҳар ДХБлари бошлиқлари билан ҳам Биринчи котиб ҳузурида учрашганини, рэкетчилар бу ерда ҳам пайдо бўлишгани ҳақида қайғули суҳбат кечганини эслади. Шофёрга аллақандай қараб:

— Нима дединг? — деди.

— КГБчимисан?

— Бекорларни айтибсан! — оғзидан чиқиб кетди Мелибой Бўриевнинг. — Тавба...

— Ким билади энди.

— Шунинг учун билмасдан гапирма, ука! — Тағин хато қилди: шофёрини «ука» дер эди. — Хўш, нима гаплар бор оламда? Э, айтмоқчи, пудратга ўтдингларми?

— Арендага де, — деди шофёр ва сигаретасини тортиб, узун пуфлади. — Куч етмади.

— Қанақасига?

— Шунақасига-да... Таксининг янгисини олиш учун фалон пул бериш керак. Эскиси ярамайди. Бунинг устига, ремонт ўз ҳисобингдан. Э, оға, бу ишлар бўлмайди... Эй, менга қара! — Ўзи Мелибойга қараб қўйди. — Бу ишларнинг охири нима бўлади, а? Мана, обкомга кириб турар экансан. Катталар...

— Катталар ҳам билмайди, — деди Мелибой Бўриев туйкус. Лекин ўз гапидан ори келди. Катталар... ҳамма вақт ҳамма нарсани билишарди: айниқса, коммунистлар... — Менга қара, — деди энди у шофёрга, — сен шу, партия... деганига қандай қарайсан? Умуман, сизлар — ҳамкасбларинг қандай қарайсизлар?

Ҳайдовчи елкасини қисди.

— Бизнинг завгар партиядан чиқди... Лекин барибир завгар! — хитоб қилди кулиб. — Ўрис шопирлар оёқ тираб олишди. — Демократия! — У яна қаҳ-қаҳ отиб кулди. — Партком чангаллаб қолди. Бечора...

Бўриевнинг таъби тирриқ бўлди: ҳа, бундай ишлар кўп бўлаётир. Айниқса, Тошкентда, айниқса, ҳалигидай ишчи синфи орасида. Мана бу ергаям етиб кепти.

— Эй, партиянинг нимаси ёмон-а, нимаси? — бирдан дўқ қилгудек бўлиб сўради.

— Сен партия аъзосими?

— Албатта!

— Унда ўзингдан сўра... Бизга барибир, оға. Ишқилиб, қорин тўқ бўлса, уст бут бўлса, тагимиздан шамол ўтиб турса — бў-ўлди.

— Ахир, партиявий эътиқод-чи?

— Нималар деяпсан ўзи?

— Эътиқод.

— Мен бунақа гапларни тушунмайман.

— Эсиз.

— Жим ўтир.

— А?

— Тушириб ташлайман. Мана, икки километр юрдик. Ҳақиниям олмайман.

«Тушириб ташлайман, — ўйлади Мелибой алам билан. — Бунга қандай чидаш мумкин? Бу — ўзбошимчалик-ку? Йўқ, бу аҳволга йўл қўйиб бўлмайди!»

— Менга қара, қайси парқдансан? — деб сўради-ю, боз хатога кетганини англаб қолди: бу билан жанжал қилиш — ўчакишишдан нима фойда? Бунинг қалбини билиш керак-ку? — Сизларда ҳамма шопирлар ҳам шунақа кўполми?

Машинани секинлата бошлаган йигит яна тезлатди.

— Йўқ. Мен шунақа... Сен ҳам катталардан йироқ юр, отдан туш. Анави «ВТ»ни «Прима»га алмаштир, мендан баттар бўласан... Ҳе, биламан, механизаторларни! Бари ўғри-алдамчи. Битта орден-медал деб юради. Қарабсизки, депутат!..

Мелибой кулимсиради.

— У замонлар ўтиб кетди.

— Барибир...

— Шошма! — Мелибой олдинга интилиб сўради: — Ўша кунлар ёмонмиди, а?

— Кимга қандай. Лекин ўшанда ул-бул топилиб турарди. Бозорлар маъмур эди.

— Ана! — деди бирдан Мелибой шодданиб. — Партиянинг обрўси тушгани учун шундай бўлди! Эндиги мақсад — уни кўтариш! Тушундингми? Ҳим, бунга сен ҳам ҳисса қўшишинг мумкин... — У янги сигарет тутатиб олди. Шофёрнинг ёндиргичга қараб қўйганини кўриб ишшайди. — Совға... Хўш, — шиддат билан давом этди яна, — ҳалигидай правакаторларга қарши туриш лозим! Завгарингни айтяпман!..

— Эй, сен ким ўзи, а? — Шофёр машинани четга буриб юборди.

— Ҳайда, ҳайда!

— Олдин кимлигингни билай.

— Айтдим-ку?

— Туф-е! — У яна «Волга»ни шиддат билан ҳайдаб кетди. — Менга партиясини мақтайди! У қил, бу қил... Э, тавбангдан кетай! Мен бунга тушунтираман: ош-нон керак, уст-бош керак... деб! Вот, тушунмайди и всё!

Мелибой унинг дардини тушуниб турарди. Лекин ўрганган оғиздан ўрганган гап чиқар экан.

— Да-а, — деди у беихтиёр хўрсиниб. — Сизларга фақат шу... керак: ейиш, ичиш, кийиниш, пул...

— Сенга-чи? — У бақириб юборди, тагин тормозни босди. — Бола-чақанг борми ўзи? Уй-жой?

— Бор, бор, — деди Мелибой. Унинг кўз олдига уй-жойи, кутубхонаси келмади: фирқум котибининг бундай нарсаларга эга бўлиши табиий ҳол. — Лекин менда... жўра, эътиқод ҳам бор! — деб хитоб қилди.

— Яна эътиқод... Менинг эътиқодим — яхши яшаш. Ҳалол яшаш. Лекин ҳалол яшашнинг иложи йўқ. Турмуш мажбур қилади. Мана, мен автостанцияга ўтайлик дедим. Ўтсак, камида яна икки кишини олардик. Кўнмадинг. Ўзингдан кўр.

— Бу нима деганинг?

— Ҳаммасини ўзинг тўлайсан энди.

— Тўлаймиз.

— Майли-е! — хўрсиниб юборди шофёр. — Айтмоқчи, обкомнинг дўконида яна нималар бор экан?

— Кўп нарса.

— Туфли-чи?

— Бўлса керак.

— Ўғил инжиклик қилади. Чайқовга чиқса, юз эллик сўм депти..

— Қиммат... — Мелибой ўзини ўнглаб олди. — Энди улар — чайқовчи-да!

— Оқиқ магазинда бўлса-ку, ўзимгаям олардим. Ҳе! Керакмас! Шу галги маошни шундай қўлига тутаман! Бор, ўғлим, дейман. Ол, кий! Яйра! Тепкилаб-тепкилаб кий... Воҳ! Автостанцияга ўтсак бўларди-да.

— Айтдим-ку, ўзим тўлайман деб!

Шофёр машина тезлигини яна оширди. Рўпарада, чап қўлда ёлғиз чироқ милтиллаб турар, бир-икки одамнинг қораси кўринарди.

Ҳайдовчи «Волга»ни ўша ерга — тош деворли бекат ва йўловчилар қаршисига етганда тўхтатди-да, моторни ўчириб, бутун гавдаси билан Мелибойга бурилди.

— Пулни чўз.

— Ҳим, Қайнар... га борамиз. Оласан! — деди Мелибой ва бекатдагиларга қараб кулимсиради. — Бу ерда пасажира бор эканми?

— Ҳа. Мен сенга ишонмаяпман. Мана, счётчикка қара, уч сўм урди. У ёқда икки сўмлик йўл қолди. Тўла-чи? — У энди қўлини узатди. Мелибой ҳайрон қолди.

— Вей, борайлик. Менга ишонмаяпсанми? — Кейин қўшимча қилди: — Балки яна бирга қайтишимизга тўғри келар...

— Хўп. Лекин ҳозирча борини тўлаб қўй. Бўл-бўл! — Шунда бекатдан чопиб келаётган ўсмирни кўриб бақирди: — Машина ҳеч қаёққа кетмайди.

Мелибой ниҳоятда хижолатга тушди: наҳотки бу йигит унга ишонмаса!

— Эй, одаммансан? — деб юборди бирдан. — Инсонга ишонмайсанми? Мен ахир...

— Уф!

— Обормагунингча бермайман!

— Шундайми?

Шофёр моторни юргизиб, машинани вангиллатиб жилдирди ва эллик қадамлар масофадан кейин кескин чапга бурди. Шунда «Волга» шағал уюмига дуч келиб сапчиб кетди. У ёкдаям шағал кўп экан.

Йигит машинани жаҳл билан тислантирди. Келган йўлларига тўғри қилгач, моторни ўчирди-да, ёник қолдирилган чироқлар олдидан айланиб келиб, эшикни очди.

— Чик!

Мелибой уятдан, ҳақоратдан терлаб кетди. Ва шофёрнинг кўли чўзилмасдан бурун чиқишни маъқул кўрди. Сурилиб, сиполик билан чикди.

— Ишонмадинг-а?

— Чўз! Чўз! — Шофёр машина тумшуғи томон жилди: олган ҳақини нурга тутиб кўрмоқчи.

Мелибой эса у ерга борса... анави бекатдагилар таниб қоладигандек жойидан жилмай, ҳар эҳтимолга қарши дея олиб чиққан пулидан уч сўмни ажратди-да, узатди.

У оласолиб тикилди.

— Кам-ку бу?

— Нега? Ана, счётчигинг...

— Счётчикнинг онасини... Яна уч сўм бер! Туда-судага... Ўзим ҳам билгандим-а! Апирист! Тагин орқага қайтмоқчилар бу киши. Олтмиш сўм планим бор!.. Мошина ҳақини тўлашим керак! Мени кафангадо қилмоқчи бу ҳароми!

Мелибой унинг дардини дарҳол англади: ҳа, бунақа яп-янги «Волга»ни гараждан олмоқ учун хўжайинларга камида минг сўм чўзиш керак: бу ҳақиқат... Бироқ, энди шофёрнинг қаттиқ-қурум гапларига, ҳатто сенлашига-да кўниккан эса-да, унинг «апирист, ҳароми» дегани... йўк, бунга тоқат қила олмайди. У фирқўм котиблигидан кетса кетади-ю, ўзини бунчалар ерга урдирмайди: у ўрганмаган ахир!

— Бери ке, — деди унга.

— Пулни чўз... — Тисланди у. — Бу йўлда одат шу! Ҳамма билади! Қани, бўл!

Шубҳасиз, шофёр йигит ғўлабир-миқти Мелибойни тик ҳолда кўриб, тагин унинг ишонч билан «бери ке» деганидан кўрққан эди.

Шунда ҳар иккисининг ҳам жонига ора кириб... бояги ўсмир билан новча, саллали киши ҳам яқинлашиб кела бошлади. Мелибой ўзини орқага тортди, шофёр эса баттар авж олди:

— Эй, мусулмонлар, мана бу апиристни кўринглар! Пулни бермаяпти! Мен коммунист дейди. Яна бир балоларни айтади. Пулни бермайди... — Кейин кўлидаги уч сўмликни ёруққа тутиб кўрсатди. — Бергани шу! Хўш, айтинглар-чи, марказдан шу ергача шуми?

Саллали:

— Мен беш берардим, — деди.

— Бунинг бергани шу!.. Ҳой, буёққа чик, номард! Мен кетишим керак. Время — денги!

Мелибой Бўриев, ниҳоят, машинанинг бу ёғидан ўтиб, улар қошига борди.

— Ассалом алайкум! — У авомга саломнинг кучини биларди: айниқса, қалтис вазиятда.

— Алекум, — деди қария.

— Қаранг, бу салом беришним билади-ю! — Чийиллади хайдовчи. — Мундай қарсанг, дуппа-дуруст одам...

— Мен сенга бир сўм ҳам ортиқча бермайман, — деди Мелибой Бўриев. — Счётчик кўрсатганини олдинг. Энди... кетаверишинг мумкин. Лекин биз сен билан Қайнарбулоққача келишган эдик. Буям эсингдан чиқмасин!

— Вой, номард-е, — қикиллаб кулди шофёр. — Вой, иплос-е! Ахир, эй нокас, ҳаммасини тўлайман деб айтган ким? У ваъда сени эсингдан чиқдимми?

— Ҳалиям тўладим, — деди Мелибой. У йўловчиларда яхши таассурот қолдириш учун ўзини мумкин қадар сипо-вазмин тутмоқда эди.

— Вой, қиззиғар-е!

— Сўкинма.

— Ахир, мен автостанцияга ўтсам... Вой, тавбангдан кетай! Бу қандай бало, а, мусулмонлар?

— Ҳе, шопирни ҳақини беринг-е, — деди саллали. — Буниям бола-чақаси бор. Фалокат оёқ остида,



тўрт ғилдирак устида юради. Бунинг устига, буёқлар овлоқ...

— Қайнарғача йигирма беш сўм беришганини кўрганман, — деди ўсмир.

Чамаси, бу гап шофёрнинг аламига ермойи сепди, у тутатмоқчи бўлаётган сигаретини ерга урганда, Мелибой:

— Йўқ, ўртоқдар, — деди. — Мен принципиалли одам, ортиқча пул бермайман. Бундан ташқари, энди... — Қолган гапни ичига ютди. «Энди Қайнарғача обориб кўйишини талаб этаман!» демоқчи эди. Бу гап ғоят хавфли туюлди: шофёрни буткул қуюшқондан чиқариб кўйиши устига, қишлоққа етгандан кейин ҳам жанжал кўтарса...

Ҳайдовчи ўпкаси тўлиб:

— Отахон, мен умримда бундай нахалга биринчи дуч келишим, — деди. — Нима қилай, а? Нима қила-аай? — бақириб юбориб, Мелибойга юзма-юз бўлганди, Мели уни уриб юборишдан ўзини зўрға тийди-да:

— Мен обком секретариман, — деди. Дегач: «Булар барибир билишарди. Бўлган иш бўлди», — деб ўйлади. — Энди ажралишамиз. Ўзи, бу машмаша жонга тегди.

Лекин у катта хатога йўл кўйган эди: фуқаронинг вилоят беги — обком секретари ҳақидаги муқим тасаввурини ҳисобга олмаганди.

Шофёр қотиб қолди.

— Нима, нима?

— Обком секретариман.

Шофёр жаҳл билан олдга юриб қулочкашлаб урди. Мелибой Бўриев — сипогина, ҳатто викор билан турган йигит чайқалиб учиб кетди. Шағалга бориб тушди. Шофёр унга интилиб бориб тепа бошлади.

— Обком секретари! Обком секретари эмиш... Ҳе, онангни... сени, апирист! Бошдаям сезган эдим бир балоси бор, бу маккор, деб... Мана, сенга Қайнарбулоқ! Мана... дилигатлигинг учун! Механизаторлигинг... Йўқ, бу механизатор ҳам эмас... Вой, отахон-е, шу ерда тўхтаганимни қаранг!

Кўзидан ўт чиқиб кетиб, йиқилгач ақли оғгудек бўлиб қолган Мелибой Бўриев энди фақат юзини бекитиш учун юзгубан бўлиб олган, миқ этмас, ҳатто тепки тушган аъзосини ҳам қимирлатмас — ағдарилмас эди.

— Ҳе, онангни... — Шофёр унинг юзини эҳтиёт Қилаётганини, бир сўз қотмаганидан ўз гаплари ҳаққа чиққанига инониб, тантанавор кулди. — Тур энди! Обкомингга бор... Энағар! Вой, бунинг тайинли жойи Ҳам йўқ, отахон! Қани, машинага киринглар. Худо ҳаққи, айтмади... Ҳозир юртда ким кўпайган — рэкетчи, апирист.

— Рост, рост, — деди қария. — Замон бузилди... Ҳе, лаънати-э.

Шофёр эшикни очаркан, яна кулди.

— Обком секретари! Сал пастроқ туш...

— А, бўлса-чи, обком секретари бўлса-чи? — деди ўсмир. — Мен райком секретарини кўрганман, худди шундай кийиниб пахтада юрган эди.

— Пахтаг бошингдан қолсин. Кир ичкарига!..

— Биздан қанча, болам?

— Ўн сўм берасиз, отахон. Мана, неварангиз ҳам бор...

— Ҳе, пулниям қадри кетди.

Шофёр оёғи учида кўтарилиб, ҳамон тўнкарилиб ётган Мелибойга қаради-да, кабинага кириб, моторни юргизди. Мапшнани яхмалак отгандай қилиб ҳайдаб кетди. Салда унинг орқа чироқлари ҳам ўчди.

Мелибой, ниҳоят, туриб ўтирди-да, биқинлари қаттиқ зиркираётгани, оғзи шўртак эканини туйиб тупурди. Хўрсинди ва алам-ўқинч билан тошбекатдаги ёлғиз чироққа қаради.

Сўнг инқиллаб йиғлаб юборди. Тиззалари кўзига манглайини кўйиб хўп силкинди. Бир маҳал машина товуши эшитилаётгандек бўлиб, ўрнидан кўзғалди-ю, инграб юборди. Бели... нам, майда тошчалар. Эғнида қалин пахталик борлигига шукрона қилиб қоқинди.

Сўнгра кимдир қараб тургандек қоматини тик тутиб, бекатга йўл олди.

Бу ерлар — чиндан ҳам овлоқ эди. Ўнг тарафда — қоп-қора тоғ сояга ўхшаб турарди, сўл томон — энига адирлар. Ҳаво намхуш, зах.

Мелибой бекатга бориб тошкурсига ўтиргани маъқулми ёки панага ўтиб ўтирганими — шуни

ўйларкан, баданидаги оғриқ уни шу ерга чўктирди. У кийшайиб қолган телпагини бостирди-да: «Ишқилиб, танишлар ўтмасин-да», дея бошини эгди.

У чайқалар, пушаймон ейишним, емасликним билмас эди. Бир пайт мошина номерини эсламоқчи бўлди: номерга қарамапти.

«Уни-ку топтириш мумкин... — деб ўйлаб ичида кулимсиради. — Нима фойдаси бор?» Аммо шу оннинг ўзида у йигитдан... бир қасд олмаса, уни бир марта дабдаласи чиққанини кўрмаса, сира-сира хумордан чиқмаслигини ҳис қилди. Ва ҳатто: «Кўрамиз!» деб ҳам қўйди.

Аммо айна чоғда бу ўйлар — хомхаёл, аламзадалиқ натижаси эканини англаб турарди.

Ниҳоят, ғижимланган «ВТ» кутисини чиқарганида, ажабо, Қайнарбулоқ йўлида кўзини... кўкартириб келаётган машина кўринди.

Мелибой ўзини тутиб ўрнидан турди. Бетон супачадан тушиб, қўлини... ерга қадаётгандек қилди. Оқ «Волга» келиб тўхтади. Мелибой ишонч билан тагин... орқа ўриндиқ эшигини очмоқчи бўлди, очилмади. Шофёр ичкаридан унга тикилиб турарди.

Мелибой эшикка имо қилди. Шофёр йўловчининг башарасидан ўзига керакли маънони уқиб олди, тугмачани кўтарди.

— Ассалом алайкум, — Мелибой Бўриев ичкарига кириб ўтирди. — Хавотир олдингиз-а?

— Ваалайкум ассалом... Энди, эҳтиёт шарт яхши-да.

У киши ўрта яшар, дўппи кийган, хорғин кўринар эди.

— Маъкул, маъкул, — деди Мелибой.

— Марказгами? — Ҳа..

Машина жилди. Шофёрнинг ҳайдаши ҳам ўзига ўхшарди: бир маромда.

— Чексам майлими?

— Ойнангизни тушириб қўйинг.

— Раҳмат... — Мелибой сигарета тутатиб, ўриндиққа ястаниб олди-да: — Ака, сиздан бир нарсани сўрасам майлими? — деди.

— Сўранг, ука.

— Ҳим, райком... йўқ, обком секретарининг мана шундай уст-бош билан тунда юришига ишонасизми?

Шофёр унга қаради.

— Обком секретаримисиз? Мелибой хорғин бош ирғади. — Ҳа..

— Билмадим.

— Нега? — қизишиб сўради Мелибой. — Ахир, халқни ўрганиш учун юриши... мумкин-ку? Шу тарика. партияни халққа яқинлаштириш учун, демак, партиянинг обрўсини кўтариш учун... Умуман, раҳбарликнинг...

— Йўқ, ука, — деди у. — Бунинг учун секретарь... Хорун ар-Рашид бўлиши керак. Ана шундай бўлолмагани учун ҳам партиямизнинг обрўси кетган...

— Обрўси қайта кўтарилмайдими?

Шофёр кифтини учирди.

— Ука, сиз ҳам бизга ўхшаб оддий одам экансиз, — деди у йўлдан кўз узмай. — Келинг, пастроқ тушиб, оддий гаплардан гаплашайлик.

— Хўп.

— Бекатда ўтирган эдингиз...

— Э, шу...

— Йўлда ишлайсизми?

Мелибой Бўриевнинг тагин йиғлагиси келар, эт-баданидаги оғриқ етмаётгандай бағри-дили хун бўлиб эза бошлади.

У кўзларини юмди ва... очди.

Машина нақ ҳовлиси ёнидан ўтмоқда эди. Бирдан шофёрнинг елкасига туртди.

— Келдик!

Машина тўхтади. Мелибой чўнтагидан пул чиқарди. Ундан битта учталиқни ажратди-да, ўйланиб қолиб, тагин битта учталиқни қўшди, узатди.

Шофёр олти сўмни олиб:

— Яхши боринг, — деди. — Лекин партиянинг обрўси...  
Мелибой тез-тез бош ирғаганча кабинадан чиқ-ди-ю, қотиб қолди.

1990

## КЎК ДЕНГИЗ

—Недин не тату?

—Суу тату. (- Оламда энг тотли нарса нима? - Сув.)

Олтой топишмоги

Н. вилоятидаги «Дружба» деган совхозда расм чизиб, бўёқчилик ҳам қилардим. Тирикчилик-да, ака. Қишлоқнинг бир четида музей бор эди: хўжаликнинг тарихи, яъни ютуқлари акс эттирилган. Ўшанинг бир хужрасида ётиб турардим. Манзара яхши, лекин ёнимизда бир хавфли тепалик бор, унинг бир ёни куйиб кетган — ўт ўсмас эди. Тепаликнинг у ёғида дахшатли бир кўл ястаниб ётибди. Қадимда Кўк кўл дейилган, ҳозир эса Қора кўл дейишади. Тоғ этагидаги кимё заводидан чиққан оқава-ювинди сувлар кўйиб юборилган: кўлда сув эмас, эритилган қора мум бордек ялтираб ётарди. Ўлай агар, устидан шундоқ юриб кетиш мумкиндай. Қайсидир йили ёгин кўп бўлиб кўл тошганда, бир ариқ сув оқиб чиққан-у ҳалиги ёнбағирдан пастга энган. Ўшанинг ўрнидан гиёҳ унмас эди: куйиб кетган-да! Кейин тупроғини ҳар қанча қиртишлаб ташласалар ҳам ўнганмаган. Ҳе, ўша кезлар кўп моллар ҳам қирилиб кетган экан...

Хуллас, бир куни хўжалик директори чакириб қолди. Идорасига. Яхши одам эди бечора. Кейин синикибгина: «Ука, гап шундай-шундай...» деди.

Қишлоқда бошқа миллат вакиллариам кўп эди-да: ўрис, армани, карес...

Директорнинг айтишича, ўттиз тўққиз миллат вакили яшарди. Нимагаки, ҳар йили бир миллат вакилига кўпайтириш плани бор экан... Кулманг, биласиз-ку!

Ўша киши илтимос қилди-да: «Ука, сиз жаҳонгашта одамсиз. Гаплашишни биласиз... Бизда бир миллат вакили йўқ экан: олтойлик. Бир амаллаб биттасини опкелмасангиз, буёғи чатоқ бўлади. Мана, пул... Ваъдани қуюқ қилинг: уй дейдими, иш дейдими — бор денг. Оиласи биланми, ёлғизми — фарқи йўқ...»

«Йўқ» деёлмадим. Бунинг устига, Олтой — ҳарқалай, бош боболаримиз яшаган юртлардан.

Йўлга чиқдим.

Барнаулга бордим. Ҳе, ўзимизнинг шаҳарлардан фарқ қилмайди. Уни қандайдир ўрмон ичида, деб... Қайда! Хуллас, ака, кўчаларида қанча кезганим, кимларнинг мендан ҳайиқиб қочганларини айтиб ўтиришим ортиқча. Қайси бирига: «Паедиш к нам в Узбекистан?» десам, жиннига қарагандай тикилади. Биттаси мени ким-нима деб ўйлади, урмоқчиям бўлди. Бир-иккитаси кулиб қўйди. Энди, тўсатдан сўрасанг, ҳайрон бўлар экан-да. Ўз ихтиёри билан келса, бошқа гап: ана, ҳар қаёқдан келиб ётипти.

Қисқаси, ўздан қолган биронта дарвиши-пиёнистаси бўлсаям опкетаман деб бир кечаси кўчага чиқдим. Етти қават-тўққиз қаватли иморатлар орасида юрган эдим, бир иморатнинг ертўласидан чиқиб келаётган ёшгина — ўн бир-ўн икки яшар болани кўриб қолдим. Иккита бўш шишани бағрига босиб олган. Мени кўрди-ю, қочиб қолди. Аста зинапоя бошига бордим. Пастдан нур кўринди. Биласиз-ку, катта шаҳарларда, ўзимиздаям шундай биноларнинг ертўласини ҳар хил қаланғи-қасанғи бангилар макон қилган... Шояд биронта ёввопгага йўлиқаманми деб секин зиналардан пастлай бошладим. Пастдан ғудир-ғудир овоз келяпти. Бир ёқдан кўрқаман денг: чиқиб, айлангириб солиб қолса...

Охирги пиллапоядан мундай саҳнчага тушдим. Ертўла эшиги шу ерга очилади. Эшик абгор, тиркишларидан нур тушаётган экан. Аста очдим. Пастга яна уч-тўртта зина кетган, уёғи — кенг майдончадай жой.

Шу майдончанинг ўнг томонида ўтиришган экан: уч-тўртта бола тағларига кути кўйиб, кимнингдир сўзини тинглапти. Сўзлаётган киши кўринмасди. Ўртада шам ёниқ... Энди денг, ёмонам бадбўй жой экан.

Шунда болалар бирдан мени кўриб қолишди-да, сапчиб-сапчиб туриб кетишди.

— Ассалом алайкум! — дея зинадан тушдим. Шунда сўзлаётган кишини кўрдим. Эғнида қора-искирт пахталик, бошланг, сийрак соқоли ўсиқ, ёшини билиб бўлмас эди.

— Ў-ў, к нам кўнак пожаловал! — деб у ўрнидан турди-да, калта ҳассасига суяниб четга чиқди.

— Да, я кўнак, кўнак, — дедим. — Из Узбекистан!

— Ў-ў, озбек? — деди у. — Какими судьбами?

— Сейчас скажу, — дедим. Бориб, у билан кўришдим. Қўли тошдек. Ҳалиги хид унгаям ўрнаб

қолган экан. Кейин у менга ўгиргани жой кўрсатди, яъни, ўзи ўтирган ёточ катга ишора қилди. Каравотга эски тўшак солинган, устидан ёпилган чойшабга қараб бўлмас эди. Кутилардан бирига ўтириб, фотиҳа ўқидим. — Ўтиринглар сизлар ҳам, — дедим болаларга.

— Отур, отур, — деди у кипгаям. — Озбек-да турк... — Кейин ўзиям жойига чўкиб, шам қошидаги ёрлиқсиз шишасини четга суриб қўйди.

— Гап шундай, — дедим. — Ўзбекистонга бормайсизми?

У гангиб қолди. Кейин:

— А почему? Что я вам делал? — деди.

Гапини қаранг.

— Вн мне ничего ни делали. Вм понравились мне, — дедим. Ўрискани эплломайман, буёғини ўзбекча қилдим: — Гап шундаки, оға, биз ўзбеклар меҳмондўст халқмиз. Бизга бошқа миллат вакиллари қанча кўп борса, шунча хурсанд бўламиз!

— Не ушун? — деб сўради у ёнидан узун трубка олиб.

Кечирасиз, мен «трубка» дедим. Олтойчада «қангза» дейишаркан муштукни.

— Дружба, дўстликни яхши кўрамиз-да! — деб уқтирдим. — Мана, давлатимиз ҳам шуни талаб қилади... Бизнинг совхознинг номиям — «Дружба», у ерда ўрислар...

— Понятно, — деди у. — А почему именно я...

— Э, менга барибир! — дедим. — Борасизми? Рози бўлсангиз, ҳозир вокзалга чиқамиз.

— Интересно.

— Интересно эмас... Я прошу, сапхоз просит... Тушуняпсизми?

— Ҳа-я, мен тушунят, — деди у. Кейин халиги винони олиб, оғзидан қулқиллатиб ичди-да, тиржайиб сўради: — Арақи бор по?

— Бор, бор! — дедим. — Хоҳлаганча ичасиз! Текинга, ҳа, текинга!

— Вот так просто?

— Ҳа-да!

— Ну-у. — У муштарини тиззасига тираб, бошини сарак-сарак қилди. — А квартира?... Ўчак, ўчак?

— Ҳе, квартира сизни кутиб турипти!

— Ў-ў, тенгерим! — деб у шифтга қаради. — Бу кижиди кам, каманлайт.

Бу гапи — «Бу кипш шаман, мени шаманлаяпти», яъни, авраяпти дегани экан.

— Ишонмаяпсизми?

У киши ўйга толиб қолди-да, кейин болаларга ни-мадир деганди, биттаси катнинг бош томонидан балдоқли пиёла олиб берди. Киши винодан пиёлага қуйди ва чайқалиб ўрнидан турди. Сўнг ҳассасини биқинига тираб қўйиб, кир бармоқларини ичимликка тикди, сўнгра рўпарасига қаратиб чертди.

— Кўк тегреиме! — Кейин яна бармоқларини хўллаб ўнг томонига чертди, яъни, вино юқини сачратди. — Суу тенгериме! — Кейин чап томони ва орқасига қаратиб чертди. — Туу тенгериме, Чол тенгериме! — Сўнгра винони ичиб қўйди.

«Туу» дегани — тоғ, «чол» дегани — йўл экан. Уларнинг назарида, буларнинг, шу — осмон, сув, йўл ёки тоғнинг ҳам тангриси бўларкан.

Балки шуларнинг ўзини — тангри деб ўйлашар? Аниқ айтолмайман, тарихни яхши билмайман.

Лекин шу ишларни қилаётганида болалар ҳаяжонга тушиб, у қараган томонга ялт этиб қарашар, киёфаларидан қандайдир илоҳиётга бўлган ҳурмат-эҳтиромлари шундоққина билиниб турарди.

Тўғриси, мени ҳам қандайдир ҳаяжон чулғаб олганди.

Киши, ниҳоят, пиёлага яна қуйиб, менга тутди.

— Кечирасиз, мен ичмайман, — дедим. — Раҳмат, ўзингиз олаверинг.

У ўйчан бош ирғаб:

— Так, значит... мен сизлара кўнак бўлам? — деди.

— Э, яшайсиз! — дедим мен. — Бир умр яшайсиз! Кечирасиз, бола-чақа борми?

У бирдан бошини эгди.

— Пала йок, хатун йок, — деб ғулдиради-да, инқиллаб юборди. — Йўрт йок!

Ҳозироқ айтсам тузук: у кишининг хотиниям, қизиям бор экан. Аниқроғи, бўлган экан. Хотинининг исми — Тарлоон, қизининг оти — Сирг(ғ)а экан.

Ўзи... Олтой муаллимлар тайёрлов институтида — дорилмуаллиминда ўқитувчи, халқ оғзаки

ижодидан дарс бераркан. Олтмишинчи йилларнинг бошида, умуман, Олтой ўлкасида ерли халқ мактабларидаям дарслар ўрис тилига кўчирилади ва Умрзоқ ака (у кишининг исмлари шундай) Масковга арзномалар ёза бошлайди. Жавоб келавермагач, аламини «арақи»дан олишга тушади. Шундай кунларнинг бирида битта ўрис йигит билан айтишиб қолиб қамалади. Иши судга оширилгач, унга ғалати айблар кўйилади: «Миллатчи... Никомпетентний... хулиган» ва ҳоказо.

Нима дейсизки, домла ўн йилга кесилади. Қамокдан чиққач, табиий, уни ишга қабул қилмайдилар. Ва, энг ёмони... уйига — ўз уйига ҳам «прописка» бўла олмайди: буниям тақикдаб кўйишган бўладилар...

Хотини Тарлоон ва қизи Сирг(ғ)а билан хўшлашиб, шаҳар четидаги маҳаллада (квартирада, аниқроғи, («кўй»)да) фаррошлик қила бошлайди.

Бу вақтда, энди, у одамгарчиликдан чиққан бўлади: мақсад — кун ўтказиш ва кўнгил яраларига «арақи»дан малҳам кўйиш, аниқроғи, бу дунёни унутиш...

Бирок, у бир нарсага содиқ қоладик, уни кейинроқ айтаман.

Шундай қилиб, унинг «Пала йок, йўрт йок» деганидан кейин мен:

— Э, бизнинг юрт ҳам сизнинг юртингиз-ку! — дедим. — Борайлик, бола-чақаям бўлади, уй-жой ҳам!

У бир нафас анграйиб қолди-да, кейин менга қўл узатди.

— Умрзоқ Иван Иванович.

— Йўлчибой, — деб унинг кўлини олдим... Ким билади, тилимга шу ном келди-да. Кейин сўрадим: — Нимага «Иван Иванович?» Ота-боболарингизни ўрисга яқинлиги борми?

— Ай! — деб қўл силтади у. — Йок. Биз — шаман, кам... Алтай. Турк... Но бизим кижилар аз... Всего шестьдесят тысяч остались! Ў-ў! И то они ўрус тилинда сўзляят... Биз йок оламиз. Мн вьгмирающий народ...

Мен бу томонларини билмас эдим. Кўнглим бузилиб:

— Йўк, — дедим. — Сиз ўлмайсиз! Бизнинг юрт — сизнинг-да юртингиз!

Умрзоқ ака ғамгин жилмайиб, шишани кўтарди, тагин оғзидан бир-икки қултум ичди. Сўнг менга синовчан тикилиб қолиб, қутиларда кўзларини лўқ қилиб ўтирган болақайларга бир нима деганди, улардан бири менга қараб:

— Ачу, ачу, не ачу? — деди.

Ғира-шира тушундим: бизнинг ўлкада «аччиқ» сўзи шевада албатта: «Ачув» деб талаффуз қилинади. Шунини аниқлаштириб олмоқчийдим, Умрзоқ ака ўзи англлатди:

— Что горько в жизни?

Мен елка қисдим. Болалар бўлса қувонишиб-кулишиб:

— Ў(о)лум, ўлум, ўлум, — дейишди.

Шунда менга топишмоқ берганини фаҳмладим-да:

— Биздаям топишмоқ айтишади, — дедим. — Тс пишмоқ кўп. Борсангиз эшитасиз.

Умрзоқ ака бу гапимдан қаноатланиб ва чамаси илҳомланиб, болаларга тагин бир нималар деганди, улардан яна бири чулдиради:

— Эртен тура — тўрт бутту, туште — эки бутту, энгирде — уч бутту. Бу не, тап?

Этларим жимирлашиб кетди.

— «Бут» — оёқми? — деб сўрадим.

— О, да! — деб хитоб қилди ертўла соҳиби.

— Одам, — дедим.

Болалар «одам» сўзини тушунмади, Умрзоқ ака эса:

— Тапту! — деди. — Ҳи-я, киж, киж.

Илгариям эшитиб юрардим-у, бу ерда яна ишон-

димки, олтойликлар тилида араб, форс сўзлари жуда-жуда оз экан. Ислом у ерларга етмаган, тожик билан алоқаси йўк. Биласиз-ку?.. Сўнгра улар «япти, ётир» деган қўшимчаларниям қўллашмас экан.

Ана шунда мен Умрзоқ акадан бир амаллаб сўрадим:

— Нега менга топишмоқ айтяпсиз? Ёш бола бўлмасам... Тушунолмадим?

Умрзоқ ака менинг саволимга жавобан бутун бошли бир маъруза ўқиди.

Унинг айтишича, топишмоқ, яъни, «табьшжак» — Олтой халқ оғзаки ижодининг «калити» экан.

Чунки топишмоқларда Олтой элининг, яъни, қадимдан то яқин-яқинларгача овчилик ва чорвачилик билан шуғулланиб келган элининг энг ибтидоий — «яширин тили» тўла-тўқис акс этаркан. Илло, олтойликлар атроф-муҳит — ўрмон, сув, ҳайвонлар ва паррандаларнинг шубҳасиз Руҳи бор, лекин Руҳлар кўзга кўринмайди, уларни сира-сира ғазаблантирмаслик керак. Руҳлар ранжиса — халқ оч қолади, яъни, ов барор олмайди, рўзғордан — «ўчоқ»дан файз-барака кўтарилади деб ишонишар экан. Ана шунинг учун улар қадим-қадимдан табиат бобида «эзоп тили»га ўхшаш — яширин лаҳжада гапиришиб келишар экан, бунинг маъноси шулки, биронта жониворниям асл номи билан аташмас экан... Масалан, «илон-йилон»ни — «қамчи, қайиш», «бўри-бору»ни — «кўк ит, узун куйрук», дейишаркан.

Умрзоқ ака шундай мисолларни айтар экан, менинг юрагим гурс-гурс уриб, жуда тўлқинланиб кетдим: ҳе, ёшлигимизни эслайман.

«Бўри»ни — «жондор» деб аташарди бизда. «Илон» — «арғамчи», «айиқ»ни — «полвон»...

Айниқса, тунлари булардан бирининг ҳам номи тилга олинмас эди.

Топишмоқларнинг, умуман, топишмоқ айтиш ва топишнинг бошқа буюк ҳикматлариям айтилди: жумладан, топишмоқни топиш — нақ зукколик, донолик белгиси саналажаги, айрим ҳолларда, дейлик, қонли жангларнинг ҳам олди олинажаги. Эсланг-е, бор-ку, яна: пошшо учта топишмоқ айтипти. Ким топса, ўшанга қизини берармиш... Ёки бўлмасам...

Эсладим: куёвларнинг ҳам ақл-фаросатини шу тариқа синовдан ўтказишаркан...

Дарвоқе, Олтойда яқингача келинлар куёвдан тортиб, унинг қариндош-уруғларигача — бирини ҳам номи билан чақирмас экан...

Вой, улар билан ўзимизнинг орамизда қандай яқинлик-қариндошлик бор-а!

Туркий деганлариям шудир.

Хуллас, Умрзоқ аканинг маърузасидан кейин шундай фикрга келдим: бу одамнинг менга топишмоқ бердиришдан муроди — мени синаб кўриш, пироварди, ўзимиз томонни оз бўлса-да билиш экан. Шундан сўнг ўзим ҳам унга олтойликлар табишкаги билан балки уйғун келадиган ўзбек топишмоқларидан ҳам айтдим.

Оқибат, у киши:

— Мен борам, — деб винодан тагин хўплади-да, ғилтиллаган кўзларини менга тикди. — Сизда қол бар по?

Кўз олдимга қишлоқ устидаги тепалик, унинг ортидаги — ҳалиги кўл келди.

— Бор, бор! — деб юбордим. — А, нимаиди?

— Очунда уч қол бар! — деди кўзлари қандайдир жовдираб. — Оқ қол, Қора қол, Кўк қол... Тоес: тенгис, тенгис. Понял? Белое море, Черное море, Синее море.

Қаердадир ўқиганимни эслаб қолдим: қадимда Орол денгизини — Кўк денгиз ёки Кўк кўл деб аташган... Шунчалар зилол бўлган у!

— Рост айтасиз, оға, — дедим. — Ўша Кўк денгиз ҳам биз томонда.

У болаларга шодон чулдираб бир нималарни тушунтирди. Сўнг:

— Қол қол-да учта! — деб хитоб қилди. — Бири бизда олган... — Умрзоқ ака тагин ғамгин тортиб қолди. — Ул талай, талай, — деди. — Талай-да — қол, тенгис... Ондаги ўртоққде, тоес в острове жил один шаман. Старий-старий! Сууда бальж қоп ўлган. Улус, курсак тўк... Народ жил хорошо! Кетин ўрус... ну, Алтай албати Россияга кирген тужунда... Ну, когда Россия завоевал нашу родину, шаман видит сон. Сон это — кижининг уйқудаги ўйи... Он видит, что в озере не осталось бальнс. Осталось! Но очень мало и им нечего есть.

— Хўш? — дедим.

— Сонра ул шаман ўзини сууге берген.

— Тушида?

— Да, во сне! Уйқуда... Потом он ушёл от этих мест! В Улусай! И действительно сейчас Кўк қол мёртв. Балмк аз. Шаман йок. Бу улусчун олум...

Мен унинг фожиасини, халқининг фожиасини тушундим-да, кўнглини кўтаргим келди.

Бироқ қандай қилиб?

Қангзасини тутатиб, бир муддат ўйланиб қолган Умрзоқ ака бирдан:

— Нукерларим! — деб, кўзлари ола-кула бўлиб турган болаларга қаради. — Мен кетят...

Озбекистана! — Кейинги гапларидан англадимки, «У ёқда Кўк кўл бор! У ўлкада — ўз юртимиз! Мен у кўлнинг бўйида шаман бўлиб яшайман!..» деди.

Шунда болалар тагин чулдирашиб қолишди. Биттаси кўзига ёш ҳам олди.

Бу орада ертўлага тагин бир бола — чамамда, боя мени кўриб қочиб кетган бола тушиб келди. Кўлтиғида бир шиша «Чашма» бор экан, Умрзоқ акага берди.

Сўнгра болалар уни ўзларининг ҳаяжонли гап-сўзларига тортишди.

Умрзоқ ака эса, энди бу шишани очиб ва оз-оздан ютиб, мени ҳайрон қолдирган баъзи бир саволларга жавоб берди: анави боланинг мендан қочишига сабаб— мени ҳалигидай маҳкаманинг одами деб ўйлаган экан..

Қолаверса, бу ердаги бошқа болакайлар ҳам, ҳатто Умрзоқ аканинг ўзиям мени «ўшанақа» деб ўйлапти олдин. Умуман, бунинг ҳайрон қоладиган жойи йўқ. Қандайдир бир исқирт, пиёниста, қамоқдан чиққан кимса яшайдиган сассиқ ертўлага ким ҳам ўз фарзандининг кириб, ўша сондан чиққан, демак, ишончсиз-хавфли одам билан ўтириши, унинг маза-бемаза гапларини эшитишга қараб турарди?

Бунинг устига, ўша кимса миршаблар ҳисобида туришини маҳалла-кўйдаги ота-оналар яхши билишса: ахир, улар Умрзоқ акага фаррошлиги ва қоровуллиги учун ойига бир сўмдан йиғиб беришаркан. Демак, уларнинг баъзилари «шундоқ-шундоқ иш» бўлаётганидан кўйдаги соқчибошисини огоҳ қилган бўлиши керак.

Мен «бўлиши керак» дедим. Аслида, бўлган экан: ҳа, айрим ота-оналар ҳатто болаларини излаб, бадбўй ертўлага ҳам тушишган ва фаррошга яхшигина танбех бериб ҳам чиқишган экан.

На иложки, болалар Умрзоқ аканинг гурунгига ўрга-иб қолишган экан.

Энди, «гурунг» — Умрзоқ аканинг «маза-бемаза» гапларига келсак, у гаплар болаларга айтиладиган қадим Олтой ривоятлари, эртаклари ва... топишмоқлари бўлиб, хусусан, топишмоқ биринчи ўринда экан.

Мен пастроқ пардада айтдим бу гапни. Аслида, бу машғулот — ёшларга олис тарихдан сўзлаб бериш, юртга, элга боғлиқ томирларини мустаҳкамлаш, бу нарсани ўйин-айтишувлар орқали-да сингдириш собиқ олимнинг умр ғояси экан десам бўлади.

Шуниси ҳам борки, менинг назаримда, Умрзоқ аканинг ўзиям ўша олис-топталган ўтмиш билан яшарди: бугунги кун ҳақида бирон-бир мулоҳазасини эшитмадим...

Рухсат этсангиз, шу ўринда мен бир мулоҳаза айтсам: Умрзоқ ака мен билан жўнади — қангзаси, муқоваланган қандайдир қўлёмаси (унингча, бичик), битта чўлтоқ қалами (карандаш-қара таш), беш тийинлик уч қути тамаки ва игна (ийне), ип ҳамда бир-икки ховуч кедр ёнғоғи (мёштинг тобогоси) солинган халтасини (қапини) кўтариб жиларкан, «нукерларим, нукерларим», дея кўзи ёшланганини кўриб: «Демак, бу одамни ҳалиги машғулотидан ҳам кўпроқ ўзига тортди-да биз томон, — деб ўйладим. — У Кўк кўлмикан?» Ундай десам, бу машғулот унинг умр тоясидай эди.

Балки бизда ҳам ўз кондошларининг яшаши қизиқтиргандир? Балки, балки у айтмиш... «квартира — ўчак» ва одамлар ҳисобига кириб, одамга ўхшаб яшаш...

Хуллас, вокзалга жўнадик.

Поездда Умрзоқ аканинг қилган хархашаларини айтиб ўтирмайман.

Шиша... унга гўдакнинг сўрғичидай бўп қолган экан.

Вино сассиқ, тамакининг бадбўй ҳидигаям тоқатим йўқ... «Жиндак ичманг, дам олинг» десам, қоғоғини солиб қолади. Бир гал қаттиқ маст бўлганда: «Алтайга кетем!» деб туриб олди. Ялинаман-алдайман. Мени тагин хижолат қилгани — бир-икки марта йўлакка чиқариб қўйилган бўш шишаларни териб юргани бўлди.

Бир амаллаб туманимиз марказига етказиб келдим. Поезддан тушибоқ кийимлар дўконига опкирдим. Ўзи танлаган костюм-шим, пойабзал харид қилдим. Арзимаган нарсалар... Соқолини олдириб, газакхонадан ярим стакан ичирдим-да, бир таксини ёллаб «Дружба»га ҳайдатдим.

У кишининг кайфи чоғ, йўл четида пахта тераётганларга ғурур билан қарар:

— Ў-ў, белое золото! — деб қўярди. Кейин пахта ҳақида гап кетди: унинг меҳнати оғирлиги — экиш, бегона ўтлардан тозалаш ва ҳоказолар ҳақида сўзлаётгандим, у қизиқ бир гапни айтиб қолди. Маъноси шуки, Олтойда «бегона ўт»ларни «ернинг ўлон»лари дейишаркан. «Ёввойи ҳайвонлар»ни ҳам — «ердинг (ерлик) тўтдулар», уй ҳайвонларини эса «асранда» деб аташар экан.

Менимча, улар ҳақ.



Умрзоқ ака соқол олдираётгандаёқ мен «Дружба»га қўнғироқ қилиб, «қирқинчи вакил»ни олиб бораётганимни ва Иван Ивановичнинг феъл-атворидан тор-тиб касб-коригача сал-пал ахборот бергандим. Директор хурсанд бўлиб, томорқали уйлар тушаётган янги маҳаллага опкелишни айтган эди.

Тўғри ўша жойга бордик.

...Шу ўзбекларимиз қизик-да: ўзи емай меҳмонга тутади, деганиям рост. Уйда аза бўлсаям меҳмонга билдирмайди, деган гапдаям жон бор.

Ўзингиздан қолар гап йўқ, уй-жой масаласи тупканнинг тубидаги қишлоқдаям муаммо...

Меҳмонлар эса тайёр уйларга бепўшт-пўшт...

Тўғри, ўша вақтларда шундоқ эди, яъни, уйдан ҳайдаб чиқарсанг ҳам, «рахмат» дейишга мажбур эди.

Хуллас, борсак... эҳ-ҳе, яқинда пардоздан чиққан уч хонали алоҳида иморат қошида талай одам. Болалар ҳам бор (Ҳалигидай ўн бир-ўн икки яшар болалар). Ҳаммининг лабида кулги. Фақат карнай-сурнай етишмайди...

Уф, уялиб кетасан киши.

Директор бизга пешвоз чиқди. Тантана билан машинадан тушдик. Кейин жиндак йиғин бўлди.

Директор — мени Олтойга юбораётганда ўшандоқ гапларни мажрухлик билан айтган одам:

— Дўстлар! Мана, бу киши ҳақиқий Олтой фарзанди Иван Иванович Умрзоқ ака бўладилар! — деб гўёки терисига сиғмай шодумонлик билан сўз бошлади. — Элга эл қўшилса, бойлик дейдилар: бизнинг бойлигимиз — дўстликда! Умрзоқ ака, хуш келибсиз! Мана, шу уй сизники!..

Ва ҳоказо...

Шуни айтишим керакки, бу «иш»лар комедия эканини шу ердаги ҳар бир одам билиб турарди. Лекин буни билдиришмас, мийиғларидаги истехзоли табассум ҳам самимият ниқоби остида эди. Тагин уларнинг қарсақ чалиб юборганлари...

Одам сийраклашгач, уйга кириб, хоналарни кўздан кечирдик: жиҳозлариям бинойи.

Ошхонада — икки оташхонали газ-плита ёнида бир қути сабзи, пиёз, картошка, карам ҳам бор экан. Умр-зоқ ака гангиб-гарангсиб қайтиб чиқаркан:

— О, маркоп, картоп, капуста! — деди. Сўнгра бизга қараб тушунтирди: Олтойга ўрислар билан бирга кириб келган емакми, нарса-предметми борки, улар ўз номи билан аталаркан. Масалан, «соат»ниям — «час», «жухарини»ям — «кукуруза» дейишаркан... Шу қути бошида унинг нима иш қилажагиям тайин бўлди.

Умрзоқ ака қути ёнида ётган янги супургига тикилиб қолди-да, бирдан уни олиб:

— Сибирги, сибирги! — деди кадрдонини топгандек. Кейин директорга муддаосини айтди: — Я буду сторожом! Карауул... — Кейин тахтаполни супургандек қилиб, қаддини кўтарди-да, энди директор бобони синамоқчидек: — Юз қўйди пир чивикла кажирдим. Бу не, тап? — деди. Сўнг топишмоғини ўрисчага ағдарди.

Директор хўрсинди.

— Шу қишлоқни бердим, ўзинг айт.

Умрзоқ ака бу гапни эшитиб, шундай роҳатланиб кулдими, охири кўксовдек йўталиб қолди. Сўнгра Олтойда ҳам топишмоқни тополмаган киши «шаҳар бериши»ни ёхуд кулгили бир лақаб билан аталишга рози бўлишини айтди. Сўнг супургини салмоқлаб, тепага кўтарди.

— Сибирги!

Биз тушундик.

Иморатнинг атрофида талай қари дарахтлар бор, тақир ерда уларнинг япроқлари тўшалиб ётар, теварак ҳали бирон тўсиқ билан ўраб олинмаган эди.

Ҳув узоқ-яқиндаги айрим уйларга одамлар кўчиб киришган, табиий, ўзларининг уйлари олдини супуриб-сидиришар, демоқчиманки, бу янги маҳаллада фаррош учун иш йўқ ҳисоби эди: чунки хонадон эгалари асосан ўзбеклар ва тожиклар эдики, ўзингиз биласиз, супуриш-сидириш уларнинг келинларидан ҳам ортмайди.

Шу боисдан, директор кетаётганида шу тўғрида гап очгандим, у киши бу масалани биз келгунча ҳал этиб қўйгандай тупроқ йўл туташган асфальт кўчанинг нариги бетидаги беш қаватли иморатларни кўрсатди.

— Тушундим, — дедим.

Кейин директор Умрзоқ ака билан хўшлашди.

— Ҳозирча хайр, ўртоқ Иван Иванович... Бизнинг идора ҳув жилғанинг бўйида. Томига қаранг, қизил байроғи бор. Агар бирон гап чиқиб қолса, марҳамат! — Кейин кулиб, меҳмоннинг қўлини сиқди... — Биз сизни уйлантириш масаласиниям ўйлаб кўрамиз... Хўш, нима бўлсаям ўзимиздан, ҳим, қавмларимиз юртидан келгансиз... Лекин энди Ўзбекистон ҳам сизнинг юртингиз бўлди. Ҳа-ҳа, яшасин дружба! Ҳинди русу бхай-бхай...

Кейин менга қишлоқнинг у ёқ-бу ёғини кўрсатишни, ичкилик зарил бўлса «Ҳабиб бупитчи»га айтиб қўйганини тайинлаб:

— Пахта теримига ҳуши бўлса, унгаям хўп, — деди.

Мен Умрзоқ акани эргаштириб, ўша иморатлар томонга бошладим. Уч-тўртта болакай нари-берида туришган эди, улар ҳам изимиздан тушди. Кўнглимдан ҳар хил ўй ўтади денг: болаларни чақириб, топишмоқ айтсамми? Уни қувонтирган «белое золото»ни териш, о, ярим соатда уни белдан қолдиришини тушунтирсамми?

Шунда Умрзоқ ака бирдан тўхтаб, бетон ариққа энгашди. Ариқнинг ифлос сувидан хўл бир каламуш чиқиб қочди. Шунга энгашдим десам, у бўйни чиқиб турган бир шишани оляпти. Шартта қўлидан тортидим.

— Қўйинг уни! Бўлди энди... Бу ер сизга Барнаул эмас! Аитдим-ку, бу ерда ароқ ҳам текин!

У дам хўрсиниб, дам тамшаниб, бироз жим-паришон юрди-да, тагин бирдан тўхтаб, йўл четини кўрсатди.

— Ура! Ура!

Ҳайрон бўлдим: «Нимага «ура!» деяпти?» Эътибор қилсам, битта иморатнинг ертўласига ишора қиляпти.

— Ҳ-а, подвал эсга тушдимми?

— Аа-да! — деди у кўзлари ўйнаб. — Ура у.

— Э-э, ўра... йўқ, — дедим. — Сизнинг уйингиз бор, Умрзоқ оға. Ўчак бор... Энди бошқача яшайсиз. Тушуняпсизми? Одамга ўхшаб...

У киши худди ароғини олиб қўйганимдек қовоғини солиб олди. Сўнг атрофга боқиб чуқур хўрсинди-да, болаларга кўзи тушиб, бирдан тиржайди.

— Кел, кел, — деди уларни имлаб. Ва бемалол чўнқайиб, тагин ертўлани қўли билан кўрсатди. Болалар ҳам югуришиб келиб, ертўлада бир нарса бордек тикилишди. Сўнг Умрзоқ ака менга жилмайиб қўйиб: — Кўлонқози йок қара ат. Бу не, тап? — деди. Кейин болаларга бир-бир кўз тикиб, ўрнидан турди.

— Рассом амаки, бу козоқ нима деяпти? — деб сўради болалардан бири.

— Топишмоқ айтди, — дедим. — Кўланкаси йўқ қора от. Нима? Топинглар!

— Вей, шунақа от ҳам бўладими?

Бўғинларим бўшашиб кетди: билардим, бизнинг ҳозирги болалар бунақа топишмоқ-мопишмоқларга қизиқишмайди... Нимага, ака? Бунга эҳтиёж сезишмайдимми? Ёки муаллимлар, мактаб... Ҳа-ҳа, биз табиатдан узоқлашиб кетганмиз... Лекин Барнаулдаги болакайлар билишади-ку? Ҳолбуки, улар ҳам она табиатларидан... Ана бу гапингиз маъқул, Умрзоқ акадай...

Топишмоқнинг жавобини... мен ҳам билмасдим. Ана, раҳмат. Сиз ҳам билмайсиз.

Умрзоқ ака ниҳоят:

— Ўра, о-ора, — деди. — Ертола... — Кейин менга таъна назари билан боқди.

Ҳабибнинг «бупити» бу иморатларнинг адоғида эди. Бизни кўрибоқ пештахта олдига чиқди. Бир қўлини ортидан олмай, бирини кўксига босиб салом берди. Кейин:

— Дод! — деб хитоб қилди. — Приезжайте к нам в Узбекистан! — Сўнг анави қўлида бир шиша «Русская водка» бор экан, Умрзоқ акага дангал узатди. — Прошу, не откажи, атес! Яна нима хизмат бор, рассом ака?

Умрзоқ ака кўзларига ишонмагандек бирпас тек қотди-да, кейин Ҳабибга иршайиб:

— Уни яраш ул не, тап? — деди.

Ҳабиб менга қошини учирди.

— Топишмоқ айтди. Ичи тўлиб кетган топишмоққа, — дедим. Кейин Умрзоқ акадан «табишакти»

ўрисчага ағдариб айтишини сўрадим. У ҳозиржавоблик қилди:

— С прекрасньш голосом юноша-красавец!

Олтойликнинг ҳавосини ола бошлаган эдим.

— Уни... яъни, товуши ярашган... ўзига ярашган ул, яъни ўғил, — деб шарҳладим.

Шунда Умрзоқ ака шишани кўрсатди.

— Бу не?

— Арак, — деди Ҳабиб.

— Шу.

Ҳабиб кулиб юборди.

— Ў-ў, алкаш!

Мен толиққан эдим. Йўлдангина эмас, шу одам билан мулоқотдан ҳам: дам ғашинг келади, дам раҳминг. Ҳурмат ҳам қиласан, силтаб кетгинг ҳам келади.

Бундан ташқари, менинг ишларим ўлда-жўлда қолиб кетган эди: тирикчилик...

Умрзоқ акани уйига киритдим-да, хайрлашдим. Тез-тез келиб туришимни айтдим, у фаррошлик қиладиган жойни эслатдим, жуда зарил бўлиб қолсам, директордан сўрайсиз, дедим.

Буюртмалар ҳам кўпайиб қолган экан. Байрам яқин. Кўп шиорлар қайтадан ёзилиши керак.

Хуллас, орадан ўн кунлар ўтди. Кўшни қишлоқда эдим, почтага чақириб қолишди. Телефонга. Дастакни олсам — директор:

— Хе, ука, бу меҳмонингиз ҳеч ўхшамаяпти. Бу бошқачаси экан. Одам хижолат бўляпти... — деди.

Мен гап нимадалигини ўзимча тахмин қилдим. Ва ҳақиқатан шундай бўлиб чиқди: уйига келсам, эшик берк, калит тутқичига боғлаб қўйилган.

Ҳалиги иморатлар орасидан ҳар ёққа... ертўлаларга-да... ҳа, кечаси... подвалларга кўз солиб боравердим. «Ўра» деганимга етганда тўхтаб, зинапоя бошига бордим. Шу-шу: пастдан чироқ шуъласи кўринди.

Директор бекорга шу ерларни супуриб-сидириб юрсин демаганди. Айниқса, ўрис биродарлар яшайдиган уйларнинг атрофига қараб бўлмайди. Билмадим, боғ-роғ, экин-текинга қизикмайдими булар... Хуллас, бу ертўланинг олдида Барнаулдаги «Ўра»нинг «ўлса ўлиги» ортиқ эди.

Шам тополмаганми — пахта мойли шишанинг оғзини лойлаб, пилик эшиб солинган: милтиллаб ёняпти. Ҳар хил кутиларни бир-бирига тақаб қўйиб, ётса бўладиган кат ясабди. Кат устида эшакка жул бўлмайдиган бир тўшак. Ўтирипти Умрзоқ ака. Соқоли яна ўсиб кетган. Эғнида... Ўша исқирт пахталик. Қўлида қангзаси, бутлари орасида бир шиша «Чашма».

Мени кўриб Умрзоқ аканинг кичкина кўзлари каттариб кетди. Ҳассасини олмаёқ ликонглаб қолди... Сасиб-бижиб кетган, қандайдир шишган.

Қучоқлаб ўпмоқчи бўлаётганди, бир амаллаб жойига ўтқаздим. Ўзим ҳам бир қутини опқўйиб ўтирдим.

— Хўш, Олтойга қайтасизми? — деб сўрадим даб-дурустдан.

Унинг кўзлари ялтиллаб кетди-ю:

— О-о, йок... Кўк колга опор, — деди. — Сен яхши кижиди. Директор-да яхши кижиди...

— Болалар-чи? — дедим. — Кеп туришадими?

У чуқур хўрсиниб:

— Олар табишқак билмаят... Оларди атази, энези қўймайт... Я не могу жить. Вот всё! — деди. — Покази мне Кок кўл. Прошу тебя. Здесь никто не знает...

Ҳақиқатан ҳам, ул қадимда Кўк кўл дейилгандир. Лекин бунинг мақсадини билганлар ҳам оборишга эрингандир... Қолаверса, у ерга бориш таъқиқланган: шунинг учун кўлнинг бутун атрофи тиканли симдевор билан ўраб қўйилган эди.

«Э, мендан нима кетади?»

— Юринг, Умрзоқ ака!

У қопи билан ҳассасини олиб, менга эргашди. Чирокни ўчириб, гугурт чақиб, тепага чиқиб олди. Ҳаво совуб қолган эди. Тупроқ йўлга тушиб, кейин кўчаларни кесиб ўтиб, музейга чиқиб бордик.

Тасаввур қиласизми, бу одам хурсанд эди! Ўз тилида бижиллаб бир нималар дер, сўнгра «тенгерим, тенгерим» деб қўярди. Топишмоқ ҳам айтувди, ўзимни эшитмаганга олдим. Хафа эдим-да, ака. Дунёнинг бадкорликларидан кўнглим абгор эди: бу одам ўз юртида, ўша... Улусойга кетиб қолган

камшаман ҳам ўша Кўк кўлдаги оролда яшаб қолавериши мумкин эди-ку?

Ҳа-ҳа... Бу одамнинг ахир хизмат жойи, уйи-ўчоғи, хотини Тарлоон, қизи Сирға...

Кечаси у икки-уч марта туриб сув ичди. Мен буклама каравотда эдим, у ерда ётган бўлсаям билинди. Хурракниям отар экан. Сахарлаб яна уйғотди.

— Янгмар яаадм!

Ташқарига чиқсам, чиндан ҳам ёмғир савалаяпти.

Умрзоқ ака яна халтасини кўтариб олди: худди бу ерга қайтмайдигандай!

Ҳалиги — кўл суви оқиб чиққан жойга етганимизда яна топишмоқ айтиб қолди-ку:

— Қизик элик ятган ердин ўлон чипшас! Тап!.. Ну, там, где лежала красная косуля, трава не растет.

— Не знаю, — дедим.

— Кўк қолди бердинг?

— Кўк денгизниям бердим.

У таққа тўхтаб қолди-да, ҳассаси билан халтасини кўтариб бир айланди. Кейин:

— Это же «след от пожара!» — деди. — «Ортнинг орнн!.. вот, смотри, здесь же бил пожар, да?

— Ҳа, — дедим. — Рост айтасиз... Ўлмасак кўрамиз, бу кишлоқдаям бир куни пожар бўлади.

Симтўсиқнинг майишиб қолган жойидан ўтиб олдик. Ўрқачга чиққач, этакда кўл кўринди: қоп-қора, ялтирайди, пойабзалга суртадиган қора мойнинг ўзи...

— Мана, Кўккўл!

У турган ерида шилқ этиб ўтириб қолди. Кейин нари-берига думалай бошлади. Сўнгра атрофимда ўрмалаб:

— Чиндик сўзинг по? — деди.

— Чин сўзим, — дедим.

Шунда у бўридай увлаб юборса бўладими! Тахта бўлиб қолдим. Тагин жаврагани:

— Ўлум, ўлум, ўлум...

— Рост, оға.

— Э, тенгерим! — У бошига муштлай бошлади. — Кол йок, йўрт йок, чол йок...

Мениям кўзимга ёш келиб ўтириб олдим. Лекин кўл учун у... мендан юз чандон ортиқ куймоқда эди.

Ана шунда ишондимки, бу одам ҳақиқатан ҳам... аввало, шу кўл учун келган экан, шуни деб тақлимимга унаган экан. Демак, уни уй-жой, хотин, ҳатто текин арақ ҳам унчалик тортмаган экан... Балки бу кўл унга истикбол чироғи бўлиб кўрингандир?

«Чашма»сидан уч-тўрт қултум олгач, бир маҳал ўзига келди. Мен уни чалғитиш учун сўрадим:

— Сизлар олдин ҳам ароқ ичармидинглар?

— О, да! — деди у. — Биянинг судидан арақи қият... «Арақи» — биизди сўз. Турк сўзи — Кейин: — Эй, яхши киж, — дея халтасини кавлаб балдоқди пиёласини чиқарди, унга винодан қуйиб, менга узатди. — Ал аяқти. Ич. Мен тамада... — Сўнг қувнабгина тушунтирди: — Тамада — тама-ада. Тамаа — тамақ, атдазн — атаси. Тамақ ата — тамада.

Барибир ичолмадим.

У мийиғида кулимсираб, тоғ бағридаги завод томонга — оқ-совуқ тутунга боқиб қолди.

— Бу йўрт Озбекистон по?

— Албатта, — дедим.

— Йок, — деди у кулимсирашини кўймай. — Бу йўрт — Друзба... — Сўнг ҳикиллаб пичирлай бошлади: — Бизим Олтойда «друзба-друзба» деб йок олду...

— Биз ундай бўлмаймиз, — дедим. — Чунки халқимиз ҳамма нарсани тушуниб турипти.

— Ҳўў нукерим.

Узр, биргина изох: асл олтойлик оддий одамниям «нукер», яъни «навқар» деб атар экан, нега бундайлигини ўйласанг, хаёлинг мозийларга оғади...

Кейин Умрзоқ ака бўшаган шишани Қора кўлга отиб юборди. Шиша «сув»га ботди-ю, қорайиб ёнбошлаб қолди. Айтмасам бўлмас: бу кўл ҳам жуда сассиқ, шунинг учунми дейман, устидан кушлар ҳам учиб ўтмас эди.

— Мен Кўк тенгисе кетиям! — Умрзоқ ака туйқус шундай деб ўрнидан турди.

— Ў-ў, у денгиз жуда йирокда! — дедим. Кейин Қолганиниям айтдим: — У Орол кўли-ку?

У ҳорғин бош ирғади.

— Ҳи-я, хи-я... Но, Кўк тенгиз — моя мечта! — деб хитоб қилди кейин.

— А, вьм знаете её состояние? — сўрадим ундан. — Кўк тенгис қурият. Балик йок.

Бар! — деди у жаҳл билан. — Кўк тенгис пака тири! Онда орталктар бар... Там буду жить и шаманит, ака Алтайский шаман! Бальгктар ач олса, озумни берем!

Мен, ҳар қалай, совхоз директорининг олдидан ўтиш лозимлигини айтдим. Аммо...

...У келмади.

Эртаси эшитсак, Умрзоқ акани «Н» вокзалида кўришибди танишлар. Эгнида «қап»и, ликонглаб юрганмиш. Кейин «Тошкент-Қўнғирот» поездига ўтириб кетибди.

1991

## ЧИЛЛАК ҰЙИН

Болалар ҳақида...  
Нафақат болаларга.  
Муаллиф

И з о х. Ұйлаб қарасам, болалар ўйинларида гап кўп экан. Биз ўша ўйинларда фақат жисмонан эмас, балки маънавий жиҳатдан ҳам чиниқар эканмиз. Қандай одам бўлдик? Бу — четдан қараганда маълум. Бироқ биздаги, шахсан ўзимдаги айрим сифатлар заминини ҳам ўша ўйинлардан кўраман. Ахир, ўйинда, ғирромлик қилган айрим дўстларимизнинг кейинчалик, катта бўлгандан кейин ҳам Ҳаётда ғирромлик қилганликларига гувоҳмиз. Ёхуд бунинг аксича. Қисқаси, болалик ўйинлари ҳар биримиз учун ажиб бир синов даврлари — жабҳалари булар экан.

Мен болалар ўйинлари мавзуида ҳикоялар битяпман. *(Муаллиф)*

Баҳор. Мен боғимиз адоғидаги деворнинг у ёғида ястанган ялангликка чиқаман. Онам ишда — эрталаб жийрон отимизни миниб кетган. Синглим Раъно дугоналари билан кўғирчоқ ўйнайди. Мен нима қилай? Уйда ўтирайми? Дарсларим тайёр. Кечаси бажариб қўйганман. Тушгача кунни ўтказиш керак.

Чиллак, яъни онасоп билан боласошш олиб йўнғичқапоёга йўртаман. Раҳматларнинг девори ёнига бориб, букри ёнғоқнинг танасига онасоп билан бир-икки ураман. Кейин ерга йиқилган шохларни, бутуқларни савалайман. Ишқилиб, овоз чиқсин. Раҳмат зшитсин. Бўлмаса ким билан ўйнайман. Гузардаги бари бола эрталабдан мактабга кетган, биринчи сменада ўқишади. Фақат Раҳмат билан мен иккинчи сменада. Тўғри, у мендан бир синф юкори ўқийди-еттинчида. Шундай қилиб, уни қарсиллатаман, ашула айтаман. Кимнидир чақирган бўламан. Охири «Раҳмат гўппон» чиқиб келади.

У семиз, елкалари кенг бола. Энгашиб юради, ердан бир нарса топадигандек. Шунинг учунми унга кимдир «гўппон» деб лақаб қўйган-у, уям ўша лақабга ўрганиб қолган. Лекин ўзи хўкиздеқ кучли. Билаклари йўғон, чиллакни урса.. О! Чиллакболани икки адир нарига ўтказиб юборади.

— Ҳа, Бўрижон, нима қилипсан? — дейди у девордан қараб.

— Ўзим. Чиллак ўйнапман, — дейман. — Келинг.

— Сен ғирромлик қиласан.

Мен жим қоламан. Ғирромлик қиламан унга. Масалан, чиллак ўйнапмиз дейлик. Ўйин охирида кимдир зувиллаши керак. Кимдир чиллакни узоққа отиши керак. Қуриб кеткур, ҳамма вақт Раҳмат биринчи бўлиб тугаллайди. Яъни, мен урган чиллакбола, қаерга тушмасин, у отганида нақ онасопнинг ёнига келиб «ётарди». Шу билан тамом. У урарди чиллакболани. Мен уни онасига яқинлата олмасдим ҳам. Кейин нима бўларди? У қадамлаб санарди. Маррагача. Кейин яна урарди. Яна бояғи аҳвол, Бир вақт қарабсизки, ўйин адоқ бўлибди. Навбат бизни зувиллатишга келибди.

Нима қилардим? Қараб турардим. У энгларини шимариб, онасопни олиб боласопни тепага отиб, пастдан «Бир, икки, уч, тўрт» деб, чиллакболани ерга туширмай коптоқдек сапчитиб-уриб санайберарди. Боласопни тўрт марта сакратиб, онасопни унга тегизолган бўлса, тўрт қўл уради. Боласопни онасопнинг тумшуғидаги кемтикка қўйиб, бир сакратади-да, онасоп билан шундай уради — боласоп камида олтмиш-етмиш қадам нарига бориб тушади. Кейин у ерга бориб, «иккинчи чиллакни» уради. Кейин учинчисини... Тўғри, онасоп боласопга тегмай қолиши ҳам, бир учига «чирт» этиб тегибгина кетишиям мумкин. Лекин Раҳматда ҳеч шундай бўлмасди.

Хўш, у урган дейлик, уч чиллак масофани зувиллаб келиш осонми? Гап осон ё қийинликда эмас. Ўйиннинг тартиби шу: ютқаздингми, зувиллашинг керак.

Лекин мен... ҳали айтганимдек иш қилардимда. Яъни, у боласопни сакратиб санай бошлар экан, аста нари-бери қараб олардим-да, ғизиллаб қочиб қолардим. Деворимиздан сакраб ўтиб кетардим. Буям етмагандай тўғри уйга кириб, эшикни ичкаридан занжирлаб олардим-у, деразадан қараб турардим.

Раҳмат бечора баъзан девор кемтигидан ошиб, уйимизга келарди. Деразани тақиллатарди. Кейин супа лабига ўтириб оларди. Мен деразадан қараб тураман денг. У, зувиллаб бер, деб ялинаруди.

Хуллас калом, ўша куниям Раҳмат гўппонни бир амаллаб девордан бу ёққа туширдим.

— Ғирромлик қилмайсанми? — деди у.

— Ғирромлик қилсам, ўлай!

— Қасам ичдинг-а?

— Қасам ичдим.

Ўйнай бошладик. Яна ўша аҳвол. Сал вақт ўтмай Раҳмат ўйинни тамом қилди. Демак, у мени зувилла-тиши керак. Кейин мен уни зувиллатишим мумкин.

Жим турибман. Раҳмат боласопни ирғитиб урди. Зинғиллаб кетди. Етмиш қадамлар нарига тушдиёв. Секин юриб бордик. У менга қараб-қараб кўяди. Мен жим. Иккинчи чиллакниям урди. Яна шунча масофага кетди. Чўтлаб кўрсам зувиллаб келолмайман.

Учинчи чиллакниям урди-е! Метеостанция деган жой бор эди. Об-ҳавони текширадиган идора. Ўшанинг ҳовлисига бориб тушди. Ўла қолсам ҳам у ердан маррагача зувиллаб келолмасдим. Раҳмат чиллакбола тушган ергача билагимдан ушлаб борди.

Хўп, чиллакболани олдим. Чукур-чукур нафас ҳам олдим. Нима учундир кафтларимга туфладим. Сўнг худди ўлжага отиладиган тозидек оёқларим билан турган еримни депсиниб «тирнаб» ҳам кўрдим. Ниҳоят, чопдим.

Раҳмат ҳам мен билан ёнма-ён чопиб келяпти. Унинг аҳволи оғир. Чопгани устига тагин менинг оғзимга қарашям керак. Чунки нафас олиб қолишим мумкин. Унда... яна ғирромлик бўлади.

Э, чопавердим. Охир... йўқ, бўлмади. Чамамда маррага етар ҳам эдик. Лекин эринчоқликми, нима бало бўлди-ю, ерга тикила бошладим. Бир юмроннинг инига кўзим тушди. Яқинда тупроқ чиқарган. Сарикқина бўлиб турибди. Шунга қараб бурила бошладим. Бошига етганда, чиллакболанинг учига тупуриб, юмроннинг инига ташлаб юбордим.

Назаримда, чиллакбола чукур кетмаслиги керак эди. Унинг учгинаси кўриниб қолди. Ўзи, ўйиннинг қонуни шу: маррага етолмаган ўйинчи боласопни бирон тешикка тикиб юбориши ёки дўпписининг ичига тупуриб, кейин уни дўппида қисиб туриши керак. Рақиб уни онасоп билан уриб тушириши лозим. Лекин Раҳмат шўрлик юмрон инига тушиб кетган боласопни қандай уриб чиқара олади? Тагин шуниси борки, уриб чиқаргач, ҳавода яна тўхтовсиз уриб қолиши керак. Кейин чиллакбола бориб тушган еридан яна зувиллаш лозим.

Раҳмат юмрон инига тикилди. Хўп тикилди-да:

— Сен уяга тупурмадинг, чиллакболага тупурдинг, — деди.

— Э, чиллакболага тупурсам нима, — дедим. — Барибир тупугим ерга тегади.

— Ғирром.

— Ўзингиз ғирром.

Раҳмат боласопни уриб чиқариш учун хўп ўйлади. Иложи йўқ. Ниҳоят, онасоп билан чиллакболанинг учига бир туртди-да, индамай кетиб қолди.

— Ҳо, — деб бақирдим. — Мен зувиллайман!

— Зувилласанг, зувиллайвер!

Боласопни индан чиқариб олиб, бир зувилладим. Ҳадемай маррага етиб бордим. Кейин онасопни ўнглаб, Раҳматнинг йўлига чиқдим.

— Қаёққа?

— Сен билан ўйнамайман.

— Зувиллайсиз.

Бечора бир оз ўйлаб турди-да:

— Майли. Лекин кейин ўйнамайман, — деди.

— Бўпти. — Икки чиллаккаям зувилласа ҳарна-да деб, онасопнинг кемтигига боласопни қўйдим. Сакратиб, тик-тик ура бошладим. Қарангки, бешта бўлди.

Э, менинг хурсандлигим! Бунинг устига, биринчи чиллагимоқ камида олтмиш қадам жойга бориб тушди. Иккинчиси ундан нарига. Хуллас, мен ҳам боласопни метеостанция биносидан оширдим. Раҳмат гўппон эран-қаран бориб, чиллакболани олди. Маррага қараб югурди. Мен у билан ёнма-ён боряпман. Терлаб кетди. Қизара бошлади. Чамамда, кўкара бошлаганда, маррага етиб боласоп қўйиладиган чизикқа тупурди-да, бир-пас дир-дир титраб турди. Кейин «ўҳ-ўҳ» дея йўталиб, уйига кетди.

Мен ҳам хурсанд бўлиб уйга қайтдим.

Орадан яна бир кун ўтди.

Яна чиллакни кўтариб, ҳаятга ўтдим. Раҳматларнинг девори тагига етдим. Букри ёнғоқдан тушган

шоҳларга қарсиллатиб солдим. Кейин ёнтоқнинг танасига тушира бошладим. Қобиклари кўчиб кетди. Қани энди Раҳмат чиқса!

Кейин чиллакболани ҳавога ирғитиб, ҳар тарафга ура бошладим. Қуриб кетгур денг, энди учади! Саксон кадамлар нарига бориб тушди. Шунақанги қилиб тўртта чиллак урсам, Раҳмат гўппон зувиллаб келгунча ўпкаси тамом бўлади. Шундай қилиб, чиллакни қарсиллатиб ураётган эдим, Раҳмат девордан қаради.

Уям зерикади, бечора. Ўйнагиси келади. Тўғри, у ўртача ўқирди. Лекин менинг нима ишим бор?!

Мақтаниш эмас, айтиб қўяй, мактабда яхши ўқирдим. Аълочилардан эдим. Лекин ҳалигидай китмирлик дейсизми... шундан ҳам оз-моз бор экан-да.

— Ўйнаймизми? — сўрадим.

— Ғирромлик қилмайсанми? — деди. Нимагадир бу гап менга оғир ботиб кетди.

— Агар ўйнамасангиз, сизни «гўппон» дейман! — дедим.

Шундай келишувимиз бор эди. Бир кун у ялинганди-да: «Бўрижон, шундай дема. Майли, бошқалар айтсаям сен айтма. Қўшнимиз-ку, ука».

Раҳмат орқасига бурилди.

— Ра-мат ака, ака-а!

— Нима дейсан?

— Х,азиллашдим. Келинг ака, ўйнайлик... Энди ғирромлик қилмайман!

У бир оз жим турди. Кейин девордан ошиб тушди.

Ўша кун бозор эди. Лекин, нима учун Раҳматни сўраб чиққанимни билмайман. Бошқа болаларниям сўроқласам бўларди. Ким билади, унга ўрганиб қолган эканманми...

Ўйнай бошладик. Мен энди жиддий, эҳтиёткор эдим. У бўлса ҳар икки гапнинг бирида менинг қачон қочиб кетишим, қачон ғирромлик қилишимни айтар, кулим-сирарди. Оҳ, менинг жони-жонимдан ўтиб кета бошлади, унинг гаплари!..

Чиллак ўйин одатдагича тамом бўлди. У боласопни сакратиб, тагидан аста-секин урар экан, ўзим ҳам санар эдим: саккизта бўлди.

«Ўлдим!» деб ўйладим. Лекин негадир қочгим келмас эди. Муғомбирлик қилишним ўйламасдим.

Ниҳоят у ура бошлади. Биринчи чиллак, иккинчи чиллак, учинчи чиллак...

Метеостанциядан ҳам ўтиб кетди. «Ибрат» колхозининг ҳовузига борадиган ариққа етдик.

Боласоп ариқнинг ичида.

Уни олдим. Олдим-у, нима жин урди мени, шартта ариққа тушдим. Муздеккина. Лой.

— Зувиллайми? — дедим.

— Зувилла, — деди Раҳмат.

Ўйлаб туриб, дўппимни олдим-да, буклаб тишладим. Сезиб турибман, Раҳмат хурсанд бўлди. Бунақада нафас оламан десанг ҳам, ололмайсан.

Лекин маррага етишим ҳам... э-ҳе, бир соат нафас олмай югурсам ҳам, етишим гумон. Бирдан зувиллаб жўнадим. Раҳмат ёнимда. Оғзимга тикилиб боряпти. Кўзи менда бўлгани учун қоқилиб кетади. Бир-икки йиқилди. Лекин мен вақтдан фойдаланиб, нафас олсам бўларди. Негадир ололмабман. У яна менга етиб олади.

Кетяпман. Сездим. Қизара бошладим, қандайдир шишиб ҳам кетдим. Кейин, яқинда Раҳмат кўкарганидек кўкаришгаям тушдим дейман. Лекин кетяпман.

Охири.. бўлмади-да! Нафас олмай бўладими? Бора-бора текисроқ жойга етганда, дўппини оғзимга олдим-у, ўт устига тупурдим. Раҳмат мамнун бўлиб кулимсиради.

— Тузук-тузук, — деб ўзиям нафасини ростлаб олди. Кейин чиллакболани худди тупурган еримга қўйиб, учига шундай туртган эди, у худди чигирткадек дик этиб сакраб кетди. Шу пайтнинг ўзида Раҳмат ура қолди.

Билмадим, боласопнинг қаерига урди. У учгандан учиб, ёлғон эмас, кўринмай кетди.

Қарангки, худди ҳовузнинг бўйига бориб турибди. Раҳмат чиллакболани олиб, менга берди. Мен уни олиб, тагин дўппимни буклаб тишладим. Тагин зувиллай кетдим. Ариқдан ўтаётганда тойиб йиқилдим. Лекин зувиллашдан тўхтамадим. Тўхтасам, у яна чиллак уриши керак.

Тура солиб, яна чопа кетдим. Бояги ётган еримга яқинлашиш қайда... анча берида ҳолдан тойиб, тўхтаб қолдим. Дўппини оғзимдан олиб ерга тупурдим. Тупугим бир тошга тушган экан.



Раҳмат чиллакболани шу тошга қўйиб тагин сал урганди, у сапчиб кетди. Энди, ишонинг-ишонманг, чиллакбола ҳовузнинг нарёғидаги ҳаммом ҳовлисига бориб тушди. Салдан кейин қарабсизки, қишлоқдан чиқдик. Пиллачиларга мингбош ўрадиган даштдамиз. Раҳматнинг ўзиям ҳолдан тойган эканми, энди чиллак уришга шошилмади.

Бирпас у ёқ-бу ёқдан гаплашдик. Кейин мен:

— Уринг! Ҳозир кеч бўлади! — дедим.

У жаҳл билан яна урди...

...Даштнинг адоғида Кўкқия бошланади. Ўша ерга етдик. Менда қадам босишга мажол йўқ. Раҳмат ҳам чарчаб бўлганича бўлган.

— Бўрижон, ке, бўлди қилайлик, — деди ниҳоят.

— Нима деяпсиз? — бақириб юбордим. Қизиқ! Одам шунақа бўлиб қолиши мумкин экан. — Урасиз.

Зувиллайман! — дедим.

— Бўлмаса, зувилла!

— Хўп.

Мингбош ўрадиган даштимизнинг ярмигаям етолмадим: Ишонинг-ишонманг, кун ботиб кетган эди. Подалар қайтадиган пайтдан ҳам оша бошлади.

Раҳматнинг чиллаги энди Кўкқиянинг сойига тушиб кетди. Биз тепалик ёқасига етганда Раҳмат менинг билагимдан ушлади.

— Бўрижон, кўй. Ўзим сенга чиллакбола ясаб бераман.

— Йўқ. Нима деяпсиз сиз? — Энди чинқириб юбордим. Кўзимга ҳеч нарса кўринмасди. — Юринг! — дедим. — Чиллакболани топамиз. Мен зувиллаб чиқаман.

Биз сойга эндик. Чиллакбола шўрсув оқаётган жилғага тушган экан. Олдим. Раҳмат менга қараб турибди.

— Бўрижон, — деди. Тавба, кўзи жикқа ёшга тўлган эди. — Мен кечдим.

— Кечмайсиз. Биз ўйнапмиз!

— Ахир, чарчадинг! — У ўтириб олди. — Мениям қорним очиб кетди. Жўяк оламан деб ҳеч нарса емаган эдим.

— Менга барибир.

Раҳмат ирғиб турди.

Мен яна зувилладим. Кўкқиянинг ўрқачига чиқдим деганда юзтубан йиқилиб қолдим. Раҳмат келиб кўтармоқчи бўлганди, силтаниб, ўзим ўтириб олдим. Лекин ҳадеб ўтириш, дам олиш ҳам тартибни бузиш саналади. Энтикиб ўрнимдан турдим-да, чиллакболани унинг қўлига бердим.

У бир боласопга қаради, бир менга. Кейин уни ерга ташлади. Мен шоша-пиша ерга тупурдим-да, чиллакболани қўйдим. Раҳмат узоқ ўйланди. Кейин енгини шимариб, тагин бир туртганди, чиллакбола ўйнаб кетди. Раҳмат яна онасопни силтади. Кейин чиллакбола қаёққа учди? Раҳмат ҳам, мен ҳам билолмай қолдик.

— Юринг. Топамиз.

— Тополмайсан.

Жинни бўлган эканман-да!

Унинг енгидан ушлаб олдим. Ана шунда Раҳмат бирдан ерга ўтириб олди-да, уялмай-нетмай йиғлаб юборди.

Мен ҳайрон.

— Рамат ака?

— Э, бор-э, — у ўрнимдан туриб кета бошлади. Мен унинг йўлини тўсдим.

— Нима дейсан ахир? Ўйнамайман сен билан, — деб бақириб юборди.

Шунда сал-пал ўзимга келдим, шекилли. Энди уни тутиб туришдан фойда йўқлигига ақлим етди.

— Бўлмаса нима қиламиз?

— Кетамиз. Майли, сен ютдинг! — деди у.

— Йўқ, сиз ютдингиз.

— Бўлмасам, кел, икковимиз бирга зувиллаймиз. Бу ғалати таклиф эди.

— Майли-ю, ғирромлик бўлади-да, — дедим.

— Нимаси ғирромлик! Мен розиман.

— Барибир, Ра-мат ака.

— Уф... Қорним очди! — У яна йиғлай бошлади. Семиз одамлар тез очқаса керак-да.

— Бўлмаса қолганини эртага зувиллаб бераман.

— Майли, майли.

Шунда мени яна жин урди.

— Йўқ, эртага келмайсиз!

— Рост, келаман, — деди Раҳмат. — Бугун бўлди. Кетайлик. Жон ука, сен ғирром эмассан. Билдингми? Сени ғирром десам, ўлай агар.

Мен жим қолдим. Шу гапни эшитмоқчи эдимми? Билмайман. Лекин кўпдан бери айтилиб юрилган бу сўз, демак, ёқмас экан-да менга?

Шунчалик шумлик, шайтонлик қилиб, уни ўзимга олмай юрар эканманми?

Балки қийналиб бўлсаям ғирром бўлмасликка ақлим етдими? Униям билмайман.

... Лекин, бир нарсани энди қайд этишим мумкин: ўша кундан кейин Раҳмат билан яна ўйинимиз давом этишга этди-ю, мен қочмайдиган бўлдим. Ҳатто у тўғрида ўйлашдан уялардим. Кўкқиянинг бошигача борганимиз, шўрсувли жилғагаям тушганимизни эсласам, ўзимдан ўзим хурсанд бўлиб кетардим.

Қандайдир... ғирромлик бошқа, ҳа-ҳа, қандайдир жуда катта, чидам, бардош, ҳатто мардлик талаб қила-диган ишларга ҳам қодирдек сезардим ўзимни.

Тўғри, кейинчалик у қадар мард бўлиб қололмадим. Бироқ шу йўлдаги илк қадам ўша кун қўйилган эди.

1992

## ОҚТОШ

Биз Улкан қишлоғига кўчиб бордик. Онам — Шўро раиси, мен — энди учинчи синфни битириб таътилга чиққан пайтларим эди.

Бизга атаб катта бир ўрикзорнинг адоғида ўтов тикиб қўйишган экан. Жиҳозлари ҳам бор: шолча, бир тахмон кўрпа-тўшак. Хўш, ўтов биқинида ер тандир, ундан сал нарида — катта ариқ, унинг бўйида толлар. Толларнинг, лоф бўлсаям, ҳар бир бутоғида чумчук уяси бор. Чирқ-чирқ, чиғир-чиғир товушлар тинмас эди.

Онам менга тушунтирди:

— Биз Раис бобонинг уйига қўндик. Бир-икки йил тураимиз. Кейин яна районга қайтиб кетамиз. — Бу гапларни тушунганимдан кейин у киши давом этди: — Раис бобонгни Жўра деган ўғли бор. Ҳализамон келади. Ким билан ўйнасанг — ўйна-ю, ўша билан ўйнама!

— Нимага?

— Ишинг бўлмасин.

Ҳақиқатан ҳам ҳадемай Жўра келди. Ёнида иштонини липа урган, шалпанг кулоқ бир бола ҳам бор эди. Уларнинг бир-бирига муносабатидан кимликларини билиб олдим... Жўра ариқнинг у бетидаги пастак деворга миниб ўтирди-да, кўлидаги палахмон билан толлар шохига тош ота бошлади.

Онам билан Раис бобо ўтовнинг чап томонидаги супада бир-икки кишига нималарнидир тушунтиришар, улардан сал нарироқда Раис бобонинг тўриқ оти билан онамнинг жийрон оти ўтлаб турарди.

Шуни айтишим керакки, Раис бобони мен икки йиллардан бери билар эдим. Туманга — ҳовлимизга мана шу тўриғини миниб бориб қолар ва меҳмонхонада ётарди. Мени эркалар, қачон бўлмасин, ўзининг Улкан қишлоғига томошага олиб боришини айтар, сўнг у кишлокни мактар эди: «Дайроси бор. Чўмилисан. Мениям сендай улим бор, дўст бўласан...»

Албатта, мен бу таклифдан қувонардим ҳамда ўша «қачон»дир дейилган муддат тезроқ келишини кутардим.

Мана, оқибат онам ўша кишлокқа Шўро раиси этиб тайинланди-ю, биз келдик.

Раис бобо билан онам анави икки кишига бир нималарни тайинлашди-да, ўтовга қайтишди.

Раис бобо Жўрани кўриб:

— Э, нимага ўйиб ўтирибсан? Келиб, Содикбой билан танишмайсанми? Сенга айтар эдим-ку? — деди.

— Ҳа, Содикжон, кел. Аканг билан таниш, — деди онам ҳам. Ва менинг елкамдан қучиб: — Гапим эсинг-да бўлсин, — деб шивирлади.

Жўра девордан тушиб, қийшайиб келди. Мен ҳар қалай шахарлик эдим: унга қўл узатдим. Уям қўлининг учини берди-да отасига:

— Куртни чумчук жеб кетаяпти, — деди.

— Ҳе, уккағарлар! — Раис бобо этигини ечмоқчи бўлиб қўнжидан тутди-ю, вақтни бой берадигандек бирдан алпанг-талпанг юриб бориб, битта толга чиқиб кетди. Кейин айрида туриб олиб шохларни шундай силкитдики, чумчук болалари ёмғирдек тўкила бошлади. Жўра билан Оқбойга эргашиб мен ҳам дўппимни олдим-да, палапонларни териб сола бошладим.

Раис бобо шохма-шох юриб, бошқа толларгаям ўтди. Улардан ҳам сон-саноксиз палапонлар тўкилди. Энди онам чумчук болаларига ачиниб, қошини чимириб турар, нуқул:

— Бас энди, ўртоқ Бобоев! Бундан кўра куртхоналарга қоровулларни кўпайтириш керак, — дер эди.

Шу пайт денг, қайси гўрдан бир маймоқ ит билан иккита мушук пайдо бўлди-ю, улар ҳам тўкилган чумчук болаларини териб, ҳалигидай ошқозонларига жойлай бошлади. Ит билан мушук — бир-бирига душман: яқин келганда, ташланишиб, фишиллашиб қолишар, кейин тагин тирик хўракка ташланишар эди.

— Юринг-е, ярашмаган ишни қилиб!.. — Онам жеркиб шундай деди-да, отлар томонга йўл олди.

Салдан кейин Раис бобоям дарахтдан тушиб ва уст-бошини қоқиб:

— Эса биз ғалланинг бошига кетдик. Жўрабой, укангни ўйнат! Палахмон қилиб бер. Чўмилишга олиб бор... Молтишни ўргат. Хўпми, болам? — деб ва менинг кифтимга қоқиб қўйиб, онамнинг изидан хетди.

Ҳадемай улар отларини миниб этакка эниб кети-шаркан, онам қайрилиб қараб:

— Гапим эсингдан чиқмасин, Содик! Ҳалиги китобингни ўқи! — деди.

Ўша кунини ўриқзорнинг у ёғидаги баҳайбат ёнтоқлар остида паққа бўлмаган ёнғоқларни тошга уриб, пўстлоғини арчиб ўтирганимизда, Оқбой менга қизиқ гапларни айтди:

— Энанг Раис бобога тегармиш... Жўранинг энаси мараз бўлган. Дайродан норманкапада яшайди.

Жўра ёнғоқ шохида эди. Пастга тушгандан кейин:

— Жўрака ака, — дедим унга. — Энангиз мараз бўлганми?

У бошини эгиб қолди.

— Дўхтирга обориш керак-ку?

— Давоси йўқ эмиш, — деб пичирлади у.

— Би-ир ўзлари яшайдими қапада? У бош ирғади.

— Юринг, бориб кўрамиз.

Жўра менга тикилди. Оқбой бўлса:

— Бугун бордингми? — деб сўради ундан. У бошини чайқади.

— Кайвони момо тўйга кетган. Нон ёпмаган.

Биз туман марказидаги уйимизда ғамимизни еб, момом ёпган уч-тўртта ёғли патир-нон, кастрюлга қовурдоқ солиб олган эдик. Ҳали келиб, қора уйга

ясойлашганимиздан кейин ана шулардан бироз тамад-ди қилгандик.

— Нон бор. Гўшт ҳам бор, — дедим. — Уйда! Ана, ишонмасангиз, кириб кўринг!

Жўра ғамгин жилмайди. Оқбой бўлса:

— Жур, — деди. — Оламит! Борамиз!.. Мана муниям қидиртамиз! Борасанми, Содик?

— Э, бўлмасамчи, — дедим.

Онам ҳалиги гапни тайинлаб кетган бўлса-да, мен Жўранинг ёнидан жилмаган эдим: ахир, нима қилай? Ким билан ўйнай? Иккинчи тарафдан, Раис бобонинг туманда — уйимизда айтган гаплари ёдимда: Жўра мени дарёга олиб бориши керак эди. Учинчидан десангиз, айниқса онамнинг гапидан кейин бу йигитга қизиқиб қолгандим. Бундан ташқари, бечоранинг...

...онаси ҳалигидай касалга йўлиққан, битта ўзи бир қапада — дарёнинг у томонида яшар экан...

Шуни айтишим лозимки, ўшанда — урушдан кейинги, йўғ-э, эллигинчи йилларнинг ўрталарида ҳам тирикчилик кечириб оғир, етимлар кўп, анавинақа касаллар ҳам сероб эди. Ва бизнинг туман марказида ҳам пес, мараз бўлган кимсаларни жамоадан чиқариб қўйиб расм эди.

Оқбойнинг гапидан кейин Жўра елкасини қисиб, менга мўлтираб қаради. Мен унинг кўлидан тортдим.

— Юринг.

Онам ўшандай дегани билан мен бу йигитдан негадир кўрқмадим. Ўзимга ишонармидим — билмайман. Ҳарқалай, мактабда чопиш, сакраш, мушшлашиш — бокс бўйича илғорлар қаторида эдим. Ишқилиб, бировдан таёқ емасдим...

Патир нондан бирини олиб, орасига қовурдоқ қўйдик. Бир қийикқа ўраб, йўлга тушдик.

Раис бобо билан онам отларини йўрттириб кетган сўқмоқ билан борардик. Ўриқлар ғарқ пишган, ерга кўрпа бўлиб тўкилиб ётибди денг. Кўплари оёқ-туёқ остида эзилган, ачиган. Улар устида арилар ва паш-шалар ғуж-ғуж. Ана шу — эзилган ўриқлар ҳиди анқийди!

Қандайдир ташландик, ёввойи ўлкага келиб қолгандай сезасан ўзингни.

Бу қишлоқда ўзи хонадонлар сийрак экан: ҳув ундай ерда қора сувоқ қилинган бир каталак кўринса, ундан анча нарида бир қапа кўзга ташланади. Ундан ҳам нарида ўтов... Кейин билсам, бу ерликларда чорва ҳам мўл, қўй-эчкиларини яйловларга ҳайдаган ёхуд тоғ ўтлоқларига чиқариб кетишган экан.

Ариқ лабидан бора-бора шолитор ёқасидан ўтдик. Ва бирданига баҳайбат бир жарлик четига чиқиб қолдик. Жарлик шундай каттаки, у қирғоғи билан бу қирғоғининг ораси бирон чақирим келади.

Бироқ ёнбағирдан илонизи бўлиб ўрмалаб тушиб кетган сўқмоқ ҳам борки, унда мол туёқлари ва яланг-оёқчаларнинг излари қолган.

— Ана, дайро, — деди Жўра тубанликни кўрсатиб.

Тубанда — жарлик тубида ялтираб сув оқар, соҳилларни юлғун босиб кетган, қизариб гуллаган бу яшил буталар орасида — қумда бўлса керак, ярим яланғоч болалар ва лозим-қўйлакли қизчалар ҳар хил алфозда ўтиришар-ётишар эди.

Раис бобо «дайро» деганда, мен китобларда ўқиганим каттакон нахрни кўз олдимга келтирган бўлишим лозим — шунинг учун бу дарё менга сой бўлиб кўринди. Мен унга беписандлик билан бокиб:

— Э, шуми? — дедим.

— Журинглар! Қайтишда чўмиламиз! — деди Оқбой. Ва биз унга эргашдик.

Қирғоқ бўйлаб сал юрганимиздан кейин шундоқ қаршимизда жарлик киртоқларини улаб турган узун осмакўприкка кўзим тушди. У эртақлардаги пули сирот кўпригидай туюлди менга! Ва юрагим гурс-гурс ура бошлади: «Ўтаётганимизда, узилиб кетса... Худо урди! Онам Жўрани айблайти...»

Дарвоқе, узр этасиз, онамнинг бу йигитчага ишонмасдан қарашининг сабабини ғира-шира тушунгандек эдим: ахир онам Раис бобога тегар эмиш...

Раис бобонинг эса хотини анавинақа ахволда: ўғли бу... Демак, Жўра менга ғайирлик билан қараш мумкин-да.

Лекин ҳозирча бу нарсани сезмаган эдим. Ҳозироқ айтиб қўяйки, кейинчалик ҳам сезмадим. Жўра тақдирга тан берган, бунинг устига, у ҳам мени тезроқ кўриш ва дейлик, дарёни кўрсатиш, молтишни ўрга-тишни ўйлаб юрар экан.

Кўприкка қадам босдик. Ўйдан фарқи йўқ. Аммо ўртасига етганда, унинг нари-берига бориб келаётгани, аммо бу сезилмас даражада эканини кўриб, ҳа кўриб қолиб, капалагим учиб кетди. Жўранинг биллагидан ушлаб олдим.

— Кўрма, ука. Узилмайди. Маҳкам бу, — деди у тирсагимдан қисиб. — Пода-пода мол ўтади бундан. Сурув-сурув қўй... Бултур бир чол ўлди. Унинг тобути ортидан минглаб одам эргашиб жўнади. Шуниям кўтарди бу...

Жўранинг онаси охирги кунларини кечираётган қапа қабристондан берида, кўзикоринга ўхшаш улкан гужум остида экан. Унга яқинлашганда, Жўра Оқбойдан тугунни олди.

— Қоламиз, — деди Оқбой менга. — Бориб бўлмайди.

— Нимага?

— Бўлмайди-да.

— Майли.

Жўра кетди. Бориб, қапага кирди. Биз ҳар томонга қараб, томоша қилиб турардик. Яйдоқ, хас-хашак босиб кетган каттакон қабристонда сўпитўрғайлар кўп, улар хуш овозда чулдирашиб учишар, қайси бири учмасин — том бўйи кўтарилгач, ҳавода муаллақ туриб сайраб олар, кейин ерга-қовжираган тиканлар, алафлар орасига кўнарди. Бир-иккитаси атрофимизда пилдираб юрарди.

— Бу қушни ўлдириб бўлмайди, — деб қолди Оқбой. — Гуноҳ бўлади. Ёмон бўлади.

— Қандай «ёмон бўлади?»

— Ёмон-да.

Кейин гужумга қараб дабдурустдан шу шеърни айтди:

*Мулла тўрғай — отим бўлғай.*

*Мени ўлдирган*

*Етти эшикда етим бўлғай.*

— Ў-ў, — дедим. — Чумчуқни ўлдирса бўладими?

— Унинг турган-битгани зиён, — деди Оқбой. — Ҳалиги палапонларни нима қилдим, биласанми?

— Йўқ. Нима қилдинг?

— Битталаб ит билан пишакка жедирдим, — жавоб берди у бамайлихотир. — Мундай олиб тепага отаман. Ё ит илиб олади, ё пишак. Чумчуқнинг турган-битгани зиён, — деб такрорлади яна. — Ғалланиям шу куритаяпти. Раис бобо бизни машоқ теришгайм қўймайди!

Қамчилаб уради. Чумчуқ бўлса, жеб кетаяпти. Шунинг учун палахмон билан...

Жўра қападан чиқди. Кўзлари нам эди. Юзларини кафти билан арта-арта келди-да:

— Сени алқадилар, — деди менга.

— Мени?

— Ҳа. Кўпга кирсин. Яхши бола экан, дедилар...

— Раҳмат, ака. Эртага яна келамиз-а? Жўра кифтини учириб сўқмоққа тушди.

У — менинг ўлчовим бўйича — ўртабўй, елкалари кенг, юзи ҳам кенг ва кўзлари қийикрок эди. Раис бобонинг ўғли бўлишига қарамасдан эгнидаги сурп қўйлаги тирсақларига ямоқ тушган, иштонининг бир почаси узун, дўпписиям ҳилвиллаб кетган эди.

Мен, ҳарқалай, тик шимдаман, шоҳмотнусха кўйлагимнинг енглари калта, оёғимда кети. Соч ўсган: тўғрироғи, соч кўйганман.

Кўприкка етган жойда кўйига эниб кетган эшак йўли бор экан. Анчагина кенг. Афтидан, кўприк қурилмасдан бурун одамлар ана шу йўлдан тушиб чиқишган.

Биз тубанга энишимиз билан дарёнинг у қирғоғи-ю бу қирғоғидаги ўғил ҳамда қиз болалар тикка-тикка бўлишиб, бизни гўё қарши олишди.

Юлғунларни оралаб ўтарканмиз, атрофга қизиққанам учунми ҳар бир нарсага диққат билан назар солардим. Юлғунларнинг танасига ҳар хил хас-чўплар, илдизлар тақалиб қолган. Айримларининг шохларида куш уялари бор, аммо бари бўм-бўш эди.

Тепамиздан чий-чийлаб жарқалдирғочлар учиб ўтади, баъзиси юзимизга тегай-тегай деб кетарди.

Бу ер, яъни жарликнинг туби ҳам ҳайҳотдек макон экан! Сув ҳам катта ва тинимсиз шовуллар, худди кучли бир шамол эсмоқда-ю, кўзга кўринмас чинорлар силкинмоқда эди!

Айтганимдек, болаларнинг кўпчилиги ярим яланғоч, яъники иштонда, қизлар эса лозим-кўйлақда-ю, аммо кийимлари баданларига ёпишиб қолган ва у-бу ерларига қум юққан, пахтабанд қилиб ўрилган сочлари ҳам ҳўл, юзлари қорайган, шу билан бирга кулиб туришар эди.

— Қалайсизлар? — деб бақирди Оқбой. — Қуртни чумчуқ жеб кетаяпти! Ғалланиям шўри қуриди! Сизлар нима қип журибсизлар-а, бекорчилар?

Қотма, мурти сабза урган бир бола:

— Ўзинг-чи, ўзинг? — деди.

— Мен... — Оқбой Жўрага, кейин қирғоққа имо қилиб қўйди-да, паст тушмади. — Журиппизда, мана Шўро опанинг улини кидиртиб!

Ҳамма менга тикилди. Мен улар билан қўл бериб сўрашиш-танишишга чоғландим. Бироқ бири ҳам ўрнидан жилмади: болалар уст-бошимга қизиқиб боқишар, қизлар ўзаро шивирлашар эди.

— Эшитдингларми, Улканга янги Шўро келди! Жўраларнинг ўтовига кўнди. Жийрон оти бор. Ули мана... Оти Содик! Ҳозир сизларга молтишни кўрсатиб қўяди!

«Молтиш» сўзининг — сувда сузиш эканини туман марказидаёқ Раис бободан сўраб-билиб олган эдим.

Аммо сузиш бобида... Менимча, туман марказида яшайдиган-ўқийдиган тенгқурларимнинг энг катта нуқсонини — сузишни яхши билмасликлари эди. Тўғри, икки ҳовлининг бирида ҳовуз бор. Унга сув қуйилганда, барг-хазонларни чиқариш учун болалар ҳовузга тушишади.

Шу тариқа мен ҳам беш-ўн кадам сузишни ўрганиб олган эдим.

Аммо бундай вағиллаган дарёда чўмилиш... Уялганим ҳам шу — дарёга қарадим.

Шошқин, оппоқ-серкўпик сув тошдан тошга сакраб оқар, баъзи жойларда оқаётгани билинмас, эллик кадамлар этакда — дарё қирғоқ камаридан айланиб ўтардики, у томонда сув умуман тўхтаб қолганга ўхшар эди: рангиям кўм-кўк.

— Молтишни биласанми? — деб сўради Жўра.

— Сал-пал.

— Шундай кўрингани билан опкетади, — деди у сувга термулиб. — Оёғингдан чалади... Лекин мана булар ўрганган. Марказда дайро йўғ-а?

— Йўк. Районни четлаб ўтади.

— Отам айтиб эдилар...

— Қани, бир-бир ташлаб олайлик. Кейин кетамиз ғалланинг бошига! — деб қолди шунда ҳалиги — мурти сабза урган, қотма йигитча. — Жўра ака, чечининг-е! Кун исиб кетди!.. Хў, Шўронинг ули, сен ҳам чўмил!

Шу гапдан кейин қизлар бурилиб, оқимга қарши томонга йўл олишди. Болалар бўлса чопа-чопа сувга ўзларини отиб ва умбалоқ ошиб, кўкариб турган томонга суза бошлашди. Қарасам, Жўра ҳам кўйлагини ечяпти.

Мен ҳам шимим билан кўйлақ-майкамни ечиб, устига қўйдим.

Биз сув бўйига етганда, қизалоқлар — кўйлақ-лозимларида қийқиришиб-кулишиб ва умбалоқ отишиб, олдимиздан ўтиб кетишди-да, кўкариб турган жойга яқинлашавериб, юлғунлардан ушлаб-ушлаб қолишди.

Жўрадан кейин Оқбой ҳам қулоғига бир нимани тиқиб сувга кирди. Сув белидан ошганда, ўзини

ташлади ва гоҳ кўриниб-гоҳ кўринмай кета бошлади. Мен ҳам сувга кирдим. Муздек. Икки кадам босганимни биламан, оёғим тойиб кетиб, чалқанча йиқилдим-ку! Тураман дейман — думалайман. Ичимга сув қиряпти. Бирон нарсадан ушлайин дейман — гоҳ қўлим етмайди, гоҳ сирпаниб кетади.

Қандайдир ваҳимага тушган пайтимда халиги кўкариб турган жойга яқинлашдим-у, оёғим ердан-сув тубидан узилди! Узилиши замон чўкиб кетаётганимни англаб, апил-тапил тепага интилдим-да, қирғоққа қараб суздим!

Бу ерда оқим сушт эди: ҳадемай юлғунлардан ушлаб, тошлоққа чиқиб олдим.

Менинг аҳволимни кўриб ҳавотирга тушишганми — Жўра билан қотма йигитча изимдан қулоч отиб келишаётган экан. Улар ҳам соҳилга чиқишди.

— Қашқа бўлмадингми? Айтдим-ку, тезоқар бу, — деди Жўра хансирааб.

— Ҳа, йўқ, — дедим. — Тошлар сирғанчиқ экан... Лекин рост, оёқдан чалар экан.

— Уф. Манаву ийримга кириб кетадиёв деб кўркиб эдим, — деди мурти сабза урган. — Таги чуқур. Уч-тўрт одам бўйи келади. Кейин оқим зўр. Бир марта ўзимниям чирпирак қилиб опкетган Ҳув кечувга борганда, зўрға чиқиб олганман. Ўшанда ўн ёшда эдим... Уч йил бўпти!

— Сен яхши сузолмайсан, — деди Жўра менга. — Ўргатаман... Кўркмасанг бўлди.

— Ҳа, кўркмасанг бўлди, — деди у йигит ҳам.

Шу палла сувнинг кўм-кўк сатҳида Оқбой пайдо бўлди-да, қўлларини юқорига кўтариб шўнғиди. Зум ўтмай ўн кадамлар нарида, сувнинг камардан чиқаётган жойида пайдо бўлди боши! Кейин бизга қараб молтиб, ихраб-ихраб чиқиб келди.

Шу нарсани айтишим шартки, биз ўтирган жой жуда-а ажойиб эди. Думалоқ кўк, малла тошлар — курсимиз. Қизалоқлар ҳам томошадан қуруқ қоладигандай етиб келишган. Улар иккита тошда чўмилиб чиққан каклик жўжаларидек ғуж бўлиб, гўё ўзларини офтобга тоблаб, патларини қуритишар эди.

Шундоқ оёғимиз остида — ўша кўк ийрим. Яъни гирдоб! Бироқ унинг қирғоқ қўлтиғига урилиб, ўрама ҳосил қилиб ўтаётгани сезилмас, айтишларича, оқимнинг зўри сувнинг тубида эди. Сирти эса шундай сокин.

Тепамизда гўё айвон шифти бор. Яъни, метин қиртоқ дарёга чўзилиб бағрини тутиб турар, биз унинг соясида ўтирардикки, ҳақиқатан ҳам айвонда ўтиргандек эдик.

Устимизда қалдирғочларнинг чий-чийлаб учиши-е! Бизни бу ердан қувиб юборишга аҳд қилишгандек!

Хуллас калом, мен хиёл мулзам бўлган ҳолда, бош-қалар ғолибона кўринишда эди, халиги мурти чиқиб қолган йигитча:

— Эй, жўралар! «Оқтош» ўйнайлик, а? Жўра ака, хўп денг, — деди. — Кейин тўғри ғаллага кетамиз!

— Ўйнанглар, ўйнанглар! — деб қолишди қизлар ҳам.

«Қизик, қанақа ўйин экан бу?» деб ўйладим-да, Жўрага қаровдим, у:

— Оқбой, сен баковул, — деди. — Олдин тушунтиргин ўйинни. Содик ҳам билсин!

— Мен тушунтираман, — деб тошдан турди ўйиннинг ташаббусчиси ва қўлидаги оппоқ, жудаям оқ — қуйруқдек тошни менга кўрсатди.

...Ана шу тошни сувнинг энг чуқур жойига отаркан. Отаётганида, ҳамманинг кўз юмиб туриши шарт экан. Кейин баковулнинг гапи билан болалар кўзла-рини очишаркан-да, «Бир, икки, уч!» дейилиши билан ўзларини сувга отишаркан.

Ийримнинг тубидан ана ўша тошни олиб чиқиш лозим экан.

Ким топиб-олиб чиқса, демак, ўша — ғолиб!

Дарёнинг энг чуқур еридан у тошни қанақа қилиб топиб чиқиш мумкин?

Хаёлингизга шу савол келди, а?

Мен ҳам шуни ўйлаб, лол қолиб турган эдим, бу ёғини Жўра тушунтирди:

— Сувнинг тагида кўзни очиб юриш керак. Билдингми? Сув тиник...

— Билдим, — дедим.

Сувнинг тагида кўзни очиб, демак, тубидаги тошларга тикилиб юриш?!

Ҳовузнинг лойқа сувига тушганинда ҳатто бурнингни, қулоқларингни ҳам иложи бўлса бекитиб оласан-у, ажаб, кўзни очиш... Ақлга сиғадими шу гап?

Лекин бу ердагилар учун бу — ўта жўн гап, оддий ўйин экан!

Оқбой:

— ...Уч! — дейиши билан иштонини липа уриб, почаларини ҳам химариб олган болалар гув-гув этиб сувга ўзларини отишди. Ва ҳаммаси ғойиб бўлиб кетди.

Қизлар билан мен... соҳилда қолгандим. Сувга тикиляпман. «Ҳозир чиқади... Ана чикди. Йўк! Нафаси қайтиб кетмасмикан буларни?»

Яноқлари туртиб чиққан ва кўп чўмилганиданми шўралаб кетган, аммо қувлиги шундоқ билиниб турган бир қизча:

— Хув бола! Отинг Содиқ-а? — деб сўради.

— Содиқ, — дедим. Ва беихтиёр китобларда ёзилганидек: — Сеники-чи? — деб сўрадим.

— Мени отимни нима қиласан? — У бирдан шарақлаб кулди. — Майли, оқтошни опчиксанг, отимни айтаман.

Дугоналари у билан келишиб қўйишгандек кулиб-қиқиллаб юборишди.

Мен ўз-ўзимдан қизиб-қизариб кетдим. Ва аста ўрнимдан турдим. Аммо сув тагида кўзни очиб юриш... Бунинг устига, бундай оқар сувда сузишним билмайман. Тагин: дарё тубида оқим бор экан. Шу нарсалар миядан ғувиллаб ўтганча сувга қараб жилаётганимни фаҳмлаб қолганимда...

...сув юзасига шўлп этиб бир бош чикди. Кейин яна бир калла, сўнг тагин биттаси...

Жўра ҳам чиқиб келди.

— Оқимга тушиб қолдим. Аранг қутилдим. Оқбой ҳам чикди, келиб кулди.

— Оқим опкетипти дейман!

— Ғирром, — деб тўнғиллади Жўра. — Баковул бўлиб ўтирмайсанми?

— Ўтиролмадим-да.

Назаримда, икки дақиқалар ўтди. Ҳамма чиқиб бўлди. Фақат ҳалиги мурти сабза урган...

Хайрият-э!

Бошидан олдин тошни тутган кўли чикди сувдан! Ва бу ёқда қийқирик бўлиб кетди!

Айниқса, қизларнинг қувонишгани!

Шунда, ишонасизми, ўша боладек бўлгим келди-е! Ахир, яхши-да.

...қизлар ҳам чуввос солиб, чапак чалиб, олқишлаб қарши олишса сени!

Ғолибни!

Аммо ундай бўлишимга сира кўзим етмасди; йўк-йўк, сув остида, нари борса, ярим дақиқа турарман. Кўзни очиб...

Оқимга тушиб қолсам...

Оббо, олдин шунчаки сузишни ўрганишинг керак, хомтама бўлма, Содиқ!

Қизлар у болани, ўзларича олқишлаб: «Жамол ютди! Жутди!» деганларидан унинг исмини билиб олдим. Ва у билан жўра бўлиш, ундан уни-бунни ўрганишга қасд қилдим.

Бироқ ҳозироқ айтиб қўя қолай: у менигина эмас, бошқа болаларни ҳам писанд этмас экан.

— Бўлди қилинлар. Далага кетдик, — деб сўқмоққа тушди. Афтидан у, умуман, кўйлак киймас, шунинг учун бадани темирдек ялтираб кетган эди.

Жўра менга:

— Ҳозир, ҳозир, — деб ўзини сувга отди-да, ҳаш-паш дегунча нариги қирғоққа чиқиб ва юлғунлар орасидан менинг ҳам кийимларимни олиб дарёга тушди. Ва бир қўллаб сузиб, чиқиб кетди.

Қойил!

Кийиниб, Жамолнинг орқасидан тушдик. Қизлар кулиб, гап отиб қолишди. Бояги қув қизча бўлса;

— Жўра ака! Содиқни ташлаб кетинг! Биз молтишни ўргатиб қўямиз, — деди.

Жўра унга қарамай:

— Юрабер. Ўрганасан. Қўрқмасанг бўлди, — деди менга.

— Қўрқмайман. Ўргатинг, ака, — дедим.

— Майли.

— Эртага яна келамизми? Онангизниям кўриб кетамиз... Хўпми?

У менинг елкамга қўл солди-да:

— Хўп, — деди. Пича юрганзимдан кейин... — Содиқ, кўнглишта олмасанг, бир гап айтаман, — деб қолди.

— Ҳеч ҳам кўнгилга олмайман, — деб тўхтадим.

У билагимдан тортди. Биз тупроғи қайнаб ётган сўқмоқдан ўрлаб борардик.



— Айтинг, — деб кистадим.

— Энанг мени ёмон кўрадилар. Кулоғим чингиллаб кетди.

— Ёлғон, — дедим.

— Рост.

— А, нимага? Хўп, ёмон кўрадиям дейлик...

— Бултур, бултур, — деб мингиллади у. — Кечкурун келдилар. Вакил бўлиб. Отам хурсанд бўп кетдилар. Кейин энанг ўтовда ётдилар. Мен отам билан ташқарида ётдик. Бир маҳал уйғонсам, отам йўқ. Хўп ўтирдим. Кейин кўркдимми: «Ота-а!» деб чақирдим. Отам ўтовдан чиқиб келдилар...

Мени ўшанда — «ёш бола» бу, ҳеч нарсани тушунмаган деманг. Мен тушунган эдим...

Ўзимни қандайдир айбдор сезиб, миқ этмай қолдим. Қирғоқ устига чиққандан сўнг:

— Кейин нима бўлди? — дедим.

— Кейин энанг менга ёмон қарайдиган бўлдилар... Кейин келишларида отам мени кайвони холанинг уйига жўнатадиган бўлдилар. Биламан, энанг айтган...

— Ҳа, — деб юбордим-да: — Жўра ака, мени кечирасиз, — деб ялиндим.

— Нимага-нимага?

— Онам чиндан ҳам сизни...

У аста бош ирғади. Сўнг тагин елкамга қўл солди. Мен унинг бу ҳаракатидан қандайдир меҳр, оғанинг инисига бўлган меҳрини ҳис этдим. Сўнгра...

...ўзим ҳам унинг белидан бир қўлим билан кучиб олдим.

Дарё жиягидан, яъни киртоқ лабидан ипга тизилгандек кетарканмиз, беихтиёр кўнглим бузилар, аммо ич-ичимда шод эдим.

Хуллас, буғдойзор ёқасидаги ташландиқ қапада кунни кеч қилдик.

Жўра менга палахмон ясаб берди. Палахмон!.. Килдан эшилар экан. Қапада кигиз парчалари кўп эди, ўшалардан қилини ситиб олди. Оқбой бўлса, қаёққадир чопиб кетиб, икки чангал жун топиб келди: ўтлаб юрган эчкилардан юлиб-юлиб олибди. Кейин уларни кўшиб, узун-узун пилта эшдик. Сўнгра қизларнинг майда сочиға ўхшатиб ўришди. Икки қулочлар бўлди. Кейин бир учини халқа қилиб, бир учини думга ўхшатиб, ҳатто тараб-тараб қўйишди. Ана ундан кейин бу ғалати чилвирнинг қоқ ўртасида ёнғоқдек тош сиғадиган чуқурча тўқишди.

Шу!

Кейин денг, ўша чуқурчага тошни жойлар экан-сиз-да, чилвир учларини жуфт қилиб ушлаб, тепада уч-тўрт марта айлантирар экансиз. Чилвир қўлингиздан чиқиб кетай-кетай деганда, ҳалиги думли учини қўйворар экансиз!

Шу! Қарабсизки, ҳалиги тош зингиллаб учиб кетаяпти! Албатта мўлжалга олишним билиш керак...

Туманда «рогатка» қилардик... Палахмоннинг номини билардим, холос.

Ғаллани кўридик-да-е!

Кечкурун болалар ажралиб-ажралиб кетишди: эртага фалон вақтда «дайро бўйида» учрашилади!

Жўра иккимиз ўрикзорга кирганда, у ийманиб менга тикилди:

— Ука, ке бир иш қиламиз... — деди.

— Хўп бўлади, ака.

— Энангни олдида... бир-биримиз билан гаплашмаймиз. Аразлашгандай бўп юрамиз.

— Нимага?

У менга шундай синиқ, таъна билан бокдики, гап маъносига дарҳол фаҳмим етди.

— Хў, онам далага кетгандан кейин...

— Ака-укамиз, — деди у. — Эртага дайронинг юқори томонига обораман сени. У ердаям бир-иккита ийрим жойлар бор... Молтишни ўргатаман.

Мен унинг белидан кучиб олдим.

Ай, болалик-а!

Кечаси онам — иккимиз ўтовда ётдик. Жўра билан Раис бобо ташқарида — ўтов биқинидаги сомон сувоқ Қилинган супада. Менинг анча пайтгача уйкум келмади: назаримда, онамми — ташқарига чиқиб кетадиган ёхуд Раис бобомми — кириб келадигандек эди... балки мен ухлаб қолганимдан кейин улар учрашгандир...

Қизик, кейинчалик мен ўша дамларни — колхоз раисининг ўтов сиртида, Шўро раисасининг ичкари-

да — шундоқ якин масофада ётиши ва уларнинг пинҳона алоқаларидан айрим кишилар бохабар ҳам эканлиги, бироқ одамларнинг бу ҳолга панжа орасидан қарашлари ҳақида ўйлаб, ўзимча шундай хулосага келдим: ўша вақтларда турмушнинг изми шу экан-да? Раислар халойиқнинг, дейлик, маломатидан, қўрқмас эканлар-да!

Ўзим ҳам сезардим: булар икковлон Улкан қишлоғининг хонлари — беклари эди!

Шунинг учун улар оддий одоб-андиша деганларидан ҳам устун туришарди чоғи...

Ҳақиқатан ҳам халқ булардан зирилларди. Оқбойнинг машоқ терган, қорни учун ғалла ўғирлаган болаларни ҳам Раис бобонинг қамчилаб уриши ҳақидаги гапи ҳақ эди.

Бундай иш, мен ишонаманки, онамнинг ҳам кўлидан келарди. Оддий одамларга шунақаям дўқ қилиб юборардики...

Узр, сал ўтлаб кетдим.

...Сўрадилар, сўрадилар кечаси. «Нима қилдинг? Кимлар билан ўйнадинг? Дарёга боргансан...»

«Бордим. Узоқдан томоша қилдим Оқбой билан, — деб жавоб бердим онамга. — Лекин Жўра билан гаплашганим йўқ. Оқшом дастурхон устидаям кўрдингиз-ку?»

— «Ҳа, сенга хўмрайиб-хўмрайиб қаради... — деди онам. — Шундан ҳам билавер. У сенга душман...»

Эртаси Раислар ишга кетиши замон биз Жўра иккимиз яна дарёга отландик.

— Нон-пон оламизми онангизга?

— Тушдан кейин, — деди Жўра. — Дайро ёқасида шотутлар бор. Яқинда каллаклаб кетишган эди... Шу кунлар яна пишиб қолгандир...

— Ўшандан ҳам терамиз-а?

— Ҳа..

Кун бирон терак бўйи кўтарилмасдан биз дарёнинг «юқори» томонига бориб қияликдан эндик. Бу жойдаги жарлик томонга оқаётган сув кичкина кўприкнинг остидан шовуллаб ўтар ва ёйилиб кетар, сув остидаги барча тошлар баралла кўриниб турарди.

Гапнинг қисқасини айтсам, пешингача сузишни анча ўрганиб олдим. Тагин сув остидаги силлик тошларга оёқни қўявермасликни ҳам...

Дарё(ча)ни сузиб-кесиб ўтишга тўғри келса, албатта, оқимга қаршироқ юриш лозим экан. Чунки оқим барибир сени суриб, кўзланган жойингга етказмайди. Шунчаки сувни кечиб ўтаётганингда ҳам ҳадеб оқим бўйлаб қарайверсанг, бошинг айланар экан...

Сув остида кўзни очиб юриш...

Дафъатан кўзни очганингда, қаршингданми, ён-верингданми кўзингни нимадир босар экан: сув албатта! Кейин чаккаларинг сал-пал оғрир экан. Сўнгра...

...қизиқ, мавҳум-хаёлий бир оламда сеза бошлар экансан ўзингни.

Аста-секин оёғинг остидаги тошчаларни ҳам кўрар экан. Улар қандайдир япаскидек! Қўлингни узатсанг, бармоқдаринг ҳам калта-калта бўлиб «қоларкан». Ҳатто оёқларинг ҳам маймоқланиб кўринаркан.

Пакана-хунук бир махлуққа айланар экансан.

Орадан беш-олти кун ўтди.

Камина бирон дақиқалар нафас олмай — сув остида сузадиган бўлиб қолди.

Кўз деганингиз ҳам сув тагида нарсаларни балодек кўради. Бу жараёнда ҳалигидай ҳайратланишлар ҳам йўқ бўлди; киёфамга кўникдимгина эмас, кўзнинг ўзиям ҳалиги босимга ўрганди чоғи — чаккаларимнинг лўқиллаши ҳам қолди.

Биз ҳар куни ё тушгача, ё тушдан кейин лопиллаган осма кўприкдан ўтиб, Жўра аканинг онасидан хабар олгани борардик: ул-бул егулик билан...

Кейин ўша айланма йўлдан юлғунзор соҳилга тушардик. Табиий: болалар-қизлар қатори ўзимизни «дайрога ташлардик», молтиб юрардик...

Жамол ўқтин-ўқтин мени мақтаб ҳам қўярди: «Қўрқмасанг бўлди. Дайро ўзимизники...»

Қизалоқлар ҳам мендан кулишларини бас қила бошлаган, аммо кўзи сузук, яноғи чиқиқ ўша қизчагина қувлигини ташламас, туриб-туриб: «Отимни айтмайман!» деб қоларди.

Нимагаки, биродар, мен ҳали ўша ийримнинг тагига шўнғиб етиб боролмас эдим!

Рост, бир-икки марта яқинлашгандек бўлдим. Аммо нимадир бир куч мени қаёққадир суриб

кетаётганини сезиб, апил-тапил тепага чиқиб олдим.

Оқтошни эса, Жўра ҳам, Оқбой ҳам бир-икки марта олиб чиқишди. Фаҳмимча, бу топқирлик қандайдир даражада омадга ҳам боғлиқ экан: агар ўша тош тушган ерга бориб қолсанг, марра сеники!

Бироқ...

...яна битта нозик жойи борки, бунақа оқтошлар сув остида минг битта!

Сен отилган тошни топиб чиқишинг керак!

У эса — қуйруқдеккина япалоқ тош. Ўта силлиқ. Биронта жойида кемтиги-чўтири йўқ.

Хўш десангиз, бу ерда чўмилиб шўнғиб-молтиб олишгач, яна ғалланинг бошига, кейин куртхоналарга борардик: қоровуллик-қўриқчилик қилардик.

Оқшомлари онам мени тергаб қолар, мен албатта ёлғон гапирардим: «Жўра билан гаплашмайман!» Аммо оналар ўзи шунақа бўладими, назаримда, у сезар эди. Шунинг учун менга олайиб-олайиб қарарди-да: «Пушаймон бўласан, бола. Ана, мени айтди дерсан. У сени бир бало қилади...» дерди.

Айтмоқчи, бу — «Оқтош» ўйини жуда қадим-қадим замонлардан қолган эмиш. Жамолнинг айтишича, бир замонлар бу юртнинг одамлари ёв босганда, ҳатто ҳалигидай ийримларга тушиб, бемалол... нафас олмасдан ўтиришаркан. Ев ўтиб кетгандан кейин сувдан чиқишаркан.

Эшитяпсизми, биродар?

Ахир, бу жуда ғалати, ғирт фойдали ўйин... экан-да! Унинг ёшлиқдан болалар, ҳатто қизалоклар ораси-да ҳам урф бўлгани шундан далолат эмасми?

Тўғри, табиий шароит, яъни дарёнинг яқинлиги ҳам шундай ўйиннинг яратилишига туртки бўлган...

Бироқ, ўлай агар, фойданинг кони бу! Вужудни чиниқтиришини айтмайсизми?:

Бир куни ўша кўм-кўк ийрим ёнида — камар соясида ўтиришгандик. Устимиздан қалдирючлар чий-чийлаб ўтар-айланар, биз — бепарво, дарёнинг босиқ шовуллашидан мулойим тортиб (қизлар ҳам шу ерда эди, одатдагича), Жамолнинг ҳикоясини тинглардик.

У сел келганда, «Дайро»нинг қутириши — қора уйлар, капаларни олиб келиши, дарахтларни томири билан юлиши, соҳилларнинг баҳайбат тошларга ва баъзан қўй-қўзиларнинг ўликларига тўлиб қолиши, қўйингчи, бешиклар ҳам топилиши ҳақида сўзлар экан:

— Эй, мен сувчи бўламан-е! — деб қолди. — Ҳозир Улканда биттаям сувчи қолмади...

— Ўқимайсанми? — деб сўради Оқбой.

— Мана, Шўро опанинг ули ўқийди... менинг учун ҳам, — деб қолди-ку бирдан. — Нимагаки бундан сувчи чиқмайди. Шу оқтошниям топиб чиқолмайди...

Мен шахд билан ўрнимдан турдим. Жўра қўлимдан ушлади.

— Йўқ. Ҳали эрта, ука.

— Тушаман! Тошни ташласин! — деб туриб олдим. Аммо бутун вужудим дир-дир титрайди: ахир, сувнинг тубига тушишим лозим! Тубига!

Булар камида уч-тўрт йиллаб молтиган, шўнғиб, кўзни очиб юришни машқ қилишган! Жамол менга қараб қолди-да:

— Ўтир жойингга, — деди. — Тегиб кетдими? Мен бор гапни айтдим-ку? Мен сувчи бўламан. Сен ўқийсан.

Ўйлаб кўрсам, гапи рост.

Бироқ буларнинг ёнида ўтиргим келмай қолди. Се-кин четланиб, четдаги тошга бориб ўтирдим.

Сезиб турибман, қизлар ҳам менга ачинишар эди. Анави кўзи сузук қув бўлса, ишшаяди.

Ҳеч кимга парво қилмай, атрофни томоша қила бошладим. Бир маҳал қарасам, тепамизда парвоз қилаётган қалдирғочларнинг бири шувиллаб камарнинг шифтига кириб кетгандек бўлди. Тиқилиб боқсам, хув ундай қатнинг деворида чипоргина ини бор: ундан бир-иккита малларанг бошчалар сариқ тумшукларини очиб тепага талпинишар, уя лабига қўниб олган қалдирғоч уларга навбат билан хўрак едирар эди. Тумшуғидан-а!

Оғзини катта очиб тутади. Анави жинқарчи бўлса, бошини суқиб юборади. Нақ жиғилдонидан олади емакни! Қизик: тумшуғи онасининг бўғзини тилмасмикан?

Жонивор, бутун умр бўйи шу тарика тўйдиради-я болаларини! Кейин болалари ҳам...

Мен чумчуқ деганини тумандаги уйимиз-ҳовлимиздаям кўравериб кўзим шшгаб кетган эди. Хўп, ана сўпитўрғайларни ҳам бу ерда кўп кўрдим: уларни «Дашт булбули!» дейишаркан. Улар инини бузиш ёмон экан...

Аммо жарқалдирғочнинг боласини кўриш... Яқиндан кўриш унга тикилиш менга шунчалик қизиқ туюлдики, ўша инга чиқиб бориш йўлини қидира бошладим.

Қидира бошладим-у, топдим! Ҳа... Шундоқ ёнимдан қатга ўрмаласам, бемалол чиқиб борар эканман. «Қат» дегани — тоғ бағриларида бўладиган кўндаланг кесим дейиш мумкин: ўша кесимнинг тепасидан тошлар уваланиб тўкилади. Кейин ундай жойлардан мундайроқ киши энгашиб юриши ҳам мумкин: айтишларича, овчилар юрармиш...

... Ахир, ушбу дарё оқиб тушаётган тоғ туманимизнинг шимолида-да!

Ҳа, тоққаям кўп чиққанман.

Шошманг-шошманг, «кўрпанинг қатига кўйдим» деган гапни эшитганмисиз?

Кўз олдингизга келган бўлса, бас.

Шундай қилиб, қатга чиқишга қарор қилган пайтимда, Жамол Оқбойга бақирди:

— Баковул! Тошни от!

Оқбой ирғиб туриб:

— Кўзни юминглар! — деб хайқирди. — Бир, икки, уч!

Болалар «гуп-гуп» этиб, сувга сакрашди. Гирдобга яқинлашганда шўнғиб-шўнғиб кетишди.

Мен анграйиб турарканман: «Жамол топиб чиқмасин-да!» дер эдим. Негадир...

Қарангки, Жамол ҳам.. оқтошни топиб чиқолмади! Жўра ҳам, Оқбой тошни қаерга ташлаганини биларди, албатта. Шунинг учун уям ўзини сувга отиб, икки марта шўнғиб чиқди. Қўли бўш... Болалар ҳансирашиб, яна жой-жойларига ўтиришди ва тошнинг нима бўлганини ўзларича тахминлай бошлашди.

Қизлар бўлса энди буларга ачингандек ўтиришар ва одатдагича шивирлашар эди.

— Э, топмасам, шу ердан кетмайман! Кетсам, шу ернинг сувини ичмайман! — деб юборди Жамол ва тагин ўзини сувга отди. Ғойиб бўлиб кетди. Ундан кейин бошқалар ҳам боз сувга сакрашди: гув-гув-в...

Қизлар ийрим сатҳига диққат билан тикилишаркан, менинг хаёлим тагин қалдирғоч инига оғди: энди катта қалдирғоч йўқ, уячадан сарғиш тумшуқларгина кўринарди.

Қатга ўрмалай кетдим. Юмшоқ ундек тупроқ тўкилган. Митти қушчаларнинг панжа излари бор, холос. Қатнинг айрим жойлари жуда тор — яъни, шифти паст бўлиб, у ерлардан бошимни ҳам қилиб ўтардим.

Айрим жойлари кенг, шифт ҳам баланд: бемалол чордана куриб ўтирсанг бўлади.

Ниҳоят, етдим. Мана қаршимда: томчи-томчи лойдан ясалган ҳовучдек ин. Негадир чипор. Митти-митти сомон қипиқлари ҳам кўшиб юборилган.

Тавба, иморатни сувашга, хусусан, том сувоққа ишлатиладиган лойга сомон кўшишларини билардим: сувоқ мустаҳкам бўлади... Наҳот бу нарсани қалдирғоч ҳам билса?

Дарвоқе бу шўрлик қуш лойни ҳам.. тумшуғида келтирган-а?

Болалари учта экан. Уччаласи ҳам мени оналари деб ўйлашдим, чий-чийлаб оғизларини каппа-каппа очишди. Вой, оғизлари шунақаям каттаки, бири иккинчисининг оғзига бошини тикса, бемалол сиғади. Лекин кўзлари юмуқ. Ҳақиқаттан ҳам малла.

...Мен ҳали уяга кўлимни узатмаган ҳам эдим! Бирдан теварагим чий-чий овозларга тўлиб қолди ва бир жуфт қалдирғоч зинғиллаб айланаётганини кўрдим. Кўрдим-у, улар нақ кўзларимни чўқиб оладигандек човут солишди!

Мен бошимни эгиб қолдим. Улар нақ тепамда чарх уришар, қулоқларимга, бўйнимга, ҳатто юзимга ҳам қанотларининг шамоли уриларди. Тагин кўзимни очгандим, тагин...

...Яна бошимни эгиб қолдим-у, шу бош ўлгур айланаётгандек бўлди.

«Бас! Тушиш керак!»

Яъни, қочиш керак...

Мен юзимни бир кўлим билан тўсиб, келган йўлимга қарадим-у, юрагим орқага тортиб кетди. Йўлак жуда тик ва жуда тор бўлиб, унинг шундоқ пастида...

...кўм-кўк ийрим килкиллаб, худди бир афсонавий махлукка ўхшаб турарди.

Уни кўрдим-у, тамом бўлдим.

— Туш! Пастга! Содик! — ана шундай чақириқлар келаётганини ҳам шунда эшитдим. Ва қирғоққа кўз Қиримни ташласам, болалару қизлар тик туришиб, мени имлашаётибди.

Тавба, улар жуда йирокда туришгандек, кичкина бўлиб кўринишди.

Мен тушиш учун бир амаллаб бурилдим-да, демак, тўғри тушишим лозимлигини англаб лол қолдим: қанақасига тўғри тушаман? Йўқ: боягидек бўлиб олиб, демак, сурилиб-тисланиб энишим мумкин, холос! Бўлар иш бўлди!

Тағин уяга ўнгланиб олганимни биламан, қалдирғочларнинг энди қанотлари юзимга тегиб ўтди. Ва яна бош ўлгур айлана кетди. Шунда силжидим-у, у ёғи...

Қатдан қуйига учдим!

Бошим билан...

...сувга кирдим-кетдим: кетяпман, кетяпман. Бир нарсани биламанки, бундай пайтда маълум бир жойга борганиндан сўнг ташланишдаги зарбанинг кучи сусаяди-да, беихтиёр тўхтайсан. Ана шунда тепага интиласан: кўл-оёқларингни қимирлатсанг, бемалол чиқиб кетасан.

Ҳозир эса... тўхтайдиган сиёғим йўқ эди. Бирдан кўзимни очдим. Очдим-у, сутдек оқ нарсани — сувни кўрдим. Кейин у тиниқлашди. Кейин балиқми — бир нарса олдимдан сузиб ўтди. Ундан кейин қуйига тикилдим-да, беихтиёр яна...

...қуйироққа тушиш учун интилганимни сезмай қолдим. Чунки турли-туман оқ-қора тошлар кўриниб турарди.

Тошларга қўлим теккан замон менга таниш... ҳалиги оқим зарб билан суриб юборди. Алпанг-талпанг бир тошга ёпишдим. Қўлим чиқиб кетган эди, бир томирни ушлаб олдим. Тўхтадим. Аммо бутун танам буралиб қолди.

Томирни қўйворсам, кетаман...

Қўйвормасам, ҳадемай нафасим қайтади.

Шу ўй-шу қарор менга қувват бўлди чоғи, бир муддат кўнглим тинчиб қолди ва беихтиёр оқ тошларга тикила бошладим, Ишонасизми...

...Ўша октош шундоқ рўпарамда — томирнинг таккинасида чиғанокдек бўлиб ётган экан!

Томирдан бир қўлимни бўшатиб, тошни олдим.

Эсимда: мен бутун даҳшатни унутган эдим!

Энди, майли, илож қанча: бунақада узоқ туролмайман. Бу ёғига — сувости оқими қай манзилга оборади номаълум-у, агар бирон жойда мени чиқариб ташлайдиган бўлса, унғача ҳам, демак, нафас олмаслигимга тўғри келади.

Бу мулоҳазадан сўнг: «Э, болалар бор-ку, Жўра ака бор! Жамол бор!..» деб ўйладим. Ва дамим ичимга тушиб кетаётганини пайқадим-у,.. томирни ушлаб турган бармоқларим бўшашди ва мен оқимга тушиб кетдим. Кетаяпман. Кўзим очиқ...

...Оқлик ва тиниқлик оламидаман. Аммо бу оламнинг яшил гиёҳлари ҳам бор. Улар ҳам узунасига ўсган: сув йўли бўйлаб. Шунинг учун мени тутиб қолишолмайди. Мен эсам, улар орасидан сирғалиб ўтаман.

Бу ажаб бир олам эди: ҳа, ҳа! Бундай манзарани фақат тушда кўриш мумкин! Тушдаям худди шундай бўлади: ихтиёринг гўё бировнинг қўлидадек.

Сен унинг измида: ақлинг-хушинг ўзингда бўлса-да, ҳеч иш қилолмайсан...

Китобларда ёзишади-ку, «кўзимни очганда, ўзимни касалхонада кўрдим», деб.

Ўзимга келибман чоғи, кўзимни очсам, чалқанча ётибман. Жўра белимга мингандек туриб олиб, кўлларимни нари-берига обориб-обкеляпти. Кўзларида... сув томчиси эмас: ёш.

Атрофимда — тепамда болалар-у қизлар: бирлари тик туришибди, бирлари чўнқайиб ўтиришибди.

Билмадим, уялганимданми, бирдан хушёр тортиб кетиб, ўрнимдан турмоқчи бўлдим. Аммо кўнглим айниб, сув қусдим. Сўнгра бир нафас эгилиб қолиб, яна кўзгалмоқчи бўлувдим, бармоқларим оғриб кетди: қарасам, қўлимда, яъни, кафтимда ўша... октош!

Кафтни очмоқчи бўлдим-очилмайди: қаришиб қолган.

— Ҳозир укалаймиз. Ҳозир... — деди Жўра ва менинг туриб ўтиришимга кўмаклашди. Сўнгра оғиб кетмаслигим учунми Оқбой орқамга ўтиб, кифтимга тиралиб ўтирди. Қизлардан кимлардир кулди: хурсанд бўлгандан албатта. Ахир, бир нарса бўлсам, мен — Шўро опанинг ўғли... Тасаввур этасизми... Тасаввур этасиз.

Худди шу вақт... йироқдан бир қийқириқ эшитилди! Ҳамма аланглаб қаради.

Баланд қиргоқ устида — чамаси бизни қуйига олиб тушадиган сўкмоқда бир жийрон отлик турар, от негадир сапчир, чавандоз юганин тортиб ўрнида айлантирар эди.

Шак-шубҳасиз у киши — менинг онам эди.

— Шўро опа! Шўро... — дейишиб қолди болалар. Қизлар ҳам шивир-шивир қилишди-да, отлик сўқмоққа тушиб ва чанг-тўзон кўтариб энар экан, ҳамма...

...Жўрадан бўлак, ҳамма зим-ғойиб бўлиб кетишди: қочишди! Юлғунлар тагига, қабристон тарафдаги жарлик камарларига ўзларини уришди.

Ана шунда кирғоқ устида тўриқ отли ҳам кўринди. Ва бирпасдан сўнг у ҳам эна бошлади.

— Жўра ака, — дедим беҳол. — Мени... Сиздан илтимос, кетинг, ака...

— Йўқ, ука... Нимага? Сени яхши кўраман... Яхши боласан...

— Мени ким опчикди?

— Ким бўларди.

— Сиз-да?

Онам отдан тушиб, мени бағрига босди.

— Нима бўлди?... Нима?... Нима қилиб кўйдинг, ҳой, душман? Сеними? Уйга бориб бўпсан...

— Эна, Жўрака мени опчикди, — дедим. — Қалдирғоч боласини кўраман, деб...

...Раис бобо ҳам етиб келди. Ҳар ёққа разм солиб, чамаси болалар ва қизларни кўриб, ўғлига ҳам разм солиб, менга жилмайди.

— Қалай, молтишни ўргандингми? Қўлингдаги оқтош-ку? Ў, опчикқан бўлсанг...

— Гапирманг, ўртоқ Бобоев! Ўлишга сал қолипти-ку бунинг. Хайрият, худо бир асрапти...

— Йўқ. Мени Жўракам...

— Ташла у тошни! — деб дўқ қилиб қолди онам. — Нимага уни ушлаб ўтирибсан?

Мен бармоғимни очмоқчи бўлувдим... очилиб кетди! Кулиб, Жўра акага қарадим. Уям жилмайди.

Шунда онам:

— Ўртоқ Бобоев, буни мингаштиринг, — деди-да, ўзи жийронга минди.

\* \* \*

Оқтош ҳамон менинг хонамда турибди. Сузиш бўйича мусобақаларда олган ҳар хил совға-кубокларим сафида.

Лекин бу тош уларнинг ҳаммасидан азиз.

Онамнинг Жўрага муносабатини сўрайсизми?

Жилла ўзгармади: шунақаям бўларкан-да, биродар... Жўра ҳозир дўхтир.

Раис бобомдан учта укам бор. Онам уларни яхши кўради, албатта.

Аmmo Жўрани...

Менинг эса туғишганларим орасида ҳам... энг сирдошим, суйганим Жўра ака.

1992

## ҚУЁШКУ ФАЛАҚДА КЕЗИБ ЮРИБДИ...

### 1

... Ўша пастликка эгилиб ўсган гужумча остида ўтиргандим. Курсида. Курсининг оёқлари ерга ботиб кетган. Намгарчилик-да. Айтдим-ку, ё саккизинчи, ё тўққизинчи май эди... Жийдалар гуллаган. Унисининг шохида бир булбул сайраса, бунисининг шохида бир булбул сайрайди. Хўроз-макиён. У ерда ўтроқ қарғалар ҳам бор экан. Қувқ-қув қилиб, бирининг кетидан бири учиб ўтади. Умуман, жонли-жонивор жуфт-жуфт бўлаётган пайт. Ҳатто гужумнинг чакалак шохлари орасида ҳам жиблажибонлар бир-бирини қувлаб юришади. Қанақа қилиб шундай тез учишади? Ҳайронман!

Бир маҳал денг, бир-бирини қувлаб иккита оппоқ капалак келди. Шундоқ оёғим остида энишда. Қийғос гуллаган зиралар устида пилдираб уча бошлашди. Вой, шундай чиройли, шундай чиройли!

Мен бунақа манзараларни унутиб юборган эканман. Унутиш ҳам эмас — қандайдир эт қотиб, бундай манзараларга бепарво қарайдиган бўп кетган эканман.

Шунданми, ё ёлғизлик, бекорчилик, аниқроғи, ночорлик туфайлими, ёки эрмак истабми — ўтирган эдим-да!

Шунда хув этакда — унда-бунда қаққайган тош иморатлар олдида томорқасига памидор кўчатими, карамми — нимадир экишаётган қизил кўйлакли қиз-жувонлар у улар қошида гўдайишиб гурунглашиб турган (аксари) қора чопонли эркаларга кўзим тушди. Ғалати бўлиб кетдим: «Ишлаяпти улар. Мен эсам — бекорчи...»

Ана шунда калламга ғалати фикр келди. «Атрофга қара, — дедим ўзимга-ўзим, — ҳамма жонли жонворлар жуфт-жуфт! Сен эса — ёлғизсан! Сенинг ҳаётинг — нотабиий ҳаёт...»

Ўзим-ку шу ёлғизликни истаб бу ёққа келган эдим! Энди бўлса, бу ҳол менга ёмон таъсир этди!

Хотинимни эсладим, қизимни... «Улар эсон-омон Тошкентга етиб боришганмикан?» деб ўйладим.

Шу пайт меҳмонхонага олиб чиқадиган тошлоқ иўлда чопонини эгнига ташлаб олган Мисир кўринди. Совхоз директори, хўжалик раҳбари.

Ўрнимдан турдим.

— Ҳа? — деди у сиз?

— Йўғ-е, ўзим... Атрофни томоша қилиб. антиқа пайтда кепман-да, Мисирбой!

— Ҳа, энди, баҳор-баҳор... Лекин сиз хапаси ака, — деди у.

— Қаёғдан билдингиз, қаёғдан?

— Э, мен эмас, ҳамма билиб турипти ҳисоб... Пақат сизда дурбин йўқ! — деди у. Кўришдик. — так-киттак отамизми? — сўради у.

— Кўнгил тортмаяпти, дўстим.

— Уйламанг-е! — деб тирсагимдан тортди у. Юринг, миллиард ўйнаймиз!

Унгаям хушим йўқ эди.

— Сиз ажойиб инсонсиз! — дедим Мисирга чин дан ҳам ҳавасим келиб. — Ишлайсиз, ишлатасиз... Югуриб-еласиз. Вақт бўлганда, мендан хабар оласиз.

У елка қисди.

— Бизнинг ҳаётимиз шул-да... Мана, битириб олсак, насиб бўлса, йўл битса, ана сизга ўхшаган акалар, туристларнинг келиши, олиши соз бўлади. Мен чойхонани ҳам ҳашар билан битқазаман. Фермерларим ваъда беришди... ўйламанг-е, ҳаёт яхши бўлиб кетади. Бир қўй терининг ичида неча бор озиб, неча бор сел экан.

— Рост айтасиз, — дедим.

— Нима, зеркдингизми? Марказга тушиб келас ми? Районга? Балки, чол-кампириям кўриб дегандай...

— Ҳа, ҳа, — деганимни билмай қолдим: мен, афтиг дан, шароитнинг ҳам қандайдир ўзгаришига муҳтож эдим.

— Ўзимам билиб эдим-ов, — деди-да, ёғоч энгаг рақдан (қўлбола дарвоза) кейин эниладиган жарликнинг у бетигаги хўжалик идорасига қараб шовқин солг ди: — Хў-ў, Болтабо-ой! — Идора олдида ГАЗ-69 мошинаси турарди. Ёнида кимлардир бор эди. — Болтабой, бери ке, ука! — деб қўлини силкитди.

Болтабой — директорнинг-бошлиқнинг шопири. Яхши, камсукум, камгап бола.

— Бўлмаса, бирон нарса кийиб олинг. Ҳаво айланаяпти. Ёғиб қолар, — деди Мисир.

Бу ернинг ҳавоси жуда ўзгарувчан экан... Ҳа-ҳа, қор дейсизми, дўл дейсизми — марҳамат! Бир парча булут меҳмонхона устида пайдо бўлса, албатта бир нарса ташлаб ўтади. Салдан кейин қарабсизки, қуёш кулиб турибди!

Меҳмонхонага кирдим. Ўз хонамга — четдаги ҳужрага бориб, чопонни кийдим. Сигаретни олдим... Биласизми, бу уйчани қанақа қилиб безатган эдим! Битта диван. Қаршида битта кресло. Буларнинг ўртасида ёзув столи. Ёзув машинкаси. Хўш, бурчакда милтиқ, биротар. Ёстикнинг тагида пичоқ. Ёки бир парча нон... Онам ўргатган-да болалиқдан. «Яроғ — кўрикчи, болам!» деб, ҳозир ҳам уйимизга бориб ётсам, ёстигим тагига ё нон, ё пичоқ кўяди... Хўш, уйча ҳақида гапираётган эдим. Бурчакда қандайдир маркали радиоприёмник. Нақ оёғим остида — олдимда электр плита. Ёлғиз дераза ҳалиги гужум томонга очилади. Гужум орти — этакдаги қишлоқ кўринмаса ҳам, қишлоқнинг у четидан ўрлаб кетган арчали тоғ мана мен деб туради. Ошувгача. Арчалар найза кўтариб, афсонавий қасрга интилиб бораётганда тўхтаб қолган навкарларни эслатади. Сув оқадиган ўйиқлар, окмалар дўл тушганда икки кунлаб оқаради, холос.

Тоғнинг пастроқ жойларига тушган уйлардан тунлари милт-милт нур кўринади, холос.

Аммо мен хонамдаги чирокни ёқсам борми, ўша томонлардан кўплаб итлар хуришади!

Меҳмонхонада мендан бошқа бирон кимса йўқ-да. Ёзда кўп бўлса керак...

Меҳмонхона тошдан ясалган. Шунинг учун совук, ёздаям салқин бўлиши керак.

Битта ўзим ётиб турардим. Қоровулнинг ўғли ҳар эрта битта нон келтириб берарди. Овқатниям ўзим қилардим. Ошхона бор! Газ бор!

Тунлари фақат каламушлар безовта қиларди. Полнинг тагида бир-бирини қувиб югуриб қолишади денг: гудур-гудур этиб! Баъзан тирқишларидан фиш-фиш этган овоз эшитиларди. Шунда жаҳлим чиқиб, ўша ерни тепардим. Бир марта патроннинг ўқини олиб, дорисини тешикка отмоқчи бўлдим.

Каламушларни ўлдиришган. Лекин яна кўпайган... Меҳмонхона тошнинг устига қурилган. Шу тошнинг ёриқлардан ҳид олиб келса керак-да.

## 2

Хуллас, жўнадик. Кеч бўлиб қолган эди. Қишлоққа тушибоқ машина чироклари ёруғида кета бошладик. Ер нотекис, лой. Газик у ён-бу ёнга сурилиб кетади. Лекин мен гўё сезмайман. Мунг, мунг! Бутун вужудим мунгдан иборатдай!

Мен ҳаётни яхши кўрардим. Вассалом! Борича: бутун товланишлари, ҳатто фожеалари билан...

Ана шу ҳаётдан кўнгил совуди-да, биродар!

Сотсиализмнинг барбод бўлганига ачинмайман. Бироқ у билан бирга менинг ҳам нималаримдир барбод бўлганига аминман: мен инонган кадриятлар пучга чиқди...

Гўёки бугунги кунгача беҳуда яшаган эканман... Биламан: инсон нимагадир интилиб яшайди, акс ҳолда ўлади. Чамаси, менинг Тошкентда ишдан бўшаб, туғилган юртга улоқиб келишим ҳам ана ўша нимагадир интилиш, ҳечқурса, яшаб қолиш, балки яшашдан маъно топиш мақсадида эди.

Яхшиям Мисирбойнинг мени кўргали уйимизга, яъни чол-камбирнинг кулбасига бориб қолгани. У менинг аҳволимни дарҳол сизди, дарҳол тоққа — ўзи бошчилик қилаётган совхозга таклиф этди. «Тинч, ваҳималардан йироқ!» деб туриб олди. Районда ҳам Тошкентдаги гап бор экан-да: «Энди нима бўлади?»

Менга шу саволни беришади. Мени кўргани келган ёр-дўстлар. Ҳатто нотанишлар ҳам...

Фузулийдами, Навоийдами бир ғазал бор-ку? Бемор даво излаб табибга борса, табибнинг ўзи давога муҳтож чиқади: бундай гаплар эски адабиётда кўп...

Қисқаси, хотиним Тошкентга қайтди, қизчани олиб; иши бор. Мен қолдим...

Ҳа, май байрамини ўтказиш баҳонасида келган эдик.

Кечирасиз, сал чалғидим.

## 3

Қишлоқдан чиқа бошладик. Машина чироклари нуридан ўзга нур йўқ. Сойдан ўтдик. Суви кўп.



Шунақаям шовуллайдики, моторнинг овози эшитилмайди. Икки марта тўхтаб қолганда, моторнинг юрган-юрмаганини билолмай қолдим.

Нариги бет — тошлоқ. Аста-секин кўтарилиб, юксак тоққа айланади. Унинг ҳам бағирлари — арчазор. Бузук жойлар ҳам кўп: шу кунларда наъматаклар кутириб гуллаган эди! Йўл ўша-ўша: нотекис, хавфли.

Лекин Болтабой юришни билади. Мисир уни бекорга шопир қилиб олмаган...

Ҳорғин ўтирибман денг. Хаёлимда бир замонлар — ўн икки-ўн уч ёшларимда шу жойлардан ҳам милтиқ кўтариб ўтганим: отам тайёрлов идорасида ишлар эди, менинг белимга пул боғлаб, кўлимга милтиқни ушлатиб, эшакка миндириб, бу томондаги қишлоқларга жўнатарди.

У кишининг ҳар бир қишлоқда ошнаси бўларди. Мен айтилган қишлоққа келиб, айтилган кишини топиб, иккала кўлимни ҳам баланд кўтарардим. Отамнинг ошнаси белимдан белбоғни ечиб олар, ана ўшанда яна пул келтирганимни англардим. Кейин ошна: «Бориб айт. Фалон кундан кейин шунча эшак олмақоқи боради, туршак боради», дер эди. Мен кўпинча ўша куниёқ районга қайтардим. Нимагаки, масалан, сахарлаб марказдан чиққан бўлсам, куёш ботишига бирон терак бўйи қолганда, ўша қишлоққа етиб келардим. Биласизки, куён ҳам, каклик ҳам кун ботаётган пайтда сўқмоқларга, ялангликларга чиқади. Айниқса, куёнлар!..

Отолмасанг ҳам, уларни қувиш, ортидан ўқ бўшатиш, хуллас, томоша қилишнинг гашти бор-да.

Сўнгра: тунлари милтиқни ўнглаб, арчазорлар орасидан юришни яхши кўрардим. Қулоғинг динг! Сезгиларинг ўткир! Бамисоли баҳайбат бир маҳлуқ чиқиб қолади-ю, у билан сўқишасан...

Қолаверса, зим-зиё туннинг ҳам ўзига хос гўзаллиги бўлади-да. Юлдузлар яқин, бойкуш сайрайди, ҳар қадамингдан жир деган тун қуши учиб ўтади. Эшаккина бепарво... Ой чиққан маҳалларда арчазорлар негадир тинч бўларди. Улкан-улкан арчалар сояга ўхшаб туради. Эшакнинг туёқ товуши йироқ-йироқлардан баайни акс-садо беради.

Ўлай агар, кўрқув нималигини билмасдим. Ҳолбуки, мен ўрмон билан боғлиқ эртақларга ишонардим...

Ўтинаман: ҳаяжонланиб кетиб, асосий мақсаддан чалғияпман, лекин бу изоҳлар ҳам керак.

Болтабой йўлни териб ҳайдаб, ўрқачга чиқди. Чироклар нурида фақат икки марта тулкими, шақолми кўринди: тўғрироғи, йилтиллаган кўзлари кўринди, холос.

— Товушқон қолмаганми? — деб сўрадим.

— Камайиб кетди, ака, — деди Болтабой. — Лекин бор... Энди, улар ҳам замонга қарайди-да. Ҳадеганда ўзини кўрсатмайди. Бугун эрталаб бировини кўрдим. Ҳар сакрайди — одам бўйи! Уни отиб бўладими? Какликлар ҳам даққи бўлиб кетган. Қорангизни кўрса, бир чақиримдан қочади.

Тоғдан эна бошладик. Олисида юлдузларга кўшилиб кетган марказ чирокдари кўринди. Лекин уларга етиш учун... Чўпонлар тўғри айтишади: нур кўрган ерингга борма, ит хурган ерга бор! Зўр гап.

Марказ чегарасига кирганимизда, ёмғир томчилай бошлади. Соат ўнлардан ошган эди.

Кўштегирмон кўпригидан ўтгач, анча хушёр тортдим. «Районда ўзгариш борми?» дегандай қарай бошладим. Жимжит. Одамлар кундузги ваҳимали гап-сўзлардан қочиб, уй-уйига, тўшагига кириб олгандай эди.

Чорраҳага етганда, Болтабой:

— Уйлариятами, домла? — деб сўради.

Уй... Уйда нима қиламан? Тунда уларни безовта қилиб, нимани гаплашаман?

Қаёқдан калламга келди шу гап:

— Почтага! Почтага! — деб юбордим.

#### 4

Почта биноти Саритепаннинг бағрида. Ўрлаб бориб, энгаракка ўхшаш дарвозадан кирдик. Одатда, мошиналар дарвозадан буёқда қолади. Бизники энди... директорнинг улови. Қолаверса, мени жумхурият ўқувчилари яхши танимаса ҳам, тупроқдошларим яхши билишади. Ҳатто айтишим мумкинки, айримлари фахрланишади.

Мошинани майдонда қолдириб, ичкари залга кирдик. Одам сийрак. Ўриндиқларда ҳар хил алфозда ўтиришибди: бир-бирига орқа ўгириб.

Энди, каминани танийди-да, почтачилар ҳам... Тўрдаги туйнукдан навбатчи йигитнинг овози келди:  
— Салом берди-ик, Қудрат ака!  
— Салом, салом, — деб илжайдим. Уяламан. Ҳамма менга ўгирилиб қаради.  
— Тошкент билан гаплашасизми? — сўради у йигит. Ўлай агар, кўчада кўрсам, танайман. Аммо шу биланми, бошқаси биланми Тошкентда туриб ҳам кўп гаплашганман: чол-кампирни соғинганимда...  
— Ҳа, — дедим.  
— Номер ўшами?  
— Ҳа, — деб юбордим.  
— Ҳозир! Биринчи кабинага кираверинг!  
Энди жилганимни биламан, тепамдан қайноқ сув куйиб юборилгандай бўлди.  
— Нега бу киши гаплашар экан? Менинг навбатим-ку? — деди бир... қора духоба камзул кийган қизми-жувон. У анча нарида деразага қараб ўтирган экан. Менга бурилиб олган, бошқалар қандайдир безовталаниб қолган эди.  
Айтдим-ку, иссиғим чиқиб кетди, деб!  
— Хўп-хўп, синглим. Бемалол... Бу киши гаплашсинлар! — дедим-у, юзим қора бўлгандай изимга қайтдим.  
Почтачи йигит нимадир деб дўк қилди. Кимлардир ҳалиги қизми-жувондан нолиди...  
Мен эшитмас эдим.  
Тўғри майдонга тушдим. Ёмғир кучайди. Бўғот панасига ўтиб сигарет тутатдим.  
Болтабой ҳам мен билан бирга.  
— Ҳе, парво қилманг. Қишлоқчилик-да, — деди.  
— Йўқ-йўқ, ҳаммаси тўғри, — дедим.  
Қаранг-а, Тошкентда шундай жойга кириб қолсангиз, биринчи галда: «Ким охири?» ёки «Кто крайний?» деб сўрайсиз. Бу ерда... Хом сут эмган бандамиз-да.  
Болтабой ичкарига қайтиб кирди. Бирон беш минутлардан кейин зинада кўриниб, мени чақирди.  
Беихтиёр биринчи кабина томон борарканман, почтачи:  
— Кечирасиз-да, ака, — деди.  
— Ҳечқиси йўқ.  
— Линияда янгам...  
— Раҳмат.

## 5

— Тинчликми? Қаёқдардан телефон қивотсиз? — деб сўради хотиним. «Қаердан?» деганининг сабаби — ўша қишлоққа ҳали телефон тушмаганини Мисир мени кўргани келганда айтган эди, афтидан, хотиним бундан мамнун бўлган эди.  
— Райондан. Марказдан, — дедим.  
— Нега? Районга тушдингизми?  
— Кўриб турибсан-ку?  
— Нега тушдингиз?  
Мен унга тахминан ярим ойлар ўша тоғлар орасида бўламан, деган эдим. Чамаси, марказга энмаслигимни ҳам айтган эдим. Албатта, бу қарор унга ёққан эди.  
Марказга тушсанг, биласиз-ку, яна ёр-дўстлар билан ўтирасан. Ҳалиги искотидан кетади. Кейин рангинг бир хил бўлиб... Иш ҳам қолиб кетади...  
Хотиним менинг аҳволимни, умуман, тушунар эди: тушунгани учун ҳам хизматдан бўшаб бу ёққа жўнашимга, яъни, жўнашимизга рози бўлганди. Йўқса, бир кути сигарет фалон сўмга чиққанда, хизматдан бўшашга бало борми!  
Хайрият, энг сўнгги китобимга уч-тўрт сўм қалам ҳақи теккан эди...  
Ҳа, сўнгги китобимга!..  
Ҳа-да: шу нарсалар ҳам таъсир этганди-да менга... Маънавиятнинг қадри шунчалар тушиб кетадими?  
Еб, ичиб, боринги, туғдириб, ухлайдиганлар замони келгандай: ҳолбуки, бу иш — фақат жонли жониворларга хосдир. Ахир, бизлар — одам...

Бунинг устига, «маданий одам?» дейишади бизни... ям!

Президент маҳкамасидаги мулозимлар ҳам нукул «Мафкура тамом! Иқтисодни ўйлаш керак!» деб уқтиришади. Ҳолбуки, шу — иқтисодни ўйлаш ҳам — демак, мафкура эканини, инсонни ўйлаш эканини тушунишмайди.

Ҳа-ҳа, бу масала ҳали юзага қалқиб чиқади. Шундай қалқиб чиқадики, бу йўриғда ҳам бирёқламалик қилганимизни фаҳмлаб қоламиз. Кейин аттанг...

Ҳа-ҳа: менинг мафкурам — ҳаётни борича севиш эди. Ҳалиям ундан қайтмаган эдим. Аммо...

... шу ҳаётнинг ўзи, нима бало, чарчатганмиди, жонга текканмиди, билмайман.

Э, дўстим, мени сўроққа тутгандан кўра, ўзингиз — ўз кўнглингизга назар ташланг. Назар ташланг-чи... А-а, балли! Сиз ҳам мен каби улоқиб кетгингиз келади.

Начора, мен шу ишни қипман, балки имкониятим борлиги учундир...

## 6

— Нима учун, нима учун? — деб чирсилладим мен ҳам хотинимга. — Балки сенинг овозингни эшитиш учун... тоғдан тушгандирман!

— Уйдан телефон қивотсизми?

— Почтадан! Ишонмасанг, ана, навбатчидан сўра, — дедим. — Уйга бормайман. Нима қиламан чолкамбирнинг олдида? Бемаҳалда?.. Ҳа. Тоққа қайтиб кетаман...

— Мошина борми?

— Ташқарида турипти... Ўзи, яхши етиб бординглари?

— Ҳа, ишқилиб... Бу ердаям ёмғир, ёмғир... Ҳаммаёқни зах босиб кетди...

— Хўп, менга топшириқ борми?

— Тезроқ қайтиб кетинг!.. Ҳой, сиз марказдаги жўраларингазгаям кўп ишонманг. Мен сездим. Тўқсон пойизи қитмир, одамнинг кўлига қарайдиган бўпти. Ҳа, пул кўрмаганлар... Қайтамга илгари тузук эди...

— Худди шундай, — дедим.

Бу нарсани мен ҳам жуда яхшигина сезган эдим... Нима десам экан, ўкинган ҳам эдим: «Эсиз йигитлар», деб... Биламан, ишонаман, бу кунлар ўтади!

Нима, меҳр-оқибат тикланмайди, деб ўйлайсизми? Бу даҳшат-ку?

Унда чиндан ҳам инсон инсонга бўри бўлар экан-да?.. Ишонмайман: ахир, Мисир ҳақида гапириб бердим, шекилли? Ундай инсонлар бор-ку?

Менга етади...

Хуллас, хотин билан хайрлашдим. Почтачига гаплашганим ҳақини узатгандим — қайтарди. Бари бир ташлаб чиқдим. Ташқарига чиққач, кўнглим бузилди: нега?

Балки бу тентирашим таъсир этгандир?

Аммо нега тўппа-тўғри бу ерга — почтага келганимни ўйлаб, иттифоқо англадимки, ҳалиги меҳмонхона олдида — гужум остида ўтирганимда, ўша капалакларни, қарғаларни, чопон кийган эркаклару аёлларни кўриб: «Ҳаммаси жуфт-жуфт», деб ўйлаганим таъсир қилган бўлса керак: «Мендаям хотин бор-ку?» деб...

Хўш, шляпани бостириб, мошина олдида бордим. Бораётганимда орқа эшик олдида турган бир қора гавдага кўзим тушган эди. «Болтабой», деб гумон қилганимдими, билмайман, ишқилиб, унга парво қилмай, ол-динги эшик тутқичидан тортдим. Шунда у қора гавда:

— Қудрат ака, мени олиб кетинг. Қўштегирмонда тушиб қоламан, — деди.

Кўзим илғади: ўша — духоба камзулли қизми-жувон... Энди негадир юрагим ғашланиб:

— Бемалол, — дедим.

Мен ўтирдим. Уям орқа ўриндиққа кириб ўтирди. Жўнадик. Саритепадан эна бошладик.

## 7

Одам ўзини билмайди: кўнглини, дёмқчиман. Тоғда Мисир: «Отамизми?» деганда, рад қилгандим. Энди негадир сал тусаб қолдим, ёки, умуман, меҳмонхонага қуруқ қўл билан боргим келмадим,

харкалай, шундай дедим:

— Болтабой ука, мана, бирон хафтадан бери сизларнинг меҳмонингизман. Ейиш-ичишдан зорикқаним йўқ. Аксинча... Шу, малол келмаса, ресторанга хайдасангиз. Мен бирон нарса олволсам...

Шофёр менинг шундай дейишимга жавобни ав-валбахор тайёрлаб қўйгандай:

— Йўғ-е, домла, — деди. — Бу мошин — дириктирники. Отнинг қашқасидек маълум. Рестораннинг олдида кўришса, «Директор нима қилиб юрипти?» дейишади...

Мен унинг бошлиғига содиқлиги учун беш кетдим. Аммо бир андиша ғашимни келтирди: илгари, хув илгари шунақа дейишса, эътироз билдирмас эдим.

Чунки райком котиби — ҳоким, хоқон эди! Панада билганини қилиб, очикда одамларнинг тирнокча «нуқсон»ини ҳам туядек қилиб кўрсатар эди: умуман, хўжалик раҳбарларининг ресторанга кириши истисно ҳол эди. Аммо хилват гўшаларда улар қилган ишни ўша хонлар ҳам қилолмаган-ов...

— Ҳалиям ҳокимдан кўрқасизларми? — дедим.

— Э, домла, ҳоким-ҳокимда... Кейин бизнинг халқимиз ўрганиб қолган... Тўғри, бетгачопарлар чиқаяпти. Бой фермерлар пайдо бўлаяпти. Ўзимизнинг совхоздаям бор... Мисир ака совхознинг ярмини фермерларга берган. Техниканиям...

Бунақа гапларни ҳам марказда, хотиним билан уч кун турган пайтимизда, роса эшитган эдим.

— Бўпти. Тўғрига хайдайвер, — дедим. — Кейин чапдаги тор кўчага кирасан. Ресторанга орқа томондан келамиз.

Болтабой жим қолди.

Тор кўчага кираётганда, орқага қарамасдан сўрадим:

— Синглим, шошилмаяпсизми?

— Э, йўқ. Қаерга шошаман, — деди у ғоят бепарволик билан.

«Зўр», деб қўйдим ичимда.

Торкўчадан бора-бора бошқасига тушиб, ресторанга етдик. Орқа томон қоронғи.

Мошинадан тушиб, ошхонага кирдим. Оқ қалпоқ кийиб олган ошпазлар мени таниб, дарров сўраша кетишди.

— Кечирасизлар, менга биронта ичимлик керак эди, — дедим.

Буфетчини чақиришди. Уям қуюқ сўрашди ва аҳволимдан — чопон кийиб, рестораннинг орқа эшигидан шумшайиб кирган кишининг, яъни, таникли шоирнинг аҳволдан завқланиб:

— Ароқ йўқ, акажон. Шампан бор, коньяк бор, — деди.

Қамма бизга тикилиб турибди.

— Биттадан беринг, — дедим.

Берди. Ва уям узатган пулимни олмади. Лекин... чўнтагига тикиб чиқдим.

Яна йўлга тушдик.

Менинг, хартугул, кайфим чоғ эди. Болтабойга ҳали — тепадан энаётганда айтган гапларимнинг бари рост эди-да: бир хафтадан буён тирикчилигим шуларнинг бўйнида. Табиий: ичимлик ҳам... Дарвоқе, Мисирбой меҳмонхона ошхонасидаги холодилникка уч-тўртта турли ичимликлардан ҳам солиб қўйган.

## 8

Кетяпмиз.

Айтганимдек, кайфим чоғ. Келаётган пайтимдаги мунг мени харкалай тарк этган эди: бироз яйраб қолсин дегандай... Лекин ич-ичимдан ҳис этардим: хотиним айрим дўстларимнинг бозор иқтисоди одамларига айланаётганини эслатгани ва, дарҳақиқат, ўзим ҳам бу ҳолни сезганимга зид ўлароқ...

Мисирнинг ўзгармагани, почтачиларнинг ҳурмат-эҳтироми, ресторан хизматчиларининг иззат-ҳурмати — дилимни анча равшан этган эди.

Балки мана бу ичимликларни олиш фикриям, нима десам экан, руҳимни кўтарган, қандайдир пинҳона хижолатдан халос қиладигандай эди.

Аммо сизга очиғини айтишим керак: тагин ўзга, тоят яширин ва сирли бир нарсаям дилимга, қандайдир... малҳам эдики, у нарса шубҳасиз — почтахонада «олдин мен гаплашаман!» деб шаккоклик қилган қизми-жувоннинг тагин машина ёнида туриб олиб, бемалолгина кириб ўтиришни сўрагани ва...

кириб ўтиргани эди. Ҳа-ҳа, шу эди.

Ўзингиздан қолар гап йўқ: бундоқ пайтда эркак зоти борки, маъносиз мамнун тортади. Кўнглида заррача «қийшиқ фикр» бўлмаса ҳам.

Тилинг бийрон бўла бошлайди ва айтаётган гапларингни «орқада ўтирган киши» ҳам эшитишини истайсан ҳамда... унга қандайдир мослаб давом этасан.

Лекин каминанинг тилига гап келмас эди.

— Ҳа, гурунг беринг-е, Болтабой, — дедим. — Халқнинг аҳволи қалай? Бу Озодлик деган эдик, етишдик! Горбачёв бобо бир атом уруши қилолмайдиган ишни қип кетди... Баъзилар: «Озодликни нима қилишни билолмай қолдик», дейишади. Тўғри энди, қафасдаги какликни чиқариб юборинг-чи? Тоғларга эркин учиб кетадими? Йўқ... Қайтиб келади. Шу маънода Навоий бобомизнинг «Олтин қафас ичра қизил гул битса, булбулга тикандек ошён бўлмас эмиш» деган байтлари нисбийдир...

— Домла, мен бу томонларини тушунмайман-у, халқ бойияпти... Лекин хасис бўп борапти! — деди Болтабой. — Бундан ташқари, ишсизлар кўпайиб борапти. Биздаям анча бор эди... Мисир ака анави ишларни бошлаб юборди. Тошкентлик битта савдогар йигит бор экан. Қандайдир ассасиянинг бошлиғи! Балки танирсиз? Хуллас, ўша киши билан келишибдилар шекилли, у катта пул берган... Хўш, йўл қурилиши учун. Меҳмонхонани жиҳозлаш учун. Миллий чойхона қуриш учун... Мана шу туфайли денг, анча одамлар ишли бўлиб қолди. Маошиям ҳалигидай!

— Ҳим, халқ Мисирдан хурсандми?

— Жуда! Мисир ака ўзгармайди-да... Яхшига — яхши, ёмонга ёмон. Қаттиққўллигим бор.

— Ҳа-а, бу яхши. Халқни ўз бошига ташлаб қўйиб бўлмайди.

— Шу-да: минг қўшчига бир бошчи.

Сирасини айтганда, бу гаплар ҳам маълум ҳақиқатлар эди: ахир, анархиянинг олдини олиш керак-да! Биз ўрганмаганмиз бундай эркинликка... Шунинг учун ҳам, назаримда, инсондаги энг табиий, инсоният даражасидаги ожизликлар ҳам, ёвузликлар ҳам юзага балқиб-балқиб чиқа бошлади: ўғирлик, шафқатсизлик, порахўрликнинг қандайдир олий шакллари... Меҳр-оқибатнинг кўплардан кўтарилаётгани...

Бу йўриғда «эркинликка чиққан» дин ҳам ожизлик қилаётгани... Умуман, диний таълимот йўрғакдан сингиши керак кўнгилга! Тўғрими?

Биз эса — суяги атеизм билан қотган одамлар... Ҳа, энди, кўнгилинг тубида нималардир бор эди.

Мозорнинг туғини олган бир коммунистнинг қўли шол бўлиб қолганини биламан.

Балки унинг ҳам кўнглида ўша «нимадир»дан бўлган-у ночорликдан...

## 9

Юқоридаги гап-сўзлар билан сизни зериктирмадимми? На илож, биродар? Қаерга борсанг, шу хилдаги гап...

Нима? Йўқ-йўқ, «Орқадаги киши» суҳбатимизга жилла бўлса-да, кўшилмади.

Қўштегирмондан ўтиб кетдик. Кўприкдан ҳам ўтгач, орқага қарагим келди. Қандайдир хижолат бўлдим. Болтабой «Қудрат акам бу билан келишган», деб ўйлайди, дедимми? Кейин: «Наҳот шофёрдан сўрамаган?» деган хаёлга бориб, унга секин шивирладим:

— Бу аёлни танийсанми?

У йўлдан кўз узмай танглайини тақиллатди. Сигарет тутатдим: «Қизиқ-ку?»

Бу орада Пода деган қишлоққа яқинлашиб бора бошладик. Мен охийри ўгирилиб сўрадим:

— Синглим, Қўштегирмон қолиб кетди... Қаерга борасиз?

У аллақачон шундай савол беришимни кутиб, жа-вобни ҳам Болтабой сингари ҳозирлаб қўйгандай:

— Сиз қаерга борсангиз, ўша ерга-да, — деса бўладими!

Карахт тортиб қолдим. Юрак ўлгур гурс-гурс ура кетди. Хаёлда ҳалигидай мавҳум-қизиқ манзаралар...

«Тавба! — дейман. — Бу қанақаси бўлди!» Болта-бойга кўз қирини ташласам, мийиғида табассум. Уф, уялиб кетдим: буларнинг олдида мен ҳалигидай — покдомон кишиман-да...

— Бу-а, сиз мени танийсизми? — деб, ярим бурилиб сўрадим.

— Нега танимас эканман? Сиз — Қудрат ака-да, — деди у қандайдир терслик билан. Сўнгра

хотиржам-шаддод бир тарзда давом этди: — Хотинингиз, қизингиз билан келган эдингиз. Биринчи майда кўчага чиқдинглар.. Ҳалиги параддаям бўлдингизлар. Тўғри, одам оз бўлди. Қари-қартанг. Лекин байрам-да. Шаҳар ҳокими сиз билан кўришди. Кейин уйларингга кет-динглар... Кўрган эдим. Танийман сизни.

— Юртдош сифатидами?

— Ҳа-да, — деди у кескин. — Лекин шеърларингизни ўқиб тураман. Кўлимга тушганда.

— Ҳим, маъкулми?

Ожизмиз-да, азизим. Жиндек мақтовга кулмиз... Йўғасам, бу саволнинг нима ҳожати бор эди!

— Яхши, — деди у. — Ўзимизни ёзасиз. Тоғларимизни... Сизнинг шеърларингиз ҳаммаси тушунарли. Содда.

— Раҳмат.

Унинг гапи — мен учун катта мукофот эди.

— Тошкентга қачон қайтасиз? — сўраб қолди у.

— Ҳим, билмайман, — дедим. Шунда Болтабой гапга аралашди:

— Домла хоҳласалар, эртага кетадилар. Хоҳламасалар, бир ой ҳам тураверадилар.

Бу гап ҳам менинг шаънимга айтилган ўзига хос мақтов эди. Бироқ мақтовнинг тагида мени... нима десам-а, қизганиш ҳам йўқ эмасди.

Поданинг сертош сойидан мошинанинг тарақ-туруқ қилиб ўтишиданок Болтабой аёлни ёмон кўраётгани ёки ёмон кўриб қолганини аниқ сездим.

Аммо, мени сўксангиз — сўкинг, бу гапларни хотинимга етказсангиз ҳам — майли, миқ этмай ўтиравердим: Нега? Нимага? Ёлғиз Оллоҳга маълум.

## 10

Подадан кейин ўр бошланади. Ўр, ўр! Тақир тошлоқлардан айланиб ўтади йўл. Ва ниҳоят, тоғ ўрқачига чиқиб борадики, ана у ердан мен яшаб турган ўша қишлоқ бир туп қора дарахт каби кўринади.

Қарасам, Болтабой «Газик»ни суриб, сакратиб ўрлатиб борапти. Шунча тикиламан афтига, бир карамайди!

— Болтабой, бир минут тўхта, ука, — дедим.

У мошинани таққа тўхтатди-да:

— Домла, сиз ўйламаяпсиз... Сизни ҳамма дурбинда кузатиб туради! — деди. — Бу киши борса, дарров кўришади. Кейин гап-сўз... Мисир аканинг ҳам шаънига яхши бўлмайди...

Худо ҳаққи, мен бу аёлни қишлоққа — меҳмонхонага боришини тасаввур ҳам қилмагандим: шунчаки, унинг ёнимизда экани завқли эди.

Ва бошқа жиҳатларни ўйлагим ҳам келмасди.

— Тўғри, тўғри айтасиз, — дедим. Шунда орқадан садо чиқишини кутдим: чиқмади.

Нима қилиш керак?

Бу ёнбағирлар ҳам мен учун кадрдон, ёшлигимнинг шошқин даврлари кечган манзил эди. Бу адирларда какликдан кичикрок, аммо гўзалликда ундан сира қолишмайдиган чил деган қушлар кўп бўлар, улардан талайини отган ҳам эдим.

Ёмғир томчиларини нари-берига сураётган ойна чўткасига қараб турдим-турдим-да:

— Қайтар. Пастга — сойга энди, — дедим. — Сойга. Бироз ўтирамик.

Хонимдан яна садо чиқмади. Болтабой эса моши-нани чапдастик билан буриб олиб, орқага қайтди. Сўнгра бўртиб-бўртиб турган тошлар устидан авайлаб ҳайдаб, ҳайхотдек сойликка эндира бошлади.

Пода қишлоғида кичрайиб қоладиган сойликни боши — кенгайиб кетган, ҳар қирғоғи бамисоли тоққа айланган ва шимолдаги улуғ қирраларга туташадиган бу макон ҳам менинг суйган манзилларимдан бири эди.

Гап шундаки, сой тубида, сув жияклариди бир қаватли, икки қаватли уй баравари келадиган баҳайбат ҳарсангтошлар думалаб ётади. Табиий, уларнинг кўпи анави тоғсимон қирғоқдан кулаб тушган ва текис жойда туриб қолган. Кўпчилигининг ён-веридан арча, тоғолча, аччиқ бодом шохлари чиқиб туради. Тағин, бундай харсанглар тагида камарлар кўпки, уларга бемалол кириб ўтириш, гулхан ёқиш ва ҳатто ётиб қолиш мумкин.

Камарларга ёмғир-қор тушмайди. Ўт ёқиш учун эса хас-хашак, ўтин-чўп сероб.  
«Газик» сойга тушиб, сувдан ўтди. Нариги бетдаги энг катта қоянинг қошига етдик.  
— Тушамиз... Қаршилиқ йўқми? — дедим орқага сал бурилиб.  
— Менга барибир, — деди аёл ўша дангаллигида.  
— Яхши, — дедим. Ва беихтиёр, балки табиий тарзда шу фикрга келдим: «Бузуқ аёл... Майли, бироз ўтирайлик. Қайтариб юбораман. Болтабой обориб Қўштегирмонга ташлаб келади. Ўзим ў-ўтираман гулхан ёқиб...»

## 11

Мошинадан тушдик. Чироклар ёритиб турган камарни кўрсатиб, одоб юзасидан:  
— Бориб тулинг, — дедим хонимга.  
У «бориб туриш»ни ўзиям яхши биладигандек индамай ўша томонга йўналди. Биз Болтабой иккимиз нима қилардик? Сўзсиз ўтин жамғаришга тушдик.  
Бу ерда бултурдан қолган каврак, қуриган бодомча, тагин аллақандай тиканлар мўл эди. Хаш-паш дегунча хонимнинг олдида ўртача одамнинг кўкраги баравари ўтин-чўп йиғилди. Болтабой унинг устига чиқиб, бироз тепкилагач, пасайиб босилибгина қолди. Ниҳоят, камардан сал берирокда, ёмғир тушмасдан қиялаб ўтаётган ерга ўтин-чўпдан босиб, гугурт чақиб тутдик. Зум ўтмасдан чирсиллаб, тутун чиқариб гулханамиз ловуллаш бошлади...  
Мен бениҳоя хурсанд эдим: ахир, болалигим давомида минг бир марта қилган ишни тагин такрорлаётган эдим. Ва менга шундай туюлардики, Тошкентда ҳам, анави туман марказида-ю тоғдаги қишлоқда ҳам мана шундай ёввойича гулхан ёқиш етмаган экан.  
Бунинг устига, ёнингда — ким бўлишидан қатъи назар, аёл киши бўлса...  
Гулханнинг атрофига учта йирик-йирик тошларни думалатиб келдик.  
— Марҳамат! — деб ўтирдим-у, аёлга қарадим. Ва... лол қолдим.  
Қоя бағридан оппоқ, ёниқ бир чехра ўта қизиқиш билан қараб турарди!  
Рўмолини бошидан тупшрган (иссиқ ўтган бўлса керак), бўйинлари, сочлари ҳам баралла кўринар, бу қиз-жувон... нари борса, ўн саккиз-ўн тўққиз ёшда эди! Биласизми, бунақа юзни учратиш қийин: кўзлари сал қийиқ ҳамда бир-биридан хийла йироқ жойлашган. Мўғилларнинг кўзини эслатади. Аммо яноғи билинмайди, бунинг устига, ияги чувакроқ.  
Бу бир ғалати — кўп қонлар томирида қоришиб юрган, нима десам экан, мўъжиза эди.  
Ҳайрон бўлиб қопман. Мен уни «қиз-жувон» деб атадим, «аёл» деб гумон қилдим, «бузуқ хотин» дедим. Бу бўлса...  
Ҳа, айтмоқчи, лаблари юпқадан келган ва уларда майин хайрихоҳона, айна чоғда, қизиқиш тўла табассум бор эди.  
Тавба, лекин гаплари дангал, овози ўктам. Ҳатто қандайдир кўпол эшитилади...  
— Келинг, ўтиринг, — дедим-у, у ёнбошида бўй чўзиб турган арчани суриб, бу ёққа чиқиши ҳамон бошим айланиб кетгандек бўлди...

## 12

Қоянинг бағри — камар жуда қоронғи жойга, аниқроғи, қора ўрмонга айланди. Қизнинг эғнидаги қора духоба камзул... юпун бир кўйлак тусини олди. Оёқлари ён-верида хас-хашаклар эмас, балки чучмома, бўтақўз ва шулар каби чечаклар очилиб турарди.  
Қиз қандайдир қийналиб ёруғликка чиққандек, шундан лабида табассум ўйнар, табассуми ҳам... ёркин ва шодон туюлар ва умуман, у ўзлигини йўқотиб...  
... Зумрадга айланган эди!  
Зумраднинг кимлигини биласизми?  
«Икки сандиқ» эртагини эсланг... Балли! Ўша етим қиз. Ўз онаси ўлиб кетиб, ўгай онанинг қўлида қолган... кунларнинг бирида ўрмонда адашиб, сеҳргар кампирнинг хужрасига бориб қолган...  
Билар экансиз... Шошманг, ўшанда айтилади-ку: Зумрад юрган йўлларда чечаклар бош эгиб унга салом беради... Қизик-а? Гуллар салом берса...

Лекин, ишонинг, азизим, мен шу гапларга юз фойиз ишонардим! Шунинг учун гулларнинг менга салом бермаганларини кўриб, хайрон қолган, аламим келган пайтлар ҳам кўп бўлган... Яхши эслайман! Ўша эсдаликлардан қолгани, афтидан, шу эдики, гулларни... қанақа бўлмасин, яхши кўрардим!

Афсуски, йиллар, бу ёқда ҳар хил турмуш таш-вишлари, устига-устак, ёвуз салтанатнинг инқирозидан кейин пайдо бўлган тентирашлар...

... халкнинг ҳам гангиб қолгани, арбобларнинг тезда йўл тополмасликлари...

Ҳа-ҳа, менинг охир-оқибат хизматдан бўшаб, дарвишномо бўлиб бу томонларга кеп қолишимнинг буюк боислари ўша-ўша чечакларга меҳрни ҳам ўтмаслаштириб қўйган-юборган эди.

Бугун — кечки пайтдагина мен табиатни фавкулудда ўткир ҳис эта бошлагандим, холос!

Энди бўлса, мен учун энг суюмли, балки менинг шеъриятга ҳавас қўйишимга, табиатни-ю ҳаётни борича — барча товланишлари билан яхши кўришимга ва тасвирлашимга сабаб бўлган азиз эртагим (эртақларимдан бири) ҳам жонланди. Ва бир неча дақиқага бўлсада, мени...

...ёш болага айлантирди. Йўғ-е, ўсмирга! Нималар деяпман? Зумрад ўн икки-ўн уч яшар бўлади. Демак, менинг тоғ-тошлар кезиб юришим ҳам ўша даврга тўғри келади: ҳа-ҳа, қоронғи ўрмонларни яхши кўришим, бойқуш сайрашларига ишқибозлигим, ой...

Хуллас, қиз келиб, менга яқин тошга сал қийшайиб ўтирди. Оёғида эски шиппак, лекин пайпоғи оппоқ. Лозими атласдан экан. Қулоғида сирға-пирға деган нарсаси йўқ.

Болтабой ҳам бу ёндаги тошга ўтириб, қўлларини ўтга тоблади-да:

— Домла, нима қилай? Анавини опкелайми? — деди.

Мен ҳамон паришон эдим.

— Э, опкелинг! Опкемайсизми? — дедим.

У туриб кетди.

### 13

— Нимага мундай тикилиб қолдингиз? — сўради қиз куруққина қилиб.

— Сизни бир кишига ўхшатдим, — дедим.

— Кимга?

— Зумрадга...

— Э, ўзим Зумрад-ку? — деди у.

Мен... оғзимни очиб қолдим. Негадир Увайсийнинг «Анор» шеъри эсимга тушди: «Бу на гумбаздир, эшига-туйнуғидан йўқ нишон...» Нега бу байт хаёлимга келди? Тушунсам, ўлай... Аммо оғзим очилиб қолганини тушунса бўлади.

Нима қилишимни билмай: «Э, худо, — дедим кейин. — Бу қандай сир-синоат? Ёки фавкулудда исмлар бир-бирига мос келдими? Ҳа, ҳа. Бошқача бўлиши мумкин эмас!» деб ўзимга уқтиргач, сал-пал хушимга келдим.

— Сиз «Икки сандиқ» эртагини ўқиганмисиз? — деб сўрадим.

— «Икки сандиқ»? «Зумрад билан Қиммат» эмасми? — деди у. Ва менинг шошиб бош ирғаганимни кўриб, давомини айтди: — Мактабда ўқигандим. Қимматни аждаҳо ютиб қўяди...

— Шу-шу.

Шунда у бирдан бошини ўгириб кулди.

— Ўша Зумрадга ўхшатдингизми мени?

— Ҳа, ҳа.

— Яхши қизга ўхшатган экансиз, — деди у. Сўнг «хирмон»дан бир даста тикан олиб, гулханга ташлади. Ва хўрсинибгина қўйди-да, шишаларни кўтариб келаётган Болтабойга қаради.

Болтабой битта пиёла ҳам олиб келган экан. Шампанни олдим-у, Зумраддан сўрадим:

— Ичасизми?

У елкасини қисди. Мен дарҳол шишани очиб пиёлани тўлатиб, узатдим.

— Пиёламиз битта... Мен коньяк ичаман.

У пиёлани олиб, кўпиги пасайгунча тикилиб турди-да, сўнг қандайдир ийманиб-кулимсираб:

— Хўп. Омон бўлинглар, — деб ютди-қўйди.

«Ҳа, ичиб ўрганган, — деб ўйладим. — Ёшиям... Демак, мактабни битирган... — Эрга теккан ёки



бола туккан-туғмаганини тусмоллаш учун юзига тикилиб қарадим: лоф бўлсаям, нақ олма... — Қизик, мени таниса, нега почтахонада унақа қилди?»

Конякдан куйиб ўзим ҳам ичдим. Сўз айтмадим. Афтидан, Зумрадга: «Сизнинг соғлигингиз учун!» дейишга истиҳола қилдим: ахир, у жуда ёш-да!

Болтабой мошинага ишора қилиб, ичмади.

Ана шунда камина катта бир хатога йўл қўйганини англади. Яъники, тўғри айтасиз, газак олмаган эканман: умуман, газак харид қилиш хаёлга ҳам келмаган эди.

Сиз ҳозир: «Бу Болта шопирни газакка юборади.

Мақсади париваш билан ёлғиз қолиш...» деб ўйладингиз. Рост! Лекин сиз ўйлаган маънода эмас: газак ҳақиқатан ҳам керак! Иккинчидан, бу эртақдан чиққан ғалати қиз билан...

... хайҳотдек дарада — сой бўйида, чўнг харсанг тагида, гулхан атрофида, сим-сим ёмғир остида ўтириш — ёш ўспирин бўлиб ўтириш мен учун...

хаётнинг ажабтур ўзгариб кетганидан куйиб ва совуб, «Бирон нарса топарманми?» деб тоғлар қаърига йўл олган кимсанинг бемалол гурунг қилиб ўтириши...

... ахир, менга, дардимга жилла бўлса-да, даво эди-да!

Ҳа, энди, кўнгилнинг қайсидир бурчагида бошқа ният ҳам туғилгандир?

Ҳарқалай, Зумрадга «аёл киши» деб қараш — менинг учун ўнинчи даражали гап эди.

## 14

— Шаҳарга тушгунча ресторан бекилади. Уйингизга бориш ноқулай, — деди Болтабой. — Қишлоққа бориб келгунча, соат... тўрт бўлади, домла.

Мен соатга қараб нималарнидир чамалаган бўлдим. Шунда Зумраддан «садо» чиқди-ку:

— Мен аёл бошим билан шу кишини деб келиб ўтирибман. Сиз йигитсиз-ку!

О, аёлнинг таънаси!

Болтабой ирғиб туриб кетди. Мошина қошига етганда, қайрилиб сўради:

— Қоровулдан олайми, ё меҳмонхонада борми?

— Хонамда, хонамда бор, — дедим. — Эшикдан кирган жойингизда бир қўлтиқ равоч бор. Стол тагида — кастрюлда қовурдоқ, тортмада нон.

Болтабой мошинани вангиллатиб сойдан ўтказиб кетди. Ҳадемай чироклари ҳам кўздан пана бўлди.

Атай ўша ёққа қараб ўтирибман. Зумрадга қарашга юрак йўқ. Ҳа-ха, энди у билан ўтириш менга қандайдир кўрқинчли бўлиб қолди.

Шунда шамол эсдими, ёмғир қиялаб устимизга қуйиб ўтди. Мен негадир чопонни ечиб, қизнинг эгнига ташлаб қўйишни ўйладим. Аммо бунга ҳам журъат йўқ: бу-ку — арзимас дилдорлик. Аммо шу асно нимадир ваъда этадигандек бўлдим шекилли. Гулханга чўп-хашак босиб, яна ловуллаатдим-да, яна Зумрадга кўзим тушиб, ўлай агар, яна бошим айланиб кетгундек бўлди.

Гап шундаки, азизим, мен мана шу баҳайбат сойнинг, аниқроғи, даранинг ҳар иккала қирғоғидаги арчалар ичида милтиқни ўнглаб, гангив юрган чоғларимда кўпинча шундай туюлардики...

... Зумрад арчалар орасидан чиқиб келади! Мен унга нимадир яхшилик қиламан!

Чўнг қоялар устида дам олиб, сукутга толиб ўтирган чоғларимда ҳам туйқус-туйқус шундай туюларди. Ва мен атрофга аланглаб қолардим.

— Сиз неча ёшга кирдингиз? — шу савол тилимдан чиқди.

— Ўн саккизга, — деди у хотиржамлик билан.

— Ҳим, турмушга чиққанмисиз? — Ҳа..

— Болалар...

— Бола қайдан бўлади! Бор-йўғи олти ой яшаб қочиб келдим. Отамнинг уйига...

— Ишлаяпсизми?

— Иш йўқ. Ҳозир иш топиш қийин. Лекин... яқинда боғчага ўтаман...

«Фаррош бўлиб...» кўнглимдан кечди ва хафа бўлиб кетдим: ўзим кал, кўнглим нозик дегандай, унга ачиндим-да... У эса хотиржам!

— Хўш, нима иш билан шуғулланасиз? — деб сўрадим. Ҳалиям кўнглимда уни «халигидай...» деб ўйлаш бормиди.

— Уйда иш кўп, — деди у ва оёқдарини сал узатиб, ёнбошидаги тошга тирсаклаб олди.

Унинг гавдаси кичик, оёқлари бўлик, ўзи бакувват ва микти эди.

— Ичасизми? — деб сўрадим.

— Сўраб нима қиласиз. Бўлар иш бўлди, — деди у. Ва баҳайбат харсангга қараб алланечук кулимсиради.

Пешонамдан тер чиқиб кетди, шампандан қуйиб тутдим. У тагин ютди-қўйди. Ўзим коньякдан отдим. Сигарет тутатдим. Шу тариқа ҳалиги уят-андиша пардаси юздан туша бошлади. Ҳа, лабда табассум, кўзлар биё-биё...

Ниҳоят сўрадим:

— Почтага кирганимда мени танибмидингиз?

У бирдан сергак торгди.

— Йўқ-йўқ, — деди. — Эгнингизда чопон... Танимадим. Кейин уялдим. Кейин нима бўлса бўлар деб машина ёнига чиқиб турдим. Онам билан гаплашгандим. У киши опамни кўргани кўшни районга кетиб эдилар...

— Ҳим, тушундим... Бу тоғларимизни севасизми?

— Вей, албатта! — деди у гапимга ҳайрон қолгандай. — Отам чўпонлик қилганда, мен кўзи-улоқ боққанман... Кейин бари молимизни сел олди. Отам касал бўлиб қолди. Ўнганмади. Марказга тушиб кетдик... — У тошга ўмовини тираб сой томонга боқди. — Шундай тунларда бемалол юрардим... Ҳозир уйда свет ўчса, шабкўрга ўхшаб қолади одам. Ёмғир ҳам яхши: одамни ўстиради... Арчанинг хиди келаяпти!

Сезмадим. Лекин: «Сиз ҳам шоир экансиз!» дейишимга оз қолди. Қизиқ-да: тун, арча, ёмғир тўғрисида шундай жўнгина қилиб гапиргандики, шу жўнлиги билан мени ларзага солганди.

Ахир, биродар, мен ҳам севардим-да: тунни ҳам, ойни ҳам, ёмғир, қоялар, арча...

Сезаяпсизми, унинг табиатга қараши менинг қарашларимга мос келаяпти!

Мен — дорилфунунни битирган, ҳаёт тажрибасига эга, оилали-фарзандди, тагин мавжуд турмушнинг пасту баландига баҳоли қурат ақли етадиган одамнинг...

...табиатга муносабати бу қиз-жувон — Зумрадникдан деярли фарқ қилмас эди.

## 15

— Сиз, синглим, бу турмушдаги, мана, кўриб турган ўзгаришларга қандай қарайсиз?

Бу саволимдан кулманг, ҳайрон ҳам бўлманг: ахир, ўқувчилар билан учрашувларда ўн-ўн бир яшар бо-лалар ҳам шу маънода савол беришади.

Ана шу кўникма туфайлими ёки Зумраднинг бу масалаларга ҳам муносабатини билиш менга қизиқ туюлдими, балки унинг бу йўриғидаги қаноатларини ҳам ўзимникига мос тушишини истадимми — шу саволни бердим.

— Э, мени қизиқтирмайди, — деди у чарслик билан. — Пошшолар кеп кетаверар экан. Сиёсатчи деганларингиз ҳам... Райкомлар ҳам! Бари... — Кейин менга боқиб, майингина кулимсиради. — Мен газета ўқимайман. Телевизордаям... кино бўлса кўраман. «Ҳайвонот оламида», «Оламга саёҳат».

— Яхши, жуда яхши, — дедим.

Зумрад энди оёқларини бемалол узатиб, ёнбошлаган эди, мен:

— Чопонни тўшай, чопонни, — дедим.

— Ўзингиз шамоллаб қоласиз, — деб қўйди у.

— Ҳа. Тўғри.

— Биласизми, нимага эргашдим сизга? — деб қолса бўладими шунда.

— Билсам, ҳар нарса бўлай!.. — дедим-у, бошни кўтаролмадим.

— Бола-чақангизни Тошкентга юбориб, бир ўзингиз тоққа кетганингизни эшитган эдим. Буни кўплар билади... Ҳар ким ҳар хил гапирди. Бунинг устига, нукул хафа кўриндингиз. Сизни кўплар кузатди...

— Тушунарли, — дедим. Ва, тасаввур этингки, бунинг менга қизиқиб, ҳатто эргашиб чиқиши ҳам менга анави... дейлик, Мисирнинг меҳр-оқибати, почтачи-ю ресторан хизматчиларининг дилдорликларига ўхшаб кетди.

Аммо, табиий, бунинг қизиқиши — истисно эди!

Бу, табиийки, менга яхшилик ниятида эмас, ўзининг қизиқишини қондириш учун чиққанди: энди, бу ҳолга унинг қандайдир зерикиши ва ана шу ҳисни ҳам бир миқдор қондиришга эҳтиёжи сабаб бўлгандир...

Мен тагин бир нарсани аниқ туя бошлаган эдим: ҳозир ўртамизда нимадир бўлиши керак.

Шу мени ҳаяжонга сола бошлаган ва ўша қандайдир иш содир бўлгандан кейин «нима бўлажаги» қизиқтирар эди.

Тагин биттадан ичдик. Шунда йиғилган ўтин-чўп камайиб қолди. Ёмғир эса кучайди: демак, тезроқ ўтин жамғармасам, бориям нам тортиб қолади.

Чопонни ечиб ташлаб, сапчиб ўрнимдан турдим-да, атрофда қолган тикан, каврак ва бодомчаларни юла кетдим.

Зумрад эса туриб, тошга ўтириб олди: кўзларида шундай қизиқиш ва ёрқин кулги бор эдики, мени томоша қилар, ҳамда, нима десам экан, бу ишларни...

...гўё фақат унинг учун қилаётгандек туюлардим шекилли!

Бу ҳолатни аниқ сезганимдан кейин тикан юлишга бот киришиб кетдим ва ҳадемай толиқиб қолдим: мен Болтабой эмасдим... Лекин юлаяпман! Шу, баъзи бодомчаларни қисимлаб тортсам, лаънати жилла суғурилмайди денг, қўлим сирғалиб чиқиб кетади. Кафтимга қарасам: қон...

Шунда фаҳмлаб қолдимки, унинг — ўн саккиз яшар жувоннинг олдида ўзимни ёш, бақувват кўрсатмоқчи бўлаётган эканман!

Нега?

Билмайман.

## 16

Оқибат талайгина ўтин жамғариб ва Болтабойдек тепкилаб, қўлни ҳам чўнг қоя ёриғидан сизаётган сувга чайиб олгач, жойимга ўтирдим. Чопонни эгнимга ёпдим.

Зумрад эса, бериги тош ёнига ўтириб ёнбошлади-да, оёқларини биқинимдан орқага узатиб юборди.

Унинг бутун вужуди-борлиғи қаршимда эди: мана мен, деб ётарди...

Тагин битта отганимдан кейин кўнглим бузилди: «Э, худо, — дедим. — Бутун болалигим давомида шундай бир қизни... шундай тоғлар орасида, арчазорлар бағрида кўришни орзу қилдим! Мана бугун у баайни қоя бағридан чиқиб келди. Лекин...

.. бугун!

Бу ёш, тажрибасиз...

Мен эсам, даққионуздан қолган... Яъни, ҳар қандай ишнинг оқибатига ақлим етадиган кишиман: агар янада очикроқ айтсам, мундай:

Дейлик, мен ҳозир унга қўл узатсам, шубҳасиз, қўлимни ушлайди. Кейин...

Ундан кейин бунинг менга қизиғи қоладими? Майли, бир неча минут ёки соатга бўлса-да?

Менинг асл мақсадим нима?

Сал-пал тирилиш... руҳни тиклаш, маънолироқ яшай бошлаш ва ижодга қайтиш-ку?

Мана келдим: руҳимда озми-кўпми ўзгаришлар бўла бошлади. Яъни, кимларнидир дафъатан ёқтирмай қолган бўлсам, кимларнидир ёқтира бошладим. Ва яна муҳими...

«Энди нима бўлади? Ҳаёт қандай йўлдан кетади?

Эртанги кун қандай бўлади?» деган инжиқ саволлардан халос бўла бошладим». Мисирнинг одамларни иш-латиши ва ўзининг ҳам тинмаслиги, боз устига, «парво қилманг, ҳаёт яхши бўлиб кетади», деган гаплари ҳам менга таъсир этган эди.

## 17

Энди бўлса, ёшлигим билан бетма-бет ўтирардим: ҳа, қаршимда Зумрад...

...менинг орзуларим, ҳаяжонли хаёлларимнинг бугунги кундаги рўёби эди.

Мен ҳам кўнглимнинг аллақасерида ёшгина ўспирин эдим! Аммо моҳиятим, умрим, борлигим билан ўзга, ёши ўтинқираётган кимса эдим...

Демак, шундай бўлиб қолишим керак. Ва бу учрашувни Аллоҳнинг неъматидек қабул қилмоғим даркор. Ҳамда бунини бузмаслигим-булғамаслигим шарт, деган фикрга келдим: ана шунда қалбимнинг алла-қаеридаги ёшлик — табиатга ва унинг турфа кўриниш-товланишларига меҳрим янгиланганича қолса керак.

Зумраднинг менга, ўзи билмай ҳада этаётган завқи бугунги капалагу булбуллару жиблажибонларнинг берган завқидан кам эмас, ортиқ бўлса ортиқдир!

Менинг уларга бўлган меҳрим қандайдир даражада тирилгани каби унутилган, балки унутилаёзган болалигим ҳам тирилиб қолди, ахир...

Шундан бўлса керак-да: ёмғир ҳам, тун ҳам бошқача кўрина бошлади: хусусан, Зумрад ушбулар ҳақида ўйчан сўзлагандан кейин...

— Сиз яхши кўриб уйланганмисиз? — ўтдан кўз узмасдан сўради у.

— Ҳа, албатта, — дедим.

— Мен эримга кўнгилсиз эдим, — деди у. Ва қандайдир чалқанча бўлиб уф тортди. — Майли.

— Нима «майли»?

— Барибир яшаш яхши, — деди у ва бошини орқага солиб, энди тоғдек юксалиб турган қояга боқди. — Кичкиналигимдаям шу харсангни туриши шу эди... Ана тоғларнинг ҳам туриши ўша-ўша! Ҳеч нарса ўзгармаган. Осмон ҳам. Булутлар, ёмғир... Ҳе, нимасини ўйлайман... — У ҳамон менга қарамай давом этди: — Сизларни... катталарни турмуш, ундаги тўполонлар хафа қилади. Отам ҳам нукул: «Энди нима бўлади?» деб ўйлайди... Шундай пайтда мен шоир Ғафур Ғуломнинг мактабда ёд олган бир шеърини эслайман:

*Қуёш-ку фалакда кезиб юрибди,*

*Умримиз боқийдир, умримиз боқий...*

Ажабо, биродарим, мен ҳам ушбу сатрларни бир неча бор такрорлаган, лекин тасалли топмаган эдим: ахир, биз фалакдаги ҳалиги азон учиб кетаётган «қора туйнук» нималигини ҳам, Ер қуррасидаги экологик ҳолатнинг ҳам бузилиб кетганини биламиз. Ва шу ҳам руҳимизга таъсир этиб, ошимизга захар кўшиб туради-да!

Бу жувон эса бу нарсаларни ўйламайди: у бориға — кўриб турганига инонади, вассалом.

## 18

— Қудрат ака, сиз тарихни яхши биласиз, шоирсиз, — деб қолди кейин. — Мана шу сотсиализмга ўхшаган тузум ўтганми олдин?

— Мактабда айтишмаганми? — дедим.

— Айтишган-е, — деди у қандайдир силтаб. — Лекин баъзи одамларнинг гапини эшитсанг, илгари ўтган золим тузумлардан фарқи йўқ эмиш-ку?

— Ҳа-ҳа, — дедим беихтиёр ҳаяжонланиб. — Золимликка қурилган тузумларнинг ҳаммаси бири-бирига ўхшаш бўлади...

— Шу экан-да, — дея шампанга қараганини сездим ва яна пиёлага қуйиб, унга узатдим. У идишни олиб: — Бунисиям ўтипти. Шунгаям ғам тортишми! — деди-да, бу пиёлани ҳам бўшатди. Кейин кулди. — Шундай эмасми? Одамларнинг кўлидан нима келади? Тагин битта тузум бўлади-да: яхшими, ёмонми... — Сўнгра яна кўксини тошга бериб, сойга — қоронғуликка боқди. — Лекин бу ерлар қолади. Шу сой ҳам, сув ҳам, мана бу гулхан... Кечирасиз, сизнинг шеърларингиз ҳам...

Мен қарахт эдим: гўё бу ёшгина қиз мени овутмоқда, менга мангу ҳақиқатлардан дарс бермоқда эди: ажабо, бу гаплариям нақадар жўн!

Ишонасизми-йўқми, энди у мен учун қизлигини-аёллигини йўқотган, аниқроғи, унга нисбатан дилнинг пинҳон гўшаларида бош кўтариб турган ҳалигидай ҳислар ҳам ғойиб бўлган эди.

Биласизми, бу ҳолатни нимага ўхшатиш мумкин?

Дейлик, аёлингиз билан ҳам ҳалигидай муносабат устида рўзғорнинг ҳал бўлмаган бир ташвиши ҳақида баҳс чиқиб қолгандаги ҳолатга ўхшатиш мумкин...

— Қудрат ака.

— Лаббай!

— Мошина келса, мени Қўштегирмонга обориб қўясизларми?

— О, албатта! — дедим.

— Раҳмат... Мен жуда маза қилдим, — давом этди у. — Худо урсин агар, сизни... шунақа бўлсалар керак, деб ўйлаб эдим. Рост чикди.

Мен фикрини тушунган эдим. Конякдан яна отдим-да, дадилланиб:

— Яхши тушунмадим, — дедим.

У башарамга боқиб турди-да, бу ёмғирли тунни тўлдириб кулиб юборди.

Тасаввур этинг, мен ҳам унга қўшилиб кула бошладим. Табиий, қандайдир айбимними-гуноҳимни яшириб кулар эдим. У бўлса... балки у ҳам ўшандай айбиними-гуноҳиними бекитиб кулар эди.

... Болтабой келгач, яна бироз ўтирдик. Сўнгра Зумрадни Қўштегирмонга оптушиб қўйдик.

У хўшлашаётди:

— Ёзиб туринг. Ёзмай қўйдингиз, — деди.

— Албатта ёзаман! — дедим.

Аммо ҳали нимани қандай ёзишни билмас эдим.

Билмас эдим-у, тезроқ тоққа-қишлоққа кетгим келар, поли остида каламушлар гудур-гудур этиб чопадиган хужрамга киришни, курсига ўтириб, деразани очиш ва чироғим ёнгани туфайли... сойнинг у бетларидан ҳура бошлаган итлар томонга тикилишни истар эдим!

... Тонг ёришавериб, қишлоққа етдик!

Меҳмонхона олдида Мисир айланиб, афтидан, хавотирланиб турган экан.

— Хўш кўрдик-е! — деб бақирди.

— Хўшвақт бўлинг, — дедим.

— Булбул роса сайрапти-да! — Ҳа..

— Ҳиди келяпти. Отибсиз-да? — Ҳа..

— Дам оласизми, ё шу ерда беш-ўн минут ўтираимизми? Булутлар ҳам тарқаб кетди.

Болтабой меҳмонхонадан Мисирга курси чиқарди. Гужумча остига қўйди. Ўтирдик.

Мен ҳолдан тойган эдим: уйқусизлик, йўл азоби... Лекин руҳим тетик, кайфият юксак, тагин бир кунлар ухламасам ва йўл боссам мумкиндек эди.

Энди хулоса қилайми?

Хулоса шулки, азизим, дунё ўтар экан! Тузумлар ўтар экан! Шайхзода домла айтганларидек, эл-улус қолар экан. Анави содда қиз-жувон айтганидек — табиат, тун, тоғлар, ўрмонлар, борлиқ қолар экан!

Биз ҳар қанча мавҳум-мунгли хаёлларга чўмиб, руҳий тушқунликларга тушмайлик, яшашга маҳкум эканмиз ва борлиқни севиб яшашимиз лозим экан!

Эртага нима бўлади? Аҳволимиз қандай кечади?

Бу саволлар ўз-ўзидан ечилаверар экан. Чунки инсон минг-минг йиллардан бери яшаб ва сон-саноксиз салтанатларнинг инқирозини кўриб, демак...

Ўшанда ҳам кўп ғамлар чекиб, кўп саволларга жавоб бера олмасдан ва Мисир айтганидек, «бир терининг ичида неча бор озиб, неча бор семириб» келаётган экан, демак, эртас-бурусқун яна янги ва мислсиз бир салтанатда яшаши аниқ: инсоннинг табиати ўзи шуни тақозо этади.

Ва унинг табиати яшашдан завқланишни ҳам, руҳий тушқунлик яхшиликка олиб бормаслигини ҳам, жуда нари борса — менга ўхшаш кишиларнинг ҳаётдан бир муддат совиб...

... қандайдир тўхтамга етиб келишини ҳам тақозо этар экан.

У тўхтам нималигини айтдим шекилли?

Раҳмат.

## АРОСАТ

*Устоз Абдулла Қодирий ўзининг тўнғич ромони бўлмиш «Ўткан кунлар»ни «Модомики, биз янги даврга қадам қўйган эканмиз...» деган серандиша сўзлар билан бошлаган эдилар. Аслида, улуг бобомиз ўшанда фақат битта ўзининг кўлидан келадиган буюк ишга қўл урган эдилар ва зиммасидаги тарихий вазифани сидқидилдан адо этганлар. Ваҳоланки, у кишига ҳеч ким «Ўткан кунлар»ни ёзиб бергайсиз, тақсир, деб буюртма бермаган эди. Зеро, ҳақиқий ёзувчи мудом виждони буюрган ишни бажаради, ижтимоий «заказ»ни эса...*

*Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шукур Холмирзаев ўз виждонига, Ўзи ато этган истеъдодига содиқ қолган камёб ёзувчиларимиздан ҳисобланади. У кишининг янги ҳикояси ҳам дафъатан «янги давр буюртмаси» бўйича ёзилгандек туюлиши мумкин. Лекин «Аросат» синчиклаб мутолаа қилинса, ёзувчи ИНСОННИ ТУШУНИШга ҳаракат қилаётганини ва биз ўқувчиларни ҳам ИНСОННИ ТУШУНИШга чорлаётганини англаш унчалик мушукул бўлмайди. Дарҳақиқат, «инсонни тушуниш керак», деб таълим берган эди Эрнест Хемингуэй. Назаримизда, ёзувчининг бирламчи вазифаси — инсонни тушунишдир. Инсонни тушунмаган ёзувчи (асар қаҳрамони эмас!) охир-оқибат Аросатда қолади.*

*(«Ватан» газетаси шарҳи)*

\* \* \*

Зокир Ўрин чойхонада ўтирган эди, оёқларини сўридан осилтириб, чалиштириб, унинг қаршисидаги сўридан жой олган эрмакталаб нашаванд, фаррош ва сартарошга Эсон дўхтир гап берарди, тик турганча ҳовлиқиб:

— Сизлар ҳам юрибсизлар-да, жўралар, дунёдан беҳабар... Хўжамёр ахир Масковдаги хайрия пондларидаям ишлаб, ишбилармон бўлиб келди. Бу орада у икки марта, йўғ-е, уч марта Туркияда бўлди! Бир марта Амриқода!.. Бизнес ишқолияям битирган у! Нима деяпсизлар... Йўғасам, мана — милёнер бўлар эди!..

— Ҳов фельдшер, қайси Хўжамёрни айтаяпсан? — деб туйқусдан сўраб қолди Зокир Ўрин.

— Домла, сиз ҳам гаплатда қолган экансиз-ку! — деб этсиз башарасини куйдирган калладай тиржайтирди Эсон. — Ахир, ўзингизнинг ўқувчингиз-чи? Мадиёр даллолнинг ўғли! Суррайиб юрарди-ку отасининг изидан?.. Менимча, бир-икки йил синпидаям қолган эди.

— Э, шундай демайсанми, — дея жез тишларини кўрсатиб илжайди домла ва хурсандлиги шунчаки, торгина кўкраги қабариб кетди. — Ҳа, уни ўзимиз ўқитганмиз. Синфида қолганиям рост. — Кейин ўйланиб, елкасини қисди. — Яхши, унда тижоратга қобиляят бор экан. Биз ўшанда тижорат аҳлини ўғри-каззоб деб ёмонлар эдик.

— Энди ўзингизга келдингиз, домлажон, — деб бу кишига гап уқтирмоққа бошлади дўхтир. — Ҳолбуки, ўша вақтлардаям «Ўтган кунлар»даги Отабекни «миллий қаҳрамонимиз», деб мактар эдингизлар.

— Рост, рост, — тан олди Зокир Ўрин жиддий тортиб. Сўнг яна қалбаки тишларини кўрсатиб: — Лекин савдогарчилигига ўтмас эдик-да... — деди.

Эсон дўхтир муаллимни мот қилиб бўлгандай тантанавор кулиб юборди. Унга кўшилиб домланинг ўзиям сийрак сочли хумдек бошини ирғаб куларкан, бошқалар ҳам зўр аския эшитгандай хахолай бошлади.

Кейин домла хаёлчанлик билан чойнак ёнига беш сўм ташлаб оёғини ерга қўйди. Кичкина қоринчасидан пастга силжиган қайишини тирсақлари билан қисиб — кўтариб олиб, сўри қошига кийгизиклик сарғиш шляпасини бошига қўндирди. Сўнг жамоага зиёлича таъзим қилиб:

— Хуш қолинглар. Раҳмат, Эсонбой, сизгаям, — деб бурилиб, хиёбонга чикди.

Ана шунда унинг калласига бир хаёл келди: «Қара-я, ўша бола одам бўпти. Милёнер тижоратчи бўпти. Қандайдир корхона очиб, элгаям нафи тегаётганмиш. Шундай кунларда...».

Домла Зокир Ўрин мактабда дарсларини ўтиб бўлиб уйига кетаётганда, азбаройи чанқаганидан чойхонага кирган эди. Бинобарин, энди уйига бориши керак. Бироқ... ҳозир нечук чойни ичиб тугатмасдан ўрнидан тургани-ю, хиёбонда тўхтагани сабабини ноҳос англаб қолди.

— Ҳов Эсонбой, бу Хўжамёрнинг корхонаси... иш-жойи қаерда? — деб сўради ортига қайрилиб.

— Тоза ҳаётдан ортда қоп кетган экансиз-да, тақсир, — деб яна тантана қилди фельдшер. — Ахир мактабингиздан тубанда эски куртхона бўларди-ку, Калинин колхозининг собиқ идорасида. Ҳовузиям бор...

Домла эслаб:

— Бўлди. Раҳмат, — деди.

— Ўшакка борасизми? — сўраб қолди Эсон дўхтир.

— Бориш керак, — жавоб берди муаллим собитлик билан. — Бизнинг ўқувчимиз шундай киши бўпти-ю, биз бир оғиз табрикламасак, уят бўлади.

— Ҳе, отангизга раҳмат! — деди дўхтир. — Ундайлар кўпайсин деб дуо қилинг. Энди замон уларники...

Зокир Ўрин даврага тагин енгил таъзим қилиб ва кичкина, ихчам гавдасига ярашмайроқ турадиган салмоқли юриш билан чойхона олдидан ўтди.

Домла толиққан эди. Аммо бу янгилик завқидан ва Хўжамёрни кўриш, кўришиш ва ҳимматли ишларига барор тилаш онларининг жозибасидан чарчоғини ҳам унутиб, мактаб қошидан ўтиб кетди.

У Хўжамёрнинг болалик қиёфасини ҳам, пахта терим маҳалларида такасалтанг юришлари-ю, «качегар бўламан» деб ўчоқ бошида қолишларини ҳам ҳисоб формулалари каби эслаб борар, шу асно унинг оқибат тижоратчи бўлишида замин излар, чунки шу заминни шарҳлаб уни шод этишни ҳам ўйларди. Бироқ ҳарчанд бош қотирмасин, отаси даллоллигидан ўзга сабаб топа олмади. Домла учун тагин ачинарлиси шу эдики, Хўжамёр нақ ҳисобдан ҳам ўртача ўқир эди: ҳа, бирон масала ёки мисолни шариллатиб, ечиб ташлаганини эслолмайди.

«Лекин қобилият кейин ҳам юзага чиқиши мумкин, — деб ўзича тўнғиллади Зокир Ўрин ниҳоят. — Буям талантдай гап...».

Домла рўмолчаси билан манглайини артиб жиларкан, йўл бўйидаги водопровод дастагини босиб челагини сувга тўлдираётган келинчакни кўрди ва ундан манзилни суриштирмоқчи эканини фаҳмлади-ю, етиб келганини билди.

Ўнг қўлдаги яп-янги темир дарвозанинг бир табақаси очик, у ердан томлар узра юксалган балх тутининг эгик шохлари кўзга ташланиб турарди: ҳа, бу тут ҳам домлага таниш. Болалигида... ҳу йироқ замонларда унинг кичкиналигини пеш қилиб, дарахтнинг учки новдаларини кесиш учун чиқаришар эди, Зокирбой одобли бола бўлганидан барг кесиш баҳона тутга қорин тўйдириб тушишни ҳам ўйламасди.

«Бу йил кесишмапими?.. Э, пилла териб бўлинди-ю, «кесишмапти» эмиш...»

Домла шу ўйдан кейин Эсон дўхтир айтганидек — чиндан ҳам «ҳаётдан ортда қолгани», аниқроғи, мамлакатдаги ташқи сиёсату ҳаётдаги товланишлардан тўйгани учунми — турмушнинг бошқа йўриқларига хийла лоқайд бўлиб қолганини тан олгани ҳолда, дарвозадан кирди.

Катта чоркунж ҳовузни кўриши лозимиди — асфальт ётқизилган йўлкада турган кўк «Волга» билан кумушранг хорижий мошинага кўзи тушиб, ҳайрон бўлди. Кейин кенг йўлканинг сўлга бурилгани ва қари тутнинг эгик шохларини кўриб, мамнун тортди: тут... ўзини кутиб олаётгандай туюлди.

Шу ҳиснинг қувватида — бу ерда бемалол юришга ҳаққи бор каби мошиналар ёнидан бемалол ўтди-ю, баҳайбат дарахтнинг тагида стол атрофида ўтиришган уч-тўртта кишига рўпара бўлди. Улардан битгаси таниш эди: яқиндаги дўкон қоровули.

— Ассалом алайкум! — деди домла кўнғирокдек овозда.

Танимол ўрнидан сапчиб туриб, меҳмонга пешвоз чиқди.

— Валекум ассалом. Келинг, Зокир Ўринович!

Домла салмоқли юришда бориб, у билан кўришди.

— Ҳим, раҳмат... Хўш, ўзингиз қалайсиз? — деб сўради худди шу қоровулнинг ахволини билгани келгандек.

— Шу Хўжамёр аканинг апчаркаси бўлиб юриппиз, домлажон, — деб жавоб берди у илжайиб. — Ҳа, хуш кўрдик... Хўжайин керакми?

Домла тек қолди.

— Кераг-у... — деди домла. — Лекин нега «хўжайин» дейсиз? Нега Хўжамёр сизга «ака» бўлар экан?.. Шошманг-да! Тагин «афчаркаси бўлиб юрибман» эмиш... Бу нимаси?

— Энди... — «Апчарка» қийналиб-қипсиниб, лўмса юзини синиқ илжайиш қоплаган ҳолда,

хўрсиниб юборди. — Бориям шу-да, домлажон.

Зокир Ўриннинг астойдил жаҳли чиқиб:

— Ажабо, мен билмай юрган эканман. Қочинг йўлдан, — деди. — Ҳов, Хўжамбой Мадийёров!

Тутнинг орқасида — томига ялтироқ туноука копланган бинонинг ўнг тарафидаги гулзорга очилган деразаларининг биридан Хўжамёр... ҳа, ўша от юзли йигитчанинг йирик нусхаси қараб турган экан.

— Марҳамат, домла. Биз шу ердамиз... Абдибой, эшикни кўрсатинг! — деди.

Зокир Ўрин Абдининг ишора-илтифотини қўл ҳаракати билан кескин рад этиб, эшикка йўналди. Пештоқдаги ёзувга боқмай, аммо ҳўл тўшанчага пошнаси аллақачон қийшайиб кетган туфлисини артиб, чоғроқ хонага кирди. Рўпарада ялтироқ стол ортида ўтирган хушбичим киз ўрнидан турар-турмас, сўл ёндаги ўймакор эшик очилиб, жигарранг туфли, малла кастюм кийган новча йигит четга тортилди.

— Кираверинг.

Домла остонага қоқиниб, чўғдек гиламга оёқ босди ва бўсагаданми, гиламданми узр сўраган каби гўнғиллаб, Хўжамёрга талпинди.

Хўжамёр уни бағрига олиб ва кифтига аста-аста қоқиб:

— Домлам-е, Зокир Ўринович-е, бормисиз-е, — дер экан, домла Зокир Ўриннинг кўзлари гилқ ёшга тўлди: дами қайтиб, йироқ замонлар билангина эмас, ўзининг ёшлиги билан ҳам учрашгандек пиқиллади ва табиий, у киши ҳам қўлини тепага узатиб, шогирдининг елкасини силар эди.

Ниҳоят, Хўжамёр домлани бўшатиб, ён ёқда саф тортган ўриндикларга ишора қилди.

— Ўтиринг, домла. — Узи эса узун столнинг бошида ўқида айлангучи, суянчиғи баланд — тахтсимон курсига бориб ўтирди. Ва селектр тугмасини босди. — Асал, чой, — деди. Кейин ликопчадек ҳовучини очди. — Потиха қилиб қўямиз-да, домла? Ҳарҳолда мусулмонмиз, бунинг устига, дин модага кирди.

Зокир Ўрин кўзларини артган рўмолчасини шоша-пиша чўнтагига соларкан:

— Ҳа, албатта... Лекин дин ҳеч вақт модадан чиқмаган, — дея қўлларини фотиҳага кўтарди.

— Омин. — Хўжамёр жилмайиб юзига фотиҳа тортгач, стол четисидаги хорижий сигаретдан бирини чиқарди. — Ҳалиям мунозарага ўчсиз-а, домла?

— Гап мунозарада эмас, — дея Зокир Ўрин ҳам киссасидан «Астра»сини олди. — Дин ҳамма вақт одамларнинг қалбида бўлган, Хўжамбой. Лекин бечоралар тазйиқ остида...

Хўжамёр хориж сигарет қутисини домланинг олдига суриб юборди.

— Мундан чекинг.

— Мен шунга ўрганганман... Қуръони каримда ҳам айтилар эканки, эътиқод зоҳиран ва ботинан бўлиши мумкин... — Зокир Ўрин сигаретни ўзи чаққан гугурт ўтида тутатиб, «мунозарага» киришаркан, Хўжамёр унинг сўзини яна бўлди:

— Ҳа, динни динчиларга қўяйлик, домла... Ўзингиздан сўрасак? Уй ичлари, кайфиятингиз қалай? Жиянлар... Жиянлар кўпайиб қолишгандир?

Зокир Ўриннинг кўзлари бирдан қувнаб:

— Жуда! — деди ва кулди. — Қилган ишимиз шу бўлдики, ўзбек халқининг кўпайишига ҳисса қўшдик, холос. Бошқа — на илмга, на амалга дегандай... қизиқишлар сўниб кетди. Бироқ бола тарбиялаш ҳам осон иш эмас... — Бошини кўтариб, тагин сунъий тишларини кўрсатиб жилмайди. — Мана, ўзларингиз ҳам ўзимизнинг мактабдан чиққансизлар. Бевосита тарбия беролмаган бўлсак ҳам, билвосита таъсиримиз ўтган бўлиши мумкин. Шундайки, мен сизнинг, Хўжамбой, бундай замонавий бизнес бошлиқларидан бири бўлиб келишингизни ўйламаган бўлсам ҳам, буни кўриб, ҳам эшитибок ғоят хурсанд бўлдим. — Сўнг ўйланиб, изох берди: — Кечирасиз мени, ғафлат босиб денг, вақтлироқ келмадим кутлагани...

Хўжамёр сигарет кулини биллур қулдонга қоқиб, энди қулдонни домлага суриб қўйди.

— Парво қилманг, домла... — Сўнг яна селектр тугмасини босиб. — Асал? — деди. Ва у ёқдан дарҳол жавоб қайтди: «Лаббай, Хўжака!» — Сен анавиларга айт, бизга натуральний тери керак, хўпми? Қанча бўлсаям оламингиз айтилган нарҳда. Уни Туркия чегарасига обориш ҳам бизнинг бўйнимизда... Улар билан ортиқча савдолашиб ўтиришга вақтим йўқ... Азиз меҳмоним бор!

Зокир Ўрин бу гапларни эшитаётган эса-да, маъносини уқишга ҳаракат қилмай турарди. «Азиз меҳмоним...» сўзини эшитгач, маъно англаш қобилияти ишлаб кетгандек чехраси яна ҳам ёришиб:

— Раҳмат, — деб қўйди.



— Шунақа... иш, иш, иш, — деди Хўжамёр ва хўрсиниб нафас олди. Кейин: — Хўш, домла... — дея Зокир Ёринга тикилиб қаради-да, мийиғида илжайди. — Сал қартайибсизми дейман?

Зокир Ёрин сергак тортиб:

— Ҳа, шу энди, эскилар айтганидек, олма билан ўрик бўлармидик, Хўжамбой, — деди.

Хўжамёр бемалол ҳиринглаб:

— Рост айтасиз, — деди. — Мана, биз ҳам... Сочларни қаранг. Ҳа, лекин, домла, дунёни кўриш керак экан. — Шифтларга қаради. — Туркия, Олмония, Амиқо... Буларни кўрмасдан яшашни мен энди тасаввур қилолмайман. — Сўнгра домлага ҳасрат қилгандек деди: — Бу мамлакатларнинг ҳар биридаям ўзбеклар бор экан, қаранг-а!

— Албатта, бор, — деди Зокир Ёрин жиддий бош ирғаб. — Ҳатто, Австралияда ҳам бор эмиш...

— Лекин ҳаммаси тижорат билан шуғулланаркан, — гўё домланинг гапини давом эттирди Хўжамёр. — Яшашларини кўрсангиз! Шундай офислари борки!.. Масалан, Истанбулда шундай бир марказга кириб колдим, боёқишлар бирам хурсанд бўлиб денг, «Бюриниз», деб туришипти. Дарров кофе... — У ўз сўзини бўлиб, боз селектрни босди. — Асал, чой нима бўлди? — «Ток келмай қолди» деган жавоб қайтди ускунадан. — Ана шу-да аҳволимиз, — гўё сўзларига яқун ясади Хўжамёр. — Биз шу қадар орқада қолиб кетганмизки, домла... — У бошини оғир чайқади. Кейин бу ҳолни, ўйлайвериб бошоғриққа йўлиққандек чаккаларини қисди.

— Ҳа, рост. На чора, биз учун ибрат — бошқалар эди... — деб ҳамсухбатининг фикрини маъқуллади Зокир Ёрин. — Дунёдан узилиб вокуумда яшаганмиз-да.

— Оҳ-оҳ, от-тангизга раҳмат! — деди Хўжамёр. — Вакумда яшаган эканмиз, вакумда... — Сўнг элан-қаран ўрнидан турди ва сигаретни авайлаб тутганча столни ёнлаб келаркан, домла кулдонни унга суриб қўйди-ю, у сигаретни идишга босганича Зокир Ёринга қиялаб тикилди. — Аҳвол қалай, домла?

— Аҳвол яхши, — деди домла. Кейин синиқ жилмайди. — Эл қатори. Элга келган тўй-да, бу кунлар ҳам...

— Ҳимм, сизларнинг маошларинг кўпайиб қолди-я? — Хўжамёр бурилиб, жойига қайтди.

— Анча! — дарҳол жавоб қайтарди Зокир Ёрин ва боз жилмайди. — Тўғри, пулнинг қадри тушиб кетаётган пайтда бу унчалик билинмайди. Аммо яшаса бўлади... Чидаймиз-да, Хўжамбой! Чидаш керак. — Сўнгра илҳоми тоша бошлади. — Мустақил бўлишни шунча йил кутдик. Уни деб куйиб-кул бўлиб ўтди улуғларимиз, алломаларимиз...

Хўжамёр тагин домланинг сўзини бўлди:

— Менга бир гапингиз нашъа қилиб кетди, ростини айтсам. Хўш, «яшаса бўлади» деганингиз. — Сўнг деразага маъноли термилиб қолди. — Яшаса бўлади... — Шу тобда ундан теран маъноли, ҳаётий мулоҳазаларга тўла ҳикматларни кутиш мумкиндек эди. У эса: — Умуман, айтганда, шундай, рост, — деб жойига ўтирди. — Демак, ҳали аҳвол ёмонмас экан.

— Ёмонмас, — деди Зокир Ёрин. — Бироқ, Хўжамбой ука, кимга қандай? Гап мана шунда... Мамлакатимиз аҳволини тушуниб, борига қаноат қилиб яшаётганлар ҳам бор. Тушунишни истамай, кечаги кунни қўмсаётганлар ҳам бор. Аммо уларниям тушуниш мумкин: ҳар кимнинг ҳам яхши яшагиси келади.

— Ух, ана бу — доно гап! — деб юборди Хўжамёр. — Ҳар ким ҳам яхши яшашни истайди! Хўш, биз сингари бизнесменларнинг вазифамиз эса худди мана шу аҳволни баҳоли қудрат енгиллатиш... Фикримни тушунтиролдимми, домла?

— Жуда! — деди Зокир Ёрин ҳаяжонланиб. — Лекин раҳмат сиз... сизларга! Ана, чойхонадан келдим ҳозир. Ўша ердаям сизларни... Э, раҳмат-е! Келинг, қўлингизни битта қисиб қўяй, илтимос. Юракдан!

— Ҳе, домлагинам-е.

Хўжамёр қўлини қистириб, жойига кетгач, домла баттар таъсирланиб, бош эгиб қолди-ю, кўзи соатига тушиб, бирдан ҳушёр тортиб кетди.

— Демак, ҳим, гапимнинг хулосаси шулки, — деди,— сени... кўриб, кўп хурсанд бўлдим, Хўжамбой. Йўлда... йўлакай ҳув ўқувчилик даврларинг эсимга тушиб кетди: ажиб бир даврлар экан! — дея бирдан хитоб қилди. — Пахта теримида ёш болалар азоб чекарди, бу ҳол уларни эксплуатация қилиш билан тенг эди, деб қанча ваъзхонлик қилмайлик, ўша даврлар — бизнинг кечаги кунимиз, яқин тарихимиз, ёшлигимиз бўлиб қолади. — Сўнг ух тортиб юборди. — Болалик бизга ҳамма вақт ажиб,

жозибали туюлади... Ана шунинг учун айтаманки, кечаги йиллар — ёшлигимиз ҳам — биз учун шубҳасиз азиздир!

Хўжамёр бошини кийшайтириб, домлани тингларкан:

— Ҳа, албатта... Ўша болалик бўлмаса, бугунги кунга етармидик, — деб қўйди.

Зокир Ўрин чалғиганини фаҳмлаб, энди соатига бемалол қараб олди-да:

— Энди бизга жавоб берасиз, — деди.

Хўжамёр томоғини оҳиста қириб:

— Йўғасам, бизга бўларини айтасиз, — деди. — Бизга нима хизмат бор?

Зокир Ўрин елкасини қисди.

— Хизмат... Соғ-саломат бўлинг, шу.

— Йўқ, ундай эмас, домла.

— Яна нима дейишим мумкин?

Хўжамёр янги сигарет олиб, бармоқлари орасида сийпалар экан:

— Домла, уялманг, илтимос, — деди. — Мен умуман... аҳволни тушунаман. Бизга кундек равшан.

Масков кўчаларини кўрсангиз бир! Қайси куни эрталаб меҳмонхонадан чиқиб кетаётсам, ахлат яшиқни ағдариб кўришаяпти. Иккита хотин. Дуруст кийинган, интеллектга ўхшайди... Мени кўриб денг, бири бирига нима дейди: «Моя кошка любит вот эту косточку». Иккинчиси суяқни кўрсатиб: «Менинг итим бунақасини яхши кўради», дейди. Тушундингизми?

Зокир Ўрин оғзини очиб қараб турарди.

— Ё тавба!

— Хўш, домла?

— Нима, «хўш?» Тушундим: бечоралар бир-биридан ҳам уялишса керак...

— Мен сиздан бошқа нарсани сўрадим, домла. Бу гап шунчаки даромад гап.

— Нимани сўрадингиз?

— Нимани истиҳола қиляпсиз, домла?

— Тушунолмадим?

Хўжамёр билагидаги олтин соатига кўз ташлаб олди.

— Мана, салкам чорак соат ўтирибмиз... Ҳим, сиз истиҳола қилиб айтмагандан кейин мен нима қилай?

— Нимани-нимани? — зўриқиб сўради Зокир Ўрин. — Мен ҳеч нарсани истиҳола қилаётганим йўқ. Мутлақо!.. Истиҳолани ўйласам, ҳатто...

— Нима?

— Бу ерга келмас эдим.

— Кепсизми, сўранг-да энди, — деди Хўжамёр ундан кўз узмай. — Ахир, мен сизга бегонамасман, — давом этди қандайдир ранжиниб. — Ҳали ўзингиз айтдингиз, бизга бевосита таъсир ўтказмаган бўлсангиз ҳам, билвосита... Албатта, тарбиянгиз ўтган. — У сигаретни сўриб, жаҳл билан пуфлади. — Биламан, аҳволингиз ёмонмас... Умуман, Ўзбекистонда яшаса бўлади. Майли-да!

— Иншооллоҳ, яхши бўлади, — деб қўйди домла.

— Ҳа, энди, инсон орзу-истак билан яшайди, дейдилар... Буям доно гап.

— Бу — ҳақиқат, — деди Зокир Ўрин ва энди ўзи Хўжамёрга тикилди. — Ука, нима демоқчисиз? Айтинг, эшитай. Вақтингизни олдим. Кетаман.

— Йўқ, сиз учун вақт бемалол.

— Раҳмат.

— Хў-ўш, — Хўжамёр суянчикқа ястаниб, сигаретни роҳатланиб сўрди-да, ғалати кулиб юборди: кулгиси томоғидан чиқди, чунки ҳиссиз эди.

Зокир Ўриннинг эса нафсонияти оғриниб кетди. Ўзини эрмак қилинаётгандек туйиб:

— Бўпти, бизга жавоб, — дея ўрнидан турди. — Самимий суҳбат учун раҳмат. — Хўжамёр сўзини бўладигандек шошиб давом этди: — Ҳим, Туркия, Амрико сафарларингиз ҳақидаям эшитдим... Ҳа-ҳа, уларда ҳаёт бошқача! Бизлар қолоқ...

Ўрнида миқ этмай қолган Хўжамёр:

— Домла, — дея унинг курсисини кўрсатди. — Ўтиринг жойингизга!

— Раҳмат. Лекин, лекин... инсон йўл топади! Ҳукумат ҳам! Ҳарқанча қийналиб бўлсаям. Ахир, янги

йўлга тушган чакалоқ ҳам қокилади-ку?

— Уф, агар хафа қилиб қўйган бўлсам, узр сўрайман, — деди Хўжамёр ва аста кўзғалиб, стол ёнидан юриб келаркан, Зокир Ўрин тисланди. — Оббо!

Домла беҳол тортиб кетди. Кейин:

— Хўжам, мен конкрет гапни яхши кўраман. Биласан-а? — деб сўради.

— Биламан. Шунинг учун ҳайрон бўляпман-да, — деди Хўжам.

— Қизиқ. Нимани конкрет гапирмадим?

— Гапириш... — Хўжамёр сўзини чала қолдириб, Зокир Ўринга тепадан тикилди. — Домла, сиз рости билан мени табриклагани, шунчаки қутлагани бу ерга келдингизми?

Домла унга анграйиб қолди.

— Бу қанақа савол? — деди шивирлаб. — Йўқ, бунга ишонмасликка сенда.. ха, сенда қандай асос бор?

— Ҳамма гап шундаки... — Хўжамёр иягини кафти билан ишқаб чайналди.

— Хўш?

— Энди... — Хўжамёр кескин бурилиб кетди. Тахт-курси қошига бориб, яна қайрилди. — Бу ерга бизнесга алоқасиз одамлар нима учун келишади? Биларсиз-а?

— Бизнесга алоқасиз... — Зокир Ўрин иттифоқо чойхонада Эсон дўхтирдан эшитган гапларини эслаб қолди: «Ундайлар кўпайсин... Энди замон уларники». Сўнгра Хўжамёрнинг Масковда қандайдир хайрия идорасида ишлагани, ҳа-ха, ўзининг, яъни Зокир Ўриннинг-да «Элгаям нафи тегаяпти» дегани ёдига тушиб кетди. — Ҳа, энди, ночорликдан ҳам келишар...

— Ана бу бошқа гап! — деди Хўжамёр, ниҳоят, енгил тортиб. — Ҳар куни келишади мухтожлар... Барининг ҳожатини чиқараяпман, домла. Миннат эмас бу! — Кейин майин кулимсиради. — Тўғри, у бечоралар ҳам, албатта, мени табриклагани келишади...

— Лекин мен... — деди домла, — Онт ичаман, ука... — Кейин бирдан кўзи чарақлаб очилди-ю, портлади: — Ҳов, ҳали шунинг учун боянадан бери саволга тутаётган экансан-да?

— Ахир, бу табиий-ку, — деди Хўжамёр. — Сиз зиёли одамсиз. Маданиятли...

— Нима, «зиёли, маданиятли» одам фақат... табриклагани келмайди деб ўйлайсанми?

Хўжамёр чуқур хўрсиниб, курсига чўкди.

— Сизга жавоб, — деди.

— Э, мени ҳайдаганингми бу? Хўжамёр шартта селектр тугмасини босди.

— Асал! Абдини айт!

Зокир Ўрин каловланиб, «Астра»ни чўнтагига солди, сўнг гардиши ҳилвирарган шляпасини бошига кўндирди.

Шу пайт пакана, туксиз лўмса юзи осилган Абди кириб келди.

— Бу кишини кузатиб қўй, — деди Хўжамёр ва деразага қаради.

Абди Зокир Ўринга илжайиб, таъзим билан эшикни кўрсатди. Зокир Ўрин тамшаниб:

— Бу нима қилиқ? — деди гўё ўзига ўзи. — Ҳов, Хўжам? Мени ҳайдаб чиқараяпсизми?

— Бу киши Хўжам эмас, Хўжамёр Мадёров, — деди Абди ва домланинг тирсагидан ушлади. Домла:

— Кўлингни ол! Афчарка, — дея четланиб кетди.

Абди интилиб домланинг билагидан тутди ва бурилиб оқ тортиб, Зокир Ўрин ўймакор эшик оғзига бориб қолди.

— Марҳамат, домла.

— Ҳов, Хўжам? Хўжамёр қарамади.

— Абди!

Шунда Асал эшикни очди ва Абди Зокир Ўринни қучиб кўтариб ташқарига чиқарди,

— Домла, дарвозадан ҳам чиқариб қўяйми?

— Қўйвор, аблаҳ! — деди Зокир Ўрин. — Ўзимнинг... оёғим бор! Ҳозирча бор! — дея эшикка қараб бақирди. — Ҳой, бизнесмен! Тиланчи эмасман, худога шукур. Сени ўқувчим деб... Бемаъни, одобсиз!.. Одамларга бундай қараш учун киши нақадар тубан бўлиши керак...

Абди жила бошлаган Зокир Ўринни яна даст кўтариб олди-да, ғизиллаб кетди. Кўчага чиқариб қўйиб, дарвозанинг очиқ табақасини беркитди.

... Хўжамёр юмшоқ курсида сўлгин тортиб ўтираркан, Асал кирди. Хўжайинга термилиб бироз

сассиз тургач, сўради:

— Нима бўлди, Хўжака?

Хўжамёр ҳам котибага бироз сассиз тикилгач:

— Ўзим ҳам тушунмай қолдим, — деди

— Нимани?

— Э, сўрама.

1993

«УХ»

— Сизни қаттиққўл, иродали ёзувчи дейишади... шу тўғрими?  
— Тўғрироғи, шундай бўлгим келади.  
— Кимнидир севганмисиз, ундан айрилганмисиз... Куйганмисиз?  
— Ҳа..  
— Ўн саккизга кирганларга бир гап айтинг..  
«Саодат» редакциясида бўлган гап.

\* \* \*

Эшик очилиб, рангпар жувон бош сукди.  
— Мумкинми?  
— Марҳамат, — дедим.  
У хонага кира солиб, диван ёнидаги курсига ўтира қолди. Пардоз-андознинг ҳам фаҳмига етмаслиги кўриниб турар эди.  
— Кечирасиз, вақтингизни оламан. Саид Аҳмад акага келувдим, йўқ эканлар..  
— Қулоғим сизда, — дедим.  
— Шукур ака, менинг бошимга бир кулфат тушган. Уни сиз — ёзувчилар тушунмасангиз, бошқа Биров тушунмайди. Бировга айтмайман ҳам.  
...Дўконда ишлардим, ларёкда. Бир йигит «Волга»да келиб тушарди-да, юз сўм ташлаб, битта «ТУ» олиб кетарди. Қайтимини сўрамасди. Ўшанда сигарет қирқ сўм... Мен ҳам унга: «Қайтимини олинг», демасдим.  
У келганда, ўзимни йўқотиб қўярдим.  
Келишган йигит эди. Камгап. Фақат салом берарди-ю, сигаретни олгандан кейин битта ух тортар эди.  
Бир куни йўлни ёқалаб кетаётсам, орқамдан келиб тўхтади; мошинасини тўхтатиб, эшикни очди.  
— Кириг, уйингизга обориб қўяман, — деди.  
Ичкарига қандай кириб ўтирганимни билмайман. Кетдик.  
— Ё айлангайми? Дарёни томоша қиласизми? — деб қолди.  
— Майли, — дедим.  
Ундан ажралгим йўқ, ҳушим ҳам ўзимда йўқ эди.  
Бир туронги тагига бориб тушдик. Багажида иккита енгил кресло бор экан, чиқариб қўйди. Тагин — кичкина стол. Бирпасда столнинг устини тўлдирди: яхна эт, коньяк, лимон, нон — ҳамма нарса бор.  
— Ҳозирлигингизни кўриб чиққан экансиз-да? — дедим.  
— Ҳа, — деди у.  
— Мен келмаслигим мумкин эди-ку?  
— Келардингиз.  
— Нега энди?  
— Мен ишонардим.  
— Сиз ҳақ, — дедим. — Нега шундай бўлди, а?  
— Билмайман.  
Ичдик.  
Илгари ичган бўлсам, пиво ичгандирман... Бошим айланиб, йиғлай бошладим.  
— Мен сизни яхши кўраман.  
— Биламан, — деди у.  
— Сиз-чи?  
— Нимага ух тортаман бўлмасам?  
Мен унинг бўйнига осилиб олганимни билмай қолдим.  
У мени кучди.  
Мен эриб кетдим..  
...Шундан кейин бу туронги ости — бизнинг учрашадиган-ўтирадиган жойимиз бўлиб қолди.

У уйланган, иккита боласи бор экан — очик айтди.

— Лекин сизни яхши кўраман, — деди.

Мен нима дейин? Яна кўзёши қилдим.

— Сиз билан учрашиш, сизни кўриш — мен учун бахт, — деди у. — Мен фақат шунинг учунгина сизнинг дўконингизга кирардим.

— Мен сезардим, — дедим.

— Сиздан айрилиш — мен учун фожеа.

— Мен учун ҳам.

Мен унга ўрганиб қолдим: онамни, акамни алдаш ҳам менга завқ берарди. «Тезроқ тонг отса, тезроқ ларёкка борсам», дер эдим тунлари.

Шундай қилиб, бир йил юрдик.

Уйимизга совчилар кела бошлади. Илгариям кеп турарди-ю, энди кўпайиб кетди: ахир, ўн саккизга чиқдим.

Сиз ҳозир менинг башарамга қараб, раҳмингиз келар...

Ўшанда оқим оққа, қизилим қизилга айрилиб, би-ир кўхли бўлиб кетган эдим.

Кўзгуга қараб билардим.

Энди ўйласам, ўшандаги учрашувлар завқи...

...одамнинг ҳуснини очиб юбораркан.

Бундан ташқари, ҳар куни янги кийим кийишга ҳаракат қилардим. Опамдан қолган кўйлақлар борми, онамнинг шол рўмоли борми...

Лекин бизнинг оиламиз ўртаҳол эди. Отам сувчиликда ревматизмга йўлиқиб, шунинг захмида кетган, опам церроз печен...

Қисқаси, совчиларнинг бирига акам розилик берипти.

Мен йиғладим.

— Пул йиғай, ўқийман. Театр институтига кирарман, — дедим.

— Керак бўлса, эринг ўқитиб олади, — деди акам.

Йигит билан учрашдим.

— На чора, — деди у. — Улар ҳақ...

— Ахир, мен сизни яхши кўраман-ку?

— Мен ҳам...

— Лекин кейин ҳам... хоҳласангиз, учрашиб турамиз.

— Йўқ-йўқ! — дедим. — Акам билса, ўлдиради.

— Акангиз шундоқ ҳам сезганга ўхшайди...

— Э, худо!

У бирдан ух тортиб юборди-да:

— Менга раҳмингиз келсин, болаларимгаям, — деди. — Уларни етим қил... десангиз, ҳозирок хотинимни кўйвораман!

— Йўқ, — дедим.

Мениям йиғлагим келяпти.

Мен уни кучоқлаб олдим: икки бахтсиз шундай ўтириб, ажралдик.

...Эрим билан олти ойча яшадим. Бахтимга қобил, мўмин чиқди. У ҳатто, кечирасиз, менинг илгари... эркак билан бўлганимниям сезмагандай эди.

Лекин кўнглим барибир анавуни кўмсарди...

Бу вақтда ларёкни ташлаб, яқинимиздаги клубда ҳаваскорлар тўғарагида ишлардим: қизчаларга ўйин ўргатардим.

Бир куни саҳнада ўйнаб кўрсатаётсам, залда таниш биров кўринди. Биз машқ қилаётганда, қоровул ҳам, кутубхонага келганлар ҳам залга кириб ўтиришарди.

Диққат қилиб қарасам...

...ўша.

Чироқларни ёқдим.

Ана шундан кейин нима иш қилганимни билмайман: ансамблга айтиб, дилхирожни чалдирдимми, тановарними — эсимда йўқ; шундай ўйнабманки, шогирдларим ўрганиш ўрнига томоша қилишибди.

Залда чапак.

Назаримда, бу рақсада ҳамма нарса бор эди: соғинч, ўкинч, ғам, алам...

Мен ўйин билан Унга ҳасрат қилган бўлишим керак.

... Машғулот тугади.

Ташқарига чиқсам, у «Волга»сида ўтирибди. Эшиги очик.

Ёлғон айтсам, тепамда Худо бор! Ҳеч нарсани кўрмай, сезмай бориб...

...мошинага кириб ўтирдим.

Кетдик.

— Келишимни билармидингиз?

— Ҳа, — деди у.

— Мен қийналиб кетдим.

— Мен ҳам.

— Болаларингиз тинчми?

— Уларни эслатманг, қийнаманг мени, — деди у уҳ тортиб.

Мен унга суяниб қолдим.

У ақлли эди, катта бир қурилиш ташкилотининг бошлиғи эди.

Аммо у ҳам менинг аҳволимда эди.

Шундай қилиб, сиримиз ошкор бўлиб қолди. Эрим уйдан чиқиб кетди.

Бир куни мен ҳам уйимизга қайтиб бордим. Онам хўп йиғлади, акам ичиб келиб, бутун идиш-товокларни уриб синдирди.

Энди клубгайм бормаи кўйдим.

...Хуллас, ўтган куни айрапортга чиқдим. «Бошим оққан томонга кетаман, — деб ўйладим. — Тошкентга борсам, театр институтини топаман, фаррошлик қиламан...»

Ишонасизми, маршрутлар ёзилган жадвални кўздан кечириб турсам, биров тирсагимдан ушлади...

...Ўша!

Йиқилиб тушишимга сал қолди.

— Йўл бўлсин? — деди у.

Мен елкамни қисдим.

— Айлангириб келайми? Тошкентни томоша қиласизми?

— Ҳа..

Тошкентга келдик.

Шуни айтишим керакки, кўналғага тушишимиз билан у тижорат дўконига бошлади мени. Этик, плаш олиб берди.

— Анаву хонага кириб, кийиб чиқинг, — деди.

Кийиниб, бир бошқача бўлиб чиқдим.

— Бу — катта шаҳар. Одамлар бизга қарашади. Менинг таниш-билишларим кўп...

— Сизга муносиб бўлиб юришга ҳаракат қиламан, — дедим.

«Ўзбекистон» меҳмонхонасига келдик. Ҳе, бу давдаска, бу чет элликлар... Бу денг, башанг кийинган аёллару эркалар...

Мен бошқа бир дунёга тушиб қолдим.

...Қисқаси, номерга чиқдик. Уч хонали экан. Шунақа мебелларки, қараб туриб тўймайсан! Қулайлигини айтмайсизми! Ҳатто оёқни ювадиган махсус тоси ҳам бор экан.

У кимгадир телефон қилди, ўрисчалаб гаплашди.

Сал ўтмай бир аписанка аравагани ғилдирадиб кирди, унда ҳамма нарса бор эди.

Бир нафасда «очил дастурхон» очилгандай бўлди.

— Севгимиз учун, — деди у.

— Ҳа, — дедим. Ичдик.

Бир маҳал денг, телефон ўз-ўзидан жиринглаб кетди. У дастакни олиб эшитди. Кейин: «Я ижду...» деди.

— Ким у? — деб сўрадим. — Келганингизни қандай билишди?

— Билишарди.

Сўнг у босиб-босиб коньякдан қуя бошлади. Мен ҳам ютоққан туядай ичаверибман.

Бир вақт қарасам, бошқа хонада ётибман. Деразадан шаҳар чироқлари кўринаяпти.

Кўшни хонада — залда бўлса — музыка, ўйин-кулги.

Бари ўрисча.

«Нима қилай? — деб ўйладим. — У ёққа чиқсам...

...танишлари кўрса...

Уят бўлади-ку?»

Ётавердим.

Бир замон Ўзи эшикни очиб кирди: кулфлаб қўйганини шунда билдим.

— Ух, мен сизни жуда севаман, — деди.

— Мен ҳам, — дедим.

— Хоҳласангиз, уларнинг олдига бошлаб чиқаман. Аммо адресимга яхши гап бўлмайди...

— Албатта, — дедим.

Яна ухлаб қопман.

Уйғонсам, тонг отган: деразалар орти ёруғ, троллейбуслар юраяпти.

Бу хонадан, кечирасиз, ҳалиги хонага чиқса бўларкан. Чиқиб ювиндим.

Зал эшиги қия очик экан, қарасам...

... У диванда ётибди: ёнида аёл.

Дод деб юборишимга оз қолди.

Аммо ўзимни тутдим: «Нима ҳаққим бор?.. Ўз хотини билан ҳам ётиб туради-ку?..» деб ўйладим-да, хонага кириб ўтирдим.

Ўтирибман. Оч қолдим.

Бир палла уйғонишди. Кулишиб-кулишиб ювинишди. Ичишди. Кейин аёл кетди чамаси, у эшикни очиб кирди.

— Кечирасиз, — деди. — Очиқиб қолган бўлсангиз керак. Марҳамат.

Чиқсам, стол усти бир бало... Сигарет қолдиқлари, идиш синиқлари...

— Сиз мени унутдингиз-ку? — дедим.

— Йўқ, — деди у. — Ҳар дам хаёлим сизда бўлди. Аммо...

— Анавунинг қучоғидан чиқолмадингиз?

— Кўрибсиз-да?

— Ювинаётиб кўзим тушди.

— А-а.

— Менгаям жиндак қуйинг энди, — дедим.

— Жоним билан! — Сўнг қадахни олиб: — Сиз учун, — деди.

— Сиз учун, — дедим.

Кейин тагин йиғлаб юборибман. У мени овутди, эркалади.

— Шундай бўп қолди... Ёрдами тегиб туради... — Кейин ялинишга тушди: — Мени аянг... Бунақа бўлишини сира ўйламовдим...

Мен Унга ишондим-у...

...энди бу хонадан ҳам чиқиб, бошим оққан томонга кетгим келиб қолди.

У сигарет учун ресторанга тушиб кетганида, мен ҳам ўзимнинг эски кийимларимни кийиб, йўлакка чиқдим.

Зиналардан тушиб кетдим.

Ташқарида қор...

\* \* \*

— Гап шу, — деди жувон. — Мен энди нима қилай? Ундан ажралишим мушкул.

— Шунақа қилиб юраверинг, — дедим.

— Қизиқмисиз!

— Нима дейин бўлмаса?

— Сиз ёзувчи-ку?

— Хўш?



- Ёзувчи сифатида бизга қандай баҳо берасиз?
- Ёзувчи баҳо бермайди.
- Хўп, одам сифатида баҳо бера оларсиз?
- Ҳа, — дедим. — Сиз ҳақингизда гапирмайман. — Бироқ У — ғирт аблах экан.
- Нима-а?
- Шайтон экан.
- Жувон ўрнидан сапчиб турди.
- Ўзингиз аблах, ўзингиз шайтон, — деди-да, эшикдан чиқиб кетди.

## ОЗОДЛИК

*Ҳикоялар тўпламининг иккинчи жилди нашрга тайёрланаётган чоғларда Шукур ака: «Озодлик»нинг остига «Набижон Боқийга бағишлайман. Муаллиф» деб ёзиб қўйинг, илтимос», деди. Бу ҳикоя, чамаси, ўн йил бурун «Ватан» газетасида сонма-сон эълон қилинган, лекин ўшанда бағишлов йўқ эди. Чунки ўзим ўша газетада хизмат қилардим, энди тўпламининг муҳарририман...*

*Шукур аканинг бундай дейишларига сабаб хрқоянинг ёзилишида — газетачи сифатида «бўлинг-бўлинг»лаб ҳол-жонларига қўймаган эдим. Ҳар бир нарсани адолат мезони билан ўлчайдиган ёзувчимизнинг бу илтифотларини катта марҳамат деб қабул қилдим.*

*Набижон БОҚИЙ*

Ташқарида шамол увуллар, бурчакдаги тунука печ оташхонасидан лоп-лоп этиб аланга чиқар, шунда оташхона ўт пурковчи афсонавий аждарнинг комига ўхшаб кетарди. Аммо шифтга ўрлаб, томни тешиб чиққан карнайнинг чирсиллаши ва унинг улама жойларидан тутун силқиши кўнгилни тинчитарди, чунки том узра эсаётган шамол тутунни қайтариб ичкарига ургани, шунинг зарбида оташхонадан олов нафаси чиқиб қайтганини унсиз англатарди.

Иссиққина меҳмонхона дўст-ёрларнинг нафаси-ю чеккан тамакилари тутунни, юзларининг тафти-ю қизгин суҳбат-кулгидан файзиёб, гўё оламини буркаган қору бўрон ичида шу кичик уйча-ю шу ерда жам бўлганларгина бор эди.

Мансур бу хонага серкатнов: кириб пойгакда чўқар ва бошини эшитмаган аскияга ҳам қўшилиб кулар, унга-бунга, «дастурхонга қаранг» деб илтифот қилар, кимларнингдир олдини тозалар, сўнг эшик тақиллаши замон ўкдек учиб чиқарди.

У хурсанд эди.

Фақат ўқтин-ўқтин лой, қор парчалари титилиб ётган айвонда хотинига нимадир уқтиргани ҳолда туриб қолар, этақларни чулғаган оқликка, рўпарасидан буралиб-шошиб ўтаётган қор сурувига қийналиб боқар, «Тинса эди-е, бас энди-е» деб пичирлар, сўнг ўн қадам энишда эса-да кўринмаётган оғил-кўрага кўз тикиб, қулоқ берарди: моллар тинчми?

Ана шу алфозда қоронғи тушди. Меҳмонлар ғала-ғовур, ўйин-кулги билан уйларига отланишди: зумда оғил-кўра пойидаги ялангликда турли машиналар гуруллади, чироқлари ловуллаб, тина бошлаган қор сафларига санчилди. Ит ҳурди. Мансур «Газик» ичига суқилиб, дўсти Омонни қучиб: «Раҳмат, жўражон. Сиз бўлмасангиз, бу ўтириш ҳам бўлмас эди», дея миннатдорчилик билдиргач, бу машина ҳам жилди-да, Мансур қоронғиликда бир зум қўлини қовуштириб, этакка шўнғиб тушиб кетаётган одамлар ортидан қараб турганидан кейин жадаллаб изига қайтди.

Ўзига бир яримта келадиган хотини меҳмонхонани йиғиштирар эди.

— А, балли, кампир! — деди у эшикдан мўралаганча. — Раҳмат сенга. Отангга раҳмат, энангга раҳмат... Хўш, Полвон ухлаб қолгандир?

Кампири энкайган қўйи бош ирғади. Ва Мансур ҳалпиллаб айвоннинг у бошига борди. Тоб ташлаган эшикни авайлаб очиб, ичкарига кирди. Ўртага суриб қўйилган қўлбола электр плитанинг занжири қипқизариб турар, бурчаклардан зах ва занг ҳиди келар, баланд тўсиқли қаравотчада Полвон ухлаб ётарди.

Мансур қаравот қошига суяниб:

— Ҳе, булбулидан! Ухланг, отам, ухланг! — дея бирпас тиржайиб турди-да, ён-верини босиб қўйиб, қафтларини бир-бирига ишқади. — Яхши, яхши бўлди...

Элнинг олдидан ўтди ҳисоб, яъни, юзи ёруғ бўлди-да. Ўзиям эзилиб юрарди. Айниқса, тўй-ҳашамга борган, зиёфатларга тушиб қолган чоғларида: ахир, ўн йил ётиб келди — тўртта кишини чақириб олдига дастурхон ёзолмади: «Эй мусулмонлар, умрдан берган экан, насиба узилмаган экан. Мана, сафларингга қўшилдик. Бир дуо беринглар», деб. Буям — кўнглида армон эди. Отадан қолган кулбани эпаккага келтириб, ҳовлига тўрт-беш туп кўчат ўтқазиб, томорқани сотди; пулига беш-олти бош совлик олиб, мана шу кирга чиқиб келди: қумтошдан кесиб ғишт ўрнига ишлатди, тоғ дараларида қуриб қолган дарахтлардан васса-поя кесиб юрганида, ташландиқ бир хароба учрадики, унинг тўсини-ю синчларини — худо бергандай бўлди; умрида ҳеч камлик кўрмасин, Омон дўсти асқатиб, икки уй-бир даҳлизли иморатни тикка қилди; шундаям тўрт-бешта қарияни чақириб, дуо ололмади.

Омадни қарангки, қўйларини боқиб юрганида Қора кўтонда қий супираётган бир ғариб қизни

учратди ва икки оғиз гап асноси унинг ўзини сиртдан кузатиб юришини билгач: «Эй, ғариб! Мен ҳам ғариб. Менга тегмайсанми?» деганда, у жилмайиб елка қисди. Мансур дархол вилоят марказига ҳовлиқиб бориб, гўшт комбинатига кирди, қассоблар бошлиғи Омон жўрасига, гап шундай-шундай деди. Омон бир ҳафтадан кейин келиб, Мансурни қиз яшайдиган қишлоққа олиб борди ва худонинг йўл берганюш кўринги, етим қизини ўша куни Мансурга никоҳлатиб, унинг сомонсувоқ кулбасига келтирди, ҳе, кўл, калталиги курсин: шундаям ҳамқишлоқларига ош беролмади.

Тўғри, ўшанда у одамлардан совуб юрган кезлар эди, зотан, ҳамюртлари ҳам унга қиё боқишмас, айрим раҳбарлар унга иш беришмас — у қамалиб кел ган «туремшик» эди.

Келиннинг оёғи қутли чикдими, совлиқлари эгиз: туғиши баробарида ўзи ҳам салкам тўрт килолик Полвонни туғиб бердики, Мансур ўзини, ниҳоят, одам сифатида туйди. Унинг қадди кўтарилган кунларнинг; бирида қирлик пойидан бир замонлар тортилган телефон кабелларини янгилаётган биригадага ёлланиб ишга тушди-ю, улар сафида қолди: бу — камсукум, меҳнатдан бош кўтармайдиган йигит уларга чунон кўл келганидан тўқсон чақиримлик масофадаги кабелларни назорат қилиб юривчилик амалини беришди: энди тагида алмисокдан қолгани «Газ-51», ёнида шофёр, бортда битта ишчиси бор — вақт-бевақт отланиб қолади: ҳафталаб кабелларни текширади.

Куни кеча ана шундай текширувдан қайтди, аммо-лекин она сути оғзидан келди: қор қалин, тунлар — изғирин, аёз; кабел жонивор уч чақирим масофада тўрт жойидан узилган экан, яъни, қор бетига чикса дархол тулкию сор қушларга ем бўладиган, демак, қор остидан емиш топишга мажбур бўлган кўрсичқонлар симларни кемириб ташлаган экан.

Ана шу машаққатли сафардан қайтаётиб, карантин постда Омон жўрасини учратиб қолди: уям милисаларнинг чойидан бир пиёла ичгали вагон-уйчага кирган экан.

Кўпдан кўришмаган каби кучоқлашиб кетишди. Кейин электр-плитага исиниб аҳволлашишар экан, гуруннга милисалар ҳам кўшилди ва мавзу бозор иқтисодига оралаб, Мустақилликка тақалди: қарабсизки, носқовоқдек шиша идишда спирт топилди, унга сув кўшиб ичдилар.

Омон бу кунларнинг ўткинчи экани, пировард, одамлар учун синов кунлари экани — демак, бир-бирига меҳр-оқибату эл-юртга садоқат айна шу замонда билиниши ҳақида пишиллаб сўзлар экан, Мансурнинг оғзидан ногоҳ чиқиб кетди: «Жўра, бир ўтириш қилсам, нима дейсиз? Ахир, ўзингиздан қолар гап йўқ, мен қамокдан озодликка чикқан кунимдаям сиздай биродарларни айтиб, бир пиёла чой тутолмаганман...».

«Уч йилдан бери шу гапни кутар эдим сиздан, — деди Омон ийманиб. — Қилинг. Бир ёнини ўзим кўтараман...» «Йўқ, ҳаммаси ўзимдан, — кесиб таъкидлади Мансур. — Армоним шу эди, жўра. Шу кунларга насиб этган экан. Омин денг!».

Шундай қилиб, Омон Мансурга кўшилиб қишлоққа келди. Меҳмон айтишни ҳам ўз бўйнига олиб, кундузи келган мўйсафидлардан тортиб, оқшом келишган кўнгил яқин тенг-тўшу шотирваччаларгача кутиб олди.

Тўрт яшар бир кўчқор билан семиз серка сўйилди. Қуйруқнинг ярми билан серканинг бузилмаган иккита сонини, келишувга кўра, қассоб сотиб бердики, унинг пулига хўлу қуруқ мева-чева харид қилинди, тагин беш-ўнта шиша... Овқатдан — шўрва, палов... Ишқилиб, бир кичик мавлуд ўтди ҳисоб: ҳе, қариялар: «Шу уйда тўйлар бўлсин!» деб дуо беришди. Тенгқурлар Полвоннинг соғлиғи учун ҳам қадах кўтаришди. Во ажаб, Мансурга баъзан шундай туюлдими, уни ҳамма кадрлар, хурматлар экан-у, ўзи билмай юраркан. Буям оз: у сахий, уйпарвар, хотинпарвар, меҳнатсевар ва ўта камтар йигит эканки, кўплар зимдан ҳавас қиларкан.

Туремшик бўлганини биров ҳам эслатмайди-я!

Мансур қафтларини ишқаганча тагин айвонга чикди. Эшикни зичлабгина ёпти-да, наздида, меҳмонлардан бири каклигини ўғирлаб кетгандай туюлди. Гарчи бундай бўлишига у қадар ишонмаса ҳам, занжири шундай илиб кўйиладиган ўрта эшикка ҳаллослаб бориб, апил-тапил очди. Ғадир-будир деворни сийпалаб, чироқни ёкди. Музхонадек омбордаги қоп-қоп ун, лаби учган хум, эски танча-ю арра, пойтеша ва уюлиб ётган эски-тускилар чарақлаб кўриниши замон какликнинг чуркиллагани ва қафас ичида типирчиллаганини эшитди. Ром ўрнатишга эҳтиёж йўқлигидан тош қалаб, суваб кўйилган «дераза» пастига жадал бориб, қафасга ёпиб кўйилган увада чопонини шилиб кўтарди.

Карсондаги тупроқни чангитиб, гир айланаётган йирик, гўзал қуш қуралай кўзларини чакнатиб, эгасига чақчайиб тикилди-да, энди дик-дик сакраб, қафаснинг юлғун чивикларига тумшуғини ура

бошлади.

— Хе-хе, жонидан, — деб чайқалди Мансур. - Нима бўлди? Донингиз бор, сувингиз бор... Соғиндингизми эгангизни? Ё уйга бегоналар келганини сезиб, безовта бўлдингизми?.. Кетишди. Ўзимиз қолдик.

Сўнгра қафасни ҳалқасидан кўтариб ва чироқни ўчириб чиқди. Совуқ, совуқ. Лекин қор тинипти. Аммо кечаси аёз бўлса, о, чарсиллайди.

Мансур тўғри меҳмонхонага кириб, қафасни печка ёнига қўйди.

— Сал исиниб олсин, жонивор.

Кўрпачаларни қайта тўшаётган хотини:

— Чанг қилади-да, — деди.

— Устини ёпиб қўямиз. — Мансур ёпинчиқ омборда қолганини эслаб, печка биқинидаги ёлғиз эчки терисига — пўстакка ўтирди. Қўлларини иссиққа тутаркан, бирдан ирғиб туриб кетди.

У қўра чироғини ёқиб, қўй-эчкиларини санагудек— кўздан кечирди, охур ичларини пайпаслаб, вақтлироқ туғишини мўлжаллаган икки совлиғининг қорнини-елинини ушлаб кўрди, сўнг уларни қандайдир доялик меҳри билан силаб-сийпаб ва эркалаб, сигири қошига борди.

Ниҳоят, эшикни тамбалаб, суяк ғажиб ётган итига бир нималарни тайинлаган бўлиб ҳамда атай йўталиб — томоқ қириб, уйга кирганида хотини ўрин солиб бўлган, Полвонни ҳам ётқизиб, кифтига аста-аста урганча ғунғилар эди:

— Алла-ё, ал-ла.

— Ҳа-а, яхши, — дея яна пўстак томонга ўтди Мансур. — Лекин, кампир, шу уйни тузаб қўйиш керак. Меҳмонхона-ку бу... Ўзимизга кичкина уй ҳам бўлаверади.

— У уй зах, — деди хотини. — Алла-ё, алла... Бир-иккита бўйра бўлганда кигизни остидан тўшар эдик.

— Сен чий тўқишни биласан-а? Эй, кампир, как-ликка қара. Кўзини юмибгина қолипти. Ана, очди... Ҳе, Қаламқош... Шуюм туш кўрса керак-а?

— Печкага чалмидан соб қўйинг. Алла-йўў... Кулхонасини бекитинг.

Мансур нос отди.

— Меҳмонлай хуйсан бўп кетди-я?.. Эй, кампий, мени йўғимда қийналиб қомадингми? Тузук гапласмадик ҳам... Лекин мен кўп азоб чекдим. Айтмоқчи, шопий билан ябочи этталаб келади. Яхшилаб меймон қилиш кеяк.

Хотини ийманибгина жилмайди.

— Носингизни тупуринг.

Мансур қих-қихлаб кулиб, носни ахлат челақка ташлади. Печка устидаги чойнак жўмрагидан бир култ олиб, оғзини чайди. Кейин хўрсиниб:

— Ҳа, худога шукур, — дея ўрнидан турди. — Айтмоқчи, сени кишлоғингдан ҳам бормиди? Ўлай агар, мен баъзиларни, умуман, танимадим.

— Какликнинг устини ёпиб қўйинг, тинчроқ ётади... Лекин шуни кўп эркалатасиз-да, чол. Бунинг шериклари ҳозир тоғларда, э-хе, донсиз, бошпанасиз юришипти...

— Нега бошпанасиз бўларкан? Камарлар, ғорлар... Қизиқ гапирасан. Донниям топиб ейишади! — Мансур ечина бошлади. — Улар шароитга кўникиб қолишган. Кўникамаганда, минг йил бурун қирилиб кетарди.

— Бе, одамларнинг аҳволи шу бўлса, шундай ҳам қириб юборишади, — деди хотини ҳам кўрпага кираркан.

— Овчиларни айтяпсан-да?

— Овчисиям, бошқасиям.

Мансур чироқни ўчирди. Авайлаб келиб, ўринга кирди-ю, хотинини қучоқлаб олди.

— Ухлайлик. Сиз ҳам чарчадингиз, — деди хотини. — Кўрасиз, анави каклигингиз соат тўрт бўлмай уйғотиб юборади. Нарӣ хонадан ҳам сайраши...

— Кўп гапирма.

Ҳақиқатан ҳам, каклик сайраб ва патир-путир қилиб, Мансурни уйғотиб юборганида дераза орти ҳали кўройдин эди. Полвон ғашланиб ғинғиллар экан, Мансур худди кўрасига бўри оралагандай ҳовлиқиб туриб кетди.

— Айтмовдимми! — деб инжикданди хотини.

— Нимани, нимани? — Мансур апил-тапил кийиниб ва чопонини елкасига ташлаб, айвонга чиқди. Совууқ. Ит айвонга чиқиб ётган экан, керишиб-ғингшиб, эгасининг ёнига келди. — Ҳе, ўл! Жойини билмаган! Туш пастга! Хурмаган итни уриб ўлдирсанг арзийди-да! — Мансур тўнғиллаб нари-берига ва атрофига қаранди. Шу қирни макон тутгандан берими, ё қишлоқдан четдалиги, демак, ёлғизлиги, бунинг устига, беш-ўн бош тилсиз моллари борлиги-ю, уларнинг омонлиги ўзларининг хушёрлигига боғлиқ эканига том ишонч туфайлими — ўта сезгир бўлиб кетган Мансур атрофида қандайдир ўзгаришми-шарпами борлигини ҳис этган, табиийки, хонаки каклигининг бемаҳал қичқирган хўроздай қилиғи бунга туртки бўлган эди.

Қўра билан меҳмонхона орасидан, яъни, усти ёпиқ ўчоқдар томонидан пир-пир этган товуш эшитилди-ю, Мансур илкис қараб, бир-иккита қора товукларни... йўқ, йирик-йирик қушларни кўрди. Ва тумшуғини бемалол кўтариб тургани ҳамда думлари йўқ даражада эканига диққати оғди-ю:

— Э, каклик-ку? — деб шивирлади. У шошиб қолди: нима қилиш керак?

Шунда улар яқинлашиб бораётган итдан чўчишди чоғи, пир-пирр учишди, шундоқ рўпарада уюб қўйилган-қор босган янтоқ тўпининг пойига бориб қўнишди.

— Э, кетади-ку? Жипак! — деб юборди Мансур. — Милтиқни опчиқ!

Какликлар бирдан ваҳимали чиғиллаб ҳамда қарс-қарс қанот қоқиб, том оша учиб кетишди. Мансур дир-дир титраган ҳолда лукмасини оғзидан олдирган махлукдай ютиниб-тамшаниб қолди.

Эшикдан мўралаган хотини:

— Нима? Каклик кўрдингизми? Энди кўришингизми? — деди.

— Эҳ, уйга кепти-я? — қувониб ва аёлини калака қилгандай кулимсираб уқтирди Мансур. — Шу-шу ерда, ўчоқбошида экан... Вой, буни қара-я! Вой, жониворлар-а... Кўрқмаганини қара. Мана бу ит ҳам сезмапти...

— Балки ўрганиб қолгандир, товуғимиз деб ўйлар, — дея Ипак ичкарига тортилди.

— Ҳой-ҳой, кампир, бу жуда қизиқ-ку, а? — Ман-сур ҳам хотинига эргашди-ю, тагин биронтаси писиб қолган бўлса деган ўйда тўхтаб, яна нари-берига зеҳн солди. Сўнгра уйга кирди-да, ажаб аломатни кўрди: усти қопловли қафаснинг пастларидан чанг буриқсиб чиқар, қафас титрар-силкинар, макиён тўлиб-тошиб сайрар эди.

— Э, жинни бўлдимиз у? — Мансур шундай дебоқ беҳол тортиб кетди. Хотинига жилмайиб: — Тушунарли, — деди.

— Шу-да, — деб қўйди хотини.

— Қачондан бери какликлар кеп туради?

— Совуқ зўрайганда...

— Бечоралар.

— Сиз эса уларни отмоқчи бўлдингиз.

— Энди, ким билади... — У уялиб, елкасини қисди. Кейин тўрга ўтиб, қафаснинг устини очди. Чангга беланиб, оқариб қолган каклик шунда хўрпайиб бир силкинди — Мансурнинг афт-башараси ҳам оқариб қолди. — Ҳе, Хойин! — деб зарда қилди йигит. Ва йўталиб, юзини енги билан артган бўлиб, давом этди: — Жела овнинг хумори тутдими, бека? Балки тоғ-тошни кўмсаб қолгандирсиз? Ҳозир яхлаб қолган камарларни, ғорларни, а? Менга раҳмат денг, сизни опкелиб, уйимнинг тўрига ўтқазиб қўйибман. Шерикларингиз, ана, бир чўқим донга, ушоққа зор бўлиб, остонамизга келипти... Ҳе, ўлинг сиз! — Бирдан зарда қилди. — Шуларни тутишим керак-да, а? Ё уйнинг атрофини тузоқ билан ўраб қўяйми? Кейин сиз айвонда ваққиллаб сайрасангиз, қариндошларингиз парт-парт этиб, тузоққа тушса. Сиз хурсанд бўласиз-да, а?

— Қўйинг энди. Униям овга ўзингиз ўргатгансиз, — деди хотини Полвонга гупписини кийдираркан... — Ундан кўра молларга қаранг. Сув бериш керак.

Мансур бир муддат тек қолди-да:

— Тўғри айтасан, — деб печкага бурилди. Чойнакни гиламга опқўйиб, қопқоқни очди. Милтиллаб турган чўғни сим билан кавлаб яшнатди-да, чалмадан синдириб ташлади.

Шу асно тоғда — қайсидир арча панасида ўчган гулхан қўрини кўзгагани, атрофдан какликларнинг сайраши эшитилиб тургани хаёлида жонланиб:

— Ҳа-а, — деди бирдан. — Демак, каклик қирғини бошланипти-да, кампир... Тоғда ем бўлмаса,

совуқ — ҳаммаси пастга энади-да! Э, аттанг... — Сўнг бирдан хотинига юзланди. — Пиёда ов бўляптими?

— Вей, ҳар куни — ов-ку, — деди кампири. — Ана, Бўрижарга тушинг. Чошгоҳгача томоша кўрасиз... Вей, одамлар-е, аёв нималигини билмайди-я.

— Тушунарли, — деди Мансур гижиниб.

Мансур уйи ортидаги одамбўйи кўтариб ясалган бетон «ҳовуз»дан сув ташиб, ушоқ молларини суғорди. Сигир билан бўғоз совлиқларга челақда сув илитиб берди. Кейин узун охурга сомон солиб, қий-тапиларни кураётган эди, мошинаси сигнал бериб кепқолди. Мансур ҳайдовчи билан ишчисини очик юз-ла қарши олиб ва уларнинг «қорда қолган изларига қараганда, тўй бўпти» деган гапларига камтарона жилмайиб, меҳмонхонага таклиф этди.

Уларнинг иззатини жойига қўйиб: «Уч кун озодсизлар-е!» деб жўнатгандан кейин, кирза этигини кийди. Сарик-бароқ жунли телпагини бошига бостириб, йилтираб қолган дағал шарфини бўйнига ўради ва заранг таёғини олиб, айвондан тушди.

— Кампир. Мен бир айланиб келай!

Қалингина туман тушган, шунинг учун совуқ эмас, борлиқ кечаги шамолу қору изғириндан қутилиб, энди сокин-муаллақ бир ҳолатда мизғиётгандек эди. Аммо одамлар... қаерлардандир одамларнинг бақирган-чақиргани тушдагидек эшитилар, ўқтин-ўқтин отилган милтиқ садосидан Мансурнинг юраги жиз-жиз этиб кетарди: «Отди, йикитди. О, оломоннинг бу ови даҳшат...».

У пиёда овни қачон кўрганини эслолмас, бироқ қиш шундай қаттиқ келиб, қор ҳам қалин тушган пайтларда гала-гала какликларни у қирдан бу қирга қувиб, тўс-тўполон кўтариб югурганларини эслар, ўшандан кейин бозорда қоплаб каклик сотилганига ҳам гувоҳ бўлган эди.

Лекин у пайтлар — афтидан, илгари замонлар эди ва табиатни муҳофаза қилиш ҳақидаги ўйнинг ўзи кишиларнинг хаёлида йўқ эди — шунинг учунки, ўша вақтларда шимолдаги тоғ ўнгириларида кийиклар ҳам бўлар, уларнинг фалон булоқдан сув ичганини кўрганлар ҳам кўп эди.

Кейин какликлар ҳам камайиб кетди ва улар сонининг қисқаришида Мансурнинг ҳам оз бўлса-да улуши бор...

Ўтган йилнинг ўзидаям авжи баҳор Қаламқошни қафаси билан Қизилжарга опчиқиб, бир бутанинг тагига қўйган ва атрофини тузоқ-жела билан ўраб, ярим соат орасида тўртта хўроз какликни сўйиб олган эди. Қаламқош, яъни Хойинбека худди озодликка чиққандай шақиллаб сайрай бошлади, унинг овозини эшитган хўроз какликлар: «Кимсан ўзинг? Бу ёққа чиқ!» дегандай важоҳат билан учиб келиб, ўзларини тузоққа уришди, қарабсизки, бири бўйнидан, бири оёғидан желлага тушган.

Мансур эса бир зум кечикса, униси бўғилиб ҳаром ўлади-ю буниси қутилиб кетадигандек, шошилиб-ҳансираб бориб...

Ҳа, овчилик ҳам носнинг хуморига ўхшайди чамаси: носвой отганингни билмай қолганингдек, овга жўнаворганингу қўлга туширган ўлжани бўғизлаганингни ҳам билмай қоласан... Тўғри, кейин мурданинг патларини силаб, очик қолган нурсиз кўзларига тикилиб, раҳминг келади. Кейин, ўзингни ҳечкурса шундай овутасан: «Булар — хўроз-ку? Макиёнлари юрипти-ку...».

Дарҳақиқат, бундан роппа-роса уч йил бурун Мансур бир шафёр таниши билан жела овига чиққанда, ёшгина бир макиён тузоққа тушган ва ов соҳиби: «Шуни боқинг, жўра. Ўзи урғочи бўлсаям менинг хўрозим билан уришгани келди. Бир балоси бор», деб Мансурга берган, ўша макиён — ана уйда қолган жинқарчанинг ўзи, айтилганидай, бало чиқди: ўтакетган хушёр, кўркмас, сайроқи, овозиям хийла йўғон...

Йироқ бир манзилга йўл олган қаландардай бемалол қор кечи Бўрижарга энаётган Мансур туман ичида туйқус одамларга дуч келгандай бўлди: шундоқ қаршисида — ердан ўсиб чиққандек қабарик қоя остида туманни қалинлатиб тутун ўрлар, тутун остида ивирсиб нимадир қилаётган уч кимса бор эди.

Йигит беихтиёр таёғини маҳкам қисиб, бир он тўхтади-ю, кўзи равшан тортдимиди — уларни таниди: чўккалаб олиб, ҳўл бодомча шохлари тагига пуфлаётган сарғиш, узун соқолли қария — почтанинг қорову-ли, юлғун бутоғига эт ўтказаётган, узун бурни қип-қизил, бош яланг киши — музыка ўқитувчиси, қўлларини тиззасига тираганича у ён-бу ёнга чайқалиб, тутунга чап бераётган ёш йигит — техникум директорининг муовини.

Мансур уларни танигач, вужудини таранг тутиб келаётган асаблари бўшашиб кетди.

— Э, ассалому алайкум, биродарлар! — деб бақирди.

Уччовлон ҳам унга кўз отишди-ю, чол ўтни пуфлашда давом этди. Директор ўринбосари кўзини муштумида укалаб орқага сурилди. Бурни қизил муаллим:

— Келинг, бой ота, — деди.

— Э, майишат катта-ку!

— Ҳа, озодлик гаштини суряпмиз, — яна пинак бузмай деди муаллим.

Бу гап Мансурга наша қилиб, ких-кихлаб кулди. Ва бориб, улар билан алоҳида-алоҳида кўриша бошлади. Муаллим унга тирсагини ушлатиб:

— Анави тошлардан бирини думалатиб келинг, бой ота, — деди. — Куруқ келдингизми? Кечаги савиллардан қолмадими?.. Бор, сизда бор. Яшашни сиз билар экансиз, Мансурбой.

Мансур кулиб, қор босган тошлардан бирини кўзғатаркан:

— Ҳе, турмага душманингиз ҳам тушмасин, — деди. — Бу ёпишиб қолган-ку...

Шу пайт этакдан — туман ичидан милтиқ товуши келди. Рўмолчаси билан кўзларини артаётган директор ўринбосари:

— Бекор қияпти-да, бировга тегиши мумкин, — деди холисона, мағрур бир тарзда.

— Гўрниям отолмайди шу милиса, — деб тўнғиллади муаллим. — Бутилкани уролмаган-у... Қўйинг, биттасига ўки тегсин. Тўғрими, бой ота? Сал ошириб гапирсангиз, қаматаман, йўқотаман деб қариллайди.

— Ҳе, яхши ният қилайлик-е, — дея, думалатиб келгани харсангга ўтирди Мансур. — Ҳа, омин... Аллоҳ акбар! — Кейин кулди. — Шотўра ака, нимага бизни мундай «бой»га чиқариб қўйдингиз? Тўрт-бешта тиррақи совлиқ билан бой бўлар эканми киши?

— Албатта, — деб жавоб берди Шотўра муаллим. — Нимагаки, масалан, бизда тўртта товуқ ҳам йўқ... Ҳолбуки, куш гўшти парҳез таом ҳисобланади. Организминг ана шунга бўлган талабини қондириш учун, мана, ота-бобомиз қилмаган ишни қилиб ўтирибмиз.

— Илгари овга ҳеч чиқмагансизми?

— Ҳеч қачон!... Ҳе, укам, сеникига ўхшаган шаллақи каклигим бўлсаки, буталарнинг остига қўйиб, бабақларни замани қилиб, сўйиб-сўйиб олсам...

— Ҳе, менам йилда чиқсам, бир-икки марта чиқаман.

— Биз ярим мартаям чиқмаган эдик... Мана, озодликдан бахраманд бўлиб, а, тўрвасоқол? — дея қоровулга нуқиб сўзлади. — Сен нима дединг, курра? — Техникум бошлиғи муовинига ҳам ачитиб деди. — Хуллас, учта ошна бир бўлди, оғзи-бурни кир бўлди деганларидай, битта кул кабоб қилайлик деб чикдик-да.

Директор ўринбосари ғижиниб:

— Одамни камситмай гапиринг, ака, — деди. Сўнг Мансурга мурожаат қилди: — Ҳа, зиёфатингиз яхши ўтипти, Мансур ака. Биз чақирилмаган бўлсак ҳам, хурсанд бўлдик. Мана бу бобой тонгдан бери сизни алқгани-алқанган.

— Хў, кўп савобга қолдингиз, иним, — деди қоровул кўрсаткич ва бошмалдоғида бурнини сиқиб ташлагач. — Отангиз ҳаёт бўлганда бўйи бир қарич ўсарди.

— Ўлинг сиз, — деб кулди мусиқа ўқитувчиси. — Яқин-яқингача пиёнисталик қилиб, кечалари вино сотарди. Энди мачитга қатнайдиغان бўлди бу киши. Қаранг, текин тамоқ ёқар экан. Хўроздай қип-қизил.

— Ҳе, уйингиз буғдойга тўлсин, — деб илжайди қария. — Мансуржон, булар мени ажув қилади-да, кечирасиз. Мен ҳам индамайман, майли, кулсин... Ростини айтсам, шулар куладими, чехраси очиладими деб эргашиб чиқдим...

— Сизнинг тушунмаслигингиз — табиий, — деди директор муовини. — Сиз кечаги одамсиз... Лекин намозингизни бемалол ўқийдиган бўлдингиз, мачитлар очилиб. Шотўра акам айтганларидай, сахий бизнесменлар ҳам қарашяпти. Бунинг устига, хей бобой, кўрнамаклик қилманг.

— Ҳа, энди, пенсиямиз...

— Сизнинг пенсиянгиз бизнинг маошимиздан катта, — деди Шотўра какликнинг оёғи-тўши санчилган юлғун булоғини чўкка қўйиб.

— Ундай деманг-е, оғажон.

Шу пайт олислардан эшитилиб турган шовқин-у бақир-чақирлар дафъатан яқинлашиб кела бошлади-ю чуриллаган ва шувиллаган товуш — какликлар овози ва қанотларининг саси туман ичидан ўқ каби чиқиб, нақ булардан пастроқдаги қор куртуғига учта каклик боши билан санчилик қўнди.

Тепаларидан ўтган шамолданок ўринларидан тура кетган пиёда овчилар турфа хил ёввойи чинкириклар ила какликларга отилишди.

Шотўра бирининг думидан ушлаган чоғ — куш бир неча патини қолдириб, ўзини орқага — қабарик харсангга урди. Қоровул бобо бурила солиб, қорда ётган калтагини олди-ю кушга сермади. Каклик типирчилаб, қоянинг орқасига ўтди. Чол унинг изидан ҳалпиллаб югурди.

Бу вақтда какликлардан бирини тутган директор ўринбосари «воҳ-воҳ» — деди-ю, ҳовучини очвордимми — жонивор учиб кетди. Муовин сўкиниб, қорни чангитиб кавлаётган муаллимнинг ёнига чўк тушди-да, уям қор ичига қўлларини суқиб-пайпаслаб жила бошлади.

Афт-башараси тегирмондан чиққандек бўлиб қолган Шоберди муаллим:

— Олдинга ўтинг! Олдини тўсинг! — дея боши билан куртикка шўнғиди-ю у ёқдан бир нима йилтиллагандай «парт» этган товуш эшитилди. Ва шунга баробар ваҳима ичра қанот қоққан какликнинг қорасигина кўриниб ғойиб бўлди, яъни, этакдаги туманга ютилиб кетди.

Шотўра тиз чўкканича қўлларини фотиҳага очгандай туриб қолди. Апил-тапил ўрнидан турган директор ўринбосари бирдан депсиниб:

— Кетди-и, — деди.

Шунда ботиқ қоя ортидан келган бўғиқ товуш му-сиқа муаллимини ҳам ўрнидан турғизди.

— Калтак! Калтакни олинглар! Бу сизларга товуқми... Сизларга ўтди!

Бу иккисига ҳам нафақат жон, балки ақл ҳам кирган қаби ҳар қайси ҳали ўтирган жойларида ётган таёқларини олиб, қоядан ошиб тушган какликка ташланишди.

Каклик у ёққа қочади-бу ёққа қочади қанотини судраб, унинг устига сермалган ва отилган калтаклар эса қорга санчилади, нарига учиб кетади.

Ниҳоят, учовлоннинг қуршовига тушган каклик ўз ўрнида гир-гир айлана бошлади-ю, энди овчилар калтакларигаям қарамай ўзларини таппа-таппа ташлай беришди қушнинг устига. Жонивор шунда ҳам жон ҳолатда қутилиб-қутилиб қолар экан, қоя биқинидан ҳансираб чиққан қария усталик қилди: чопонининг барларини очиб, уни ёпиб тушди. Ҳе, жонли жонзот! Каклик унинг бутлари орасидан ўрмалаб чиқди. Ана шунда директор ўринбосари калтаклардан бирини олиб жаҳл билан урганди, қушнинг бўйни синиб ётиб қолди.

Муסיқа муаллими бўлса қушни шартта қўтариб олди-да, бошини бураб тортди — бош узилмади. Кейин бирдан тиши билан кекирдагини узди ва, ниҳоят, калласини ажратиб отиб юборди. Чўлтоқ бўйиндан қон оқар, аммо ҳамон жони бор экан, оёғи типирчилар, соғ қаноти қорнига уриларди.

— Уф, — деди Шотўра қон ва пат ёпишган лабларини кафти билан артиб. — Чарчатди-е.

— Тезроқ терисини шилиш керак, менга беринг, — деди қария. — Ичидаги қониям оқсин, йўғасам уюшиб қолади. Мана, елкасигаям бир-икки урган эдим.

У турган ерида чўнқайиб, бошмалдоғининг қийшиқ тирноқлари билан қушнинг кетини икки ёнга йиртди-да, қолган бармоқларини терининг остига юборди. Кейин бир тортганди, қушнинг қип-қизил эти-жасади чиқди. Терисини бўйиндан чиқариб узиб ташлади ва қанотларини елка-елкасидан, оёқларини тиззадан кирс-қирс синдириб ҳамда бураб-узиб ташлагач, ўша бошмалдоғида қорнини ёрди — ичак-чавақни ҳам олиб ташлангандан кейин муштдек қизил гўштни қор билан ишқаб юва бошлади.

— Ҳе, йиртқич экансизлар-е, — деди Мансур бу манзарани қарахт ҳолда кузатиб тураркан, ёқасини ушлаб. — Қойил бўлдим сизларга.

Директор муовини унга қия қараб:

— Биз ҳарҳолда одам ўлдирмадик-ку? — деди. — Йиртқич дейсиз... — Сўнг ўз жойига ўтириб, кабобни ағдариб қўйди. — Ўйлаб гапириш керак.

— Ҳўв, менга қара, жиблажибон! — Мансур эсини йиғиб олиб, унга тикилди. — Сен ҳали ўйлаб гапирадиган бўлдингми? Ҳе, иззат қилса, ўзингдан кетасан-а?

Директор ўринбосари ҳайрат билан қошларини кериб, анавиларга қараб олди.

— Шотўра ака, нималар деяпти бу одам? Ҳей, — секин ўрнидан кўзгалди. — Ким-кимни иззат қилиб турибди шу тобда? Биз сизними, сиз бизними? — Кейин кўзлари йилтираб кулимсиради. — Сиз ахир одам ўлдирган туремшиқ-ку? Ҳўп, ака, беш-тўртта мол қилибсиз, баъзиларни айтиб, ис чиқарибсиз. Нима бўпти?... Бу билан сиз ўзгариб қолганингиз йўқ.

Мансур бошини эгиб турди-турди-да, бирдан интилиб, унинг ияги устига чунон урдик, муовин баайни сакраб тушиб, қояга суяниб қолди.



Мансур яна олға босганди, Шотўра уни кучиб ушлади.

— Хўв, хўв, эсингни йиғ, ука... Маст-паст эмасмисан? Йўқ, оғзингдан хиди келмаяпти.

Мансур энди Шотўрага тикилиб қолди-да, башарасига туфлаб юборди.

Шотўра бирдан тисланиб кетиб, қўлларини осилтирганча тек қолди. Сўнг чуқур хўрсинди-да:

— Ҳа, раҳмат, ука, — деди. Кейин бир чангал қор олиб, юзини ишқай бошлади.

Бир неча марта қон тупурган директор муовини:

— Кетамиз, бобой, — деди. — Йиғиштиринг буларни...

Мансур чайқалиб кетди, яъни, уни яна уриш, тўғрироғи, дабдала қилишдан, ўзини тийиб қолди-да, хириллаб:

— Хей, мундай тур, — деди. — Шотўра ака, сиз ҳам келинг. Бир минут ўтиринг... Хўв, бобой, сиз ҳам чўкинг. Тайсалламанг. Соқолингизни ушламанг. Шу соқолдан эчкидаям бор. Ўтиринглар деяпман. Бир минут гапимга кулоқ солмасанглар, ака, унда нима десанг дейверинглар мени... Хўпми? — У бир он ўйланиб, ҳали беихтиёр ташлаворган заранг таёғини қўлига олди. — Қани, марҳамат қилинглари!

Директор ўринбосари Шотўра муаллимга зимдан тикилиб турарди. Шотўра:

— Майли, — деди. — Чол, ўтиринг. Кабобни жойига қўйинг... Курра, сен ҳам ўтир.

Ҳар ким ўз жойига ўтирди. Мансур ҳам тошга чўқди-да, бошини эгиб қолди: у нима дейишни билмас, аммо гаплари кўп, жуда кўп эканини билар, бунинг устига, хўрлиги келар ва энди йиғламоқдан ўзини зўрға тутиб турарди.

— Ҳа, ука, бошла, — деди мусиқа муаллими.

— Ҳозир, — деди Мансур.

Чол томоқ қирди ва кабобни кафтида елпиган бўлди-да, ҳалиги какликнинг этини салмоқлаб:

— Семизгина экан, — деди. — Мен бари озиб-тўзиб қолган деб ўйлаган эдим. — Сўнг дам унга, дам бунга қаради. Ҳеч кимдан садо чикмагач, давом этди: — Тоғда дон қолмаган-да, бориям қор остида... Лекин бу семиз бўлгани учун анча ҳаракат қилди. Кучи бор экан-да, баччағар.

— Алжиманг! — деди директор муовини чолга ва ёнидан бир дона сигарет чиқариб, чалада тутатди. — Эшитамиз, Мансур ака... Лекин эсдан чиқарманг: бу муштумзўрлигингиз, ҳақоратларингиз бежиз кетмайди.

Мансур энди чўғни чангаллаб унга отадигандек пан-жаларини ёйиб, кўрга қўлини юборди-ю тортди. «Оғир бўл, фойдаси йўқ», деди ичида, аммо бармоқлари титраб, тил калимага келмаганда унинг ишини қилиб ўрганган қўли, о, ўзига эрк тиларди: зотан, қалби билан сезардики, бунга ҳаққи бор: ахир, у яна таҳқирланди, камситилди, йўқ айби — тухмат яна бўйнига тушди...

Ҳа, булар — одамлар, айниқса, мана бу «жиблажибон» — куруквойлар унутишмас экан.

Тағин унинг кўрқитишини кўринг... Ҳа-ҳа, шундан бошқа куроли йўқ.

Ажабо, шу гапларнинг ғирт бемаънилик эканини, анчайин кўрқоқликни такаббурлик билан яшириш ва шу тариқа ўзини оппоқ қилиб олиш эканини тушунар-а?

Тушунади-билади. Аммо бошқача йўл тута олмайди: ахир, муппта мушт билан жавоб бериш — бунинг ақлига сиғмаса керак. Бунинг учун киши эркак бўлиши лозим: бу эса оддий бир сўтак, куруквой.

Мана бу мусиқа муаллими эса — маккор. Ва буюм ўлгудек кўрқоқ.

Тавба, юзига тупурсанг-у, «раҳмат» деса... Бу билан ўзини маданиятли, вазмин, одобли киши қилиб кўрсатади-да? Бўлмаган гап: буюм ўзининг ночорлигини шу йўл билан хаспўшлади ва, афтидан, охиригача ўзини шу тариқа тутмоқчи...

Бу чол — галварс, аммо тулкилик ҳам қўлидан келади. Бунда иймон-эътикод деган нарсаларнинг уруғи ҳам йўқ. Бироқ ўрганган беш-ўн калимаси борки, уларни ҳам тирикчилик жўнида ишлатади ва лозим пайтда ўзига қалқон қилади...

Мансур эриниб тутаётган чалаларга жилмайиб тикилганча шу ўйларни дилидан ўтказаркан, директор муовини энди анча ғолибона овозда:

— Эшитамиз, ака, — деди ва кичкина чўпни бармоқлари учида ушлаб, кўрни кавлаган бўлди-ю, Шотўрага ҳам иш топилгандек, бирдан чалаларни бармоқлари билан бемалол туртиб-туртиб, бири-бирига қалади ва:

— Қани, оқсоқол, бир дам беринг, — деди.

Қоровул чол шуни кутиб тургандек шарт энгашиб пуфламоқчи бўлганди, муовин:

— Ҳай-ҳай, — деди. — Чангиб кетади-ку? Ҳе-е, тегманг, шуниси яхши. Кабоб сингиб пишади...

Хўш, Мансур ака, гапингиз бўлмаса, кечирасиз, бизни ҳоли қолдиришингиз ҳам мумкин. Рост айтяпман: биз сизни таклиф этмаганмиз. Ўз оёгингиз билан келдингиз. Биз сизни қабул қилдик.

— Бўлди. Бўлди қил, — деди Мансур. — Бўлмаса, гап мундай... Сизлар, сени раҳбарлигингда мен ҳақимда нимани ёзсанг, ёзинглар. Урди дейсизларми, сурди дейсизларми — бемалол. Ҳатто калтак билан солди десанг ҳам, мен бўйнимга оламан. Нимагаки, ҳали шундай ниятим ҳам йўқ эмас эди.

— Худо-я, тавба, — деб тўнининг ёқасини тутамлаб ушлади қоровул.

— Шундай... Сизни серкага ўхшатганимниям бўйнимга оламан. Ҳой, муаллим, башарангизга тупурганим ҳам бўйнимда. Ҳе, сизлар...

— Раҳмат. Бу — мардликдан нишона, — деб кўйди директор ўринбосари.

— Лекин сизлар ғирт номарднинг ишини қилганларингниям ёзасизлар.

— Нима-нима?

— Сен номардсан, — таъкидлади Мансур. — Илжайма... Оғзингни яна қонга тўлдираман. Ана шундай... Қулоқ сол, сўтак. Қулоқ беринглар. — Мансур бармоғи учида қорда ётган гўштни кўрсатди.

— Шу, шу жонивор оч қолиб, мажбур бўлганидан келган эди. Тўғрими? Тўғри...

— Мансуржон, кечирасиз-у, айтиб қўйишим керак, — деб гап қилди чол. — Оламда неки бор, барчаси инсон учун яратилган. Ҳадиси шарифда ҳам шундай дейилган.

— Ўлдир, ют, калтакла... Раҳм-шафқат сенга ёт. Сени йиртқич ҳайвондан фарқинг йўқ, дейилмаганми, отахон? Ҳе, соқолингиз тўкилсин! Сиз худогаям чап берасиз.

— Вой-вой, эшитяпсизларми?

— Эшитяпти... Булар ҳам сиз айтган худонинг бир бандалари. Алҳамдулилло, мен ҳам мусулмонман... — Мансур муовиннинг пиқ этиб кулганини сизди. Ва бирдан иккала қўлини ҳам теппасига кўтарди. — Хато қилдим. Бу ерда биттамыз ҳам комил мусулмон эмасмиз.

— «Миз» деб гапирмасанг ҳам бўлаверади, — деб кўйди мусиқа муаллими. — Ҳа-ха, укабой, нимагаки, одам ўлдириш билан, хўш, олло-таоло бандаларимнинг риски деб яратган бир паррандани ҳалол қилишнинг фарқи бор.

— Вў, сиз ҳам жуда-а уста бўп кетибсиз-ку, оға? — деб илжайди Мансур. — Ҳа, энди, устозингиз шу қария бўлганидан кейин...

— Бас-е! — деб юборди шунда Шотўра. — Бўларини айт. Муддаоинг нима?

— Ҳа, биз кутяпмиз, — деб уни маъқуллади директор ўринбосари.

Мансур яна ичида эзилиб кетди: ҳа, сал майдалашди. Булар эса сезгир.

Мансур қўлларини тиззасига тираб гапирмоққа шайланди-ю, тагин тек қолди: асосий гашш айтди, шекилли... Ҳа, булар, мана бу «курра»ям саволига жавоб бермади-ку? Йўқ-йўқ: талабини инобатга олмади.

— Хўш, нимага ҳайрон қолдинг, бу ёвузликни ҳам қўшиб ёз деганимга-да — Мансур фикри равшан тортиб ва тазйиқли жилмайиб, унга тикилди.

— Ёвузлик? — Муовин шерикларига ялт-ялт этиб қараб олди. — Қанақа ёвузлик?.. Э-ҳа, мана, бобой ҳам айтди-ку ҳадисни... Қолаверса, нима қипти овга чиққан бўлсак? Ана, туманда кўринмаяпти, ҳокимнинг ёрдамчиси ҳам бор!

— Йўғ-е? — Мансур чиндан ҳам ҳайратланиб-ажабланиб сўради. Ва чимирилиб, девордек оқликка тикилиб қолди. — Тавба, — деди кейин.

— Шунақа, укабой, — шеригининг сўзини ўзича давом этгирди мусиқа муаллими. — Бунинг ҳайрон қоладиган жойи йўқ. — У ҳатто елкасини қисиб қўйди. — Нима бўпти? Қор қалин тушипти. Бундай киш бўлмаган сира. Бўлган-у, ўтмишда... Хуллас, пиёда ов сезони кепти...

— Йўқ, энди, бу гапингиз тўғри, — деди Мансур қийналиб ва сўзламоққа сўз қидириб. — Лекин, лекин... какликлар камайиб қолган-ку? — Уларни бирдан чув тушургандек табассум қилди. — Жуда санокли қолган, биродарлар... — Сўнг чираниб тушунтира кетди: — Мен кўп юраман. Биласизлар. Тўқсон километр — у ёқ, тўқсон километр — бу ёқ. Орада жар ҳам бор. Тоғ ҳам, арчазор ҳам, текислик ҳам...

— Қишлоқлар ҳам.

— Балли! — давом этди Мансур: — Кўриб юрибманки, каклик озайиб қолган. Олдинлари кийиклар...

— Биламиз, биламиз, — деди муаллим ҳозиржавоблик билан. — Қоплонлар, айиқлар ҳам бор эди!

— Яшанг.

— Хўш, каклик озайипти деб танчага кириб ўтирайликми шундай кундаям? — У думалок ўзларини лўқ қилиб Мансурга қадалди. — Узинг айт. Инсоф билан... Бу ёқда одамлар овласин. Хўп де. Ҳаммаси шу атрофда! Бир ҳафтадан бери каклик қирғини кетяпти... Бундай ов ўн йилда бир бўлади.

— Шошманг-шошманг. Мени чалғитиб ташламанг, ака... Мен... Шунча одам... районнинг эгалари, яна, мана бундай мўйсафидлар ҳам овга чиққан бўлса, калтак кўтариб... Тўғрими гапим? Раҳмат. Бу ахир қирғин келтириш-ку? Йўқ, сиз мени тушунинг, ака!.. — Кейин хўрсиниб юборди. — Ҳамманг тушуниб турибсан. Талмовсирашнинг нима кераги бор.

— Нима, овламаслик керак дейсанми? — Муаллим яна кўзларини қадаб сўради.

— Ҳа. Йўқ... Овлаш кераг-у, лекин бундай... Вой, какликлар эртан-мертан йўқ бўлади-ку? Қирилиб битса! Тўғрими гапим? Шуни ўйлаш мумкинми-йўқми?

Директор ўринбосари тагин қошларини кериб:

— Умуман, бу гапингизда жон бор, — деди. — Каклик зоти қирилиб кетса, ўзимизга ёмон: табиатимиз камбағаллашиб қолади. Бу яхши эмас.

— Ёмон! Бу — фожиа! — деди Мансур. — Эй, худойим-е, буларнинг ҳаммаси зсли-хушли одамлар. Балоба ақли етади... Лекин билиб туриб, шунинг аксини қилишади.

— Нима, бизнинг бировлардан ортиқ жойимиз борми? — Қабарик қояга қараб сўзлади Шотўра муаллим. — Йўқ, эл нима бўлса, биз ҳам ўшамиз.

— Вой, элни қўйинг! — чийилламоқдан бери бўлиб деди Мансур. — Авом халқ энди... Лекин сизлар — ўкиган, муаллим, раҳбар кишисизлар-ку, а? Мана бу қария бўлса, ҳозир ҳам калимасини ўгириб ўтирипти.

— Кечирасиз, Мансур ака, бизни дапрос қияпсиз шекилли? — деди директор ўринбосари. — Йўқ, бу-нақа ҳуқуқни сизга ҳеч ким бергани йўқ, менимча.

— Э, «менимча»нингни... Шунинг учун ҳам ҳуқуқли бўлиш керакми?

— Шак-шубҳасиз, — деди мусиқа муаллими пинак бузмай. — Ҳа-ҳа, укажон, хўп де... Кўриб турибсан, эшитяпсан, айтяпмиз ҳамки, туман катталари ҳам атрофимизда юришипти. Овлашиб. Чопқиллашиб! Оти-шиб... Шунақа! Тавба дегинг келади! Анавилар сўроқ қилсам бир нави эди.

— Ҳа, ўғлим, — дея салмоқ билан бош ирғади чол.

— «Ўғлим» деманг мени. Ҳаммаларинг бузилган одамсизлар, — дея ўрнидан турди Мансур ва яна аста-ҳорғин ўтирди. — Э, худойим. Кабоб куяпти... — Кейин қорга ёпишиб ётган гўштни олиб, у ёқ-бу ёғига бокди. Кўнгли бузилиб: — Ҳалигина жон ҳолатда типирчилаб қочаётган эди, — деди.

— Ҳа, — томоғини қириб, кулмасдан деди муаллим. — Қани, эчкисоқол, бир тиловат қилиб юборасизми?

Мансур гангиб унга бокди, сўнг мийиғида тиржая бошлаган чолга бокди. Кейин муовинга — у нимадандир жирканган каби ортга тортилиб турарди.

— Мени мазах қияпсиз, а, Шотўра ака? — сўради Мансур овози титраб.

— Сени? Нима учун?

— Билмасам.

— Билмайсан, — деб таъкидлади Шотўра ва гангиб тепадаги оқликка бокди. — Тўғриси айтсам, мен ҳам билмайман... Билмайсизлар сизлар ҳам! — дея бирдан ҳамроҳларига бир-бир кўз тикди. — Курра, ё сенда бир мантикли гап борми? Йўқ бўлса керак... Бобойда ҳеч қачон бўлмаган.

Мансурнинг кўзлари сезиларли кувонч-ла йилти-раб, муаллим қараган кишига қарар экан, ниҳоят:

— Қизик, — деди.

— Ҳеч ҳам қизиғи йўқ, — таъкидлади муаллим. — Сениям кўлингдан келса, қирар эдинг.. Йўқ дема, ука. Ҳе, қиргансан сен ҳам! Жела билан овлаб, а? Қорнинг тўйган. Ҳафсаланг пир бўлган... Хўп дейвер.

— Йўқ ака, — деди Мансур ва ўйланиб қолди. — Ҳа, умуман, мениям кўнглим тусади-ю, ўйладим-да... Ана, гап қаерда! Биз, бизлар буни ҳимоя қилмасак, саклаб қолмасак, у томом бўлади... Ҳамма нарса ўзимизга боғлиқ.

— Тўғри айтасан, ўзимизга боғлиқ.

— Ахир шундай бўлса ҳам, сизлар...

— ...Ўйлаймиз, хўп дейвер. Битта менда калла бор деб ўйлама. Биздаям бор...

Директор ўринбосари бирдан хўрсиниб юборди.

— Овниям татитмадинглар... падарига лаънат! Баъзан нима иш қилаётганингни билмай қоласан... Кейин мана бундай акалардан мушт ейишинг ҳам мумкин экан.. Лекин, Мансур ака, мен сизнинг самимийлигингизга ишонмайман.

— Нима? Қанақа самимий... Ўлай агар, мен бори-ни, кўнглимдагини айтаётибман.

— Раҳмат, — деди мусиқа ўқитувчиси. — Қани, қария, савилни олинг... Кабоб пишибтими ўзи? Бўлади. Бу — парҳез гўшт. — Сўнг кулиб қўйди. — Буни қандай овлаганимизни кўрганингда, а, таёқлаб ўлдираркансан-да?

— Менга айтаяпсизми? — деди Мансур ва ўзиям илжайди. — Кўполлик қилган бўлсам, кечирим сўрайман... Худо ҳаққи. Бобой, кўнгилга олманг... Э, олсангиз ҳам ўзингиз биласиз. Кўп қилсангиз, бир қарғайсизда.

— Энди бас. Мунозара-гап тамом, — деди муал-лим. — Навбат ундан ҳам муҳимроқ нарсага келди...

— Майли, мен ҳам ичаман, — деб юборди директор ўринбосари. — Айтмоқчи, Мансур ака, сиз ичмас эмишсиз, а?

— Ҳе, бир пайтлар... — Сўнг сакраб турди, Мансур. — Опкелайми? Уйда қолгани бўлса керак.

— О, дуо қиламиз-ку! — деди муаллим. — Чопинг, укажон. Бўлса, бир коса қатиқми, чаккими — тешиб чикмас эди. Чопинг, ҳе, бўйидан!

Мансур қайтиб келганида, уларнинг кўзлари мастона йилтилар, ичдан бир бегона нур уриб чиққандек эди. Ҳаракатлариям тез. Мансурга илкис бурилиб қараб ва меъеридан ортиқ илжайиш билан кутиб олдилар.

— Бўйи пастидан қолган экан! — дея Мансур камарига ичидан қистириб келгани бир жуфт «Русская водка»ни чиқариб, чолнинг олдига қўйди. — Қурут бор экан... Сигир сутдан қолган-да. Ҳадемай бир-иккита совлиғим кўзилайди. Унда оғиз ичгали бемалол ташриф буюришларинг мумкин.

— Ҳе, тилингдан ўргилай! Ўтир, бойвачча укам, — деб курситопши кўрсатди муаллим. — Сахийсан... Кеча бизни уйингга айтмаганинггаям хафа бўлмаймиз. Ҳовлиқибгина қолиб эдинг... Қани, старик, буёқнинг насибасини узатинг.

— О, иўк. Мен ичмайман, бошим оғрийди, — деди Мансур. — Ўзларига ош бўлсин.

— Ич-май-ман эмиш. Ичмайдиган одамнинг ароқ опкелишини кўрдинглар-ку? Ашаддий алкашлар мана шу ерига тикиб юради бутилкани.

— Ҳе, бир замонлар ичганмиз, ака.

— Ҳа, сен кўп иш қилгансан... — Муаллим ароққа яримлатган пиёлани узатди. — Муни отгин-да, хўш, қандай қилиб, масалан, одам ўлдирганингни айтиб бер-чи.

— Оббо, — деди Мансур чиндан-да ғашланиб. — Яна ўша гап! Одам ўлдирган бўлсам, шу ерда ўтирармидим, ўртоқ педагог? Тушунасиз-ку ўзингиз.

— Тушунмайман. Мен ғалча бўп қолганман... Ол энди-е! — деб бақариб юборди у. — Сенга захар беряптими? Оби жамшид-ку бу? Узингни эски улфатинг... Ол! Таранг қилма... Ваабше-ку, сен билан гаплашмаслик керак эди. Тупурдинг, урдинг, сўқдинг... Битта киши энди...

— Йўк, — деди шунда директор ўринбосари. — Биз... Инсонни кечирини яхши. Ўтиринг, ака. Аммо киши ўз кадрини, яъни ўз ўрнини билиши керак.

Мансур ўтираркан:

— Мен биламан, — деди.

— Йўк, сизда аткланения бор, — деб уқтирди ўринбосар. — Сизга муҳит... қамокдаги муҳит таъсир қилган. Бўйингизга олинг. Бу — факт.

— Хўп, таъсир қилган бўлса, қилгандир, — рози бўлди Мансур. — Лекин мен у ерда жуда кўп мард йигитларни кўрдим... — Бошини эгиб қолди-да, ниҳоят, синикиб уларга боқди. — Мана, мени одамхўр дединглар. Йў-ўк, оғалар, мен ўшанда ҳатто чертмаган эдим. Ахир, Худо бўлса, шу гапимниям эшитиб турипти-ку! Ёлгон гап — гуноҳ... Хуллас, «группавой»га қўшилиб қолдим. Ке-ейин эшитдим — жилмайди у, — орамиздаги энг кўрқоқ, ожиз бола пичоқ тикиб юборган экан битта олифтага...

— Ким эди у — ўлган?

— Билмайман... Ресторанда ўтириб эдик, елкамизга қоқиб ўтаверди-да ўзиям. Камситяпти. Биляпмиз. Кейин, бир форишлик жўрамиз бор эди, шу бир алкашни чақирди. Ҳей бурчакда уйқусираб ўтирган экан. «Будиш пит?» деди. «Буду!» деди. «На» деб шишани узатди-да шарт қўйди: «Налей и падними тост. И скажи: «Даздраствует узбекский народ!» — Тингловчилар анграйиб туришаркан,

Мансур пиқ этиб кулгач, қария ишшайди, муаллим бошини қийшайтириб, «Бор экан-ку шундай йигитлар дегандай бўлди, директор ўринбосари чимирилганча қолаверди. — Хуллас, алкаш ўша гапни айтди. Ўрнидан туриб, бақириб айтди. Кейин ташқарига чиққанда уриш бўп қолди. Елкамизни силаб ўтирганнинг шериклари қасдлашган экан, ори келиб...Саволингизга жавоб шу... Лекин мен бу нарсани айтмоқчи эмас эдим.

— Хўш-хўш?

— Ака, мард одам мард бўлиб қолар экан-да... Қамокда бир чол бор эди. Мана бу кишидан қарирок, ҳе, соқоли оқариб қолган. Нимага тушганини айтмас эди. Бир куни ҳалиги-мард жўрабопшмиз билипти. Соқолинг тўкулгур ўзининг неварасини бузиб қўйган экан. Тўққиз яшар неварасини...

— Воҳ! — деб юборди Шотўра муаллим.

— Худо-ё, тавба қилдим, — деб яна ёқасини тутамлаб ушлади қоровул чол.

— Хўш, кейин... нима бўлди? Нима қилдинглар? — деб сўради директор муовини.

— Нима, бўларди, жўрабошимиз уриб ўлдириб, туалетга ташлаб юборди. — хотиржамгина деди Мансур. — Ана шу... — Бошини озод кўтарди. — Шу ишни — одам ўлдириш дейсизларми, қотиллик дейсизларми, менга барибир, лекин ҳукми маъқуллаганман. Айбим шу..

— Тушунарли, — деди муовин. — Умуман, ҳим, тўғри иш қилибсизлар.

— Ана шунинг учун ичайлик! — тагида озгина ароқ қолган шишани кўтарди муаллим. — Ол энди, қотил... Сендан кўрқулик! Хўв, қария, эшитдингизми?

— Худо-я, тавба қилдим. Ўзинг кечир...

— Ўзбек эди, — деди Мансур ва пиёлани шарт кўтарди-ю, бир қултум олгач, манглайи тиришиб, соқийга қайтарди. — Бўлди. Ўтмади. Раҳмат.

— Қурутдан шими. Ҳечқиси йўқ. Йўли очилди. Бу ёғига худо пошшо.

— Да-а, — деди ўринбосар Шотўра қуйиб узатган пиёлани олиб, — Хўш, энди ишлар қалай кетяпти, ишлар, Мансур ака? Бу уйингизга кабел тортиб келгандирсиз ?

Мансур кулди.

— Йўқ. Телефонни хушламайман. Кабелнинг ҳам ҳисоби бор... Кечирасизлар, мен сизлардан бир нарсани сўрасам.

— Бемалол! — Директор муовини пиёлани қури-тиб, чол таъзим ила тутган кабождан бир жаз олди. — Раҳмат, отахон. Мансур ака, эшитамиз.

— Шу-у, — Мансур ўйлантириб сўради: — Мана, яқин-яқингача, масалан, ёз ойларида овга чиққан овчининг милтиғини олишарди. Чунки, — табассум ила давом этди, — ёзда жониворлар тухум босган, тухумини очиб чиққан бўларди. Макиёнларнинг ҳам болалари ёш — отиш мумкин эмас... Хўш, мен яхши биламанки, битта айиқ отган одамга фалон минг сўм жарима бор... — деди Мансур дам унга-дам бунга мўлтираб. — Ахир, бемаврид қаклик отганга жарима бор эди-ку? Масалан..

— Мақсад нима, ука?

— Демокчимапки, мана... ана, милисалар ҳам, ҳокимликдан ҳам юришипти...

— Ҳа-а, тартиб-интизом эгаларининг ўзи қонунни бузяпти демокчимисан?

— Шундай дейиш ҳам мумкин, — маъқуллади Мансур. — Чунки қакликни отиш учун ҳам лимит бўлиши керак. Масалан, бешта-тўртта отиш учун...

— Марҳамат, — муаллим икки бармоғи орасидан учинчисини чиқарди. — Лимит-а... Лимит қолдими! Обло акбар! — дабдурустдан фотиҳа ўқиди. — Астағфурилло. Кечирасиз старик. Ичинг-да, ўзингиз ҳам. Нуқул ейсиз... Уялманг. Олинг. Худо ўзи кечиради. Озодлик замонидасиз. Мустақиллик! Олинг. Имомга айтаман аммо, олмасангиз...

— Хўп-хўп, лекин биз...

— Сизнинг гуноҳларингиз шунчалар кўпки, мана шу тумандай ўраб туради сизни. Жаннатнинг эшигини кўрсатмайди. Агар ўшандаям жиндак отиб олган бўлсангиз, мункар-накирния мана бу муштумзўрга ўхшаб раз-раз соласиз-да, ўртасидан ўтиб кетасиз. Қарабсизки, тўғри дўзахга тушиб, мана бу қакликдай кабоб бўляпсиз! — Муаллим маза қилиб кулиб юборди. — Сизни ҳеч ким емайди. Чандир бўп кетгансиз.

Директор ўринбосари ҳам букиллаб кулди-да, кейин жиддий тортиб:

— Шотўра ака, бу киши савол бердилар, — деди. — Менимча, серёзни савол.

— Ўзбекча гапир... Э, нимага ўқраясан? Ўзбекистон мустақил бўпти. Ўзбек тили Давлат тили бўпти-

ю, халиям ўрисча ишлатади. Айниқса, ичига юз грамм тушса...

— Бас қилинг! — деб юборди муовин. — Шу юз грамм сизнинг ичингизга тушса, мана шундай лақиллаб қоласиз. Гапни гапга қўшинг... Акамиз савол бердилар. Ҳим, бу киши молнинг кетидан юрган бир чўпондай гап...

— Тўғри, баъзи масалаларни тушунишда чўпондан ҳам баттарман, — деди Мансур ва чираниб портлади: — Бу бошбошдоқлик нега? Ҳамма тартибни бузса! Ҳамма бираконер бўлса. Ҳеч ким ўйламаса табиатни...

— Жуда тўғри гапларни айтяпсиз, — уни рағбатлангирди ўринбосар.

— Ҳатто сизлар ҳам...

— Бизга тегма. Бизлар — винтиклармиз, холос. Винтиklar. Ё хато қилдимми? Йўқ, бизлар кичкина одамлармиз.

Муовин Мансурга бурилиб ўтирди.

— Бу киши тамом бўлди. Ўзимиз гаплашамиз, ака... Хўш, мудлаонгиз нимади?

Мансур хўрсинди.

— Мен айтиб бўлдим.

— Йўқ, чаласи бордек.

— Сизлар мени қотил деяпсизлар... Ахир, энг катта қотил— сизлар ҳам-ку? Анавилар ҳам-ку?

— Ўх, қаттиқ кетдинг, ука. — Йўталиб олди мусика ўқитувчиси. — Яхши эмас. Бу, бу кўпга келган тўй.

— Нима?

— Кемага тушганнинг жони бир. Жони бирнинг — нони бир.

— Ҳаммамиз ҳам бир гўр демоқчимисиз?

— Албатта. Сен ҳам шу гўрлардан бири... Ўзингни оқлама. Ҳаракат қилма, укажон, фойдаси йўқ... Мен ҳозир сени, сенинг ашаддий... табиатнинг ашаддий душманларидан бири эканлигингни исботлаб бераман!

— Э, ҳовлиқманг, ака.

— Эй, биродарлар, бу девона нима деяпти ўзи? — Муаллим харсангда энгашиб ўтириб ва қўлларини сермаб-сермаб гапира кетди: — Уйингда каклигинг борми? Бор. Бўлгандаям — худонинг ғазаби! Вой, ундай макиённо тарих кўрмаган. Ўзи «пассе!» деса ётадиган хилидан-у, арчазорга борса, бабақ какликни қочиради. Яъни, сен билан уришаман деб туради Шундай сайрайди — шундай сайрайди, ўлай агар, етти чақирим наридаги муррук жўжаниям ўрнидан қўзғатади! Билмайман, у нар-модами, бир бало... Ана шу билан, — Шотўра иршайиб Мансурни кўрсатди, — овга чиқадилар акам. Енларида жела, камида ўтгиз-қирқта тузоғи бор... Энди, у ёғини тасаввур қилаверинглар. Улай агар, шу тоғнинг ўндан бир хисса каклигини шу йўқотди десам, лоф бўлмайди... — Сўнг қиҳ-қиҳлаб кулди. — Ўзинг айт, ёлғон де.

Синикиб-жилмайиб турган Мансур:

— Албатта ёлғон, — деди. — Ҳали айтдим-ку, йилида бир-икки марта... — Сўнг бақириб берди: — Эшитингда-е!

— Қулоғим сенда, укажон.

— Ўлай агар, қилични қиндан чиқарасиз... — У ўзини босиш учун жимиб, чукур-чукур нафас олди. Сўнг: — Каклигим шундай, — деди. — Яширмайман, айтганингиздай...

— Раҳмат, ука.

— Лекин тоғдаги какликларнинг мингдан бирини ҳам олганим йўқ.

— Балки мен ҳисобдан адашган бўлишим мумкин. Дейлик, милонта какликнинг юздан бири олинсаям...

— Шотўра ака! — қичқириб берди директор-ўринбосари. — Сал босиб ўтиринг, худо хайрингизни берсин...

— Рост, Тўражон, жиндек сабр қилинг, — деди қоровул чол ҳам.

— Э, мен ҳам бир мисол айтдим-да! — бақириб юборди Шотўражон. — Бу нукул бизни айблайди. Ўзи оппоқми? Бе-е!.. Ана, яланг қирда туради. Ҳар тонг юзлаб каклик энади тоғдан. Бунинг ҳовлисига қўнмайдими? Қўнади. Чунки каклик қаерда дон бўлишини билади. Билади.

— Шу бугун тонгда иккита каклик кўрдим, холос, — деб бўйнига олди Мансур.

— Тегмадинг-а? «Яшасин озодлик!» деб қўйиб юбординг? Шундайми? Балки дон сочгандирсан

олдига? А?.. Бо-ор шунақа вокеалар, бўляпти ҳам. Токқа бир тўрва ем опчикиб, бирон камарга сочади-да, пойлаб туради. Жонивор оч какликлар келиб кўнади. Чуғур-чуғур қилиб ея бошлаганда пақ этади. Қарабсизки, беш-ўнтаси думалаб, типирчилаб ётипти. Бо-ор, шундай қилиб овлаётган ипослар ҳам бо-ор.

Мансур ҳайрат-ла бошини сарак-сарак қилди. Қоровул чол эса дабдурустдан қарғади:

— Ундайларга боққан бало бор.

Мансур энди ҳайрат ва ич-тубида нурли бир се-винч билан уларга бир-бир қараб чикди. Кейин:

— Қизиқ, — деди. — Сизлар, умуман, қизиқ одамсизлар... — Сўнг ўйланиб, давом этди: — Мен ҳеч қачон бундай гапларни... Умуман, сизларни бир қарашда — шафқатсиз дейиш мумкин. Кейин, мана бу гапларингни эшитиб...

— Шунақа, — деди муаллим. — Бизлар ҳардам-хаёл бўп қолганмиз. Хей, қария, буниям сихга тортинг... Пичоқ қани? Бўлакланг. Жигидан ажратинг. Мана бунинг тузи пастроқ бўлган экан... Шунақа, мулла Мансур! Бу ердаги... бу ерда ўтирганларгина эмас, умуман, одамлар ҳалигидай бўп қолган.. Тўғрими? Кўп қарама менга... Ундан кўра, хулосангни айт. Ҳали бошлаб эдинг-ку, бир нималарни?

— Да, — деди директор ўринбосари. — Мансур ака, давом этинг... Бунинг устига, ўзимиз ҳам қизиқаётимиз.

— Калтароқ қил, — дашном берди муаллим. — Шу Мансур акангниям елкасидаги қовоқнинг оти — калла, бош. Балони тушунади буям.

— Сиз яна халақит берсангиз, — деди муовин, — мен ҳам ўзимнинг гапимни тушунтиролмай қоламан... Жим! Отахон, ғўнғилламай ишни қилинг. Бўлмасам, техникумнинг қоровуллигидан умидни узаверинг.

— Вой, мен бир нарса дедимми? Муни майдалаяп-ман, дуо ўқидим..

— Ичингизда ўқинг... Хўш, Мансур ака, мана, сиз ҳам, ҳарқалай, унча-мунча нарсани кўргансиз. — Сўнгра бирдан бошини ҳам қилиб қолди, кўзлари шўх чарақлаб, Мансурга термилиб қолди. — Ака, хулосадан олдин... Сизга бир савол берсам.

— Марҳамат, — деди Мансур.

— Айтинг-чи, қамокдан чиққандан кейин, яъни, озод бўлганингиздан кейин ўзингизни қандай ҳис қилгансиз?

Мансур бунинг жавоби анча муҳим эканини уқиб, илло, мусиқа муаллими ҳам ўзига диққат билан тикилиб турганини кўриб, ўйланиб қолди.

— Хўш, чиққанимдан кейин... шу, қўлимга пича пул, йўл харжини беришди... Шу, қаерга боришимни билмай қолдим. Ҳолбуки, мен билар эдим: институтга олишмайди. Ўқиш тамом бўлган. Учинчи курсдан кетган эдим-да... Кейин, мени бирон ишга олишлариям маҳол — буниям билар эдим. Сўнгра, ука, кўп таниш-билишларнинг мендан юз ўтирганларигаям ишонган эдим.

— Тушунарли.

— Шундай. Нимага десангиз, қамокқа қайта тушган бир-иккита йигитларнинг гапларини эшитган эдим. Э, улар жуда хафа эди...

— Улар аламзадалиқдан гуноҳ қилиб қайта тушишганми?

— Сабаби кўп... Аммо баъзилар борки, қамокқа ўрганиб қолишган. Менга ишонинг, уларни бугун озод қилинг, эртага албатта, қайтиб боришади.

Муовин муаллимга маъноли жилмайди.

— Сабаб?

— Энди, сабаби шу-да: кўли ўрганиб қрлган ўғирликка...

— Ҳа-а, сиз эса кўникиб кетдингиз-а озодликка?

— Э, ука-е! — Мансур майин-ёқимтой жилмайиб чайқалди. — Озодликка нима етсин... Унинг қадрига, масалан, сиз ҳам етмайсиз. Сиз ҳам, Шотўра ака. Бобой ҳам... Ахир, табиб — табиб эмас, бошидан кечирган табиб, дейдилар-ку.

— Бу мақолни биз ҳам биламиз, — деди Шотўра. — Лекин ҳе-еч қайтиб боринг келмадимми?

— Нималар деяпсиз!

— Да, сизнинг йўригангиз бошқа экан, — фикрини хулосалади директор ўринбосари. — Сиз, демак, ақл билан, тадбиркорлик билан иш тутгансиз. Қолаверса, турмага ўрганмагансиз... Кечирасиз, ўн йил ётдингиз. Наҳотки, сал бўлсаям ўрганмадингиз? Кечирасиз, бу синчковлигим учун.

— Йўқ, яхши савол, — тасдиқлади Мансур. — Ўрганиб қолганлар, яъни, уст-устига срок олиб қолаверадиганлар ҳам бор... Лекин мен кутар эдим. Айниқса, кейинги беш-олти ойнанинг ўтиши оғир бўлди. Сал нарсада тойиб кетиш мумкин-да... Уф-ф. Ҳим, кутубхонаси бор эди, китоб ўқирдим. Телевизор бор. Иш, иш...

— Тушунарли. — Муовин яна бир хулоса ясади: — Сиз, демак, нисбатан яхши муҳитда бўлгансиз.

— Э, эсламаслик керак... — Сўнг нигоҳи синикиб жилмайди. — Келганимдан кейин, тўрт ойдан сўнг бир хат олдим. Тухмат билан тушган домладан.

«Мансуржон, сен кетдинг, кўзда ёш қолди, Орқангдан отилган парча тош қолди».

— Яхши-я? — Мансурнинг кўзлари ғилқ ёшга тўлди. — Менга таъсир қилди. Ўзимиздаям шу одат бор-ку, бир кишининг уйга киришини, келишини истамасангиз, орқасидан тош отиб қоласиз.

— Бор, бор, — деб тасдиқлади қоровул чол. — Олди-ортингга қора тош, яғринингга ялпоқ тош. Бора-бора умбалок ош... — Чол ҳиринглаб кулди. — Ёмонга айтилади... Шу-шу, турмага қайтиб келма, деганлари-да?

— Дурустсиз-ку, — деди мусиқа ўқитувчиси. — Бекорга яшамаган кўринасиз.

Чол рағбатдан мамнун бўлиб:

— Авф этасизлар, бизлар оми одам, — деди. — Лекин рухсат берсаларинг, яна бир гапни айтсам... Ҳали қамокқа ўрганганлар ҳақида гапирганларингга эсимга тушиб кетди... Шу, ёшликда пахтани омоч кўшилган от билан култиватсия қилар эдик-да. У пайтлар тракторлар кам...

— Биламиз.

— Шу от жонивор ўрганиб қолган экан. Пайкалнинг бошига боради — бурилади. Бу ёққа келиб, яна бурилади. Шундай қилавериб, жувознинг отига ўхшаб қолган экан.

— Хўш-хўш?

— Кейин трактор келди... От тўғри йўлда юролмай қолди-да. Сал юради-ю, айланиб кетади. Баъзида бошқа томонга кетиб қолади. Бошқа отларга ўхшаб юролмайдиган бўп қолган эди. Шу билан ўлиб кетди.

Чол айтиб бўлиб, эшитувчиларга боқди. Ҳамманинг боши эгик, қаттиқ хаяжонда эдики, айниқса, Мансурнинг хаяжони шошқин ва ҳайратли, наздида, директор ўринбосарининг-у ўзининг-да халидан бери қизиқтирган саволига қариянинг жўнгина мисоли энг жўяли жавоб бўлгандай эди.

Директор муовини чуқур хўрсиниб олиб:

— Озодлик ҳақида ўйлаб қолдим, — деди. — Тўғрими, Шотўра ака?

— Канешна, тўғри, — деди Шотўра.

Мансур унга ялт этиб қаради.

— Нима-нима?.. Ҳа-ҳа, тушундим. — Сўнг мунгланиб қолди-да, бир муддатдан кейин ҳамсухбатларига ёрқин табассум билан боқди. Зўр иш бўлди-я!

— Озодликми? — гурс этказиб сўради директор муовини.

— Шундай... Ахир, Ўзбекистон мустақил бўлишидан олдин Русиянинг плугида эдимми?

— Албатта, — деди муаллим.

— Биз масаланинг моҳиятига етдик, — тагин бир хулоса ясади директор ўринбосари. — Отахон, сизга раҳмат. Ўринли мисол айтдингиз. Бошқа ўртоқлар ҳам, умуман, тўғри фикр юритишяпти... А, Шотўра ака?

— Ўзлари-чи? — Муаллим янги шишани очаркан, чолга «елпинг» маъносида кабобга ишора қилди. — Ҳе, курраси тушмагур, олифтасан-да, ука... Лекин саволларинг жўяли бўлди. Айрим фикр ва мулоҳазаларинг ҳам маъноли...

Мансур шоён мамнун жилмайиб бош ирғади-ю:

— Қизик, — деди. — Жуда қизик... Энди, шуни билар эканмиз, хей, билатуриб, бунинг аксини қиламиз-а?

— Балли. «Миз» деб гапирганинг учун энди раҳмат айтаман сенга.

Директор муовини алланечук керишди.

— Балки шуни ичмасмиз, — деди. — Кўплик қилади... Мансур акам ичмайдилар... — Шундай деб туйкус иягини сийпалади. Ва хўмрайди. — Старик ҳам таранг қияптилар. Техникумда ёрдамчи хўжалик бор. — Моллар мораётгандир...

— Эшитяпсизми, қария? — сўради муаллим. — Сафдан қолаверсангиз, қолган умрингизни



почтанинг бетон залида ўтказасиз. У ерда сигир ҳам йўқ, сут ҳам...

Мансур туйкус зерика бошлади. Булар яна ичишга мажбур қилишини, «йўқ» деса, балки ичишмаслигини тахминлади ва: «Қайтамга яхши», деди ичида.

Шунда қаердадир милтиқ отилди, одамларнинг шовқини эшитилди.

— Кечирасизлар, мен кетсам, — деди бирдан. — Уйда ишлар бор эди. Мол-ҳол дегандай... — Кейин ясама илжайди. — Ўзи, бир ҳафтадан бери уйда бўлмаган эдим.

— Борасиз, — деди мусиқа ўқитувчиси.

— Йўқ, ростини айтяпман.

— Курра, жавоб берамизми? Бу барибир ичида бизни сўкиб-сўкиб кетади.

— Ахир, аҳволни тушундилар-ку? — деди муовин жиддийлик билан.

— Бу йил тоғда каклик қолмайди.

— Қолмаса сеникини еймиз, — хотиржамгина деди муаллим. — Нар-мода каклигингни... Тўғрими? Семирибгина турипти. Ана шу билан тоғда қолган-қутган какликларниям сақлаб қоламиз. Унинг аврашидан...

Мансур хаёлан унинг жағига туширди: жағи қийшайиб, оғзи қонга тўлди.

Кейин хўрсиниб юборди-да:

— Умуман, мен ўша какликни шартта чиқариб, отиб ташлашим мумкин, — деди. — Ўлай агар-а... — Аммо ич-ичида бир жойи оғриб кетди: каклик ҳайрон қолиб ўладигандек бўлди-ю, бояги какликнинг нурсиз кўзлари кўринди.

— Отасан. Отишинг мумкин. Сени қўлингдан ке-лади, — деди муаллим. — Қани, пиёлани ол!

— Йўқ.

— О-ол. Кемага тушганмиз. Жонимиз ҳам бир, нонимиз ҳам... Гўримиз ҳам. Хўп де, романтик! Кулма... Ўн йил ётиб келганинг билан баъзи гапларинг ўн яшар болани эслатади.

— Бўлиши мумкин. — Мансур пиёлани олганини англамай қолди. Кейин англаб: — Лекин мен сизлардай бўлолмайман, — деди. — Вабше, бўлгим ҳам келмайди.

— Ҳай-ҳай!

— Чунки сизларда тил бошқа, дил бошқа... Сизлар ақлли, ҳамма нарсани тушунасизлар. Лекин...

— Уҳ, хом сут эмган бандамиз-да, оғажон. Дод! Қўшиқ айтгим кеп кетди!

— Эштамиз.

— Сен буни қурит. Мард бўл, устозларингдай... Чолни ўлдирганларингни ҳеч ким билмадимми?

— Билдирмадик-да... Лекин начайлик сезганини кейин эшитдик. Ё биздан кўрққан, ё ўзиям ёмон кўраркан уни...

— Ҳа, илоий жойи дўзахда бўлсин. Ол, иним. Соғлиғимиз учун! Қолган кунларимиз ҳам... э, йилларимиз ҳам мана шундай ўтсин! Хурсандчилик билан.

— Вей, ичолмайман.

— Сен мардсан — ичасан, — деди муаллим. — Танинг соғ, жигаринг касал эмас бизникига ўхшаб... Мана бу курранинг ҳам буйраги ишдан чиққан. Чолда қуруқ жасад бор... Ол, ука. Сипқор-е, дунё ўтди-ку.

— Биргалашиб табиатни қуритишимиз учун-а? — кулимсираб сўраган бўлди Мансур.

— Ҳа, энди, қисмат шу бўлса, нима қилардик... Ўлганимиздан кейин ҳу-у... Ў-ў, Оллоҳ шундай яратибдур! — хитоб қилди Шотўра. — Қўлимдан нима келади?

— Қўлингиздан... Уҳ, пративни одамсиз. — Мансур пиёладаги ароқни унинг башарасига сепиб юбориб, ўрнидан турди. — Сизда худоям йўқ, виждон ҳам... Садқайи одам кетинг! — Четланиб, таёғини олди. — Хайр, курра, саниям гапингда турумнинг йўқ. Мана бу маддохдан қолишмайсиз... — Чолга ҳам жирканиб тикилди-да, қўлини силтаб бурилди.

Шотўра муаллим пишнаб кўзларини пир-пиратар, енги билан кўз жияқларини артар ва бошқа қўли қорни тирнаб пайпаслар, афтидан, калтагини қидирар эди.

Мансур уч-тўрт кадам қўйибок туманга кириб кетди ва ёшовраб қолган кўзлари уни-бунни кўрар даражага етганда Шотўра муаллим таёғини ола солиб унинг орқасидан югурди. Муовин билан чолнинг хай-хайлашига жилла парво қилмади.

Муаллим Мансурга етиши замон елкасига калтак урди. Мансур бурилганди, калтак кўкрагига тушди ва у довдираб қолди. Сўнг орқасига чекинаркан:

— Жинни бўлдингизми? Ҳозир ёмон қиламан... — деди. Шунда чуқурга оёғи тушиб кетиб, ўтириб қолди-ю, сермаланган таёқни шаппа ушлади, ушлаб тортди. Ўқитувчи бу ёққа тортди. Мансур калтакни бўшатган бўлиб, зарб билан тортганди у энкайиб кетиб, яроғ қўлидан чиқди. Ва Мансурнинг биқинига бир тепди. Мансур яна эпчиллик қилди: унинг тўпиғидан ушлаб олди-ю, муаллим кети билан қорга тушди, ўтириб қолди ва бирдан бошини эгиб, хўнграй бошлади.

Мансур таёқни кўтарганча тек қолди-да, кейин уни четга отиб юборди.

— Жинни. Қутурдингизми?

Муаллим унга ёшли кўзларини чақчайтириб:

— Қутурдим! — дея чангалини очиб силжиган эди, Мансур унинг билакларига бир урди. У «вой-вой»лаб, қўлини укалаб қолди. — Қутурдим, — деди яна хириллаб. — Сен... Ҳе, кўзинг ўйилсин, бойқуш! Туремшик! Бой...

Мансур пиқиллаб кулди. Шунда буларга яқин ке-либ тўхтаган қоровул билан директор ўринбосари ўзаро йўталишиб ва нималарнидир пўнғиллашиб, Шотўранинг қошига келишди.

— Туринг ўрнингиздан, Тўрабой, — деб қоровул қўлини узатганди, Тўрабой итариб юборди.

— Бор, йўқол. Ҳе, соқол... — Сўнг директор ўринбосарига дўқ қилди: — Сен нимага ишшайсан?

— Тавба, қачон ишшайдим? Аксинча, сизни танитай турибман, Шотўра ака.

— Танитайсан... Ҳа, мени ҳеч ким танитайди. Билмайди. Ичимга қайсинг кириб чиқибсан?

Мансур ўйланиб:

— Албатта, мен ҳам билмайман, — деди. — Юринг, ўтни бошига борайлик. Шамоллаб қоласиз.

— Шамоллайин. Ўтиб кетсин... Ўлайин мен! Бутун умрим ёлғончиликда ўтган экан... — Кейин бақириб юборди. — Алданиб юрган эканман!

— Энди, ҳаммамиз ҳам алданганмиз, — деди директор муовини. — Ўрнингиздан туринг, ака. Жуда хунук...

— Ўлмапсиз сиздай хушрўй. — Шотўра инқиллаб ўрнидан турди. Мансурга ташланмоқчидек бир хезланди-ю, кескин қўл силтади. — Келинлар. Эшитинлар... — Тагин бақириб юборди. — Кейин мени тушунасизлар!

— Хўп-хўп, — деди муовин. Чол илдамлаб олдинга тушди. Мансур қидириниб таёқни топти-да, суяна-суяна жила бошлади. Қоя олдига етишганида, қария чалаларни қалаб ва чўккалаб, тагига пуфлар эди.

Ҳар ким ўз жойига ўтирди. Шотўра муаллим шишага тикилиб қолди-да, шарт олиб, орқасига отганди, шиша бир айланиб, таги билан қорга кириб қолди.

— Яхши эмас, бу пулга келган, — дея Мансур туриб бориб, ароқни олди.

— Тўғри айтасиз. Менга беринг шуни, — дея қўлини чўзди директор муовини ва Шотўрага тикилди. — Хўш, нима деганди ўша шогирдингиз?

— У мени ўлдирди. Мансур, эшит! — Муаллим тутаб, аланга олаётган чалаларга қараб турди-да, бошини чайқатиб, тагин пиқ-пиқ йиғлади. — Уруғлик картишка оламан деб анави... дўконга кирсам, мудир: «Домла, бу қиммат, тижорат баҳосида», деди. «Омборга киринг, ўзингизнинг ўқувчингиз — мудир. Арзонга беради. Танлаб оласиз», деди. Мен галварс омборга бордим. Карасам, ҳақиқатан ҳам ўзимнинг ўқувчим... Сўрашдим. Мақсадни айтдим. Шундай — «бир қоп картишка керак, — дедим. — Баҳор келяпти. Уч-тўрт сотих жойим бор, биласан. Шуни эксам, жиянларингга, кунимизга ярайди. Ким билади, баҳорда нарх-наво қандай бўп кетади», дедим. У нима дейди денг? «Дўкондан олинг, домла. Мен сизга картишка бермайман», дейди. «Нимага? — дедим. — Бу давлатнинг омбори бўлса, картишканг арзон...» дедим. «Йўқ, ҳаммага берсам ҳам сизга бермайман», деди. «Нимага?» «Чунки сиз менга нукул икки баҳо қўярдингиз. Ҳар куни, сендан одам чиқмайди, дер эдингиз. Мана, мен одам бўлдим. Сиз ким бўлдингиз?» Шундай деди. Бемалол. Пинак бузмай айтди.

— Ў, аблаҳ! Ким у ўзи? Кимнинг ўғли? — сўради Мансур.

— Э, нима фарқи бор.

— Да-да, баъзи ёшлар ҳам бузилди.

— Ким бузди?

— Ҳе, қирилиб кетсин ҳаммаси! Қуй анавиндан... Ичим ёниб кетяпти. — Сўнг Мансурга ўйчан хўмрайиб боқди. — Ана шунақа, бойвачча. Мен чидаб юрибман, ўлмасдан... Ҳолбуки, ўзимни ўлдиришим керак эди. У — менинг ўқувчим эди! Инсон... Худо-я тавба, бу кўргуликлар етти ухлаб

тушимгаям кирмаган эди... Вабше, мен кераксиз одамман! — деб туйқус бакириб қолди. — Уларга ўғрилиқни ўргатадиган кимса керак экан...

— Албатта. Ундайлар бор, — дея муовин пиёлани яримлатиб узатди. — Хафа бўлманг, бир кун келади ундай ёшлар ҳам...

Қоровул юлғун сихни олиб тутди.

— Ичинг, газак қилинг, Тўражон... Куйинманг.

— Алжиманг, — дея кабождан бир бўлак олди Шотўра. — У вақтларда душман аниқ эди, йўл ҳам аниқ эди... Ҳамма биларди буни.

— Ундай эмас, — деди директор муовини. — Биз бозор иқтисодига, яъни энг табиий ривожланиш йўлига тушдик. Тарих гувоҳлик беришича, инсоният жамияти пайдо бўлгандан буён — шу амалда бўлган.

— Сиз ўлгандан кейин болаларингиз қолади, — деб гап қўшди Мансур. — Балки улар яхши яшаб кетишар... Агар ақл, тадбир билан иш тутишса...

— Сенга ўхшаб, а?

— Нима, менинг йўлим ёмонми? Набарот... Ана, Олимбой жўрам айтганидай, энг табиий йўлдаман. Худо урсин-а... Ўз-ўзимдан шу йўлни тутдим.

— Кўй, сеники менга намуна бўла олмайди. Сен энди бир чиқиб қолдинг-да.

— Ихтиёрингиз, ака.

— Бўпти. Шу захри қотил, илойи, зиғирча бўлсаям шифо бўлсин. Илойи, ох, одамларга шу қадар ишонгим келади! Шунчаки яхшилик тилайман... Лекин бунинг бўлган-тургани, нима десам экан, жуда ожиз, худбин махлуқ экан-да, бу одамзод. Ука, бу гапим — ақлли гап.

— Аммо-лекин «инсон — ожиз» деганингизга мен ҳам қўшиламан, — деди муовин. — Бундан шундай хулоса чиқадики, демак, инсон ўзини ўзи тарбиялаши керак... Бу йўриғда дин ҳам унга қўл келади.

— Худо ҳаққи, тўғри гапиряпсиз, — деди Мансур жилмайиб. — Битта аристон бор эди. Эрта-ю кеч намоз ўқир, тиловат қилар эди. Ўша одам семириб, қип-қизил бўлиб қамокдан чиқиб кетди. Ҳеч нарса мана шу тирноқчаям таъсир этмади унга.

— Ҳе, исломиятда ҳикмат кўп, — деб мулоҳаза айтди қоровул бобо. — Гирт безорилар, такасалтанг, бекорчилар ҳам мачитга қатнаб, бир меҳнатсевар, одамшаванда бўлиб кетишди... Ўзим гувоҳман, йигитлар. Окшомлари амри маъруф бўлганда таъсирланиб кетиб, ўзим ҳам йиғлаб-йиғлаб оламан. Дунёнинг ҳақиқати бу ёқда экан-ку, дейман. Кеча ҳазрати имом машварат қилиб: «Худодан кўркмагандан кўркингиз», деб айтдилар. Биз буни кўп муҳокама қилдик. Хулоса шу бўлдики, жамиятдаги барча нуқсонлар, бузукчиликлар — бари...

— Худодан кўркмаслик орқасидан! — титраб деди Шотўра... — Ўзингиз кўркмасизми?

— Ў, албатта. Наузанбиллоҳи миназолиман...

— Раҳмат.

— Кабоб совуди.

— Бу бошқа гап. — Мусиқа муаллими пиёлани бўшатиб, чолга қайтарди. — Раҳмат. — Чол тагин куяр, муаллим каклик оёғини этдан тозалар экан: — Мен ачинмайманми шунга? — деди бирдан кўлидагини Мансурга кўрсатиб. — Жуда ачинаман-да, акаси бўйидан... Лекин ночорликдан десанг ҳам ҳақсан, анави болаҳўрларга аччикдан-аламдан шундай ёвузлик қилди, десанг ҳам сен ҳақсан... Аммо мен ҳам ачиндим. Ҳали калтак билан солганимда, ичимда бир нималар узилиб кетгандай бўлди. Унга сари алашим келиб, калласини узиб ташладим... Мансур унга тикилиб қолиб:

— Қизиқ, — деди-да, елкаси қимирлаб кулди. — Мени калтаклаётганда-чи, раҳмингиз келмадимми?

— Йўқ! — кескин деди муаллим. — Индамасанг, ука, онт ичаман, кечгача сени уришим, уриб ўлдиришим мумкин. Ишонасанми? Ҳали кўзимга бало-қазодай кўриндинг... Мен, умуман, сенда, сенинг айрим гапларингда — ўзимни кўрдим-да. Тушундингми? Ўзим ҳам шу фикрда эдим-да!

— Ўқувчиларгаям шундай сабоқ бергансиз-да? — сўров мақомида деди директор муовини.

— Албатта. Бошқа нима дер эдим? — У чайқалиб кулимсиради. — Ана, натижаси, эшитдинглар...

— Кимлигини айтинг, — сўради Мансур. — Мен бир кўрай. Панада ушлаб, ҳиқилдоғидан оламан. «Ўқитувчини ерга уришни ким ўргатди сенга?» дейман...

— Хай-хай! — деб кулди муовин. — Эсдан чиқма-син: устингиздан акт тузмаган бўлсак ҳам, қилган

қилиқларингиз эсимизда турибди. Масалан, ҳалиям менинг жағим оғрияпти...

Мансур елкасини учирди-ю, кимирлаб хиринглади.

— Мениям елкам оғрияпти.

Чол мастона кулди.

— Ажойиб одамсизлар-да... Қани, хўжайинжон, пиёлани оласизми? Ё бўлдимми?

— Нимаси бўлади? Олади! — Буюргандек деди Шотўра. — Ол, курра!

— Тўра ака, яна бир марта шу сўзни тилга олсангиз, туриб кетаман. Сиз билан ҳеч гаплашмайман.

— Гаплашасан. Гаплашмасанг, сирингни очаман. Районда бош кўтаролмай қоласан... Ич, ука! Э, ҳазил-е! Борингларга шукур! Сизлар бўлмаганда билмадим... — Кейин Мансурга юзланди. — Нимага мени урмадинг? Роса туширдим-ку? Худо урсин, нима қилаётганимни билмай қолдим.

— Ана шунинг учун, — Мансур ёнида ётган таёкни олиб унга берди, — марҳамат... — Кейин носқовоғини олиб, тиззасига урди. — Умуман, рашчёт бўлдик.

— Менимчаям, шундай, — тасдиқлади директор муовини.

— Баъзан сендан ҳам ақлли гаплар чиқиб қолади, а? — деди Шотўра Мансурга. — Турмада мулла бўлиб олгансан-да! Ҳақиқатан ҳам кўп гапларингда маъно бор.

— Қуллуқ, ака.

— Хўй, чиновник, олсанг-чи уни? Совуб кетди... Ўзи ичкиси келиб турибди-ю, ноз қилади... Менга кара, бу кетишда сендан раҳбар чикмайди. Сабабини айтайми? Марҳамат. Сен соддасан — бир. Фикр юритишинг кечаги одамники — бу икки. Тижоратни билмайсан, яъни, иқтисодий саводинг йўқ, қолаверса, порахўр эмассан, яъни, студентлардан бир нима ундиролмайсан. Ўқишга кираётгандаям, имтиҳон топшираётгандаям... — Шотўра киссасидан «Прима» сигаретини пачкаси билан олиб чўққа яқин қўйди. — Директоринг — гений...

— Мен одамнинг орқасидан гапирмайман, — деди муовин. — Бироқ «гений» сўзини асраб қўйиш керак... — Ўшангачаям яшаб турамиз, — давом этди директор муовини чайналиб. — Аммо идеология яратилиши керак. — Дин — милиён йилнинг маҳсули. Сосиализм идеологияси ҳам — эски эди: бой билан камбағал тенг бўлиши керак деган гап эди-да. Эртақларимиздаям бор-ку?.. Шунинг учун одамлар унга эргашди.

— Оҳ! — Шотўра чиндан ҳам ҳайрат ила тек қолди. — Шу гапинг кўп доно гап бўлди, ука. Ҳим, раҳма-ат... Шунинг учун ичсанг арзийди. Ичмасанг, менга бер... Э, мана, ёш бизнесмен гижинглаб турибди.

— Олаберинглар. Энди менга жавоб берасизлар, — деди Мансур. — Лекин суҳбатимизнинг охири яхши бўлди...

— Ҳм, ҳаммамиз ҳам бир очилдик, — деди Шотўра муаллим. — Сен келганинг туфайли. Каклигинг...

— Каклигимни емайман-у... — деб юборди Ман-сур. Аммо қандай йўқотишни билмас эди. Шунинг учун ночор хўрсиниб, эгилганда...

«Э, чиқариб қўйворсам-чи? — деган ўй келди кўнглига. Бироқ шу заҳоти рад этди: — Одамлар тутиб еб қўйишади. Қўлга тушади, узокқа учолмайди...»

Муסיқа муаллими ғамгин жилмайди.

— Йўқотма, ука. Билиб турибмиз ҳаммамиз, тоғда каклик бармоқ билан санарли қолди ҳисоб. Агар об-ҳаво ўзгармаса, қолган-қутганиям энасининг...

— Шундай сўзларни камроқ айтсангиз, — деб кўрни кавлади қоровул.

— Кечирасиз, ота, — деди Шотўра тезгина. — Бу тил бузилиб кетган... Ҳа, Мансуржон, — энди овози ҳам ўзгариб ва ғайритабиий самимият касб этиб, давом этди: — Ҳадемай баҳор келади. Сенинг совлиқларинг кўзилайди. Кунлар очилади, қушлар тухум босади. Аммо тоғларимизда какликлар овози...

— Эшитилсаям — кам, аҳян-аҳянда, холос. Бу би-линиб қолди. Бизга ўхшаган ёвузлар камми? Хў-ў...

Хуллас, айтмоқчиманки, макиёнинг ҳали керак бўлиб қолади.

— Раҳмат, ака, — деб унинг тиззасига кафтини қўйди Мансур. — Мен ниманидир тушундим.

— Қуллуқ.

— Энди ичаман, — деди директор ўринбосари ва пиёлани даст кўтарди.

— Худога шукур, — деди қария энди хўжайинга кабобни узатиб. — Шундай яхши гаплар яхши-да.

Ҳе-е, одам бир илик сўзнинг гадоси бўлиб қолипти.

Чол «плуг оти» ҳақида айтган пайтдагидек улфатлар яна ўйчан ва мулзам тортиб қолишди. Аммо шак-шубҳасиз, ҳар бирининг кўнгли тубида илиқ ҳислар, кадр-қимматними, меҳр-дилдорликними эслатадиган, балки бу ҳислар омуктасига яқин туйғулар бош кўтариб турардики, бу ҳол уларнинг чеҳрасига ҳам тепиб, нурли нигоҳлар ила бир-бирига кўз соларди.

Шундан кейин ҳам гурунг давом этди. Аммо энди ғиди-биди бўлмади: бир-бирининг ярим гапидан фикрини англари, булар ўртасида қандайдир тотувлик ҳамда маслақлари бир-бирига яқин одамларга хос вазмин бир аҳиллик пайдо бўлган эдики, биронтасининг оғзидан бу ҳолга раҳна солувчи бир сўз чиқса ҳам, бошқаси уни эшитмаганга олар ё ўша дамнинг ўзида уни бостириб юборарди.

Ҳа, бу давра қандайдир фикрлар даврасига айланган эдики, буни ҳар бири ҳам сезар ва беихтиёр кадрлар, унинг бузилиши, афтидан, даҳшатли туюларди.

Ана шу кайфият туфайлими ёки куннинг совуқлигиданми, иккинчи шиша ҳам бўшадики, кайфи деярли сезилмади.

Ниҳоят, қария:

— Бирлигимиз бузилмасин, меҳрли-оқибатли бўлайлик. Куруқ тухмат, бемаҳал ўлимдан асрасин. Юртимиз обод бўлиб, одамларга инсоф берсин! — деб фотиҳа ўқигандан кейин кўзғалишди.

Бу вақтда кун аллақерга кўтарилиб қолган, атрофдаги шовқин, милтиқ отишлар ҳам тинган, табиат сокин бир осойишталик оғушида эди.

— Ҳа, эса Мансурбой, келинни сўранг. Кеча кўп хизмат қилган, ота-онасига раҳмат. У етим қиз-а?.. Ҳа. Оғирликни кўтарган-да, оиланинг қадрига етади, — деб Мансурга қўл берди Шотўра муаллим.

— Раҳмат, ака, — деди Мансур чин кўнгилдан. Илло, хотини ҳақидаги илиқ гап унинг кўнглини яна-да кўтариб юборган эди. — Ўзингиз ҳам янгамизни сўранг.

Муовин Мансурнинг қўлини қаттиқ қисиб:

— Сизга омад ёр бўлсин! — деди. — Фейлингиз шахсан менга жуда ёқди. Биз бир-биримизни билмас эканмиз-да. Ҳим, афтидан, бунинг учун мана шундай шароитлар керак бўлар экан... Хўш, акабой, билиб кўйганингиз яхши, биз ҳам шайтонлик қилмай ўртаҳол яшаймиз. Чунки қаноат қиламиз, яхши кунлар келишига ишонамиз.

— Албатта келади, — деди Мансур. — Вапше, бу ўзимизга боғлиқ.

— Ҳа, Мансуржон, омон бўлинг, — дея қўш қўллаб унинг бармоқларини тутди қоровул чол. — Неварани ўпиб кўйинг... Бобосига кетипти. Раҳматли падарингиз подачиликдан бошқа нарсани билмас эди. Эсимда «Ошало-ол!» деб келганлари...

— «Ошалол» эмас, «оши ҳалол!» — деб тузатди мусиқа муаллими. — Ёлингиз оқариб кетипти-ю, шу сўзниям тўғри айтолмайсиз.

— Биз энди эски одам.

Булар бари ёшлиқдан тоғи-тошнинг ушоғини санаб, арчазорларда ётиб — гулханларда пиширик қилиб-еб ўсган одамлар эдики, бу ер яланглик, ўт кетса ёнадиган бир туп мойли гиёҳ бўлмаса-да, беихтиёр гулхан чалаларини тепкилаб ўчиришди. Кулга оёқлари билан қорни суриб босишди.

Шундай қилиб, ажрашдилар.

Мансурнинг димоғи чоғ эди. Аммо ярим йўлда: «Бошим оғриб қолмасин тагин» деб, бармоғи билан томоғини қитиқлаб, қайт қилди. Юзини қор билан ишқаб, қип-қизил бўлиб, ҳовли энгаридан кирди-ю, оғил оғзида тўкилган сомонни титкилаб, қақолаб юрган товукларига кўзи тушиши замон тонги какликларни эслади. Кейин Қорақошни кўргиси келди ва мана шу ҳовли-ю, мол-ҳол ташвиши ҳамда каклик билан боғлиқ ўйлар омукталигида ишга тушиб кетди.

Куракни олиб, супа пастларидаги қорни куради, энгараккача йўл очди. Кейин ҳаво илиётгани ва туман тобора сийраклашаётгани учун дарров нарвонни томга қўйиб, чиқди. Эскичасига — тупроқ тўшаб, сомонли-тузли лой билан сувалган томни орқа томонига қорини кураб ташлаб, хотини пастдан отгани супурги ила супуриб ташлагач, қор куртугига сакраб тушди. Унинг кайфияти яна-да кўтарилган, юз-кўзидан ҳовур таралар, ўзи иссиқлаб кетган эди.

Печка биқинида омонат ўтирганича иссиқ чой хўплар экан, ўзига ўйчан-ўйчан қараб қўйиб, карсонда хамир муштлаётган хотинига:

— Ҳа? — деди. — Жиндак ичган эдим, сездингми?

Хотин кулимсиради.

— Шунинг учун хўроздай қизариб келган экансиз-да? Кимлар учрай қолди?

— Э, сўрама! — Мансур жилмайиб, ёнига ўрмалаб келган ўғлини тиззасига олди. — Анави муаллим бор-ку? Э, кеча шу ерда бўлишмаган. Сен уларни билмайсан... Аммо-лекин, кампир, каклик қирилди-да! Хў, сен ҳам рост айтган экансан, одамлар жуда-а бошқача... Қаламқош у хонадами?

— Ҳа..

— Ҳе, Полвон ўғлим.. Одамларнинг ёвузлигини сиз кўрманг. Хафа бўласиз. Насиб бўлса, кўрмайсиз ҳам!.. Кампир, шу одамзот ҳам шу кўй-эчкиларга ўхшаш зот бўлар эканми, деб қолдим. Буларнинг ҳам қорни очса, маъраб оламини бузади. Ит оч қолса, уйга кириб келиши мумкин. Рост, ўғирликни ўрганади. Ҳатто баъзан овчи тозилар эгаси ўқ отиб, ўлжани топишавермаса, эгасига ташланар экан... Ҳа, ишонмайсанми?

— Нимага, ишонаман. Лекин одамни хайвонга ўхшатманг.

— Ҳа-а, маладес... Эшитдингми, энангни гапини? Бу — инсон! Бунинг гапийам, қалбиям бошқача.

— Ҳа, кимлар эди улар?

— Э-э! — Мансур хаёлланиб, давом этди: — Умуман, шу одамнинг ёмони бўлмайди, деб қолдим. Катлавандан бир қирғийнинг жўжасини опкелишган эди турмага. Жўрабоши уни тарбия қила бошлади. Қуш катта бўлди. Паханга ўрганиб қолди. Ҳуштак чалса, келиб елкасига кўнади. Бир куни бир кавказлик йигит қирғийни қошиқ билан урипти. Нонини чўқилаган экан. Қурғур, қаноти чўрт синипти. Пахан келиб қолди. Ҳалиги йигит туриб қочди. Пахан ўшани қувиб, қўлини синдирди.

— Вой, бечора.

— Кўй, унга ачинма. Я горячий кров деб менгаям кўп тегажўғлик қиларди. Овқатнинг гўштини опқўярди. Бир куни «я тоже горячи кров» деб шундай мискадаги иссиқ овқатни юзига... ёптим. — Мансур маза қилиб кулди. — Чийиллаб қолди. — Сўнг яна ўғлига мурожаат этди: — Катта бўлсанг, ўзингни ҳимоя қилишинг керак, Полвон. Бўлмасам...

— Шунга бир курра олиб беринг, — деди хотини. — Эшакни кўрди, минаман деб талпинади.

— О, зўр таклиф! Ўзим ҳам ёшлигимда эшак минишни яхши кўрардим. Янтоққа борганда. Эй, кампир, кўйларни бир жадратиб-айлантириб келайми?

— Соз бўларди, — деди хотини. — Бўтоз совлиқларнинг бири ёталок бўп қолган. Унда боласи шамоллайди, ўпкаси шамоллайди. Ўзи-ку, молни сира ётқизмаслик керак.

Мансур ўғлини пўстакка тупшриб:

— Биз ишга! — деб ўрнидан турди. Ва хотини узаётган зувалаларга тикилиб қолди. — Ҳей, уч-тўртта патир қил. Ёғ қўшиб. Гап бор. Ҳим, гўштдан қолдими?

— Серканинг бир сони бор.

— Яхши.

Салдан кейин Мансур уйи ортидаги ўркач туташган қирлар оша каттагина тўп бўлиб қолган кўй-эчкиларини ҳайдаб, қор кечиб борар, жониворлар қордан чиқиб турган янтоқ ва жангшоҳ бутуқларини кемирар, тоғдан эса бошлаган совуққина шамол уларнинг ўсиқ жунларини ётқизар, айримлари пишқирар, дик-дик сакраб кетарди.

Қирнинг у тарафида қор юпқа — кечаги шамол ялаб-учириб кетган, бултурги ўт-ўланларнинг қолдиқлари шундай очилиб қолган зканки, моллар жуда яйраб-ёйилиб кетишди.

Мансур битта нос отиб олиб, таёғига кўлтиғи ила суянганча теварак-атрофни кўй-эчкиларни кўздан кечираркан, бултур чамаси шу маҳаллар эдимикан, шу ердан бир-иккита каклик учиб кетганини хотирлади.

Жониворлар қор кетган жойларга кўнишади-да, ундай ерларда гиёҳларнинг уруғлари тўкилган бўлади, тагин улар ейдиган алланимабалолар бор.

«Қаёққа? — деди мунгганиб, гўё ўша манзарани боя кўргандек. — Одамлар ўлдиришди ёки зада бўлиб, жанубларга эниб кетишди...» .

Сўнг турган ерида жануб томонга — яъни, қишлоқ ёйилиб ётган этакка боқиб, туман тарқаб бўлганига ишонч ҳосил қилди ва жануб уфкининг ўта оқ экани, куёш эса тиккадан энаётгани — унинг нурсиз гардиши алоҳида ажралиб-оқариб турганини кўриб: «Ҳа, баҳор яқин», деди. Ҳаққатан ҳам хашпаш дегунча қорлар эриб кетиб, ёмғирли кунлар келди: шар-шур этиб тарновдан сув тукилади, кўклам шамоли тунлари том устида изғиб юриб, тагин карнай тутунини ичкарига қайтаради.

Кейин эса ер-у кўкни ларзага солиб ва ўз қудрати ила кўнгилларда сирли ҳаяжонлар уйғотиб

момогулдираклар гулдираётир: гўё осмони фалакнинг қандайдир боскичларида афсонавий ағдарма мошиналар тош тўкишмоқдаки, у тошлар, қаёқ нишоб бўлса, ўша ёққа думалаб кетишмоқда.

Сўнг эса чакмоқларнинг ўткир ханжар-ла тилгандек оқиш чизиклари кўкка сингиб йўқола бошлади. Ва кун ўтли оқ гулхан ўз йўлида муаллақ тўхтаб қолгандек порламоққа тушди. Унинг атрофидаги мовийликда қора-кадрдон нуқталар, қай-бир шоир айтганидек, самовий куш — турналар кўринди.

Ерда — адирларда яшиллик униб чиқаётир: майсалар, шувоклар, кўзигуллар...

Хур-хур шабада... Шабада қияликдаги чарсиллаб тутаётган гулханни эгади, ер бағирлатиб тагидаги алангани ловуллатади. Атроф ўткир ва соғинган қалбни йиғлатар даражада хушбўй хидларга тўлиб кетади.

Гулхандан чапрокда — нишобда қийшайиб ўсган ва ҳали куриб қолгандек сарғиш бутокларидан куртакчалар ниш отмаган бўритикан остидан қорин жунлари осилган ва ҳўл қора совлиқ ўрнидан туришга интилаётган мўъжаз кўзичокни яламоқда; шундай шошиб ялайдики, кўзлари тўймаётганидан каттариб кетгандай, тагин қисқа-қалтироқ овоз чиқариб — маъраб ҳам кўяди. Бериоқда-тепароқда кўйнинг эшини, яъни кўзичокни ўраб тушган пардани кўлида осилтириб турган Мансур уй томондан — сўкмоқдан гушш кийган Полвонни етаклаб, бошқа кўлидаги кичкина челақни олдинроқда тутиб келаётган қизил кўйлак хотинига:

— Тезроқ-е! Манову кузғунни кўрмайсанми! — дея чираниб бакиради.

Чиндан ҳам, тепада бир жуфт қарға айланмоқда ва бетон ховузнинг қирғоғига кўниб турган зағизгон жон ҳолатда чағиллаб, гўё у ҳам келинга: «Жонинг борми? Чоп!» дегандай бўларди.

Ниҳоят, келин ўғлини кўйворди-да, челақни бу кўлига олиб илдамлади.

Буни кўриб, тавба, Мансур уларга пешвоз югурди.

Хотинига етдим деганда, йўлдошни ташлаб:

— Юв, — дея ўтди ва боласини кўтариб, кўксига олди. — Айланиб кетай... Ана, кўйлари туғди. Ҳозир қағанок пиширамиз. Ана, кузғунларни кўринг. А-на! Учаяпти! Еймиз дейди. Кўзичоғингни еймиз, дейди. Булар — жуда аблах. Кўзини ўяди, билдингми? Тўғри келса, отиш керак буларни.

Хотини шиллиқ пардани чимдиб кўтарганча совлиқнинг бошига борди ва ўша ерда чўнқайиб, кўзичокқа жилмайиб-жилмайиб қараганча ва нималар дея эркалаган ҳолда, йўлдошни юваркан:

— Отасига кетипти. Калласини қаранг, — деди. — Яхши кўчқор бўлади.

— Бўлади-и. Бизга кўчқор ҳам бўлаверади, — дея ўғлини тушириб, Мансур ҳам кўзичок қошида чўнқайди. — Ҳе, жонивор. Яла, яла... Кампир, ажойиб-а, яламаса бўлмайди... Биласанми, товушқон ҳам боласини ялаб, анавиндай қитиклаб ични кеткизмаса, ичи қотиб қоларкан.

— Ҳаммаси шу, — деди Ипак ва кулимсиради. — Нимага уйда очилган какликлар ўлади?

— Ҳа-е, ўлади, кампир. Муштдай бўлади-ю, ўлади, — хайрон бўлди Мансур.

— Сиз билмайсиз, — деди хотини. — Менинг эшитганим бор. Ёввойи какликлар тоғда қандайдир тош ер экан. Балки гиёҳдир. Ишқилиб, бир нарса ер эканки, у ичини суриб турар экан.

— О-о, буни қара-я!

Мансур совлиқнинг бошини ушлаб турар, хотини унинг ортига ўтиб, хайвоннинг орқа оёқларини кериб кўйганча, пақирга соғар экан:

— Ҳой, чол, қағанок қилгандан кўра, шу оғизсутдан ҳалиги жўраларингизни уйига бир-бир пиёла юборсак-чи? — деди. — Болаларининг оғзи тегади.

Мансур бир дам анграйиб қолди-да:

— Эй, тўғри айтасан, — деди. — Ҳа. Шу нарсанинг мени хаёлимга келмаганини қара... Ўзи, минг йилдан бери оғизни татиб кўришмагандир.

— Бир-бир коса сут ҳам бераман, — давом этди келин. — Қуруқ оғиздан нима қиларди улар? Сигирни сутига кўшиб қайнатса, гелагай бўлади.

— Ҳа! — деб юборди Мансур яна ховлиқиб. — Жуда маъқул ўйладинг-да. — Шу пайт ёнида кўзичокнинг бўйнидан кучиб ўтирган Полвон инграб қол-ди: кўзичок йиқилиб, оёқларини типирчилатар эди. Буни кўриб, совлиқ ҳам интилди. Ва Мансур кўзини тагидан кўтариб, турғизди. — Бў-ўлди. Мана, болангиз. Яланг... Сутда ҳақи бор деяпсизми? Биламиз. Лекин бизниям ҳақимиз бор. Сизни бекорга боқиб, парвариш қилмаяпмиз. Сўйсак, аллақачон ҳазм бўлиб кетар эдингиз... Полвон, тур! Ер зах, зах, билдингми? Ана шундай... Сен ҳам кўзичокдан қолишмайсан. — Мансур завқланиб қулди. — Иккисиям энди той-той бўлаяпти-да.

— Хе, кўзичок ҳадемай дикиллаб кетади... Шу ҳайвонлар жуда мослашган-да яшашга. Кўзининг ҳам оёғи чиқмай ётаверса, нима бўларди.

— Рост. Табиат доно, доно... — Кейин кулимсиради Мансур. — Муовиннинг хотини жуда уятчан экан, кампир. Хув, патир ёпиб берган эдинг-ку?.. Шундай-шундай, опангиз йўқладилар. Томоқларидан ўтмай шуни юбордилар, десам, турган ерида айланиб қолди. — У хахолаб кулди. — Кейин бечора йиғлагудек бўлиб олди: «Биз бўлкага ўрганиб қолганмиз, ака», деди... Э, қойил эмасман шу йигитга. Ўзи замдиректор. Културни киши. Ўзбек. Тандири йўқ экан-а! Шуюм оила бўлди-ю!

— Нон ёпишни билмасдир-да.

— Билар экан! Курранинг ўзи айтди. Кейин... Учрашганимизда. Бу қанақаси, дедим. Ана, тегирмонлар ишлай бошлади. Дон топилади, дедим... Ўзлари ялқов бўлиб қолишган. Дангаса... Вабше, одам ўзига ишониши керак.

— Боласини эмизинг. Ийсин... Вуй, кўз тегмасин, қаранг, қандай куюк.

— Жиндак қағанок ҳам қиламиз. Мана, Полвон кўриши керак, ейиши керак.

— Майли. Мошина сигнал бераяпти... Рабочилар келишди. Бу гал неча кунга кетасиз?

— Билмадим, кампиржон. — Мансур кўзичокни онаси тагига киритиб, оғзини эмчакка тутди. Ва у ютоқиб сўра бошлагач, ўрнидан тураркан, бир йўла Полвонни кўтариб олди. Уй тарафга қараганча: — Тез қайтишга ҳаракат қиламиз, — деди. — Сел келгандир, баъзи жойларни олгандир. Кабелга зиён етган бўлса, оворагарчилик-да, кампир.

— Ҳалигининг хотини кечга қолмай келсин.

— Келади. Ўзи ўша қайнонадан безор... Фарзанд кўрса-ку, ўралашиб коларди.

— Милтикни ўқлаб кетинг.

— Албатта. Лекин халастойдан жойлайман. Дориси бор, ўқи йўқ. Одамни кўрқитса, бўлди-да... Қара, — ёнбағирда шиддат-ла ўтлаётган кўй-эчкиларга юзланди, — оғзи кўкка тегди жониворларнинг. Энди муттасил кўк едириш керак. Сомон берсанг, ичи кетади...

— Менга айтаяпсизми шу гапларни?

— Хе-хе-хе. Ўзимга-ўзимча... Гапиргим келяпти-да, кампир. Эй, эшит, Хойинбека сайрапти! Айвонда эди...

— Мошинангизни таниган-да.

— Вей, вей. Тўғри айтасан! Ўзиникидай билиб қолган!

— Қайси куни айвонда журиб эди, мошина келиши билан кузовга чиқиб олди.

— Хе-е, ярамас. Тоққа борамиз дегани-да бу?

Мансур ёнбағирда сўшпайиб-сўшпайиб турган олма ниҳолларини четлаб ва симтўр деворни кўздан ўтказганича илдамлаб бораркан, бир елкаси тушиб кетган, тақамўйлов, малла киши қийшайиб чиқиб келарди.

— Ассалом алайкум! — деб кўришди Мансур у билан. — Қалай?

— Шу, келдик, — деди у. — Келинингиз ҳам келди.

— Вой, сиз авлиё-ку, оға!

— Энди, шу-да.

Айвон пастида оғирлигини дам у-дам бу оёғига со-либ, солланиб турганча папирос чекаётган шофёр Абулқосим қоматини тиклаб:

— Келинг, шеф, — деди ва бармоқлари чангадек кўлини узатди. Мансур билан ҳам қўш қўллаб кўришиб, жинси шими-ю курткасига завқланиб боқиб:

— Зўр-зўр, — деди.

— Кеча мишиғи оқиб юрганлар кийганда, биз кийсак, нима кипти. — Кулиб кўйди у. — Тижоратчиман, дейди. Ишбилармон... Мана, иш билади! Давлатнинг магазинидан олиб, ўзининг дўконида ўн бараварига пуллайди, ароқниям...

— Ҳай-ҳай, ҳозир шундай замонки, азизим, кўп одамлар жувоздан чиққан отдай айланиб қолишган, — деди Мансур. — Тушундингми гапимни?

— Э, ўтган сафар ҳам айтгансиз... Мине от этово не легчи! Ярамаслар.

— Йўлга шаймисан?

— Канешна.

— Бу, фасон бўлиб олибсан?



— Жўртгага кийдим... Қани, устимдан ечиб олсин-чи... Кеча ресторанда биттасидан тортиб олдим. Четга чақириб: «Ечин, давай, — дедим. — Ҳозир тиқиб оламан. Кейин бизнесинг ҳам қолади, дўконинг ҳам. Сен товламачисан, шуни бўйништа ол», дедим. Нима дер эди?

— Эҳ, — Мансур бош чайқади, — яхпга эмас... — Сўнг ўйланиб, бирдан қўл силтади. — Вобше, тўғри қипсан. Тов-ла-ма-чи деганинг рост... Уларга бари-бир — халқ қандай яшайди, майишати тушиб кетаётганим...

— Улар паразит! — хитоб қилди Абулқосим.

— Энди шайтонга ҳай бер, укажон. Яна шу ишни қилсанг, ўзинг энг буюк товламачига айланасан. Ундан кейин: «Эсиз Абулқосим!» деб фотиҳа ўқишга тўғри келади.

— Бандалигини бажо келтирди, деб, а?

Учовлон чағ-чағлаб кулишди.

Шунда меҳмонхонадан чиққан қотма, думалоқ кўзларида кичик яширин, кўнғироқ соч толалари кулча юзини баайни ўраб олган келинчак:

— Салом алайкум, Мансур ака, — деди.

Зинага қадам босган Мансур унга ялт этиб қараб:

— А-а, синглим. Хуш келсиз, — деди. — Анави адирда опангиз қўй соғаяпти, боринг... Ит тегмайди. Биласиз-ку?

— Раҳмат. Хўжайин, хўш-да бўлмасам?

— Ҳа. Шу, — деди такамўйлов хўжайин.

— Айтмоқчи, Мансур ака, — дея уни тўхтатди Абулқосим. Ва жувон уй орқасига ўтгач, давом этди: — Ўтбосар ака айтдики, қўйларингизни Қизилжар томонга ҳайдамас экансиз. Ўша жойларни арча-парчаси билан сотиб опти. Фермер... Дам олиш уйи қиламан, дейдими-е. Гиёҳлар, кушлар ҳақидаям бир нималарни гапирди. Унча тушунмадим-у, лекин у йигит қилади.

— Вой, ўшанча жойни сотиб оптими? — ҳайрат билан сўради Мансур.

— Ҳа. Кимнинг пули бўлса, ким ҳақиқий ишбилармон бўлса, олади. Ўтбосар ака хув бекатдаги чойхонани сотиб олганини биларсиз?

— Эшитувдим. Аммо шу-унча жойни... Неча гектар ер у! Вой бў-ўй! Демак, ўша жойларнинг эгаси — Ўтбосар-да, а? Энди уникида?

— Уники. Шунинг учун, катташта айт, молини бош-қа ердан ўтлатсин, деди-да.

— О, ҳозирданоқ... Пухта экан. Мен туриб-туриб, шу жойимни тортиб олмасмикан, деб ўйлаб қолардим. Тарихда шундай ишлар бўлган-да.

— У тарих ўлди. — Шофёр папирос қолдиғини ташлаб, товонида эзди. — Ерингиздан кўнглингиз тўқ бўлсин. Кимнинг калласига келган эди — шу ерга чиқиб, том-тош солиш, яшаш, а, Филжайган дўстим? — ишчига қараб олди. — Кейин, сиз бу ерга эгалик қилганда бу гаплар йўқ эди.

— Бўпти. Жўнаймиз! Эҳ! — Мансур зинадан қайтиб тушди. — Бир илтимос бор...

Бу илтимоси бажарилиб, йўлга чиққанларидан кейин ҳам Мансур илтимослар қилди:

— Почтага ҳайда, Қосимжон.

Почта олдидаги атиргуллар тагини юмшатаётган қоровул чолга кружка опчиқшини буюриб, сўнгра кастрюлчадаги оғизсутдан куяркан: «Техникумга қачон ўтасиз?», деб сўради. Чол қийшанглаб: «Тунги сторожликка-да, — деди. — Маошни икки карра ошириб қўйишди. Олимбой яхшилигини кўрсин...»

— Энди анави мактабга ҳайданг, Қосимбек, — деди Мансур. Ва мактаб дарвозаси оғзида тўхтаб суриштирсалар, Шотўра муаллим шамоллаб қолган, уйида экан. Уйига бордилар. Дарвозага чиққан қизининг қўлига идишни тутқазиб: «Зам директор Олимбой билан баҳам кўрар эканмиз, де. Мен шошиб турибман...» деди. Қизалоқ: «Отам сизни йўқлаётувди. Зерикканлар...» деди.

Мансур калласига келган ўйни дангал айтиб юборди: «Мансур амаким йўлдан келсалар, тоққа таклиф этмоқчи, де. Уч-тўрт киши бўлиб, бир айланиб келар экансизлар, де...»

Ниҳоят, катта йўлга қайтиб чиқиб, одатдаги маршрут бўйича кетдилар.

Ҳадемай тоққа сафар муддати етиб, келишилиб, ушбу юкмошинга тушиб, яъни, Қоровул чол — шофёрнинг ёнида, қолган улфатлар кузовда, тоққа жўнадилар. Эрталаб ёмғир севалаб ўтган, баҳор кўрки ила уйғонган, ўсган-яшилланган ва ювилиб — чиройи очилган табиат, яъни, арчазорлару ёнбағирлар, сўқмоқлару йўллар, сойлар ва улар бағридан чиқиб келаётган ғуборли тоғлар қучоғини очиб-ёйилиб, буларни қарши олмоқда эди.

Мовий осмон ҳам артилгандек тиник, қуёш нури ёқимли, рўпарадан тоғларнинг телба шабадаси эсар, саёхатталаблар иссиқ кийиниб олган бўлишларига қарамай — бурун учлари қизарган, айримининг кўзидан ёш оққан ҳолда, кабина томига тақалиб кўтарилган ёточ тўсикдан тутиб боришаркан, кайфиятларида ҳам бир умумийлик бор эди.

Мансур тўнг-хўмрайиб олган, атрофларга манглайи остидан синовчан-ўқрайиб қарар, кулоғи эса динг — каклик сайрашини шабаданинг ғув-ғувидан ҳам илғамокқа шай эди: ахир, у неча кунлардан буён уйи атрофидан у — тоғлар кўркининг сасини эшитмади, энг аламлиси — телефон кабелларини текшириш вақтларида ҳам каклик сайрашини икки-уч марта эшитди, холос.

Бир замонлар башанг кийинганидан нишона — гули тўкилиб-тақирланиб қолган қоракўл ёқали пальтосига ўраниб олган Шотўра муаллим ғоят жиддий тортиб, сумрайганча йироқларга боқар, гоҳо ғудраниб сўкиниб қўяр — илло, унинг ҳам кулоқлари каклик қўшиғига маҳтал эди.

Техникум директорининг муовини эса, лаблари кўқарганча қаққайиб бораркан, икки гапнинг бирида: «Шилакбаум кўринмаяпти-ку?» деб қўярди.

Кузов бурчагида яна бир ҳамроҳ бор, у қафасдаги Қаламқош ёхуд Хойин бека эдики, устига кўрпача ташлаб қўйилгани учун саси чиқмас, фақат бошпанаси ила нари-берига сурилиб-сурилиб кетарди.

Ичаксойга тушиб-чиқиб, ердан қайнаб чиққанча қотиб ва торс-торс ёрилиб қолгандек узунгина тизма остидан бир оз юрганларидан сўнг йўлни бемалол тўсиб — кўндаланг турган олаётчга дуч келиб тўхтадилар. Йўлнинг чап тарафи — тик эниш бўлиб, пастда бўтана сув оқар, фақат олға жилиш учун таёқ кўтарилиши лозим эдики, унинг айри қозикқа тушиб турган учида шапалоқдек қулф осилиб турар, қулф очилмаса, орқага қайтишга мажбур эдилар: ёғочни синдириб, бировнинг мулкига кириб бўладими?

Ғашланиб, тўнғиллашиб, «Ким бор-оо!» дейишиб, Абдулқосим эса босиб-босиб сигнал берганча атрофга қараниб туришаркан, шундоқ қаршидаги бурилишдан тар-тарлаб паға-паға тутун отганча кичкина трактор чиқди. Ва кела-кела четланиб тўхтади-да, кабинадан бозорнинг паттачиси — барваста, кўзига қарасанг ваҳима босадиган Эшқувват тушди.

О, эғнида банорас чопон-у ичида — монтана ёзувли ялтироқ кўйлак-иштон, оёғида кўнжи узун резина этик, шаҳардан энди чиқиб келган тижоратчига ўхшар ва кўз ўрганмаганиданми, тоғ манзарасига ёпишмас эди.

— Салом бердик, акалар! — деди у.

— Э, ўзимизнинг Эшқувват экансан-ку! — деди Шотўра муаллим. — Қуллуғ бўлсин.

— Нимаси, ака? — Йигит ола таёқнинг тизмага тегиб турган жойидан ўтиб келди.

— Ҳе, шилакбаум ўрнатибсиз? — Муаллим бирдан энгашиб у билан кўришди.

— Шундай қилмасак, ҳамма ёқ оёқости бўлиб кетади, ака, — дея Эшқувват Олимбой билан ҳам кўришди. Кейин Мансурга қўл учини бериб: — Ўзлари-ку, бой бобо? — деди.

— Бой деб сизларни айтса бўлади, — деди Мансур уялиб-ғижиниб. — Шу-унча ерни опсизлар. Қойил... Ўтбосар қани?

— Шеф у ёқда. — Эшқувват келган йўлининг давоми бурилиб-ўралиб кетган арчазор ичида оқариб турган уйча билан чодирни кўрсатди. — Қурилиш бўляпти... У киши сизларни таниб ҳам бўлди. Дурбини бор. Ҳа, йўл бўлсин, акалар? — Эшқувват шундай деб, кузов лабидан ушлаганча ғилдиракка оёқ кўйиб кўтарилди. Буларнинг оёқостиларига қараб: — У нима? Каклик-ов, — деди. — Олимбой ака, хизмат бўлмаса, шу кўрпачани кўтаринг.

— Каклик у, — деди Мансур. — Лекин овга келмадик, ука.

— Барибир, ака. Шефдан рухсат бўлмаса, ўтказмайман. — Эшқувват ерга тушди.

— Бўлмаса, чақир шефингни! — дўқ қилди мусиқа муаллими. — Томоша қилиш ҳам мумкин эмасми тоғларимизни? Ҳў, Абулқосим, сигнал бер!

Кабинада миқ этмай ўтирган ҳайдовчи бошини чиқарди.

— Ҳў, полвон, ўтайлик. Шепингни олдига борамиз... Мехмонмиз, ахир!

— Қосим ака, мен айтилган ишни қиламан, — деди Эшқувват ва истар-истамас унга қўл узатди. — Яхшимисиз? — Шофёр ҳам унга қўл учини берди. — Эса, кутиб турасизлар. Мен бориб келаман... Э, ана! Ўзлари энъяпти. Ҳув, матасеклда... Кечирасизлар, айникса милтикли, какликли одамни ўтказмаймиз. Мана буни кўринглар! — У олатаёқда осилиб турган қандайдир пачоқ усқунани кўрсатди. — Шу — микрофон. Тубан қишлоқдан бир болакай лентага какликнинг сайрашини ёзиб опкелиб, бута тагига

қўйган экан. Шеф эшитиб, хурсанд бўпти. Шу ернинг каклиги деб ўйлаган-да. Кейин аста пойлаб келса, ахвол шу. Овчи арчанинг тагида ўтирганмиш. Шеф милтиқни опкелиб, микрофонни отипти. Мана шу... Ибрат бўлсин деб осиб қўйдилар. — Эшқувват шундан кейин қоровул чол билан сўрашди. — Э, сиз нима қилиб юрибсиз, бобой?

— Қариликка йўрғалик, — деб кулди чол. — Ўлайликми энди, отам? У ёқ-бу ёқни кўриб қолиш ҳам ганимат-да... Қалай, каклик кўпми тоғда?

— Каклик, — деб тўнғиллади Эшқувват, — тўлиб ётипти. Кулоқ солинг, барматуха ичиб, маст бўлгандай сайрапти! — Йигит таёкдан ҳатлаб нарига ўтди. Мотоцикл етиб келиб тўхтади, ундан оёғида крассовка, эғнида қоп-қора тивит жемпир, бошига соявони узун, қизил шапка кийган малла йигит — Ўтбосар тушди.

У яқин йилларга қадар матлубот жамиятида экспе-дитор бўлиб ишлар, отаси шу жамиятнинг эски раиси эди; ёшлигидан катта еб, яхши кийиниб ҳамда унча-мунча йигитга гап бермай ўсган ўғлон фавқулудда Афғонистонга, яъни, урушга кетган ва уч йил деганда капитан бўлиб қайтган, кейин ароққа берилган отаси билан айтишиб қолиб, меҳмонхонада истикомат қилгани ҳолда ҳарбий комиссариатда ишлар эди.

Ота ўлди-ю, уйига йиғлаб борди ва беихтиёр унинг, балки ўзининг эски касбини тутди.

Табиий, унинг бойвачча, бадавлат эканини ҳамма билар ва тумандаги энг катта ошхонани сотиб олгани-да ҳеч ким ҳайрон қолмаган эди.

— Келинлар, меҳмонлар! — деб ҳайқирди у ўзига тўқ, мамнун кишининг овози билан. Ва тинимсиз сўзлаб, сўрашиб кела бошлади: — Ў-ў, Абулқосим тантибой, қалайсан, ука? Билиб қўй, барибир сени ишга оламан. Мансур акага мундайроқ шопир ҳам бўлаверади... Эшқувват, кўришдингми бу билан? Ярашинлар энди. Барибир бир-бирингни енголмайсан. Сизлар эмас, ароқ айбдор... Э, Ибн Хаттабич? Тушманг, ўтираверинг. Барибир қайтариб юбораман сизни. Конкуренгга тоқатим йўқ; ўзимиз ҳам ароқ сотишни биламиз... Қани, Шотўра домла, хуш кепсиз. Шу ёқангизни ё сотиб оламан, ё тортиб оламан. Кейин музейимга қўяман. Мана шундай қорақўл ёқали пальтолар кийишарди... Ў, техникумнинг бошқонига саломлар. Сиз ҳам чиқар экансиз-да, а? Дуруст, чопон ҳам ярашипти.

Бу гаплар давомида кузовдагилар бирин-кетин ерга тушишган эди.

— Омин! — деди бирдан мусиқа муаллими ховучини очиб. — Ишингизга кут-барака берсин. Бекорчилар сиз туфайли ишли бўлиб қолсин!

— Раҳмат, ака, — деди Ўтбосар ҳам фотиха ўқиб. — Яхши дуо бердингиз. Мен буни кадрлайман.

— Кадрласангиз, қани, сиз ҳам бир дуо беринг, — деди муаллим. — Би-ир томоша қилиб, гуллар териб какликларингизни сайрашини эшитиб кетайлик.

— Марҳамат... Ў-ў, какликнинг сайрашини дедингизми? — Унинг манглайи тиришиб ва ғижиниб давом этди: — Биз ҳам сизга қўшилиб эшитар эканмиз-да?

— Эй, Ўтбосар ука, эшитилмаяпти-я лекин? — деди Мансур беихтиёр шивирлаб.

— Унинг сабабини сиз ҳам биларсиз? — истехзоли жилмайди фермер. Ва Эшқувват:

— Кузовда каклик бор, — деди. — Ов каклиги... Эшитганман. Жуда олағон эмиш.

— Ў-ў, шундайми? — деди Ўтбосар. — Марҳамат, марҳамат, Мансур ака.

— Биз овга келмадик, — деди Мансур ғашланиб. — Шунчаки томошалаб келдик... Шу Қизилжар бўйида бир-икки соат ўтирсак. Тўртта кабоб қиб есак. Каклик... Бу каклик шунчаки... қанча каклик омон қолганини сал-пал билиш учун керак. — У бирдан асабланиб кетди. — Бу ерда ғаразли ўй йўқ! Шунчаки... Ахир, қишда қирилди-ку? .....

— Нима, овладинг демокчимисиз?

— Балки.

Ўтбосар лабини қимтиб синиқ илжайди.

— Тушунаман... Шунақа. — Сўнг бирдан Эшқувватга буюрди: — Кўтар буни, полвон! Оч йўлни!.. Биз Қизилжарнинг устида бўламиз. Кўрасан... Тушунарлими? Трактирни қўй. Матасекли ҳайдаб жўна! Мен булар билан кетдим!

Ердагилар беихтиёр кабинага, кузовга чиқа бошлади. Олатаёқ кўтарилиши замон мошинани ғинғилла-тиб турган Абулқосим шаҳд билан ҳайдаб кетди.

Қизилжар — этакдаги лойқа сувли сойнинг яланг чўққига туташган ерида, чапроқда бўлиб, у ғоят бузук, серўйиқ жой; бу ерда алоҳида бир зилзила бўлгандек соҳиллардан сурилмалар кўп тушган,

қанчалаб арчаларнинг илдизи очилиб ётар ва бир талайи уй баравари палахсаларнинг тагида қолганки, уч-учлари мўралаб чикиб турарди. Жарлик тубида камсувли булоқлар ҳам бор — уларни атрофида ғуж-ғуж ўсган қиёқларга қараб билиш мумкин эди.

Жарликнинг тупроғи қизил, шу жиҳати билан ҳам у атрофдан фарқланиб туради.

Машина ўрлаб борган қирда арчалар паст бўйли эса-да, тигиз ва ўта яшил эдики, лоф бўлсаям кўнгилга бир гап келарди: шу арчаларнинг остидан бир яшил нур таралиб турса керак-ов.

Бу жарликнинг Мансурга ёқишига яна бир сабаб — шу ерда тубжой тулкиларнинг тез-тез учраши ва терисининг-да жуда қизғиш экани эди. Ҳамда ўта шайтонлиги эдики, унинг наздида, бу ернинг тулкисини отиб олиш мумкин эмасдек эди: шундоқ носвой отиб ўтирибсан-у, уч-тўрт кадам наридаги тош ё бута би-қинидан тулкивойнинг мўралаб, киприк қокмай турганини кўрмайсан. Кўрганингдан кейин ҳайрон қоласан-у, ёнингда милтиқ бўлса, унга қўлинг аста узалади. Аммо милтиқни олишинг ҳамон ҳайвон турган еридан ғойиб бўлиб қолади.

Машинадан тапир-тупир тушишаркан, Мансур қафасини кўрпачага ўраб кўтариб, Абулқосимга узатди.

— Очма устини... Бир жойга кўйгандан кейин сайрашини кўрасан.

— Биламан.

Мансур ҳам пастга тушгач:

— Фермер жаноблари, энди рухсат этасиз-да, Қорақошни бир сайратамиз, — деди.

— Хоҳлаган бутангизнинг тагига кўйинг... Анави ёлғиз арча тузук, атрофга кўриниб турибди, — деди Ўтбосар. — Биз мана бу айри арчанинг тагида ўтираамиз... Э, қаерда ўтиришининг фарқи йўқ-ку!

— Ҳа, ҳа, — деди Мансур. — Ёввойиларнинг сайрашини эшитсак бўлди-да.

— Ана, кўкаламда ўтираамиз, — таклиф қилди Шотўра муаллим. — Курситошлари ҳам бор экан. Ҳе, кул ҳам бор-ку? Мансур, ўтирганмисан дейман шу ерда?

— Э ака, бизнинг маккамиз мана шу ер эди, — дея энди қафасни ҳалқасидан кўтариб, Ўтбосар кўрсатган ёш арча томон йўналди Мансур. — Тавба! Ўтбосар, айтган арчангни қара! Ўлай агар, ўзим ҳам қачон келсам, Хойин бекани шунинг остига қўярдим. Қандай билдинг-а? Қойилман. — Икки кадам босгач, таққа тўхтади. — Биродарлар, онт ичаманки, шу жонивор жўжалигида шу ерда тузоққа туширилган. Кечагидай эсимда... — У чиндан ҳам ҳайратланиб ҳамроҳларига бир-бир қаради.

Унинг бу қадар ҳайратга тушишининг боиси шу эдики, уни ўзидан ҳам яширмоқчи бўлар, шунинг учун эслашни ҳам истамас, гўё шароитга қараб таваккал иш тутадигандек эди.

— Шошма, шунингни бир томоша қилай, — дея йирик-йирик кадам ташлаб яқинлашди мусика муаллими. Ва кўрпасини кўтарди. — Вой, гижинглаган тойга ўхшайди-я! Унинг типирчиладини кўринглар... Ҳе, аблах, Хойин... — Мансурга тикилди. — Номиниям топиб кўйгансан. Хойин бека. — Кейин қаддини тиклаб, хаёлчан кулимсиради. — Шу ўзининг хоинлигини билармикан-а? Сотқинлигини?.. Сайраб, ёввойи шерикларини тузоққа тушириб...

— Билмайди, — дея Ўтбосар ҳам қафас қошига келди. — Бултур мелкачка билан иккита какликни отдим. Бирини урдим, типирчилаб қолди. Иккинчиси унга сал қараб турди-да, тагин донлайверди. «Ўл сен ҳам!» деб униямотдим... — Кейин ҳиринглаб кулиб, жамоага бокди. — Брулер товуклари ярадор бўлган, бирон жойи қонаган шерикларини чўкиб еб кўйишади-а?

— Ҳа, уларнинг организмга қандайдир модда етишмас экан, — деди директор муовини. — Ўша шерикларининг қони билан этидан олармиш ўша модда-ни.

— Ҳе, уларни гапирманглар, — деб чекинди муаллим. — На отасининг тайини бор, на онасининг. Киштиниям билмайди, пиштаниям... Инкубатордан чиққан манқурт-да! Ҳолбуки, ҳолбуки, жўралар, масалан, очиб чиқишига яқин қолган жўжалар тухумнинг ичида туриб, қирғийдан кўрқади. Америкаликлар аниқлаган: қирғий қийқилласа, жўжа писиб қолар экан. Чунки, онасининг ҳалигидай товушидан хавфни сезаркан.

— Лекин мен бир нарсани кузатганманки, — дея қўлларини белига тираб сўзлади Ўтбосар. — Қаерда бир гала каклик кўниб турган бўлса-ю, ноҳос устига бориб қолсангиз, учгани шундай қанот қоқадики, чўчиб тушасиз. Нимага?

— Биринчидан, сизни кўрқитиш учун, — деб жилмайди Абулқосим. — Йўқ, ака... Биринчидан, ўзи кўрқиб кетгани учун. Иккинчидан, шерикларини огоҳлантириш учун.

— Билар экансан, — деди Ўтбосар. — Демак, каклик қирғинларида бўлгансан?

— Сиз ҳам бўлгансиз.

— Ўртоқлар, биродарлар! — деб қолди Мансур ҳовлиқиб. — Гапимиз нима тўғрида эди? Қушлар раҳмшафқатни биладимми-йўқми? Шу ҳақда эди-я?

— Билмайди, — деди Ўтбосар. — Улар табиий ҳаракат қиладилар, холос. Бу ҳаракатда яшаш учун кураш ҳам бор, бошқа нарсалар ҳам...

— Йўқ, билади, — деб таъкидлади Мансур. — Мен сафарда юрганимда бир қирғий боласини боққанмиз. Ўша кунлар она қирғий ўша жойнинг устида кўп айланарди... Бу нимани кўрсатади, фермер жаноблари? — Кейин яйраб қулди. — Ўша қирғий товуш чиқарса, қайси товуқ жўжаларини қаноти остига олмайди? Ҳозиргина Шотўра акаям айтдилар-ку, тухум ичида туриб ҳам кўп нарсани сезаркан жўжалар...

— Сиз улоқиб кетдингиз, — деди Ўтбосар. — Ота-она ўртасидаги муносабат — бошқа масала. Буям ўша — табиий яшаш, яшаш учун кураш, хўш, зурёд қолдириш қонунига амал қилади... — Кейин бирдан ғижиниб сўради: — Агар какликлар раҳм-шафқатни, дейлик, онгли равишда билсалар, нега бу Хойин бекангиз шафқатсизлик қилади? Хўш, шерикларини пичокка тутиб бериб?

— Мен ана шуни айтмоқчи эдим, — деди Мансур шодланиб. — Тўғрироғи, шуни тушунган эдим... Мана, қаранглар-да, мана шу каклик қафасда зерикади. Уйда, айниқса... Хўш, далага чиқарганингиздан кейин тўлиб-тошиб сайраб кетади. Нима учун? Биринчидан, тўлиқиб кетгани учун сайрайди. Балки шу аснода додлар, балки қувонар. Ишқилиб...

— Хўш? Мақсадни айтинг, сайраши кераклиги-учун сайрайдими?

— Балли! Отангизга раҳмат... Энди денг, азизларим, — Мансур ниҳоят қафасни ўтга қўйди. — Биз, ўзимиз, яъни инсонлар бу жониворнинг ана шу жиҳатини билиб олиб, ўз мақсадимиз йўлида фойдаланамиз-да.

— Ҳим, ўсибсиз, ака, — деб қўйди Ўтбосар. Ва қулди. — Ундай бўлса, бу шўрликка нима учун Хойин бека деб от қўйдингиз?

Бошқалар қатори Мансур ҳам қулиб юборди. Сўнгра:

— Хом сут эмган бандамиз-да, — деди қийшайиб. — Ўз қаричимиз билан ўлчаймиз... Тулқиниям айёр деймиз. Ҳолбуки, уям, сиз айтгандай, яшаш учун курашади.

— Тушунарли! — Ўтбосар ўнг қўлини кескин кўтарди. — Сиз буни обориб қўйинг жойига. Айтинг, тузоққа тушган дамларини эслаб, бир фарёд қилсин. Бизлар... — У қурдошларга қараб, курситошлар томонга сурпга ўралган карсонни кўтариб бораётган қоровул чолга эътибор қилди. — Тирикчиликми у? Гўшт маринават қилинганми? Қилинган бўлмаса, бизда тайёри бор, — дея маккорона қулди. — Фақат соққасини тўлайсизлар.

— Товуқ семирса, кети тораяр эмиш, — деди муаллим. — Обрўйингиз кетади. Худога шукр, кўрган одамларнинг фарзандисиз... Бу гаплардан кўра, бизни, масалан, яхшилаб сийланг, меҳмон қилинг. Биз сизга дуо берайлик. Бойлик олма, дуо ол дейдилар... Ана шундан кейин ишингиз янаям ривож топиб кетади... Энг муҳими, эшитиб олинг: ҳақиқий ишбилармон, хўш, миллий бизнесмен, эл-халқиниям манфаатини кўзлайдиган савдогар чиқипти, деб машхур бўласиз!

Ўтбосар мийиғида жилмайди.

— Мен тушунаман. Ҳазиллашдим. — Кейин Мансурга бақириб юборди: — Обориб қўйинг энди бу айғоқчини! Эшитайлик мундай... — Сўнг буғланибми, сийрак туман босибми мудраб турган тоғларга қаради ва бирдан синиқиб: — Каклик бўлмаса бир пул экан бу табиат! — деди.

— Каклик камайиб қолган бўлса, уни кўпайтиришга тўғри келади, — деб ниҳоят гапга аралашди директор ўринбосари. — Кўп мамлакатларда шундай қилишяпти: масалан, туяқуш-у тустовуқларни кўпайтиришяпти-ку!

Мансур ўйчан тортиб, қафасни кўтарди ва бутага йўналаркан, Қорақош тақир тахта устида гир айланиб, қисқа-қисқа сайрай бошлади. Мансур жадаллади.

— Бошланди-и!

У пакар арча остига — кўрпа бўлиб тўкилган нинабарглар устига қафасини қўйиб, атрофини шох-шабба билан ўрай бошлаши замонқ Қорақош мурвати буралган микрофондек чунонам какиллай кетдики, Мансур шошиб қолди: гўё гала-гала какликлар учиб келиб, ўзига уриладигандек.

Кейин бута тагидан пасайиб чиқиб, анавиларнинг қошига йўналди. Улар ҳам ўтирган жойларидан бу

ёкка ҳайрат ва ҳаяжон ила қараб туришарди.

— Ў, койил, — деди Ўтбосар ва ўрнидан дик этиб турди. — Ўртоқлар, бундай қилайлик. Ана, арчалар... Ҳар биттамиз биттасининг остига кириб ётайлик. Худо ҳаққи, мен шунни истайман! Бу нима ўтириш? Мақсад— какликларнинг учиб келишини кузатиш-ку, а, Мансур ака?

Мансур мамнуният билан маъқуллади.

— Албатта шундай қилиш керак.

Абулқосим:

— Мен анавини танладим, — дея ўрқач биқинида қийшайиб ўсган пакана арчага йўл олиши билан жамоага маълум бўлдики, унинг танлаган жойи — нақ пистирманинг ўзи: у ердан Қорақош яширилган арча тугул, нариёқ, яъни, куйидаги Қизилжар ҳам бурчак-бурчагигача баралла кўриниб туради, демак, ўйикдаги қоятошларга чиқиб сайрай бошлаган хўроз какликларни ҳам бемалол кўриш мумкин.

Алқисса, ҳар ким бир арчани танлаб, унинг тагига писиниб боришаркан, резина этиги қўнжигача лойга беланган Эшқувват ҳам тубандан бир калтакка суяна-суяна чиқиб келди. Мансур унинг бўйнида солланиб турган дурбинни кўрди-ю:

— Укажон, шунингни бер, — деб олди борди.

Эшқувват дурбинни бериб, елкасидаги осмахалтани тошкурсига қўйди. Мансур хансираб:

— Мана, дурбин. Мана, ука... — дея юрт эгасининг ортидан арча тагига кирди. Ва жарликка қарабоқ унинг кифтига қокди. — Яхши. Жойиниям топибсиз.

Ўтбосар олискўргични олиб, кўзига тутди.

— Сизлаяпсизми?

— Ҳа энди, ҳурмат қиламиз-да... — Унинг ёнига чўккалаб ва ўйчан тортиб давом этди: — Ишбилармон, корчалонлар кам дейсизми — чиқяпти. Ҳамма жойда шундай... Лекин, — боз унинг кифтини силаб қўйди, — сандақаларни билмадим, нечта экан... Қара, уже территориянгни кўриқлаяпсан... Ҳим, аммо-лекин Эшқувват бизни тўхтатганда, сал малол келганди. Ҳозир ўйлаб қарасам, сизлар ҳақсизлар... — Сўнг: — Ахир, ахир, — дея миясининг қат-қатидан қийналиб чиққан фикрни айта бошлади: — Биламиз-ку ўзимиз: илгари ҳамма ер — давлатники дер эдик. Тўғрироғи, Русияники эди... Кейин ҳам мулк давлатники бўлиб қолди.

Бироз вақт... Сўнгра, мана, кишиларга бўлиб берила бошланди... Ҳой, Ўтбосар, — у бирдан ҳаяжонланиб кетди: — Тарихдан ўзинг ҳам биласанки...

Ўтбосар дурбинни ётқизиб қўйди-да, ёнидан «Малборо» сигарети чиқариб:

— Чекинг. Гапиринг, гапиринг, — деди. — Алақсиманг...

— Шу-да, — деди Мансур шундай бойвачча фермернинг диққатини ўзига оғдиргани учун ичдан шодланиб, ҳамда уялиб.

— Тушундим. — Ўтбосар яна дурбинни олиб, кўзига тутди ва куйига қаратди.

Мансур яна муддаоси ҳақида ўйланиб қолиб:

— Аммо-лекин шу мулкни, ерни, мана, тоғ-тошлар, ўрмонларни унга қайишадиган кишиларга...

— Жим! — деди Ўтбосар. — Биттаси чиқди. Чил эмас-ов... — Дархол дурбинни Мансурга берди. — Ёрилган қояга қаранг. Чапроқда. — Сўнг хўрсиниб юборди.

Мансур дурбиндан биринчи бор қараши эди: улкан, яланг чўққи кўринди. Кейин каттакон арча ва бирдагина айри қоя лабида қанотларини силкитаётган ерранг қушга кўзи тушди. Тикилди: у хурпайиб олиб, ўзини офтобга тоблаб бошлади.

— Чил-ку, — деди. — Укабой, у чил. Менимча, қурк бўлган. — Дурбинни Ўтбосарга узатди-ю, унинг малла қошлари азобли чимирилганини кўриб, айтганига пушаймон еди: каклик десаям бўларди... — Менимча, — деб чайналди. — Лекин дурбинни биринчи марта ушлашим. Армияда ҳам...

Шунда ёнларидаги арча панасини макон тутган Абулқосим:

— Битта чил чиқди, — деди.

— Каклик! — алам билан деди Ўтбосар дурбинни яна кўзига тутиб.

— Каклик бўлса, сайрамас хилидан экан-да, — тўнғиллади шофёр.

Ўтбосар дурбинни кўзидан олди.

— Рост. Чил экан... — Сўнг не бир илинж ила деди: — Чилни дала каклиги дейишадими?

— Ҳа, ҳа, — дарров тасдиқлади Мансур. — Как-ликнинг укаси-да у! — Сўнгра ўзининг юраги сиқилиб кетди ва дунё кўзига тор кўриниб қолди: «Каклик йўқ-ку? Нимага сайрамапти? — Кейин

қишки пиёда ов эсига тушиб, кўнгли бузилди. — Еб битирдик. Қуритдик ўзимиз. Йўқ, биз эмас...»

У беихтиёр юраги устига кафтини босганди, ундан кўз узмай, хўмрайганча сигарет тутатаётган Ўтбосар:

— Ҳа? — деди. — Пушаймон қилаяписизми... овлаган какликларингизга? — Сўнг бақириб юборди: — Эшқувва-ат!

— Лаббай, ака!

— Милтиқниям обкелдингми?

— Йўқ. Опкелайми?

— Ҳа..

— Нима қиласиз? — қандайдир хавфсираб сўради Мансур. — Ўша чилни отасизми?

— Йўқ, мен анави шаллақи каклигингизни отаман, — деди фермер ва жойидан ирғиб туриб, арча шохларини нари-бери сурганча бу ёққа чикди.

Мансур ҳам унинг ортидан интилди-ю, тагин дурбинни кўзига тутиб, жарликка қарай бошлади: у ичидан битта каклик кўришни ва бақириб маълум қилишни истар, шунинг учун: «Э, художон, — деб пгавирлар эди. — Наҳотки, а?

Кўрсат битгасини... Ахир бутунлай қирилиб кетган бўлиши мумкин эмас! Бу — тоғ... Албатта бор. Ҳозир чиқади...»

Шу пайт унинггина эмас, балки барчанинг кўнглига ҳаяжон, завқ, сурур ва аллақандай ваҳима солиб, булар сира кутмаган тарафдан, яъни, чапдаги Ичаксой ёқдан чурр-чувв этган кадрдон-таниш товуш эшитилиб, нақ тепаларига етганда пасайишди бир жуфт каклик. Аммо пароканда бўлиб, писинишни унутган тўпдан кимнидир кўришдими — ерга кўндим деганда, қиялаб жарликка қуйилиб кетишди.

Ана энди Қорақошнинг сайрашини кўринг!

Писиниб ўтирганлар ҳам ихтиёрсиз бир тарзда ишшайишиб ва ҳовлиқишиб, холи ерга чиқишди.

— Табриклайман, фермер бобо, — деди Абулқосим. — Бор экан. Мулкингиз бўшаб қолмаган.

— Уф-ф, — дея курситошга ўтирди Шотўра муаллим ва қандайдир чўккан кўзларида нурли бир изтироб ила унга-бунга боқиб: — Ўлай агар, ёмон кўрққан эдим, — деди-да, кейин дабдурустан мунгланиб кол-Ди. — Ҳе, қирилиб кетайлик биз... Одам-подам эмасмиз... Нимага мундай, а?

— Эшқувваат! — шунда чопиб-эниб кетаётган йигитнинг орқасидан чақирди Ўтбосар. — Қайт!

Мансур ёлғондакам шодумонлик ила:

— Раҳмат-е, — деди. — Бой бобоси, ана, Хойин беканинг сайрашлари бекор кетмади.

— Барибир шунингизни ейман, — деди Ўтбосар. — Нимагаки, бу барибир бир куни гўшт бўлади ё ҳаром ўлади...

— Унинг-ку бўладигани шу, — деди мусиқа муаллими оғир хаёлларини эсдан чиқаргандек, азалги қув-шўхчан овозда. Кейин бирдан ҳайқириб юборди: — Келинлар, бир оз ўтирайлик! Ҳўв, старик Хаттабич, қани, сизни шарафли меҳнат кутяпти! Шу ерда ўтириб ҳам томоша қилаверамиз.

Даврадан четда қандайдир гиёҳни бармоқлари орасида эзиб ҳидлаётган Қоровул чол:

— Зира. Зира экан, — дея жилди. — Ўтбосар, зиранингиз кўп экан. Эҳтиёт бўлинг, хомлигида ўриб кетишади... Кейинги вақтларда жўгилар ҳам бунга ўч бўлиб қолишган. Қаергаки кўш ташласа, билингки, ўша ерда зира бор.

— Эшитдингми, Қувват? — деб қўйди Ўтбосар ҳансираб турган йигитга ва ўша тасмали халтанинг замогини чизиллатиб очиб қаради-да, ичидагиларни бирин-кетин чиқариб, курситошлардан бирига қўя бошлади: нон, олма, арок...

Чол ҳам карсонни очиб қўйди-да:

— Шопир ўғлим, тўртта чўпчак терайлик, — деди. — Арчанинг чўғи соз бўлади-да.

Шу пайт Қизилжар ичида овози ўта йўғон, пирча каклик воқ-воқлаб сайради-ю, боядан бери кўксини пайпаслаб турган Мансур талтайиб кетиб:

— Мен макиённи мана шу хўрозга олиб келган эдим, — деди. Дегач, бу гапнинг замирида пишган ўй-қарор ётса-да, бунчалик тез айтворганидан ҳайрон қолиб ҳамда энди ўз сўзида турадиган йигит эканини дарҳол исботлайдиган каби Қорақош сайраётган бутага йўрта кетди.

— Ҳўв, — деди Ўтбосар паришон тортиб. — Сиз чини билан қўйворасизми?

— Албатта! — Орқасига бир қараб қўйди Мансур ва бу ишни тезликда амалга оширмаса, айниб

коладигандек баттар жадаллади. Бута остига энкайиб кирди. Қафаснинг тахтага боғлиқ жойларини тимирскилаб тугунни изларкан, бармоқлари титрар, томоғидан ҳиқ-ҳиқ этган товуш чиқарди.

Ниҳоят, қафасини кўтариб ва «кишт-кишт»лаб какликни ерга туширди-да, уни кўришга ортиқ тоқати қолмагандек шошиб бурилди. Кўнглининг таг-тагида Қорақошнинг бу бошпанадан чиқмаслигига умид. уйғонгани ҳолда, унинг қафасини кўтариб, бу ёққа чикди.

Баъзилари курситошларда ўтирган, айримлар тик турган ҳолда ўзига қараб туришган экан.

— Бўлди, — деб пичирлади-ю бўлмади: ўзича кулди, кейин қафасни ташлавориб, қўлларини ёзди ва: — Йў-ўқ! Обош бўлди! — деди. — Хурсандмисизлар? А? — Энди қандайдир аламини курдошлардан оладиган сингари икки қадам босди. — Ҳўв, Шотўра ака, кўрдингизми, ана, уям озод бўлди... — Сўнгра бу сирли сўз оғзига таъм бериб, такрорлади: — Озодликка чикди! Ўзимизга ўхшаб...

Кейин Мансурнинг йиғлагиси келди-ю, чурқ-чурқ этганча ортидан эргашиб келган какликка қараб қотиб қолди. У бошини бемалол кўтариб, ўзига боқди. Сўнгра қаттиқ силкиниб, қоқинди ва оёқларини беўхшов, кериб-кериб босиб, ерга тумшуғини урган бўлди. Ўзича донлади.

Кўшхонадаги томошатаблар ҳам қушга сумрайиб қолишган, унинг ҳар бир хатти-ҳаракатини диққат билан кузатишар ва аксари ўзича бош қимирлатиб ишшайиб кўяр, айна чоғда парранданинг ҳозирок қанот силкитиб учиб кетишидан кўркув ҳисси ҳам йўқ эмас эди.

Нега? Ундан айрилиб қолишдан ачинишми ё ундан кейинги хавотирланишми, балки чин бир худбинлик сабаб эди бу ҳолга...

— Ё кудратингдан! Товуқдан фарқи йўғ-а, — деди негандир чўнқайиб олиб, терган арча бутуқларига қафтини босиб турган Қоровул чол.

— Бу, бу барибир ҳеч қаёққа кетмайди, — деди Абулқосим сезиларли ҳаяжон билан. — Илгариям қафасдан кўп чиққан. Ҳовлида айланиб юриб, яна қайтиб кирган.

— Бу сафар кетади, — деб пишиллади Мансур бирдан. — Кетади! — деди кейин зўриқиб ва какликни кишт-киштлаб ҳайдай бошлади. — Жўна! Маконингга келдинг-ку, ярамас! Кишт... Вей, қанақа сурбетсан! Бу ерда одамлар ўтирипти. Сенинг душманларинг... Ана, жарликка уч!

У шу алфозда қўлларини сермаб ва чапак чалиб какликни кувлар, демак, ҳайдар экан, у диккиллаб чопар, айланар — гўё эгаси билан ўйнар эди.

— Ҳой, тек тулинг, Мансур ака, — деб қолди Ўтбосар. — Сал томоша қилайлик.

— Ана, сени кушанданг томоша қилайлик деяпти. Қайда! Сўйиб емоқчи!

— Оббо! Мансур ака! — Энди бакириб юборди Ўтбосар. — Кетса, ўзи кетади!

— Кетади. Кеткизаман! Бас!.. Шунча маломатга қолдирди... Ҳе, сендай Қорақошни қара-ю... — Сўнгра бирдан тўхтаб, баралла йиғлаб юборди-да, шарт қайрилиб, буларнинг ёнига келди. Эшқувват келтирган емишлар қошидаги тошга таппа ўтириб олиб, этакларга тикила бошлади.

Шотўра ўтирган тошини унга яқинроқ суриб, тиззасига қўл қўйди.

— Хафа бўлма, ука. Ўзи, шундай қилишингни сезар эдим... Раҳмат. Ниятинг яхши. Ҳим, ҳаммага сабоқ. — Кейин ён-веригагиларга жаҳл билан тикилиб-тикилиб қаради-да, кўзи Ўтбосарга қадалиб: — Ана, пермер бобо! — деди. — Сиз бўлсангиз, бизни овга келди деб ўйладингиз... Сен ҳам Эшқувват! — Кейин директор ўринбосарига боқди. — Ҳўв, раҳбар, сен нега гапирмайсан? Бу синонинг баҳосини бер энди!

— Ака, халақит берманг, — деди келганидан бери деярли гап қотмаган ва бута остига киргандагина сал чўнқайган Олимбой муовин. — Уни қаранг. Табиий ҳаётдаги ҳаракатларини кузатиш керак, ахир. Масалан, Андерсон хоним ёввойи табиат бағрида хонаки йиртқичларни ўргатаман деб... ўрганишга бутун ҳаётини сарфлаган экан. Бу, масалан, йигирманчи асрнинг...

— Шеф, — деб қолди шунда этикларини бир-бирига ишқаб лойини туширганча қушни кузатаётган Эшқувват ҳали ўзи чиқиб келган энишга туйқус боқиб.

Бу оддийгина сўзнинг айтилишидаги хавф саси барчани у қараган томонга қаратди ва Мансур ҳам аста бошини бураркан, эллик қадамлар пастда чаман бўлиб очилган наъматак панасида писиниб турган кип-қизил тулкини кўрди.

Кўрди-ю, сапчиб турди.

— Емоқчи!

— Рост, — деди Шотўра. — Овозини эшитиб келган... — У ҳам аста қўзғаларкан, тулки ғойиб бўлди. Эшқувват уни кувадигандек таёғини кўтариб жилганди, Утбосар тўхтатди.



— Нима қилмоқчисан?

— Шу, у ёмон... — чайналди барваста йигит хўмрайиб. — Кеча йўқолиб қолган жўжахўрозниям шу еган дейман... Мазахўрак бўлиб қолади.

Ўтбосар бош ирғаб, сигарет тутатди.

— Ху, арча остида дурбин қопти, опке. — Кейин ўйчан тортиб сўзланди: — Тулки кўпайиб кетипти. Бари оч. Товушқон ҳам кам. Какликлар пастлаб кетган...

Кейин ҳамманинг диққати макиёнга оғди. У қоровул чолнинг карсони ёнига келган, сихбоп жазларга бошини гоҳ у ёнга, гоҳ бу ёнга буриб қарар эди.

Шотўра муаллим нондан синдириб, ушоғидан таш-лади. Қаламқош сал тисландию увокни чўкиди. Тум-шуғига олиб, четга отди.

— Бунга нима берардинг, Мансур? — сўради муаллим. — Нонни писанд қилмаяпти.

Мансур бир муддатдан кейин:

— Нўхат, — деди. — Қайнатиб, эзиб... Тухумнинг сариғини ушатиб... — дея хўрсиниб юборди. — Энди тошни ейсан, — деди қушга. Тағин дўк қилди: — Е! Топиб е энди... Ўртоқлар, бу нимани ейди энди?

— Айтганингиздек, тошни ейди, — деди папироснинг тамакисини эзиб кафтига тўкаётган Абулқосим. — Емаса, анави саривойга ем бўлади.

— Эшитдингми? Очдан ўласан, — зуғум қилди Мансур какликка. Ва ҳиринглаб кулди. — Энди сенга иссиқ уй қани? Хўў... Бошпананг ҳам йўқ. — Кейин жиннинамо ишшайиб, тепасидагиларга қараб олди. — Ҳақиқатан ҳам, турмадан чиққан маҳбусга ўхшай-ди, а? Озод бўлган. Энди нонини топиб ейиши керак... — Яна қушга бокди. — Топиб еяласанми?

— Бу, қўйиб юборишдан бурун сал ўргатиш керак эди, — деб мулоҳаза билдирди муаллим. — Озод яшаш-га... — Сўнг хаёлланиб синиқ жилмайди. — Ахир, ўзимиздан қиёс-да: мана, озодликка эришдик...

— Мен тушундим фикрингизни, — деди Ўтбосар бирдан. — Сиз жудаям яхпш айтяпсиз, ака... — Унга тан берганини бош ирғаши билан ҳам тасдиқлади. Сўнг хўрсиниб юборди. — Лекин бизлар одамлармиз. Ҳар ҳолда, ақлимиз бор... Бундаям ақл бор-у, аммо одам-зот яшовчан...

— Да, — деди шунда директор ўринбосари. — Шунинг учун ҳам одамзот ақлли, тадбирлики, уни қушлар, хайвонлар эмас, у хайвонот-у парранда зотини қўлга ўргата олади. Ҳим, ўз измига солади. Цирк ареналарига чиқаради.

— Ў, ҳаммаларинг файласуп экансизлар, — деди Абулқосим. — Тўғри гапираяпсизлар-е, худо урсин... Нима дединг, Эшқувват?

— Акалар билишади-да, — деди у ва пайтдан фойдаланиб дурбинни шефига берди.

Мансур беихтиёр ҳалиги тулки кўринган наъматак тагига қаради-ю, олапар итини эслади: «Ўшанча бор экан, уям кичик, — дея дилидан кечирди. Кейин бирдан хайрон бўлди: — Ахир, тулки жонивор ҳам табиатга мослашиши керак-ку? Мана, баҳор бўлди... Нега унинг териси жилла ўзгармайди?»

Сўнгра Қизилжарнинг тулкиси шундай бўлиши ёдига тушиб: «Ҳа, бу ўтроқ-а», дегач, қурдошларнинг жимиб қолганини сезди, хайратланиб бурилганди, ўзининг ҳам кўзи — улар хаяжон-ла қараб қолишган томонга, яъни, ҳали Қорақош яшириб қўйилган бутага тушди-ю, бояги беор тулки энди ўша бута биқинидан мўралаб турганини кўрди.

Энди ўрнидан сапчиб кетмади. Балки унга қизиқиш ила тикиларкан, Қоровулнинг ёнида чуқ-чуқлаб юрган каклик бирданига йўрғалаб қолди. Тулкига қараб.

— Ҳой, кишт! Қайт! — деб бақирди Ўтбосар ва Эшқувватга: — Жонинг борми? — дея уни кўзғатиб, Мансурга юзланган чоғида тулки бир сакради-ю, Қаламқошнинг нақ бўйнидан тишлаб олди. Аммо Қаламқош шундай ваҳима билан чинқириб-қиғиллаб юбордики, тулки уни кўйвордими ё ўзи қутилиб чиқдими, қарсиллатиб қанот қокқанча тепага кўтарилди. Кейин негадир бир ёнига майишиб кетди-ю, шу бўйи Қизилжар томонга пастлаб кетди.

Очқўз тулки эса шунча одамнинг олдидан ўтиб, унинг орқасидан тушди.

— Тамом, — деб пичирлади Мансур. Кейин титраб-қақшаб ва маъносиз илжайиб Ўтбосарга қаради. — Обош бўлди, фермер бобо. Гўшт бўлди ҳисоб. Армонда қолдингиз... — Фермер бобо донг қотиб турарди. Мансур каловланиб унинг ёнидан ўтди-да, жарлик томонга икки-уч қадам босди. Кейин юраги оғриб кетгандай кўксига қўл қўйиб, тўхтади. Кейин бошини кўтармай изига қайтди.

Сўнгра анграйиб турган чолнинг ёнидаги тошқурсига ўтирди.

— Э, бу нима гап? — деди энди Ўтбосар барчага тегишли қилиб. — Олдимиздан олиб кетса... У каклик ўзи... Тавба!

— Бизнинг шефни ити деб ўйлади-да, — деди Абулқосим аламини бепарволик билан пардалаб. — Шунақа ит... уям. Мундай пакана. Думиям кесилмаган. Ўзи малла.

— А-а, — деди қария. — Ўша ит деб ўйладими?

— Ҳа! — кескин деди Абулқосим. Кейин Мансурга дашном берди: — Шеф, атай қилдингизми? Ё шундай бўлишини билармидингиз? Тавба, бу одам сал ғалати бўп қолди.

— Менимча, бу одамга ҳеч нарса бўлгани йўқ, — деди мусиқа муаллими.

— Ҳа-ҳа, йўқ, — деди Мансур тагин гангиб. Кейин муаллимга синиқ-дилкаш жилмайди. — Рост, шундай бўлидаи керак эди... Э, йўқ. Мен буни билмас эдим, ака. Аниғи, ўйламаган эдим. Аммо Абулқосим рост айтди, Хойин бека итимдан ҳайикмас эди. Итим ҳам буни бегонасирамас эди. — Шунда ҳайрат-ҳаяжон ичра ўтган киши, бўронли тунда, меҳмонларни жўнатгандан кейин... тонгда итининг ёввойи какликларга ҳам бепарқ қараганини эслаб қолди-ю, унинг сабабини энди англагани учунми, аллақандай шодланиб қолди. — Шундай, Шотўра ака!

Шотўра афтидан нимадир дейиш учун:

— Буни айтиш керак эди-да, — дея тансиқ сигаретдан битта олди. — Эсиз.. — деб пичирлади. Пичирлади-ю, дафъатан кўзлари ёғду сочиб, ҳаммага қараб чиқди. — Тушундингларми? — Мансур унга боқди. — Ўша туманли кундаги гурунгимиз эсингдами, ука? У бемаъни гап эди. Шунчаки, ўзимизнинг қилигимизни, ваҳшийлигимизни яшириш учун айтган эдим. Лекин, — у ўйланиб қолди, — лекин шу гапнинг тилимга келганини қара... Худо ҳаққи, мен ўшанда сидқидилдан овга чиққандим, манаву шотирлар билан. Гапим тўғрими, курра? Э, кечирасан... Ўшанда ҳаммамизнинг дардимиз ичимизда эди. Тўғрироғи, ўйламас, ўйламаган эдик. Барча ҳаракатларимиз аламдан, аччиқдан... — У чолнинг қўлидаги гугуртни тортиб олиб, сигаретни тутатди. — Узр, чалғиб кетдим. Ўтбосар, кечирасан, сигаретингдан...

Ўтбосар унинг сўнгги гапига парво қилмай:

— Ишонасизларми, — деди овозини қўйиб. — Мен нимагадир хурсанд бўлдим ҳозир... Онт ичишим мумкин! Тўғри, какликдан айрилиб қолдик...

— Уни эсламанг энди, — деди Мансур. — У қурбон бўлди... Ҳим, уни биз, яъни мен, қурбон қилдим. Қафасда сақлаб...

— Яшанг! — деб юборди шунда Олим муовин. — Менинг кўнглимдаям шу гап энди пишаётган эди. — Сўнг Ўтбосарга қаради. — Сиз нима дейсиз, ака? Шу тобда, менимча, Мансур акамдан узр сўрайман, ўзларини, айтайлик, тоталитар режимга ўхшатдилар... Гапларидан шундай хулоса чиқади.

— Ҳа-ҳа! — деди Мансур ҳовлиқиб. — Шундай хулоса чиқади. Лекин мен мунчалик чуқур кетмаган эдим. Умуман, мен беихтиёр яшадим, яшаяпман... Кечирасизлар, мен ҳам чалғидим. Ўзларинг гапиринглар, Қосим?

— Ҳе, нима дер эдим! — деди у. — Каклик кетди. Факт шу. Лекин барибир ўлар эди. Дон топиб еёлмас-ди-ку? Очдан ҳам ўлиб кетарди. Ҳозирги баъзи иш-билмас, дангасаларга ўхшаб, тўғрироғи...

— Ўлай агар, сен зўрсан, — деди Мансур. — Менимча, энг тушунарли гап шу.

Ўтбосар курситошга ўтириб, Абулқосимни имлади.

— Чўк бу ерга... Ҳой, Хаттабич, бермаснинг овқати пишмас экан. Ҳозир Эшқувват келсин, ўзи қилади... Қани, Олимбой жўра, ўтиринг сиз ҳам. Тошни суринг... Ана бу бошқа гап! Шотўра ака, нимани ўйлаяпсиз? Ростини айтсам, сал ўзгариб қопсиз. Бир қоп ёнғокдек дали-ғули эдингиз... Рўзғор ташвишлари босиб ташладими?

— Уям бор, — деди муаллим. — Лекин ўйлаб-чўйлаб яшайдиган замон келди-да... Вабше, у ёғини сўрасангиз, мен ҳаётдан розиман. Ҳим, биз ўзимиз минг йилдан буён озодликни орзу қилардик. Шу йўлда не-не азиз одамларимиз қурбон бўлиб кетишди. Халқ душмани деб, тавба!

— Раҳмат, — деди директор ўринбосари.

— Сенга шунақа гап бўлса... Бу гапларим қанчалик рост бўлса, шунчалик тасалли-ку, кур...

— Давом этинг! — Ўтбосар шишанинг оғзини очаркан, сафархалтанинг ичига қаради-да: — Э, бор экан-ку! — дея муштдек қоюзга ўралган нарсани чиқариб очди: яхна эт экан. — Қосим, буни майдала.

— Учунчидан, — дея ўйланиб қолди мусиқа ўқитув-чиси, — яшаш керак. Иложи борица ҳалол...

— Жуда тўғри, — деб қўйди Мансур. — Кейин меҳнат қилиш керак. Ишлаган — тишлайди деган гап

энди маъкул келади. Илгари ишламаган ҳам...

Ҳар ким ўз жойига ўтириб, гулхан ҳам гуриллаб — арчанинг хушбўй тутуни тарала бошлаганда, Эшқувват хансираб, йиқилган бўлса керак — тиззалари ҳам лой бўлиб, энишдан чиқиб келди. Калтакка таяниб:

— Кетди. Ҳалоллаб кетди, — деди. — Кейин бир тулки олдимдан чиқиб қолди. Ўшами деб қувсам, оғзида каклик йўқ. Мени чалғитди шекилли.

— Албатта! — деди Ўтбосар. — Уларгаям жон керак, яшаш учун «урашади. Маккор... Аммо, кўрдингми, шеригини кутқариб юбориш учун сени чалғитган. Маълум бўлдики, уларнинг болалари бор. Менимча, Хойин бекани опқочгани — урғочиси. Бўрининг ҳам қанчиғи олғир бўлади. Биласизларми, кўрага кўпинча қанчиқ бўри олдин киради.

Эшқувват ҳам бир палахса тошни думалатиб келиб, даврага қўшилгач, Ўтбосар унга-да пиёлани узатиб:

— Бўлмасам, мен бир тост айтай, — деди. — Хўш, биринчидан, хуш келибсизлар... Энди келиб турасизлар. Ўйлашимча, шўрлик Қорақошнинг қисмати ҳаммамизни янаям яқин қилди. Шу баҳонада анча гаплашиб, бир-биримизни тушуниб олдик... Умуман, ҳамма ерда шу хил гаплар...

— Шундай, — деб тасдиқлади Шотўра.

— Биз ҳам гаплашдик. Ҳаммаси табиий... Энди, ўртоқдар, гап шундан иборатки, юртимиз мустақил бўлибди экан, озод бўлибмиз экан, шунинг қадрига етайлик... Тушунаман аҳволни! Жуда яхши биладан. Аммо-лекин менинг гапларим ҳам факт... Нима дедингиз, Олимбой? Раҳмат... Хўш, айтганимиздек, энг табиий яшаш йўлига тушган эканмиз, шу йўлга ҳам содиқ бўлайлик, яъни, бунинг ўз қонунларига бўйсунайлик. Чунки бунинг қонунлари, мана бу еримиз-да! — У бўш қўли билан кўкрагини нуқиб, давом этди: — Бунга қулоқ солсак, бас.

— Ҳа, балли. Ҳамма нарса ўша ерда, — деди Хаттабич. — Аллоҳ таоло кўнгилда, ҳа.

— Раҳмат сенга, старик!.. Хўш, ўртоқдар, эътироф этиш керакки, бу йўриғда мачитларимиз, дин арбоблариям, умуман, яхши иш оборишяпти.

— Матбуот, радио камчиликларни танқид қиляпти, — деб гап қистирди директор муовини. — Адабиёт аҳли эса жим.

— Кейинги гапингиз тўғрироқ, — деди Ўтбосар. — А, танқидга келсак, бултурги каклик қирғинини ким танқид қилди? Танқид қиладиганларнинг ўзлари овга чиқишди-ку?

— Шундай, — деди Шотўра.

— Хўш, гапни қисқа қилсам, мундай: келинлар, ҳечқурса ўзимиз, мана шу торгина даврамиз аҳли ақл билан, инсоф билан қадам босайлик. Ҳим, сабр-тоқат билан... Нимагаки, бу бой, қадимий ўлкамиз-мамлакатимиз ва шундай қадимий халқимиз минг-минг йиллардан буён яшаб келаётган экан, ҳамда не-не оғирликларни енгиб келаётган экан, бу тангчилик кунларниям ортда қолдиради-қолдирамиз: буям — ҳаётнинг қонуни.

— Бу тостми, лексиями? — деди Абулқосим.

— Қулоқ сол. Бўлажак шефингман, — дея ўйланиб қолди Ўтбосар ва бошини дангал кўтарди. — Мансур ака айтганидек, энг тушунарли гап шулки, шу-у озодликка эришдик. Шу сабоқ бизга ҳамиша йўлдош бўлсин!

— Кўп раҳмат, — деди Шотўра. — Аммо тулкилар асосан бизнесчилардан чиқади. Тўғри, кечагача ўзимиз ҳам...

— Мен тушундим. Шу йўлга содиқмиз, чунки бошқа йўл йўқ.

Мансур ҳам ичди-ю, салдан кейин узр сўраб турди. Таниш бутанинг орқасига ўтиб, қайт қилди. Кейин изланиб, жарлик лабидаги ёриқдан юмшаб қолган қор олиб, бетига суртди. Кейин тошга ўтириб нос отди. Ҳаво салқин, аммо пешинга оғаётган куюш нурида Қизилжар тубидаги новватдек қояларнинг ранги очилиб жозибали кўринар, улар орқасидаги арчаларнинг яшил ранги алоҳида кўзга ташланар, кўлтиқларда узун-узун кесилган қуйруқдек қор йилтирар ва қаердадир каклик сайраб қўярди.

Йигитнинг оёғи остидаги ўт-ўлан ғоят тифиз, унда митти-митти чумчуққўздан тортиб кўнғир кўзигуллару оқ-сарик бойчечаклар ҳам очилиб ётарди.

— Яхши, — деб шивирлади Мансур ва боз кўнгли негидир бузилди, боз йиғлагиси келди: нега? Каклиги учунми? Йўқ, бошқа нималарнингдир таъсири ҳам бор эдики, уларни тушуниб-англаб олаётгани ва ўзининг кўнглида мавжуд қандайдир табиий қаноатларига бу мулоҳазали «нарсалар»нинг

ажабтовур мос келаётгани ва бундан пинҳона қувонаётгани бунга боис эди.

Шунинг учунмикан, энди унинг назарида, бу тоғу тошлару арчазорлар, сойлар, кўкатлар, кенг осмон-у ёрқин қуёш нурлари ўзгача яқин-у азизликда кўринар, бу ҳолни шундай изоҳлаш ҳам мумкин эди: унинг, хув, қишлоқ четидаги яланг қирда уйи бор, кўраси бор, боғчаси бор, бироқ булар — бу кенгликлар-да уники, демак, унинг меҳрига шерик, қаровига умидвор, демак, булар ҳам ўзиникидирки, бунча «наrsa»ни қалбга сиғдириш учун энди бошқачароқ бўлиши, бошқачароқ ўйлаши лозим.

... Ниҳоят, қариянинг фотиҳаси, яъни:

— Омин, мурод-мақсадларингга етинглар. Юртимиз тинч, бой-бадавлат бўлсин, илойи. Озоддикнинг нашидасини, сизлар айтгандек, суриб юрайлик бизлар ҳам... — деганидан кейин саёхатчилар кўзғалишди.

Гулханни ўчириб, машина ёнига тушишаркан, Мансур қафасни Ўтбосарга берди.

— Эсдалик.

— Ў-ў, зўр гап, — деди Ўтбосар. — Эшқувват, муни бўлажак музейга кўямиз.

Уларнинг гурунги машина устидаям давом этди: Ўтбосар Шотўра муаллимнинг мачит-пачитга бориш-бормаслигини сўрагач: «Мен ҳам учрамоқчиман имомга, — деди. — Шу атрофда тўртта қабристон бор экан. Мол оралаб юради... Атрофини симтўр билан ўраб кўймоқчиман. Эшқувват сурпга ёздириб келди: «Эй, инсон! Келадиган жойинг шу ер экан-ку оқибат. Топтама!» Ахир, бу қаровсизликлар ҳам кеча атеист бўлиб юрган кунларимиздан мерос...»

Шотўра муаллим вазмин бош ирғаб, унинг қарорини маъқуллади.

Кейин мактабда миллий созлар-асбоблар етишмаслиги, харид қилишга куч йўқлигини ҳасрат қилганди, ёш бизнесмен унинг белидан кучиб қўйди: «Бўлади. Бир-иккита жўраларим бор. Мард йигитлар. «Туман газетасини оталиққа оламиз», деб юришипти. Уларга айтаман... Ака, ҳамжиҳатлик, ўзаро ишонч керак, холос».

— Ҳамжиҳатлик...

— Мана, бизам ҳамжиҳат бўлдик, — деб Эшқувватнинг биқинига тирсаги билан туртди Абулқосим. Эшқувват эса:

— Ўҳ, — деди. — Яна бир турт. Бортдан учиб тушасан!

Тенгқурлар кулишди.

— Эй, юртимиз кенг-а! — деб қолди Олимбой. — Муни қаранглар!.. Ўтбосар, шу-у америкаликлар демакратмиз дейди. Қаерда бир уриш чиқса, ҳозир у нозир — гижгижлайди. Отадай... Аммо ўзларининг шиори бор: «Прежде всего — Америка!»

— Ҳа, — деди Ўтбосар манглайи остидан теваракка боқиб. — Биз ҳам шундай бўлишимиз керак. Ахир, ҳар биримиз ҳам, аввало, Мансур акага ўхшаб уйим-жойим деймиз-ку? Бу табиий йўл. Демак, ҳаммамиз учун Ўзбекистон ягона ватан. Прежде всего... Бошқаси — кейин.

— Юнонларнинг Лукиан деган ёзувчиси ўтган. Эрамиздан аввал. Унинг «Ватан шаънига» деган асари бор. Ундаги биринчи жумла шундай экан: «Ўз она-отасини севмаган фарзанд ўзга ота-оналарни ҳурмат қила билмайди. Ва ўз ватанини севмаган киши ўзгалар ватанини ҳурмат қила олмайди!»

— Уҳ, зўр айтган экан. Ёзиб оламан. Шиор қилиб, қоқиб қўяман, — деди Ўтбосар.

Мансур ўз-ўзича тамшанар, ютинар, ички-азобли бир шодликдан кўнгли тўлиқиб-тўлишиб кетаркан:

— Эй, биродарлар, — деди овози бирдан хира тортиб. — Ўғри ўғрининг кўлига сув қуяр экан. Улар бир-бирини қоронғида топар экан. Ахир, бизлар тўғри одамлармиз-ку? Нимага ўшалардай дўст, ҳамфикр, ҳамжиҳат бўлмаслигимиз керак? Иўк, кечирасизлар, шундай бўляпмиз-у...

— Бу ўзимизга боғлиқ, Ўтбосар. Аммо, ака, сиз ҳам ўткир гап қилдингиз.

— Бугун ўзи фақат ақлли гаплар айтиладиган кун экан, — деб тўнғиллади. Абулқосим. — Лекин бир кишидан ақлли гап чиқмади-да, а, Эшқувват?

Эшқувват уни қисиб-қучоқлаб олди.

— Отвораман!

Машина секинлади.

Шунда мутлақо кутилмаган мўъжиза содир бўлди: машина ортидан учиб, аммо бир сония ҳам тўхтамасдан чуриллаб келаётган бир каклик (какликлар одатда шерикларини ҳам хавфдан огоҳ этиш учун, айниқса, ердан кўтарилганда жуда қаттиқ овоз чиқаришади ва қанотларини ҳам беҳад қаттиқ қарсиллатишади) машинадагиларни ўзига қаратгани ҳолда келди, келди, келди-ю... бортга пасайди.

Қўндим деганда сурилиб кетиб, нақ қафасга урилди. Унинг бўйнидан қон оқар, у — Қорақош эди. Буни қаранги, қуш урилганда, қафас думалаб кетиб, ёнбошлаб қолган жонивор ...қафасига кириб олди. Кўкрагига туф-туфлаётган чол аста кўл узатиб, қафасни тикка қилиб қўйди. Бутун пат-у парлари тик туриб кетган, нафас олиши шундоқ билинаётган қуш бағрини бортга бериб, ётиб олди.

Ниҳоят, ҳамма Мансурга қаради. Мансурнинг кўзлари ғилқ ёшга тўлган эди. У астагина чўнқайиб, қафасни силади. Кейин қафасни кўтариб, какликнинг ўзини силамоқчи бўлувди, жонивор бир сапчиб, эгасининг тиззасига чиқиб олди-да, яна писиб қолди.

— Э, сени қара-ю, қадрдон, — дея Мансур унинг бошини силади. Кейин рўмолчасини чиқариб, қушнинг бўйнини артди. Сўнг тулкининг тиши кирган жойларини очиб бокди. Ва: — Мўъжиза, а, биродарлар? — деди ҳамроҳларининг бу гапни маъқуллашларини истаб.

— Ундан ҳам бадтар, — деди Ўтбосар қушдан кўз олмай. — Ишонасизларми, менинг ҳурматим ошиб кетди бу какликка... — Кейин какликка тикилганча соқолини чимдиб тортаётган Қоровулга дўк қилди:

— Бу сиру синога нима дейсиз энди, қария?

— Оғажон, менинг ёдимга плугдан чиққан чўбир от тушди, — деди чол. — Ўргатиш ёмон бўлар экан-да. Энди хаёл қиламанки, бу жониворни ҳам эркинликка ўрганиши кийин бўлади...

— Мен нима деб эдим?! — дея кучаниб пўписа қилгандек бўлди мусиқа муаллими. — Сен ўзинг айт, эй, туремшик?

— Мен тушундим, — деди Мансур. — Буниям озодликка ўргатиш керак экан. Жонивор, менгаям, қафасгаям жудаям...

— Ана бу бошқа гап! — деди Омонбой. — Андерсон хоним бир қоплонни эркинликка ўргатаман деб...

— Бас, жиндак гапирмай турайлик, — деб қолди шунда Ўтбосар. — Ҳей, ҳайда мошинангни! Фермага ҳайда... Муни даволайлик. Кейин ўйлашиб кўрамиз... Мансур ака, шуни барибир озодликка ўргатасиз-а?

— Ўргатмасам, ҳар нарса бўлай! — деди Ман-сур. — Шундай какликнинг тор қафасда яшаши увол... Мен айбдорман. Мен... Лекин эркинликка ўргатаман. — Кейин бирдан ҳаяжонланиб кетди. — Энди, энди келишида тулкига ҳазир бўлади...

— Бу табиий ҳол, — деди муаллим. — Демак, эркинликка ўргатиш мумкин. — Кейин ҳаммага бир-бир қараб чиқди. — Бизлар ахир, одам бўлатуриб, аранг ўрганияпмизу озодликка... Тўғрими, Хаттабич? Эй, ўша чўбир отингиз кейинчалик тўғри юришни ўрганиб кетганмиди?

— Ҳа, аста-секин, — деди чол. — Кейин жарга учиб...

— Гап тамом.

Шунда Мансур Ўтбосарга ялинди:

— Укажон, тўғри уйга кетайлик. Буни ўзим даволайман. Гиёҳлар билан...

Ўтбосар бошини қийшайтириб, елкасини учириб қўйди.

— Майли, унчалик бўлса.

Йўлни тўсган олатаёқдан нарида Эшқувват билан Ўтбосар қолди. Бошқалар мошинга чиқишаркан, ҳар икки томон ҳам тезда яна учрашишларига кўз тутиб, гўё шундай қилмасалар — нимагадир хиёнат этадигандек каби хўшлашар эди.

Ичаксойнинг у қирғоғига чиққан машина энишга шитоб билан тушиб кетди.

Абулқосим — Абулқосим-да: мошинани тобора тезлатиб, лўкиллашиб кетаркан, тепадагилар беихтиёр бир-бирларининг беллари, елкаларидан қучишар, эди: акс ҳолда... Мансур эса Қорақошни бағрига босиб ўтирар, унга нималарнидир шивирлар эди.

## ЁЗУВЧИ

Хотира ҳақоя

### 1

Кетяпмиз. Йўл узун, ўнг ёнда — Жипортепа қолиб кетди. Чап қўлда — саёз Измасой. Йўл адоғида Қўштут кўринади. Қорайиб, битта бўлиб.

Одил ака олдинда, шофёрнинг ёнида ўтирипти. Оқи кўпайган сийрак сочи бошига ёпишиб қолгандай, толаси қимир этмайди. Мен у кишининг ортида ўтирибман. Ҳаяжонланаман: юртимни кўраётганим, унинг азиз манзараларига кўзим тушаётгани ва бундан ҳадсиз қувонаётганим учунгина эмас, илк қиссаси «Тенгдошлар»ни ўқибоқ меҳрим тушиб қолган, эҳтимолки, юртимни севишга кучлироқ туртки бўлган ва балки қўлга қалам олишга-да ундаган омиллардан бири бўлган асарларини севган адибимга ҳам ёкишини, айтганим — ушбу манзаралар ёкишини истаб-тилаб ҳаяжонланаман ва оғзим тинмайди:

— Одил ака, Жипортепа дегани — Ифорттепа дегани. Ифор бор-ку, гиёҳ... Уни кўрмаган шоирлар гул, деб тасвирлашади. Фақат Фафур Гулом «ифорнинг бўйи», деб тўғри айтган. Унинг ҳиди... бошни айлантириб юборади...

— Закускагаям ярайдими? — Одил ака пиқиллаб кулиб қўяди.

— Ўзи-да, ўзи, — дейди Бахтиёр Ихтиёровга ўхшагани учун Бахтиёр лақабини олган шофёр. — Қатикқа булаб урсангиз, жуда кетади-да!

— Ҳе-хе-хе. Бизбоп экан-да, — дейди Одил ака ва сой узра қорли тоққа қараб, жиддий тортади: айтган гапларига қайтарилажак муқобил муносабат у кишини қизиқтирмайди. Илло, ўша шўхчан муносабатлари анчайин дилдорлик учун, бизнинг кўнглимиз учун, гурунгимиз қизиши учун айтилганини яхши биламан. Ва мен ҳам бирдан жиддий тортиб у киши кўз тиккан тоққа қарайман: нимасини таърифласам экан?

Гап шундаки, Одил ака — меҳмон: «Юртингни бир кўрайлик-чи, мунча мақташади...» деб бир-икки марта айтганларидан кейин, бир тўй баҳона у кишини сафарга чорлагандим ва Одил ака қандайдир зарур ишларидан кечиб, менга қўшилган эдилар. Қолаверса, адиб ўзи туғилган Туркистон манзараларини беҳад севиб тасвирлаган ва у манзараларни ўзимникидек севиб қабул қилган эдимки, шояд менинг юртим кўринишлариям у кишига ёкса, деб ўйлардим: йўқ, истардим ва шунга тиришардим.

Одил ака эса ҳалигидай шўхчан жавоблари билан муносабатини билдириб қўяр ва, табиий, салдан кейин унинг нигоҳини ўзга суратлар тортар, шу асно мен ҳам у кишига «эргашардим»: яна таъриф, тасвир...

Одатда ҳар қандай мезбон ҳам ўзининг суйган меҳмонига шундай муомалада бўлса керак.

Бироқ кўнглимнинг тагида тагин яширин бир ташвиш, айтиш мумкинки, сир бор эди: мен талай катта-кичик ёзувчи-шоирлар билан бу юртга келганман... ўша қорли тоғларгача чиққанмиз ва айримларидан, хусусан, «улкан»ларидан қаноат ҳосил қилмаган эдим: бири, масалан, адашиб қолганинда, ваҳимага тушиб: «Нега адашдинг?» деб туриб олган ва юрагимни қон қилган, бошқаси қоракўл қўйларига, аниқроғи, қоракўл териларига кўпроқ қизиққан ва нукул ўша манзилларни «кўриш»га иштиёқи борлигини такрор-такрор айтганки, олиб борганимда, сафардан мақсади томоша эмаслиги маълум бўлган; ўзимнинг тенгқур адибларим ҳақида эсламайман: улар — ўзга олам...

Энди сиримнинг пардасини янада баландроқ кўтарсам, у шудир: Одил ака ўзини қандай тутаркан? Нималарга қизиқиб, қандай баҳо бераркан?

Э, Худо, у киши ҳам менинг юртимни севиб қолсинлар-да! Ўзлариники каби...

Хуллас калом, дилимдаги яширин ташвиш замирида ана шу ҳадик ҳам ётарди ва мен у кишини беихтиёр кузатиш, таъбир жоиз десангиз, хатти-ҳаракатларига баҳо беришгаям маҳкум эдим: ўз қаноатларим бўйича баҳони кўзда тутаман...

### 2

— Шуми Бойсунтоғ?

— Шу! Бойсунтовнинг тизмаларидан бири, — деб гапга тушиб кетдим. — Чўнтоғми, Чўштоғми — билмайман. Чўнтов дейишади... Сезаяпсизми, Одил ака, тилимизда «жўкчилик» номлари кўпроқ қолган. Лекин, ўзаро гапдаям бемалол учрайверади... Ҳали уйга борайлик, бизнинг отани кўгасиз. Натуральный кўнғирот шевасида гапиреди. Қизик, сизлар ҳам Шайбонилар тарафидан-у, тилларинг тоза, а? Адабийчага яқин?

— Ҳа, шундай, — деб паришон жавоб беради Одил ака. — А, бу тоғларда ёввойи ҳайвонлар кўпми?

— Бор, — деб қўяди Бахтиёр.

— Жуда кўп! — деб тошиб, давом эттираман мен. — Айик, қор қоплони, бўри, тулки, шақол.. Бор!  
— Кейин дамим ичимга туша бошлайди. — Лекин камайиб қолган, Одил ака... Отишади ҳалиям. Браканьер кўп...

— Э, геологлар қуритди, — деб гап қўшади Бах-тиёр.

— Ҳа, — деб илиб кетаман. — Тоғда маъдан кўп-да! Хазина-да бу тоғлар! Ана, кўмир кони...

— Геологлар верталётдан отишар-да?

— А-а, билар экансиз, — деб давом этаман. — Шундай... Аммо кейинги вақтда бошқалар ҳам қуритаяпти...

— Ноинсофлар, — деб тўнғиллайди Одил ака. Ва мен у кишининг юзига қарамоқчи бўламан: ифодаси ҳам сўзига мосмикан? Ёки йўлига айтиб қўйдими?

— Табиатни муҳофаза этадиган идоралар бордир? — Одил ака сўрайди.

— Бо-ор, — деб қўяди Бахтиёр.

— Лекин, тайинлик иш қилмайди, — деб изоҳ бераман мен. Кейин куйиниб, тушунтирган бўламан: — Уларга ким бас келолади, Одил ака? Военниларни айтаяпман... Геологлар ҳам шундай: верталётдан отади-отади...

— Нима?

Одил ака хаёлдан арийди чоғи, кейин:

— Э, шунчаки... — деб пичирлайди-да, яна бирдан кулимсираб шофёрга, сўнг менга қарайди. — Бизга қолгандир? Овга опчиқасанми мени?

— О, албатта, — дейман бояги куйинишларимга зид ўлароқ. — Милтиқ бор... — Сўнг йўлига Бахтиёрдан сўрайман: — Ҳозир нималарни отса бўларкан?

У менга қия қарайди-да:

— Сиз биласиз-да, — дейди.

— Ҳа, сен билишинг керак, — таъкидлайди Одил ака. — Сен овчисан. Матёкиб айтувди. Хотинкўприк-да ондатра овлагани чиққан экансизлар...

— Ҳе, кўп йиллар бурун... — дейман ва чалғимаслигимизни истайман. — Бу ерда ҳозирги вақтда, Одил ака, хўш... тўғрисини айтганда, ов қилиш мумкин эмас: какликлар бола очган, куёнлар ҳам туғаяпти. Бизда уни — товушқон, дейишади. Олтойлар товшон дейишаркан...

У киши ўйчан бош ирғади.

— Яхши, қолган бўлса, яхши, — дейди. Ва бирдан қизишиб кетади. — Қолиши керак-да, чўрт побери! Масалан, келгуси авлодлар ҳам кўриши керак-ку? Биз энди ўтқинчи...

Мен у кишига тикилиб қоламан: асабланиб кетдилар — рост. Бироқ, айтган гаплари — ҳамманинг ҳам оғзидан чиқадиган, модний гаплар.

Шунга қарамай, у кишининг ҳаяжони беихтиёр менгагина эмас, Бахтиёрга ҳам юқади ва биз иккимиз биримиз қўйиб, биримиз олиб, ўғри овчилардан ҳикоя айтган бўламиз, уларни сўкамиз ва ҳатто «верталётни отиш» кераклиги ҳақидаги жасоратгача борамиз. Кейин маълум бўладики, Одил ака Қўштутга қизиқиб қараётган экан. Уларнинг атрофида сув йўқлиги-ю қандай ўсиб тургани ҳақида сўрайди ва ўзи жавоб берган бўлади:

— Ё бирон киши сув қуйиб кетадими?

Мен томоқ қириб қоламан: бу энди — романтика. Ким, қайси азамат яланг дашт ўртасидаги қари тутларни суғориб кетади? Жони қаттиқ экан, ер остидан нам олади-да... Бироқ Бахтиёрга кўзгу орқали кўз қисиб:

— Балки суғоришар, — дейман.

— Ундай бўлса, яхши, — дейди Одил ака. Ва: — Чекамиз-да энди... — дея ёнидаги «Ту»дан бирини олиб, лабига қистиради. Бахтиёр шошиб ёнини кавлайди. Одил ака: — Ничево, гугурт бор, — деб

тутатади. — Ўрислар бу масалада катта ишлар қилишяпти, — дея фикрини давом эттиради кейин. — «Литературная»да «Клён — мой клён», деган мақолани ўқиганмисан?

Ўқиган эдим албатта ва ёқтирган ҳам эдим. Аммо:

— Йўк, ўша сон қўлимга тушмаган бўлса керак, — дейман. Табиий, оғанинг сўзлашини, майли-да, маза қилишини истайман ва яна нималардир қўшимча этса, уни эшитиб қолишни дилимга тугаман. — Қизиқми, Одил ака?

— Жуда зўр. Масалан, мана шундай текис ерда ўсиб туради. Қари бир дарахт. Трасса ўшанинг устидан ўтиши керак... Уни ўртада қолдириб, атрофидан айлантириб ўтказишади йўлни.

— Ў, уккағарлар.

— Тошкентдан чиқишимиз билан тилинг ўзгара бошлади. Тўғри, у ёқдаям билинарди-ю...

— Э, шунчалик ҳам бўлмасинми, Одил ака... Ҳим, лекин баъзан атай гапираман. Эсдан чиқиб кетмасин учун...

Одил ака кулиб қўйди.

— Буям ёмонмас.

### 3

Дарвозамиз. Йўлкамиз. Онам келаётир. Оппоқ: қўйлаги ҳам, туси ҳам. Рўмолнинг ҳам оқидан, каттасидан ёпиниб, учини томоғидан ўтказиб ташлаган. Сезаман: саксондан ошиб кетган эса-да, томоғидаги ажинларни...

— Мен ўлай, Шукуржон. Овора бўп кепсан-да... Шунчаки, сўксаям овозини эшитиб турай, деб эдим... Худоям омонатини олмайди, ҳаммани қийнаб қўйдим...

— Бекор айтибсиз. «Омонатини олмайди» эмиш, — деб ёлғондакам жеркийди дарвозани ланг очиб турган кенжамиз — суюкли укам Хайрулла. — Эрталабдан бери «журагим тушди», деб ҳаммани қўрқитиб юрипти. Уч марта дўхтир кеп кетди... Омонатини топшириб бўпсиз.

Онам ҳам ёлғондакам кулади.

— Укангди биласан-ку?.. Шунинг бориға шукур. Урпоқдан бўлган эди. Туғилди-ю, бошмалдоғини эма кетди. Тавба... Момонг раҳматли синдирибгина қўйди. Ана, икки чиначоғиям қийшиқ питиб қолган... Ассалом-алайкум, меҳмон,

— Ҳа, олдин меҳмон билан кўришинг, — дакки беради Хайрулла. — Улингиз қочиб кетмайди... Одил ака, юринг. Тортинг, ака, улуғсиз.

— Хўш кепсиз, меҳмон, қадамларингиздан айланай... «Устозим билан бораяппан» деб эди бу шогирдингиз... Қўлларида сўмкани ол, маҳмодоналик қилма, Хайри!

Шунда йўлка адоғида бошига оққина қийикни чандиб олган, девкомат отам кўринади. Яноқларининг кенглиги билан Одил акага ўхшаб кетади.

— Хў, Шукурбой ҳам кеп қоптилар-ку? Келинг-келинг, ташканлик.

— Бу киши — Одил Ёқубов! Энг катта ёзувчи! Телевизорда кўргансиз! — деб бақириб уқтиради Хайрулла. — Олдин меҳмон билан кўришинг-е, уккағар.

— Ҳа, эса шундай қиламиз... Хўш кўрдик, мейман... Ҳе, ўзимизга ўхшаб кетар экансиз-ку?

— Ажаб эмас уруғдош чиқиб қолсангиз, — деб яна бақиради Хайрулла.

Кулги кўтарилади. Кўришув. Ўзига хос — ярим қўпол, ярим юмшоқ мулозаматлар.

Ҳазил-хузулдан Одил ака ҳам четда қолмайди.

— Шундай яхши онамиз бор экан, отамиз бор экан. Укангни қара... Шаҳарда нима қилиб юрибсан — хайронман. Масалан, мен ўрнингда бўлганимда...

Яна кулги. Мен ич-ичимда завқланаман: у кипшнинг «онамиз, отамиз» деб, буларни-да ўзиники қилиб гапириши менга мойдай ёқади. Йўк, титратади ва хаёлимнинг бир қатидан Учқун Назаров шу даргоҳга қадам қўйганида, онамни менга ўхшаб: «Эна», деб атагани ва бундан кўзимга ёш келаёзгани эсимга тушади: илло, мен дўстимнинг онасини у каби: «Ая», дейман.

Бу хотирага эргашиб, бошқа икки катта адибнинг бу борадаги муомаласи ёдимга тушади: «Хола» деб атагани бирови, «кампир дадил...» деган эди иккинчиси.

«Юринг, марҳамат, тортинг-тортинг» билан ҳовуз бўйидан ўтиб, болохонага кўтариламиз. Меҳмонхона. Дастурхон. Кўрпачалар, болишлар.



Чўкамиз.

— Ҳа, мейман, хўш кепсиз, — дейди отам фотиҳадан кейин. — Бачалар чопаяптими? Ташканлар жойидами?.. Биздинг. улимиз қалай, бу язувчи? Теккина журиптими? Сўкадиган одатлари бор... Ҳе, булардинг ҳаммаси эрка бўлиб ўсти...

— А, мана шундай домилалари, оғалари бор-да, — деб отамга тушунтирган бўлади онам. — Қадамларидан айланай...

— Хўп. Ҳозирча пастга тушиб, бир айланинг, эна, — дейди Хайрулла. — Келиннинг бир ўзи...

— Ҳа, рост айтдинг. Эсар бўп қолганман. Манавини кўриб, гапданам адашаман...

— Боринг-боринг... Ога, сизам калта қилинг... Анавини сўясизми, ё ўзим...

— Сен баччасан. Ўтир, гурунг бер... Каклигинг қани? Ҳали шу ерда журиб эди.

— Ҳозир опкеламан... Ҳа, бир пиёладан чой ичайлик, кейин... Нима дедингиз, ўртоқ Холмирзаев?

Одил ака авайлаб сўрайди:

— Полвон ака, сиз Шукурнинг чин отасими?

— Э, чиниям биз, ўгайи ҳам — биз, — дейди отам. — Бир қаричлигида кўлимизга тушган... Шунинг изидан худайим мана буларни берди. Бундан каттаканиям бор. Апасиям бор... Шукурбойдинг отасини мулла одам дейишади. Қамалиб, жўқ бўп кетган. Сибир-да... Сўнг энаси биздинг кўлимизга тушган. Худайга шукур, нолиймаймиз, яшаб келаяппиз. Бу яғигаям худа пошша... Агар омонатини олмаса, яна уч-тўрт жил...

— Э, бўлди-е, — деб жеркийди Хайрулла. — Уккағарлар кейинги вақтда нукул «омонат-помонат» деб гапирадиган бўлишди... Қаришнинг белгиси бу, ота! Уят! Бўйинга опкўйибсизлар... Унда муддатидан олдин чақириб қолипга мумкин.

Кулимсираб ўтирган Одил ака бизларга зимдан тез қараб олади ва:

— Хайрулла менга ёқди. Очиқ гапирар экан... Сизлар ҳам кўнгилга олмас экансизлар, — дейди. — Шукур, сен ҳам шундайми? Тоза сипо бўп қолдинг?

— Ў, шундан ўрганган-да ҳаммаси, — дейди отам. — Ҳа, эса, мен турайин.

У киши туриб кетганидан сўнг Одил ака чойдан хўплаб хонага зехн солади. У кишининг назарини кузатиб турган Хайрулла айрим суратлар ҳақида гапириб берган бўлади. Пичоқ, милтиқ, камчи ҳақида сўзлайди-да, бирдан менга қараб им қоқди: «Ҳалигиндан кўяйми? Е гўшт ковурилсинми?»

Унинг нигоҳини Одил ака сезган чиқар, ҳар хил хаёлга бормасин деб очиқ гапираман:

— Опкелавер... Нима дедингиз, Одил ака?

— А, уними? — деб пиқ-пиқ кулади Одил ака. — Қаршилиқ йўқ... Хайрулла — уйнинг эгаси. Унга бўйсунушдан бошқа иложимиз йўқ... Шу, олдин қўлни чайиб олсак бўларди...

— Ўтиринг-ўтиринг, домилла, — деб туриб кетади Хайрулла. — Дасшў бор, опкеламан... — Кейин уйдан чиқиб, айвонда бақиради. — Ҳе, Холбек, қаяқда юрибсан? Мен сенга нима деган эдим?.. Азизани кўтар! Ҳовузга-тушиб кетса, ўзинг ҳам тушасан кейин... Каклик катакка кирдимми?

#### 4

Шу пайт йироқдан — йўлкадан ёшликдаги дўстим Нурилланнинг шўхчан овози янгради:

— Саломалекум, Полвон бобо! Қассобликни яна бошляпсиз-ку?.. Э, ундай жоткизмайди-е! Менга беринг...

— Ўтинг-ўтинг, — дейди отам. — Биз мол сўйиб журганда, сиз отангизди қулоғида эдингиз... Шукур келди. Мейманам келди. Одил ака дегич. Тепада.

— Ҳа, эса, ҳаром томири эсдан чиқиб қолмасин...

— Э, боринг-е, тажикти ўзбакка иш ўргатганини қаранг. Қондан кўрқади-ю бу.

— Мен кўрқар эканманми? Ҳе, босмачи... Йўқ, полвон бобо, нимага мени тожик дейсиз? Қатаған қачондан бери тожик бўлиб қолди? — астойдил куйиниб дейди Нурилла ва овозини кўтаради. — Ҳозир ёзувчидан сўраймиз!

— Уйингиздаям жиккиллаб тажикчалаб жотасиз-у, тагин ўзбекман, дейсиз.

— Ҳе, энди...

Онамнинг овози эшитилади:

— Нуриллажон, кўйинг у кишини. У кипга учун кўнғиротдан бошқаси бекор.

- Шу-шу, сахройи-да.
- Кеча гулларимни ўриб, молга берди. Тавба... Юқорига чиқинг...
- Э, анави каптарбозми? Кечирасан, какликбоз, қалайсан? Бургутга ўхша-аб қараб турибсан, а? Мен какликка ўхшайманми? Сираям ўхшамайман-да.
- Чиқинг-е, кўп гапирмай! — дағдаға қилади Хайрулла. — Капитан бўлдим, деб, ҳе, тилингиз узун бўп қопти. Бизга язна бўлсангизам кўркмайман...
- Кўркмайсан-а, кўркмайсан... Акангни ҳурмат қиламан-да! Йўғасам сени жойинг...
- Шунда отам бақириб юборади:
- Ҳей, Нурилла, чиқсанг чиқ тўбага! Бўлмаса, мана бу аррик экан, ўзингди жотқизаман!
- Эшитдингми, Нури? — деб кулади онам.
- Ўлай агар, холажон, фақат шу кишидан кўрқаман, — дейди Нурилла ва зум ўтмай, зинапоя таптуп этади-да, ёзги — оппоқ милиция капитани формасида Нурилла киради. — Ассалому алайкум! Турманглар! Одил ака, ўтиринг-э... Ҳа-а, раҳмат. Хуш кепсиз энди? Қийналмай келдингизми? Узоқ йўл, кун иссиқ... — Одил ака паст товушда нималардир дейди. Англайманки, ўзининг жавоби эмас, бошқаларнинг гап-сўзию саволи қизиқтиради. — Ҳа, сиз-чи Шукур? — деб мен билан сўрашади дўстим. — Келин-кепчик, болалар, а? Ҳаммаси жойида? Яхши... Мен Нуриллага чой узатаман. Одил ака эса унга манглайи остидан боқиб сўрайди:
- Сиз қатаған уруғиданми?
- Чисти қататон, — жавоб беради Нурилла жид-дий тортиб. — Нимаиди, Одил ака?
- Йў, ўзим, масалан... Кечирасиз, бу ерда қатағанлар ҳам тожикча сўзлашадими?
- Йўғ-е, — деб орқага тортилади Нурилла ва чўккалаб ўтириб олади. Кейин менга қараб қўйиб, давом этади: — Лекин кўп жойларда тожикча сўзлашади... Нимага шундай, а, Шукур? Ҳайронман. Шукур ҳам шунга қизиққан эди, сабабини билолмадик... — У баттар тажангланиб кетади. — Шу Бойсуннинг кам деганда ўттиз фойиз одами — қатағонлар. Лекин йигирма беш фойизи десам ҳам муболаға бўлмайди, тожикча гаплашиб юради. Ана, атлас фабрикаси! Ярим қизи — бизнинг уруғдан...
- С-слабий бир уруғ-да, — деб Хайрулла арокни унинг олдига қўяди. — Эрта-индин ўрисча сўзлашиб кетишим ҳеч гап эмас... Нима дедингиз, язнажон? Сизлар олдинда юрасизлар-да, а? Шамол қаёқдан эсса, ўша ёққа бурилиб, тўғрими?
- Алжима, — деб қўяди Нурилла. — Ўрисга қарши ташвиқот қилаяпти, деб акт тузаман. Хайрулла қийшиқ битган жимжилоғини кўрсатиб, бир нима дейди. Ҳаммамиз кулиб юборамиз. Одил ака ҳам силкиниб куладилар-у, кейин менга боқадилар.
- Шукур, бизнинг уруғ ҳам — қатаған, — дейди. Ва мезбонлар бир-бирига ялт-юлт этиб қарашади. Сўнг Нурилла шишани олиб чайкатади-да, укамнинг боши узра кўтаради.
- Нима қилай, э, кўнғирот бачча? Шукур, рухсат берасизми?... Майли, кечирдим. Аммо билиб олдингми язнанг кимлардан эканини? Отанггаям ат; энанггаям айт! Бойсунга жар сол... Милиция капитани Нурилла Муртазаев Одил Ёқубовнинг уруғидан де! — Укам боёқиш ийманиб, лабини қимтиб жилмаяди. Мен ҳам қандайдир уялган кишидек кулимсирайман.
- Бироқ ичдан яна ҳаяжондаман: Одил Ёқубовнинг уруғдошлари Бойсунда! Йўк: Сурхон ўлкасида қанча қатағон бор? Вой, тавба! Туркистон қайда-ю, Сурхон қайда?
- Тўғри, мен бу уруғлар тарихини, ҳарқалай, биламан ва бу юрт ҳам қадим Туркистоннинг бир парчаси экани кундек аён: бироқ ҳайратга тушаман, холос. Ва Нурилланинг, ниҳоят, жиддий саволга чоғланганини кўриб, ўзим ҳам Одил акага бурилиб ўтираман.
- Одил ака? — дейди Нурилла ва жим бўлади.
- Унинг саволи маъносини англаган Одил ака:
- Ҳа-ха, — дейди чордана қуриб ва аллақандай букчайиб. — Мен эшитган эдим. Сал-пал билардим ҳам. Масалан... Лекин менга сизларнинг муомалаларинг жуда ёқди. Бевосита, панимаете... Непосредственность бор, а, Шукур?
- Мен енгил нафас олиб:
- Ҳа, шундай экан. Мен ҳам бу ердан узоқлашгач, сездим бу ҳолни, — дейман.
- Шунда Хайрулла ҳам хижолатдан чиққандек, ирғиб туриб, тахмондан лўла болиш олади-да, Одил аканинг тирсагига қўяди.
- Ёнбошлаб ўтиринг...

Одил ака бирдан бурилиб, унинг елкасига қоқади.

— Яхши йигит экансан, Хайрулла... Вот, — дея даврага юзланади. — Ўзбекнинг қизиқлиги, ранг-баранглиги мана шунда, ўртоқлар. Биз буни тушуниб, қалбларимизга сингдириб олишимиз керак, токи битта яхлит миллат эканимиз, битта Ўзбекистон деган ватанимиз борлигига ҳар дам, ҳар онда имон келтириб, унинг билан, масалан, фахрланиб, унинг ҳимоясига ҳар он тайёр туришимиз лозим, деб ўйлайман.

— Раҳмат. Яшанг, Одил ака, — дейди Нурилла бениҳоя чуқур фикрни эшитгандек. Кейин бирдан кулади. — Сен ҳам эшитдингми, Хайрулла?

— Бўлди энди, — деб тўнғиллаб кўяди укам. Ва менга қарайди. — Сал қовурдоқ бор эди...

— Опке, — дейман.

— Ҳозир...

— Матлабга кўнғироқ қип қўй... Базм нечада бошланади? Нурилла, сиз бақовулдирсиз?

— Ҳа, ширинхонага хўжайинман... Соат... Бир ярим соатдан кейин турамиз... — Шундай дейди-ю, эшик оғзида тўхтаб қолган Хайруллага дўқ қилади: — Бор энди! Опке опкеладиганингни!.. Олдинроқ сўйиб қўймайсизларми шу кўзини? Ҳе, пухта бўп кетаяпсан-да сен ҳам...

Хайрулла чопиб чиқиб кетади.

## 5

Бир оздан кейин менинг яна икки дўстим: яқинда Ёзувчилар уюшмасига қабул қилинган, «Тоғ ҳикоялари»нинг муаллифи Исмат (бурун) Норбоев билан шаҳар санъаткорларининг устози, машшоқ Абдуқаюм Абдулхаев кириб келишди.

Шўхликда улар ҳам Нурилладан қолишмайди. Хайрулла укам билан бемалол гаплашишда ҳам, онам-отамга эркинсирашда ҳам. Одил акага ҳурмат кўрсатишда ҳам дарҳол бир умумийлик кўзга ташландики, дақиқалар орасида эл бўлиб кетишди, яъни, келганлари билинмай қолди.

Ниҳоят, сўйилган кўзининг қовурдоғи ҳам келди. Яна шиша очилди ва Одил ака ҳам даврага қўшилиб-сингиб, унинг бир доимий аъзосига айланиб қолдики, энди мезбонларнинг меҳмон демасдан, яъни, Одил акага ортиқ эхтиром билдирмасдан муомала қилишлари-да, қолаверса, ҳазил-қочирма гап отишлари-ю, Одил аканинг баҳоли қудрат жавоб беришларида билинади бу...

Шунинг учундирки, бизни тўйхонага олиб кетгани келган Бахтиёр қаҳқаҳамиз устидан чиқиб:

— Ё, қудратингдан, — дея ёқасини ушлади, — Одил ака, сизни танимай қолдим: ўлай агар, тирноқча парқларинг бўлса... У ёқда — тревога, машҳур ёзувчи келаркан, деб кўчага чиқишди одамлар... Турасизларми?

Тўйхона. Одамлар. Давра. Текисланиб, сув сепилган майдондан чанг ҳиди келади. Аммо давра устидан кесишиб ўтган симларда чироқлар ёниши билан хаёл чалғийди ва қўлбола ўриндиқларга ўтиришаётган қиз-жувонларга кўз тушади. Уларнинг қошидан ўтаётган навжувон йигитлар-у вазмин-вазмин эркаклар у томонга майин, қитмирона гаплар отишади ва у ёқдан ҳам шунга муносиб тагдор гаплар чиқади.

— Сизларда бемалол ўтиришаркан-а? — дейди Одил ака сочининг кўзи устига тушганига атай парво қилмасдан сигарет бурқситаётган Исматга. — Паранжи ёпинишганми бу ерда? Бизда, масалан, паранжи бўлмаган ҳисоб...

— Ғирт ўзимиз экансиз-да, домиллажон, — дейди Исмат хиёл қизарган кўзларини бақрайтириб. — А Шукур?.. Ана, Шукур даштдаям яшаган. Даштдаям аёллар юзини очиб юради. Бемалол... Тоғдаям. Шаҳарнинг марказида паранжи ёпинишган албатта... Шуюм, менимча, бой оилаларда...

— Тўғри айтаяпти, — дейман мен ва тарихга шўнғиётганимни билмай қоламан. — Паранжининг ислом дини билан алоқаси бўлмаган, Одил ака. Ислом тарқалишидан бир ярим минг йил бурун ҳам шу ёпинчиқ бўлган экан...

— Шундаям кибор оилаларда.

— Раҳмат.

— Ҳар хил типлар кўп экан-а?

— Ў, домиллажон, тентак ҳам шу ерда, соғ ҳам, — деб хитоб қилади Исмат. — Мана, масалан, мана бу ғижжакчининг қошига қаранг. Пайваста... Ҳе, аканг айлансин! Анави «жандармерия»да тук ҳам йўқ.

Нуриллада...

Мен яна тушунтиришга ҳаракат қиламан:

— Бойсунликлар асли — қурама халқ, Одил ака. Қўнғирот, қатағон, тожикдан бошқа — қовчин ҳам бор, олчин ҳам бор, чағатаю турк ҳам бор...

— Э, ҳаммаси ўзбек-да, — дейди Исмат инжиқланиб ва жилмайиб ўтирган Абдуқаюмни кўрсатади. — Бу қаламқошли ким тожик дейди? Ўлай агар, уйдаям ўзбекча гапиради... Тўғрими, ўзинг айт? Одил ака, кулоқ солинг.

Абдуқаюм кулиб, шикоятомуз тарзда айтади:

— Шунақа, Одил ака. Хотиним бўлса: «Сен ўзбекларга сотилгансан», дейди. Болаларим ҳам ўзбек мактабига қатнайди. Тожик мактаби бор — боришмайди. Нима қилай?.. Мана бу миршабнинг уйига кирдингизми?

Столимиз олдида қўлини белига тираб турган Нурилла:

— Ғийбатимни қилма, Қаюм, — дейди таҳдид билан. — Ана, Менгли келди. Айтаман, чакангга ёпиштирилган пулдан бир сўминиям қолдирмайди...

— Шундай ҳам қил, — дейди Абдуқаюм кулиб, — ўйинчимга айтаман, орқангдан қолмайди, то сени касод қилмагунча... Исмат, ишонмайсиз-да, буни шарманда қилиш мумкин... Тўғри айтасиз, бундан бир сўм чиқса, тамом, уйкудан қолади... Айтмоқчи, Одил ака, наҳот сизнинг уруғингиздан-а, шу милиса?

— Ҳе, куйибгина кул бўл, — дейди Нурилла бу ёққа қарамай. — Сен хойин...

Одил ака сигарет чекади ва қаршимизда кулимсираб келаётган баланд бўйли, қирра бурун йигитга тикилиб қолади. У йигит келиб, Нуриллага «кишт» дегандай қўл учини силкитади-да, менга илжайиб қўйиб, Одил акага қўл узатади.

— Ассалом алайкум. Хўш кўрдик, Одил ака... Кечирасиз, мен шу тўйнинг эгасиман... Ҳой, нимага таништирмай ўтирибсизлар? Майли, ҳали кўраман... Ўзим таништираман: мана бу ёнингиздаги ёзувчига тоға бўламан мен. Ёлғиз тоғасининг ўғлиман. Тоғаман. Хўш, мен тўйга таклиф этганман... Мана бу шайканиям. Аттангки, буларнинг ҳаммаси — менинг жўраларим... Бурун билан бирга ўқиганмиз. Абдуқаюм кейин қўшилган. Бу киши — ўртоқ Холмирзаевнинг ўртоғи. Келаётиб деворидан чақирмадимми?.. Шундай одати бор эди. Ўша ерда томоқни хўллаб, кейин уйга келардилар... Ҳа, сизни юзхотир қилган...

Шунда Нурилла унга дўқ қилади:

— Мундай ўтириб гаплаш! Яхши кутиб олдинг, раҳмат... Қаранглар, кўчага чиқиб, бағрини очди-я! Ахир, бир тўйчи бўлса шунчалик бўлади-да...

Матлабжон унинг гапига парво қилмай Одил акадан узр сўрайди:

— Келинингизни уруғлари келиб эди. То кўришиб, фотиҳа ўқигунча...

— Э, ничево, Матлабжон, — дейди Одил ака. — Узр сўрашингизни ҳеч ҳам ҳожати йўқ. Мен бу даврада, биласизми, масалан, ўзимнинг ёшликдаги ёр-дўстларимни кўрдим. Мен Бойсунга келганимдан жуда хурсандман.

— Илойи, шундай бўлсин, — дейди Матлаб самимият билан. — Ҳали хурсанд қилишга ҳаракат қиламиз... Нурил, эрталаб тоққа чиқасизлар-а? Шукур ака, биз шундай план туздик. Мен бу ерда келдикетди билан бўламан. Сизлар тоғда айланиб, дам олиб келасизлар. Кейин яна...

— Айтмоқчи, молларингни кўрсат менга... Одамлар ўрнашгунча вақт бор ҳали, — деб чиранади Нурилла. — Семизгина бир улоқ бўлса бўлди. Тандир қиламиз... Одил ака, улоқда ёғ кам бўлади, кабоби яхши чиқади.

— А машҳур тандир кабоб, — деб қўяди Одил ака. — Яхши. Матлабжон, сиз даврага қаранг.

— Раҳмат, Одил ака. Келганингиз учун минг раҳмат... Бу ер — ўз уйингиз. Мана бу йигитлар...

— Одил акамни шайкабоши қиламиз, — деб пихиллаб кулади Исмат. — Эшитяпсанми, ҳей, миршаб? Жўрабошилиқдан чиқдинг! — Кейин менга қараб, баттар пихиллайди. — Бир қатағандан кутилиб, иккинчисига тутилар эканмиз-да...

— Дод, — деб қўяди Нурилла.

Кулги-кулги билан Матлаб кетади. Кейин Нурилла ҳам узр сўраб, унинг изидан йўрғалайди.

Салдан кейин Абдуқаюм ҳам:

— Кечирасизлар... Одил ака, маъзур тутасиз, биз — хизматга, — деб туриб кетди-ю, унинг «ғийбати» бошланди.

— «Шалолола»ни эшитганмисиз, «Шалолола»ни? — деб сўради Исмат Одил акадан.

— А, фольклор ансамблими?

— Отангизга раҳмат, домиллажон... Ўзбекистонда биринчи халқ ансамбли! Польшада иккинчи ўринни олиб келди. Дунё бўйича. Кумуш болтани опкелди! Музейда турипти... Насиб бўлса, кўрасиз уни... — Кейин: — Оҳ! — деб пешонасига урди Исмат. — Шунинг эвазига ансамбл тарқатилди.

— Как это? Тушунтириб айтинг, Исматжон, — деди Одил ака ва менга қараб кулди. — Бу — парадокс-ку, Шукур? Унинг пешонасини силаш ўрнига тарқатсалар.

— Шукур, айтинг, айтиб беринг. Мен бир айланиб келай. Матлабнинг тўйи... — деб Исмат ҳам кўзгалди ва рўпарамизга келиб, жой олаётган Хайруллага та-йинлади: — Сен қараш... Хизматда бўл! Матлаб — сенгаям тоға! Мошинасини ҳайдайсан...

— Тоғам бўлгани учун ҳам мошинасини ташладим, — деди Хайрулла ғижиниб. — Асалчилик қиламан. Куним ўтади... Боринг, хизмат қилинг. Мен қилиб қўйганман... Одил ака, қалай бўляпти дам олиш? Қишлоқнинг тўйи-да...

— Ҳаммаси жойида, — деди Одил ака. — Всё нормальни... — Кейин Исматга қараб кулди. — Бизгаям хизмат бўлса, айтинглар. Ўзимизнинг жўрабоши деб қўйдинглар-ку?

— Ҳе, янги жўрабошининг қурбони бўлай! — Исмат столга ёпиқ докани шарт кўтарди. Ноз-неъматлар очилди. — Мана, хизмат! Сиз бошлаб бермагунча, сузилиб ўтиради Шукур ҳам... Кўк чой ичасизми, қора?

— Бизга барибир. Сизлар ичадиганиям бўлаверади... — Одил ака зўр аския қилгандай кулиб, мендан сўради: — Кечирасан, Шукур, «Шалолола»ни нима учун мундай жазоладилар?

— Э, «Шалолола»ни гапиряписизларми, — деди Хайрулла. — У мендан сўзлашга рухсат сўрагандай қараш қилди-да, давом этди: — Бу шўрликлар юртдан чиқмаган. Туркияни бўлса, яхши кўришади... Ўзимиз ҳам бир ҳисобда — турк-да. Тўғрими?

— Тўғри.

Хайрулла жонланиб, бамаъни суҳбатга қўшилганидан, табиий, хурсанд бўлиб, давом этди:

— Қаюм аканинг айтишича, булар Польшага боргандан кейин Туркиядан келган ансамбл қатнашчилари билан учрашиб қолишади. Таги бир, тили бир. Бир-бирини соғиниб юрган эмасми, мана мундай ош-қатиқ бўлиб кетишади.

Мен Одил аканинг ҳайрон бўлмаслигини кутувдим. У киши, аминман — бунинг сабабини билганлари ҳолда:

— Нахотки? — деб бирдан қизишиб кетди. — Ахир, бу яхши ходиса-ку? Масалан, бир халқ вакиллари бошқа халқ вакиллари билан яқинлашса... Қолаверса, а, Шукур, ўша кўриклар деймизми, мусобақалар деймизми, ўтишидан мақсад нима? Халқларни бир-бирига яқинлаштириш эмасми?

— Худди шундай. Раҳмат, Одил ака, — дейман мен ва қўлларимни ёзиб илжайман. — На чора...

— Суволичлар, — деб тўнғиллайди Одил ака ва укам менга олайиб қарайди: «Ёмон-ку бу одам?» — Вот, шундай қилиб, тарқалиб кетдимми?

— Официальни-да, — жавоб беради Хайрулла. — Лекин ҳозир ўзларини кўрасиз. Буларни тарқатиб бўпти...

Одил ака ўйланиб қолади.

## 7

«Шалолола»нинг ўзаги — «Яқ-қу!» бўлса керакки, қўшиқнинг суръати-ю ифода шакли, яъни, қўр тўққан йигитларнинг ўзига хос рақси тез орада вилоятдан ҳам чиқиб кетди; қўшни вилоят кишилари «Шалолола»ни «Яқ-қу» орқали эслайдиган бўлиб қолишди.

Бу қўшиқда нима борки, одамни тезда махлиё қилади? Ва руҳингни кўтариб, нимадир қилиқлар қилишга ундайди?

Таъқиқланган ансамблнинг, демак, маън этилган «кўзири» ижро этиларкан, даврани деярли доирасимон ўраб олган оломон гурс-гурс қарсак чалар, кўплар ўринларидан туриб кетишган, қандайдир

ёввойи кий-қириқлар-да авж ола бошлар экан, ўлай агар, Одил акани таниб бўлмас эди.

Япалоқ юзидаги Чингизхонниқига ўхшаш қошлари чимирилиб кетган, бироқ ул улуг хондан фарқли ўлароқ ҳаяжонга йўғрилиб, ўқтин-ўқтин шивирлар эди:

— Нима бу?

Мен у киши эшитадиган даражада сайрай бошладим:

— Ана чол, ўтирипти-ку ўртада. Ўша чол охири ўрнидан туриб, йигитларга кўшилиши керак. Яъни, у тирилади... Нима учун тирилиши бошқа масала.

— Э, ўшаниси керак-да. Демак, муҳим бир маъно бор экан бунда! Лекин сўзлари...

— Сўзлари кўп ўзгарган.

— Яқ-ку — нима дегани? Яқ кувми?

Одил аканинг беихтиёр оғзидан чиқиб кетган бу сўз, назаримда, «Яқ-ку»нинг янгитдан кашф этилган маъносидек туюлди: чиндан ҳам «яқ» билан «ақ» — оҳангдош, «ку» эса — шундоқ ҳам «кув» шаклида айтилади. Бундан хулоса чиқадики, ўртадаги чол — қандайдир «оқ қув», яъни, оққуш бўлиши мумкин... Ярадордир? Касалдир? Ҳолдан тойгандир у? Оқибат, ёш-яланг тазйиқи, шахди-жаҳди билан ўрнидан туриб кетади.

— Ў-а, бўлиши мумкин, — дейман тезгина юқори-да айтганимни хаёлдан кечириб. Сўнгра Абдуқаям ташкил этган бу ансамблнинг ғоявий раҳбари — жияним Холиқ Хуррамов билан ушбу сўз мағзини чақишдаги уринишимизни айтаман: — Лекин, Одил ака, қадимги турк тилида «Яғ-ғу» деган сўз ҳам бор...

— «Буяғ» эмасми?

— А-а, буям кизиқ вариант. Буяғ — унвон, даража бўлса керак, а?

— Шундай.

— «Яа-ғу»да маъно кўпроққа ўхшайди, Одил ака...

Я-ғу — ёв десак, демак, қабилани ёв босаяпти, туриш керак — оёққа қалқиш керак, деган маъно борга ўхшайди мана шу ҳаракатларда... Демак, ўлаётган чол ҳам ёв босаётганини англаб, ўрнидан туради... Бу — ўзига хос пантамимо...

— Йўқ, анави шарҳингда жон бор... Ҳим, всё-таки, жуда қадимги қўшиқ экан-да, — гўё хулосага кела бошлайди Одил ака. — Қара, йигитларнинг ҳаракатлариям ёвқур.

— Ҳа..

— Ҳе-е, биз кўп нарсани унутганмиз... Унутишга мажбур қилишган: арабиям, форсиям, ўрисям...

Мен аста томоқ қириб қўяман. Укам кўзини олайтиради. Қандайдир хизматларини қилиб келиб, Одил аканинг ёнига — жойига ўтириб олган ва атай суҳбатимизга кулоқ бераётган Исмаи, ниҳоят, ғулдираб қолади:

— Ўрис... шу, шу... Шунинг сиёсати етди бошимизга... Хайрият, Бойсун бор... Бойсун — халадильник, Одил ака. Бунга одамниям консервация қилиб тикиб қўйиш мумкин... Бузилмасдан тураверади. Бир кун келиб, қарабсизки...

— Исмаи, гапларингизни тушунмаяпман, — дейди Одил ака. — Кейин айтасиз.

— Тўғри, кейин айтаман... Лекин Бойсун бузилди. Кейинги вақтда. Усмон рост айтади: «Кетиб қопти Бойсундан Бойсун!» А-а, отанга раҳмат, Усмонжон...

## 8

Шу пайт ўртани обораётган Собиржон — Матлабнинг она томондан жияни — журналист микрофонга чертиб, тарқалаётган яқ-қучиларга раҳмат айтди-да:

— Ўртоқлар, жиндақ гурунг ҳам керак, — деб қолди. — Бу ҳарбий қўшиқдан кейин, майли, ҳарбийча гурунг бўлсин... Нима? Ўзим бошлаб бераман.

Қаердандир ортимизга етиб келган Нурилла Исмаига бир нималар дея шивирлар экан, Одил ака — Иккинчи Жаҳон урушининг охириги кунларида Манжурияда хизмат қилган собиқ ҳарбий яна чимирилиб:

— Эштайлик, — деб қўяди. Шу билан қўшнилар ҳам жимийди ва Собирнинг янгроқ овози тарала бошлайди:

— Ана, этакдаги Шаҳид гузарда Омон полвон деган киши ўтган экан. У киши Афғонистонга бориб,

кўп полвонларни енгиб, лекин тиришма деган касални орттириб келган, кейин тиришиб вафот этган эканлар. У кишидан бир кизу бир ўғил қолган бўлиб, ўғилнинг номи Абдурахмон экан. У киши ҳам отасидек полвон бўлиб етишади ва Бойсунда биринчи марта ташкил бўлган халқ театрида ишлайди. Қатор рўллар ўйнайди..

Одил ака менга савол назари билан қарайдилар. Мен «сабр қилинг, гап бор» дегандай ишшаииб кўяман.

— Жаҳон уруши бошланиб, Абдурахмон полвон фронтга кетади ва Русиянинг ғарбий чегаралари учун бўлган жангларнинг бирида бедарак йўқолади. Яъни, Матлаб акамларга шундай извешение келади: «Безвести пропал...»

Кимлардир:

— Йўқ, ундай эмас... — дейишди. Энди Исмат уларни босди:

— Охиригача эшитинглар. Илтимос, оғажонлар... Буям бир нарсани билар...

— Йиллар кетидан йиллар ўтади. Абдурахмон полвон бедарак йўқолганча қолаверади, — деб давом этди Собиржон. — Бу орада Матлаб ака эр йигит бўлади. Қишлоқ хўжалик институтини битиради. Районга келиб, агроном бўлиб ишлайди. Ниҳоят, «Хамза» совхозига директор...

— Э, тоғангиз ҳақида гапиряпти-ку? — дейди Одил ака туйкус мамнун бўлиб кетиб. — Чекишга олинг-е... Да, сўзга чечан экан бу йигит...

— Шу ўтган йиллар орасида Матлаб ака бир орзу билан яшайди, — яна давом этарди Собир. — «Отам қандай қилиб йўқолиб қолиши мумкин? Тўрт мучали соғ одам ҳам ғойиб бўладими? Ўлган бўлса — ўлигини, тирик бўлса — дарагини топаман», деб юрадилар-у, Иттифокнинг барча чегара вилоятларига кетма-кет запрос юбориб турадилар. Қарабсизки, Белоруссиядан жавоб келипти: «Отангиз шу ерда дафн этилган. Қардошлик мозорида. У киши партизанлар орасида жанг қилган ва қўлга тушиб, ярадор ҳолда кўмилган. Фашистлар кўмиб юборишган. Марҳамат, келинг, ўртоқ Абдурахмонов!»

Одил ака сигаретни ерга ташлаб юборди. Кўзи қандайдир ялтираб:

— Фожиа, фожиа, — деди. — Эй, ўттиз йиллаб билишмаса, айтишмаса? «Бедарак йўқолди» — вассалом. Нима бу, одамнинг қадр шунчалик бўлдими? Ахир, у шу Иттифокни ҳимоя қиламан деб борган эди-ку?

Шуни айтишим керакки, давра аҳлининг бир кўзи биз тарафда, аниқроғи, Одил акада, шу-чун бу ерда гап-сўз бўлиб қолса, давранинг раиси ҳам сўзини тўхтатиб турарди.

Табиийки, Одил аканинг фавкулудда қизишиб айтган гапларини қаторимиздагилар эшитди.

Собир эшитмаган эса-да, маъносини тахмин қилдимиз — маъкул ишораси-ла бош ирғиб, тагин давом этди:

— Бордик... Матлаб ака мен билан Умиджонни ҳам олиб Белоруссияга жўнадилар. Минскдан у ёғига мошинада, кейин тракторда кетдик. Қор қалин экан. Борсак, бир қайинзор... — Одил аканинг кўзида ёш кўриб, мениям кўнглим бузилди. У киши хўрсиниб, ароқдан бир хўплаб қўйдилар-да:

— Ҳе, Шукур, менга нақадар таниш, — дедилар. — «Эр бошига иш тушсални ўқигансан-а?»

— Ҳа..

— Айтмоқчи бўлган сўзим шуки, — деб ҳикоясига яқун ясай бошлади Собир, — агар Абдурахмон полвон тирик бўлганларида, шу давранинг тўрида савлат тўкиб ўтирган бўлардилар... Мана, у кишининг ўрнида неваралари Алишер ўтирипти... Ҳе, чолларнинг олди-да. Каравотда...

Шунда Одил ака:

— Мен бир оғиз гапирсамми, — деб қолдилар менга. Мен шошиб, Собирга қўл кўтардим. У:

— Гурунгни эшитганларинг учун раҳмат. Навбат яна «Шалола»га! «Ҳалинчак»... — деди-да, гуррос чапаклар остида микрофонни таглигига ўрнатиб, қошимизга йўрғалаб келди. — Ассалому алайкум, Одил ака!

— Салом, Собиржон. Яхши йигит экансиз, сўзамол... Шукур, Собирга узатинг. Томоғини хўллаб олсин... Да, кечирасиз, Собиржон, сиз ҳам армияда хизмат қилганмисиз?

— Ў-ў, бу Афғонистонни оламан, деб бориб, зўрға қутулиб келди-ку, — деди Исмат.

Кулги бўлди.

«Шалола»нинг юлдузига айлана бошлаган Сайёра Қозиева икки йигит елкасига обкашдек кўтарган «арғимчок»ка ўтирган ҳолда кўшиқ айтиб «чикди»:

— Ҳалинчак-е, ҳалинчак, Ҳалинчакда келинчак...

Кўшиқнинг учинчи ё тўртинчи марта айтилиши — аниқроғи, қайсидир замонларда айтилган халқ кўшиғининг қайтадан кашф этилиши эканки, ўзаро суҳбатимиз бўлиниб қолиб, унга қулоқ тутдик: ўйноқи, шўх, дилга яқин...

Ниҳоят, кўшиққа ўйин уланиб кетди. Хайрулланинг ёнида — бизга қараб ўтирган Собиржон:

— Одил ака, менга бошқа саволлар йўқми? — деб сўради. — Балки сўз айтарсиз, эълон қилайми?

Мен бош ирғадим. Одил ака:

— Айтмоқчи, ҳа, ижозат бўлса, биз ҳам икки оғиз сўз айтсак, — дедилар. — Лекин кейинроқ... Қизларингиз ҳам жуда тушишар экан! А, Шукур?.. Нимага биттанглар ҳам бу ердан уйланмагансизлар? На Усмон, На Эркин, на сен... Ҳе-ҳе-ҳе... Биламан, тушунаман: тақдир-пешана...

— Шу-шу, — дедим. — Биз Муқаддасларга етишганмиз, холос... Собиржон, Одил акамнинг «Муқаддас» қиссаларини ўқигансиз-а?

— Мактабда! — деб юборди у ва Одил акага қўлини узатди. — Ўшани ёзган қўлингизни бир қисиб кўяй!

Одил ака илжайиб, унга қўлини берди. Сўнг:

— Ваенний зақалкангиз бор, — деди. — Айтмақчи, Авғанда хизмат қилгансиз-а?

— Ҳа, Одил ака. Афғониниям кўрдик... Унча-мунча сирларга кўзимиз очилиб ҳам келдик...

— Масалан? — Одил ака чамаси йўлига сўради-ю, кейин қизиқиб тикилди. — Ўша сирлардан биронтасини айтишингиз мумкинми? Агар, военний тайна бўлмаса...

— Э, тайна бўлсаям айтавераман... Бу жон — фойдага қолган, Одил ака!

Одил ака жиддий тортди: шундай ёш йигит шунақа деса... Кейин ўйинни ҳам унутиб, тагин чимирилиб олди.

— Қулағим сизда.

Собиржон ёш бўлишига қарамай, давраларимизнинг собит иштирокчиси эди; ҳазил-хузул бобида ҳам «отасини аямас», айна чоғда дангалчи ҳам эди.

— Э, нимасини айтасиз, — деди у. — Мен... шовинизмни кўриб келдим! — Кейин тўхтовсиз давом этди: — Ертўлага кириб яшириндик. Ўқ ёғилаяпти. Томга тирсиллаб урилгани эшитилади. Камандирнинг тўппончаси тушиб қопти. Бизга буюради: «Вихадити, ишите!» деб авчаркага буюргандай... Бизлар энди, тушунамиз, «қоралармиз». Ким ўлишни истайди? Чикқан йигит ўлади. Сўзсиз... Бирдан автаматни ўзига қаратдим: «Вихади сам, сука», дедим. Болалар ҳам автаматларини ўнглашди... Ҳе, кўркмас экан-да., деб зўрға кутулди...

Биз унинг оғзига қараб қолгандик. У — Собиржон анчайин бир нарсани айтгандай:

— Лекин қасдини олди, — деди кейин. — Просто имконият туғилиб қолди-да унга... Икки йил ўтди. Яна уч ой хизмат қилдик... Уруш-да. Настоящий уруш...

— Тасаввур қиламан.

— Бизга жавоб бўлди. Ўрнимизга папальнение келди... Шунда бир заставани духлар ўраб олгани маълум бўлди. Камандир ялина кетди: «Бу малакасослар порохни ҳидламаган. Бир рейд қилинлар. Охирги марта...» Ҳаммамиз руҳан тайёрмиз: кетишга! Юртни соғинганмиз. Дўстларни. Ота-онани... Жавоб берилган куни ўлиб кетиш — абидна-да! Йўқ, дедик. Хизмат — тамом, дедик. Биз уже нима учун, қим учун урушаётганимизни тушуниб бўлган эдик... «Йўқ» деб туриб олди. Паспортларимизни йиғштириб олди-да: «Трибуналга бераман!» деди. Ноилож жашта кирдик... Ўн саккиз йигит эдик. Ўн биттамыз қолди.

— Ўлди?

— Ҳа... Ҳе, у ерда бизнинг кадримиз йўқ эди... Бир ҳисобда яхши бўлди: кўзимиз очилди...

— Ҳа. Ҳеч қачон кадримиз бўлмаган, — деди Одил ака бошини эгиб-ирғаб. — Ўф-ф, хайронсан...

Шунда Исмат:

— Бўлди-е, — деб қолди. — Эсламайлик... Мана, — оғзини очиб, тилла тишларини кўрсатди. — Қани тишларим? Таъмни биладиган оппоқ тишларим? Ўзга юртда қолди, — деб бирдан шивирлади. — Ракетний базада қолди. Бировнинг сочи, тирноғи, менинг тишларим қолди. Бир суткада чол бўлдим...

Қулиб юбордик. Кулгимиз албатта Исматга ёқди. Аммо қадрини янаям кўтариш учунми, Хайруллага



дўқ қилди:

— Сен нимага куласан, жўжахўроз? Порохни хидламаган? Акам ёзувчи деб...

— Да, идите... — деб юборди Хайрулла. — Қаяғдан билибсиз искамаганимни? — Кейин Одил акага қараб шикоят қилди: — Олти ой гаупвахтада ётдим. Ҳозир ҳам совуқ текса, белим оғрийди... Солардим-да, «чуч-мек» деганини...

Одил ака кўлини узатиб, унинг билагидан ушлади. Кейин бошқа кўли билан Собирнинг кўлини тутмоқчи эди — у тутди. Шунда Исмаат ҳам шошиб, кўдини чўзди-ю, Одил аканинг тирсагидан ушлади. Одил ака унга кулиб қўйиб:

— Раҳмат сизларга, — деди. — Мен хурсандман... — Кўзлари яна ғилқ ёшга тўлди. — Мен фахрланаман... Ана энди сўз берсангиз, майли, Собиржон.

## 10

— Азиз меҳмонлар! Йигитлар, қизлар! Матлабжон — Абдурахмон тоғамизнинг... шу Ватан учун, халқ учун, каттакон Иттифоқ учун, қолаверса, масалан, Белоруссиянинг озодлиги йўлида жонини қурбон қилиб, етарлича кадр кўрмаган оғамизнинг ўғиллари, Матлабжон! Авваламбор, тўйларинг муборак бўлсин! — деб одатдагича қайтариқ, изоҳ ва ҳаяжон билан бошладилар Одил ака. Ва «Тошкентдан тўйга етиб келган» машхур ёзувчини олқишлаб чалинган чапакка тўлиб кетди давра. Нотиқ бундан илҳомланиб, айна чоғда кўнгли хийла хотиржам тортгандек, яъни, маърака ўзимники бўлди, деган каби давом этдилар: — Менинг Бойсунга келганимга, масалан, бир неча соат вақт бўлди, холос. Бироқ мен буни, бу қадимги ўлкани... Алпомишнинг ватани, Алпомишлар ватанини, яна масалан, Шукур ёзганидек, қадимий Бақтриянинг марказларидан бирини кўрибгина қолишга эмас, унинг мард, танти ва тўғрисўз йигитлари билан танишишга улгурдимки, бундан ўзимни, масалан, бахтли ҳис қиламан... — Яна чапак гуриллаб кетди. Одил ака сўз излагандек кўримизга кўз ташлаб олиб, хитоб қилдилар. — Биз язувчилар ўзбекнинг характери деганда, кўпроқ Фарғана водийси одамларини кўзда тутамиз. Ман, масалан, ўзим туғилган Туркистон одамларини кўз олдимга келтираман... Келтирар эдим...

Одил аканинг нутқини қисқартириб айтиш мум-кинки, оқибат, гапни — тўйбола Алишерга оптушиб боғлаб:

— Абдурахмон ака бобонгдек, отанг Матлабжондек бўл! Ўзбекда бир мақол бор: «Болангдан ҳурмат истасанг, отангни ҳурмат қил», дейдилар. Бунинг маъноси бениҳоя чуқурдир... Отанг Матлабжоннинг ўз падари бузруквори Абдурахмон полвон учун қилган фарзандлик бурчи — сен учун сабоқ бўлсин, — дегандан сўнг Матлабнинг ёр-дўстларини бирма-бир тилга олиб: — Булар шу тупрокда туғилиб ўсган мард, танти, сўзи билан иши бир ўғлонлардир! Буларнинг деярли ҳаммасини ватанпарвар, шу юрт учун ҳеч нарчасини аямайдиган, унинг ор-номуси учун охиригача кураша-диган йигитлардирки, булар ҳам сен учун, масалан, ибрат намунаси бўлиб қолишига ишонаман! Ахир, куш инида кўрганини қилади, дейди-ку халқимиз... — дея Собиржон узатган пиёлани олиб ва кулимсираб: — Қани, шу гапларга қўшилган ўртақдар шу оби зам-замдан кўтарганча олсинлар, — деб, кулги-қийқириқ остида пиёлани бўшатдилар.

Шундан кейин яна кўшиқ, ўйин, сўз айтиш давом этди. Ниҳоят, ўйинни билмайдиганлар ҳам ўртага тушиб, сўз берилмаганлар ҳам нутқ ирод қила бошлагач, бизлар Нурилла жўрабоши раҳнамолигида кўзғалиб, ушбу давра адоғида, яъни, шу бедапояннинг этагида тикилган ўтовга бориб кирдик.

Эртаси «касал оши»ни ичиб, тоққа жўнадик: ўша қорли чўққининг пойига...

## 11

Адирлар. Тўлқиндек кўтарилиб-пасайиб кетган ва тек қотган тўлқинларга-да ўхшайди. Фақат булар сарик: буғдойпоялар, лалмикор қирлар. Тошлоқ йўлни ғажигандек ўрлаб бораётган «Газик» секинлаганда, солланиб турган хайригул шоҳида зарғалдоқ сайрайди. У шу қадар хотиржамки, биздан жилла ҳайиқмайди ва шу тариқа бизнинг кўнглимизга ҳам бир осудалик, хатто лоқайдликка яқин туйғулар бахш этади.

Мошинада чайқалиб-чайқалиб кетаверсанг... Аммо шахсан мен кўнглим тагида бу йўллардан

юрганларимни, салдан кейин қандай муюлиш келишини ва чамаси, қайси жойда уловни тўхтатиб, Одил акага «мақтаниш»ни, тўғрироғи, мақташни ўйлайман ва туйқус эслайманки, бирон ярим чакирим ўрлаб боргач, ўнгга кескин қайрилиб, сувсиз сойдан ўтамиз...

Ёзнинг мана шу кунларида унинг суви қуриydi, яъни, Хўжақўчқор ота айрисидан тушаётган шаршаранинг бир ҳовуч бўлиб қолган муздек суви сойнинг ўша ерларида — тош ораликларига сингиб кетади.

— Бахтиёржон, Қоплондарага энишда бир тўхтата-сиз, — дейман. Ва ёнимда ўтирган Нуриллага қарайман. — Ҳалиги жойни бир кўриб ўтайлик.

— Ҳа, — дейди Нурилла ҳушёр тортиб. — Одил ака, бир қизик жой бор-да, яввойи хурмо ўсиб ётади... Шукур топган уни. Айтиб беринг, Шукур. — Сўнг нарига сурилмоқчи бўлиб, семизгина улоқнинг бўйнидан кучганича мизғиб келаётган Исматни бурчакка тикади. Исмат ихрайди. Нурилла уни гавдаси билан мендан тўсади. Исмат унинг елкасига муштлагач, Нурилла унга илкис бурилиб қарайди ва кулади. — Э, сен шу ердамисан?

Исмат унинг елкасига яна бир мушт уради. Одил ака кулишни афтидан хаёлгаям келтирмайди.

— Шукур, роса ўраб ташлаган-а? — дейди. — Ахир, қанца канцов, бу ҳол халқнинг ғазабини келтиради-ку! Қачонгача чидаш мумкин...

Ҳаммамиз жим қоламиз. Чунки жилла изоҳсиз аёнки, биз мустамлака, қараммиз...

Буни тан олгимиз келмайди, холос...

## 12

— Ҳа-е, золимгаям боққан бало бордир-да, — дейди Нурилла. — Ҳокимияти абадий эмас... Тўғрими, Одил ака? Ҳеч қачон ҳокимият абадий бўлмаган. Тарихдан маълум-да... Нимага туртасан, бурнингни эшик қисиб олсин! Ахир, мен тарих факультетини битирганман, ғалча.

— Нурилла, тўғри айтасиз, — дейди Одил ака ҳамон жиддийлик билан. — Ҳеч қандай истибдод, империя, салтанатлар абадий қолмаган. Бари ўткинчи. Ўзимиз қоламиз, халқимиз қолади, юртимиз қолади. Фақат кўп шикастлар еймиз-да... Шукур, нега кўшилмаяпсан? Нимани ўйлаяпсан? Айтмоқчи, сен бу гапларни биздан ҳам яхшироқ билишинг керак, эсселарингда кўп ёзгансан... Да, мана шу — тасалли, ўртоқлар. Лекин қараб турмаслигимиз керак. Ҳар ким баҳоли қудрат...

Бахтиёр менга қаради.

— Тўхтат, — дедим. — Кечирасиз, Одил ака... Ҳалиги жойни бир кўрайлик.

— Ҳа, Нурилла айтувди.

Сойга энаверишда таққа тўхтади мошина. Бирин-кетин тушдик. Куннинг иссиғи дарҳол билинди. Атроф чигирткаларнинг чирқ-чирқ, жиз-биз этган товушларига тўла, рангсиз янтоқлар, итқовунлар муаллақ турганга ўхшар эди.

Мен тиканлар оралаб, соҳилдан бир оз юриб, нариги қирғоқ ўрқачини кўрсатдим.

— Одил ака, ўшанда ёш эдим. Ўн икки ё ўн учда эдим. Пастда қолиб кетган Паданг қишлоғидан бир Ибодуллабой деган чол ва унинг ўғли Абдурасул билан овга чиққандим... Мана шу ерга келганимда, ана ўша сариқ тош ёнидан бир каклик учиб чиқди. Чиқди. Ер остидан чиққандай... Отдим. Типирчилади-ю, ғойиб бўлди. Яна ер остига кириб кетгандай...

— Юриб гапиринг, юриб, — деди Нурилла. — Барибир пастга тушамиз-ку?

— Эй, Шукуржон, қайтишда кирармиз, салқин-да, — деб қолди Исмат. — Кун қизимасдан арчага етиб олайлик... Уҳ, қовоғини қаранг. Юринг-юринг. Ҳе, бу одамнинг бўлгани шу: минг марта хўп дейди-ю, билганидан қолмайди.

Одил ака менга қизиқиш билан қараб турарди.

— Ерга сингиб кетди, шундайми?

— Ҳим, ҳарқалай, бир гап бор, деб ўша ерга тушиб бордим. Қарасам, бир тешик бор. Ичкарида сув шилдираяпти... Ана шу сойнинг сувида..

— Қаранг, Одил ака, сувнинг қаёққа кетишини билиб бўлмайди, а? — тушунтирди Нурилла мамнунлик билан. — Ҳолбуки, у анави арнага кириб кетади-да...

— Ҳа, ернинг остида дара бор экан, — дедим ва сўқмоқдан эна кетдим.

Улар ҳам бир амаллаб қуйига, аслида сой ўгган ерга тупшшди. Мен қирюқ бағрида қорайиб турган

ўйиққа энгашиб кирдим. Кейин бошқалар ҳам киришди. Тепадан ёруғ тушиб турарди, биз чанғароғи очиқ ўтов ичига киргандик: биқинларни сув емириб, камар қилиб юборган...

— Мана шу ер нимаси биландир Тешиктошни эслатади, а, Исмат? — деди Нурилла. — Эшитгансиз-а, Одил ака, неандертал одами яшаган торни? Ташқарига чиқсак, кўринади!.. Тоғи кўринади-да! Катман чоптининг...

— Бўлди, бўлди. Биламан, — деди Одил ака ва яна бирдан яйраб кетди. — Ажойиб мамлакат... Ҳе, йигитлар, буни севинглар, бу билан фахрланинглар... Хато қилмасам, Тешиктош — Ўрта Осиёда ягона тор.

— Ягона, — деди Исмат.

— Шу-шу. Ҳе, Одил ака, биласиз! — деб талтайиб кулди Нурилла. — Мана бу Исмат бўлса, ўқимаган, билмайди... Китобим чиқди, дейди. Ишонмайман шунинг асар ёзишига... Мунинг афтига бир қаранг: наҳотки шу ёзувчи бўлса?!

— Отаман сени, — деди Исмат. — Кейин семиз бир қобонни отдим, деб ҳикоя қилиб ёзаман.

Шу пайт Бахтиёр шошилиб бурилди ва тешиқдан сиртга чиқди. Исмат ҳам ғулдираб унинг изидан чиқди. Нурилла менга ҳайратланиб қаради. Мен унга. Шу пайт ташқаридан Исматнинг:

— Нури-ил! — дегани эшитилди.

— Бўлди, улоқ чиқиб қочган, — деди Нурилла. — Чиқайлик, Одил ака. Кайтишда яна кирамиз. Бу торнинг давоми бу ёқда... Бир кун юрсангиз ҳам охирига етолмайсиз...

Одил ака алланечук завқланиб турарди.

— Улоқ қочиб кетган бўлса, нима қиласизлар? — деди. Худди унинг қутилиб кетишидан манфаатдор одамдек. — Шошманглар, бу савол-да.

— Жавоби шу, — деди Нурилла. — Шопирди еймиз... Э, куласиз-а, Одил ака...

— Юринглар-е. Омон бўлинглар... Сизларнинг муомалаларинг ҳам уникални...

### 13

Ҳаво қизиётир: ҳар дўнгалда, ёнбағирда сароб жимирлайди. Қушларнинг овози йироқлардан келади. Тупроқ йўлда илон излари. Осмон кенгайиб ва чуқурлашиб кетган. Биз учовлон ҳам табиатнинг бир толғин бўлагидек сўқмоқда турибмиз: қошлар чимирилган, юзда ҳорғинлик.

Чиқиб келган йўлимиз ҳе-е пастликда, ўйиқдан ўрлаб келганга ўхшайди. Ўйиқ оёғида — кишлоқ қорайиб кўринади. Йўлнинг давоми бир айланибоқ палахса тошлар сочилиб ётган — кўтир кирга тирмашади. Қирнинг ўрқачларида палахсалар йирик-йирик ва тобора ўсиб каттариб борганга ўхшайдики, оқибат дарз кетган чўққилар ҳосил қилади.

Биз беихтиёр ўша томонга қараб-қараб қўямиз. Нимагаки, улоқнинг дараги ўша ёқдан чиқади: улоқ-эчки жонивор ҳамма вақт баланд-бузуқ жойларга қочади. Олис авлодлари кийикларни эслармикан қочаётганда...

Табиий, Бахтиёр у ёққа олдин чопиб кетган. Исмат кейин унга эргашган...

— Одил ака, мошинанинг соясига ўтинг. Ўтинг, ака. Кун ўлғир қизиди. Тош-да тош... Ярим соатдан кейин жаннатга борамиз. Шукур, Қўққиянинг нари ўнгирида яхши шабада бор-да... Қизик, қишин-ёзин эсиб туради...

Нурилланинг гапидан мақсад — Одил акани овутиш, чехрасини очиш.

Одил ака сўзни тўғри қабул қиладилар ва миқ этмай мошина ёнига йўл оладилар. Биз ҳам бурилган чоғда юқоридан шовқин келади:

— Кетди-ии!

Қараймиз: қора-сарғиш узун жунлари (қил дейишга тил бормайди) селкиллаб ва ялтиллаб тушиб келяпти улоқча. Нақ устимиздан энади.

— Шукур, Шукур, — деб ташвиш-ла шивирлайди Нурилла. Хатосиз англайман: жонивор ўтиб кетиб қолади: биз ҳам қувлаб тутолмаймиз бу буғдойпоялар-да. Уни тўхтатиб қолиш учун нима қилиш керак? Битта йўл бор.

Мен:

— Ҳозир, — дейман Нуриллага ва отилиб, кабинага суқиламан. Тимирскиланиб, орқа ойна тагида чўзилтириб қўйилган биротар ов милтиғини оламан. Сўнг ўша ердаги дастурхону карзиналарни нари-

берига суриб, уч-тўртта картон патронли ўқ топаман. Иккитасини олиб, ерга тушаман-да, бирини дархол милтиққа жойлайман. Ва шу ернинг ўзидаёқ кўндокни елкага тираб, улоқни нишонга оламан: кўкраги ўнг келди. Бўлмайди: гўшти қорайиб кетади... Ҳозир, ҳозир. Барибир бурилади...

Ҳақиқатан ҳам улоқча бизга кўзи тушиб, нақ тиканли буғдойпояга бурилади ва бизлар қимир этмай турган эсақ-да, мақсадимизни жуда яхши биладигандек сакраб-сакраб ёнимиздан ўта бошлайди. Мей унинг олдинги оёқларини нишонга оламан: чўккалаган кўйи думалаб ёнимизга тушади...

Шунда сезаманки, ёнимда узатилган кўл милтиқ стволидан ушлайди.

— Ҳа? — деб бақирганимни сезган пайтимда Одил акани кўраман. — Нега?

— Отманг, илтимос... — У кишининг чехрасида қандайдир хавотирми-изтиробми, ишқилиб омухта бир ифодани кўраман ва беихтиёр хавотирланиб қоламан.

— Нимага?... Кечирасиз, у кетяпти... Одил ака, кўлингизни олинг.

— Шукур!

Мен дўқни эшитаман ва аъзойи баданим бўшашиб кетади. Аммо ҳамон умидворлик билан улоқнинг кетидан қарайман: олтмиш-етмиш метрлар пастлади. Ҳозир ҳам...

Шунда рўпарамизда Бахтиёр кўринади ва нимагадир қоқилиб учиб тушади. Унинг ортидан чиққан Исмат мендан нафратланган каби бақиради:

— Нега отмай турибсиз?

Нурилла ишора билан Одил акани кўрсатади. У пишнаб тўхтади-да, Бахтиёрни сўқади:

— Ўл-е, тўғри йўлда йиқилиб юрсанг! Туф де, кал бўласан... Сендан одам чиқмайди! Ўлай агар сен билан юрсам, очдан ўлдирасан мени... Матлабга айтиб, ишдан ҳайдатмасам кўрасан! Ҳой, қаяққа бораяпсан? Мошинани мин! Ҳайда! — Исмат олдимиздан ўтади. — Кечирасиз, Одил ака, унга етиб бўлмайди... Э, пичокни ол, Нурилла!

Нурилла ихтиёрсиз бир тарзда биқинини пайпаслайди-да:

— Кабинада! — дейди.

Мен милтиқни буклаб, патронни оламан. Сўнг ствол ичига бир кўзимни қисиб қарайман: қирланипти... Пуфлайман. Кейин Нурилладан сўрайман:

— Бу кимнинг милтиғи ўзи?

— Матлабники бўлса керак... Эрталаб Исмат сўраганда, «мошинада бор», деб эди.

Шунда англаб қоламанки, Одил акани (қандайдир) хижолатдан халос қилишни истаяпмиз.

## 14

Одил ака аста бурилиб, харсанг ёнига борди. Кейин бинафша ранг бўлиб гуллаб турган абрук тупидан бир чангал юлқиб олиб ҳидлаганча қоянинг у томонига ўтади-да, сойга қараб ўтиради.

Биз кўзларимиз қисинқираб, этакка қараймиз: улоқча ҳамон қочиб бораяпти... қутилиб кетадигандек. Мошина унинг изидан тушган, чанг кўтариб эна-япти.

— Шукур, хафа бўлдилар, — дейди Нурилла улоғ-у мошина ҳақида гапираётгандай.

— Ҳа, — дейман. — Исмат ўлгурнинг гапийам тегди... Юринг, кўнглини кўтарайлик.

— Сезилиб қолади, бир минут сабр қилинг... Чекинг. Гугуртчўпни ташламанг...

— Мошинада кетипти.

— Яхши одам-а?

— Ҳа..

— Кўнгли очик экан... — Сўнг қикиллаб кулади... — Мундай одамни алдаш осон.

— Ўлинг.

— Омади гап-да бу... Содда эканлар. Эй, нимага шундай бўлади, а? Ойбекниям кўп алдашар экан-а? Хотини сотиб олган кўмирга пул тўлаб юрганми?

— Улар ишонади, — дейман тумшайиб. — Ишонишни истайди... Э, бир-биригата ишонмасанг, бу дунёнинг нима кераги бор... Биламан, сиз ҳеч кимга ишонмайсиз...

— Оббо! Ахир, болалиқдан бирга ўсдик... Бирон марта сездингизми сизни алдаганимни?

— Бошқаларни-чи?

У яна қикиллаб кулади.

— Милиса халқи сергумон бўлиши керак... Лекин, менимча, Одил аканинг кўнглиям бўш экан.

— Билмадим... Лекин жойи келганда, отасиниям аямайди! Шу... бўридай ташланади. Кўрганман-да... Ўзи мард одамлар содда келади, тўғрими?

— Шу гапингиз тўғри... Ана, тутишди! — Нурилла шодон бакириб юборади.

Ҳақиқатан ҳам, мошина тўхтагани, Исматми, Бахтиёрми чанг ичида чўнкайиб ўтирганига кўзим тушди. Ва аста Одил акага қарайман. Нурилла ҳам қарайди ва икковлон жиламиз. Одил ака ҳам ўрнидан туради ва афтидан нимадир дейиш учун:

— Сўйиб опкелса керак, а? — дейди.

— Албатта, — дейди Нурилла. — Эчки шайтон бўлади-да, Одил ака. Ўлишини билади. Шунинг учун анавиндай боғлаб кўйиб пичокни қайрай беринг, бағиллай беради...

— Барибир йиртқичимиз-да... — дейди Одил ака. — Шуни боқамиз, тарбия қиламиз-да, бир куни сўйиб еймиз... Шукур, сен ҳам шафқатсиз экансан...

— Гап бунда эмас, Одил ака, мен шунчаки... Ана, қочиб кетди. Барибир сўйилди...

— Йўқ, Шукур, барибир Одил акам ҳақ, — дейди Нурилла. — Уй ҳайвонини отиш, а, Одил ака, сал... номарддик. Кечирасиз, Шукур, ўша пайтда милтиқ қўлимда бўлса, мен ҳам... — У яна қикиллаб кулади.

Одил ака эса ўз ҳаракатига, ниҳоят, сабаб топгандай:

— Конечно, номардлик бўларди, — дейди ва бутун вужуди ишончга тўлади. — Ўзларинг мард йигитсизлар... Ҳар битталаринг — бир шахс. Бу — мақташ эмас. Ҳатто Хайрулланнинг «чучмек» деганларига чидай олмасдан бировларни уриши ҳам менга яқди: одам ўзини, шаънини ҳимоя қилиши керак... Тўғри, бу ишни ҳар ким ҳар хилда қилади... Масалан, Собиржоннинг автаматни камандирига қаратиши ҳам — бир жасорат, ҳимоя...

— Тўшюнчаси йўқолса, трибуналга беришади-я? — ўзини анойига солиб сўрайди Нурилла.

— Шак-шубҳасиз! — дейди Одил ака ва бу масалага нуқта қўйгандай енгил тортиб, ўрнидан туради. — Келишяпти... Исмат ҳам яхши йигит. Лекин унинг жисмоний камчилигини юзига солиш, менимча, яхши эмас.

— Вей, Одил ака, унинг камчилигини юзига солдимми? — деб ҳайрон бўлади Нурилла. — Мен фактни айтдим, холос. Камчиликка келадиган бўлсак, унинг турган-битгани... Астағфурилло! Кечирасизлар.

Куламиз. Одил акаям силкиниб кулади-да:

— Ундай бўлса, мен... масалан, каминага қандай баҳо берган бўлур эдингиз?

Нурилла менга кўз қисиб юборади-да:

— Сизми? Юсуф пайғамбардан тирноқча фарқингиз йўқ, — деб хитоб қилади.

Одил ака буралиб-буралиб кулади.

— Юсуф пайғамбар... Ҳим, масалан, кўрганмисиз у зотни? — Кейин менинг билгимдан ушлайди. — Мен Юсуф пайғамбарга ўхшар эмишман... Ўзини кўрганмисиз? — яна сўрайди.

— Кўрганман, — дейди Нурилла. — Худди ўзисиз. Уям ёзувчи бўлган. «Юсуф-Зулайҳо»ни ёзган.

Одил ака яна чайқалиб-чайқалиб кулади. Мен зсам Худога шукрона айтаман. Одил ака ўзимизники бўлди-колди.

## 15

«Газик» етиб келгач, ҳар қайсимиз ўз жойимизга кириб ўтираемиз.

Ва мошина палахса тошлар сочиб ташлагандай адир бетидан ғингшиб, лўкиллаб ўрлар экан, кечаги ўтиришнинг таъсири билина бошлади: Исматнинг кўзи юмилиб-юмилиб кетади, Нурилла унинг елкасига бутун оғирлигини ташлаб олади. Мен оёғимиз остида чўзилиб ётган — аллақачон қотиб қолган улоқчани нари-бери сураман ва Одил акага қараб-қараб қўяман.

Ниҳоят, паст-паст арчалар учрай бошлайди ва ўрқачдан эсаётган шабада уларнинг бўйларини олиб келади. Мен, ниҳоят, енгил тортаман: энди Одил ака яйрайди албатта. Тоғни кўргандай бўлади.

Одил ака янги манзара таъсирини бояги сўзига улаб юборади:

— Ахир, шу юртни... ўзларинг ҳам севибгина қолмай, унинг ҳимоясига ҳам тайёр турасизлар-ку? Ёки хато қилаяпманми? Шукур, мени тузатиб қўй.

— Хато қилган бўлсангиз, албатта, тузатардим, — дейман мен. — Бироқ, бизга ошириброк баҳо бераяп-сиз, холос... Тўғри-тўғри, бу — бизнинг ватан...

- Одил аканиям ватани шу, — жаҳл билан дейди Исмат.
- Ҳа, албатта, — дейман мен тезгина ва Одил ака:
- Туркистон ҳам сизларники, — деб менга қараб кўядилар. — Шўрлик Туркистон... Кафтдеккина жойни шу номда атаймиз ҳозир. Шунгаям қаршилиқ қилинмаётгани учун шукур қиламиз...
- Ничево, — дейман мен. — Ҳали ҳаммаси битта бўлади, Одил ака... Бу — башорат эмас. Бу - факт... Йигирманчи йиллар, Туркистон мухториятини эсланг, ҳамма хатти-ҳаракат шу йўлда: мустақиллик, озодлик, Туркистоннинг бирлиги учун бўлганди... Чўлпон, Қодирийлар, Фитратлар...
- Да-да, ҳаммасининг ғояси шу бўлган, — таъкидлайди Одил ва пиқ-пиқлаб кулади. — Орамизда шипиян йўқ-а? Йўқ... Ҳазиллашдим. — Сўнгра ойнадан йироқларга шоирона тикилиб туриб, давом этади: — Ажабо, ҳаммамизнинг кўнглимиз бир-а? Яратганга шукур дейсан киши...
- Кўнглимизми, кўнглимиз, албатта — битта, — деб кўяди Нурилла.
- Бунга шубҳа бўлиши мумкин эмас, — дейди Исмат бўғилиб. Ва йўталиб қолади-да, бурчакка тикилиб ғулдирайди: — Фақат мана шу жандармериядан хавфим бор.. Одил ака, бунинг кўнгли шу ерда, дейсизми? Хато қиласиз, оғажон... Бу! Бу — манфаатнинг қули! Ичи бузуқ, кир...
- Унга жилмайиб, сабр қилиб турган Нурилла бирдан кафти билан оғзини ёпади.
- Одил ака, буюринг, бу бузғунчини нима қилай? Шу Зовбошидан ташлаб юборайми?
- Одил акани буларнинг гап-сўзидан кўра айтилган бир ном кўпроқ қизиқтиради.
- Нима «боши?»
- Зовбоши... — Нурилла ҳам беихтиёр Исматни бўшатиб, ўнг тарафга қарайди-да, менга шивирлайди: — Томчи булоқда тўхтаймизми?
- Майли, суви бўлса...
- Суви бўлади, — дейди ва шофёрга буюради: — Бахтижон, хув қамишлар ёнида бир оёқ илдир... Суви бор экан... Арчанинг соясига ҳайда...

16

- Мошина дарз кетган ясси тош устига қалқиб чиқиб тўхтайди. Биз шодон инқиллашиб, пастга туша бошлаймиз. Исмат қарзинани кўтариб тушаркан:
- Кўп тўхтамаймиз-да, — дейди. — Юзта-юзта урамиз-у, дальши олға! — Ва Бахтиёрга бақириб юборади: — Кўрпачани олмайсанми? Сени тўшаб ўтираммизми?
- Пажолиста, — дейди шофёр. — Тўшолсангиз...
- Ўлмапсиз шу аскиянгиз билан... Армияга бориб, кантужин бўп келди... Одил ака, ҳазил эмас, хаёли кирди-чиқди бўлиб қолган бунинг.
- Зов лабига борган Одил ака пастда осмон қадар кенг ва чуқур дарани қоплаб ётган чангалзор-жунглига тикилар экан, сергакланиб қайрилади.
- Нима? Бу кишиям Афғонистонга борганми?
- Қайта Афғонистонга борсам яхши эди, — дейди Бахтиёр. — Ўзим билардим нима қилишни...
- Ажабо, шунча манзара Одил аканинг ёдидан чиқиб кетади ва Бахтиёрга бошдан-оёқ зехн соларкан, кўзига бир нима кўриниб кетгандай шимолга — туя ўрқачидай кўтарилиб кетган қирлар оралиғига тикилиб қолади.
- Биз ҳам беихтиёр ўша ёққа боқамиз-у, оралиқ адо-ғида — кўндаланг ўтган тепалик устида, кўш арча тагида турган ғалати мошинага кўзимиз тушади: усти чодир билан ёпилган... Ғалатилиги шундаки, у осмондан тушиб қолгандай, илло, у ерга мошина зоти чиқа олмайди.
- Исмат, нима у? — дейман.
- Мошина, — дейди Исмат. — Эй, Бахти, дурбининг борми?.. Миршаб, улар кимлар бўлди? Тутун чиқаяпти... Ҳе, кўр бўл. Чапроққа қара! Қуруқ ўтин ёнаяпти. Шунинг учун тутуни сийрак... Эй, тепада арча ўсиб турипти...
- Ҳа, ким бўлсаям — бегона, — деди Нурилла. — Мошинаси... У ерга тирактир чиқипш мумкин, Одил ака... Ё сен чиқоласанми, Бахтиёр?
- Бе, шу ерга зўрға чикдим-у, — деди Бахтиёр ва иккиланмай айтди: — Улар военилар бўлиши керак... Мошина воениларники. Кўриниб турипти-ку? Устидаги тент. Бортовой... Дам олишга келган бўлишлари керак...

— Ҳа, Термиз томондан кеп туришади. Бола-чақаси билан, — тасдиқлайди Нурилла. — Лекин ўша ёққа чиқиши шартмиди... Исмат? Ў ерда сув йўк.

— Кетдик, Одил ака, — дейди Исмат ва дарҳол сўзига таҳрир киритади: — Мен бориб келай...

— Борсак, бирга борамиз, — дейди Нурилла.

— Бўлмаса, юр!

— Одил ака, сиз ўтира туринг... Шукур, Зовни кўрсатинг. Зов дегани — тик-текис бет...

Ҳамон у ёқдан кўз узмай, аммо гап-сўзни тинглаб турган Одил ака фавқулудда қизариб кетиб:

— Нега... нега мени қолдирмоқчисиз? — деб зуғум қилади. — Нима бу? Мени аяганингизми, Нурилла?

— Кечирасиз, жон Одил ака, — деб ёлворади Исмат. — Марҳамат! Ўзингиз йўл бошланг. Биз энди...

— Хватит. Мени аяб...

— Бир қошиқ конимиздан кечинг... Шукур, кетдик! Эй, Бахтиёр, сен кўрпачаларни тўшаб... анави арчанинг соясига тушиб, а... закусгани...

— Ҳаммаси тайёр. Мен ҳам бораман, — дейди йигитча ва беихтиёр жиламиз.

## 17

Кетаяпмиз-у, ич-ичимдан қувонаман: «Хайрият-е... Одил ака ўзимизники бўп қолди ҳисоб. Йўк, бизни ўзиники санайди. Яқинлик шунча бўлади-да... Унинг юришини! Ўз боғида юргандай! Қандай чиройли...

Вей, одамзоднинг бир-бирига яқинлигида улуг бир сир, балки қудрат бор-ов! Йўғасам, нега мунча хурсандман?.. Аллақандай Отабой қишлоғида туғилган бир ўзбек бу ерда, ў-ў, оламнинг бир бурчигўшасидаги ўзбеклар орасида «меники» деб бораяпти... Вей, миллатдаям ўша сир-қудрат бор-ов...

Шукур, бу нарсаларни кашф этганингдан ҳам бахтиёр бўл. Бу — тансиқ ҳолат...

Биласан: дўстлик яхши, яқинлик — яхши... Аммо уни қалбдан туйиш...

Ажаб, шу дақиқаларни орзу қилганмидинг бу ёққа жўнаган онларингда? Йўк, шунчаки...

Шак-шубҳасиз!» — дейман кейин ва бу масалага нукта қўяман.

Айтиш лозимки, биз тўртовлон, йўғ-е, бешовлон қандайдир шахд билан одим отардик: кимлар экан у ерда — бизнинг арчалар яқинида бемалол ўт ёқиб ўтирганлар? Ҳаммаёқ куп-куруқ ўт-хашакка тўла, бир гугурт чақиб ташласанг ёки гулҳанингдан бир чўғ учса, пов этади: ёнғин қоқлайди бу оламини. Тутун ичра қолади бу олам ва кейин ўт сўниб, тутун тарқалганда, жаҳан-нам сиёғини кўрасан киши: бундай воқеалар бўлиб туради.

Хаёлимдан чўчиб кетиб, тезроқ одим отаман. Ва сезаманки, ўзгалар ҳам мен каби... жим ва жадал бораяпти: чигиртканинг кўплиги-е!

Олдимизда чирт-чирт этиб, ўнг ва сўлга учади: гўё бизга шошиб йўл бўшатади...

Йўлимиз, яъни, қирлар ораси — улкан бир дарёнинг қадим ўзанидек, ва ўзан каби бурилади-да, биз кенгроқ жойга чиқиб қоламиз.

Кўрамизки, қаршимизда тепалик устидаги мошина ёнида қоққан қозикдек бир ола-була кийимли аскар турипти. Кўлида дурбин, карабин-милтиғини сонига суяб қўйган. У милтиқни олиб, дурбинни қўйворади ва пастликка, яъни, шундоқ қаршимизга қараб нимадир дейди. Ва биз энди кўз-дурбинимизни унинг овози етиб келган жойларга қаратамиз-у, дафъатан кўрамиз: баланд-баланд арчаларнинг тагида учтадан-бештадан бўлиб аскарлар, келинг, солдатлар дейин, ўшалар чалқанча ётишипти, шу кўйи оёқларини чалиштириб олишганки, этикларининг ости бизга қараб турипти. Тўрда — чапроқдаги қари арча остидан тутун ўрляпти, иккита солдат бизга орқа ўгирган ҳолда чўнқайиб нимадир қилишяпти.

Улардан берирокда, текисгина жойда ўндан ошиқ милтиқдар конус шаклида бир-бирига суяб қўйилганки, қандайдир фильмлардаги жангдан қайтган жангчиларнинг ҳордиқ олаётган чоғини ёдга туширади.

## 18

Ажабо, шу дақиқанинг ўзида кўнглимда бир раҳм-шафқат ҳисларини туйдим: бу боёқишлар

қаердадир — Термизнинг олтмиш даражали жазирамасидами хизмат қилишади: бизнинг чегарани кўриқлашади...

Аммо шу сониянинг ўзида бу ҳис сўнди: дарвоқе, булар — истибдод тузумнинг кўриқчилари-ку!

19

Тентнинг чети кўтарилиб, кабинадан кимдир эриниб туша бошлади ва арча остидаги аскарлар ҳам бирин-кетин қоқиниб рёққа туришди. Мен дўстларимга қарасам, барчасида сергаклик: ахир, улар ҳам Термиздаги воқеаларни эшитиб туришади.

Фақат Одил ака бу ишлардан беҳабар эди — бу ҳол тезда билинди.

— Здравствуйте, ребята! — деди Одил ака. Бир-иккитаси қийшайиб-керишиб:

— Привет, — деди.

— Отдыхаете?

— Да, так...

Шу пайт кабинадан миқти капитан тушди. Чайқалиб кетди-да:

— Кто они такие? Кто вы такие? — деди бўғилиб.

— Мы здешние люди. А вы кто такие? — деди Одил ака. Ва бизлар бир-биримизга қарадик. Барчамизнинг кўзимизда ҳадик пайдо бўлган эди.

— Одил ака, — деб шивирлади Нурилла. — Булар бошқачага ўхшайди...

— Нима? — деди Одил ака Нурилладан жирканган каби. — Бу нима деяпти, эшитяпсизми?

— Эшитдим-у, Термизда...

Мен ҳам беихтиёр «Термизда...» деганимни бил-май қолдим.

Илло, Термизда хусусан Афғон урушидан қайтган Рус аскарлари «хўжайин»лик қилаётгани, ўзларини баайни «марадёрлар» каби тутаётганини Учқизилда яшайдиган синглим Барнодан ҳам эшитган эдим. Ўша ердаги аскарлар синглимнинг дўконига ҳам тушишган экан.

Хайрият, уларнинг излари кумда қолгани...

— Причём Термиз? Йўқ, сиз бунинг гапини ўйлаб кўринг. Маъносини...

— Тўғри, менсимаяпти, — деди Исмат. — Лекин, Одил ака, булар билан яхшилиқча хайрлашиш керак... Мениям ғирт эсимдан чиқипти, Термиз...

— Яна Термиз дейди... — Шундай ёнимиздаги арча остидан юкхалтасини судраб жилган аскар капитанга бир нима деди-да, нарига ўтган пайтида халтанинг оғзидан бирин-кетин иккита оққина куён тушиб қолди.

Билмай қолдим — нима бўлди менга? — илдам бориб, куёнлардан бирини кўтардим. Қулоғидан тутиб, қорнига боқдим: қизил-қизил эмчаклари бўртиб чиқиб турарди. Назаримда, аҳмоқона кулимсираб, куённинг қорнини Одил акага қаратдим.

— Боласи бор, сутга тўла... — Сўнг биқинини кўрсатдим ва ўзим ҳам кўрдим: ичига чўкиб кетган, ёлғиз ўқ билан отилган. — Мана, ҳали қотмаган...

Фаҳмимча, Одил ака ҳам менинг ҳолатимга тушдими, гангиб келиб, куённинг маммаларига ва ўқ тешиб ўтиб кетган кўкрагига эгилиб тикилди. Кейин кўзига қон тўлиб аланглади ва уни шартта кўлимдан олиб кўтарди.

— Что это такое? Я у вас спрашиваю? — деди беихтиёр ярим айланиб. Ва капитанга юзланиб қолди. — Ну, вы отвечайти, товариш капитан?

Энди ўйлаб қарасам, ўшанда мен-у Одил аканинг телбанамо қиёфамиз ва куённи бемалол томоша қилишимиз, сўнгра унинг атрофга кўрсатилиши фавқулодда солдатларни тек қотириб қўйган экан.

Капитан бирдан чанг солиб, куённи тортиб олди ва эгасига отиб юборди.

— Ну, какой ответ тебе надо, казах? — деди. Ва шахд билан ёнидан тўппончасини чиқарди. Кейин негадир хўрланган-тахқирланган каби овозда чираниб бақирди: — Ребя-ята! Акружать их... этих черна... их!

Аскарлардан уч-тўрттаси шошилиқчиларини кўлга олишди. Қолганлари норози қиёфада бир-бирига зимдан қарашгани, ҳатто биттаси шофёрга: «Уни ушла» дегандай имо қилганини кўриб, сал енгил нафас олдим.

Дўстларим қарахт эди. Улар ҳам вазиятни англаш-ди ва бир енгиллик сезилди.



Одил ака эса хайрон эди, холос... Кейин бемалол ўнгу сўлга қараб кулди.

— Ну, вь молодцьт, — деди. — Не ожидал, не верил... Ну, что ж, стреляйте, сволочи! — шундай чинқириб юбордики, ўлай агар, тўппонча-ю милтикдан эмас, у кишининг овозидан қўрқиб кетдим ва шу оннинг ўзида шундай қувонч ичимдан чиқдим, ичимга кирдим, энтикиб қолдим. — Бандити! — бақира бошлади Одил ака. — Не воины вь... Я теперь — наконец узнал, кто вьт такие... — Кейин яна нутк ирод қилаётгандай давом этди: — Хотя я служил... в Манчжурии! Зашишал эту власть...

Шу пайт ҳали шофёрларига ишора қилган солдат шахдам юриб келиб, капитаннинг тўппонча тутган қўлини кўтарди-ю, билагидан ушлади. Сўнг аста пасайтириб, қуролни ғилофига солди. Кейин Одил акага қараб:

— Не ари, старик. Убирайса! — деди.

— Я? Мне тьт говоришь? — баттар чинқириб юборди Одил акава биз тамом бўлдик. — Ть, вь, все вьн убирайтесь к чорту! Эта — мая, мая родина, понимаешь! Родина... Мая земля... Я — здесь хозяин. А вь все...

— Хорошо, хорошо, — деди ҳалиги солдат ва капитанни итариб, кейин кўтариб, кабинага жойлади. Эшикни шарқ этказиб ёпиши билан мошина жилди. Солдат — солдат экан-да: «пашли, пашли» дейишиб, милтиқлари-ю сафар халталарини олишиб, чопишиб, бортга чиқиб олишди.

Охирида кузовга чиққан бояги йигит кўзини қисиб қўйиб, муштумини бизга, тўғрироғи, Одил акага тўғрилади-да, қўлида тўппонча бордек, кўрсаткич бармоғини босиб қўйди. Кейин кулиб, у ёкка қаради. Мошиналари вездеход каби силкиниб-силкиниб елиб тушиб кетди.

Одил акага қарасам, ранги оппоқ: ҳамон жаҳлдан тушмаган. Хрлбуки, биз тирик қолганимиз учун шукур қила бошлаган эдик: бунга шубҳам йўқ.

— Ярамастар, — деди Одил ака ниҳоят. — Қаранглар-а, тавба... Вабше, бу ақлга сиғмайди... Уф! Чекишга борми? А-а, пастда қолган эди. Кетдик...

Биз дўстлар яна бир-биримизга қараб олишар, тўғрироғи, биз Одил акадан ҳайратда эдик. Шу ҳиснинг оқибатидами, дарҳол «кетдик»га бўйсуниб, қимирлай қолдик. Ва сўзсиз, таранг бир ҳолатда анчагина юриб қўйгач, хотиржам тортиб, тилимиз чиқа бошлади, илло, бизга Одил аканинг ҳолати юққан эдики, бу ҳолат айни чоғда — буюк бир сабоқ ҳам эди.

## 20

Зовбошига энгач, шу ердан жилгимиз келмай қолди: унинг пастдаги баҳайбат қозондек даранинг қалин-ибтидоий чангалзорларию, хув йироқ жанубда тасмадай оқариб кўриниб турадиган Амударёнинг сеҳри-тарихи, қолаверса, бу ерларнинг энди бизга эсдан чиқмас эсдалик бўлгани ҳам, пироварди, ўзимизни бу ерда беихтиёр қўриқчилардек туйганимиз ҳам бунга сабаб бўлса керак; балки бояги бир неча дақиқалик тўкнашув бизни фавқулодла толиктириб қўйган эдики, таппа-таппа ўтириб чўзилиш ва ўша воқеанию кейинги ҳолатларимизни ҳазм қилишни истардик...

Тик турганча ярим пиёладан отиб олгач, лабларимизга кулги югуриб, тандиркабоб ташвишига тушиб кетдик. Нурилла тош қалаб тандирча қуришга тушди. Исмат улоқни музхонадан олгандай кўтариб, қамишлар ортида терилай бошлади.

Мен негадир милтикни олиб, томоша қиламан, хидлайман ва ҳатто шуниям уёкка олиб бормаганимизни ўйлаб, ҳайрон бўламан: ахир, солдатлардан кўрқулик эди...

Одил ака дам чордона қуриб ўтиради, дам илдам туриб, шаҳар кўчасида кезгандек нари-берига бориб келади: қўли орқасида, боши эгик, баъзан кулимсираб:

— Шукур, қизиқ бўлдим... — дейди-ю, дарага ва узокдаги дарёга қараб қолади. — Жуда катта-я бу мамлакатимиз... Э-хее, масалан, Кобул...

— Тошкент бу ёкда...

— Биламан, — деб шимолга бурилади-ю, кўзи йўлга қадалиб қолади. — Бу ердан мошина ўтиб турар экан-да... Бу якда кишлоклар бўлса керак, а?

— Ҳа..

Шунда Бахтиёрнинг овози эшитилади:

— Матлаб акалар келишяпти!

Кўришув. Шунда бир нозик ҳол сезилади: биз уларни соғиниб қолганга ўхшаймиз, йўқ, биз улар

билан қайта учрашмаслигимиз ҳам мумкин эди-ю, учрашганимиздан бахтиёрмиз. Улар, табиий, нечун бу ерга қўниб қолганимизни сўрашади ва бизлар — ҳар ким ўзича кулимсираб ва айна чоғда ийманиш аралаш ғурур билан кечган воқеани айта кетамиз.

Одил ака «қахрамон»га айланган чоғда мен ич-ичимда буюк қаноатни туяман ва мақтангим келади: «Ёзувчилар борки, дуруст ёзадилар. Аммо шахс сифатида... гаплашгинг келмайди. Улар сизу бизга дўст ҳам бўлолмайдилар. Чунки одамга «материал» деб қарашади, ўзлари билмаган ҳолда... Ҳа, Шахс-Ёзувчилар кам бўлар экан: хайрият, биттаси ёнимизда...»

— Ҳа, Одил ака, ямон экансиз, — дейди Исмат.

— Ҳим, мен ҳам қойил бўлдим, — дейди Нурилла.

— Мен кўрқиб эдим, — дейди Бахтиёр. Одил ака эса:

— Э, это уже слишком, — деб чайқалади. — Ман ҳам битталарингман, масалан... Энди ўйлаб қарасам, ўша ерда соддалик ҳам қилибман экан... — Кейин пиқиллаб кулади. — Отиб қўйса, а, Шукур? Кеннайингга нима дер эдинг?.. Келинглр, эсламайлик. Ўтган ишга саловат. Бу ёғига омон бўлайлик. Бир-биримизга меҳр-оқибатли бўлайлик, масалан...

— Масалан, сиздай ёзувчилар бизга қанча тез-тез келиб турса, шунча ўсамиз, кўнглимиз ўсади, — дейди Матлаб ва ҳайқириб юборади: — Акамиз учун! Биз улкан ёзувчини эмас, жигардек оғамизниям кўриб турибмиз!

Шунда Собиржон:

— Шукур ака, сиз бирон нарса ёзинг, — дейди. — Шу сафар ҳақида...

— Да, ёмон бўлмасди, — деб қўяди Одил ака ҳам. Ва Абдуқаюмни эслаб сўрайдилар: — Қани у?.. Ташлаб келдингларми тўйхонага? Биронта куй чертиб берарди...

— Келади. Бугун тоғда дам оламиз, — дейди Матлаб ва кулади. — Ёвни ҳайдабсизлар. Кўнгил тинч... — Кейин узун қўлини узатиб, Одил аканинг кифтидан кучади.

Бахтиёрнинг ёнида чекиб турган укам:

— Э, яшанглр, Шукур ака. Уялиб кетяпман мен... — дейди. — Ёзинг энди бир нарса, ўзингизни оқданг... Ёзувчи. Ёзувчи мана Одил акадай бўлади. Сўзиям, ҳаракатиям — бир. Китобларидаги геройларидай...

Укам менинг кўнглимдагини айтган эди...

Орадан ўн йиллар ўтиб, бир муносабат билан ўша воқеани хаёлан кўз олдимга келтириб, ушбу ҳикояни битдим.

Бу ёғи бошқа ҳикоя...

1982—1994 йиллар

## БУЛУТ ТЎСГАН ОЙ

*Тўхтасин озага бағишлайман.*

## 1

Ёмғир шундай куч билан қуя бошладики, бекат айвонида туришнинг иложи қолмади. Бунинг устига, гувиллаб шамол эсар, ёмғирни букиб-қайириб айвон остига ҳам урар эдики, устунлар орқасига яшириниш ҳам фойда бермади. Мен плашнинг ёқасини кўтариб, шляпа гардишини пасайтириб, ресторанга қараб чопдим. Ресторанга кирверишдаги айвонча остида ҳам ёмғирдан қочганлар кўп эди. «Ке, шамоллаб-негиб қолмайин. Барибир кечки овқатга етолмайман», деб ойнаванд, залворли эшикни очиб, ичкарига кирдим. Табиий, димоғимга ичимлик, сигарет ҳиди урилди, куло-ғимга жазавали ғарб мусиқаси эшитилди. Мен шляпамни силкитиб, ёқамни тушириб, устки кийимларимни олиб қоладиган киши томон бораётган эдим, шундоқ рўпарамдан — афтидан, қўлювгич хонадан чиқиб келишаётган новча, норғул йигит билан этаги ерга теккудек узун, қора баркут кўйлакли жувонга кўзим тушди.

Йигит... менга таниш, ҳатто «ака» даражасидаги қадрдоним. Таваккал эди. Эғнида тўйга кийиб борса арзийдиган тим қора костюм-шим, оёғида пошнаси баланд, учли туфли (шунинг учун бўйи тагин ҳам баланд кўринар), хийла сийраклашиб қолган жингалак сочлари ялтирар (нам қўли билан сийпаган бўлса керак), тилла тишлари яркираганча кулиб келар, жувоннинг тирсагидан тутиш ёхуд унга бирон дилдорлик кўрсатиш, чамаси, хаёлига келмас, жувон эса, бошини хиёл эгиб ва кулимсираб келарди.

Мен тескари қарамоқчи бўлдим-у, улгуролмадим.

— Ў, писател! — деб бақириб юборди Таваккал. Мен табассум қилиб, четландим. У келибок, мени бағрига олди, ўпишдик. Оғзидан ароқ ҳиди келар, юзи шишинкираган, кўзлари ғилтилар эди.

— Бу киши — бизнинг земляк! — деб аёлга қаради «земляг»им, кейин уни унутгандек, менга тикилиб, давом этди: — Қалай энди? Келин яхшим-а? Кичкиналар кўпайиб қолдим-а?.. Кўринишингиз дуруст. Класс! Эй, бу одам — яхши ёзувчи! — деди яна аёлга кўзи тушиб. — Менинг юртдошим!

Мен ҳам аёлга қарадим, у синиққина кулимсираб бош ирғади. Каминаям бош ирғади. Шунда Таваккал:

— Э, танишмайсизларми? — деб кулди. — Бу киши бизнинг хоним. Отингиз... нимаиди?

— Гули, — деди жувон (унинг қизариб кетганини тахмин килдим), — Гулсара.

— А-аа, Гулсара, Гулсара, — деб тагин баралла кулди Таваккал. — Қани, залга марҳамат, Қувватжон!

Мен уст-бошимга ишора қилган бўлиб:

— Шунчаки кирувдим, ёмғирдан қочиб, — дедим. — Дачага кетишим керак.

— Дачага? Ў-ў, ўзимиз обориб қўямиз!.. Қани, плашти ечинг! Хў, швейсар, бақа қара! — Таваккал шляпамни олди. Мен ноилож ёмғирпўшимни еча бошладим. — Оббо, Қувватжон-е, учрашганимизни қаранг. Худо бор... Қаршидан жўнаётганимда сизни эслаб эдим. Честни айтаман...

— Мен ҳам сизни эслаб тураман, — дедим.

— Ёлғон! Битта телефон қилмайсиз. Қаршининг чегарасидан ўтиб кетасиз.

— Якин-орада юртга борганим ҳам йўқ.

— Мен кеча келдим. Геялогия вазирлигига чақиритилган эди... Эй, Гулсара, Мустақилликкача ўзимизда геялогия министрлиги йўқ экан! Бор-у, Московга бўйсунар экан. Ўзбекистонга бўйсунмас экан. Вей, қисталоқлар-е.

— Ҳалиям карьердамисиз? — деб сўрадим, шунчаки гап-гапга қовушсин учун.

— Ҳа-а, — дея яна олтин тишларини ярақлатиб кулди. — Катгаси бўп кетдик мрамар карьерининг...

— У плашни ҳам швейцарга берди-да, кифтимдан олиб, иккинчи қаватга ўрлаган зинапоёга бошлади. — Гул, Гул-сара, ортда қолманг... Э, сиз олдинга ўтинг! Ўтинг, хоним. Аёл оғриниб тўхтади.

— Юраверсангиз-чи.

— Шундайми? Майли. — У кулиб қўйиб, икки зинапоёни битта қилиб босди. — Ишларим авж, укабой. Мрамар қиммат бўп кетди. Ҳа-ҳа-ҳа. Крошкеси — капейка эди.

## 2

Уларнинг столи ўнг томондаги ойна-девор остида, зал баралла кўринадиган жойда экан. Дастурхон тўкин, стол четида — вазада лола ҳам бор экан.

Мен столнинг бери ёғидаги пичоғ-у санчқиси ишлатилмаган жойга ўтира қолдим. Биламан, улар бу жойга нисбатан тўрга, яъни, столнинг у ёғига ўтказмоқчи бўлишади. Ҳақиқатан ҳам шундай ҳаракатлар қилиб, натижа чиқаришолмагач, аёл ўз жойига — ойнага яқин курсига, Таваккал унинг ёнига ўтириб:

— Хўп, йигит ўлмайлик, бало кўрмайлик, — дея ишшайганча фотиҳа ўқиворди-да, бирдан ўнг-у сўлига қараб, худдики тўйхона баковулидек бақириб юборди:— Ўй, аписанка! Ў-ў, жонидан, бақа бир кел. Давай, заживо... Накрой! Это — мой гост! Нима дедингиз, хоним?

Хоним қисиниб, елкасини қисди. Мен эсам (чин кўнгилдан):

— Шу бўлади-ку, — дедим. — Э, аломат йигитсиз-да, Таваккал ака.

— Мендан нима кетяпти? — хахолаб кулди у. — Икки мошин крошка, холос! Отамдан қолган бўлмаса... Тўғри, лекин Темур бобомдан қолган. — Кейин жиддий тортиб, давом этди: — Эй, Қувватжон, ўзимиздаги мрамор конларининг тўқсон пойизи Темур бобо замонида очилган экан. — Кейин яна кулди. — Ҳозир бўлса, шундоқ, йўлнинг ёқасига бир кетмон уринг, қарс этиб мрамарга тегади. Очилиб ётибди-е.

Гулсара «қойил» дегандай бошини сараклатди. Мен ҳам қошларимни кўтариб:

— Зўр, зўр, — дедим.

— Гулсара, борасизми? — Таваккал, афтидан илгари бошланган суҳбатни давом эттириб, сўради: — Хўп денг, хоним... Бир айлантирай! Тахтақорачага опчиқаман! Қаламқош гуллар очилиб ётшгги! Сапсарга ўхшайди-ю, кичкина... — Кейин менга қараб, бемалол кулди. — Булар билмайди, шаҳарлик-да... Да, кечирасиз, бивший кишлоқисиз! Туркистон ҳам кишлоқ-да энди, Тошканга нисбатан? Шу-шу... Ўх, маладес, маржа хоним! — У столни тозалаётган официант жувоннинг белидан ушлаб кўйди. У эса:

— Всегда ми ралн вас обслуживать, — деди табассум қилиб.

— Таваккал ака, келсангиз, фақат шу меҳмонхонага кўнарасизми? — деб сўрадим яна йўлига.

— Ҳа. Бу ер — марказ, — деди Таваккал. — Бечоралар яхши кутиб олишади. Беш-ўн сўм устига берсанг, бас-да, ўртоқ ёзувчи... — Кейин яна кулди-да, ўйчан тортиб сўради: — Уй ичлари тинчма, Қувватжон? Ёзган асарларингизни ўқий олмаяпмиз. Иш кўп-да, ука. Лекин эшитиб турамыз. Мен сўраб тураман, честни...

— Сўраб турасиз-ку, бу ерга келганда унутасиз? — деб қолди хоним.

— Ўў, биру нўл, — деди у. — Лекин шу гал бари-бир сизни топмоқчи эдим, Қувват. Битта маслаҳатлик гап чиқиб қолди...

— Марҳамат, — дедим.

— Кейин... Пирниси, коньяк! Ладна, пуст «Напалиён!» Слишишь? Вот та-ак...

Мен нима қилишни билмасдан сигарет тутатдим. Энди икки кишилашиб стол тузаётган официантлардан бири дарҳол кулдон опкелиб кўйди.

Шу пайт залнинг тўридаги сахнада мусиқачилар (кирганимизда, дам олишаётган эди, шекилли) гумбир-гумбир қилиб, созларини чала кетишди.

— О-оҳ, яна бошлади бу аблаҳлар, — деди Таваккал. — Бориб тинчитиб келайми?

— Нега? — деди Гулсара. — Бировларга ёқади, заказ қилишвотди-да.

— Э-э, Мустақил бўпмизам ўзбекча кўшиқ айтишмайди бу хумпарлар!

— Айтишмаса, чалишар.

— Чалади, — дедим мен ҳам. — Ҳечқурса, «Тановар»ни билишади. Тагин «Чингизхон» деганиям бор.

— Темур дегани-чи, Темур? — пихиллаб кулди Таваккал. — Тўхтанглар, ҳозир заказ қиламан. Адин момент! Бир жиннисини чиқарай шуларни. «Чингизхон»ни биласан, унинг дабдаласини чиқарган «Темур»ни билмайсанми, дейман.

— Чингизхонними ё чингизийларними? — майингина кулимсираб сўради хоним. Сездимки, бу гапни мунозара учун эмас, шунчаки, гапириш учун айтди.

Ўзи, умуман, бундай жойларда шунақа гапириш маъқул. Чунки мақсад ўзи — маънили бемаъни бўлса-да, валақдашиб ўтириш, қолаверса, ичиш-да.

— Ў-ў, яна биру нўл! — деди Таваккал. Кейин: — Штрапни тўлаймиз, — деб кулди. — Айтмоқчи,

Қувватжон, бу кишини мен Қаршига таклиф этаяпман. Тўғрироғи, Шаҳрисабзга... — Кейин бирдан ғамгин тортиб кулимсиради. — Хотин йўк, туғрукхонада ке-етди, ука. Олти бола билан қолдим. — Кейин яна кулди. — Э, кун ўтаяпти... У ёғини айтсам, мен ҳам қарийб етимликда катта бўлганман. Тўғри, қариндошлар кўп эди, бобойдан мерос қолган мол бор эди... Так што, хоним, бемалол кириб боришингиз мумкин уйга... Кимсиз? Мармар конини текширишга борган — ревизор! — У яна қаҳ-қаҳ отиб кулди-да, столни безаб бўлган официантканинг кифтини силаб кўйди. — Ўлма, аканг айлансин! — Сўнг ниманидир эслагандек бирдан буюрди: — Давай, налей ти сама!

— Конишно, конишно, — деди у тумбочка устидан оппоққина сочиқ олиб, ўша билан коньяк шишасини ўради. Сўнг уни очиб, Гулсаранинг рюмкасига энгаштирган эди, у чийиллаган каби:

— Нет-нет, — деди. — Яж вам сказала?

— Ах, да, извините.

Таваккал хонимга чимирилиб бокди.

— Нимага коньяк ичмайсиз-а?

— Менга тўғри келмайди.

— А-а, майли... Давай нам коньяк! Қувватжон, би-ир ўтирайлик!

— Раҳмат.

### 3

Шундан кейин суҳбатимиз шўх ирмоқнинг оқиш мақомида давом этди. Ирмоқ нишаблардан тез энса, ўрларга аста кўтарилади, чўнқирларни тўлдиран экан, секинлаб ҳам қолади. Гурунгимиз ҳам шунга ўхшаб, гапга гап уланиб, аммо равон бир изга тушмасдан давом этаркан, қадах сўзига етганда, кончи дўстимиз:

— Қани, бир тос айтинг, Қувватжон! Зўр бир гап айтинг! Биз шуни қолдирмай олайлик! — деди.

Мен хижолат бўлиб, қадахини (унга яҳудий ароғидан қуйилган эди) жойида аста айлантираётган Гулсарага қараб олдим, ундан узр сўрагандек.

Кейин яна қийналиб қолдим: нима дейман, ахир? Қуриб кетсин бу ёзувчилик ҳам... Ана шунинг учун кўпинча тўйларга боришдан ҳам тийиламан ёхуд борсам ҳам панада ўтириб, чиқиб кетаман. Сўз беришади-да, тантанали қилиб. Шунда тўйчи «ака» «яқининг» бўлсаки, хўп-хўп. Акс ҳолда оёғинг тортмай, урфни оёқости қилмайин, деб келган тўйингни эгасида йўк сифатларини ҳам тўқиб чиқариб айтишга тўғри келади.

— Қани, эшитовуз, — деди Гулсара мусиқа тиниши билан. Ва Таваккал (энди) унинг кифтини силаб кўйди.

— Сизларнинг шундай чиройли бўлиб ўтиришларингни кўриб, хурсанд бўлдим, аввало шуни айтишим керак, — дедим. — Таваккал акани ўрта ҳисобда йигирма йиллардан буён биламан, гарчи кам учрашиб турсак-да... Гулсарахон, бу инсон — бир қоп ёнтоқ мисолидир. Дали-ғули, мард. Хуллас, Темур бобо юртининг валламат йигитларидан...

Таваккал ҳазилакам бир қувлик билан кўзларини дўлайтириб:

— Ана шунақамиз, хоним, — деди. — Айтинг, Қувватжон. Сизнинг ёзганларингизам рост... Йўк, честни айтаяпман. Хоним, кўпроқ ўрисча китоб ўқигансиз-да, билмайсиз... Китобларидан бераман...

— Ҳа, энди, барибир «тўқувчи»миз-да, — дедим мен. — Айтмоқчи, ўрис ёзувчилари ҳам яқин-яқинга-ча, масалан «асарлар» деб эмас, «сочинение» деб айтишарди... Хўп, — қадахни сал кўтардим. — Ана шу аҳилликларинг давом этсин. Хўш, мени дастурхонларингга таклиф этганларинг учун миннатдорчилик билдириш билан бирга, айтмоқчиманки, мана шу — ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат орамиздан ҳеч қачон кўтарилмасин.

— Воҳ! — деб юборди Таваккал. — Бу тосдан кейин пужерни тўлдириб ичсаям арзийди!

— Раҳмат, — деди Гулсара менга. Ичиб бўлиб, қазии-қартадан газак қилганимиздан кейин хоним сўради: — Кечирасиз, писател ака, ўзийиз шунақа камтармисиз ёки камтар бўлиб кўринишни яхши кўрасизми?

Менга ҳеч ким бундай савол бермаган, қолаверса, бу саволда, ҳарқалай, такаббурлик бор эди.

— Хоним, мен пиесалар ҳам ёзганман, — дедим. — Табиийки, ўша жараёнда рўл ўйнайман. Айтишларича, образларим ростми-ёлғонми — ўз гапларини гапиришар эмиш.

— Так-так?

— Қозонда бори чўмичга чиқади, деганларидек, инонинги, мен қандоқ бўлсам, образларим ҳам шундоқ чиқади, деб ўйлайман, яъни, рости ҳам, ёлғони ҳам ўзиники, ўзлигидан келиб чиққан бўладики, уларни, жумладан, мени ҳам риёкор, деб айтиш қийин... — шундай деб, дафъатан толиққанганимни туйдим. Кейин дангалига кўчдим: — Сиз қандай тушунсангиз, ихтиёр ўзингизда.

— Браво, — деди у.

— Ҳа, маладес, Қувватжон, — деди Таваккал ҳам. — Қизиқ гаплар... Эй, яна бошлашди-ку буги-вугини! Шошманг, пул тўлаб бўлсаям тинчитаман.

— Ундан кўра, ўзбекча музыка заказ қила қолинг, — деди Гулсара бояги табассумида.

Таваккал ўрнидан ирғиб турди.

— Ест! — Кейин бирдан хонимга тепадан ўткир тикилиб сўради: — Ўйнайсизми?

Гулсара елкасини қисди.

— Ў-ў, адин момент! — деб юборди Таваккал. — Ана бу бошқа гап! Кеча ўзим ҳам сезиб эдим... Кухнага кириб чиқаётганингизда оёқ олишингиз ғалати бўлиб кетиб эди. «Жигарпора»ни эшитаётганда.

Гулсара бошини эгиб кулди. Таваккал қаторлар ора-сидан лўкиллаб юриб, сахна томонга кетди.

— Кеча танишдик оқайиз билан, — деди Гулсара «акам»нинг орқасидан сезиларли фахр билан қараб олгач. — Мани безорилардан қутқардилар... — Кейин кулиб ҳамда ғижиниб, давом этди: — Шундоқ кетивоссам, рўпарамдан иккита даванги кевотти. Тротуарда эдим. Тўғри келишаверди. Ман четланиб, йўл бердим. Ўтишди-ю, вай, сезмий қолдим, қўлим бир силкинди. Қарасам, сумкам йўқ. Биттасининг қўлида, ҳеч нарса кўрмагандай кетишвотти. «Ҳой, шу кунингдан ўлганинг яхшимасми?» деб бақирдим. Чопиб боришга кўрқаман. — У яна бошини эгиб кулди. — Вайсовурдим. «Бўйинга қара, иплос! Келиб-келиб хотин ки-шини тунайсанми?» — Шу пайт Таваккал кафтларини бир-бирига ишқаган ҳолда қайтиб келди. «Ест, гатоп!» деб ўтираркан. Гулсаранинг охириги сўзларини эшитганда, бирдан тилла тишларини кўрсатиб ишшайганча, уни рағбатлантириб, бош ирғади. — Ўша пайтда кўриниб қолдилар... Бу ёғини ўзингиз айта қолинг, — деди Гулсара.

— Ҳа, — дея сезиларли мамнуният билан давом этди Таваккал. — Таксидан тушиб, меҳмонхонага бораётсам... бир аёл киши пиртаволда қарғанапти. Полвонлар менга яқинлашиб қолган. — У мазза қилиб, аммо ёлтондакам кулди. — Хонимнинг овозлари жуда-а ёқиб кетди-да!

— Раҳмат, — деб қўйди Гулсара.

— Безбет... Кейин, укабой, акангизни биласиз, ёшлик даврлари эсга тушиб кетди. Ўзи, кўпдан бери қўл кичиб, қаерга ишқашни билмай юрган эдим...

Мен бош ирғадим. Гулсара тагин овозида фахр билан:

— О, ёмон эканлар бу киши, — деди. — Ну, парен... Қайтамга ман кўркиб қолдим.

— Э, хоним, ёшсиз-да, — деб талтайди Таваккал. — Ундайларнинг учта-тўрттасига бас келолмасак, мундай қилиб юрмас эдик. Биттаси — ўрисми, татарми, билмайман. Аммо биттаси — ўзбек эди, ана шундан бошладик.

— Вой, ман ўлдириб қўядилар, деб кўрқдим, — дея яна лўқма ташлади Гулсара.

— Йў-ўқ, — деб тагин кулди кончи. — Оч биқинига урамиз-да... Йўғасам, товон тўлаш бор. Ха-ха-ха... Товон тўлаганмиз ҳам, а, Қувватжон?

— Жуда, — дедим. — Қиммат тўлагансиз... — Гулсара эшитишга иштиёқи борлигини англатадиган назар билан боқди. — Ўзингиз айтиб берарсиз, — дедим Таваккалга.

— Ҳе, эски гап у, — деди Таваккал. — Келинг, эсламайлик!

— Йўқ, нега энди? — озорланди Гулсара.

— Бўпти, айтиб бераман, — деди Таваккал. — Олдин яна биттадан олайлик. Ҳозир «Тановар» бўлади... — У узун қўлларини бемалол узатиб, шишалардан қуяркан, мен аста сўрадим:

— Кейин нима бўлди? Ҳалиги давангилар билан... муштлашувингиз ?

— Э, биз муштлашмадик. Уларда куч қайда? Ароқ енгиб ташлаган алкашлар экан. Битта-битта билан чўзилтириб қўйдим. Кейин ўзбек болага: «Сумкани кўтар», дедим.

— Ҳа, бу кишига қолса, сумкани кўтартириб, уйимга обкирардилар.

— Кечирадилар, хоним.

— «Кўйинг, йўлига кетсин», — дедим.

— Лекин, кейин номардлик қилдингиз-а? — деб чиндан ҳам ачиниш ва хижолатли нигоҳ билан унга

боқди Таваккал. — Ўпкаласам арзийди! — дегач, яна аслига — шўхчанлигига қайтди. — Мени уйларига таклиф қилдилар, раҳмат. Чой, кофе дамлаб бердилар, раҳмат, Аммо...

— Таваккал ака, — деди Гулсара оғриниб.

— Йўқ, тўғриси айтишим керак-да.

— Хўп. Айтинг-айтинг.

Таваккал қўлларини ёзиб, жуда ҳайрон қолганини билдирди:

— Ётишга қўймадилар... Мен бечора мусопирди. Гастинсага хайдадилар. «Вой, мусулмон, тегмайман сизга», дейман. Ишонмайдилар... Шунақа бўлди, Қувватжон.

Мен бундай гапларга ҳайрон қолмаслик лозимлигини тушунсам-да, уялдим ва Таваккалнинг «ўзига ишончи» анчагина ошиб кетганини дилимда қайд этдим.

Кейин бу «очиқ гаплар» хонимга қандай таъсир этганини билиш учун унга қарадим...

Эътироф этаманки, илк бор тикилиб қарадим. Зеро одатим шу: бундоқ давраларда йигитлар аёллари билан ўтирадим, бошқа таниш жувонлар биланми — эркалар билан гаплашардим-у, аёлларнинг саволларига жавоб берардим, холос.

Аммо хотинларга тикилиб қараш... йўқ. Бу — ўзбек одатиданми, табиий андишаданми — билмайман.

Гулсарага тикилиб қарасам, у қандайдир асабий, ниманидир кутаётгандай, ўша кутгани содир бўлса, шартта туриб кетворадиганга ўхшарди.

— Қани, олдик-е! — деб юборди шунда Таваккал — Майли, бу ёгига худо пошшо!.. Айтмоқчи, мен Гулсара учун ичаман... Қувват, сиз ҳам хоним учун ичинг. — Ниҳоят, ийманиб жилмайди. — Мен «номард» дедим бу кишини. Аслида хурсандман, худо уринсин-а... Зўр аёл экансиз. Чесни айтаяпман. Гул, сиз учун!

— Қуллуқ-куллуқ, — деди у.

Мен ҳам эркин нафас олдим.

— Раҳмат сизга, Таваккал ака, — дедим. — Гулса-рахон, омон бўлинг. Бизнинг ёзувчилар орасида бир гап бор: «Феълинг ўзгармасин», дейдилар. Урисчасига: «Надо быть самим собой». Шундоқ.

— Тушунолмадим, — деб яна ёлғондакам ишшайди Таваккал. — Акамни остонадан ҳатлатманг, демоқчимисиз?

Мендан олдин Гулсара эътироз қилди:

— Йўғ-е.

— О, раҳмат сизга, — дедим. — Ўзи, одатда, бунинг акси бўлади.

— Ана! — деди Таваккал яна талтайиб. — Демак, мен индамайгина чиқиб кетиб, тўғри иш қилган эканман-да?

— Жуда, — деди Гулсара ва ҳаммамиз кулиб юбордик. Хонимнинг ҳурмати учун ўрнимиздан турдик. Гул-сара ҳам ўрнидан қўзғалди-ю, «Тановар»га кулоқ тутиб, тек қолди.

Зал ўзбекча гумбир-гумбирга тўлиб, у-бу столдан, худди ўзлари буюртма қилгандек ўзбек йигитлар-у аёллар қўзғала бошлаган эди.

Таваккал шоён хурсанд бўлиб:

— Олдик! Кейин — ўйин! — дея қадахни шартта бўшатди-да, курсисини орқасига қитирлатиб суриб, четга чикди. Гулсара идишини лабига тегизиб, жойига қўйди.

#### 4

Гулсарани мусикачилар ўтиришган сахнанинг пастидаги бўш жойга боради, деб ўйлагандим. Чунки, одатда ўша ерда ўйин тушилар, зеро столларидан туришганлар ҳам ўша томонга боришмоқда эди.

У эса шундоқ ёнимизда, қаторлар орасида туриб олди-да, эни атиги бир-бир ярим газ келадиган ораликда бирдан шох ташлай кетди. Хаёлимда Мукаррам опанинг рақси жонланиб, «ундан ўрганган», деган фикр келди.

Бироқ дастлабки ҳаракатлариданоқ ўзича ўйнай бошлаганига иқрор бўлдим. Маълумингиз, «Тановар» — тантанали, шўх, устига яна — жўшқинликни талаб этадиган ва булар жамисининг намоишидан иборат бир куйдирки, бунинг ифодаси ўлароқ ўша машҳур раққосамизнинг ўйинлари мукамал бир намуна сифатида қолган... Гулсара ўйин мазмунини ўзича талқин қила бошлаган, яъни тантаналар

ичида ғамнок ва ғариб бир кимсанинг қалбини-да ифодалар, юзию лабларидаги синиқ табассум ҳам бу мазмунга бағоят мос тушмоқда, қора баркут кийган хонимнинг рақс этаётган жойи ҳам — кутилмаган жой бўлгани сабабми — залдаги нигоҳларни ўзига қаратмоқда эди.

Ажабо, баъзан шундай тўлиқиб, тўлғаниб-тўлғаниб айланиб кетардики, столлардан бирига урилиб кетар-а, деб кўркиб ҳам қолардим. Йўқ, у худди шундай тор жойда ўйнайвериб ўрганиб кетгандек эди. Аста-секин залда чапак чалина бошлади. Кейин рақсга мос жуфт қарсақка ўтилди.

Таваккал анграйиб қолган, кўзлари ўқрайиб боқар, афтидан хонимни таний олмас эди.

Бир маҳал елкамга биров туртди. Қарасам, залнинг бошлиғи, бу ерга кирадиган киши борки — танийдигани, новча, келишган, кўнғироқ сочили йигит Хусанбек экан. У: «Жим, ўртоғингизга ҳалал берманг» деди-да, имлаб чекинди. Мен Таваккалга қарадим, унинг кўзлари ҳамон Гулсарада эди. Шунда жувоннинг са-вол аломатли нигоҳига кўзим тушди ва биргина бармоғимни кўрсатиб «бир минут» маъносини англадим. У ўйинга мос ҳолда бош ирғаб, айланиб кетди.

Қаторлар адоғига етиб, Хусан билан кўришдим. У, одатдагича, менинг узатган кўлимни тирсагидан ҳам ушлаб:

— Бу кўринмай кетдингиз? — деди. — Ёзувчилар Союзингиз кўчиб кетгани учунми ё бозор иқтисоди таъсир қилдими?

— Кейинги гапингиз тўғри, — дедим.

— Бу коммерсант билан кўпдан танишмисиз?

— Юртдошим.

— Жа баевой йигитга ўхшайди.

— Ҳа, танишмасмисиз?

— Йўқ. Нукул менинг дежурлигимда келмайди. Кейин эшитиб қоламан... Аммо анави жувонни бир марта кўрганман. Ҳў, стенканинг орқасида ўтиришган. Жа казо-казолар билан... Синглисинингми, жиянинингми туғилган кунийди. Ўшанда йиғлаб ўйновди... Жа таъсир қилувди менга. Иккита япон ўн минут суратини олишган...

— Арзир экан, — дедим. — Юринг, таништираман. Дўстимиз билан ҳам...

— Йўқ, бир вақти келади... Кечирасиз, актрисамасми у?

— У, билмайман, Хусанжон.

— Қойил... Айтинг, тез-тез келиб туришсин. Бизга яхши бўлади.

Шунда куй тугади-ю, Гулсара столга бурилди. Чапак чалвориб ўрнидан турган Таваккал, билҳол мени эслади, аланглаб қараб, кўлини чўзган ҳол-да:

— Ҳу, Қувват, нима қилиб турибсиз у ерда? — деди-да, дастурхонни кўрсатди. Гулсара ҳам менинг боришимни кутган каби ўрнига ўтирмасдан қараб турарди. Зал гувиллаган чапакка тўлиб кетган, мусиқачилар эса яна «Тановар»ни чалишга тушишган, у ербу ердан «раққоса»ни ўйинга таклиф этган овозлар ҳам эшитилар эди.

Мен Хусаннинг кўлини қисиб:

— Узр, — дедим.

— Кечирасиз, безовта қилдим, — деди у. — Лекин мен у йигит билан танишаман.

— Арзийди.

— Ҳой, вақт бўлганда, кириб туриг. Ҳечкурса, насияга меҳмон қилармиз.

— Раҳмат.

## 5

Мен қайтиб борганимда, Гулсарани йўтал тутган, ойнадеворга юзланиб, курси қошига илиғлик турган чарм сумкасини кавлар эди. Рўмолча олиб, оғзига босганча жойига ўтирди.

— К-кечирасизлар.

— Ничево, — деди Таваккал. — Мен сиздай ўйнаганимда, чўзилиб қолардим. — У шунчаки шод эмас, жуда ҳам мағрур кўринар, илло, ресторан аҳлининг ярмиси десам ҳам бўлар, бу — барваста, бўйинбоғининг тугуни пастлаб — ёқаси ҳийла очилиб кетган ва эгасига қандайдир эркин тус берган ҳамда ҳар бир ҳаракатидан куч-қуввату ёвқурлик ёғилиб турган йигитга ҳавасу ҳасад билан тикилишар, шубҳа йўқки, Таваккал бу нигоҳларнию мазмунларини уқиб турар эди.



— Сув, хой мусулмон, сувдан беринг...

Онт ичаман: Гулсарага сув узатишни столга келган пайтидаёқ ўйлагандим-у, истиҳола қилгандим, биласиз-ку, соф қишлоқи йигит (ўзим ҳам қишлоқдан чиққанман) бу каби табиий дилдорликни ўзича — «қишлоқ даражасида» тушуниши мумкин...

— А?.. Э, сувдан бошқа нима бор! — дея ҳовлиқиб, «кока кола»дан фужерни тўлдириб узатди Таваккал.

Гулсара энтикиб-энтикиб бир неча қултум ичди. Жувоннинг аҳволини кўриб тушунишди шекилли, уни рақсга таклиф этаётганлар ҳам, чапак чалаётганлар ҳам дастурхонга ўнгланишди. Мусиқачилар ҳам бир пасдан кейин бошқа куйни чала кетишди... Гулсаранинг ўйинию «Тановар»нинг бир неча дақиқа давом этган сеҳри жодуси тотли ширинлик таъми каби оғизларда ва кўнгилларда қолди, ҳа, жуда бахтли онлар ўтиб кетдики, мен ҳамон «Тановар» куйини эшитсам, Мукаррама опага тақлид қиладиган хиромон эмас, азадор каби қора баркут кийган Гулсаранинг рақси кўз олдимга келади: у туғма бир истеъдод экан.

Гулсара вишиллаётган ичимликни ойнага қараган ҳолда калта-калта сипқориб тугатди-да, бизга, кейин атрофдагиларга шошиб кўз ташлади. Сўнг бирданига:

— Кетсак-чи? — деди Таваккалга. — Э, узр, Қувватжон... Ман сал хижолат...

— Гап йўқ, — деди Таваккал. — Уйингизга борамизми?

Аёл қизгин табассум қилди.

— Дача эсиздан чиқдимми?

— А-аа! Искелироз! Всё... Дачага! Қувватжон, қаршилиқ йўқми, ука?

— Вой, нега... Фақат йўл узоқ, қайтиб келишларинг бор... Лекин ётиб қолишларинг ҳам мумкин, — дедим. — Ҳозир бизнинг боғимизда ёзувчилардан кўра каммерсант кўпроқ... Шунақа бўп қолди.

Уларсиз дача ўзини боқолмайди...

— Ҳа, — деди кесиб Таваккал. — Ёзувчиларнинг аҳволи яхшимас ҳозир. Биламиз.

— Билар экансиз, ёрдам қилмайсизми? — деб қолди шунда Гулсара. — Пул — сиз учун хазон-ку.

У яйраб кулиб юборди.

— Соддамиз-да, жўнмиз-да, хоним. Кечаги кун би-лан бугунги куннинг фарқига бормаймиз! Гап битта!.. Қувватжон, сиз дачанинг ишотини берасиз менга.

— Раҳмат, Таваккал ака, — дедим. — Гулсарахон, сизгаям раҳмат. Менинг куним ўтаяпти... Уюшмамиз, хўш, Адабий жамғармамиз раҳбарияти уч-тўртга адибга мурувват қилиб, путёвка нархини кўтаришмаган.

— А-а, дуруст, дуруст... Хўп, турдикми?

— Ҳа, — деди Гулсара ва яна энтикиб нафас олдики, бу ерда унга ҳаво етишмаётганиам аён бўлди. Кейин қандайдир ғижиниб, қўшимча қилди: — Официанткага айтинг, столдаги таомлардан олиб, тугун қилсин.

— О, мумкин эмас! — деб юборди Таваккал. — Мени уялтирманг, хоним. Биз свежийсидан заказ қиламиз... А-а, дачада ўтираммиз. Дўрмонда, а?.. Ҳа, эшитганман... Ҳой, маржа хоним, а ну-ка камне! Ке, аканг айлансин.

Мен бундай исрофгарчиликни ҳазм қилолмасдим, бунақа «тантйбойваччалик» ҳам ёқмасди. Адибларга теккан касалликми бу: бунақа тўкин дастурхонни кўрсанг, хурсанд бўласан-у, кейин бир буханка нон учун дўконлар қошида навбатда турган хотин-халаж, чол-кампириллар кўз олдингга келади. Баъзан томоғингдан ҳеч нарса ўтмай ҳам қолади...

Мен плашим билан шляпамни кийиб, пастда кутажимни айтдим ва улардан рухсатини сўрамасдан жилдим. Ойнабанд эшикдан чиқаётганимда, яна Ҳусанжон билан тўқнаш келдим. У менинг тирсагимдан ушлаб:

— Кетасизларми? — деди.

— Ҳа, Дачага борадиган бўлдик.

— Чёрт побери, ўшанда ўйнагандан кейин ҳам шунақа йўталиб қолувди.

— Ўйнаганда, ўпка пишади.

— Да-да.

Ёмғир ҳамон тинай демасди. Шамол эса шаштидан тушганга ўхшар, бироқ туриб-туриб авж қилиб қолар, шунда беихтиёр тескари қараб оларди, киши.

Қунишиб-йўртишиб бекатга етдик. Бир замонлар «такси» тўхташи гумон бўлган майдончада кўзини «кўкартирган» мошиналар ҳам, «шахсий»лар ҳам энди йўловчи кутишар, бироқ нархи осмондалиги боис, уларга яқинлашиш мушкул эди.

— Такси, такси! — деб бақирди Таваккал, худди «Эшмат! Тошмат!» деб чақиргандай. Шундай рўпарамизда турган «Жигули»нинг эшиги очилиб, бир йигитча чиқиб келди. — Бўшмисан? — сўради Таваккал сенсираб.

— Бўш-бўш. Ўтиринглар... — дея йўл бошлади ҳайдовчи. Сўнг, яқинлашиб келган таксичига ўшқирди. — Ани мой клиент!.. Келинлар.

Мен орқа эшикни очиб қўйиб, олдинги ўриндикқа ўтириб олдим. Таваккал билан Гулсара орқада жойла-шишди. Шофёр машинани жилдириб, сўради.

— Қатга борасизлар?

Мендан аввал Таваккал (шанғиллаб) жавоб қилди:

— Дача писателга!

— Ў-ўў, окахон, туда-суда тўлайсиз-да.

— Ҳайдайвер. Мана шу — ёнингда ўтирган одам...

— Таваккал ака, — дедим.

— Хўп... Хўш, хоним, энди қалай? Ойнани очиб қўяйми бир оз?

— Ҳа..

— Сиз, албатта Қашқадарёга боришингиз керак! — деди Таваккал қатъият билан. — Унинг тоғларида ҳаво шундай тозаки, бир қўйнинг гўштини бир кунда еб қўясиз... Ҳа-ҳа-ҳа! Биз еймиз-а, Қувватжон!

— Ҳа, ундай ҳавода иштаҳа очилиб кетади, — дедим. — Лекин Гулсарахон, борсангиз зиён қилмайсиз... Таваккал акага бемалол суяниш мумкин.

— Нега «мумкин?» Шарт! — деди Таваккал. — Ҳозир какраз ширвоз кўзилар сўйилапти... Қувватжон, бултур ҳам ўтмадингизми-а, Қаршидан?

— Ўтдим-у, поезд билан, — дедим. — Автобус ҳам ёмонмас экан.

— Мошина нима бўлди, мошина?.. А, бензин қимматлашиб кетди!

— Мошина сотилди.

— Кечирасиз, Қувватжон ака, қанақа китобларингиз бор? — сўраб қолди шунда Гулсара.

— Бор, — дедим.

— Дачада борми? Биттасига автограф ёзиб бера-сиз... Ўқийман, албатта. Китобни яхши кўраман. Мана, окангиз кўрдилар, уйимда кичкина кугубхонам бор. Лекин кўпи ўрисча... Ҳим, тарбиямиз шундоқ бўлган-де.

— Ничаво! — деди Таваккал. — Энди, колганини ўзбекчалаштириб юборамиз. Ҳа-ҳа-ҳа!

— Раҳмат.

— Лекин ўйинингизга беш кетдим, Гулсара. Ресторанни ром қилиб олдингиз аммо... Э-эй, танграм, кунларимиз қандай мазмунсиз ўтади, Қувватжон. Ейсан, ичасан, бировни уришасан, бировининг бошини силайсан.

— Бировини алдайсан, — деб қўшди Гулсара.

Таваккал тағин хохолаб юборди.

— Албатта! Алдамаса бўладими?.. Умуман, «рақобат» дегани ўзи алдашга йўл очар экан. Ким айёр бўлса — марра ўшаники.

— Эсиз, алданганлар.

— Э, ачинманг, хоним! Ҳаётнинг ўзи шу экан... Шундаймасми, Қувватжон?

— Шундаймаслигини ўзингиз ҳам яхши биласиз, — дедим мумкин қадар беозор оҳангда.

Таваккал бир сония жимиб, тағин қаҳқаҳа отди.

— Лекин ҳамма бир-бирини алдай бошлагандан кейин... Нима дедингиз, хоним?

— Нима дейин?

— Сизникиям тўғри.

— Кечирасиз, Кувватжон, — деб яна гап котди Гулсара. — Писателларнинг дачаси бор, деб эшитардим. Шу ёкда — тоққа яқинлигиниям биламан... Лекин, у қанақа дача ўзи? «Дам олиш уйи»га ўхшийдими? Боя бизнесменлар ҳам кўп дедийиз. Демак, санаторий типиди?

— Фарқ қилади, — дедим. — Унинг номи тўла-

сича: «Ўзувчиларнинг ижод ва истироҳат боғи» де-йилади. Уч қаватли иморат... Ҳали кўрасиз. Яхши. Кўпчилик хоналари бир кишилик. Яшаш, ишлаш учун шароит бор... Ҳим, уч-тўрт гектарлик боғимиз ҳам бор. Ёзда салқин бўлади; Тошкентда ҳарорат қирққа чиққанда, у ерда ўттиз беш-ўттиз олтидан ошмайди.

— О, яхши экан. Ёзда Тошкентда нафас обўмий қолади... Биласиз-ку, ўзийиз?

— Ҳа..

— У ерда, энди, фақат ёзасизларми? — сўради Таваккал. — Ё бошқа иш ҳам бўладими?

— Ёзадиган — ёзади, ёзмайдиган — ҳордиқ олади. Илгари яхши эди: бир йилда бир ой текин йўлланма бериларди ёзувчига... Ҳозир йўқ.

— Понятно, — деб қўйди Гулсара. Кейин яна сўради: — Бизни бегона деб...

— Ў-ў, йўқ. Унақанги темир қодалар бизда йўқ... Умуман, Уюшмамиздаям илгаритдан қандайдир демократия бор эди. Муҳим гаплар китоб саҳифаларига чиқмасаям, у ерда айтиларди... Уйлашимча, социализмдан бизга қолган энг дурус мерос — шу боғ билан бугунги Уюшма бўлса керак...

— Э-э, ёзувчиларингиз ҳам бир-бирини жуда қаматишган экан, — деди Таваккал.

— Ҳа, — дедим. — Афсуски, шундай бўлган... Давр, сиёсат тақозо қилса, ҳар қандай жамиятда ҳам шундай бўлар экан, Таваккал ака.

— Ҳозир қалай, ҳозир?

— Ҳозир, яхши... Лекин яхши асарлар яратилма-япти ҳисоб. Янги турмуш тарзига тушиш мушкул. Унинг моҳиятини билиб, адабиётнинг мақсади билан уйғунлаштириш қийин кечаяпти... Келинлар, бошқа мавзуда гаплашайлик. Бу — инжиқ мавзу... Ёмғир тинди дейман?

— Ўзи-ку ёққани тузук, — деди шофёр. — Бу йил қиш бўлмади ҳисоб.

Сўнгра суҳбатимиз об-ҳаво мавзуга ўтиб, сайр-саёҳатларга бориб тақалганда, биз ҳам ижод боғига етиб бордик. Дарвоза очик, аммо машина чирокдарини йирокдан кўрган қоровул чикиб турган экан, мени таниб четланди.

Ўтиб кетдик.

## 7

Иморат олдидаги майдончада «Дэу» тамғали автобус турарди. Ундан кимлардир тушаётган экан, «спортчилар» деб ўйлагандим, ўхшашмади. Лекин уларнинг раҳбарлари дача маъмурияти билан келишгани, демак, тунаш учун тушишаётгани аниқ эдики, мен:

— Таваккал ака, сизларга номер олиш қийинга ўхшаб қолди, — дедим.

— О, биз қолмаймиз... Ман кетаман, — деди Гулсара. Таваккал ҳам шошилишч:

— Ундай бўлса, албатта кетамиз, — деди-да, ҳайдовчининг елкасига қўлини қўйди. — Укабой, кутасиз энди... Биз бир оз ўтириб чиқамиз.

— Ока, унақа вақтим йўқ, — деди шофёр. — Ночорликдан чиқовуз-де, бир-икки соат ишлаб қолайлик, деб. Такси заказ қилишларинг мумкин.

— Эҳ-хе... Мана, сенга икки юз сўм... Закалад. Бир соатдан кейин қайтиб келасан. Агар биз сени алдасак, мана шу ёзувчи акангни ушлайсан.

— Ҳа, — дедим. Шофёр ғудраниб қолди.

— Мен энди қатга бордим... Бўпти. Қайси номер-дасиз, домла? Мен ровно бир соатдан кейин шўтта бўламан.

— 37-номер, — дедим. — Учинчи қават, ўнгда. Бемалол кираверинг.

Меҳмонлар қайсидир вилоятдан келган ҳаваскор ансамбли экан, уларнинг ғала-говури, чилдирма-ю рубобнинг биров ноҳос тегиб кетгандек сас-садолари орасидан, ўшаларнинг шериклари каби ўтиб, юқори қаватга кўтарилдик.

Мен: «Хонам қай аҳволда экан? Йиғиштирилганмикан?» — деб безовта бўлган ҳолда йўл бошладим.

Умуман-ку, менинг хонам — тузук номерлардан бири. Айвончаси-ю деразалари нари томонга —

олмазор боққа қараган. Ҳозир баҳор эмасми, тонгда булбуллар сайрайди боғда. Тўғри, кишда бу томоннинг хоналари анча салқин бўлади, шунинг учун кўпроқ муддатга турувчилар кунгай тарафдаги хоналарга ўтиб олишади. Мен ҳамиша ўша ёқда турардим. Чунки узоқ йили ўша боғ устида чарх уриб айланган бир жуфт қалдирғоч очиқ деразамдан кириб, уй бурчагига ин қўйган, бола очган эди. Шунинг учун баҳор бошландими — деразани очиброқ қўйиб ётардим, кун совуқ бўлса ҳам қалдирғочлар келади. Ҳали келишмаган, бироқ деразам очиқ эди...

Эшикни очдим-у, уялаётганимни билдириб:

— Бир минут сабр қиласизлар, — деб ичкарига кирдим. Чироқларни ёқиб қарадим. Хайрият, ўтирса бўлади. Шамолда дераза бекилиб қолган экан, очиб қўйдим. Сўнгра, туфлимни ечсам — улар ҳам ечишга мажбур бўлишини, ортиқча шиппакларим эса йўқлигини ўйлаб: — Марҳамат! — дедим. — Бемалол!

— Мачит эмасдир. Оёқни ечмасак ҳам бўлар? — деб ишшайганча остона ҳатлади Таваккал.

— Мен ҳам шуни айтмоқчийдим, — дедим. — Ке-линг, Гулсарахон. Плашингизни беринг...

— Э, қишлоқилик курсин, — деб бурилди Таваккал. — Қани, ўзим ечинтириб қўяй. — У чарм плашни олиб, менга берди. Кейин ўзининг шундай куртқасини ечиб узатди. Мен ўзимнинг одми плашимни ҳам девордан даромад қилиб ясалган шифонерга илдим. — О-о! — деб яна ўзи ичкарига йўл тортди Таваккал. — Яхшиии... А, Гулсара? Бир кишига бўлади-да!

Гулсара стол лампаси устидаги жавонга — китобларга, девордаги расмга (ромга солинган расмда нилуфарлар қоплаган кўл бўйидаги кўлбола ёғоч ўриндиқда танҳо ўтирган оқ либосли париваш тасвирланган эди) жилмайиб боқиб, диван ва юмшоқ курсиларга ҳам қизиқиш билан кўз ташлаб:

— Яхши, уютна, — деди. — Менимча, ёзувчилар ҳаётдан нолимасаям бўлади, Қувватжон.

— Мен ҳалиям нолимайман, — дедим. — Ҳаёт қандай бўлса, шу ҳолида қабул қилишга ўрганганмиз... Қолаверса, шундай ислохотлар даврида бундай яшаётганимга шукрона айтаман... Қани, хоҳлаган жойларишта ўтиринглар.

— Мундай қиламиз, — Таваккал бурчакдаги столчани кўтариб, диван олдига қўйди. — Қувватжон, хизмат бўлмаса, анавини олинг. Тақсимча бордир?

Мен ювингич хона оғзида қолдирилган салафан халтани (оғиргина экан) олиб, Таваккалга бердим. Кейин «Морозка» музхонаси остидаги тумбадан сопол тақсимчаларни чиқардим. Сўнгра «кока-кола» ёзувли пластмасс стаканлар билан пиёлаларни йиғиб, ваннахонага кирдим.

Мен барибир хижолатда эдим: уйишта меҳмон келганда (қанча вақт турмайин, бу — менинг уйим-да), дастурхонга қўйгич емишлар ўзингдан чиқсин-да...

«Ҳа-е, тушуниб туришипти-ку», дея идишларни ювиб, кўл артилмаган сочиқни ҳам олиб чиқдим. Худди айбдор хизматкордек чучмал табассум билан:

— Хуш кепсизлар, — дедим. Ва столдаги хушбўй товаки (табаки)лар, бир жуфт хурмо, бир уюм апельсин, бир жуфт ёпган нон, банка-банка пиволару бири очилган (ресторан столида очилган) ва бири очилмаган яхудий ароғи ҳамда арман коньягини кўриб, умрида бундай неъматларни кўрмаган кишидек ясама шодиё-налик билан:

— О-о, — деб юбордим. — Ресторанни қуритибсиз-ку, Таваккал ака!

— Ҳа, энди, бойвачча-да, бу киши, — деди Гулсара ҳам уни мақтаган бўлиб.

— Э, шуям нарса бўлди-ю! — Бойвачча бамайли-хотир қўлини узатди. — Тақсимчани беринг.

## 8

Биттадан ичишгач, суҳбатимиз равон оқаётган ирмоқ мақомида давом этди.

Бутун бир товакини (товуқнинг тўшини) бир зум-да этдан тозалаб, чикитни яланг столча четига уюб қўйган Таваккал ёғли кўлларини сочиққа артиб олиб, бир оёғини тагига қатлаб ўтирганча, «Малборо» сигаретини тутатар ва ҳар томонга лоқайд кўз ташлаб, гапга кўшилиб турар, Гулсара бармоғида чимдиб олган этни ўйчанлик билан чайнар, мен гапни гапга улаш билан ҳалак эдим.

— ...Ҳа, Переделькинадаям бўлганман бир марта. Ёзувчиларнинг конференциясига борганда. Баъзи ёзувчилар бир умр яшашар экан.

— Энди йўллар бекилди, — деб қўйди Гулсара. Ва Таваккал бирдан буклаб ўтирган оёғини тушириб:

— Грузияга бормаймизми? — деб қолди Гулсарага қараб. — Мен Қримда бўлганман, Грузияда — йўқ... Эй, борайлик, Гул! Дунё ўтди-ку! — Кейин менга қараб бидиллаб айтди: — Кеннойингиз соппа-соғ юрган эди.

Бир кечада ўлиб чикди... Ундан сал олдин битта акам кетган эди. Жуда омонат эканмиз-да, Қувватжон! Эй, сиз ҳаётнинг мана шу томонларини ҳам ёзинг!

— Албатта, — дедим. Қандайдир ёзилмаган ахлоқ қоидасига кўра, Таваккал бу бегона хонимнинг, аниқ-роғи, ўзига эргашиб юрган «қизи»нинг олдида оиласи ҳақида бемалол гапиравермасаям бўларди. Бироқ кончи йигитимиз бу ҳақда жилла мулоҳаза қилмас, аниқ-роғи, ҳалигидай «андиша»га бормас эди.

Рост, у тўғри — бор гапни яширмасдан айтаяпти. Аммо... Ана шу «аммо»га етганимда, шундай хулосага келгандек бўлдим: бу аёл билан ўзининг орасида чегара қўймоқчи, яъни «сен — кўнгил хушисан, менинг ўз ҳаётим бор», демоқчи.

Сезиб турардимки (ресторандаям ҳис этгандим), жувон ўзини ноқулай аҳволда сезаяпти, менинг олдимда хижолат чекапти. Бу ҳол унинг қайрилма қошларининг кўтарилиб тушишидан билинар, таомни чайнаб турган жағлари ҳаракатдан тўхтаб қолар эди... У сочикни дадил олиб, бармоқларини артди-да, ёнидаги сумкасини тиззасига қўйиб, ундан «Башан» ёзувли юпка пачкани чиқарди, соф япроқни ўраб ясалган сарғиш сигарет чиқариб, лабига қистирганда (Таваккал анграйиб қараб турарди), мен шошиб чақмоғимни ёнди-риб тутдим. У тутатиб:

— Раҳмат, — деб қўйди билинар-билинемас жилмайиб.

— Ҳа-а, бу қанақа сигарет экан? — Таваккал картон қутини дангал олиб, йўтон бармоқлари билан йиртгудек қилиб очди. Биттасини чиқариб хидлади. — Сигара. Сигарами шу? — У менга қараб олди. — Зўридан чекар экансиз.

— Битта қўшним совға қилган эди, — деб қўйди Гулсара. Кейин бирдан қаддини ростлаб: — Грузияга борамиз, дедингизми? Это серёзни? — деди.

Таваккал хушёр тортиб:

— Э, мени... мени... — дея бўғилиб, бирдан хитоб қилди. — Ҳозир десангиз, ҳозир кетамиз!

Гулсаранинг хиёл сузук, аммо сурманинг кучи билан катта кўринувчи кўзларидан бир нур чиққандай бўлди.

— Ҳозир?

— Ҳа, ҳа. Жўнаймизми?

— Бўпти.

— Гап тамом! — йигит менга деди: — Қувватжон, биз кетамиз! Гап битта... Ўзи, ўйлаб юрардим. Мана, хоним ҳам истаб қолдилар. Бир айланиб келайлик бу ўтар дунёда... Ҳе-хе, — деб илҳомланиб кетди.

Гулсара сигарасини сумкага солди. Таваккал чекиб турганини кулдонга босиб эзди.

Мен Таваккалнинг дангаллигини, айтган гапидан қайтмаслигини билардим. Аммо жувоннинг ҳам бунақа феъли борлиги... қизиқ ва завқли эди. Шу билан бирга кишида нохуш таассурот қолдирадиган фикр ҳам уйғотарди: «Боёқиш ғамгин кўринади. Бунинг устига, сохти-сумбатига қараганда, анчагина ўзига тўқ, «кўрган» оиланинг фарзандига ўхшайди. Ҳалигидай безориларга сумкасини олдириб юрган бўлса, тагин: «халоскор»ни уйига олиб кирган бўлса, демак, ёлғиз... Бойвачча «тантубой»нинг шарофати билан бир ўйнаб қолгиси келди, шекилли...» Айни чоғда бошқа мулоҳазаям туғдирарди шижоати: «Таваккални синамоқчи. Ундан қандайдир алам ўтган-у, шу аламдан фориг бўлмоқчигаям ўхшайди...»

Ҳарқалай, бир манзара кўз олдимга келиб, мамнун бўлдим: Гуржистоннинг қандайдир хиёбонида, иккови кетишмоқда, иккиси ҳам башанг кийинган ва бир-бирига ярашган... Таваккал уни ҳар қандай шароитда ҳам химоя қила олади. Ва ўша гуржилар маконида ҳам сира паст тушмайди.

Уларни кўрган-кузатганлар: «Кимлар экан булар?» деб бир-биридан сўрашар ва биттаси айтар: «Ўзбекларга ўхшайди, тили туркчага яқин...».

Улар дабдурустдан ўринларидан туришганда, тагин хижолат ҳисси эзди мени: «Ҳозир буларни самолёт ҳам кутиб турмас... Демак, Гулсаранинг уйига боришади, албатта. Албатта, бу кийимини

алмаштириши, яна ул-бул олиши керак. Таваккал ҳам меҳмонхонага (номериға) кириб чиқади...»

Хуллас, тагин бирон ейимлик-ичимлик олишларини тахминлагач, эртага лоҳас бўлишимни билсам-да:

— Хой, мусулмонлар, яна икки минут сабр қилинлар, — дедим шошилиб. — Ахир, йўл кетадиган одамлар ҳам курсоқ ўлгурнинг нафсини қондиради олдин.

— Ў-ў, яна биттадан! — деб шанғиллади Таваккал. — Кетар жафосига! Бизга оқ йўл тиланг, Қувватжон ука! Бу сафардан ҳар биримизнинг орзу-армонимиз рўёбга чиқсин! — шундай деб, нимагадир қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди.

Гулсара ҳам бирдан яйраб кулворди-ю:

— Илоҳим, илоҳим, — деди.

Шунда англадимки, буларнинг ўзаро сирлари бор. Қандайдир истаклари борки, рўёбга чиқмабди экан... Ана шунда, онт ичаман, ички бир андиша билан эслаб қолдим: Гулсара Таваккални кеча уйида ётқизмаган...

Демак, бу борада уларнинг ўртасида қандайдир ҳазил-хузулга яқин, бироқ жиддийгина очиқ гап-сўзлар ҳам бўлган... Бўлгани аниқ, шунинг учунки, Таваккал ресторанда хонимнинг кеча ётишга рухсат этмаганини айтгач, уялмай-нетмай: «Тегмайман десам ҳам, кўнмадилар», деди.

— Ой бориб, омон келинлар, — дедим Таваккал кўйиб узатган пиёлани олиб. Шунда миямдан бир малолсиз хаёл кечди: «Таваккал — бўйдоқ ҳисоб, буям — ёлғиз экан, бир-бирига мос тушарди-да, тил топишса...» Кейин, бу фикрни очиқ айтолмаслигим боис: — Бир-бирларинг билан янаям яқин бўлиб келишларинг учун, — деб гапни тугатдим.

Улар, назаримда, бирон сония ўйга толиб қолишди. Кейин, яна кула-кула пиёлаларини узатиб чўқиштиришди. Ичиб бўлгач, товакидан ейишга қистадим.

Ҳар иккиси ҳам рад этди.

Улар сиртки энгилларини кийиб, мен чопонимни елкамга ташлаб, йўлакка чиққанимизда, иккиланиб сўрадим:

— Путёвка топилиши... Ахир, ҳозир биров тайёрлаб тургани йўқ, Таваккал ака.

— Э, укажоним-е, — деб кифтимдан кучди Таваккал. — Ўғрига мол қаҳатми? Ҳа-ҳа-ҳа!

— У ерда ижарага бериладиган квартиралар жа кўпмиш, — деди Гулсара. — Ҳатто аэропортга чиқиб кутиб олишаркан. Шунинг устидан кунини ўтказадиганлариям кўп...

— Ҳа-а. Мен у томонларга бориб кўрмаганман. Лекин улардаям Ижод уйлари бор.

Майдончага тушганимизда, «Жигули»нинг бир соатдан кейин келишини эслаб, туриб қолдик. Таваккал менга зимдан қараб кўйиб, чўнтагини кавлар экан, мен соатга қараб олиб, унинг етиб келишига ўн тўрт минут қолганини айтдим. Таваккал барибир «шошманг» дегандай қилиб, пул чиқарганда, мен тисланиб кетдим ва улар катта йўлга чиққунларича ўн беш минут ўтишини, демак, машинага йўлиқишларини айтдим-да:

— Кетдик, ўзим кузатиб қўяман, — дедим. — Йўлни кўриб олганларинг қолади. Ахир, яна келарсизлар?

— Албатта, — деди Гулсара. — Бу ерни кундуз куни кўриш керак экан.

Таваккал ўйланиб қолди-да:

— Бўпти, — деди.

Шунда чироқларини ловуллатиб, сассиз келаётган энгил машина сигнал берди-ку!

Ўша «Жигули» экан.

Улар ўтириб кетишди. Мен «оқ йўл» тилаб қолдим. Ёмғир аллақачон тиниб, энди шу сокинликка мос шабада эсар, уйғонаётган дов-дарахтларнинг намхуш (елимни эслатувчи) ҳиди келар, бечора ой эса булутларни олдида ўтказар, назаримда, улардан олдинга чиқишнинг иложини тополмай хўмраяр, баъзан қалин пағалар соясига яширинар эди...

Ёзнинг жазирама иссиғи қайтиб, шу даража баробарида салкин тунларидан бири эди. Мен балкон-айвончада ичкарига киритишнинг ҳам, пасгга ташлаво-ришнинг ҳам «иложи» бўлмаганидан қолаверган, суянчиғи баланд, энлигина креслода чекиб ўтирардим. Хонам шифтининг девор билан ушлашган жойидаги миллион қатнаш эвазига қурилган инида она қалдирғоч яқинда очиб чиққан болаларини босиб ётар, ота қалдирғоч эса дарпарда илиғлик мослама устида қунишиб турар, иккиси ҳам «чий-чий, чирик-чирк» этиб сўзлашиб кўйишар, гоҳо ота қалдирғоч хонани бир айланиб, усқунанинг бошқа

жойига кўнарни. Улар шундоқ иноқ, аҳил, бир-бирига меҳрибон эдилар.

Мен эсам уларнинг сасини эшитиб, ўзларини кузатиб завкданар ҳамда тотли бир хўрсиниш билан Будданинг машхур сўзини бот-бот эслар эдим: «Инсон ҳар қанча бахтсиз бўлсаям, ёруғ оламни кўриб турганидан хурсанд бўлиши керак. Чунки уни кўрмаслигим мумкин эди». Кейин эса ўзимизнинг Муҳаммад пайғамбар ҳадисларидан бирида инсоннинг бошига тушгучи барча оғирликлар, қалбини ларзага солувчи изтироблар Аллоҳ таоло тарафидан бандасини синаш учун берилажаги, илло бандаси шуларга-да шукрона қилса, фаровон кунларнинг қалбни хушнуд этгучи қувончларнинг қадрига кўпроқ етиши ҳақида хабар берганларини эсладим.

Қолаверса, бу икки ҳикмат — менга тасалли, қувват бергучи «ҳамроҳларим» эди.

Эшигим тақиллагандай бўлди. Мен пастга қармоқчи эдим, ҳақиқатан ҳам эшигимни биров ишонч ва шахд билан тақиллатди. Мен йўлакда турган кишининг бегона эканига заррача шубҳа қилмасдан бориб очдим.

Ишонинг-ишонманг... Гулсара жилмайиб турарди. «Соат ўндан ошди-ёв» деган гап ҳаёлимдан кечган кўйи, ташқарига бош чиқариб қарашни ҳам ўйладим-у:

— Кириг, кириглар, — дедим бирдан чекиниб.

— Представти себе, ман битта ўзимман! — деди меҳмон янада чакнаброқ жилмайиб. — Ҳайронмисиз?.. Ҳайрон бўлманг, дўстмиз-ку? Дўст дўстнинг уйига сўроқсиз келар эмиш... — Унинг эғнида илон пўстидек ялтираб турган матодан тикилган узун кўйлак, ғоз бўйнида бир тизим дур, кўлидаги салафан халта оғирлик қилаётгандек ўша томонга майишиброқ турарди.

— Ў, албатта, албатта. Марҳамат, — дедим. Ва ҳаёлимдан тагин ўша ўй ўтди: «Хонам саранжоммиди?» Беихтиёр халтасига кўлимни узатиб, яна чекиндим.

Гулсара йўлакнинг бош томонига қараб олиб:

— Ҳайрон бўлишвотти, ким бўлди бу сатанг, деб... Ну и к чёрту, — деди.

— Ҳайрон бўлса арзийди, хоним, — деб эшикни ёпдим. Гулсара тим қора туфлисини дўқиллатиб, хонамга кирди.

— О, салом сизга, китоблар... Э, қалдирғочми у? Ўша! Вей, муни қаранг-а! Яхши одамларнинг уйига ин кўяди, дейишарди., Камплимент эмас, сиз яхши одамсиз, Қувватжон... Йўқ деманг. Баъзан камтарлик манманликдан далолат беради. Топиб айтдимми? Марҳамат, ўтирайлик. Ман қайтиб кетаман. — Кейин диванга ўтириб (столча диваннинг олдида эди) иримига яраша фотиҳа ўқилгунча Гулсара анча-мунча гапларни айтиб ташлади: — Синглимми уйида ден рожденияда эдик. Унинг эри шишқалардан. Судья... Да, ну их... Кечирасиз, Қувватжон, танасида маданият, аристократлик бўлмаган одам барибир хол кўяди. Ҳеч қурмаса, ўзини тутишни билмайди. Амалини унутмайди... Ўздан лавозими баландроқ киши келса, унга пой-патак бўлиб кетади. Бу ёқдагиларни унутади.

— Ҳа, ундайлар бор, — дедим. — Менимча, улар раҳбар бўлиб кўришмаган одамлар.

— Во-во-во! Токқа тирмашгандек тирмашиб, тирноқлари қонаб кетиб, мансабга эришган-де.

— Чой ичарсиз?

— Йўқ. Шу оқшом, ишонасизми, маст бўлгим келди... «Мастлик қанақа бўларкин?» деб ўйласам, жуда ёқимли бўларкан. Бемалол гапирвораркансан...

— Мен ичимлик сақламайман, — дедим. — Баъзан ҳамма нарсани унутгинг келади, шунда ичиб кўйганингни билмай қоласан.

— Худди шундай, азизим! Бугун ман ҳам дунёни унутгим келди... Халтани очинг, ҳамма нарса бор... Синглимга айтдим: «Энг яхши закуска, ичимлик сол», дедим. У мани яхши кўради... Хайрлашаётганда кўзига ёш олди.

— Ҳим, нимага?

— Э, манга ачинади-да... Қўёвуринг, бировнинг ачинишига зор эмасман. Қандоқ бўлсам, шундоқ ўтаман. Гуноҳ-савобим — ўз бўйнимда.

— О, яна яхудий ароғи...

У (бемалол) қаҳ-қаҳ отиб кулди.

— Вой, жугутлар-е, жуда устамон-да. Ароқниям хуштаъм қилишган. Қойил.

— Ҳим, адашмай топиб келдингизми? — Аслида: «Такси билан келдингизми?» демоқчи эдим.

— О, битта кўрган жойим памятимда қолади. Таксис инжиқлик қилувди, бор пулимми... Учдан бирини бердим, — деди-да, яна кулиб юборди. — Ничего, уйда бор... Қани, қуйинг, Қувватжон. Сизни

«Азизим» десам, майлими?

- Э-э, бемалол... Лекин мени исмимни айтиб чакиришса, кўпроқ ёқади.
- Ҳа-а, сиз ҳам...
- Марҳамат.
- Сиздай... Таваккал аканинг сиздай дўсти, укаси борлиги учун оламан.
- О, мен эсам, акамнинг сиздай суюклиси борлиги учун оламан шуни, — дедим.

11

Гулсара кўлидаги пиёлага тикилиб қолган эди. Ирғиб ўрнидан турди-да, айвон эшигидан ярим танасини чиқариб, ароқни пастга сепиб юборди. Сўнг синиқ жилмайганча (шу онда асли киёфасига қайтгандек эди) жойига ўтириб, пиёлани тутди.

— Кўйинг. Менинг тостим учун ичамиз. — Кейин, ўйчанлик билан давом этди: — Ижодингиз асло... асло бўшашмасин, Қувватжон. Қандайдир қийинчиликларийиз бўлса, илойи, вақтинчалик бўлиб чиқсин. Ҳим, ўтган гал одамнинг феъли ўзгармасин, дебмикан — бир нима девдингиз. Шундоқ: сизнинг шу феълингиз сира-сира ўзгармасин... Кеннайим борлар-а?

— Албатта, — дедим. — Иккита фарзандим ҳам бор... Худога шукр, мени тушунишади, ўз ҳолимга қўйиб қўйишган... Мен уларни ҳар қанча бошимга кўтарсам, арзийди.

— Ўшаларнинг бошидаям омон бўлинг... Аввало, сиз — ёзувчисиз. Ҳим, менимча, анча объектив писателсиз... Бундай одам кимлигига ақлим етади...

— Бу совуб қолди.

У қаҳ-қаҳ отиб кулди (яна сархуш кайфиятига қайтди). Беш-олти паррак қази билан бир тақсимча норин олиб келган экан, улардан газак қилдик.

Табиий, Гулсара шунчаки гаплашиб ўтириш учун келмаган, қандайдир (Таваккал билан боғлиқ!) дардини очиб, ҳасрат қилмоқчи, балки маслаҳат сўрамоқчи эди.

Мен гап тизгинини ўша томонга тортишга баҳона излар эканман, у худди ўша кунги (!) сигара қутисини чиқариб, бирини лабига қистирди. Мен чакмоғимни чакиб, унга тутдим. Кейин ўзим ҳам «Родопи»дан тутатиб олдим.

Гулсара узун ва кенг этак остидаги оёқларини ча-лиштириб, бир-икки дуд олди-да, тавба қилдим, шунақаям йўталиб қолдики, кўкариб кетаёзди.

— Кечиринг-кечиринг, — деди хансираб. — Манинг... манинг қандайдир касалим бўлса керак. — Сўнг шу ҳолида жилмайди. — Лекин юкумлимас. Ўзим фельдшерман, ахир... — Кейин сигара пачкасини бирдан ғижимлади. — Жуванмарг бўл... Олти ойдан буён тугамийди бу савил.

— Кучли бўлса керак, — дедим мен. — Шунинг учун мен чексам ҳам йўталтирворади.

— Йўк, манинг ўпкамдами, юрагимдами бир иллат бор, Қувватжон. Ўзим биладан... Салбий бўлиб қолганми, чёрт знает. Ўша куни ресторандаям кўрдийиз-ку... — Шунда мен унга тикилдим. У менга тикилди: энди мақсадга ўтмаса бўлмас эди. — Айтмоқчи, — дея бирдан яна жилмайди, — оқайиз келиб туриптилар-ми? Ё ўша-ўша бадар кетдиларми?

— Келгани йўк, — дедим. — Лекин бир-икки марта кўнғироқ қилиптилар Қаршидан. Менинг йўғимда. Боримдаям телефон қилган бўлиши мумкин. Тушолмагандир... Бунинг устига, ёзда меҳмонлар кўпаяди дачада. Ҳозир ҳам бор.

— Телефон зайнит?

— Худди шундай... Сизга кўнғироқ қилиб тургандир? Балки учрашгандирсизлар яна?

— Йўк, йўк, — деб беозоргина кулди. Кулгисида йиғининг саслари бор эди.

— Нега энди? — дедим. — Балки ўзингиз...

— О, ман ҳеч қачон телефон қилмайман! — У бу гапни теран бир ишонч билан айтдики, «ғурурдан ҳам худо берган экан», деб ўйлаш мумкин эди.

— Тушунарли, — деб қўя қолдим.

Шунда у қандайдир киноя аралаш нописандлик би-лан сўради:

— Нега бизнинг Тиблиси сафаримиз ҳақида сўрамайсиз? Наҳотки қизиқ бўлмаса? Ўзийиз кузатган, оқ йўл тилаган эдингиз, жаноб ёзувчи?

— Мен истиҳола қилиб турибман, — дедим. — Ортиқча любопитства яхшимас дейишади.



— Раҳмат. Айтиб бераман, — деди у. Ва менинг сигаретимдан бирини олди. Кейин ҳикоя қила бошлади.

12

— Ўша кеча Тиблисга учиб кетдик... Бўтдан чиққанимиздан кейин мани уйда қолдириб, ўзлари аэропортга кетдилар... Тавба, «сиз»лаб гапиргим кемавотти. Ҳа, майли, ман учун шунча сарф-харажат қилдилар. У ёқдаям, э-хе...

— У киши аэропортга кетди, — дедим жилмайиб (буларнинг қисматига қизиқиб қолганимни шунда сездим).

Гулсара кулиб юборди.

— Ҳа. Ман уйда кийиниб турадиган бўлдим. Соат иккига яқин иккита билет билан кириб келдилар. Ну не могу... Мунақа йигитлар кам топилади, Қувватжон ака!

— Кечирасиз, у Тошкентга нима учун келган экан? Ҳа, геология вазирлигига девди-я...

— Ман сўрамовдим. Ман, просто, ҳайрон эдим у йигитнинг павидениясига... Шундай қилиб, тонг оқарганда Тошкентдан учиб кетдик. Да. Хўп, Тиблисга бориб тушдик. Айтганимдек, уйини ижарага берадиганлар чиқиб туришган экан... Жаноблари гаплашди. Таксига ўтириб жўнадик...

— Қаерга?

— Гаграга. Автобус ҳам, хатто троллейбус ҳам қатнар экан. Биз таксида кетдик, как палагается... Ўрисча сўзларни кўп ишлатвомман, кечирасиз.

— Бемалол.

— Ой, жуда ажойиб жойлар экан. Тоғ, денгиз, тинчликки, кўёвурасиз... Биз уйига тушган одамлар — абхас мусулмонлари экан. Битта кампир билан ўғли тураркан. Унақа кампир оламда йўқ. Шунақаям меҳрибон, мани шунақаям яхши кўриб қолди. Эри балиқчиёкан, штормда ҳалок бўлган экан.

— Узр, битта йда турдинглари?

— Ҳа-ҳа-ҳа! Иўқ... Жаноби Таваккалбек шуни истадилар, албатта. Қоловурса, сизга бўладиган гапни айтсам, ўша мақсадда мани оборман эканлар.

— Ҳим, тушунарли.

— Тасаввур этингки, ман ёнимга кўймадим.. Ишонмасангиз, тепамда худо бор. Ман худодан кўрқаман, иримчи аёлман. Баъзан ўйлаганим ўрнидан чиқади. Ҳатто Тошкентдан жўнаётгандаёқ: «Бу бойваччанинг мақсади шу-ёв», деган эдим. Худди шундай бўлиб чиқди.. У манга, биласизми, минг доллар турадиган бриллиант кўзли узук совға қилди. У-ҳҳ. Битта местний хотин опкелувди, нархини сўрамай-нетмай олди. Шунақаям чиройли, томоша қилиб ўтирсам дейсиз... Кечирасиз, биз аёллар латтага, ялтироқ нарсаларга ўч бўламиз-де! Айниқса, ман... Ҳа-ҳа. Баъзан битта кийган кўйлагимни бошқа киймасдим, дердим...

— Қачон?

— О, тарихга қайтишга тўғри келади.

— Узр.

— Униям айтиб бераман. Балки бир нарса ёзарсиз?.. Чем чёрт не шутит! Ҳа-ҳа-ҳа... Ҳазил. Бу гапларни, азизим Қувватжон, сизга айтвомман, холос. Ҳатто синглимгаям айтмадим. Ичимни кемириворди...

— Қулоғим сизда.

— Шундай қилиб, узукни олмадим... Вей, виждонан айтивомман! Агар ўша узукни «совға» деб берганида, эҳтимол... Унга муносабатим ўзгариб кетармиди... Йўқ, у кишим: «Шу кеча бирга ётамиз, холос, дедилар. — Узукнинг ҳақиға...» Ахир, бу — мани ҳақорат қилиш эмасми? Ўзийиз айтинг... Ман нима ўйда эдим-у, у киши... Йиғлаворимизга оз қолди. Уйдан чиқиб кетдим. Ўзимга ажратилган хонагаяммас, кампирнинг хужрасига кириб ётдим. Бечора кўп ачинди манга... «Эҳ, қизим-е, соддасан», деди. «Бир кун пушаймон қиласан», деди. Ҳақиқатан ҳам кейин, шу кунларда пушаймон қилдим. Ишонаверинг, азизим. Шунақа бўлди...

— Кейин?

— «Йўқ, ойижон, ман унақа қилолмийман», дедим. Кейин йиғладим. Жа хўрлигим келди... Кейин кампирга Таваккал акангиз билан қанақа вазиятда танишганимни айтиб бердим... Кампир уни ёқлади.

Ва-абше, мақтаса арзийди-да у инсон! Фақат, нима десам экан, тарбия кўрмаган-а? Сиз нима дейсиз? Қани, фикрингизни айтинг-чи? Яширманг, илтимос.

— Энди, қишлоқ жойнинг таъсири бўлади, албатта, — дедим. — Бунинг устига, у — гапини икки қилдирмаган йигит. Ишонинг, Қашқадарёда уни танимайдиган киши кам бўлса керак.

— Ҳим, шуниям айтди... Эртаси маст бўлиб келиб, юзимга солди. «Мени хор қилдинг, ярамас!» деди.

— Шундай дедими?

— О, бундан котталариниям айтди... Сўнг, учинчи куни сафаримиз қариди. Қайтдик жаноблари билан...

— Кейин?

— Совуққина хайрлашдик... Маладес, у уйимгача олиб келди таксида. Ман шундоқ чиққан эдим. Да, эсимда: бир-биримизга қараб кулишдик. Унинг кулгуси... Лекин жа эзилди бечора, ғурури поймол бўлди. Ўрганмаган-де, тоес, мунақасини кўрмаган-да... Хўрозга ўхшаб югурганда, макиёнлар пас-с этиб... Кечирасиз, айниб кетдим. Вабше, биласизми, кунларнинг бирида мана шанақа айнишним истаб қолар экансан. Ахир, тилимизда сўқишлар бор, ҳақоратлар... Нега уларни бировлар ишлатади-ю, биз ишлатмай ўтамиз? Ҳа-ҳа-ҳа... Ҳазил, азизим.

— Биламан.

— Одам. Ҳар қандай шароитдаям одам бўлиб қолиши керак. Акс ҳолда, ҳайвондан нима фарқи қолади? Мана, сиз ёзувчилар ёзасизлар. Ҳар балони: секс борми, уруш-жанжал борми — барини қоғозга туширасизлар. Лекин бир мақсадни кўзлайсизлар-ку? Яхшилиқними? Эзгуликними?

— Албатта, — дедим. — Чунки, Гулсарахон, бу жиҳатлар одамзотнинг табиатида бор. Лекин муайян шароит таъсирида...

— Понятно! — Кейин кулимсираб, шунчаки деди: — Медицинада шахснинг характери эмбриондаёқ маълум бўлади, деган гап бор, жаноби писател.

— Бор, бор. Албатта, — дедим. — Инсоннинг табиатида «бор» деганимдаям шуни кўзда тутган бўлсам керак. Тўғри, у ёки бу томонга, ўрисчасига айтсак, отклонения бўлади, албатта.

— Отайизга раҳмат.

— Яна қуяй, а?

— А-аа, майли!

— Гулсарахон, сиз анчагина ўзига тўқ, ҳам маданий оиладан чиққансиз-а?

— О, сўраманг, — деб тагин кулди у. — Ешё как... Лекин, лекин уларнинг конституцияси бошқа эди.

— Нимаси?

— «Ахлоқ кодекси», — деб қаҳ-қаҳа отди-ю, дарҳол жиддий тортди. — Йўқ, ман уларнинг... — кейин менга ялиниш билан бокди. — Келинг, ўша ёққа ўтмайлик. Ҳозирги дардим ҳам етади. Ҳозир ҳам ман нимадандир умидворман... Тушунасизми, масалан, ўх, Таваккал акангиз сал бошқача... Вой, ман тушунаман, у эркак одам! Унинг талаби, эҳтиёжлари бошқача... Это естественно. Ҳим, ман ҳам унинг ноғарасига тушдимми, демак, у истаган рақсни ўйнашим керак... Тушуняпсизми?

— Ҳа, албатта.

— Лекин, ман... Мая ўзи жинниман, бу ҳаётга тўғри келмийман. Қиз болалигимда синглим, синглим-а... манга: «Сен романтиксан, дадамми айтганини қил», дер эди. Қилиб ҳам кўрдим, дадамнинг айтганларини. Натижа чиқмади. Қайтамга... Келинг, шуни ичайлик. Ман учун ҳозирги дамлар, мана шу ўтиришимиз ҳам ғаниматга ўхшайди.

— Қайси маънода айтаяпсиз, билмайман-у, аммо ҳар бир дақиқанинг қадрига етиш керак, дейдилар.

— Да, ну! Баъзан тезроқ бу умр ўта қолсайди, дейсан. Умр — елкангдаги юк, машаққатлардан иборат бўлиб кўринади... Ўх, хватит фалсафа.

— Тўғри айтасиз. Бирок, менга ишониб шунча гапларни айтганингиз учун раҳмат.

— Да, — деди у мубҳам бир оҳангда, бошини эгиб. — Ўйлаб қолдим-де, зиёфатдан чиқиб: «Қатга борсам экан? Ким манинг дардимни тушунади?»

— Раҳмат.

— Балки сизнинг холислигингиз учун, йўқ... ана-ви бойвачча валламатга яқинлигингиз учун, ҳа-ҳа, бизнинг у билан муносабатларимизни фақат сиз билардингиз. Беихтиёр гувоҳ бўлиб қолган эдингиз. Сўнгра одамларнинг гапларини яхши тинглайсиз. Ва ҳоказолар! Қани?... — У яна кулиб юборди. —

Сиздан уялмийман, Қувватжон. Анчадан буён биладиганга ўхшийман. Ёшимиз ҳам тенг бўлса керак... Энг муҳими — сиз одамларнинг устидан кулмайсиз.

— Ў, асло, — дедим. — Ҳаққим йўқ. Кулиш лозим бўлса, менинг устимдан ҳам жуда кулиш мумкин.

— Кўп яшанг.

— Сизлар билан, эл қатори.

### 13

Шундан кейин сезиб қолдимки, суҳбатимиз адо бўлгандек: илло Гулсара ҳасратини қилиб бўлган, мен эшитган, у кўнглини бўшатган, хў-ўш, Таваккалга нис-батан муносабатини аниқ айтмаган ҳали, балки айтиб бўлган ҳам эди.

Шундоқ гуруннга янги руҳ берган нарса — менинг азиз меҳмонларим — қалдирғочларим бўлди. Деразаларда очилгич ускуна устидаги хўрози «чирқ-чирқ» этди, хонани бир айланиб, деразанинг юқори кўзига ўрнатилган совутгич устига кўнди. Шунда макиён қалдирғоч ҳам аста-аста чиркиллаб қўйди. Вой, буларнинг бир-бирини тушунишлари!

Қанийди, Сулаймон пайғамбар улар сўзларини шарҳласалар-у, биз эшитсак!

Бироқ, шундай тахмин қилиш ҳам мумкин эди: «Қалайсан? Яхши ётибсанми?» деди эркаги. «Дуруст, ҳарҳолда», деб қўйди макиёни. «Ҳа, ундай бўлса, ётавер», — «Сиз ҳам дамингизни олинг». Ўша кунларда, ишонасизми, она қалдирғоч инида кўпроқ ётиб қолса, ота қалдирғоч унга тумшуғида хўрак опкеларди: худди жўжасига бергандай қилиб оғзини очар, она қалдирғоч каттагина бошини унинг оғзига тикиб, нақ жиғилдонидан емиш оларди.

— Вой вой, — дер эди Гулсара ўзича. — Ойнаиб кетай сизлардан.

— Бултур ҳам шу иккиси келганди, чамамда, — дедим. — Умуман, булар бир-бирига жуда содиқ бўлади. Ҳатто айтишадики, жуфт оққушдан бири ҳалок бўлса, иккинчиси кўкка кўтарилиб, ўзини қояларга уриб ўлдирар эмиш.

Гулсара хаёлланиб, тотли «оҳ» еган қизболадек танглайини тақиллатди.

— Удивительно! — Кейин менга жўнгина тикилиб сўради: — Демак, булар бир-бирини севиб, оила қуришар экан-де? Фикримни тушунтира олдими?

— Ҳа, — дедим. — Севишми бу, кўникишми бу, ҳарҳолда табиий танланиш йўли билан жуфтлашади булар.

— А, естественний отбор... — Кейин шўхгина табассум қилди. — Барибир танлашар экан-де, азизим?

— Ҳа, энди, шундай, — дедим. — Лекин уларда танлашнинг мезонлари бошқачароқ бўлса керак.

— Ерунда! Кечирасиз... Макиёнлари эркагининг фақат кучлилигига мафтун бўлади, дейсизми? Бари-бир... Зот колдириш учун эркакнинг кучли бўлиши ҳар қанча шарт эса-да, барибир урғочи уни севиши керак. — Сўнг у ўз фикрига яна шўнгий бошлади: сезиб турибман, бу — унинг учун муҳим эди. — Сиз улар муносабаотида қандайдир мезон бўлади, дедийиз. Бўлади, албатта. Аммо ўша мезон фақат кучни ўлчамайди...

— Ажойиб фикр айтдингиз, — дедим унинг кўнглига бориб. Ва дарҳақиқат, Гулсаранинг фикрини қувватлайдиган мисол ёдимга тушди. Ана шу «ёдга тушгани»ни айтгач, қолганини ҳам шарҳладим: — Африкада ўзимизнинг зағизғонга ўхшаш бир қуш бўларкан. Жуда чиройли, «Ҳайвонот оламида» кўрсатишган эди. Хўрози, айниқса, гўзал бўлар экан... Сиз еб ўтиринг, илтимос. Менимча, зиёфатда тўйиб овқатланмаган бўлсангиз керак?

— Топдингиз, азизим. Ман, умуман, меҳмондорчиликда деярли овқатланмийман. Айниқса, бизнинг... Ну ладно. Фикрингизни давом эттиринг, қизиқ гап гапирвоссиз.

— Ўша қушнинг хўрози ин қуриб бўлгандан кейин шу уясининг атрофига ҳар хил латта-путта, ялтироқ-тошлар, ҳатто шиша синиқларини ҳам опкелиб, сочиб, қўяркан. Буям кам, кейин уясининг атрофида айланиб, рақс тушар экан. Қанотларини хурпайтириб... Бирам қизиқ! Мақсад — макиённинг диққатини тортиш. Қизиғи шундаки, битта макиён ҳалиги молга қизиқиб ёнига келса, бошқаси келмай — ўтиб кетар экан.

— Оҳ, қойил! — деб юборди Гулсара. — Сиз кўп нарсани биласиз.

— Кўрганим-да... Шуни назарда тутганда, сизнинг фикрингизга қўшилиш мумкин, — дедим. —

Яъни, мана... мана шу қалдирғочлар ҳам жуфтлашишдан ол-дин бир-бирини танлаган ҳам, балки севган бўлишля-риям мумкин.

— Мумкин эмас, худди шундай!

У «шундай»лигини истар эди.

— Балки, балки, — дедим. — Хўш, бундан мурод.. Кечирасиз, сиз илгари турмуш қурган бўлсангиз керак?

У диванга бирдан ястаниб, ух тортиб юборди. Кейин пиёла тубида қолган ичимликни бирдан сипқорди-да:

— Мне пора, дорогой мой, — деди. — Узр, безовта қилдим бемахалда, — сўнг йиғиштирина бошлаб, давом этди: — Таваккал акангиз телефон қилиб қолсалар, салом айтинг... Ҳим, между прочим, айтмасангизам бўлади.

— Айтаман, — дедим. У қаҳ-қаҳ отиб кулди.

— Қанийди...

— Нима?

— «Казаки» фильмини кўргансиз-а? Бир замонлар жа томоша қилардик. Ўшанда Орлова деган бир гўзал аёл... актриса Гарди Гардиевич деган бир... барваста, шоп мўйлов раис билан видолашгач, чиройли бир ашула айтиб кетади. Фойтунда, — Сўнг Гулсара овозини бемалол қўйиб айтиб юборди: — «Каким ты бил, таким остался... Ты мой дорогой...»

Ман қўшни хонадагилар эшитади, деб жилла хавотирланганим йўқ, аксинча, унинг яна айтишини истар эдим... Чунки, яна онт ичиб айтаман, худо бунга овоздан ҳам берган экан.

Афсуски, йўлакдан кимнингдир нимадир дегани эшитилиб, Гулсара кафти билан оғзини ёпти.

— Уят, а?

— Йўқ, — дедим.

— Майли. Кулишса — кулишар... Да, Таваккал ҳақида (у «ака»ни ташлаб кетди) яна нимадир демоқчийдим. Ўх, чёрт.

— Шошманг, — дедим мен ҳам кўзғолиб. — Сизга кўнғироқ қилмадими?

У лабларини чўччайтириб, кулумсиради. Кейин:

— Ман квартирамми алмаштирвордим, — деди. — Ҳа, товариш писател. — Кейин бирдан хўрсинди, — Жинниман-а?... Ўз, ўзимни ўзим ўлдириб қўйгим келади... Шунақа. Жаноблари кетаётганда мани таксидан тушириб қўйгандан кейин: «Барибир қўлимга тушасиз», дедилар...

— Ўх, қайсар.

— Қайсарлик эмас, жоҳиллик бу, азизим... Биласиз, у йигитнинг қўлидан ҳар иш келади.

— Мен фикрингизга қўшилмайман, — дедим. — Шундай ёт юртларда қўполлик қилмаган киши...

— Ҳим, бу гапингиз ҳам тўғри.

— Бекор алмаштирибсиз квартирани... Гулсара, балки телефон номерингизни ташлаб кетарсиз? Мен унга бериб қўйсам, ёмон бўлмасди.

— О, о! Мутлақо, — деди у.

Мен бўш келмадим, илло бунга тўла асосим бор эди:

— У аёл кишига зулм қилмайди ҳеч қачон, — дедим. — Мен эшитмаганман, аксинча, сурхондарёлик уч-тўртта қизлар Қарши пединститутида ўқиётганда, уларни безори болалардан ҳимоя қилиб, биттасини пичоқлаб қўйган. Шунинг эвазига саккиз йил ётиб чиқди... — Гулсара менга сўмрайиб қолди. — Эҳтимолки, ўша воқеадан кейин биз ака-укадек бўлиб кетдик. Ҳим, ўша қизлардан бири менга яқин қариндош бўларди. Ўша йиғлаб айтиб берган. «Булар — меҳмонлар-ку, нокаслар! Тарқалингллар!» деб бақирган. Улар Таваккал акага ташланишган, у киши...

— Ну-ну, это ж страшно, — деди Гулсара. Кейин чехраси бирдан ёришиб кетди. — Умуман, йигит кишининг ишини қилган экан. Қойилман.

— Шунақа.

— Нега бўлмасам менга «унақа» деди?

— Энди, алами келиб... Ўзингиз яхши тушунасиз-ку? Квартирани алмаштириб чакки қилибсиз.

У бошини ҳам қилиб, дастурхонга тикилиб қолди. Кейин паришонлик билан:

— Шу шишани олсам майлими? — деди. Деди-ю, кўзи ёшга тўлгандек йилтираб кетди. Мен унинг чарм сумкасини қўлидан тортибгина олиб, шишани солдим. Кейин қази-қартага қўл чўзгандим, у энди

сумкани тортиб олди. Сўнгра «Родопи»дан бирини-да олиб: — Биласизми, квартирани икки хоналига алмаштирмоқчийдим, — деди. — Уч хоналик эди.

— Телефон номерингиз...

— О, йўқ. — Сўнг кулди. — Керак бўлса, топиб олади. Ҳа-ха-ха! Эркаман-а?

— Йўқ, сиз ўзингизнинг қадрингизга етасиз. Лекин, айбсиз парвардигор, дейдилар.

— Да, канешна... Хўп, мани пастгача кузатиб қўясиз?

— Катта йўлгача.

— Уф-ф. Да-а... Э, хайр қалдирғочлар! Азизларим! Бир-биригата садоқатли бўлинглар!

— Раҳмат, Гулсара.

— Энди учрашмасак керак.

— Нега?

У хиринглаб кулди.

— «Чую» деган экан чукчи.

## 14

Йўлакка чиққанимиздан кейин мен яна уйга қайтиб кириб, стол тортмасидаги «бир қора кунга» деб сақлаб қўйган ақчамдан такси пули олиб чиқдим. Ўзингиз ҳам пайкаган бўлсангиз керак, Гулсаранинг қайтиб кетишга пули қолмаган («борини учдан бирини берворган») эди; бундан ташқари, жувоннинг шишани олиши-ю, ўша пайтдаги мискин ҳолатидан ҳам маълум эдики, у ҳар қанча гўзал кийинган ва мағрур бойвуччадек кўринмасин, «чўнтаги касал» экан.

Омадни қарангки, енгил машиналар тўхтамига чиқсак, битта «ВАЗ-31»дан елкасига чарм тўрва осган ажнабийлар тушишмоқда, хайдовчи орқа қопқани очиб, ғилдиракли чарм чамадонни чиқармоқда эди.

Унинг яқинига бориб сўрадим:

— Шаҳарга қайтасизми, ака? — Ҳа..

— Битта меҳмон бор эди.

— Фақат сквергача, — деди-да, жомадонни ерга қўйиб, Гулсарага қараб олди. — Шу кишими?

— Ҳа..

— Ўтирсинлар.

— Мана, юз эллик сўм.

— Бўлади. Ҳозир... — У жомадонни ғилдиратиб кетди. Мен Гулсарани имлаган қўйи ёнига бордим.

— Сизни опкетеди.

— Хайрият, таксимас экан. Мен таксисларга кўп ишонмийман... Раҳмат сизга.

— Илтимос, пул чиқарманг, — шундай дедим-у, меҳмонларнинг юкини зинапоя пастада қолдириб қайтаётган хайдовчига пешвоз бориб, кира ҳақини бердим.

Гулсара кабинага кираётганда атайин кулиб:

— О, боссларнинг мошинаси-ку! Суперволга, — деди. — Эслаб қолинг, жаноб писател!

— Хотиржам бўлинг, — деб эшигини ёпдим. Ойна-сидан боқиб: — Кўришгунча, — дедим.

У кулиб юборди.

— Ёмонсиз...

— Балки номерингизни айтарсиз? — дедим. — Эсон-омон етиб борганингизни билардим.

У яна қаҳ-қаҳ отиб кулди.

— Йўқ. Керак бўлсам, ўзи топсин... Чао. Узр, сизни ишдан қолдирдим.

— Асло.

Шундай қилиб, Гулсара кетди ва орадан бирон ҳафта ўтдим — Таваккалбек Китоб туманидан кўнғироқ қилиб қолди. У ширакайф ва тажанг эди.

Мендан ҳол-аҳвол сўрашни орқага суриб:

— Гулсара тирикми? Кўрдингизми ҳеч?.. Мен боролмаяпман! Ҳар ерда — қурилиш! Бош қашишга вақт йўқ, ука. Лекин у ярамасни бир секунд ҳам унутганим йўқ, — деб савол аралаш гапни қаторлаштириб ташлади.

— Гулсарангиз ўн кунча бурун келиб кетди, — дедим. — Кайфияти ўртача.

- «Келиб кетди?» Дачага?  
— Ҳа. Бир соатча ўтириб кетди... Сизни сўради. Менимча, у билан учрашсангиз ёмон бўлмасди.  
— Телефонига нима бўлган уни? Минг марта кўнғироқ қилдим... Ўша учрашувимиздан бир кун олдин олиб эдим номерини. Телефон қилганимда, тушиб эдим...  
— У квартирасини ўзгартирган, — дедим. — Керак бўлсам, излаб топади, деди.  
. — Шундайми? «Топади» дедими? — ҳовлиқиб сўради у. Хурсанд бўлиб кетганига шубҳа йўқ эди.  
— Ҳе, қисталокнинг қизи... Қувватжон, унақаси битта туғи-лади...  
— Фикрингизга қўшиламан, — дедим.  
— Всё! Мен яқинда бораман. Тошкентда бўлса, топаман уни... Э, сизнинг телефонингиз нимага зайнит бўлади нуқул?.. А? Меҳмонлар кўп? Ҳа-а... Бир-икки марта сўраганимда, шаҳарга тушиб кетганлар, дейишди...

## 15

Таваккалнинг «яқинда» деган муддати узоққа чўзилиб кетди: на ижод боғига келди, на сим қоқди. Мен улар икковлоннинг жуда яқин, жуда яқин, ҳаттоки бирга бўлишларини ич-ичимда истаганим учунми, назаримда, улар тил топишгандек, демак (не ажаб!) мени унутгандек эдиларки, бундан ҳам қаноатда эдим.

Бирок кўнглимда гумонлар ҳам кезиб қоларди: «Тил топишолмади - ёв.

Акс ҳолда, дейлик, «яраш-яраш»ни нишонлаш учун ҳам бирров келиб кетишлари лозим эди».

Шундай ўйлашга қандайдир маънавий ҳаққим борлиги учунми, ҳатто Таваккалнинг кўнғироқ қилмагани қандайдир малолроқ келиб турган кунларнинг бирида...

...қалдирғочларим ҳаётида бир ажиб томошани кўрдим.

Қош қорайишига яқин улардан қайси бири ташқарида бўлмасин, албатта «чий-чий»лаб учиб келар, хонани шифти остида бир айланиб, тупукда ийлаб ва сомон қипиқларини қўшиб «пишитган» лойларидан ясалган қаттиқкина чипор иннинг лабига кўнар, хўрак келтирган бўлса, тумшуғини очиб шеригига тутар, агар шериги илгарироқ кириб ўрнашган бўлса, бир-икки сас чиқариш билан қаноатланар ва ўнг келган жойга қўниб, тунни ўтказарди. Гоҳо иккаласи ҳам ташқарида бўлишса, кетма-кет учиб келишар, шунда, тасаввур этингки, сап-сарик тумшукчаларини борича очган жўжалари чийиллашиб қарши олишар, ота-она уларга навбат билан емак беришарди.

О, буларнинг ташвишлари!

Гўёки бор бисотлари — шу болаларию барча хатти-ҳаракатлари — уларнинг қорнини тўйдириш ва, демак, учирма қилишдан иборатдек туюларди!

Мен бу ажиб кушларни таниганимдан буён — инок, аҳил, бир-бирига меҳрибон, деб ўйлаб юрардим албатта ва бу борада Гулсара билан ҳам бир оз гаплашгандик.

Йўқ, биродар, буларнинг орасида ҳам худди одамзотнинг эр билан хотини орасидаги...

Бир дақиқа бардош қилинг.

Бир оқшом она қалдирғоч хуфтон маҳали чийиллаб учиб хонага кирди-да, жон ҳолатда оғзини очиб, ўзига чорлай бошлаган болаларига қарамай, қайтиб чиқиб кетди. Бирок, икки-уч дақиқадан кейин яна ўкдек учиб кириб келди-да, тагин хонани айланиб ва асабий чий-чийлаб, инининг қирғоғига кўнди. Кейин болаларининг нафсини қондириб, улар устига астагина ўтди-да, бағрини бериб ётди. Бирок, онлар ўтиб-ўтмай чий-чий этар, унинг зорланаётгани шундоқ би-линиб турарди.

Эркак қалдирғочдан дарак йўқ. (Мен уларнинг жуссаси ва думининг узун-қисқалигига қараб, нари қайсию модаси қайси — тахминлаб билиб олган эдим.)

Бахтга қарши, ҳаво совиб, ёмғир савалай бошлади. Деразани ёпай дейман, аммо эркак қалдирғочнинг келишини кутаман: ҳозир келар, энди келар...

Макиён ҳамон «чий-чий» этади. Энди унинг унидан ночорлик, ожизлик сезиларди.

Шунда кўп тахминларга бордим: «Электр симига кўнган бўлса — тамом... Ёки бирон йиртқич кушнинг домига илиндими? Йўқ, унинг қирғийлар билан ёнма-ён учиб юганини кўрганман... Нима бўлди экан унга? Ҳа-а, шўх болалар рогатка билан... Қайда! Унга сочма ўқ ҳам тегмайди...»

Хуллас, шу кеча деразани ёпмадим. Қалин кийиниб ётдим. Чирокни ҳам ўчирганим йўқ: учиб келиши мумкин. Адашиб қолмасдан инини топсин...

Мен-ку ухлаб қолдим. Аммо она қалдирғоч ухламади ҳисоб: қачон уйғониб кетсам, унинг инграган каби нолаши эшитилар, юлдуз-қуртдек кўзлари йилтиллаб кўринар эди.

Одатдагидек, соат бешларда ўрнимдан турдим. Тонг ёришиб қолган, она қалдирғоч эса, ҳамон... уйғоқ эди. Худди шу маҳалда деразани очардим-у, у (ҳам) емак ғамида учиб чиқиб кетарди. Бу гал жойидан жилмади.

Бир маҳал, сопол чойгумимни сувга тўлдириб, ичига қайнатгични солиб, энди токка улайман деганимда, шувиллаб, ҳа, ўқдек учиб ота қалдирғоч кирди. Кирди-ю, ин лабига қўндим деганда, она қалдирғоч унга шундай хужум қилдики, бир неча патчалари тўзиб кетди. У қочиб, дарпарда илиғлик темирга қўнди. Она қалдирғоч уни қувлаб бориб, тагин бошини чўқий бошлади. Ота қалдирғоч тагин қочиб, совутгич устига қўнди-да, қандайдир қунишиб, бўйнини қисиб тураверди.

Хотини уни роса чўқиди, ҳатто устига чиқиб олиб, елкаларини чўқиди. Эри жим туриб берди. Ниҳоят, макиён толиқди шекилли, эрининг кифтида бир оз туриб, патларини тозалаган бўлди-да, инига учиб чиқди.

Кейин ота қалдирғоч ҳам ўзини силкитиб, қандайдир оро берган бўлиб, «чирқ-чирқ» этди ва уясининг четига чиқиб қўнди. Макиён ҳам «чирқ-чирқ» қилди-да, бирдан учди. Унинг кетидан эркаги ҳам учди. Шувиллаб ташқарига чиқиб кетишди.

Мен лолу хайрон эдим.

Бир нарса шак-шубҳасиз эдики, эркак қалдирғоч кечаси уйга келмай қолгани учун макиёни уни талаган, унинг миқ этмасдан туриб бериши эса — айбини бўйнига олганини кўрсатар эди.

Аммо у тонгда келар экан-ку, нега тунда, тўғрироғи, вақтида келмади?

Биз инсонлар ўзимизча фикрлаймиз, яъни, масалан, «мушуккина йилида бир марта мов бўлади», деб қалдирғочлар ҳақида ҳалигидай, «ўйнашининг уйида қолган», дейишимиз ҳам мумкин. Лекин бу — одамга хос «фикр» бўлади холос... Она қалдирғоч уни «рашк»дан талади, «қизғаниб» талади, дейишимиз ҳам мумкин. Бироқ бу тахминлар бари — ота қалдирғочга тухмат бўлишимиз мумкин... Демак, ўша гап-гап: эркак қалдирғоч кечаси уй(и)га келмай қолгани учун «хотини» дан жазо олди.

## 16

Ушбу воқеадан кейин ҳам ҳафталар ўтди. Табиий, ўз ишим — ёзувим билан машғул бўлиб, Таваккал ака билан Гулсаранинг муносабатлари қандай кечгани (агар учрашишган бўлса) ҳақида ҳам онда-сонда эслайдиган бўлиб қолдим. Бироқ, улар, хусусан, Гулсара ёдимга тушиши замон макиён қалдирғочнинг қилиғи ҳам хотирамда уйғонар, улар билан айниқса, Гулсара билан учрашиб қолсам, албатта «азизим» деб суйгани қалдирғочларнинг бу можаросини айтиб бериш ва уни қандайдир таҳдил этиш, балки у билан Таваккалга тегишли хулоса ҳам чиқариш мумкинлигини ўйлардим.

Зеро, ўзим уларнинг алоқасини қушчаларнинг ўзаро муносабатларига ўхшатолмас эдим.

Бироқ, макиён қалдирғочнинг «эри»га қилган «муомаласи»дан ўзимга тегишли сабоқ олдим.

«Оилам мени эркин — ўз ҳолимга қўйган», деб ҳафталаб уйга — уйимга бормас эдим ва борсам, хотиним гоҳо илмоқди гаплар қилар, мендан нолиган бўларди.

Шунда мен: «Кўйсанг-чи, онаси. Рашк қилиш — бизга ярашмайди. Пироварди, бу — бир-биримизни камситиш бўларди...», дер эдим ва мана шу мантиқий фикрга инонардим.

Қалдирғочларнинг ўзаро алоқалари менга шуни кўрсатдики, рашк, қизғаниш, қолаверса, жуфтидан хавотир олиш ва нолиш — булар бариси тирик жонзотларга хос бўлиб, фақат инсонгина «мантиқан фикрлаш қобилияти»дан фойдаланиб, уни инкор этмаса ҳам, панжа орасидан қараши мумкин экан...

Қисқаси, куз ҳам етиб келди, тўғрироғи, кузга ҳам етиб бордик.

Қалдирғочларим болаларини учирма қилиб, хонамни тарк этиб кетишди...

Дераза яқинидан ўтган симларда сон-саноксиз қалдирғочлар тизилиб ўтиришар, кейин дув-дув учишар, мен азиз ҳамхоналаримни таний олмас эдим-у, шод эдим: яқинда улар узоқ — иссиқ ўлкаларга учиб кетишади. Ва кишни ўша ёқда ўтказиб, баҳорда бизга қайтишади.

Мен эсам — бу ерда туриши яна насиб этса — уларни яна деразаларимни очиб, кутиб оламан...

Воқеадан бир оз узоқлашдим. На чора, бу баҳор қушлари — элчилари ҳам суҳбатларимизга ранг берган, фикрларимизни тиникдаштирган «улфатлар» эди.

Ана ўша қалдирғочлар гала-гала бўлиб учиб кета бошлаган кунларнинг бирида...

...Жумхурият Радиоэшиттириш Қўмитасига бораётган эдим. Анчадан бери ёзаётган қиссам тугагани учун ундан бир эшиттиришлик парча дипломатимда, метронинг Амир Темур бекатида тушиб қолиб, ўша ресторан ёнидаги дарахтзор хиёбондан тез-тез юриб (хаёлимда Таваккалу Гулсара билан ўтирган чоғимиз сурагланиб) бораётгандим, қийшайиб ўсган ёлғиз санобар (сосна) остидаги ёғоч ўриндикда чекиб ўтирган аёлга кўзим тушиб, уни Гулсарага ўхшатдим.

Бирок, бу жувон хийла озғин, тағин — ранги ўчган жинси юбка билан кўйлак кийган, сочини ҳам калта кестирган (ўша кезлар сочи елкасига тушиб турарди), ўтиришида ҳам қандайдир чапанилик бор эди.

Рост айтаяпман, унинг нимасини Гулсарага ўхшатганимни ҳам, унга синчковлик билан қараб олганимнинг ҳам сабабини билмайман: қандайдир туйқусдан кўзим тушган эди. Балки ресторанда ўтирганимизни эслашим бунга сабабдир.

Қисқаси, уч-тўрт қадам босгандан кейин яна унга қайрилиб қараганимни биламан... таниш табассумга йўликдимки, таққа тўхтаб қолдим.

## 17

У — Гулсара эди.

Қандайдир ҳаяжонланиб, нималардандир хижолат тортиб, аммо ичимдагини сиртимга асти чиқармай, хаёл қилингики, у билан куни кеча хайрлашган каби бир қалбаки мамнуният билан олдига йўналдим.

Гулсара, назаримда, менга бошдан-оёқ разм солиб чиқди-да, қандайдир керишиб, ўрнидан турди.

— О, товариш писател!

— Салом алайкум, Гулсарахон. — Унга эътибор беражагимни яшириш учун дарҳол узатилган кўлини олдим. — Саломат бормилар? Юз долларга ўхшаб кетдилар?

— Хў-ў, — дея пичинг қилгандай кулиб қўйди. — Марҳамат, ўтиринг.

— Албатта... Бировни кутмаяпсизми?

— Йўқ, — деди у кескинлик билан. — Шу тротуардан ўтвоссам, ичкарида «Тановар» чалинвоган экан. Битта маймоқ ўйнаётгандир-да, деб тўхтадим. — Кейин яйраб кулиб юборди. — Ўша ўтиришимиз эсимга тушиб кетиб, шўтда ўтира қолдим... Между прочим, ман сизни ху ўтда кўрган эдим. Ўша кишими-бошқами, деб ўйладим... Қарасам — сиз.

— Кейин тескари қараб олдингиз? — Ҳа..

— Биздан бирон гап ўтганмиди?

— Ой, што вм? Так просто... — У менга тик қаради. Овозида сезиларли ҳаяжон билан: — Ўзгариб ке-тибманми? — деди.

— Менимча, йўқ, — дедим. — Фақат бу кийим-бошда биринчи марта кўришим.

— Конечно... Лекин ўзгарганман. Сиз... сиз ҳамма вақт одамни аяб гапирасиз. Бу — яхши одат, лекин баъзан ёлғон сўзлашгайм мажбур бўлсангиз керак?

Мен «айб»имни бўйнимга олгандек бош ирғадим-у, Гулсаранинг бармоқдари беўхшов титраб кетганини кўриб қолдим. Юзига боқсам, пастки қовоғи сал осилган.

— Ҳим, Гулсарахон, шаҳарни соғиниб тушган эдим, рости, — дедим. — Кейин, тасаввур этингики, метродан чикибоқ учовлон ўтирганимизни эсладим.

— Ну и ну!

— Ҳа... агар вақтингиз бўлса, мана шу ресторан остидаги чойхонага кириб, беш минут ўтирсак. Одам кам. Салкин тушиб қолди... Ҳалақит беришмайди.

У менга қандайдир ачингандек қараб турган эди.

— Жоним билан, Қувватжон, — деди. — Сиз яхши одамсиз... Умуман, гаплашадиган гаплар анчагина йиғилиб қолган. Ман бир-икки марта дачайизга бормоқчиём бўлдим. Но... Оёғим тортмади. — Кейин кулиб юборди. — Тузукрок бир вечердан чиққанимда, борардим албатта!

Мен ҳам кулдим.

Чойхона олдидаги ҳовузнинг суви яшил бўлиб кўринар, демак, кўпдан бери суви янгиланмаган, умуман, чойхонадан файз кетиб қолган, бетон устунлар орасидаги кўпчилик столлар бўш, буфетда қандайдир италияча куй ингранар, мутасадди йигит — пештахтага тирсақлаб олган қўнғироқсоч киши



билан эриниб гаплашарди.

Чап томондаги устун панасида турган столни танладим. Буфетга юзланиб, Гулсарадан сўрадим:

— Шампанга қалайсиз?

— О, ўзи-да! — деб жилмайди хоним. — Лекин ҳолингизга қаранг, Қувватжон.

— Қувватжонингизнинг қуввати битта шампанга етар, — дедим-у, илдамладим.

— Иккита фужер, шампан ва гугурт қутисидек бир жуфт шоколад олиб (чўнтакда фақат автобус пули қолиб), келдим. Гулсара менинг аҳволимни сезиб тургандек ийманиш ҳам ачиниш билан табассум қилиб:

— Яхши кунлар ўтиб бўлган экан-у, билмай қолган эканбиз-де, — деди.

Икковлон кулишдик. Шунда... атрофга қараб олганимни билмай қолдим: билсам, Таваккални излаётгандек, у ҳозир етиб келадигандек бир ҳолга тушган эканман. Сўнгра жилмайишни қўймасдан курсига ўтирдим.

Шишанинг сим бўйинбоғини бурар эканман, Гулсара бирданга тошқин ва қандайдир ҳасратли оҳангда:

— Поқиллатворинг! — деб қолди. — Азизим, шундай қилинг... Тўкилса тўкилар. Бир соат, бир минут бўлсаям яйраб ўтирайлук! Окангиз айтганларидай — дунё ўтди-ку... Айтмоқчи, жентельмен оқайиззи кўриб турасизми?

Мавзу дарҳол Таваккалга бурилганидан мамнун бўлиб:

— Йўк. Сизлар учрашиб турсангизлар керак? — дедим. Ва давомини ҳам айтиб юбордим: — Каминани унутишди, деб ўпкагина қилиб юрибман, ҳа.

Гулсара қаттиқ куладиган қаби бошини орқага солди-ю, қандайдир хўрсинди, холос.

— Йў-йўк. Афтидан, у кишигаям ўшанда «алвидо» деганга ўхшаб қолдим.

— Демак, учрашар экансизлар. Менгаям шундай девдингиз, мана, худонинг йўлиқтиргани.

У мужмал бош ирғаб кулди. Шунда шампан тиқини отилиб, поқиллаб кетди.

— Ҳаётнинг ғанимат эканини тушуниб қолдим, азизим, — деди Гулсара фужерни икки бармоғида айлантираркан. — Барча изтироблар, орзу-армонлар — беҳуда экан. Ҳаёт шундай эканки, ҳар қанча осмонларга чиқиб кетма, ўзининг измига солар экан. Кейин сан ўзингга қандайдир...

— Хўш?

— Сўқмоқ танлар экансан... Умуман, манинг омадим келмади ҳеч. Бир ҳисобда шундай бўлиши табиий экан. Чунки ман ҳаётдан кўп нарсаларни талаб этар эдим... Ишонинг, дўстим, Чўлпонмикан, қайсидир бир шоир: «Бу денгизнинг чуқурлигини билмай, қулочни катта отдим мен», деган экан.

— Ҳа..

— Ҳаёт бошқача экан.

— Сиз тушкун гапларни айтяпсиз, Гулсара... Эсдан чиқарманг, эгачи, — сиз тушкун бўласизми, ҳаётни борича қабул қиласизми ёки яхши орзу-истакларнинг қачондир бўлсаям рўёбга чиқишини орзулаб бунга инониб яшайсизми — умр барибир ўтаверади.

— Ай, манинг умрим... умримнинг энг яхши, нури чоғлари ўтиб бўлди, — деди у ва фужерини узатди. Чўқиштирган бўлдик. — Қолгани фойдага қолди. Ўшани яхши ўтказишни ўйлавоқман кейинги пайтларда. Аммо «яхши ўтказиш» учун... Ну и к чёрту! Олдик, азизим! Таваккал оқайиз ҳам қолган умрини яхши ўтказсин... Уники яхши ўтади. Чунки у переживанияни билмайди.

— Менимча, унчалик эмас.

Фужерлар ичидаги «жодугар» камайгани сари суҳ-батимиз қизий бошлади.

Бу орада у жилдини тиззасига қўйиб, ундаги кўзгуга бир-икки марта қараб олди. Кўз жияқларини жимжилоғида артган бўлиб, анчагина қизил сурилган лабларини ялаб қўйди. Назаримда, у вақт ўтган сайин ўзида қандайдир сифатли ўзгаришлар юз берадигандек — шуни умид қилаётгандек туюлар ва кўзгудаги аксидан қаноатда эмаслигини билдириб қўярди.

Кўнглимдан кечган тагин бир ҳолни қайд этишим лозим. Гулсара шу тобда илк бор ресторанда ўтирган ўша майин — уятчан ва ғамгин жувонга деярли ўхшамас, «деярли» деганимнинг боиси — фавқулудда янгроқ кулиб юбориши-ю, шижоатигина уни ғира-шира эслатар эди. Қолаверса, кечаси ижод боғимизга борган чоғидаги киёфаси ҳам деярли ўзгарган, ҳозир у — хийлагина чапани, яъни бетгачопар, қаёққадир кетворишга шайдек — бир жонсараклик унда бор, юзининг бироз чўзилиб, яноқдарининг ботинқираб қолгани ва кўз қарашларида асабий бир изтироб, уйқуга тўймай уйғониб,

уйғотганнинг юзига тарсаки тортиб юборадигандек теран бир ҳолатда ҳам эдики, мен унинг сиймосида одамзоднинг шугина ўтган вақт орасидаям етарли даражада ўзгариб қолиши мумкинлигини кўриб турардим. Ва, ўз-ўзидан маълумки, бу қайдлар бари ичимда эди.

18

— ...«Унақаси битта туғилади» деди, — дея такрорлаб, гапимни давом эттирдим: — Менимча, ўша куни Тошкентга учиб келган бўлиши керак.

Гулсара мийиғида жилмайиб, иягини бошмалдоғида қашиб тураркан.

— Йўқ, йўқ, — деди. — Тоес, у келган. Келган экан! Бизнинг падъездагилардан ҳам сўраган экан мани. Лекин, ман аҳмоқ уларга: «Қатга кетганимни айтманглар», дедим. Чунки оқайизнинг келишини билардим.

— Чакки қилган экансиз-е.

— Айтвомман-ку, жинниман, деб... — Кейин яна лабларида менга таниш ғамгин табассум пайдо бўлди. — Бечора паликлинакагаям борипти. Главврачга: «Гулсарани топиб бермасангиз, хапа қиламан» депти. У иплос қатга ишга ўтганимми билсаям айтмас эди... Худонинг зорини қилиб қутулипти...

— Шошманг-шошманг, сиз ишдан ҳам кетдингизми?

— Ай! — деди у ғижиниб. — Барибир кетмоқчийдим... — Кейин лабларини қимтиди-да, бошини сараклатди. «Ҳозир йиғлаворади» деб ўйладим. Хайрият, унинг овозигина «йиғлар» эди: — Одамми хор қилишади.

— Яъни?

— «Мен билан юргин» дер эди-да-е... Оғзидан қони келсин унақа эркакнинг!

— А-а, паст одам экан.

— Паст... — деб такрорлади-ю, бошини илкис кўтарди. — Таваккал оқайиззи ундан нима фарқи бор? А?.. Хўп, оқайиз — мард, валлават йигит.

— Энди, йигитлик — итлик, деган гапам йўқ эмас.

— Итлик! Топиб айтдингиз... Э, художоним, нимага мундай, а, бу инсонлар? — Унинг сурма тортилган киприклари пирпираб, кўзлари ғилқ ёшга тўлди. — Ахир, шу ишлари билан улар ўзларини ерга уришади-ку? Молдан фарқ қилишмаётганини наҳот сезишмаса?! Йўқ, сезишмайди.

— Шампаннинг кўпиғи учиб кетди.

— Раҳмат.

— Хўш, Таваккал акага келсак...

— Кўйинг ўша кишини... Ўзиям бир таваккалчи экан. — Кейин винодан сипқориб; яна ўйлашиб қолди-да, тиниқ жилмайди. — «Унақаси битта туғилади» дедими?

— Худди шундай деди, — қайтардим жонланиб. — Менимча, у сизнинг қадрингизга энди етаяпти.

— Билмадим-де... Ҳа-ҳа-ҳа! — Кулгиси тўхтамасданоқ тагин ғамгин тортиб қолди. — Ман ҳам ўзимни «битта...» деб ўйлардим. — Менга ялт этиб боқди. — Кечиринг мани. Аҳмоқлик қивомман. Аммо сизга ростини этивомман. Албатта бу — соддалик, жўнлик... Вабше, кўпчилик қизлар ҳам шунақа деб ўйласа керак. — Кейин яна кўзгуга қарайдигандек сумкасини очди-ю, давом этди: — Чесни айтаман: ман ўртоқларим орасида энг гўзали эдим. Кулманг фақат... Раҳмат. Китобий тарбия топдим шекилли, рицарнамо йигитларни орзу қилардим. Албатта, биттасини-де! Ҳа-ҳа-ҳа... Жа очилиб кетвомман. Майли, сиз кулмайсиз.

— Мутлақо! — дедим. — Бироқ, Гулсарахон, сизсиз ҳам сизни бир кўрган киши холис баҳойингизни беради. Онт ичаман, ҳамон жуда гўзалсиз.

— Раҳмат. Лекин кейинги вақтда оздим, кўп переживания қилдим. Жуда... — Кейин шошилиб, айтмаса — эсидан чиқиб қоладиган бир ҳолатда давом этди: — Паликлиникадан кетганимдан сўнг пулсиз қолдим.

— Бошқа ишга...

— Э, ўлиб кетсин ўша иплос. Манга буйруқ чиқарганида, «тани соғ эмас, закритий туберкулёзи бор», деб ёзган экан. Ман ўзимни йўқотиб кўйдим. Йўталиб бор, эскитган бор... Балки ўпкам хастадир. Аммо туберкулёз?! Извените... Японларнинг аппаратигаям тушиб кўрдим. Соппа-соғман.

— Қачондир шамоллагандирсиз-у, асорати қолган бўлиши керак, — дедим.

— Отайизга раҳмат... Лекин у ярамас бир баҳона топиб, мани йироклаштириши керак эди. Чунки, ишонинг, мани кўрса, қалтираб кетовурарди.

— Кўрмайин ҳам, куймайин ҳам депти-да.

— Шу-шу... — Кейин менга бир самимий тикилди. — Ўшанда, ишдан кетган кунларим Таваккал акани ҳар соатда... кутардим. Ўлий агар, рос этивомман. Тагин нимани ўйлардим денг? Ўша главвраччи урдирмоқчи бўлардим.

Иккимиз ҳам мазза қилиб кулдик. Лекин менинг кўнглимда шундай бир фикр ҳам илдиз ота бошлади: «Бу жувоннинг Таваккалда кўнгли бор...»

Ҳа-ха, олдинги суҳбатдаям бир неча марта: «Қанийди...» деган сўзни айтган эди.

## 19

Шу пайт ёнимиздаги эшикдан (шу эшикдан ҳам ресторанга йўл бор) ҳар доимгидай хипча, башан кийинган, кўнғирсоч Ҳусанжон қўлида бир дона нозик чиннигул билан чиқиб кела бошлади. Мен ўрнимдан турдим: айтишим лозимки, бу — зал бошлиғи бошқа мижозлари билан қанчалик яқин бўлмасин, менга бир дўсти каби қарар (бир суҳбатда менинг ундан икки кун олдин туғилганим маълум бўлган, шундан кейин мен унга «Акангизман, ака деб чақиринг», дея ҳазиллашардим ҳам), бир кўрган одамнинг нима касб билан шуғулланишию «соққаси» кўп-озлигини ҳам беҳато айтиб берар, аксари ўрис официантларга бош экани, оврупоча муомалани ўрнига кўйиши ҳам менга ёқар эди.

— Ассалом алайкум! — У гулни хонимга берди.

Салом ҳам кўпроқ Гулсарага қаратилган эди. Биз ўзаро «ўпишдик», яъни, чаккамизни чаккамизга тегизиб олдик. Кейин мен уни бўш курсига таклиф этдим. У ўтирмаёқ кўшни столдан тақсимча олиб, шоколадлар қолдиғини жойлаб қўйди. Кейин шўхгина жилмайиб, фотиҳа ўқиди-да:

— Нега бу ерда яшириниб ўтирибсизлар? — деди. Мен бу саволни «ҳазил» деб ўйлаган бўлсам ҳам:

— Кимдан? Сизданми? — дедим. Шунга Гулсара ҳам каминани қўллаб тушди.

— Биз ошини кўчада ичадигонларданмиз, ўртоқ завзал!... Хўш, бойвачча клиентингиз келдими яқинда?

Мен буларнинг, ҳарқалай, танишганларини, ўрталарида Таваккал ҳақида гап бўлганини ҳам тусмолладим. Ва миямнинг қандайдир орқа томонидан бир ўй ўтди: «Гулсара ким-кимлар билан ресторанга кирган бўлиши мумкин?»

— Клиентим, — дея қизғин табассум қилди Ҳусан, — мана, икки минут олдин шу ерда эди.

— А? — Мен ўрнимдан туриб кетаёзим. — Ҳозир қаерда? Шу ерда бўлса, топиш керак!

— Назаримда, кетди-ёв, — деди Ҳусан тепага, иккинчи қаватда жойлашган ресторанинг деразаларига қараб. Битта ҳамроҳиям бор эди. Рашёт қилди-ю, холга чиқди. Сал оқсаброқ кўриндилар... Нима, келганидан беҳабармидинглар ?

— Дўстим, уни топиш керак, — дедим. — Менга сув билан ҳаводек зарур.

— Ҳа, бир кўрсак, ёмон бўлмасди, — деди Гулсара ҳам хаяжонини босиб. — Шўтда тунадими кеча? Қачон келувди ўзи?...

Мен унинг ўзини тутолмай қолаётганини сездим: шунча саволни қаторлаштириб ташлади.

— Соат ўн бир яримдан буён ўтиришувди, — деди Ҳусан ўрнимдан туриб. — Абеддаям бўлишди... «Тановар»ни, билмадим, неча марта чалдирди...

Ҳусан тез бурилиб кетди. Мен Гулсарага қарадим.

У карахт тортиб қолган, кўзларида зса яна... йилтироқ шуълалар пайдо бўлган эди.

— Гулсара, менимча, у сизни севади, — дедим. — Кечирасиз, севиб қолган бўлиши керак.

— Ерунда, — деб юборди у бирдан. — У одам аёл кишига перчатка деб қарайди.

— Ў, хато қиляпсиз, — дедим. — Тўғри, уни бу йўруғда «оппоқ» дейиш мумкинмас.

— «Оппоқ?»

— Кечирасиз, шу сўз тилимга келиб қолди... Лекин, у аёл кишини ҳурмат қила биладиям.

— Биламиз, нима мақсадда ҳурмат қилишларини... — Гулсара олдимдаги «Родопи»дан олди. Мен чакмоқ чақиб тутдим. — Тавба, ўзи «сурқаш»лар бир-бирни ҳимоя қилади деб эшитардим бир вақтлар. Узр, улар гуруҳига сиз қўшилмагандирсиз балки... Аммо сиз тарафларда маҳаллийчилик...

— Гулсара, — дедим кескин. — Чалғиб кетяпмиз... У менинг синглимни, тоес, жиянимни ҳимоя

қилган. Ҳим, хотини ҳақида ҳурмат билан гапиради. Сизни эса... — Кейин жаҳлим чиқа бошлади. — Хоним, агар у йигит жувонга... зор бўлганида, ўшанда... ҳар қадамда топарди.

— Бунга шубҳам йўқ.

— Сизни шундан ўша ёққа — Грузияга олиб кетиши, қолаверса, ўша биллур кўзли узукни харид қили-ши...

— Эй, кечирасиз, сиз мани ким деб ўйлавоссиз, — деб қолди у бирдан. — Кўнглингизга олманг, илтимос қиламан сиздан, Қувватжон, ўлай агар... Худо тепамдан уриб, тарикдай сочиб юборсинки, ман биров билан юрмадим ҳеч. Кулиб қараган бўлишим мумкин. Ҳазил-хузул дегандай...

— Ҳим, ишонаман.

— Мани ўша ёққа олиб бориптими, демак, арзиган бўлсам керак? — шундай деди-да, ғурурига қўшиб уялганини ҳам яшириш учун кулиб юборди. — Жичча қуйинг, азизим... келган, кетган бўлса — яхши бўпти.

— У сизни соғинган, — дедим. — Бекорга «Тановар»ни ҳадеб қўйдирмаган.

У менга тикилиб қолди ва:

— Да, это интересно, — деди.

— Шунақа.

— Бўпти, хафа бўлманг.

— Бир-биримиздан ҳеч қачон хафа бўлмаслигимиз учун.

— Яшанг! Хафа бўлишинг ўзи, вабше, фойдаси йўқ, экан... Ўзинг эзиласан. Душманларинг ахволингни кўриб кулишади. Дўстларингни раҳми келади.

## 20

Ҳусанжон шошиб келиб, стол четига кафтларини тираганча:

— Кетиптилар, — деди. — Хизмат қилган официантка такси заказ қилган экан. Кеча бизда ётмаган, администратор билан ҳам гаплашдим.

— Ҳим, ўтиринг... Қаерга кетишганини айтмаган бўлса керак? Такси — шаҳарда қатнайдами фақат ё междугароднийлари ҳам борми ҳозир?

— Ҳозир фарқи йўқ, оқажон, — деди Ҳусан. — Оммо-лекин битта қарз гапни айтиб қўйишим керак... Хоним, сизни икки марта сўрадилар. Илгари келишларидаям сўровдилар. Ман сизни бир бор кўрганимми, сиз ҳам у кишини сўраганизни айтувдим. Ҳу, бирон ойлар муқаддам...

Гулсара мийиғида жилмайиб, секин-секин бош ирғади. Кейин менга қараб кулди.

— Бир марта сўровдим... Шу кўргим келувди-де аблаҳ оқайизни.

— Аттанг-аттанг, — дедим мен. Аммо Гулсара ҳам уни кўришга, дарҳақиқат, умидвор эканига шубҳам қолмади. Бу эса, менинг: «Гулсара ҳам уни севиб қолган», деб ҳукм чиқаришимга асос бўлдики, уларни уч-раштиришни — дўстона бурчим, деб ҳисобладим. (Бироқ «бурч»нинг ижроси яна чўзилиб кетди...)

— Мен тепага чиқишим керак, — деди Ҳусанжон. — Оқамиззи энди қўлдан чиқармайман!

— Омон бўлинг.

— Ичкаригаям кириб турунглар... Маҳаллий клиентлар жа саналиб қолишди. Ҳозир ҳам турислар ўтиришипти.

— Бизгаям навбат келар, — дедим.

— Келмасаям ўксимиймиз, — деди Гулсара. Кулишдик. Ҳусанжон кетди. Мен фужерларга яна шампандан қуйдим. Гулсара чиннигулни авайлаб-авайлаб хидлар эди, дафъатан кафтида қисиб, бурнига босиб турди-турди-да, столга ташлади. Кейин бирдан сергакланиб:

— Қалдирғочлар қалай? Қалдирғочларийиз? — деб сўради. — Бола очгандир?

— Аллақачон.

— Кичкина жишдир?

— Темирқанот ҳам бўлди... — шундай деб, жувоннинг ул мурғак қушчаларга бўлган ғойибона меҳри менга таъсир этиб кетганини сездим: назаримда, у қуш ҳақида эмас, одам боласи ҳақида сўраётгандек эди.

Кейин, иттифоқо: «Э, бу аёлнинг ҳам фарзанди бўлганмикан — бормикан? — деб ўйладим.— Лекин

бунинг қачондир оила қурганига шубҳа йўқ...»

Кейин, шу мавзуда ҳам жилла маълумотга эга бўлишни истаб, тагин қалдирғочлар хақида сўзлашни маъқул кўрдим: шояд мавзу оила хусусига кўчса...

— Кейин учишни ўрганишди. Энди... жануб мамлакатларига учиб кетишади.

— А-а, Грузиянинг устидан ўтишади, — деб хаёлчан жилмайди Гулсара.

— Менинг эшитишимча, Босфор бўғозининг устидан учиб ўтишаркан. Бошқа қушлар — лайлақлар, турналар ҳам... — Унинг миқ этмагани учун яна давом этдим: — Буни билган лочинлар, йиртқич қушлар олдинроқ бориб, Босфор осмонларида учиб юришаркан-да, булар ўтишаётганда хужум қилишаркан.

— Вой аблаҳлар! — Гулсара ҳушёр тортиб кетди. Кейин мижғовланиб давом этди: — Барибир ўшаларнинг ҳаёти — ҳаёт. Нимагаки, дўсти ҳам, душмани ҳам маълум. Турмуш кечиришлари бир изга тушган: ўзгармайди.

— Рост айтасиз, — дедим. — Фақат инсон ҳаётида ўзгаришлар кўп бўлади. Бу ақлли махлуклар бир кунда оила қуриб, иккинчи куни ажрашиб кетишлари ҳам мумкин.

— Оҳ, яхши гап айтдийиз, — деди Гулсара бирдан. — Ажралиб кетишади... — Кейин яна чиннигулни олиб силкитди. Пуфлаб гулбарглари тиккайтирган бўлди-да, туйқус сўраб қолди: — Ман эримдан... Эрим дейишга тилим бормади... Ўша — мани олган шахсдан қандай қилиб чиқиб кетганимни айтиб берайми?

— Ў, Гулсарахон, — дедим. — Шу нарсага қизиққан бўлмасам, ҳар нарса бўлай.. Кечирасиз, мени «кўрқок» дейишади баъзи адиблар. Дангал гапирмаганим учун. Ҳим, биров уриб кетгандаям индамаган пайтларим бор-да.

— Ў, унақа бўлманг, оғажон,— майингина заҳарханда қилди Гулсара.

— Жуда унақаяммасман, эгачим. Шу, «андиша» дегани мени босиб туради.

— А-а, шунинг учун..

— Қулоғим сизда.

## 21

— Мен ўрис мактабда ўқирдим, — деб ҳикоясини бошлади у. — Оилада табиий, ўзбекча сўзлашардим. Тарбиямда, лекин оврўпоча тарбиянинг таъсири бор.

— Оз-моз.

— Анчагина.

— Ҳўп.

— Ўнинчини битирадиган йилим дадам турмушга чиқарди. Ўнни битирса, бирон ёққа — Москопгами, Ленинградгами кетворади, деб ўйладилар.

— Ўзлари нима иш қилардилар?

— Ҳозир айтаман... Лекин кетворишим ҳам мумкин эди. Москва консерваториясигами, Ленинграддаги хореография мактабигами, вобшем, актриса бўлишим керак эди-де... У киши бўлса, раққосаларнинг ўйинларини, ашулаларини жон деб томоша қилардилар, эшитардилару, бироқ ўзларининг оиласидан шундай кипгалар чиқишини сира-сира истамасдилар. Эски ўзбекча одатлардан бас деганча бор эди, раҳматлида.

— «Раҳматлида?»...

— Ҳа, Гдляннинг қама-қамаси вақтида оламдан ўтдилар. Инфарктдан.

— Жойлари жаннатда бўлсин.

— Ҳим, илоҳо... Лекин дадам жуда қаттиққўл эдилар. Шунақа одамнинг қанақа бўлиб бўшлиқ қилганига ақдим етмайди... Скарее всего, ваҳима опкетди у кишини... Биласизми, дадам — суд раиси эдилар.

— А-аа.

— Дадам «беш йил» берган айбдор шахсларни Гдляннинг шайкаси қайта суд қилдириб, «ўн йил»дан бердира бошлади. Манимча, дадамни порахўрликда-ям... — У бирдан уҳ тортиб юборди-да, гижиниб кетиб: — Нега бу нарсаларни айтивомман? — деди. — Ну и к чёрту ҳаммаси! Ман дадамдан розимасман, вассалом! Ҳа-ҳа, азизим, мани куйдирдилар. Хазон қилдилар.

— Эрга берганларими?

— Вообщем-то, да. Сигаретингиз борми?.. Раҳмат, — У шампандан ҳам бир култум олди-ю, соатига қараб кўйди. — Битта жугут ўртоғим чақирган эди... Ничево, ҳали вақт бор. У кутади. Кўпдан бери учрашмоқчийдик. — Кейин яйраб кулди-ю, мискин бир тус олиб, илова қилди: — Икки хонали квартирага алмаштирдиму уч хонамми. Балки... Нима учун, деб ўйларсиз? Манинг уст-бошимга, ўзимми тутишимга қараб, жа бойвучча сатанг, дейиш мумкин... Да-да! Лекин ман иқтисодий қийналганим учун шу ишни қилувдим.

— Лекин, битта кишига икки хонаям бемалол етади... Кечирасиз, фарзандингиз борми?

— Бор эди ҳисоб, ўғил, — дангалига айтди. — Ўтган ойнанинг бошида Сирдарёга чўктирворишипти дўстлари... — Унинг ияги пир-пир уча бошлади. — «Тошканга кетаман, опамми топаман», дер экан... Хайрият, уни тетапоялигида кўрганим. Да, ўша киёфасида қолди. Бу ёғига...

— Пепси опкелайми?

— Шуям бўлади.. Йўқ, ман йиғламайман. Бўлар иш бўлди. Ёмон болаларга қўшилган экан... Бу гапларнинг ҳаммасини манга синглим айтиб берди. Эрим... отинг ўчкур нокас, ҳатто хабар қилмади манга.. Биласизми, унинг ҳам нимасидир дадамга ўхшар эди. Қаранг, бир-бирини топишганини.

— У киши нима иш...

— Прокурор эди. — У энтикиб-энтикиб, шампандан сипқорди. Ўзини босиб олди-да, истехзоли жилмайди. — О, улар ўзларини қандоқ тутишар эди! Силнее мира всего... Шўрлик аристократлар... Бутун ҳаракатлари Оврўпога тақлид эди! Аммо ўзлари — ичларида ғирт жоҳил, консерватив ўзбеклар эди.

— Эрингиз сиздан каттароқмиди?

— О, ўн беш ёш катта эди! Қатдан билдийиз?.. А-а, уларнинг ўтириб-туришини айтдим-а... Ҳа, ўша ўтиришларда манам хизмат қилардим. Музыка кўярдим. Баъзан ўйнаб берардим. Ашула айтган пайтларим ҳам бўлган. — Кўзидан тизилиб ёш чиқиб кетди. — Вей, мани қанақа ардоқлашарди. Ҳаммаси кафтида кўта-рарди, десам ишонувуринг, дўстим.

— Ишонаман.

— Ман, ман... просто учиб юрардим. Ердас эдим. Хоҳлаганимни киярдим, ердим. Тагимда — мошина. Шофёр айтганимми қиларди. Тўғри, мани олиб юришдан завқданарди у кишим. — Гулсара завқ билан кулиб кўйди. — Нотавон кўнгилга кўгир жомашов... А, майли! Ман парво қилмасдим. Кўпинча мактабгаям мошинада борардим. Тўгарак машғулотлари кеч тугайдиган бўлса, мошина мани кутиб турарди. Дадам еру кўкка ишонмасди мани.

— Тушунаман.

— Ана ўша кезларда — зиёфатларда бўлажак куёвтўраям ўтирардилар ишшай-еёб. Дадамнинг шогирди эди ўзи... Кечирасиз, жа чўзвормадимми?

— Йўқ-йўқ.

## 22

— Шундай қилиб, мани ўша махлуққа беришди. — Гулсара ўша «махлуқ» рўпарасида туриптию ундан юз ўгиргандек — кўча тарафга қараб давом этди: — У ярамас мани, ўх-х, домкультурага боришимиям таъқиқлаб кўйди. Биламан, у мани яхши кўрарди. Лекин инсонларга ишонмасди. Дадамдан фарқи шуки, у ҳамон тирик, дадам эса номусдан... Оҳ! — у шошилиб, «Родопи»дан янгисини олди, мен тагин чакмоқ ёндириб тутдим: унинг чалғишини асло-асло истамас эдим. Хайрият, бир-икки бор тутун тортгач, яна давом этди: — Ман: «Дадамга этаман, мени қафасга солдингиз», деб гапировурганимдан кейин яқинимиздаги медтехникумга кўйди. Ҳарқолда, яхши ўқидим. Битиргандан кейин эса, у искирт мани ишлашга қўймаса бўладими...

— А-а, Шўро давридаги ташбех билан айтсак, «феодал» экан, — дедим.

— Сто процент! — таъкидлади Гулсара. Ва ҳорғин тортиб, аллақандай чўкиб қолди. — «Йўқ, ман сиз билан яшолмайман», дедим бир куни... Аниқ эсимда бор: уйда ёлғиз ўзим зерикиб, магнитофонда музыка кўйиб, хиргойи қилаётган эдим, келиб қолди. «Ҳа, кўмсаёпсизми?» деди. «Ҳа, — дедим. — Кўмсаёвман! — дедим. — Чидасангиз, шу!» Шунда нима дейди денг... «Кўчқордек ўғил туғиб берган хотинларга ўхшаб гапирасан-а?» Маникиям тутиб кетди: «Сиз, туғдиролмасайиз, ман нима қилай?»

дедим.

— Тушунолмай қолдим? — дедим. — Боя «ўғлим бор эдим», дегандай бўлувдингиз.

— Ҳа, бор эди, — деди у кескин. — Окасининг ўғли эди. Окаси серфарзанд, лекин камбағал яшарди... Ўшанинг кенжасини олувдик. — Кейин бирдан эри ҳамон қаршисида турипти-ю, мен терговчи каби — менга жаҳл билан уқтира кетди: — У одам илгариям уйланган экан. Аммо фарзанд кўришмаган. Орада гап қочиб, хотини кетворган экан. Ўша бечорани айбдор қилиб... Ў, прокурор деганийиз истаса ҳар қанақа фитна, иғво ўйлаб топиб, бўйнийизга кўйиши ҳеч гапмас. Менга ишонавуринг.

— Ишонаман.

У сигаретни сўриб, ўйланди. Шунда, мени Ўзи кечирсин, Гулсаранинг қандайдир даражада қариётганини сездим. Эшитганим бор: туғмас аёллар тез қартайди, деб. Шунданми ёки изтиробларданми... Бундай десам, бундан беш-олти ой бурун яшнаб очилиб турган гулдай жувон эди...

Кейин эсладим: унинг ресторанга кириб туриши, афти-ю уст-бошининг ўзгаргани, умуман, хулқидаги ўзгаришлари озиб, қовоқларининг осилиб кетиши — булар бари мени айтишга ноқулай бир хаёлга олиб борди.

— Лекин у болакайга меҳрим тупшб қолувди, — деди оҳиста овозда. — Уям мани «опа» дер, манга эргашиб юрарди. Эҳтимол, эҳтимол, шунинг учун ман бир-икки йил яшаб қолдим у ерда... Ҳим, нима деятувдим?

— Шу-шу... Фақат эрингизга ҳалигидай «айб санда» маъносида гап қилган эдингиз.

— Ҳа. — Гулсаранинг чехраси бир зумда очилиб кетди. — Жа чийиллаворди-де... — Кейин ўзича хўп кулди, бошини сараклатди. Кейин бирдан хўрсинди. «Кетасанми?» деди. «Албатта, — дедим. — Ҳозир кетишим мумкин!» Ярамас... Кулди у. «Аҳдинг шунчалик

экан, нега кетмаяпсан?» деди. «Биринчи хотинингизнинг куни бошимга тушиши мумкин, деб кўрқаман», дедим. — Э, этдим-ку, фитнанинг уяси бўларкан бунақа шахслар... Кечирасиз, дадам бунақамас эди.

— Билдим.

— У шўрлик аёл Жиззахданакан. Чегарада уни савдогар деб ўйлашганми, бошқалар қаторида сумкаларини тинтишган. Битта сумкасидан юз доллар чикқан... Ҳа-ха. Сўрашса, аёл «билмайман» деган. Кейин жанобларига қўнғироқ қилишади. Бу кишим: «Ман юз долларимни йўқотувдим», деб жавоб берадилар. Аёл бояқиш ҳибсга олинади. Уф, кейин аблахнинг ўзи уни гўёки авф этиб, озод қилиб юборади. Шу тарика уларнинг ажралиши қонуний бўлади. Эр — оппоқ, хотин — коп-қора.

— Тавба.

— Назаримда, хотинга айтган у: «Бола кўрмаганимизни овоза қилиб юрма», деган.

— А-аа.

## 23

У, пешонаси хунук тиришиб, аммо яйраб кулди.

— Каминаи камтарин ҳам жанобларининг нозик жойига теккан эканман. Бунинг устига, хотинини эслатдим... Жа бўлганича бўлди. Вей, биласизми, мана шунақа бефарзанд эркаклар, айниқса, ўз хотинларига ишонмас экан. Эта правда!.. Да-да... — Бу гапни жиддий айтди-ю, кейин яна юмшади. Ва мени худди сирдош бир дугонаси каби билгандек (энди) шивирлаб давом этди: — Келишайлик, — деди манга. Характеримиз тўғри келмади, вассалом». Ман рози эдим, ўлий агар. Унинг пешонасидан ўпиб олишимга сал қолувди. Аммо миям ишлаб кетди шу пайт. Ҳа. «Уйимизга борганда шу гапни этсам, улар ишонишадими?» дедим. Кейин яна айтдим: «Сиз айтган сабабни айтсам, синглим ҳам мани ёмон қабул қилади. Тушунвоссизми?.. Ўзийиз биласиз, дадамнинг қазосидан кейин ҳовлимиззи тортиб олишди. Синглимлар зўрға уч хонали квартирада туришади. Хўш, бу ёғига нима дейсиз?»

— Нима деди?

Гулсара бошини чайқаб, ўз-ўзидан завқланиб кулди.

— Вей, маккорлик ҳар қандай одамнинг қўлидан келаркан. Ман ўзимми... Нет! Ким билади дейсиз, уни туширмоқчи бўлдимми ёки енгганимми?...

— Лекин шартингизда логика бор, — дедим мен. — Акс ҳолда бир неча йил бирга яшагандан кейин

топилган мол-мулкнинг... хим, барибир фарзандларинг бор экан.

— Азизим, ман унинг давлатига тупураман! — деди Гулсара бирдан. — Ман ҳозир камбағалман... Жуда! Қим, қанақа қилиб кун кечираётганимми ёлғиз ўзим биламан, Аллоҳ билади. Тавба қилдим. Аллақачон дўзах-да жойим тайёр бўлган. — У гангиб, шампандан тагин хўплади. Мен ҳам ичиб, сўрадим:

— Кейин?

— Мана шу, — кўли билан орқа томонни кўрсатди, — уч хонали квартирасини берди. Ўйнашлари билан майишат қиларкан... Ну, я так думаю.

— Ҳмм, шундай қилиб...

— Кўзичоқни еди ўрмонда, — деб қаҳқаҳа отди. Тавба, унинг овозида ҳам кўп ичувчи аёлларга хос хириллаш бор экан — шунда сездим.

У эса қаттиқ кулганидан андак хижолат бўлиб, бирдан соатига қаради-ю, қошлари чимирилиб кетди.

— Сизни ушлаб қолдим, — дедим.

У мен илгари сира сезмаган бетакаллуф оҳангда:

— Ҳа, — деди. — Бир оз кечикдим... — Кейин ғижимланган гулни олди-ю, яна кулди. — Ўзим ҳам шу гулга ўхшаб қолганман... Хўп денг, азизим.

— Йўқ, — дедим. — Кечирасиз, Таваккал ака билан учрашиб қолсам ёки кўнғироқ қилса, нима дейин?

Гулсара худди тўкилиб кетгандай мунғайиб қолди. Кейин бошини аста қимирлатди.

— Билмайман, йўқ. — Кейин ғамгин кулимсиради, — шу пайт ҳозир бўлгандами... — Сўнгра совуқкон бир тарзда қўшимча қилди: — У мани унутди ҳисоб... Да-да, ўтиришимиззи, «Тановар»ни унутмайди, албатта. Тиблисни ҳам. Аммо у аёлсиз турадиган, яшайдиган йигит эмас.

— Энди...

— Хайр, азизим.

— Хўп.

У чиннигулни яна бир-икки бор ҳидлади-да, устун томонга отиб юборди.

Кейин кетма-кет майдонга чиқдик. У метро томонга, мен радио қўмитаси томонга кетдим.

Очиғи, менинг кайфиятим яхшимас эди. Кўнглимда аллақандай — айтиб бўлмайдиган гумонлар.

## 24

Кўнгил сезади, деганлари рост экан (Мен «экан-пекан» каби кашфдан дарак берувчи сўзларни анча қўлладим. Аммо уларнинг — «энди» эканига кўп марта амин бўлганман).

Ўша калдирғочларнинг, тўғрироғи, макиён қушчанинг «рашки» — эрини — «нималар»дандир қизганиши оқибатида олган сабоғим туфайли хотинимнинг айрим ҳолларда тагдор гаплар қилиб қолишини — табиий деб ҳисоблаганим учун уйга ҳам тез-тез тушиб чиқадиган бўлиб қолган эдим.

Қиш. Тошкент қишининг аччиқ совуқлардан кейин келгувчи илимилиқ кунларидан бири эди. Баҳор нафаси эсар, истироҳат боғимиздаги бир неча туп бодом дафъатан гулга кирган, табиийки, уларнинг вақтли гуллаши бизни ачинтирар, айни чоғда кўзларни қувонтирар эди.

Ресторан жойлашган тепалик бағридаги бир неча туп дўланасимон дарахтлар ҳам оппоқ бўлиб гуллаб қолганини кўрдим-у, кайфиятим яна-да кўтарилиб кетди. Кечаси — соат тўққизлар эди, чамамда. Мен метро бекатидан чиқиб, курант томонга бораётувдим, у ердан автобустга чиқиб, Юнусободга кетмоқчиман.

Ўша даҳада қурилган ёзувчилар уйидан менга ҳам беришган, бола-чакам ўша ерда туришади.

Хуллас, метродан чиқиб, кўлмак сувлар ялтираб турган кенгина хиёбондан тез-тез юриб борарканман, анави меҳмон дарахтларнинг гулларига кўзим тушиб, ҳалигидай қувонар эдим. Ва ихтиёримдан ташқари ҳолда — чап тарафимда қолиб кетаётган ресторанинг бўғиқ сасларини ҳам эшитиб, савқи табиий бир тарзда — ароқ, сигарет ва яна қандайдир ҳидларга тўла, нимаси биландир жодугарнинг кулбасидек ўзига тортадиган ўша жой билан боғлиқ хотиралар миямнинг аллақаеридан зув-зув ўтишар, улар орасида, аёнки, Таваккал билан Гулсара хоним дастурхонида ўтирганим ва улар ила боғлиқ хотиралар-да ғира-шира юз кўрсатиб ўтарди.

Ёзувчиликнинг бир ёмон жиҳати шундаки, ҳар дам, сония миянгу қалбингни банд этган асарни ёзиб



тугатгач, сал вақт ўтмай уни изсиз унутасан: бошқа — янги воқеалар сени банд этиб, ҳушингни олади.

Шундоқки, Гулсара билан сўнги учрашувимиздан кейин у билан Таваккал аканинг муносабатларига нуқта қўйилгандек бўп қолган эди: илло, мен уларнинг на бирини кўрган, на бири билан телефонда гаплашган эдим.

Юртга бориш эса мушкул бўлиб кетган, борар бўлсам ҳам Қаршига тушишнинг иложи (маънисиям) йўқ эди.

Қисқаси, уларнинг алоқаларию ўзимнинг иштироким қачондир ёзилган асардек бўлиб қолган эди.

Тўғри, баъзи-баъзида бирон сабаб билан эслаб қолсам, барча воқеа ва учрашувлар лоп этиб кўз олдимга келар, худдики ўша воқеалар ҳозир давом этаётган каби туюлар эди.

Изоҳларни тўхтатдим.

... Ўша хиебон бирон эллик қадамлардан кейин чапга бурилиб, ресторан устидаги баҳайбат меҳмонхонага олиб чиқадиган зиналар пастидан ўтади. Ўнг томон — енгил мошиналар бекати, у ерда кўпинча хорижий тамғали автолар кўп, уларнинг бирлари — ажнабий меҳмонларга қарашли бўлса, бирлари — ўзимиздан чиққан ёш пулдорларга тегишли.

Ана ўша зинапоялару бекат орасидан ўтаётгандим, зинапоя четида кўр тўкиб туришган қизлар кулгиси эшитилди. Мен жилла эътибор бермадим. Чунки бу қизларнинг аксари — енгилеёқ, очиғи, фоҳишалар эканини Хусанбой айтмасидан бурун ҳам билардим. Би-роқ шунда биров йўталиб қолди-ку!

Ялт этиб қарадим: йўтал менга юят таниш эди. Қарасам, «соёвон»ли шапка деймизми, шляпа деймизми, ишқилиб, урфга кира бошлаган антиқа бош кийимли, эгнида ялтироқ чарм плаши бор бир жувон четга бурилиб, энгашиб йўталапти. Тумшуғи узун бир жувон унинг тирсагидан тутиб турипти.

— Гул, Гулсара, — дегани қулоғимга кирди-ю, қотиб қолдим. Кўриниб турибдики, йўтал тутгани — Гулсара, ёнидагиси (талаффузидан маълум) — унинг дугонаси эди. Менинг тўхтаб қараб турганимни кўрган дугона Гулсарага нимадир деб шивирлади. У бошини кескин кўтариб, менга қаради-ю, тикилиб қолди.

Онт ичаман-а: кўзларимиз бир-бирига тўқнашди. Аммо мен қотиб турардим. У эса ўрмон кийигидек мағрур боқаркан, бирдан меҳмонхона томонга бурилди.

Мен аста жилдим, Гулсара эса ўртоғи билан қўлтиқлашганча зинадан кўтарилиб кетди.

Менинг гумонларим ҳақ экан. Аммо эндиам уни тилда очиқ айтолмайман.

## 25

Баҳор ҳам етиб келди. Аммо қалдирғочлар келишига ҳали вақт бор (20 мартдан кейин келишади), шунга қарамай деразани кўпда бекитмайман. Гулга кириб қолган олмазор боғдан қочоқ булбулларнинг сайраши тонгги соат тўртда бошланиши билан уззу кун тинмайди. Тез-тез ёмғир ёғади, баъзан тунлари яхши-гина совуқ бўлади. Кўпинча кўкда булутлар сузиб юришса-да, куёш кўриниб туради: иш столида битадиганларнинг айни мавсуми.

Кечаси соат бирмиди-иккимиди эшигим тақиллаб қолди. Навбатчи йигит экан.

— Телефонга сўрашяпти. Қаршидан, — деди. Шошилиб қуйи қаватга тушдим.

— Қувватжо-он?

— Мен. Бормисиз, Таваккал ака?

— Э, «ака» бўлмай кетай мен, — деди у. Кайфи йўқ эди. — Охири иш олиб кетади бизни... Оёқ синган эди. Мармар қаттиқ бўлади, деб жиягидан бораётсам, кўчиб кетди.

— Шунинг учун кўнғирок ҳам қилолмадингизми? — дедим гина қилиб. — Лекин Тошкентга келиб кетишга ярапти шу оёғингиз... Хусанбойдан эшитдим. Оқсаб келиб оқсаб кетдилар, деди... Бунгаям икки ойдан ошди.

— Қувватжон, ишга берилиб кетиб, вақтида боролмаб эдим дўхтирга. Синган жойни улаган симлари суякка қўшилиб кетган экан. Аперация қилишди...

— Ҳа, омон бўлинг, ака.

— Хайрият, оқсамаяпман... Қайнардаги санаторийда ётиб эдим. Аммо икки-уч марта телефон қилдим. Сизни — «уйига кетишган» дейишди. Яхши бўпти-да, уй, болалар — биринчи ўринда туради... Хўш, хоним тирикми? — жиддий гапдан кейин бу саволга шундай тез ўтдики, асли сўрамоқчи бўлгани шу эканига шубҳа йўқ эди.

Айни чоғда унинг «тирикми?» деган саволини кўпол ёки нописандлик белгиси, деб ҳам бўлмасди: жанубнинг гапириши каминага маълум: кўпинча энг яхши фикрларни ёмон либосга солиб ҳам айтишади. Масалан, Навоий ҳазратлари ҳам ишлатган «ёмоним» — у ёқларда ҳамон амалдаки, «ёмонам яхши экан» деган калима ҳам бор.

Бироқ мен уларнинг муносабатларига нуқта қўйга-ним учунми, Таваккал акадан гинам борлигиданми:

— Тирик бўлсалар керак, — дедим.

— Э, нахотки кўрмадингиз? Бир шаҳарда яшаб... Да-да, тушунаман, — деди кейин. — Лекин мен бир борганимда унинг адресини топаман, деб кўп урундим, ука. Ишлаб кетган жойидагиларни террор қилишимга оз қолди.

— Таваккал ака, сиз уни кўришни истайсиз-а?

— Э, «ми»сини опташланг — Ахир, мен... нима десам экан, кўйинг, у ёғини айтмайин...

— Бўлмасам, Тошкентга келганингизда ўша ресторанга киринг-у, завзал йигит Хусандан сўранг. У айтиб беради унинг...

— Нима-нима? Ресторанга ишга кирганми? Мен андак мулоҳаза қилиб:

— Шунга ўхшайди, — дедим.

Дедим-у, кўнглим ғалати бўлиб кетди; шундай қиз, шунчалик қобилияти бор жувон, шундай покиза, бриллиант узук... Уф! У буюк фожиага йўлиққан эдики, бунга Таваккал ака билан муносабатларининг ҳам таъсири йўқ, деб бўлмасди: ўйлаб кўринг ахир, Таваккалдан совиши (агар совиған бўлса!) менга ҳам тескари қарашига, табиий, бошқа кўп жиҳатлардан ҳам юз ўгиришига туртки бўлмаганми? Туртки бўлгани аниқ.

— Кувватжон?

— Кулоғим сизда.

— Мен эртага етиб бораман!

— Марҳамат.

— Соғлиқ жойидами ўзи?

— Худога шуқр.

— Ҳа, бўлмасам, кўришгунча, Гулсарани топсам... Топаман албатта, дачага обораман.

— Бемалол.

Уни ичимда сўкиб, дастакни жойига кўйдим. Хонага кўтарилдим. Ишим юришмай қолди: билсам, улар учрашувининг нима билан тугашини ҳозирок кутаётган эканман.

## 26

Эртаси куни қаттиқ ёмғир ёғди. «Самолёт учармикан? Учар-ов...» деб, ёғиннинг тинишини илтижо қилиб юрдим. Тасаввур этинг, кундузи ҳам ишим силжимади,

Аммо уларнинг ёнма-ён кириб келишларини энди тасаввур этолмасдим: ахир, Таваккал аканинг «гап кўтармас» йигитлигини яхши биламан...

Гулсарага келсак, у Таваккалга муҳтож...

Кеч тушди. Тун яримдан ошганда, диванга чўзилиб ётдим. Аммо кулоқларим ташқарида...

Иморатнинг кўш табақали ойнабанд эшигининг гурсиллаб урилаётганидан уйғониб кетдим. Деразага қарасам, тонг ёришяпти, булбуллар сайрай бошлаган.

«Ошпазлар келишди, — деб ўйладим. Кейин соатга қарадим, энди тўртдан ошаётир. — Улар бешдан кейин келишади-ку? Ким бўлди бу — шундай пайтда нозик одамлар ҳам ётадиган корпуснинг эшигини бор кучи билан гурсиллатиб ураётган?!»

Шу пайт эшик қарс-курс этиб очилди. Келган киши навбатчи қоровул билан гаплашди. Кейин, бир-икки сония ўтмасидан учинчи қаватга олиб чиқадиган пил-лапояннинг шахдам қадамлардан гуп-гуп этаётгани эшитила бошлади ва мен бемаҳалда келган бетакаллуф меҳмоннинг — Таваккал эканига мутлақ ишондим. Ишондим-у, унинг бунчалик кеч келишини — «бирон хусусий кафедра ичиб ўтирган-да», деб таъбирлаган бўлсам, унинг ёлғизлигини ҳам шу йўсинда тушунган бўлдим.

Алқисса, «улар уришган. Таваккал қандайдир но-жўя ишлар ҳам қилган. Кейин алаmidан маст бўлган, кейин эсига мен тушиб, бу ёққа жўнаган», деган фикрга келдим.

Мен хонам эшигини кулфламайман, шундоқ бўлсада, йўқловчи киши эшикни тақиллатади.

...Қишлоқи ака эшикни тарақлатиб очиб кирди. Мен ўрнимдан туриб кетгандим. Шифтдаги қандил ҳам, стол лампа-чироғи ҳам ёниқ: ерга игна тушса, кўринарди.

Таваккални, айтиш мумкинки, таниб бўлмас эди: лаблари ёрилган, лабининг четларида қон юқи бор, яп-янги чарм куртка остидаги тивит жемперининг ёқаси ланг очиқ — биттаям тугмаси йўқ, юзида ўзидан ўзи кулаётган кишига хос шикаста аламзада табассум жавдираб турар эди.

— Ў-у, Қувватим! — деб хитоб қилди: сезДймки, тилиниям тишлаб олган. — Акангизни табрикланг!

— Келинг, Таваккал ака, — дедим ва не бир хуш истак ила сўрадим: — Нима билан табриклай?

— О-озодлик билан! — деди у. Кейин, лойга бе-ланган туфлисини бир-бирига ишқаб ечиб ташлади-да, хонага кирибоқ мени маҳкам кучиб олди. — Азизим, укам, юртдошим... Акангиз расво бўлди. Ҳаммаси тугади, ука.

— Таваккал ака, ўтирайлик, — дедим. Унинг кайфи бор-у, кишини «қочирадиган» даражадамас эди.

Бунинг устига, бутун бир вилоят йигитларига сўз бермай юрган валлакатнинг бу турқи-таровати-ю, сўзлари мени ларзага солиб юборганки, сабабини тезроқ билгим келарди.

— Раҳмат. Ўтирамиз, — деб мени дарҳол қўйворди-да, диванга гурс этиб ўтирди. — Кечирасиз...

— Шундай гаплар бўлмасин, — дедим узр сўрамоқчилигини англаб. — Ростини, мен сизни кутаётган эдим.

— Мени? Битта ўзимни? — У тилла тишларини кўрсатиб илжайди-да, кейин қаҳ-қаҳ отиб кулди. — Қойилман... Унга — Гулсарага қойилман. Мени яна енгди... Бу сафар маъракадан чиқариб юборди. Кураш тушмайдиган қилиб юборди.

— Бир минут сабр қиласиз, — деб, чойнакни олиб, ваннахонага чиқдим. Идишни чайиб, совуқ сувга тўлди-риб кирдим. Чой қайнатгични солиб, у ёғини тоққа уладим. — Ана энди гаплашамиз... — Унга тикилдим-у, афтидаги ўзгаришлар ҳақида савол бермай туришни маъқул кўрдим: барибир ўзи айтади. — Хўш, бир бошдан эшитамиз-да? Ресторандамингиз? У яна қаҳ-қаҳ отди. Сўнг:

— Милисадан келаяпман, — деди бошини кўтармасдан. — Айб ўзимда...

— Нима қилиб кўйдингиз?

У шифтга қараб, оёқларини чалиштириб олди.

— Самолётдан — охири рейсдан туриб, тўғри ресторанга бордим. Ҳусан бугун ишламас экан. Яъни, кеча, ҳа, кеча... Унинг адресини олиб, уйига бордим. Яхши йигит, дилбар инсон... Менга очиғини айтмади-ю, гапни айлантди: «Севасизми? Уйланасизми?» Яна кўп гаплар... — Таваккал кўзларини йириб очиб, менга тикилди. — «Ҳа — дедим. — Уйланаман, дўстим. Гап тамом...» Мен уни деб... У менинг мана бу еримдан жуда-а чуқур жой олиб қолган. Мен унга... мен уни оддий маржа... Кечирасиз! Хуллас, Гулсарани узоқдан кўрсатишга ваъда берди. Жонимни ҳовучлаб йўлга тушдим. Йўлга тушдик... «Нима гап ўзи? Нима бўлган?» дейман. Гапирмайди. Хўп, ресторанга етиб бордик. — У билагадаги олтин соатига қараб олди. — Хайрият, шуни олишмади милисалар... Борганимизда, соат ўн яримлар бор эди. Мен у ресторанда минг марта бўлганман.

— Биаламан.

— Э-э, суперлюксларида ётганман, жононлар билан... Ўшаларнинг айланиб турадиган жойларини ҳам биаламан. Уч-тўрттасининг телефон номериям бор эди. Бир йил бурунги гаплар бу... Хуллас, Ҳусан жўрангиз мени ресторанининг ичидан ўтказиб, завзал ўтирадиган столга олиб борди-да, аписанкалар билан гаплашди. Кейин йўлакка чиқди. Лифтга бордик. Шу ерда Ҳусан қолди. Мен уни тушундим. Ўзиям айтди: улар ресторандаги интим сирларни ҳеч қачон ҳеч кимга айтишмайди.

— Мен ҳам шу гапни эшитганман, — дедим. — Лекин Ҳусан барибир одамгарчилик кипти.

— Ў-ў, албатта!

— Кейин?

— Олтинчи қаватга чиқсам, дежурни ўтирипти. Бошқа зот йўқ. Бир амаллаб Гулсарани излаётганимни айтдим. «Мая родственница», дедим. Охири, ғаладонини шартта тортиб-да, икки юз сўм ташладим. «Сестричка, скажи...»

—

Менинг назаримда, Таваккал ака Гулсаранинг «аҳволини» эшитиши замон изига қайтиши, яъни Хусаннинг тўмтоқ гаплариданоқ воқеани англаб, унга қўл силташи лозим эди.

Шунинг учунми:

— Хўш, уни топиб нима қилмоқчийдингиз? — деб гапини бўлдим.

Таваккал бир муддат анграйиб қолди.

— Худо урсин, билмайман, — деди кейин. Кейин эса пешонасига қарс этказиб урди.

— Кейин нима бўлди?

— Кейин, — у энди қонталашган кўзларини палосдан узмай гапира бошлади: — Кейин ўша аписанка... э, дежурни улар ўтиришган хонани кўрсатди-да, туя кўрдингми — йўқ, дегандай қилди. «Гап битта!» деб, бордим... — У ўтирган ерида бахшига ўхшаб бир-икки чайқалди. — Вой-вой, боряпман-у, бутун борлигим титрайди. Хеч, хеч қачон бундай бўлмаган...

— Демак, у билан ўтирган кишини урмоқчисиз?

— Ким билади! — деб дўқ қилгандай бўлди. — Ўзим ўзимни тушунмай қоддим... Йўқ, унинг кавалерини уриш ниятим йўқ эди. Ўзи рози бўптими — тамом. Аммо, қизик, ўзини кўрмоқчиман-да! Ҳа-ҳа... Бир кўрсам дейман...

— Қизик.

— Шундай қилиб, эшикни шартта очдим! — У хўрсиниб, тимирскиланиб, ниманидир излади. Мен «Родопи» пачкасини узатдим. Мамнун бўлиб, бирини тутатди. Бир-икки дуд олгач, анча ховридан тушиб, давом этди: — Эшикдан... дежурниларга ишонганлари учунми, эшикни ичкаридан қулфлашмаган экан. Мен, мен... ҳалигидай манзарани кўраман, деб ўйлаб эдим, шекилли. Йўқ, иккови столчанинг икки ёғида ўтиришган экан, энди коньякли румкани кўтариб туришган экан. Мени кўриб қараб қолишди.

Таваккал ҳикоя қиларкан, мени ҳаяжон тутган, ишонишингизни сўрайманки, ёзувчи бўлиб бундай нозик, ҳатто хавфли манзарани тасвирламаган эдим.

— Кейин? — дедим.

— Биласиз, бир жонон билан кетаётганингизда, бошқа бир жонон рўпарангиздан чиқиб қолса, у албатта сизга қарайди. Тўғрими?... Бунинг акси бўлди: мен йигитга қарадим. Бир нозик, галстук таққан, сочларини ўхшатиб тараган, умуман, интилигент йигит эди. Биласизми, мундайларга қўл кўтаргинг ҳам келмайди. Лекин, умуман, биров билан жанжал қилиш ниятим йўқ эди... Қолаверса, Гулсаранинг бу кўчага кирганини Хусан билан гурунганок пайқаб эдим. Ҳа... Лекин шундай қизнинг, шундай мағрур, ҳатто мени назарига илмаган жувоннинг...

— Мен тушунаман, — дедим.

— Йўқ, сиз ҳам тушунмайсиз, — деди Таваккал. Кейин ўйланиб сўради: — Қанақасига тушунасиз?

— Ҳарқалай, ўтмишини айтиб берган... Сизга-чи? Гаграда бўлдинглар...

— Э-э, ўтмишини сўраш... Ўтмиши менга бир капейка эди. Ўзи ёқиб қолганди, холос...

— Аттанг.

— Ароғингиз йўқми?

— Қатдадир бўлса керак... Шишанинг тагида... Ҳа, анави «Морозка»нинг ичида. Ҳозир... Мана, мана, печенье ҳам бор экан. Олинг. Омон бўлинг.

— Раҳмат, ука. Ўзим опкелмоқчи эдим. Милисалар бор пулимни қоқиб олишди. Таксига зўрға етди... Ничаво, эртага топамиз... Э, тонг отиб кетипти!

— Ҳа..

— Ҳим... Шундай қилиб, эркакдан кейин Гулсарага қарадим. Қарадим-у, йиқилиб тушишимга оз қолди. Бошим айланади денг... Мен уни яхши кўрарканман, ука... Йўқ, яхши кўриб қолган эканман. Кейинчалик...

— Тўғри айтасиз. Уям сизни кейинчалик яхши кўриб қолгандек эди.

— Рост билан-а?

— Ҳа, ўзи айтувди.

— Воҳ, воҳ!.. Нега бўлмасам... Ҳим, — у бош ирғаб қўйди. — Ҳа-ҳа, охиригача Гулсара бўлиб қолди у... Лекин битта гапи ўлгунимча ёдимдан чиқмайди! Айтдики...

Мен буларнинг икковининг такдирига яна қизиқиб қолгандим, зероки, булар муносабатларига сўнгги нуқта энди қўйилаётгани боисиданми, Таваккал аканинг Гулсара билан ўша қалтис нозик

дамдаги гап-сўзларини билиб олиш мақсадида яна унинг гапини бўлдим:

— Кечирасиз, Таваккал ака, эшикдан кирдингиз, хўш, кейин Гулсарага кўзингиз тушди-ю...

— Ҳа-ҳа! — деб бақириб юборди. — Вой Қувватжон, қизиқ-а? Ўлай агар... Биров шундай бўлдим деса, сира ишонмасдим. Чунки, биласизми, ука, мен «муҳаббат, севги» деганларига, — у ўқловдек-ўқловдек панжаларини ёзиб кўрсатди, — мана шуларнинг орасидан қарардим. Китобларгаям ишонмасдим. Тўғриси-да... Кечирасиз, сизга тегиб кетмасин. Сиз ишқ-муҳаббат ҳақида...

— Деярли ёзмаганман, — дедим. — Мен билганларимни ёзганман, холос.

— Балли.

— У-чи, у қандай ҳолатга тушди? Сездингизми сал-пал?

— Ҳа, вабше, каллам жойида эди, кўриб турибман уни... У, назаримда, менга тикилиб қолди. Кейин сал-пал кулумсирагандай бўлди-ю, «Сизга ким керак?» деб сўради.

— Шундай деди?

— Ҳа. Мени, умуман, танимайдиган кишидек сўради... Во-ой, ўйинни билади десам, актёр экан!

— Балки бу актёрлик эмасдир, — дедим менга ҳам тескари қарагани эсимга тушиб.

— Ахир... — Таваккал яна бошини эгиб қолди-да, бутун танаси билан ирғалди. — Сиз ҳақсиз, ука. Мен унга бегона эдим энди. Қойил.

— Сўнгра сиз нима дедингиз?

У яна коматини ростлаб ўтирди.

— Нима дер эдим. «Сизга бир оғиз гапим бор эди», дедим. Ҳатто йигитга қараб, узр сўрадим. Йўк, рухсат сўрадим. У бечора елкасини қисди.

— Кейин?

— Кейин Гулсара... «Мен сизни танимайман», деди... Қувватжон, ўша пайтда орқага қайтишим керак экан. Аблахман-да, иним! Аблахман... Балки шу тариқа ундан айрилишни истамагандирман? Шу-пгу. Уни қолдириб, орқага бурилсам, нима бўларди?... Нима қилардим? Ўзингиз айтинг...

— Хўш, кейин?

— Кейин... — У сийрак, жингалак сочли бошини кафтлари орасига олиб, яна бахшинамо чайқалди. — «Кел бу ёққа, мен сени опкетиш учун келдим», депман... — У бошини яна илкис кўтарди. — Шундай дедим. Шу гапим рост эди! Тепамда Оллоҳ бор, гапим рост эди... Ўзим ҳам уни бу ердан олиб кетиш учун келганимни ўша пайтда билдим...

Мен иттифоқо кўнглимда бир мамнунликни туйдим. Хорижий адабиётнинг айрим машхур асарларида, масалан, фоҳишага ёки лўлига ўйланган «шаҳзодалар» тасвири бор.

Таваккал «китобларгаям ишонмайман» дегани каби мен ҳам ўша қаҳрамонлар ҳаракатига ишонмас эдим-у, инкор ҳам этмас эдим.

Рўпарамда ўтирган бир чапани ўзбек йигитнинг фоҳишалик кўчасига кирган бир қизга бўлган муносабатини деймизми, севгисиними, хуллас, биз — хом сут эмган ёзувчилар ҳам инсон руҳидаги бу сингари ўзгаришларни англашга ожизлик қиламиз, албатта.

Алҳол, мен Таваккални сўнги гапини эшитиб, қал-бимда ажиб бир мамнуниятни туйдим. Туйдим-у, Гул-саранинг нима деб жавоб бергани мени оҳанрабодек тортиб:

— У, у нима деб жавоб қилди сизга? — дедим.

Ажабо, Таваккалнинг ҳам чехрасида бир майин табассум ёйилган эдики, қандайдир ҳасратли йиғининг сиртки ифодасига ўхшарди.

— «Энди кечикдингиз», деди. Ҳа, ҳалигина «сизни танимайман», деб турган хоним энди шу гапни айтди... Анави кавалерига таъсир қилишиниям ўйламади.

— Яхши.

— Сираям кеч эмас, Гулсара, дедим мен. Кейин мен ҳам очиғига ўтганимни билмай қолдим: ахир, сир очилган эди. — Мен сизни яхши кўраман, — дедим. Аллақачон яхши кўриб қолган эканман-у, билмай юрган эканман, — дедим. — Ишонинг, Гул... Мен, мен ҳам кўп аёллар билан юрганман. Хўп, сиз ҳам... Нима бўпти? Гап бунда эмас-ку?

— Хўш? У...

— Ярамас йиғлаб юборди-де... Вей, ичкарига қандай отилиб кирганим эсимда йўк.

Таваккал ўрнидан ирғиб туриб, айвонга очиладиган эшик олдига борди. Сўнг эшикни ланг очиб, негадир курткасини ечди-да, диванга отди.

— Ҳе, бу дунёнинг онасини... Пуф-ф. — Сўнг менга кескин қайрилди. — Қаранг, ука, гап нимада-ю, мен нимани сўкаяпман... Аҳмоқлик шу-да.

— Сиз хонага отилиб кирдингиз.

У бош ирғаб, яна диванга чўкди. Ва қолган гаплар-ни, яъни, воқеани қандайдир ҳиссиз бир оҳангда тезгина айтиб ташлади:

— Унинг билагидан ушлаб тортдим. Йигит бир нима деб эди, унга мана бу кўлимни чўздим. «Оғзингаи юм», дедим шекилли. Гулсара додлаб юборди. Қаранг, Мен тек туриб қоддим... Шунда иккита милиса пайдо бўлди. Ўзимча ўйлайманки, ҳалиги дежурни хотин чақирган. У билан гаплашганда, важоҳатим ёмон эди, шекилли. Ким билади, ўзидан кўрққанми...

— Шу гапингиз тўғри, — дедим. — Сизни опке-тишдим, Таваккал ака?

— Ҳа, албатта... Анави сўтак ҳам бир нима деди мелисаларга. — Лекин Таваккал менга яна хўрсиниш ифодаси каби бир нигоҳ билан бокди, — Гулсаранинг гапи гап эди. «Бу одам номерга бостириб кирди. Биз танимаймиз. Афтига қаранглар, ғирт маст», деди. — Таваккал қаҳ-қаҳ отиб кулворди. — Ичмаган эдим. Бир грамм ҳам... Гулсарага қараб кулдим. У креслога ўтириб, яна йиғлай бошлади. Биласизми, унинг бу галги йиғисиям бошқача эди... Энди охири гапини эшитинг. Милисаларнинг олдида «Бу одамни биз танимаймиз», деб турган жувон йиғлаб туриб: «Мани эсдан чиқаринг, Таваккал ака. Бўлар иш бўлди. Сиззи кўчайизга бегонаман. Манинг йўлим бўлак энди. Тамом», деди.

— Сиз лол-ҳайрон...

— Ҳа, милисалар мени итариб-итариб чиқаришди. Каридорга чикқанда, биттасининг кулок-чеккасига кўйиб юборибман... Бандитлик-да. Лекин мени милиса зоти туртмаган эди, қамокда ётганимдаям... Ҳа-е...

— Кейин?

— Нима бўларди. Шуниси шайтонлаб қолди, униси чошиб бориб, дежурнининг телефонидан званит қилди... Менга ҳамма нарса барибир эди. Ҳей, ундаи жойдаги креслога бориб ўтирдим. Беш-олтитаси келиб эди, мен айтдим: «Тегманглар, қўл тегизсанглар, чаток бўлади. Хоҳлаган жойларингга ўзим бораман», дедим. Улар ҳам қандайдир ишонишди. Энди ишонмасаям бир-иккитасининг жағ-пағи синар эди.

— Кейин милисахонада уришди?

Таваккал бош ирғади.

— Ҳа..

— Кейин?

— Экспертиза қилишди. Тарсаки емаган милиса — одам экан. Гулсаранинг охири гапларини айтиб эди, тушунишди... Каттаси тушунди. Лекин формадаги милисани урганим учун товон тўладим ҳисоб. Бор пулимни бериб қутилдим...

— Пулсиз чиққан бўлсангиз, нимага ичдингиз?

— Ҳа-я. — Таваккал ҳорғин кулиб, тикилиб ўтирди. — Ҳусанбой йигит экан. Отделениядан чиқсам, кутиб турипти мени. Кучокдашиб кетдик.

— Кейин кафега бординглар?

— Ҳа, уйига яқин жойда битта хусусий ошхона бор экан. Мени меҳмон қилди. Уни кадрланг, Қувватжон... Хўш, бор гап мана шулар, ука.

У яна ирғиб, ўрнидан турди-да, курткасини эғнига ташлаб, айвонга чикди.

Мен ҳам чопонимни елкамга илиб, унинг ёнига борсам, шундоқ рўпарамизда ой, ха, ранги ўчган тўлин ой турибди.

— Кўряпсизми? — деди Таваккал. Мен уни боғни томоша қилаяпти, деб ўйлаган эсам-да:

— Нимани? — дедим.

— Ойни-да, э, ёзувчи, — киноя қилди Таваккал. — Булут тўсди.

— Ҳа-ҳа. Ҳозир ўтиб кетади. Ой яна кўринади... Каллангизга бирон гап келдими?

— Ўзимни шу қора булутга ўхшатдим. Ойни нима десам экан, келинг, муҳаббат деб атайлик... Ҳа-

ха-ха! — Кейин ғамгин тортиб қолди. — Шу ўтди-кетди. Билмай қолдим... Худди умрга ўхшайди-я муҳаббат ҳам. Ўтганини билмай қоласан... Бўпти, энди менга жавоб берасиз, ука. Шаҳарга тушиб, танишлардан уч-тўрт сўм қарз олайин. Кейин тўғри Қаршига!

Мен қаттиқ ҳаяжонга тушиб қолгандим: ахир, ушбу воқеага — Таваккал аканинг Гулсара билан муносабатига, боринги, боринги, қисматларига беихтиёр сўнгги нуқта қўйилган, бунда, айниқса, ўзининг «моҳияти» очилиб кетган эди.

Шуни идрок этдим-у, ишонинг, шунақаям майин тортиб, мамнуниятга тўлдимки, ундан кейинги гап-сўзлар қулоғимга кирмай қўйди.

Лекин Таваккал аканинг сўзларини эшитардим, муносабат ҳам билдирардим.

— ... Намгарчиликда оғрийди.

— Иссиқ тутиш керак.

— Ваннада иссиқ сув борми?

— Бир оз оқизсангиз, келади.

— Қувватжон, вақтингиз бўлса, мен билан чиқмайсизми?

— Сизни кузатиб қўяман.

— Раҳмат.

1996